





САЪДУЛЛА КАРОМАТОВ

---

# ОЛТИН ҚУМ

РОМАН

ДТО1610

Тошкент  
Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
1980

ББК 84Уз

К 25

К  $\frac{70303 - 124}{М352 (04) - 80}$  4702057020

©Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980 й.

## ОЛТИН СУЗ ИЗЛАБ

Тоғ бағри, ер қаъри сирлари, бойликлари, турфа ва ноёб ажойиботларининг мафтунли, шайдолари бўлган геолог олимларимизнинг саргузаштнома суҳбатларида, илмий йиғинларида, давра ўтиришларида бўлиш насиб этган. Геолог олимларимиз орасида бадий ижодда қалам тебратиб, прозада, кинодраматургияда бинойидек асар яратган дўстимиз билан бўлган ҳамкорлик ҳам мароқли, ҳам ибратли. Ёхуд наинки ўзи бадий адабиётга муқкасидан кетган, ҳатто болаларига бу одатини сингдира олган яна бир академик-геолог дўстим бор, унинг ҳар галги сафари ҳақидаги ҳикоясини эшитишни орзиқиб кутасан киши. У ана шу сафарларида тоғ-тошлар, адир-даралар бағрида, сокин тун оғушида бадий асарлар ўқишни, ундан олам-олам завқ олишини бир чеккадан айтиб берса, ўзига мафтун қилиб қўяди кишини. Табиатга, еру кўкка, тоғу сой, дарёю жилғаларга, гўзалликка шунчалар шайдолигидан бўлса керак, ер қаъри тилсимотига шайдолиги деб ўйлайсиз беихтиёр.

Қай бир сафарида, тоғ ёнбағрида, сутдек ойдин кечада приёмникка қулоқ тутиб, инглиз тилида берилаётган адабий эшиттиришни илғаб қолади. Радиони дурустроқ созлаб, овозини тиниклаштириб қараса, Англия радиостанцияси ўзбек адабининг романидан парча эшиттираётган экан. Тун, бепоён тоғу адр, яланглик, кўкда юлдузлару ерда ёнбошлаб, приёмникка қулоқ қоққан танҳо геолог олим...

Чиндан ҳам геолог бўлиш — бу шунчаки тоғу тошлар, қумтепалар, далау даштлар кезиш, маъдан ахтариш романтикасининг ўзигина деган гапмас. Бутун вужуди, фикри ўйи, ихлос ва ўмиди билан табиат оғушида бўлиш, демакки, ҳаёт гўзаллигининг мафтунли, шайдоси бўлиш деган гап. Геологларимиз курсатган сон-саноксиз жасоратларнинг замирида ҳам худди мана шу шайдолик ётса керак.

Шуларни ўйлаб, геологларнинг, айниқса, сафардан қайтган чоғларидаги жисмоний ҳорғин, руҳан ниҳоятда тетик, соқол-мўйлов босган кипқизил юзларидаги мамнун жилмайишида, коржомога қўнган ва унга ярашиб турган йўл чанги, инсон қадами етмаган заминни қазиб, кавлаб, титкилаб кўрган асбоблар, рўзғор-тирикчилик буюмлари ортилган от-улов ёхуд машинани кўз олдингизга келтирсангиз... булар ҳаммаси қандайдир сеҳрли, сирли тилсимот бўлиб кўринади, негаки, бугун-эрта худди мана шу киприкдаги гард билан халтадаги жажжи болғача иккови қўшилиб янги кон, янги маъдан, янги металлни топганликларини, уни асрий уйқусидан уйғотиб қайтганликларини маълум қилишади...

Бир ижодкор қатори шулар ҳақида, ажойиб геологлар ҳақида, айниқса, олтин изловчилар, уни топганлар ҳақида ўзбек адабиётимизда кўзга кўринарли бирон асар йўқлигидан афсусланиб, шундай асар ниҳоятда зарурлиги, биз адиблар, геологларимиз олдида қарздор эканлигимизни ўйлардим. Чиндан ҳам. Маъданларнинг ҳамма тури, ноёблари, олтингача мана шу ўзимиз яшаб турган замин қаърида яшириниб ётган бўлса, буни ўз олимларимиз топишса-да, ўзбек адабиётимизда бирон-бир асар бўлмаса...

Ниҳоят бўлди, асар яратилди. Қўлингиздаги роман худди ана шу геологларимиз — олтин изловчилар ҳақида. Ҳам ҳамкасаба, ҳам китобхон сифатида мени аввало шу асарнинг яратилиши қувонтирди. Худди шу қувонч ва қаноатимни Сиз азиз китобхонлар билан баҳам кўрмоқчиман.

Улуғ Ватан урушининг оғир кунлари. Ўзбекистон урушдан узоқда бўлса ҳам унинг бари тегмаган, нафаси кирмаган хонадон йўқ. Бировнинг ўғли ҳалок бўлган, бировнинг оила бошлиғи бедарак йўқолган. Вақт оғир, асаблар таранг. Аммо ҳеч ким ғалабага шак-шубҳа қилмайди. Қимирлаган жон борки, душман устидан ғалаба қозонишга қўлидан келганча, ҳисса қўшишга уринади. Фронтидан яримжон бўлиб қайтган собиқ жангчими, ёши бир ерга бориб қолган кекса чойхоначими, фарзанд доғида куйиб адо бўлган кампирми, ҳар ким душманга қарши қўлидан келганча кураш олиб боради.

Шерали айни кучга тўлган йигит. Аммо уни фронт учун яроқсиз деб топишади. У бундан изтиробга тушади. Фронтига бор кучи билан ёрдам бергиси келади. Худди шу пайт Шерали билан унинг дўстларига ниҳоятда муҳим вазифа — Урта Осиёдаги қимматбаҳо металл маъданларни топиш вазифаси юклатилади. Шерали бу ишга жон-дили билан киришади. Қаҳрамонлар ўртасида бир ўринда шундай гап-сўзлар бўлиб ўтади:

«— Балли, Шерали, худди шундай, қидирув ишларини олиб боришимиз керак.

— Бордию ҳеч нарсa тополмадик. Унда-чи?

— Унда бошқа жойдан иш бошлаш керак.

— У ерда ҳам маъдан бўлмаса-чи?

— Учинчи, тўртинчи, бешинчи жойга! Қидирган маъданни топмагунча излашимиз керак».

Қаҳрамонлар ана шундай қатъият билан ишга киришадилар. Бу уларнинг Ватан олдидаги, ўз виждонлари олдидаги, қолаверса, геология фани олдидаги бурчи. Албатта, табиатдан маъдан излаш осон иш эмас. Лекин асар қаҳрамонларининг олдида турган машаққат фақат шунинг ўзинигина эмас. Улкамиздаги олтин бойликларини ота-боболаримиз аллақачон олиб бўлишган, деган фикрга маҳкам ёпишиб олган олимлар бор. Улар мана шу фикрни қурол қилиб ушлаб олганлар. Гуреев, Оғажон сингарилар эса шу йўлдан боришади. Албатта, кўзга кўринмай турган, топиш қийин бўлган нарсани йўқ дейишдан осони йўқ. Уларнинг бу фикри асосли туюлади. Оғажонга ўхшаганлар бу фикрни илм деб ҳисоблайди. Уни исботлашга уринади. Аммо ҳамма гап шундаки, Оғажон сингари одамлар илм-фанини халққа хизмат қилдиришни эмас, ўз манфаатига бўйсундиришни истайди. Унинг учун манзилга тезроқ етишдан каттароқ мақсад йўқ. Тўғри йўлдан борадими, эски йўлданми, олимлик дипломини осонроқ қўлга кирийтишса, бас. Ҳафиз Мирзамухамедович, Павел Иванович, Шерали Алиевич сингарилар эса ҳар қанча қийин бўлмасин, эл-юрт манфаатига мос келадиган йўлни танлайдилар. Бу курашдан чекинмайдилар. Бу йўлда ғалабага эришиш учун эса маъдан излашдан кўра қолоқ фикрга ёпишиб олганлар билан курашиш қийинроқ. Шунинг учун ҳам бир жойда Павел Иванович ўз шогирди Шералига шундай дейди:

«— Уша, қўштирноқ ичидаги дўстларга тушунтиришининг ҳам, уларга юқори ташкилотлар орқали тазйиқ ўтказишининг ҳам ўзи бўлмайди. Сен қандай куч билан уларга хуруж қилсанг, улар ҳам сенинг қаршилигингга тенг куч билан жавоб қайтаришади».

Ана шундай олишувлардан кейин Шерали ва унинг дўстлари оғир ва узоқ давомли изланишларга киришадилар.

Шундай қилиб, йиллар мобайнида олиб борилган машаққатли изланишлар, ниҳоят, ўз натижасини беради. Шерали ўзи излаган маъданни топади. Аммо, у қувончдан осмонга сапчиб кетмайди. Негаки у изтироблардан кўз ёши қилмасликка, тушкунликка тушмасликка, қувончдан дарров қаҳқаҳа урмасликка ўрганиб қолган. Ёзувчи мана шу ҳолатни жуда табиий тасвирлайди. «У энди минераллар чиққан-чиқмаганини уларнинг вазни ва ҳидига қараб билиб олишни мўлжалларди. Ишни бўшаштирмай давом эттирди. Орадан уч соатча ўтди. Энди Шерали ҳеч нарсга эътибор бермас, ҳар замонда чўкин тушаётган жойда тўпланиб қолаётган тошларни чеккага олиб қўйиш учунгина тинарди. Шерали ишни жадаллаштирди. Қоронғиликда чўкин гоҳ пастга қараб тушар, гоҳ мўлжалдагидан каттароқ тошга илиниб, кўчиришга қўрби етмас. Шерали эса теглаб

кетганига қарамай, уни жон-жаҳди билан кўтариб урарди. Шу алфозда орадан яна беш минутча ўтган эди, чўкинни урган сари димоғига саримсоқ ҳиди анқий бошлади. Бошда Шерали чарчаганидан бунга ортиқча эътибор бермади. Аммо энгашганда ҳид кўпаяётганини сезгач, чўкинни улоқтириб, чўккалаб ўтириб олди. Ҳозиргина чўкин тушган жойдан икки-уч бўлак тош олди. Тошлар оғирликдан қўлни паства тортарди. Улардан бирини бурнига олиб борди. Саримсоқ ҳиди тошдан келаётганига ишонч ҳосил этгач, ҳовучида маҳкам қисганча ўрнидан турди. Яна ҳидлади. Унинг шу дақиқадаги лаззатини ҳеч нарса билан таққослаб бўлмасди. Шу тобда биров: «Дунёдаги барча муаттарликлар ичида энг муаттарроғи нима», деса, у иккинланмай, қўлидаги тошни узатган ва «саримсоқ ҳиди» деган бўлур эди. Шерали чўнтагидан дастрўмолини олди. Қўлидаги жавз-з олмасидай келадиган икки тошни авайлаб унга ўраб, ён чўнтагига жойлагач, қўллагини кийди.

Бу сатрларни ўқиганда ёзувчининг ўзи тасвирлаётган мавзуини ниҳоятда синчиклаб ўрганганига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Муаллиф геологлар ҳаётини ипидан-игнасиғача кузатган, тоғ-тошларда ўз қаҳрамонлари орасида узоқ ва машаққатли йўллар босган. Шу боисдан, асар қаҳрамонларининг мураккаб тақдири ҳам ўқувчини ишонтирибгина қолмайди, қаттиқ ҳаяжонга солади. Бир қарашда Шералининг қисмати шу қадар мураккаб туюладики, киши унинг барча синовларга дош берганига ҳайрон қолади. Шерали ёш болалик чоғидаёқ отасидан жудо бўлади. Ёқубга ўхшаш устмонлар чангалига тушади, болалар уйда тарбияланади, машаққат билан ўқиб илм олади. Ниҳоят, ҳаётда ўз йўлини топиб олгандек бўлади. Худди мана шу тақдир кўчалари уни қийинчиликлар олдида чекинмасликка, ўз мақсади сари қатъият билан интилишга ўргатади. Унинг ҳаётида хушнуд кунлар бошлангандек бўлади. У Сабогулни севиб қолади. Бу — Шералининг илк, покиза муҳаббати эди. Бироқ бу сафар ҳам қисмат унга кулиб боқмайди. Сабогул унинг муҳаббатини рад этади.

«Узингиздан қолар гап йўқ. Одамларни биласиз. Бу ёқда бобом раҳматлик ҳам ўша сиз кетган кезлари қон-қақшатиб йиғлатдилар мени. Борди-ю, турмуш қурадиган бўлсанг у дунёю бу дунё сендан рози эмасман дея, каломулло ўрсин, деб қасам ичдилар».

Албатта, Сабогулнинг туйғуларини занжирлаган нарса фақат бобосининг насиҳатигина эмас. Бу ерда бошқа, чуқурроқ маъно бор. Сабогулнинг қисматини қора қилган, Шералини муҳаббатидан жудо этган нарса — уруш. Шу боисдан, Сабогул севгилисига шундай деб хитоб қиладди: «Нима қилай, Шерали акажон! Айтинг! Юрагим ўртаб ёняпти. Лаънат ўша мени бахтиқаро қилган урушга, минг лаънат!»

Эҳтимол, ҳаёт ҳақида енгилроқ ўйлайдиган баъзи китобхонлар учун Шерали билан Сабогулнинг муносабати эришроқ туюлар. Сабогул ўзи севмаган одамга турмушга чиққан бўлса, эри урушда ҳалок бўлган бўлса, Шерали уни дилдан яхши кўрса, уларнинг муҳаббатига нима монелик қиладди? Муҳаббатни енгил тушунадиган, севгини пайпоқдек осонгина алмаштирадиган аёллар учун Сабогулнинг ҳаракатлари ғалати кўринади. Лекин ҳамма гап шундаки, бизнинг Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабамизда хотинларимиз, оналаримиз, опа-сингилларимизнинг садоқати жуда катта роль ўйнаган. Жангда юрган аскар хотинининг садоқатидан руҳий мадад олган. Сабогулга ўхшаш аёллар эрига севиб турмушга чиққанми-йўқми, бундан қатъи назар, эрининг эл учун қон кечиби юрганини яхши ҳис қилган. Ҳатто ўлиמידан кейин ҳам унга содиқ бўлиб қолишни ўзининг виждон бурчи деб ҳисоблаган. Муаллиф Сабогул қисматида худди мана шу ғояни тараннум этишни мақсад қилиб қўйган.

Ниҳоят, Шерали дўстларининг маслаҳати билан Мунира исмли қизга уйланади. Ёзувчи бу ўринда Мунира тасвирида ҳам, Шералининг унга бўлган муносабатида ҳам ортиқча бўёқларсиз, ғоят табиий йўлдан боради. Шерали қизга кўнгил қўйиб, дилдан севиб қолди деб бўлмайди. Шу билан бирга унча кўнгил қўймай, севмай турмуш қурди деб ҳам бўлмайди. Уларнинг яшаш-туришлари бир маромда кечади, бола-чақали бўли-

шади, Шералидаги илк муҳаббат изтироблари унут бўлиб кетгандек туюлади. Аммо орадан узоқ йиллар ўтиб, Сабогулни учратиб қолганида, устини кул босган туйғулар яна алангаланиб кетади. Бу саҳифалар ўқувчини ҳаяжонга солмай қўймайди.

Романда ўттиз йилга яқин давр ичидаги воқеалар ўз ифодасини топган. Ёзувчи қаҳрамонлар қисматидаги энг драматик нуқталарни қаламга олгани учун ҳам асар қизиқиш билан ўқилади. Сиз рўй бераётган ҳодисаларга, инсонлар тақдирига бефарқ қарай олмайсиз. Бунинг боиси шундаки, адиб асар воқеаларини катта қалб ҳаяжони билан тасвирлайди. Бу ҳаяжон беихтиёр китобхонга ҳам кўчади. Ўқувчи баъзи қаҳрамонларни севиб қолади, баъзиларидан нафратланади. Лекин ҳар бир воқеага локайд қарамайди. Бу эса асарнинг энг муҳим фазилатларидан биридир.

Ҳар қандай асарнинг салмоғини ҳам, қимматини ҳам кўп жиҳатдан ундаги одамларнинг қай даражада жонли, ёрқин тасвирлангани белгилайди. Агар китобдаги қаҳрамонлар ўқувчи кўз ўнгига тўлақонли одам бўлиб гавдаланмаса, ёзувчи олдига қўйган катта мақсадига ҳам, ниятига ҳам эришолмайди, ғояси шунчаки ниятлигича қолиб кетади. Китобдаги қаҳрамон ўқувчининг яқин бир кишисига айланиб қолгандagina у одамлар хотирасида узоқ сақланиб қолади. Бу романда ана шундай жонли одамлар борлиги кишини қувонтиради. Сиз Шералининг қисматида ҳеч қачон бефарқ қарамайсиз. У билан бўшилишиб қувонасиз, изтироб чекасиз, Шералининг рақибларига қарши ҳаёлан курашгингиз келади. Бу эса ёзувчи эришган катта ютуқлардан бири. Асардаги қатор бошқа образлар ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Шерали билан кўпинча бирга юрадиган ҳамкасб одамларнинг ўзларига хос характерлари борлиги кишини қувонтиради. Қутбиддин Каримдан, Виктор Борис Сергеевичдан нимаси биландир фарқ қилади. Ҳар бирининг ўз олами, ўзига яраша қувонч ва ташвишлари бор. Романда жуда оз кўринадиган, уйлари ижарага қўйган чол-кампирлар ўзларига хос оламлари билан китобхонлар хотирасида узоқ сақланиб қоладиган кишилардир. Ёзувчи характерлар яратиш устида кўп уринганлиги кўриниб турибди. У каттами, кичикми, ҳар бир образ жонли чиқишига уринади. Барчасини холис, самимийлик билан тасвирлайди. Ҳафиз Мирзамухамедович, Павел Иванович, Гуреев, Оғажон, Қутбиддин, Борис Сергеевич сингари бир қарашда иккинчи даражалидек кўринган, асарда кўп иштирок этмайдиган образлар ўзига хос тақдир ёки тақдирининг маълум белгилари билан ўқувчи хотирасида қолади. Асарда фақат бир марта кўринадиган Анзират кампир, Завқи бобо сингари тоғлик кишилар қиёфаси ҳам ғоят аниқ чизилган. Анзират кампирнинг қўшиқлари, ўзига хос портрети, ҳаракатлари китобхонни ҳаяжонга солади. Завқи бобо образи фақат бир неча дақиқадагина кўринади. Лекин бу чол қиёфаси китобхон хотирасида чуқур муҳрланиб қолади. Завқи бобо бир вақтлар бу ерда амирнинг одамлари олтин излаганидан хабардор. У ёшлик чоғида амир одамлари нима қилаётганини узоқдан кўрмоқчи бўлади. Шунда амир одамлари унинг кўзини ўйиб оладилар. Чол бу ҳақда шундай дейди:

« — Оқпошшонинг ҳар бир одамини амирнинг ўн одами кўриқлаб юрарди. Ичидаги гапни қандоқ айтсин улар. Тоғдан темир, мис қазиб олишарди, дейишарди. Аммо-лекин амир бу жойлардан олтин, кумуш олишини отам раҳматлик ҳам гапурардила. Бачалигимда амир одамлари келганда аста тоғларни устидан бориб қараб турган жойимда тутиб олиб, икки кўзимга темир қиздириб босишган. Шу-шу қадам қўйганим йўқ. Ўзимам узоқроқ қишлоққа қочиб кетдим».

Чол ўша даҳшатли воқеани ҳикоя қилаётганида ҳаяжонланмайди. Эски замонни сўкмайди. Бу воқеани қандайдир сокинлик билан гапириб беради. Лекин ҳудуд мана шу оҳангда ҳикоя қилиши ўша замон устидан ўқилган айбномадек янграйди. Ҳа, амир одамлари ўлкамиз олтинини излашган. Аммо бойлиқни эл фойдаси учун эмас, амир билан оқпошшонинг хазинасини бойитиш мақсадидагина қазиб олишган. Ёзувчи бу ҳақда на ўзи, на қаҳрамон тилидан ҳеч нима демайди. Аммо китобхон буни ҳис этади. Шерали ва унинг дўстлари олиб бораётган ишнинг салмоғи

нақадар катта эканлигини, геологлар уруш ва ундан кейинги машаққатли йилларда олиб борган изланишлар қанчалик муҳимлигини ҳис қилади.

Романдаги аёллар образи ҳам алоҳида эътиборга молик. Сабогулнинг фожиаи муҳаббати, эл олдидаги масъулияти учун ўз бахтидан кечиб, фидойилик қилиши китобхонни ҳаяжонга солади. Зарифа эса унинг тамомила акси. У муҳаббатни ўйин деб ҳисоблайди. Ўз ишини битириш учун туйғуларини бозорга солишдан тоймайди. Аммо дунёда яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам жавобсиз қолмайди. Зарифа ўз айби билан ҳаётда кўп адашади. Асарда бир неча марта кўринадиган Танзила эса Сабогулга ҳам, Зарифага ҳам ўхшамайди. У яхши ният билан илм олмоқчи, элга хизмат қилмоқчи. Аммо бу борадаги кураш йўлида учраган дастлабки тўсиқларданоқ чекинади. Натижада шиддатли ҳаёт уни бир чеккага чиқариб қўяди. Бу образ ёзувчи ҳар ким ўз йўлида матонат билан курашмаса фожиага йўлиқмаган тақдирда ҳам ярим йўлда қолиб кетиши мумкин, деган фикрни олға сурканган, бу фикрни сиз шунчаки ғоя сифатида қабул қилиб қўймайсиз, уни юрак-юракдан ҳис этасиз.

Романда шахар тасвири ҳам, геологлар ҳаётининг ажралмас бўлаги бўлган тоғ қишлоқлари, тақдорланмас табиат манзаралари ёрқин ифодаланган. Китобхон асарни ўқиганда қаҳрамон билан биргаликда Помирнинг қадём етиши қийин бўлган қишлоқларига боргандек, қоронги ғорларга кириб чиққандек бўлади. Шерали билан биргаликда тош-тупроққа чўкин уриб, маъдан излагандек, ойдин кечалари келажак ҳақида ҳаёл сургандек бўлади. Бир адиб сифатида айтишим мумкинки, бундай фазилатга эришиш осон эмас. Китобхонни қаҳрамоннинг оламга шерик қилиш жуда қийин. Бунинг учун ёзувчи ўзи тасвирлаётган воқеага қаттиқ ишонини, шу нарсани одамлар билан баҳам кўрмаслиги мумкин эмас, деган фикрга келиши, бошқачароқ қилиб айтганда, ўз асарини маънавий эътиқод даражасида ҳис этиши лозим. Саъдулла Кароматов роман ёзганда шундай ҳолатга тушган. Бу эса узоқ йиллар изланиш, геологларнинг ҳаётини ўрганишгина эмас, уларнинг ҳаммасини чуқур ҳис этиш тўғрисида бўлган ҳолатдир.

Бу мулоҳазалар роман тамомила камчиликлардан ҳоли, деган хулосага олиб келмайди. Ҳали асарда янада мукаммаллаштиши лозим бўлган характерлар бор. Романнинг бадиийлигига соя ташлаб турган — воқеаларнинг баъзи ўринларда ортиқча чўзилиб кетиши, баёнчилик, ҳатто айрим жойларда қайтариқлар учрайдики, буларни жиддийроқ ўйлашга тўғри келади. Негаки, асардаги бу камчиликлар композицион жиҳатдан тарқоқликни келтириб чиқарган. Булар ҳали менинг шахсий мулоҳазаларим. Ўйлайманки, роман ҳақида ҳали китобхонлар, адабий жамоатчилик, танқидчилар ўз мулоҳазаларини айтадилар.

Саъдулла Кароматов катта ижод йўлини босиб ўтган адиб. Унинг асарлари фақат республикамиз эмас, мамлакатимиз китобхонлари жавонидан жой олди. Унинг ижодига китобхон ҳам, мунаққидлар ҳам муносива баҳо бермоқдалар. Улкан аллома файласуф, публицист адиб академик Воҳид Зоҳидов ёзувчи асарлари ҳақида бундай дейди: «Саъдулла Кароматов соф юракли, холис ниятли, лафзи ҳалол бўлган, ўз ҳаёти ҳамда фаолиятининг маъносини ижодда ҳамда ҳалол меҳнатда кўрган ажойиб совет кишиларининг ёрқин образларини яратди. Яратилганига қўлмай уларни мадҳ этади, куйлайди ва кўкларга кўтаради. Энг муҳими шундан иборатки, адиб буни кўпинча асосланган ҳолда, яъни тегишли конкрет шароит-муҳит, реал воқеа ва ҳаракатларда кўрсатган, исботланган тарзда қилади ва шу билан образларнинг ишонарли ҳамда таъсирчан бўлишига эришади. Ёзувчи яратган кўпгина образлар қатор жиҳатларда ҳаётнинг ўзидеги каби динамик ҳаракатда, қаршилиқлар билан кескин тўқнашуларда, муҳолифлар билан, қийинчиликлар билан қаттиқ олишувларда яшайдилар, энгиси ё энгилиш жараёнида бўладилар».


Мана шу ҳолат «Олтин қум» романи учун ҳам ҳосдир. Бу асар қаҳрамонлари ҳам деярли ҳар саҳифада мураккаб кураш жараёнини бошидан кечирадилар. Бу эса умуман адиб ижодида хос бўлган ҳусусиятдир.

Ниҳоят, шунини айтишим керакки, қайсидир маънода ёзувчининг ўз из-

ланишларини ҳам худди қаҳрамонлари изланишига ўхшатгим келади. Адибнинг ўзи ҳам қимматбаҳо маъдан излайди. Бу — сўз маъдани. Ёзувчи олтин сўз излаб китобхон қалбига йўл топгиси келади. Кўп ўринларда адиб бунга эришади ҳам. Олтин сўз излаш эса ниҳоятда машаққатли иш. Миср эҳромлари ҳақида кўп эшитгансиз. Минг йиллардан буён қилт этмай турган мана шу эҳромлар биронта қоришмасиз тошнинг устига тош қўйиб ишланган. Аммо уларнинг орасига қилни ҳам сиғдириб бўлмайди. Негаки, қадимий ўша тошларга шу қадар пишиқ ишлов беришган. Саъдулла Кароматов ўз асарларига мана шундай ишлов беришга интилади-ган адиб. Ўйлайманки, адибнинг катта меҳнатлари самараси сифатида юзага келган қўлингиздаги китоб ҳам қалбингиздан жой олади. Адиб учун эса бундан каттароқ бахт йўқ.

**Раҳмат Файзий,**  
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

# БИРИНЧИ ҚИСМ





## МУҚАДДИМА

Шерали Алиевич ўша куни Садбарг билан тасодифан учрашмаганида, эҳтимол бундан кейинги ҳаёти ҳам ҳозиргидек бир зайлда, нурсиз ўтган, юрагининг аллақаерида яшириниб ётган пинҳоний дард уни шунчалар изтиробга солмаган бўлурмиди. Эҳтимол, бир умр қийнаган шубҳа ва ўйлари қайталаниб, қатъий ҳамла қилмасмиди... Эҳтимол...

О-о-оҳ! Қани энди ҳаётдаги сон-саноқсиз бу эҳтимолларнинг барисига олдиндан жавоб топиш жўнгина бўла қолсал! Унда муҳтарам китобхон учун қаҳрамонимиз ҳаётининг қизиғи ҳам қолмаган, инсон умри давомида учрайдиган барча муаммолар, Оловиддин сирли лампасини силаб, шивирлаганидай осонгина ҳал этилган бўлур эди.

Бироқ ҳаётнинг равон йўлидан сўқмоғи кўп. Юқоридаги эҳтимолларга эса Шерали Алиевичнинг ўзигина жавоб беришга қодир бўлиб, биз илгари сураётган тахминлар фандаги илмий фаразлардек гап.

## БИРИНЧИ БОБ

Минг тўққиз юз етмиш иккинчи йил баҳорнинг ўнинчи куни. Шерали Алиевич ҳаётининг одатдагидай ўтадиган кунларидан бири. У мошранг камзулининг кўкрак чўнтагидан лупасини олиб, йиққан тошларидан айримларини шошилмай кўрди. Кўнгли тўлмаганларини икки-уч қайтариб кўздан кечиргач, бошини кўтарди. Ўйланиб туриб лупани қайтиб чўнтагига солди. Ён дафтарчасига нималарнидир ёзиб, кўкка қаради. Унда-мунда сузиб юрган булутлар қуюқлашиб, атроф хиёл қоронғилашди. Қоронғилик гўё қалбини қоплагандек, юраги сиқилиб кетди. Азалдан қоронғиликни ёмон кўрарди. Айниқса тоғ-тошларда ишлаб юрганида. Чунки бундай кезларда у кузатишларини бафуржа ниҳоясига етказа олмасди. Бунинг устига қоронғида манзилига қоқиниб-суқиниб қайтишга тўғри келарди. Ҳозир ҳам ҳавонинг авзойи бузилди-ю мўлжалдаги ишини тугатолмай, диққати ошди. Жаҳл билан яна кўкка тикилди. Икки тўп оқ булут оҳиста сузиб келиб, тоғ чўққисига ёйилди. Осмон қўрғошин тусига кирди. Ёнбағирлардаги нур ғойиб бўлди. Шерали Алиевич ёқасидан кирган муздай шамол баданини жунжитиб, тукларини ҳурпайтирди. Бундай кезларда тоғда қор ё ёмғир ёғи-

шини биларди у. Ҳафсаласи тамоман пир бўлди. Бунча запти-таптига олавермаса. Шусиз ҳам бу йилги баҳорнинг кеч келиши кўпларнинг тинка-мадорини қуритди. Кунда, кунора ёғиб турган қор-ёмғир дардчилларни ўрнидан турғазмай қўйди. Кўпни кўрган кексаларнинг айтишларича, яқин ўн-ўн беш йилдан буён бунақаси бўлмаган экан. Доим шу кезларда ёнбағирларига лолаю бойчечаклар гиламдек тўшалиб, кўзга қувончу дилга ҳузур бағишлайдиган тоғлар бу йил мотамсари. Айни лола сайлига чиқадиган пайтда гиёҳдан ном-нишон тополмайсиз. Атрофда мана бунақа кўкимтир, қора тусдаги ясси тош уюмлари.

Шерали Алиевич шуларни ўйлаб туриб лаш-лушларини йиғди. Эскириб, ранги кетган рюкзакига жойлади. Қўл тегаверганидан ялтиллаб қолган иккита энлигина чарм тасмасини елкасига илгач, керилиб қаддини ростлади. Тўқ кулранг наMAT береткасини бошидан олиб, чангини қоқди. Хийла катта ва чўзинчоқ бошида қора соч деярли қолмагану, аммо кичкина миқти жуссаси бақувват. Йигитларники каби чайир елка ва қўл мушаклари эллик икки ёшини рад этиб, бўртиб турарди. Ажин ҳамласини писанд этмай, таранг тортилиб турган юзлари қизғиш жигарранг товланади. Тоғ шамоли қорайтирган манглайдаги учта чуқур из ҳам ёшидан кўра ҳаловатсиз кунлари, уйқусиз ва машаққатли тунларининг ифодаси бўлиб туюларди.

Юрганда вазмин одимлайдиган Шерали Алиевич қўлида темир сопи калта болғасини кўтарганча, битта-битта қадам босиб, брезент кузови чангдан бўзга ўхшаб қолган машина ёнида уймалашиб турган бир тўда болалар орасидан ўтди. Тошдан-тошга енгил сакраб, ақл бовар қилмайдиган табиат мўъжизаларидан бирини яратган Сангизар дарёси ўзанига тушди...

Сангизар... Бир замонлар шердай сапчиб, баланд чўққи-ларга ҳамла этди, кўз қамраб ололмайдиган қояларни домига тортди, Жиззахга яқин ерда Туркистон тоғ тизмаларининг ғарбий этагини кесиб ўтиб, водий ҳосил этди. Кейинчалик бу водий Темур дарвозаси деб аталди.

Шу дарвозадан ғарби-шимолга қараб Нурота, шарқ томонга Туркистон тоғлари тизилиб кетган. Сангизар эндиликда миллион йиллар муқаддам қилган «гуноҳига» ўтинч сўрагандек, неча замонлардан буён бағрида асраётган бор-будини инсонларга сахийлик билан инъом этаётган шу икки азим тоғ этагига ҳаёт бағишлаб, жилға каби осойишта оқмоқда. Неча авлод ўтди, у ҳамон одамлар ақлини ҳайратга солиб турипти. Бугун ҳам болалар табиатнинг шу мўъжизасини кўриш учун муаллималари бошчилигида географиядан экскурсияга келишган эди.

Шерали Алиевич оёқ учида ўтириб, юз-қўллни чайди-ю, харсангтош устига қўйган болғасини унутиб, юқорига кўта-

рилди. Болалардан бири югуриб келиб, болгани олди. Аммо уни болалар тўпида турган Садбарг кузатаётган эди. Енгил пальто ичида ҳам келишган қомати кўзга яққол ташланиб турган ўрта бўйли бу аёл катта йўлни кесиб ўтиб, дарё соҳилига яқинлашди. Муаллимасини кўриб, қочишга шайланган бола:

— Қани, бу ёққа кел-чи!— деган қатъий хитобдан сўнг таққа тўхтади. Болгани ёнгинасидаги харсанг ортига ташлади. Муаллимага яқинлашишга журъат этолмади. Жойида тураверди. Садбарг бола томон икки-уч одимлаб, унга яна ўша амирона оҳангда мурожаат этди:

— Бу ёққа бер!

— Н... Н... Нимани?— уялганиданми, қўрқувданми — боланинг овози қалтиради.

Садбарг бошқа ҳеч нарса демай, шахдам юриб бориб, қўлини чўзган эди, боланинг болгани ташлаган жойидан олиб узатишдан бўлак чораси қолмади.

Садбарг Шерали Алиевичга етиб олгач, унинг кенг елкаси, қорайган йўғон бўйнига қараб, бирпас тараддудланиб қолди: «Нима деб мурожаат қилсам экан?»

— Амаки!— деб юборганини ўзи ҳам билмай, сўнг хижолатдан лоладек қизарди.

Шерали Алиевич орқасига қаради-ю, юраги шув этди. Қошлари чимирилиб, ўйланиб қолди. Орага жимлик чўкди. Сукутни Садбаргнинг Шерали Алиевичга етти тоғ ортидан элас-элас эшитилаётгандек туюлган овози бузди. У қўлидаги болгани узата туриб:

— Кечирасиз, қолдириб кетяпсиз,— деди ийманибгина.

Бу овоз Шерали Алиевични ўзига келтирди. Аммо унинг сийракроқ қошлари ҳамон чимирилган, қимтилган қалин лаблари хиёл олдинга туртиб чиққан эди.

Садбарг орқасига қайтаётиб, Шерали Алиевичга кўз қирини ташлади-ю, беихтиёр тўхтади. Бу таниш қиёфани қаерда кўрган? Шерали Алиевичнинг андак қисилган ўнг кўзи, дўрдоқ лаблари, ялпоқ бурни, бўй-бастига диққат билан қаради. Таажжубланиб: «Наҳотки ойим айтган киши бу бўлса?!»— дея кўнглидан ўтказди. Яна бир қараган эди, кўзлар тўқнашди. Шерали Алиевичга оҳуларникидек бир жуфт шахло кўз сирли боқиб турарди. Қизнинг пуштиранг тиниқ юзидаги бу кўзлар қаршисида ортиқ бардош беролмади. «Раҳмат!» — деди-ю, бошини эгганча нари кетди. «Бу ким бўлди экан?» Бу савол хаёлида чарх урар, бунга жавоб изларди. Шуни ўйлаб туриб, юқорилаб борарди. Яккам-дуккам томчилай бошлаган ёмғир энди анча тезлашган бўлса-да, Шерали Алиевич бунга ортиқча эътибор бермасди. Миясида мавҳум ўйлар чувалашиб, саволига аниқ жавоб тополмасди. Ниҳоят, сўқмоқ келиб қояга қадалди. У бошини кўтарди. Чехраси ҳам ниқоби тортгандай тунд. Юқоридан думалаб келиб, ўзидан

каттароқ икки харсангга тиралиб қолган қорамтир оҳақтош устига ўтирди. Икки тирсагини тиззаларига қўйиб, қўлларини энгагига така қилди. Атрофга разм солди. Ёмғир борган сари жадаллашмоқда эди. Момақалдироқнинг қарсиллаган овози тинмай, кетма-кет яшин чақнади. Атрофни ялт этиб ёритди-ю, яна булутлар қаърига шўнғиди. Энди булутлар парчаланиб, уфқ томон шошилаётган эди. Ёмғирдан ҳосил бўлган ирмоқлар йўлидаги қум-тошларни ювиб Сангизар ўзанига шариллаб қуйиларди. Шерали табиатнинг инжиқлигини кузатиб туриб, бир оз бўшашди, табиат уни ҳамиша ўйга солиб, асабларини тинчлантирарди. У атрофга разм солди-ю, чўққилари кўкка қадалган Помир тоғларини, ҳаётида ўчмас из қолдирган Хорогни эслади. Кўз ўнгида Сабогул жонланди. У ерларнинг ажиб табиати, дилкаш одамларини хотирлади. Асаблари яна ҳам бўшашди. Энди у ўзини хаёлан ўша ерларда юрган каби ҳис этаётган эди. Беихтиёр боши узра кўтарилган қояга тикилди. Яна ўша кўзлар уни таъқиб этаётгандек бўлди. Бу ҳақда ўйламасликка тиришди. Бояги ширин хаёлларига эрк бериб, харсангтошга суянди. Кўзларини юмди. Энди Садбаргнинг болғани узата туриб айтган сўзларини аниқ эшитди: «Кечирасиз, қолдириб кетибсиз...» Сесканиб, кўзини очди. Қаршида ҳеч ким йўқ...

Ҳаёт қизиқ: ўн йиллар елдек ўтиб, ҳамма нарса унутилади-ю, бироқ шахсий муносабатлардаги айрим воқеалар, аниқса у инсон туйғуси билан боғлиқ бўлса, хотирадан сира кўтарилмай тураверади. Дамо-дам хаёл шу воқеалар сари етаклайди, унинг бутун тафсилотларини икир-чикиригача кўз ўнгингда жонлантиради. Бундай кезларда юрак ақлнинг эмас, ақл юракнинг измида бўлади, ирода ҳам унинг истакларига монелик кўрсатишга ожизлик қилиб қолади. Шерали Алиевич ҳам ҳозир худди шу ҳолатда эди. Орадан ўттиз йилдан ортиқроқ вақт ўтипти. Аммо ўша учрашув ҳамон кунни кеча бўлиб ўтгандай кўз ўнгида турипти. Кўз ўнгида туриптигина эмас, бу учрашувни у қалбдан ҳис этипти. Бирор осуда дам топгудек бўлса, Шерали Алиевич ўша ҳаётбахш дамларга хаёлан разм солар, муносабатларининг узилишига сабаб бўлган салқин томонларни изларди. Шахсий ҳаётидаги муваффақиятсизликларнинг бутун иллатларини ҳам муносабатларининг узилишидан ахтарар, чин муҳаббат насиб этганида, уни авайлаб қололмаганига қайта-қайта иқрор бўларди. Бундай пайтларда унга ҳеч ким ва ҳеч нарса таскин беролмасди. У дамлар эса ширин туш, хаёл кашфиётининг ажиб манзарасидек кўз олдида бир қалқиди-ю, сўнгра поёни йўқ саҳродаги саробдек қумликлар ва фазо бўшлиғига сингиб кетди...

Ёмғир тинди. Булутлар ҳамон қуёш юзини тўсиб турарди. Шерали Алиевич тоғ табиатининг бу инжиқликларига энди ортиқча эътибор бермай, хаёли олам кезганича, пастга туша

бошлади. Фикрлари бир қадар тинган, аммо боягина бўй-басти билан қаршисида турган қизнинг шахло кўзлари ҳамон унга тинчлик бермасди. Хотира бисотидаги воқеаларни титкилаб, ўтган дамларини эслади. Хаёлида ўкинчли кунлар жонланди. Ҳаётининг айни ўйнаб-куладиган, ота-она бағрида яйраб ўсадиган болалик, сўнгра ўспиринлик, ҳатто оқ-қорани ажратадиган бўлиб қолган йилларида ҳам йўқчилик, қийин дамлардан боши чиқмади. Эсини энди таниганда отадан, кўп ўтмай онадан ажралди. Меҳрибон кишиси қолмади. Ақл-заковат йиғадиган йигитлик чоғлари бошланди. Бундай кезларда одам икки оғиз ширин сўз айтиб, кўнглига таскин берадиган ёр васлига муштоқ бўлади. Шерали кўп излади. Ниҳоят кўнгилдаги қизни топди. Севги онлари бошланди. Аммо баҳор шабадасидек бир неча муддат дилига саринлик бағишлаган бу ширин онлар кўпга чўзилмади. Шерали севган ёридан айрилди. Хижрон азоби бошланди. Бу азобининг тонги кўринмас эди. Юқорида айтганимиздек, юрагининг аллақаерида яшириниб ётган шу пинҳоний дард дам-бадам қўзғалиб, қоронғиликдан тўсатдан ёруғликка чиққан одам каби уни карахт қилиб қўярди. У Садбарғни кўриб, шу ҳолатга тушди. Қаршисида Сабогул тургандай бўлди. Тасодифий учрашув шу дардни қўзғатибгина қолмай, уни келтириб чиқарган сабабларни ҳам хаёлида тиклади.

Шерали Алиевич Темур дарвозаси деб аталмиш қоя олдидам ўтиб, йўл чеккасида турган машинасига ўтирганида ҳам ўша пинҳоний дард исканжасида тўлғанарди. Йўлдан кўз узмай, шофёрнинг: «Қаерга?» — деган саволини кутмай, синиқ овозда: «Симузарга», — деди-ю, яна ўйга ботди.

## ИККИНЧИ БОБ

Ҳар бир ишнинг сабабчиси бўлганидек, Шералининг ҳам Помир экспедициясига қўшилиб боришига унинг ҳурматли ва мўътабар устози Павел Иванович Петровский восита бўлган эди. Ўшанда Шерали университетнинг геология факультетини тамомлаб, аспирантурада таҳсил олаётган эди. Студентлик йилларидаёқ Шералининг қобилятини сезган Павел Иванович уни қаноти остига олди. Устозликига эмас, оталик ҳам қила бошлади. Павел Иванович кафедрага келганда, албатта Шералининг олдига кирар, ундан ҳол-аҳвол сўраб, кўнгли тинчлангандан кейингина ўз иши билан бўлар эди.

Мана, ҳозир ҳам эшикнинг эҳтиёткорона тақилашиданоқ Шералининг чеҳраси ёришди. «Марҳамат, Павел Иванович», — деди-ю, стол устидаги инглизча журнални бир чеккага суриб, ўрнидан турди. Эшик олдида ёши олтмишлардан ошган бўлса-да, ҳали хийла тетик, елкадор, қўлида қалин портфелини кўтариб, Павел Иванович кулиб турарди.

— Ўтиринг, Павел Иванович,— Шерали устозига курси қўйди.

Павел Иванович ўтираётди:

— Кун эрталабдан ёняпти-я, бу йил саратон саратонлигини кўрсатяпти,— дея ажин тушган кенг манглайдаги тер резаларини дастрўмоли билан артди. Украинча гулдор кўйлагининг ёқасини очиб, нафас ростлаб олгандан кейин стол устидаги журналга ишора қилди.— Таржимонликми дейман?

Шерали кулди.

— Геологик формацияларга доир экан, шунчаки эрмак,— деди ерга қараб.

Павел Иванович завқланиб кулди. Шералига меҳр билан боқди. У шу топда шогирдининг камтарлигидан астойдил лаззатланган бўлса-да, гўштор кўрсаткич бармоғи билан стол четини секин чертиб, огоҳлантирди:

— Эҳтиёт бўл, камтарликнинг ҳам ўрни, чегараси бўлади, ундан нотўғри хулоса чиқарадиганлар борлигини унутма,— деди, сўнг журнални варақлай туриб давом этди:— Мана бу ишинг чакки эмас, ҳақиқий мутахассис бўламан деган киши албатта чет эл фани янгиликларини мунтазам кузатиши керак.

Павел Иванович ўйланиб қолди. Бирор муҳим гап айтишдан олдин фикрини тўплаш мақсадида устозининг шунақа ўйланиб қоладиган одати борлигини билгани учун Шерали сукут қилди. Бир зумлик жимликдан сўнг Павел Иванович синиқ овозда вазмин гапирди:

— Аҳвол оғир, Шерали. Ҳозиргина трамвайда кела туриб одамларга разм солдим. Деярли ҳамманинг кўзларидаги қувонч ўрнини ғазаб қоплаган. Уст-бошлар ямоқ, оёғига ким нима топса илиб олган. Бурчакка биқиниб ўтирган беш-олти ёшлар чамасидаги бир болани кўриб, раҳмим келиб кетди. Томирлари чиқиб, ингичка бўйинчаси қилтиллаб, беҳол мудраб ўтирипти. Портфелимда сенга олиб келаётган бир бурда нон билан пишлоқ бор эди. Болага узатдим. Қувониб кетганидан шўрликнинг кўзлари қинидан чиқаёзди. Бир менга, бир нонга, бир ёнида ўтирган бувиси бўлса керак — кампирга қарайди. Ҳовлиқиб қолди.

— Ол, ол, ўғлим,— дедим далда бериб.

Боланинг кўзлари мурувват тилагандек, илтижо билан бувисига жавдираб қолди. Кампирнинг ўпқаси тўлди. «Ола қол, ўғилгинам»,— деди-ю, тескари қараб ютинди, кўзларини кафти билан артди. Менга зўрға: «Раҳмат!»— деди-ю, ўзига ўзи гапиргандай шивирлади: «Эй худойим, бу кунлар ҳам унутилармикин?»

— Ҳа, вазият оғир, Павел Иванович,— деди Шерали хўрсиниб.

— Аммо одамларнинг руҳи тетик!— Павел Иванович анча жонланиб гапини давом эттирди. Унинг овозида энди

синиқликдан кўра ғазаб ва нафрат кучлироқ эди. Ютиниб жим қолди. Кўз олдидан бир-бирига найза ўқталаётган одамлар нари кетмай қолди.— Вақт ўтишини қара,— кўзларини ярим юмиб шивирлади.— Уруш бошланганигаям ҳаш-паш дегунча уч йилдан ошяпти-я; фронтдаги аҳволни яхшигина ўнглаб олдик. Олчоқни тумтарақайлатиб, инига қувиб бор-япмиз. Аммо мамлакат ичкарисиди вазият анча оғир.

Павел Иванович шундай деди-ю, яна ўйланиб қолди. Трамвайдаги бола у берган нон билан пишлоқни энтикканча, худди қўлидан биров олиб қўяётгандек кўзлари олазарак, шошилиб еб олганини эслади. Тўсатдан бошини бурди. Унинг кўзлари синган ойнаси ўрнига картон қоқиб қўйилган деразага қадалди.

Шерали бу олижаноб кишини жон-дилидан севади. У Шерали учунгина эмас, бутун факультет, университет учун мўътабар ва ҳурматли киши. Университетга йигирманчи йилда биринчилар қатори Владимир Ильич йўлланмаси билан келган эди. Санк-Петербургдаги Тоғ институтини тамомлаган геолог Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ партия сафига ўтди, унга жон-дили билан хизмат қила бошлади. Ўтган йиллар ичида илмий асарлари билангина эмас, етиштирган истеъдодли шогирдлари билан ҳам шуҳрат қозонди. Шерали учун эса Павел Иванович айниқса азиз ва мўътабар. Оғир дамларда Павел Иванович унга ёрдам қўлини чўзди. Шералининг етимлигини, ҳеч кимдан моддий ёрдам олмай ўқиётганини билганидан кейин эса Павел Иванович уни ўз ҳомийлигига олди. Дам олиш кунлари Шералини уйига таклиф этарди. Бормай қолган пайтларида Павел Иванович атайин ўзи ётоқхонага келди. Шералини ҳол-жонига қўймай олиб кетди. Шундан кейин Шерали ҳар якшанба канда қилмай ўзи борадиган бўлиб қолди. Павел Иванович уйда ҳам ўзини жуда самимий, хоксор тутар, илмий ишларидан қўли бўшади дегунча йўл-йўл пижамасининг енгини шимариб: «Евдокия, қани, буюра қол энди ишинг бўлса, бир соат ихтиёрингдаман»,— деб тўқ жигарранг дераза пардасининг ёнгинасидаги деворга осиб қўйилган какку қушли соатга ишора қилиб қўярди. Евдокия Васильевна эса:

— Йўқ, йўқ, Павел, азизим, бағоят миннатдорман, ўзим эплаштираман,— дерди эрининг ғамхўрлигидан бир олам қувониб. Бундай кезларда Павел Иванович эшиклари олдидаги бир парчагина ерга ўзи эккан гулларининг тагини юмшатар, яккаю ягона овунчоғи — олти ёшли невараси Наташа кичкинагина пақирчасида сув олиб келиб қуярди. Павел Ивановичнинг ёлғиз ўғли келини билан врач бўлиб ишлашарди. Уруш бошлангач, иккалалари ҳам бир кунда фронтга кетишди. Урушнинг иккинчи йили ўғли қаҳрамонларча ҳалок бўлгани ҳақида қорахат олди. Келини эса дом-дараксиз йўқолди. Бироқ у бу ташвишларни сиртига чиқармасди.

Жон-жаҳди билан ишларди. Университетда тарбия масалаларида. Геология институтига эса, фан равнақи устидагина ўйларди. Хуллас, Павел Иванович Петровский мактаб яратган забардаст олим бўлиб, унинг фикри билан ҳисоблашмайдиганлар камдан-кам топиларди. Битта-яримта топилганлари ҳам обрў-эътиборига, олимлик нуфузига сира таъсир кўрсатолмасди. Павел Иванович илм бобида бамисоли бир денгиз. Денгизни эса қўлмак деган билан у қўлмак бўлармиди?!

Шерали шуларни ўйлаб турганида, Павел Иванович бир нарсани эслагандай ўрнидан турди. Шералининг олдига келиб, қўлини унинг елкасига қўйди.

— Айтгандай, нимага келганимни ҳам унутиб, гап сотиб ўтиришимни қара. Қаричилик-да, бўталоғим, қаричилик, эс қолгани йўқ. Конференцияда сўзга чиққан Қирилов эсингдами? Фёдор Николаевич.

Шерали бирпас ўйлаб олиб: «Ҳа, ҳа, эсимда, жуда ажойиб фикрлар айтганди»,— дея «нима эди», дегандай Павел Ивановичга қаради.

— Ҳозир Тошкентда у. Йиғилиш ўтказмоқчи. Бугун. Хабаринг йўқми?

— Йўқ.— Шерали елка қисди.

— Виктор айтиши керак эди-ю,— Павел Иванович шимининг олд чўнтакчасидан нафис занжир билан камарига қадалган «Павел Буре» соатини олиб, қопқоғини очиб қаради.

— Виктор кеча ётоқхонага келгани йўқ,— деди Шерали яна синчковлик билан домласига тикилиб.

Павел Иванович соатини чўнтагига сола туриб:

— Ҳали эрта экан. Кеп қолар. Вақти аниқлангач, хабар қиламиз, дейишганди. Илтимосингни бажариб қўйдим. Суюнчини чўзавер.

— Суюнчиси тайёр, Павел Иванович, раҳмат!

— Сени қара-ю, қаёққа боришингни ҳам суриштирмай, раҳмат деявераркансан-да.

— Мен учун қаёққа бораётганим эмас, сизнинг тавсиянгиз билан бораётганим муҳимроқ,— дея ерга қаради Шерали.

— Яна камтарлик,— деб хахолаб кулди Павел Иванович кўзларини қисиб.— Ҳа, майли, камтар бўлганинг яхши, аммо шу камтарлик илмий мақолаларга ҳам юқса, чакки бўлмасмиди дейман, бўталоғим.

Шерали Павел Ивановичнинг нимага шама қилаётганини фаҳмлади. Бунинг устига унинг бирон нарса ёқмаганда ёки ҳаддан зиёд хурсанд бўлганида «бўталоғим» иборасини ишлатишини билгани учун қулоқларигача қизарди.

Павел Иванович Шералининг қимтини қолганини кўриб, беозор жилмайди.

— Зиёни йўқ. Ёшликда одам шунақа қайнаб туради. Мен ҳам ўт эдим. Айтган жойимдан узардим. Қайнаганинг яхши-ю, аммо тошиб кетма. Илмда кўп нарсани билиш олимлик фазилати. Лекин билагонлик даъвосини қилиш — офат. «Менимча» деган ибора ҳам бор. Кўп яхши сўз. Бу сўзни ўрнида ишлата билиш унинг ўзидан ҳам аъло.

— Кечирасиз, Павел Иванович,— Шерали шундай деб яна ер чизди. У Чорух Дайрондаги магматик формацияларга доир ёзган илмий мақоласини қараб чиқиш учун минг андишага бориб Павел Ивановичга берганди. Аслида: «Бу мавзуни бир ўйлаб кўр, диссертациянга ҳам тема қилиб олаверсанг бўлади», деб Павел Ивановичнинг ўзи тавсия этган эди унга. Шерали бу илмий мақола устида салкам ярим йил ишлади, шу орада уч марта Чорух Дайронга бориб келди, анчагина намуналар йиғди. Назарида, ҳозиргача ҳеч кимнинг хаёлига келмаган илмий фаразларни илгари сургандек бўлиб туюлганидан дадил қалам тебратган эди.

— Мақолада келтирган фаразларинг ўринли. Фараз — илмий ишнинг куртаги. Аммо улар ҳали фаразнинг ўзи, холос. Бу фаразга илмий асос керак. Менимча, сенда худди ана шу асос етишмаётганга ўхшаяпти. Яна ўзинг мақолани бир қараб чиққин, балки адашаётгандирман.

Павел Иванович «менимча», «балки адашаётгандирман», деган ибораларни ўз одатича ишлатаётган бўлса-да, булар ҳозир Шералига таънадек туюлди. Тортинчоқлиги туфайли хаёлига бошқа бирон сўз келмаганидан нуқул: «Раҳмат, Павел Иванович, миннатдорман»,— дерди.

— Мана энди камтарликни меъёридан оширяпсан. Нега тортинасан? Фикрингни ҳимоя эт, баҳслаш! Мен домласидан ўзмаган шогирдни шогирд демайман. Бунинг устига, менинг фикрларим сен учун қонун эмас. Ҳақиқат баҳслашув, мунозаралардан кейингина рўёбга чиқади.

Павел Иванович бу борадаги гапни тўхтатиб, асосий мақсадга ўтди:

— Ҳа, майли, мақолани яна бир қараб чиқарсан. Бояги гапимиз чала қолди. Хуллас, Фёдор Николаевич бошчилигида Помирга жуда катта экспедиция уюштирилипти. Салкам йигирмата партиядан иборат экспедиция. Иккита-учта партияди Тошкентдан, Геология бошқармасидан олишадиган бўлишипти. Бу гапни эшитдим, сенинг илтимосинг эсимга тушди. Тўппа-тўғри бошқарма бошлиғининг ўринбосари Вадим Акимовичнинг олдида бордим. Гаплашдим.— Павел Иванович Вадим Акимовичнинг номини алоҳида урғу билан айтиб, Шералига қараб жилмайди.— Сен ёқтирган оғайнингчи, фамилияси нима эди?

— Гуреев,— деб кулди Шерали.

— Ҳа, ҳа, ўша... учрашдим. Бошда эгар кўрмаган тойдай сакради. Роса туриб олганимдан кейин: «Ҳа, майли, бирон-

таси келсин», деди. Кеча сени тополмай, курсдошинг Виктор-га тайинлагандим.— У шундай деди-ю, Шерали томон бир қадам одимлаб, овозини пастлатиброқ уқтира бошлади:— Борадиган жойинг жуда ажойиб — Ғарби-жанубий Помир. Бажарадиган ишинг ундан ҳам ғаройиб. Ҳали эшитасан ҳам-ма гапни. Мен кетдим. Евдокия холанг кутяпти.

Павел Иванович шошилиб чиқиб кетди. Шерали кичкина-гина дераза олдида Павел Иванович кўздан ғойиб бўлгунча туриб қолди.

Шерали фронт учун ўз улушини қўшадиган бўлганидан қувонарди. Ҳамма Ватан мудофаасига жўнаб кетаётганида, ўзининг фронт орқасида юрганидан хижолат бўлиб, урушга юборишларини сўраб, бир неча бор ҳарбий комиссариатга муурожаат этган эди. Аммо уни сафга яроқсиз деб қайтаришди. Барибир тинчланиб қолмади. Университетни тугатган йили яна борди. Бу гал ўша биринчи учрашганда яхшигина муомала қилган лейтенант уни анча нохуш кутиб олди. У бўйнидаги сунъий нафас олиш учун боғланган тангадек темирнинг тешигини кўрсаткич бармоғи билан бекитиб, хириллади:

— Яна келдингми? Бу нимаси, ўзингни лаганга соляпсанми ё? Фронт орқасида зарур бўлганинг учун сени давлат олиб қолган. У ёғини суриштирсанг, кўзингни ҳам яроқсиз деб топишди. Ҳадеб бўзчининг мокисидек қатнайвериб, бизни ҳам ишдан қолдириб нима қиласан, топширилган юмушни қилиб юравермайсанми, ука?

— Мен сафдошларим олдида бош кўтариб юролмаяпман, тушунсангиз-чи! Бирин-кетин улардан бир тўдаси яраланиб қайтяпти, аксаридан қорахат келди. Тоғни урса толқон қиладиган кучим бор. Сўппайиб юравераманми, одамларнинг таъна-тазаррусини эшитиб!— Шерали ачиқ-аччиқ гапириб, лейтенантни йўлга солмоқчи бўлди.

Лейтенант Шералига бақрайганча, гапиролмай дудуқланиб қолди. Юзининг ўнг томони қийшайиб, пириллаб уча бошлади. Қалтироқ қўли билан гимнастёркасининг иккита тугмачасини ечиб қўйди.

Шерали қўрқиб кетганидан ундан кечирим сўрайман деб турганида, лейтенант бояги хириллаган овоз билан команда берди:

— Смирно! Кругом! Шагом марш!..

Шералининг командани бажаришдан бўлак чораси қолмади. Шу-шу, ҳарбий комиссариатни тилга олмайдиган бўлди. Фронт учун зарур барча юмушларни бажонидил бажариб келарди-ю, аммо яхлитроқ ва кўзга кўринарлироқ бирон иш қилиш орзусида эди. Қай куни дилидаги шу гапни айтганида, Павел Иванович бир зум ўйланиб, «Оббо сен-ей, шунақа дегин?»— деб қўя қолган эди. Бугунги хушхабардан ғоят қувониб кетганининг боиси шунда эди.

Шерали Павел Иванович келиб, узилиб қолган ишини давом эттириш учун энди ўтирган ҳам эдики, ётоқхонага ҳал-лослаганча Виктор кириб келди. Нафасини ҳам ростламай, Шералига мурожаат этди:

— Ўртоқ Алиев, суюнчини чўзингу, сафар жабдугини ростланг. Чўққилари фалак гумбазининг биринчи қаватига етган дунё томи — Помир сизга мунтазир. У ёғини сиз суриштирманг, мен сўзламай. Ҳамма нарса кўнглингиздагидек бўлди.

Дали-ғули, орқа-ўнгига қарамай гапирадиган Викторнинг фавкуллодда бир нарсани билдирмоқчи бўлганда, бердисини айтмай ҳовлиқиб қолиш одатини Шерали яхши биларди. Бунинг устига бу гапдан Павел Иванович хабардор қилиб қўйгани учун Шерали унинг сўзларини осойишта эшитиб, курсига ишора қилди.

— Аввал мундоқ ўтирсинлар, кеча қаёққа гум бўлиб кетганларининг хабарини берсинлар ўзлари,— деди.

— Жин урсин сени, шу бетайин одатингни асло қўймадинг-да. Ҳозир ўтирадиган фурсатми? Қани, бўл! Ялпаймай, йиғиштирсанг-чи нарсаларингни! Бир қараса жиннидай ҳаммани қолиб юрасан. Мана бунақа қайнайдиган пайтда ўлгудай судраласан, а!

Виктор шундай деди-ю, эски сим каравот тагидан сандиқдек зил-замбил пахта чамадонини тортиб олди. Лаш-лушларини палапартиш жойлаб, Шералига: «Мен ҳозир»,— деб эшикка чиқиб кетди.

Шерали мийиғида кулиб қўйди. Виктордан ҳозир бир нарсани сўраш бефойда. Курсини столга яқинроқ суриб ўтириб, ишини давом эттирди.

Шерали яшайдиган ётоқхона Тошкентнинг энг гавжум ва обод, айниқса байрам кечалари одам сизмай кетадиган сайргоҳ Карл Маркс кўчаси муюлишидаги, уч қаватли гиштин бино ҳовлисида эди. Кунга тескари пасқам ерда қатор қилиб солинган бир қаватли пастак уйлاردан бирида жойлашган ётоқхонанинг бор-йўқ жиҳози гир айлантириб қўйилган тўртта сим каравот, бир курси ва столдан иборат эди. Каравотларнинг симлари аллақачон узилиб кетганидан ҳар бирига учта-тўрттадан калта тахта қўйилган бўлиб, устига тарашадек қотган юпқа матрац ва матрац устига пахтаси оқиб ётган кўрпача ташланарди. Ётоқхонада истиқомат қилувчилардан ҳар бирининг китоб ва дафтарлари кечаси ўзига ёстиқ вази-фасини ўтар эди. Ётоққа кираверишдаги тўпроғи ўйнаб кетган энсиз йўлакнинг бурчагида тагига занглаган эски челақ қўйилган дастшуй жами уч хонада истиқомат қилувчилар учун хизмат қилар эди. Эрталаблари навбат кутавериш чарчаганидан бир кун Шерали эски тоғора топиб келиб, кара-

воти тагига суриб қўйди. Ўша кундан эътиборан Шералилар хонасидаги тўрт киши эрталаблари навбат билан тунука кружкада сув олиб келиб юз-қўлларини тоғорада ювишадиган бўлишди. Хонада Шерали билан Виктордан ташқари Карим ҳамда. Омонлар туришарди. Карим — гидрогеолог, Омон — геохимик. Омон кўп масалаларда Шерали билан маслаҳатлашар, ўз навбатида Шерали ҳам ночор қолган дамларда у билан суҳбатлашиб, кўнгил чигилини ёзарди. Омон мустақил фикрли, чўрткесар, узоқни кўра оладиган, тадбиркор, яхши дўст эди. Феъл-атвор жиҳатдан Виктор жуда қизиққон, сал нарасага лов этиб ёниб, гавдасига сира ярашмаган ингичка овозини баралла қўйиб, чийилларди. Жуда гап тополмай қолган кезларда «жин урсин сени», деб қўярди. Ўлгудек сергап, баъзан вазиятга қараб фикрини ўзгартирадиган, бунинг устига шоирнамо. Шеърларига эътибор берган одам нақ балога қоларди. Ҳол-жонига қўймай, шеър кетидан шеър улаб, безорижон қиларди. Шеър эса кўпинча икки нарсани — чунончи, қошиқ билан вилканинг фарқини тушунтиришдан иборат бўлиб, табиийки, мантиқ ва бадииятдан тамоман йироқ эди. Илҳоми жўш уриб кетганда, қайта-қайта «Дарё» деган шеърини кўзларини юмиб, завқ билан ўқирди. Бу шеърни ижодининг чўққиси деб эътироф этар, азбаройи ўқийверганидан шеърнинг айрим мисралари хонадагиларга ҳам ёд бўлиб кетган эди. Виктор:

Дарё улкан, унда сувлар шалдираб оқар,  
Ариқ ихчам, унинг суви шилдираб оқар,—

деган якунловчи мисраларни ўқиганда, бир зум бош чайқаб: «Бу фалсафий сатрларнинг мағзини чақиш керак»,— деб қўярди. Одам табиати қизиқлигини қарангки, қанча муталаа қилмасин, шеърда ўта нўноқ Виктор геология борасида, айниқса бу ҳақда ўқилган китоблар устида баҳс юритилганда, унга ҳеч ким тенг келолмасди. Тенгдошлари ичида энг пешқадам ҳисобланган Шерали ҳам геология тарихига доир масалаларда у билан ҳисоблашиб, эҳтиётроқ гапиришга мажбур бўлар эди. Чунки Виктор умуман геологияга, айниқса, Ўрта Осиё геологиясининг тарихига доир китобларни битта қолдирмай ўқир, ўқиганда ҳам хотирасида мустаҳкам ўрнашиб қоладиган даражада ўзлаштирарди. Аммо энг катта нуқсони шунда эдики,— балки бу унинг шошқалоқлигидандир,— ўқиганларига танқидий ёндашиб, ўз нуқтаи назаридан қарамасди. Ўртоқлари уни қироатхонликда айблашганда: «Китобга ишониш керак, умуман, ҳар бир босма-нашрни муқаддас санамоқ даркор»,— деб пўнғиллаб қўярди. Кўпинча бундай баҳслашувлар даҳанаки жанг доирасидан чиқаёзган кезларда, орадаги «совуқ муносабатлар отишмасини» Шерали бартараф этиб, ўзининг обрў-эътибори билан ҳар икки томонни тинчлантирар эди.

Карим — Викторнинг акси, анча вазмин, икки эшитиб, бир сўзлайди. Камсуқум, ҳуда-беҳудага тишининг оқини кўрсатавермайди. Аммо айни чоғда унинг ҳам ўзига хос заиф томонлари бор эди. Бу Шералининг ғашини келтирса-да, нуқсонсиз дўст қидирган ёлғиз қолади, деган нақлга амал қилиб, муроса қилар эди. Карим ҳар ишдан шахсий манфаат излар, чўтига тўғри келмайдиган юмушга қўл урмас, ўзига тегишли нарсалардан шахсан фойдаланишга интиларди. Хуллас, ана шу шахсиятпарастлик, яна аниқроғи, молпарастлик томонларини ҳисобга олмаганда, Карим анча мулоҳазали, касбига пишиққина йигит эди. Виктор билан Карим негадир Омонни унчалик ҳўш кўришмас, ҳазил-мutoйибага ортиқча рўйхуш бермаганидан бўлса керак, уни расмиятчиликда айблашар эдилар. Каримдан кўра Омон билан кўпроқ Виктор чиқишмас, ташланиб қолишга қулай фурсат пойлаб, хўроздек ҳурпайиб юрарди.

...Тўсатдан эшикнинг тарақлаб очилишидан чўчиб ўрнидан туриб кетган Шерали Викторни кўрди-ю, ҳайрон бўлиб сўради:

— Нима гап ўзи, тинчликми?

Викторнинг бояги қувончидан асар ҳам қолмаганди. Рангида қон қолмаган, қўллари қалтирарди. У Шералининг саволини эшитмагандай, индамай бориб ўзини каравотга ташлади. Шерали яна мурожаат қилди:

— Гапирсанг-чи? Сендан сўраяпман? Нима бўлди ўзи?

— Нима бўларди, домламиз Латиф Боқизоданинг эски дарди қўзғади.— У қошига тушган бир тутам малла сочини бармоқлари орасига олиб, юқорига тараб қўйди-да, ҳовлига қараган дераза томон бурилиб қараб қўйгач, ҳеч нарса тушунмай елкасини қисиб турган Шералига уқтира бошлади:— Алмисоқдан қолган конларни қидириб, қўй-қўзи қийи титкилашнинг ҳожати йўқ эмиш. Унинг геологиямизнинг бугунига ҳам, истиқболига ҳам фойдаси йўқмиш, бу соҳада илмий иш қиламан деган одамнинг ўзи тентакмиш...

Виктор яна аллақандай мишмишларни қалаштириб ташлаётган эди. Шерали уни тўхтатди. Боқизода билан Виктор ўртасида нима устида гап борганини тушунди. Виктор республикамиздаги қадимий конларга доир адабиётларни икки-уч йилдан буён синчиклаб ўрганаётган эди. Бундан мақсад бу конларнинг қачон очилгани, қанча муддат фойдаланилгани ва ниҳоят, уларнинг истиқболини аниқлаш устида илмий иш олиб бориш эди. Шерали унинг ярасига туз сепмаслик учун гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлди.

— Хўп, фараз этайлик, сен ҳақсан, аммо бу гапларни ҳозир кавлаштириш кимга керак бўлиб қолди?— Шерали одатча қизишиб кетди, овозини хиёл кўтарди.

— Менга!— Виктор кўкрагига муштлаб дик этиб ўрнидан

турди. Тутақиб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Зум ўтмай:— Менга,— деди яна.

— Нечун? Ахир сен боягина Помирга кетишимизни гапираётган эдинг-ку?

Виктор Шералига яқинроқ борди. Азбаройи тутақиб кетганидан кўзлари пирпирарди.

— Ҳа, балли, гапираётган эдим, жин урсин сени, ҳозир ҳам гапираман!..

— Ҳўш, унда Боқизода билан қадимий конлар ҳақида бошқа вақтда эмас, худди шу бугун баҳслашишнинг нима ҳожати бор эди?

— Ҳожати шунда эдики... жин урсин сени деяпман яна...

Шерали унинг гапини бўлди:

— Бунча чўзмасанг, ота-бобонг тақачи ўтганми?— у энди чинакамнига қизишди.

— Ота-бобом тақачи эмас, деҳқон ўтган, аммо ўзинг бердисини эшитмай, ҳалқумимга чангал солмай турсанг-чи! Ахир тушунтиряпману, нима ҳожати борлигини.— Виктор бир хўрсиниб қўйиб, стол устида турган кружкадаги сувдан ҳўплади. Йўл-йўл чнт кўйлагининг ёқасини очди. Сўнг гапини анча осойишта давом эттирди:— Кеча Павел Иванович сени тополмай, геология бошқармасига бориб, Гуреевга учрашишимни тайинлаган эди. Бордим. Бугун кечга яқин йиғилиш бўлади, қаерда ва қачон бўлишини хабар қилишади, дейишди. Хуллас, эртага эрталаб бизни машина келиб олиб кетишини, бошқармадан Қутбиддин Билолов бирга боришини, ҳаммасини Боқизодага тушунтирдим. Ўзинг биласан дардимни, қадимий кон деса, иложи бўлса, ўша ерда кўрпа-ёстиқ қилиб ётиб олсам дейман. Қорамозор анчадан буён хаёлимни банд қилиб турипти. Оҳангарон қочиб кетмаган бўлса ҳам боришга имконият топилмаяпти. Биз эса Помирга доволон ошиб борамиз. Билдингми? Барибир йўлимиз ўша ёқдан ўтади. Гапнинг қисқаси, ўша Гуреевингга ялиндим, ёлвордим. Охири Қорамозорга кириб ўтишимизга рухсат берди. Деканатдан чиқсам, Боқизода жаноблари ялпайиб, чой ичиб ўтириптилар. «Ҳм-м, шошилиб қолиптилар, йўл бўлсин?»— деди одамнинг юрагини эзиб юборгудек кесатиқ билан. Мен хумкалла ҳам, жин урсин мени, ичимга сифдиrolмай, Помирга кетаётганимизни, Қорамозорга кириб ўтишимизгача айтдиму балoга қолдим, эски ашула бошланди.

Шундан сўнг Виктор бояги айтганларини яна қайтара бошлаган эди, Шерали уни тўхтатди:

— Бўлди, дўстим, ҳаммаси тушунарли, ҳадеб қайтараверма.— У шундай деб қалин лабларини чўччайтириб кулиб, ҳазилга йўйди-ю, аммо Боқизоданинг бу қилган иши аслида унинг ҳам зардасини қайнатган эди. Бундай одамлардан бир мири ҳаён, уч мири зиён. Аммо бун ҳозир Викторга айтиб

бўлармиди. Шусиз ҳам гуриллаб турган Виктор Боқизода билан ади-бадига бориб қолиши мумкин эди. Шерали ўрнидан туриб, матрац тагидан рюкзагини олди. Нарсаларини йиғиштирди. Мольберт, мўйқалам ва бўёқларини латтага ўраб, яхшилаб жойлаштиргач:

— Ке, қўй, диққат бўлаверма! Ишингни қил, ҳали-замон йиғилишга қақриб қолишса, шошилиб қоламиз,— деди Викторни қистаб, бир ёғи уни ҳовридан ҳам тушириш учун.

Виктор қовоғини солганча нарсаларини чамадонига жойлаётган эди, эшик тақиллади. Шерали билан Виктор бошларини кўтариб, баравар: «Қираверинг», дейишди-ю, «ким экан», дегандай қараб қолишди. Хонага Латиф Боқизода кирди. У эшикни ирганган каби бош ва кўрсаткич бармоқларининг учи билан авайлаб ёпди. Оҳори тўкилмаган йўл-йўл жигарранг трико костюмининг чўнтагидан дастрўмолини олиб, қўлларини артди. Салом ўрнига бошини хиёл эгиб, тил учиди: «Яхшимисизлар?»— деди эшитилар-эшитилмас.

Виктор уни кўрмагандай дераза олдига борди. Алланимани қидираётган бўлиб, ҳовли томонга энгашди. Шерали одоб юзасидан курсига ишора қилди.

— Келинг, ўтиринг, домла,— деди ортиқча рўйхуш бермагандай оҳангда.

Сарғишроқ сочи ўнг томонга силлиқ таралган Боқизода асабийлашаётганини сездирмасликка тиришарди. Бир-икки ўнг қўли билан бақа кўзларининг устига тушиб турган қалин пахмоқ қошларини силаб, чуваккина юзидаги қора кўзойнагини пешонасига кўтариб қўйди. Унинг ҳаракатларини зимдан кузатиб турган Шерали: «Жиддий гаплашмоқчи шекилли», дея кўнглидан ўтказди, чунки бундай кезларда Боқизода кўзойнагини пешонасига кўтариб қўядиган одати бор эди. Студентлардан кимдир унинг бу ҳолатини кузатиб юриб, тўрт бақакўз деб атаган эди, бу гап бир кунга қолмай, бутун факультетга ёйилди. Студент халқи шунақа: ўзини номаъқулроқ тутадиган домлага бир зумда лақаб тақаб қўяди. Боқизода эса ўта гердайган, ўзига зеб бериб, ўзгани тан олмайдиган одам бўлса-да, бу такаббурлик ва ички ғурурини баъзан ҳаддидан ошириб юборадиган мулозамати билан сездирмасликка уринарди-ю, аммо сохта муомала кўпчиликнинг гашига тегарди. Боқизодага берилган лақабдан кейин кўплар, ҳатто илгари сира қарамайдиганлар ҳам уни алоҳида эътибор билан кузатадиган бўлиб қолишди. Бинобарин, кунлар ўтиб, бошқа бир студент бу лақабни такомиллаштирди. У: «Домла Боқизоданинг пешонасида ҳам бошқаларга кўринмайдиган кўзи бор. Муҳимроқ гапни синчковлик билан разм солиб айтмоқчи бўлганида, кўзойнагини ўша пинҳоний кўзларига кўтариб қўяди»,— деган эди, шундан сўнг Боқизоданинг лақаби анча ихчамлашиб, у яна ҳам таниқлироқ бўл-

ди. Ҳозир негадир Боқизода Шерали кутиб турганидай жиддий гап айтмади. Бу тарки одатмикин ёки домланинг муомала бобида қўллайдиган йўлларида биримикин? Шерали: «Бу ёғи нима бўларкин?»— деб диққат билан кузатиб турарди. Кутилмаганда Боқизода кулиб, Викторга яқинлашди. Ноилож қолган Виктор қаддини ростлаб, тил учида «келинг, домла», деб қўйди.

— Мулла Шерали!— деди Боқизода бошини Шерали томон хиёл буриб.— У вазиятни юмшатмоқчи бўлган кезларда бошқа бир киши номига «мулла» сўзини қўшиб мурожаат қиларди.

— Лаббай, домла!— Шерали ҳам атайин овозини Боқизоданикига мослаб, чўзиброқ жавоб берди. Бошқа вақтда ҳар бир нарсасага синчков Боқизода, ҳозир бунга ортиқча эътибор бермай, муддаога ўтди.

— Виктор биздан андак хафа бўлди. Аммо ақл ва заковат соҳибининг бундай қилмоғи ноўрин, зеро, домланинг измидан юрмаслик — бу баайни улуг зотларнинг кўнглини ранжитишдек гап...— У сўзларни чертиб-чертиб айтар, ҳар бир жумладан кейин тўхтаб, гаплари этишувчига қандай таъсир кўрсатаётганини кузатарди. Бинобарин, иним,— Виктор бевосита ўзига мурожаат қилингани учун энди жавоб бермоқчи бўлиб оғиз ростлаган эди, Боқизода «шошмай тур» дегандай ишора қилиб, сўзида давом этди:— «Сад задани сўзангару, як задани оҳангар!» Бу гапнинг маънисини қаранг: «Игначининг юз ургани-ю, темирчининг бир зарби», кўрдингизми? Бизлар кўпни кўрган одамлармиз. Ёшимиз ҳам элликка қараб боряпти. Ҳали ёшсиз, иним, адашманг деймиз-да. Ахир биз ҳам кон очишга қарши эмасмиз, аммо янги, совет конларини очишимиз керак. Пўпанак босиб, ўтмишнинг сарқит ҳиди анқиб турган гўристонларга тушишдан муддао нима, деб ўйлаган эдим.

— Муддао — уни ўрганиб, янгиларини топиш.— Виктор ўзини тутолмай, зарда билан жавоб қайтарган эди, Шерали унга «жим тур» ишорасини қилиб, домлани тинчитиш учун:

— Ёш-да, домла!— деб қўя қолди-ю, аммо Боқизоданинг: «Биз ҳам кон очишга қарши эмасмиз», деган гаплари уни ўйлантириб қўйди. Университетда ҳам, геология бошқармасида ҳам домлани қўллаб-қувватлайдиган одамлар борлигини орқаворатдан эшитган эди. Баъзи бир масалаларда Боқизода устида гап-сўз бўлганда ҳам, кимдир орага тушиб, уни силлиқлар, қор ёғилиб, излар босиларди. Айниқса ўтган йили Боқизоданинг бир неча лекция стенограммалари катта шовшувга сабаб бўлиб, гап унинг ишда қолиш-қолмаслигигача бориб етганида ҳам ўша номаълум қўллар масалани кун тартибидан олиб ташлабгина қолмай, домланинг декан ёрдамчиси қилиб тайинланишига эришдилар. Шерали хаёлидан

шу фикр ўтиб турганида, калаванинг учини Боқизоданинг ўзи Шералининг қўлига тутқазиб қўя қолди.

— Гапимни тамом қилганим йўқ ҳали. Бундан муддао нима деб, мен ўйлаётган эдим. Виктор деканатдан чиқиши билан ҳурматли Вадим Акимович телефон қилиб қолдилар. Бугун соат тўртда олтмиш бешинчи аудиторияда йиғилиш бўлишини, сиз билан Викторни огоҳлантиришни айтдилар. Йўлакай Викторнинг илтимоси билан Помирга борадиган партияга бир кун Қорамозорда қолишга рухсат берганларини ҳам хабар қилдилар. Ахир у киши розилик берган эканлар, шуни менга бир оғиз айтсангиз, нима бўларди, иним Виктор? Ўртоқ Гуреевнинг айтганлари — биз учун қонун.

Шерали ялт этиб Боқизодага қаради-ю, ўтган йили Гуреев билан бўлиб ўтган воқеани эслади. Университетни битиргач, бошқармага бориб, уни Синтоб экспедициясига қўшиб юборишларини сўради. Бошқарма бошлиғи олдидаги қоғозлардан кўзини узмай: «Гуреевга учранг», деб ишини давом эттираверди. Шерали бошлиқ кабинетидан чиқиб, рўпарадаги устига қора чарм сирилган эшикни очиб, хонага кирди. Узун нақшинкор каттакон стол ортида жуссаси кичкина, сочлари энди оқара бошлаган киши ўтирарди. Унинг ёшини чамалаш қийин, жуда синчиклаб қараган одам элликларга боргандир, деб мўлжаллаши мумкин. Аммо ялтиллаб турган силлиқ юзлари таранг, ёноқлари қип-қизил, хуллас, кўринишдан ўзига ортиқча зеб бериб юрадиган олифга одамлар тоифасиданга ўхшарди.

— Иш масаласида келувдим.

Гуреевга келгувчининг бу қадар бетакаллүф гапира бошлагани ёқмади. Қўлидаги қаламни айлантириб, бирпас индамай, Шералига тикилиб турди-да:

— Ўтиринг,— деди стулга ишора қилиб совуқ оҳангда.

Шерали исми ва фамилияси, бу йил университетнинг геология факультетини битирганини билдирди. Биратўла дилидаги гапини ҳам айта қолди:

— Фақат бир илтимос, мени тўғри тушунинг, бошқармага ишга киришимдан мақсад — Синтобга бориш, бўлмаса...

Гуреевнинг эйсаси қотди. Қалам билан столни чертиб, Шералининг гапини бўлди. Сўнг жуда осойишта, аммо лоқайдлик билан масхараомуз оҳангда:

— Бўлмаса, ишингизга ҳам кирмайман денг?— деди.

— Йўқ, ундоқ демоқчи эмасман. Борди-ю, Синтобга бормайдиган бўлсам, аспирантурада ҳам қолишим мумкин.

— Марҳамат, ихтиёр сизда. Аммо биз ишга кирган одамларни жойларга уларнинг истаги билан эмас, идора эҳтиёжига қараб юборамиз. Шуни ҳам айтиб қўймоқчиманки...

У энгашиб, столи тортмасидан бир парча қоғозни олди. Кўздан кечирди. Сўнг олдингидан ҳам совуқроқ гапирди: «Бизга кимни ишга олишимизни ўша сиз тугатган факуль-

тетингиздаги обрўли одамлар тавсия этишган,— деди сўзларни чертиб-чертиб.— Мана бу рўйхатда ўзларининг табаррук номлари йўқ. Афсус, ёрдам беролмайман. Синтоб масаласига келганда, ҳали ёшсиз, кўп ишларга қўл урасиз, шу вайдан билиб қўйганингиз яхши: у ерни сиздан каттароқ геологлар ҳам бир неча йил сурункасига тадқиқ этишди. Ҳеч нарса топишолмади. Унча-мунча олтин конлари бўлса бордир. Аммо уни очишга кетадиган сарфу харажат олтиннинг ўзидан ҳам қимматга тушади. Бинобарин қидирув ишлари тўхтатилди.

— Экспедиция кетяпти-ку?

— Тўғри, кетяпти. Аммо олтин қидиргани эмас.— У шундай деди-ю, пинагини бузмай боягидек ўтираверди.

Шерали бундай лоқайд одамларни кўрарга кўзи бўлма-са-да, ҳозир ўзини мумкин қадар босди. Яна савол берди:

— Синтобнинг олтин бор жой эканлиги тўғрисида конференцияда айтилган гаплар қаёқда қолиб кетди бўлмаса? Нега... Нега энди?— тутилиброқ сўради Шерали. Одатда асабийлаша бошлаганда, гапиролмай тутиларди.

Гуреевнинг қип-қизил ёноқлари бирдан оқарди, юз бичимига мутаносиб тушмаган каттагина бурни устига қўндирилган сариқ пенснесини олиб, стол устига қўйди-да, ўрнидан туриб, асабини босиш учун бўлса керак, бир лаҳза Шералига жаҳл билан тикилиб қолди. Сўнгра сўзларни чақиб олгудек доналаб:

— Тадқиқ этамизми, йўқми — бу ёғини бизга қўйиб берсангиз, йигитча! Менда яна нима ишингиз бор?— деб сузила бошлаган кичкина кўзларини эшикка тикди.

Шерали совуққина хайрлашиб, чиқиб кетди. Мустақил ҳаётга қадам қўйганида, дастлабки зарба уни эсанкиратиб ҳам қўймади. Бу ҳангомани эшитган Павел Иванович қотиб-қотиб қулди: «Ҳечқиси йўқ, бўталоғим, бунақа тўсиқларга ҳали кўп учрайсан. Чиниқиб тургин. Бу тоифадаги хизматчилар одамларни яроқли ёки яроқсизлигига қараб эмас, балки ўзларига яроқли киши бўла оладими, йўқми — ана шунга қараб ишга оладилар»,— деб қўйди. Бугун Павел Иванович Гуреевнинг номини чўзиб айтиб, кулиб қўйганининг ҳам боиси шунда эди. Ҳозир шулар ҳақида ўйларкан: «Қизиқ, демак, Гуреевнинг қўлидаги рўйхатни Боқизода берган экан-да»,— дея ҳаёлидан ўтказди. Аммо инсон қалбини шиллиқ қўртдек кемириб ташлайдиган гумон ва шубҳа ич-ичини кемираётганидан ижирғанди, бунинг сиртига чиқариб, сездириб қўймаслик учун гапни калта қилди:

— Жуда соз-да, домла, демак, бизга оқ йўл тиларкан-сиз-да?

Боқизода ҳам худди шуни кутиб турган экан шекилли, Шералининг турткиси айна муддао бўлди. Шоша-пиша:

— Албатта, албатта!— деди юзига сохта табассум югуртиб.— Ёшларга йўл-йўриқ кўрсатиш — бизнинг вазифамиз.

Оқ йўл сизларга! Бўлмаса мен кетдим, хафа бўлиш йўғ-а, дўстим Виктор?— дея ундан тасдиқ жавобини олгач, эшикни боягидек эҳтиёткорлик билан бармоқ учида очиб, чиқиб кетди.

Шерали билан Виктор бир-бирларига қараб, маъноли кулиб қўйишди...

#### ТҲРТИНЧИ БОБ

Йиғилиш жуда қисқа бўлганига қарамай, одамлар белгиланган вақтдан анча эрта тўпландилар. Бир қисм кишилар олтамиш бешинчи аудиторияга кираверишдаги зина майдончасида, қолганлар коридорда тўпланиб туришарди. Виктор кутубхонадан олган китобларини топшириб келадиган бўлди. Шерали зинапоя панжарасига суяниб, одамларни кузатарди. Пастдан Павел Ивановичнинг овози эшитилди. Қайрилиб қаради. У ёнидаги бўйчан, ранги заҳилроқ, оппоқ сочлари пахмайган кишига алланималарни уқтириб келарди. Шерали бу одамни кўрган заҳоти таниди. Бу уч йил олдин конференцияда ҳаммани ўзига мафтун этган машҳур геолог, академик Фёдор Николаевич Кирилов эди. Уларнинг орқасидан Гуреев билан гаплашиб келаётган ўрта бўйли, чайиргина кишини Шерали танимади. Улар Шералининг ёнидан ўтиб кетишди. Шерали саломлашди-ю, Кириловга завқ билан тикилиб қолди. Академик атрофдагиларнинг саломларига бош эгиб алик олар, айни чоғда Павел Ивановичга бир нарсани тушунтираётган эди. Шерали Фёдор Николасвич аудитория томон бурилгунча ундан кўз узмади. Хотирасида конференция бўлиб ўтган кезлар жонланди...

Қирқинчи йилнинг ёз палласи эди. Ушанда Шерали иккинчи курсни энди тамомлаганди. Кечагидай эсида: дарсдан кейин торгина қоронғи коридордан кўча эшиги томон бурилган эди, Павел Ивановичнинг овозини эшитиб тўхтади.

— Мен билан пойга қилмоқчимиз-ян дейман, чақирсам ҳам орқа-ўнгингга қарамай, чопяпсан-а, тинчликми?— Павел Иванович қўлтиғидаги қалин папкасини ҳанспраганча кираверишда гардероб олдидаги тахта тўсиқ устига қўйди-да, Шералидан ҳол-аҳвол сўраб, уни ўзига яқинроқ имлади. Атрофга бир қараб олгач, шивирлади:— Тошкентга бутун мамлакатдан катта геолог олимлар келишган. Эртага эрталаб олтин бўйича Ўрта Осиё конференцияси очилади. Конференция вақтида у-бу ишларга қарашиш учун беш-олти студент ажратилди. Сени ҳам киритдик. Кечикмай етиб боргин. Жуда фойдали йиғилиш. Хайр, шошиляпман.

Павел Иванович қайтиб университетга кириб кетди.

Шерали ўша куни кечқурун анчагача ўйлаб ётди. У ҳар куни кўриб юрган катта геологлардан бири Павел Иванович эди. Эртага эса бутун мамлакатдан келган одамлар билан

рўпара бўлади. Улардан кўпининг номларинигина эшитган, баъзиларининг эса ҳар бири кичикроқ ёстиқдек китобларини қайта-қайта варақлаганда, кўзи олдида бутун олам жонланган эди. Энди уларнинг ўзларини кўради, овозларини эшитади... Шерали шу ҳаяжон оғушида мудраб, ниҳоят ширингина уйқуга кетганини ҳам билмай қолди. Эртаси кuni одатдагидан барвақт турди. Байрамлардагина киядиган, бошқа вақтларда чамадонида авайлаб сақлайдиган оқ сурп кўйлагини кийди. Шиппагининг тагчарми кўчган ерларини тикди, лампамойнинг юқи қолган латта билан яхшилаб артди, рахи чиқсин деб матрац тагига ёзиб қўйган шимини олиб кийди. Шимнинг тиззаси билан ўнг чўнтагининг тагига ямоқ солинган эди. Шерали, жилла бўлмаса, битта ямоқни бекитмоқчи бўлиб, кўйлагини шимининг устидан туширди. Белига энсиз сарғиш камарини боғлади-да, деразанинг бир тавақасини очиб қўйиб, сочини ўшанга қараб таради. Нонуштага асраб қолган бир бурдагина қотган нонни тумбочка тортмасидан олиб еди, устидан икки ҳўплам сув ичиб, конференция бошланишига роппа-роса бир ярим соат қолганда, ётоқхонадан чиқди. Шаҳарнинг бошқа жойларига қараганда анча салқин Карл Маркс кўчасидан ғир-ғир эсаётган эрталабки ёқимли шабада эркалатгандай юзларини силаб-сийпаларди. Танаси қучоққа аранг сиғадиган чинор тагида тўхтаб, атрофни кўздан кечирди. Одамлар галаси шошилиб ўтиб турарди. Негадир Шерали яна конференция ҳақида ўйланиб қолди. Назирада кўчадан ўтаётганлар ҳам конференцияга шошилаётгандек бўлиб туюлди. Одамлар оқимига завқ билан тикилиб қолди. Сўнг бу иши ўзига наша қилди шекилли, кулгиси қистаб, юзини чинор томон бурди. Одамлар ҳамон кети узилмай бир қисми Революция хиёбони томон, бошқа қисми қарама-қарши томонга ошиқарди. Шерали Пионерлар саройидан ўтиб, муюлишга етгач, қадамини секинлатди. Ўрда томондан жомини чалиб шиддат билан келаётган трамвай газ сув дўкони ёнига келиб тарақлаб силкинди-ю, «писс» этиб тўхтади. Трамвайдан тушганлар орасида Каримни кўрди. Шошилиб қолиб овозининг борича бақирди:

— Карим!

Шералидан кўра анча бўйчан, аммо елкалари негадир пастга осилиб тургандай жуда ихчам, қўллари узун, чўзинчоқ юзли озғин йигит тўхтаб атрофга аланглади. Ўша кезларда Карим Сағбондаги бир кампирникида ижарага турарди.

— Мен бу ёқдаман, Карим!

Карим энди Шералини кўрмаса ҳам овозини таниб, газ сув дўкони ёнига бориб тўхтади.

— Бормисан, оғайни, бундоқ бир хабар олай ҳам демайсан-а, инсофинг борми ўзи?— Шерали дум-думалоқ қўлини Каримга узатди.

Карим ҳам Шералини анчадан буён кўрмаган эди. У бир

ҳафтача тоби бўлмай ётиб қолганди. Шералини хижолат қилмаслик учун бунни айтмай:

— Борман, оғайни, ўзинг кўринмайсан?— деди.

— Э, нимасини сўрайсан, дўстим. Ўзингдан қолар гап йўқ, шу кунда нима кўп — семинар. Сенларнинг ер ости сувларингга етиб олайлик деб ҳаракат қилиб ётибмиз-да. Сен ҳам ўша ёққами?

— Ҳа, ўша ёққа.

— Павел Иванович айтгандирлар?

— Ҳа.

— Қандай ажойиб ғамхўр домла, а?

— Нимасини айтасан, биз чуғурчуқларга йўл бўлсин эди, бунақа катта йиғилишларга.

Карим Шералига мамнун тикилиб: «Қани кетдик», дея йўл бошлади. Улар Олий Совет биноси томон йўл олишди. Икки ўртоқ шилдираб оқаётган лим-лим ариқча бўйлаб юз қадамча юриб, сўнг қатор дарахтлар қалин соя ташлаб турган кўчага бурилишди. Конференция Фан комитети биосининг мажлислар залида бўлиши керак эди.

Шерали билан Карим Абдулла Тўқай кўчасидаги икки қаватли бинога яқинлашгунча ундан-мундан гаплашиб келишди-ю, аммо эшикка яқинлашгач, ҳар иккаласи гунг одамлардек чурқ этмай қолишди. Қиришга ҳам ийманиб, келаётганларга йўл беришарди. Кўпчилик кириб бўлгач, яна орқа-ўнгларига бир қараб, ичкарига ўтишди. Шералини коридорда тўп-тўп бўлиб турган одамларнинг салобати босди. Қаримнинг биқинига туртиб, четга имлади. Иккалалари четга чиқиб, атрофдаги одамларни қизиқиш билан кўздан кечири бошлашди. Орадан ўн минут ўтар-ўтмас қўнғироқ чалинди. Залга ҳам ҳаммадан кейин киришди. Шерали орқадаги бўш ўриндиқлардан бирига омонатгина ўтириб, Қаримни ёнига имлади. Улар боягидек бир-бирларига чурқ этишмай, залдагиларни кўздан кечиришарди. Зал ғала-ғовур. Карим Шералини туртиб олдинда ўтирган Павел Ивановичга ишора қилди. Павел Иванович ҳам уларни кўриб, жилмайди. Ёнидаги оппоқ сочлари пахмайган киши билан гаплашаётган эди. Бояги ғувиллаш аста-секин тина бошлади. Президиумдагилар ўрнашиб олгандан кейин эса зал тамоман тинчиди. Ҳамманинг диққат-эътибори конференцияни очаётган нотиқда. Шерали яна ҳаяжонлана бошлади. Ахир унча-мунча нарсага юқори баҳо бермайдиган ўта талабчан Павел Ивановичнинг ўзи: «Жуда фойдали йиғилиш»,— деди. Ҳаммадан муҳими шундаки, бу сўзларни Шералига аллақандай тасодифий киши эмас, Павел Ивановичнинг ўзи айтди. Шерали шулар ҳақида ўйланиб туриб, ёнида ўтирган Қаримни ҳам унутаёзди. Нотиқ олтин қазиб олишнинг ҳозирги аҳволи ҳақида гапирарди. Нотиқнинг уқтиришича, Ўрта,Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда кейинги йилларда олтин етказиб бериш ишла-

ри бирмунча жонлантирилган бўлса ҳам, ҳали айтарли, мақтовга арзигулик даражада эмас эди. Яккам-дуккам туб конлардан олинаётган олтин миқдори жуда кам. Сочма конлардан ҳам шунчаки хўжакўрсинга олтин йиғилаётган эди. Сарф-харажат эса олтиннинг ўзидан ҳам қимматга тушаётган эди. Бир сўз билан айтганда, ўттиз еттинчи йилларга келиб олтин олиш ишлари олдинги даражасидан ҳам тушиб кетди. Шундай қилиб, минг йиллар давомида жуда бой табиий шароити ва бағридаги олтин бойликлари билан донг таратган ўлка бу соҳада мамлакатда сўнги ўринлардан бирига тушиб қолди. Бунга, бир томондан, ҳамма нарсаса ишончсизлик билан қарайдиган айрим йирик мутахассисларнинг: «Ўрта Осиёда олтин йўқ, уни олиб бўлишган, бу соҳада ишлаш беҳуда»,— деган зарарли ва ҳеч қандай назарияга асосланмаган сафсаталари сабаб бўлган бўлса, иккинчи томондан, ўлкани геологик жиҳатдан ўрганишга лаёқатли бақувват кадрлар йўқ, борлари ҳам аксари вақт бу ишдан четда қолишар, геология-разведка учун давлат бераётган маблағлар хўжасизлик билан сарфланарди.

Нотиқ шулар ҳақида тўхталганда, Шерали бир сесканди: «Наҳотки кимларнингдир айби билан давлат берган пуллар кўкка совурилса?» Давлат фан равнақи учун ҳеч нарсани аямай, маблағ ажратса-ю, уни кимлардир талон-торож қилса! Аллақандай боқибегамлар келажак авлодларнинг оёйишталигини кўзлаб ажратилган пулларни тежаб-тергаб, жойини топиб сарфламаса?! Шералининг қорачадан келган бақувват қўллари беихтиёр мушт бўлиб тугилди. Қани энди ихтиёр унда бўлса-ю, ана шундай одамларни халойиқ олдида адабини бериб қўйса!

Карим Шералининг ижирғанаётганини кўриб, секин шивирлади:

— Сенга нима бўлди, Шерали?

— Ҳеч нарса.— Шерали кўзини минбардан узмай, унга истар-истамас жавоб берди-ю, яна ўз хаёли билан бўлди. Шу орада Павел Ивановичнинг ёнида ўтирган бояги оппоқ сочлари пахмайган олим минбарга кўтарилган эди, Шерали ўзига келиб: «Қара, домламизнинг ўртоғи сўзга чиқяпти», дегандай Каримни туртиб қўйди. Карим ҳам мамнун жилмайди. Яхшилаб ўрнашиб олди. Шерали ҳозиргина эшитган гапларини апил-тапил дафтарига ёзгач, минбарга қараб қолди. Нотиқ Ўрта Осиёда туб олтин конлари ва уларни ўрганиш масалалари устида тўхталди. Унга бошқаларга нисбатан кўпроқ чапак чалинди. Шерали унинг: «Ўрта Осиё шароитида туб олтин конлари магма юқори қатламларга чиққандан кейинги даврда ҳосил бўлади. Ҳарорат юқори жойларда олтин кўпинча маргимуш бирикмасида, ҳарорат пастроқ жойларда — яъни магмадан нарироқда эса олтин кварц-пирит томирларда пайдо бўлиши ҳам мумкин», деган хулосасини

ёзиб, тагини чизиб қўйди. Нурота тоғларидаги олтин тўғрисида қилинган доклад ҳам Шералида яхшигина таассурот қолдирди...

Шерали Карим билан кўчага чиққанда, конференция қатнашчилари деярли тарқалиб бўлишган, эшик олдида Павел Иванович ким биландир гаплашиб турарди. У Шерали билан Каримни кўриб, ёнидаги одам билан хайрлашди-да:

— Хайрият, шу ерда экансизлар,— дея уларга яқинлашди ва жилмайганча, сўзини давом эттирди:

— Хўш, қалай, зўрми?

Карим Шералига қаради.

— Жуда зўр, Павел Иванович, раҳмат, сизнинг шарофатингиз билан...

Павел Иванович Шерали гапини тугатмай, афтини буриштирди.

— Ҳеч қандай Павел Иванович эмас, сизларни конференцияда қатнашишга университет тавсия этди. Мен номзодларингизни ректордан тасдиқлатиб олдим, холос. Шунинг ҳам унутмангларки, мен университетнинг оддий профессориман, ундан ортиқ эмас, ҳа, ҳа!

Шерали яна бир нарсга демоқчи эди, Павел Иванович:

— Докладлардаги гапларни эшитдингларми?— деб Шерали билан Каримга савол назари билан қаради.

Яна Шерали жавоб берди:

— Эшитдиккина эмас, ҳаммасини ёзиб ҳам олдик. Павел Иванович, айниқса академик Кириловнинг гаплари жуда зўр бўлди-да.

— Нимасини гапирасан.— Павел Иванович ҳузур қилиб кулди.— Конференция ҳам шу одамнинг ташаббуси билан чақирилди-да!— дея мамнуният билан қўшиб қўйди.— Илгари ҳам Тошкентга бир-икки келиб кетган. Қани энди бизда шундайлардан лоақал икки кишигина бўлса. Иш деганда ҳеч нарсасига қарамайди. Аммо касалманд. Ўлгудек ўжар. Даволаниш тўғрисида бировга оғиз очтирмайди. Вақтини аяйди.— Павел Иванович энгашиб шивирлади:— Икки марта тунда касалхона деразасидан ҳатлаб қочган. Бу одам билан бир мартагина экспедицияда бирга бўлганман. Бай, бай, бай! На ўзи тинади, на бировни тиндиради. Ўйққан намуналарининг авайлашини кўрсанг, Лагерга қайтгач, бирма-бир кўздан кечириб, қоғозларга ёзиб, сўнг ҳар бирини алоҳида-алоҳида оппоқ халтачаларга жойлайди. Саквояжига солиб олиб, ўзи кўтариб юради, туғишганига ҳам ишонмайди. Э, нимасини айтасан, унинг фазилатларининг гапириб адо қилиб бўлмайди.

Павел Иванович ажиндор кенг манглайини дастрўмоли билан артиб, папкасидан бир даста дастхат чиқариб, Шералига узатди.

— Мана булар бугунги докладларнинг бир қисми. Уни-

верситетга боришинг билан олтмиш бешинчи аудиторияга кирасан, тўртта машинистка ишлапти. Дастхатларни эшикдан кираверишдаги биринчи машинисткага берасан. «Эртага-ча тайёр бўлиши керак экан»,— деб қўясан, уқдингми? Хўп, хайр, мен кетдим.

Павел Иванович берган дастхатларни Шерали авайлаб газетага ўраб олди-да, Карим билан хайрлашиб, университетга югурди...

Шиддат билан жаранглаган қўнғироқ Шералининг хаёлини бўлди. У юқорига қаради. Геологлар бирин-кетин аудиторияга киришаётган эди. Қўлини панжарадан олиб, юқорига кўтарилаётганда, орқасидан етиб келган Виктор Шералига шивирлади:

— Ўзимам нафасим бўғзимга тиқилиб чопдим, хайрият, вақтида етиб келибман.— Дастрўмоли билан бўйин ва юзларини артиб, Шералига қараб кулди.

— Сеники ўзи доим шунақа. Ҳамма ишингни нафасинг бўғзингга тиқилганда қиласан.

— Келишдими?— Виктор Шералининг дашномига эътибор ҳам бермай сўради.

Шерали бош ирғаб, аудитория томон бурилди. Хонада тахминан ўттизга борар-бормас киши ўтирарди. Шерали билан Виктор орқароқдаги стуллардан ўрин олишди.

Академик Кирилов устига қизил алвон ташланган стол ортида ўтирарди. Унинг чап томонида Гуреев, ўнг томонида Шералига нотаниш киши. Шерали кўзи билан Павел Ивановични қидирди. У биринчи қаторда Боқизоданинг ёнида ўтирарди. Павел Ивановичнинг Боқизода билан ўтирганига Шералининг негадир ғаш келиб, юзини буриштирди. Яхшилаб ўрнашиб ўтирди-ю, яна Фёдор Николаевичга тикилиб қолди.

Йиғилишни Гуреев очди. Унинг нима мақсадда чақирилгани ҳақида қисқача тўхталгач, Фёдор Николаевичга сўз берди.

Фёдор Николаевич шошилмай кафедра олдига келди. Папкасидан керакли қоғозларни олгач, пешонасидаги терни артиб, иссиқдан шикоят қилгандек залдагиларга қараб жилмайди. Сўнг осойишта гапира бошлади:

— Азиз ҳамкасблар! Мен ҳузурингизга Мудофаа Давлат Комитетининг топшириғи билан келдим. Вазият барчамизга аён. Тўхталиб ўтирмайман. Ҳамма бирдай муқаддас ғалабага илҳақ! Ғалабамиз эса муқаррар! Фронт ва фронт орқасидаги бутун имкониятлар шунга сафарбар этилган. Узоққа бормаёй, Тошкентни олиб қаранг. Бугун у чинакам аслаҳахонага айланган. Ҳамма фронт учун ишламоқда. Шаҳрингизда фронт буюртмасини бажармаётган биронта корхона йўқ. Сиз тайёрлаётган снарядлар тўппа-тўғри жанг майдонига жўнатилмоқда. Буюк ғалабани таъминлаш учун ҳозир бизга

тоғ биллури, шунингдек, исланд ва плавик шпатларининг шаффоф оч пуштиранг турлари зарур. Бу минераллар эса Помирда, Зарафшон тоғларида, Чотқол-Қурама тизмаларида топилиши мумкин. Москвадан Помирга катта экспедиция кетди. Шу экспедициянинг учта партиясини Тошкентдан олишга қарор қилдик. Асосий кучлар, мана, ўртоқ Гуреевнинг маслаҳатига биноан,— нотиқ Гуреевга ишора қилди,— университетдан олинди. Биринчи партия Зарафшон тоғларида боради. Бу партияга ўртоқ Латиф Боқизода бошчилик қилади. Иккинчи партияни ҳаммамизга ҳурматли Павел Иванович бошқаради. Ундан Қорамозорни тадқиқ этишни сўраймиз. Бу ҳақда яхшигина монография ҳам ёзган. Қорамозорни ипидан-игнасиғача билади.— Фёдор Николаевич стакандаги сувдан бир ҳўплаб, Павел Ивановичга қараб, кулиб қўйди-да, гапини давом эттирди,— ниҳоят ўртоқ Қутбиддин Билолов раҳбарлигидаги учинчи партия Помирга боради. Мен экспедиция бошлиғи сифатида Хорогда бўламан. Бошлиқнинг ташкилий ишлар бўйича ўринбосари Борис Сергеевич Алексеевга Ванч билан Хорог орасидан қулайроқ жой танлаймиз. Зарурат туғилгудек бўлса, менга ёки у кишига мурожаат қилишларингиз мумкин.

Нотиқ ўнг томонда ўтирган кишига ишора қилди. Ёши олтимышларга бориб қолган озгин, аммо кўринишдан анчагина бақувват, қадди-қомати келишган киши ўрнидан туриб, ўтирганларга жилмайиб қўйди.

Фёдор Николаевич қоғозларини яна бир кўздан кечиргач:

— Гап шу, дўстлар. Масаланинг муҳимлигини уқтириб, эзмаланиб ўтирмайман.— У сийрак қошларини чимириб, бир зум жим қолди. Сўнгра сўзини ярим ҳазил оҳангида давом эттирди:— Лекин, оғайнилар, биз геологларга толе ҳамиша ҳам ёр бўлавермайди. Гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ деганларидек, қуппа-қуруқ қайтадиган пайтларимиз ҳам бўлади. Олдиндан огоҳлантириб қўймоқчиман; қуруқ қайтганлар тополмаган минераллари бадалига пул ҳозирлаб келишсин. Биз керакли нарсани хориждан сотиб олишимиз ҳам мумкин. Аммо қоғоз пул кетмайди, биласизлар. Олтин, кумуш пул керак. Марҳамат, олтин қидиринг, кумуш изланг. Бу ноёб металллар оёқларинг остида ётипти. Эсларингизда бўлса, бу ҳақда конференцияда ҳам гапирган эдим. Аммо ўшандан буён ҳам арзигулик бирон иш қилингани йўқ. Давлатга бу металллар ҳозир жуда зарур. Гап шу, оғайнилар!

Фёдор Николаевич кейинги сўзларини ҳаяжон билан гапирди-ю, қоғозларини папкасига жойлаб, ўрнига бориб ўтирди.

— Саволлар борми, ўртоқлар?— Гуреев ўтирганлардан рад жавобини олгач, Фёдор Николаевич билан Борис Сергеевичга миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди. Сўнгра ҳар учала партияга кирган геологлар

рўяхатини алоҳида-алоҳида ўқиб эшиттирди. Кенгашиб олиш учун ажратилган хоналарга чиқишга таклиф этди.

## БЕШИНЧИ БОБ

Юк машинаси Қорамозор қишлоғини чангитиб, тоғ этагидаги арча ёнига келиб тўхтаганида, чошгоҳ пайти эди. Кабинадан озгин бўлишига қарамай, жуда чайир, қирқ ёшлар чамасидаги ўрта бўйли киши тушди. У қўлини соябон қилиб теварак-атрофга разм солиб олгач, машинадан нарироққа бориб тўхтади. Бу — Қутбиддин Билолов. Геология бошқармасида ишлай бошлаганига унча кўп бўлгани йўқ. Аммо йигирма беш йилдан буён геологлар билан бирга. Ўн йилликни тамомлади-ю, олтин қидирувчилар билан турли жойларда ишлаб юрди. Уруш бошланишидан уч йил олдин геология факультетининг сиртқи бўлимига ўқишга кирди. Урушнинг биринчи йили фронтга кетди. Шиддатли жанглардан бирида яраланди. Сафга яроқсиз, деб фронт орқасига жўнатилди. Қутбиддин ўқишини сиртдан давом эттириб, университетни тугатгач, геология бошқармасида қолди. Ишчанлиги, хушчақчақлиги туфайли бошқармадагиларнинг ҳурматини қозонган бу тиниб-тинчимас киши деярли Тошкентда бўлмас, йил-ўн икки ой тоғу биёбон кезгани учун кўплар уни Қутбиддин Биёбоний деб чақирадиган бўлишди. Бора-бора бу ном шу қадар кенгиб кетдики, бировдан «Билоловни кўрмадингми?»— деб сурашса, елка қисиб қўярди. Шундай қилиб, у Қутбиддин Биёбоний бўлиб қолди. Москвадан телефон қилишиб, Помир экспедициясига маҳаллий шароитни биладиган икки-уч геолог ажратилишини сўрашганларида ҳам бу экспедицияга боришга Қутбиддиннинг ўзи розилик билдирди. Икки ойлик сафардан қайтганига атиги уч кун бўлган эди.

Қутбиддин брезент этигини тапиллатиб ерга уриб, чангини туширди. Бошидаги ҳарбийча шапкасини ҳам қоқиб, қайта кийиб олди. Машина кузовидан тушиб, ёнида турган Шерали билан Викторга қараб:

— Мана ўша минг-минг йиллар давомида ўтган воқеаларнинг тилсиз гувоҳи бўлиб турган Қорамозор,— деди-ю, тоғ шамоли қовжиратган тиканаклар устидан секин юриб кетди.

Шерали кейинги уч йил ичида бу ерларга неча марталаб келиб кетган. Қорамозордаги деярли ҳар бир тош унга таниш бўлишига қарамай титилаётган сирли китоб саҳифалари устидан юраётгандай қадамини авайлаб босар, назарида, юзлаб нотаниш, ҳатто қиёфаси ҳам тамоман бошқача одамлар қуршовида кетаётгандек туюларди. Викторда эса тамоман ўзга ҳол. У бу ерларни сира кўрмаган, аммо китоблардаги тасвирини яхши билар, борди-ю, Қорамозорнинг ўтмиши, география ва геологияси ҳақида сўз очилгудек бўлса,

тинмай гапириши, ҳар бир тош ва унинг тарихини айтиши мумкин эди. Кеча тунда Виктор Қорамозор ҳақидаги китобни варақлаб чиқди. Бинобарин, Виктор ҳозир Оҳангарон билан Сирдарё оралиғидаги булутлар билан бўй талашаман деб турган Қорамозор тоғлари, Чотқол ва Қурама ёнбағирларидаги ўнлаб километр ергача ястаниб ётган шу ажиб сойлар ҳақида ўзича мушоҳада юритар, бир минг икки юз йил муқаддам Тошкентнинг жануби-шарқида, юз километрга борар-бормас ерда жуда катта Илоқ вилояти бўлганини, бу вилоятнинг савдо-сотиқ ҳамда кон ишлари беқиёс ривож топган ўн тўрт шаҳри Шарқ мамлакатларига олтин ва кумуш сотиб турганини ўйлаганида, аллақандай бир куч уни илдамроқ одимлашга ундар, шу шаҳарларнинг қолдиқларини ўз кўзи билан кўришга ошиқарди. Шерали Викторнинг шошилиб қолганини кўриб, енгидан тортди.

— Секинроқ, оғайни, йўл олис, толиқиб қоласан,— деб кулди-да, Қутбиддинга кўзини қисиб қўйди.

— Ҳазилкаш экансизлар,— деди Қутбиддин астойдил мамнун бўлганини ифода этиб.— Геоолог халқ шунақа ҳазил-мутуйиба қилиб турмаса тоғ-тошларда кечадиган машаққатли кунлар уни ҳар сўзида заҳар сочиб турадиган одамга айлантириши ҳеч гап эмас.

У шундай деб йўл тоғ ёнбағрига туташган томонга қараб, енгил тортгандай нафасини ростлади. Қадамини секинлатди. Чўнтагидан тамаки халтасини олиб, қўлтиғига қистирди. Этиги қўнжидаги газетани олиб йиртди. Уни чап қўлида тутганча тамаки солиб, бамайлихотир ўраб олди. Сўнг яна тамаки халтасини титкилаб, узун ип, чақмоқтош ва бир парча темир олди. Шамолга тескари турганча, ипни чақмоқтош устига қўйиб, темир парчаси билан ура бошлади. Ип тутагач, тамакисига тутди-да, мириқиб чекди. Назарида, бутун ҳордиқлари чиққандай бўлди. Кўзларини юмганча, тамакидан устма-уст тортгач, жилмайиб Виктор томон бурилди, оғиз-бурнидан тутун буруқсатиб чиқараркан:

— Қўрқманг, Виктор, ҳу ана у тепалик орқасидаги ўйиқни кўряпсизми?— дея тутундан мўмиёранг бўлган ингичка кўрсаткич бармоғини тоғ ёнбағрига туташган дўнгликка қаратди.

Виктор ўша томонга югурди.

Шерали билан Қутбиддин етиб келишганда, Виктор аллақачон қадимий конлардан бирига кириб, ғойиб бўлган эди. Шерали сел оқизиб келган оҳактош устига ўтирди. Саратон қуёшининг теккан ерни жазиллатадиган нурлари ҳали тоғ-тошларни заптига олиб куйдирганича йўқ. Аммо тирик мавжудотлар жон сақлаш учун унинг тафтидан қочиб, соя изларди. Қутбиддин қуёш гангитиб қўйган чигиртканинг беҳол ўрмалаётганига разм солиб туриб, Шералига қараб оғиз ростлаган ҳам эдики, Викторнинг бўғиқ овози эшитилди:

— Э-хе, ҳе, ҳе! Ҳе-е-е-е!!

Шерали сапчиб ўрнидан турди. Зим-зиё ғор олдиға келиб қичқирди:

— Виктоооор! Қаёқдасан? Тинчликме-е-е?— Шерали Викторни бирон нарса чақиб олди, деб қўрққан эди.

— Мен шу ғордаман! Ха-ха-ха-ха-ха!!!

Шерали бир нима деб улгурмай, яна Викторнинг овози эшитилди:

— Бу ер жаҳаннамнинг ўзгинаси, исми жисмига монанд — тимқорамозор!!! Эмакляпман...

— Нима? Нима дединг?!

— Илонлар... Худонинг ўзи асрапти. Ха-ха-ха-ха!.. Улар қоронғида ипакдай мулойим бўларкан!!!

Орадан бир дақиқа ҳам ўтмай Виктор кўринди. Кунга тик қарай олмай, кўзларини уқалаб турди-да, боя Шерали ўтирган оҳактош устига чиқиб олди. Ундан уюлиб ётган тупроқ устига чаққонлик билан сакраб, тўғридаги баланд қоя ортига ўтди-ю, кўздан ғойиб бўлди. Виктор китобдан ўқиб, билиб олган кумуш конини қидираётганди. Конга кирадиган йўлни баҳор тошқинлари тинимсиз оқизиб келган лой ва хас-чўплар бекитган эди.

Қутбиддин катта арча соясида ўтириб, газета варақлади, сўнг у ҳам тепалик ортига ўтди. Ёлғиз қолган Шерали оҳактош устидан тушди. Ўзидан икки-уч қадам наридаги қоронғи ўйиқ олдиға бориб энгашди. Ўйиқнинг тубиға қаради. У турган ердан пастга тушиш учун тош терилган эди. Шерали бошини пастроққа энгаштириб, разм солди. Юқоридан аранг кўринаётган ғор тўғриға қараб кетган эди.

Шерали ҳар гал Қорамозорга келганида, қадимий конларга тушишга жазм қиларди-ю, бунга эҳтиёж йўқлигидан ҳафсала қилмас, «кейинги гал» деб қўл силтаб қўя қоларди. Ҳозир қулай фурсат келганидан фойдаланмоқчи бўлди шекли. Енги калта кўйлагини ечиб, харсанг устига ташлади. Гиллапоя қилиб қўйилган тошлардан пастга тушди. Сукунатдан юраги орқасига тортгандай бир сесканиб, эти жимирлаганига қарамай, коннинг ичкари томониға юрди. Энди у кўзларини ҳарчанд катта очишға уринмасин беҳуда: ҳеч нарса кўринмас, ўргимчак ва кўршапалакларнинг қўланса ҳиди димоғиға гупиллаб урилиб, кўнгли беҳузур бўла бошлади. Гоҳ тирсаги, гоҳ тиззаси тоғ қирралариға тегиб зирқирар, тош уюмлари йўлни тўсган жойлардан эса эмаклаб ўтар, зим-зиё йўлакка чиқар, назарида бу ғўристоннинг кети йўқдай бўлиб туюларди. Шерали тўхтаб, нафасини ростлади. «Наҳотки, ёруғ жаҳондан бу ғўристонға кирганимдан буён орадан атиги бир неча дақиқагина ўтган бўлса?!»— дея ўйлади. Ҳозиргина боши устида турган тиниқ осмон ва саратон қуёшини энди бир умр кўролмайдиган каби юраги уюшди. Кўзи олдида шу йўлкани минг бир машаққат билан тим-

далаб очиб, ундан маъданли тошларни орқалаб кетаётган одамлар гавдаланди. Қулоқлари остида уларнинг қўл ва оёқларидаги кишанларнинг жаранги эшитилгандай бўлиб, беихтиёр тўхтади. Қўллари муздай тоғ деворидаги шилим-шиқ бир нарсага тегиб кетганидан чўчиб, орқасига қаради. Алланима тумшуги остида париллаб учиб ўтди. Уни кўрол-маслигига имони комил бўлса-да, кўзларини катта-катта очиб, беихтиёр тикилиб қолди. Боягина Викторнинг пастдан туриб: «Илонлар қоронғида ипакдай мулойим бўларкан!» деган сўзларини эслади. Виктор ҳазил қилганини тушуниб туриб, ғужанак бўлганча деворга тиралди. Яна боягидек қанот қоқиб, икки-уч мавжудот уни ёнлаб ўтди. Шундагина кўршапалаклар галасига дуч келганини фаҳмлаб, тинчланди. Қаддини ростлайман деб турганда, пешонасига чап этиб бир томчи муздай сув томди. Энди Шерали чинакамига сесканиб, оёқлари чалишганча изига қайтди. Юқорига кўтарилиб, ташқарига чиққач, ўзига келиб, ўйлай бошлади: «Қачонлардир шовқин-суронли улкан шаҳарлар ўрнини нечун бу сукунат олами эгаллади? Бу ерда ишлаган заҳматкаш кончилар кимлар бўлган? Наҳотки ўша мўъжиза кўрсатган боболар турли замонларда зарб этилган тангалару кишан ва бўйинтуруқ, тошболға ва тошчиروқлардан бўлак из қолдиришмаган бўлишса?!»

Шерали тупроқ уюмлари устида шиппагини судраб, Виктор турган жойга борди. Виктор кумуш конига кирадиган йўлни топган эди. Сув ва кўчкилардан иҳота этиш учун харсанглардан уйиб ясалган пештоқ бузилган экан.

— Эҳ, дўстим Шерали! Кўрдингми, қандай мўъжизалар яратишганини. Ҳамма нарса ҳисобга олинган.— Виктор шоша-пиша иккита харсанг тошни четга суриб, қоронғи зулмат бошланган ўйиққа ишора қилди.— Орадан саккиз аср ўтипти. Саккиз юз йил!! Қара, кечагина қазилгандек бус-бутун!

Шералини яна бояги ўйлар ҳаяжонга сола бошлади. У тепаликка кўтарилди. Пастда улкан водий қорайиб ётарди. Булар — маъдан чиқитлари. Қопларда минг бир азоб билан олиб чиқилган маъданли жинслар шу ерда сараланган ва эритилган.

Иссиқдан бўғриқиб кетган Қутбиддин ҳам етиб келди. У Шерали билан Викторга:

— Сизлар машҳур Конжўлдасизлар,— деди.— Афсонавий маъдан чиқитлари водийси. Бу ерда уч ярим миллион куб чиқит ётибди. Қаранглар!— Қутбиддин тўмтоқ ўнг қўлини баланд кўтариб, олис-олисларга ишора қилди. Бирпас сукут сақлаб турди-да, сўнг изтироб билан қайтарди:— Уч ярим миллион куб! Айтишга осон.— Қутбиддин маъдан чиқитларига қараб қолди. Бир нимани хотирлади шекилли, Шерали билан Викторга боши билан: «Бу ёққа юринглар», дегандек ишора қилди. Бир чеккага чиқиб чўккалаб ўтирди, этиги

қўнжидаги газетани ерга ёзди. Шимининг чўнтагидан турли хил танга, тошчиноқ синиқлари, занглаган темир парчаларини чиқариб ташлади. «Мана ўша аламзада зотлардан бизга қолган мерос, ҳу, ана у олтин конидан олиб чиқдим»,— деб хўрсиниб ўрнидан турди Қутбиддин, Виктор жон ҳоврида тангалардан бирини қўлига олди. Дастрўмолини намлаб, уни роса ишқалади. Ҳадеганда юзи очилавермагач, тангани газета устига ташлаб, ўйчан гапира бошлади:

— Бу ерларда аббосийларнинг бешинчи халифаси Ҳорун ар-Рашид замонида — етти юзинчи йилларнинг охири ва саккиз юзинчи йилнинг бошларида кон ишлари жуда ривож топган. Ўша даврда кумуш ва олтин тангалар ҳам зарб этилган. Ажаб эмас, бу тангалар ўша замонлардан қолган бўлса.

— Ажаб эмас,— дея Викторнинг сўзларини қайтарди Қутбиддин.

— Аммо минг афсуски, қадимий конлардан топилган қуролларнинг қачон ишлатилганини белгилайдиган аниқ сана йўқ, бинобарин, биз, менимча, шунинг учун ҳам Ўрта Осиёда олиб борилган тоғ ишларининг чинакам тарихини яратолмаётган бўлсак керак.

— Аммо яратишимиз зарур!— луқма ташлади Виктор қатъият билан ва негадир Латиф Боқизода билан Қутбиддинни хаёлан бир-бирига қиёслади.

Қутбиддин чуқур ўйга толиб, унинг фикрларини маъқуллагандай бош қимирлатди. Сўнг аллақандай ички ғурур ва ишонч билан гапирди:— Ер юзида конларидан Ўрта Осиёчалик узоқ муддат маъдан олинган биронта мамлакат йўқ. Улкан саҳролардан Тянь-Шань ва Помир чўққиларигача қадим-қадим замонлардан бошлаб зукко кончиларнинг пойқадами етган. Улар олтин, кумуш, қўрғошин, мис, рух, темир ва қимматбаҳо тошлар қидиришган.

Қутбиддин газета устида тартибсиз ётган буюмларга тикилиб қолди. Оғир хўрсиниб, ўша ҳазин оҳангда сўзини давом эттирди:— Кон ишларини боболаримиз ўз боболаридан, уларнинг боболари бобокалонларимиздан ўрганишган. Эҳ, ҳе, кўҳна тарихга кириб бораверсанг, у сени тобора олис замонлар сари етаклайди. Шу биз турган тупроқдан,— Қутбиддин оёғи билан ерни туртиб қўйди,— бобокалонларимизнинг авлод-аждодлари палеолит даврида, яъни бундан қирқ минг йил муқаддам чақмоқтош олиб, пичоқ ясашган, ёйларга ўқ қилишган. Замонлар ўтган, улар янги-янги маъданларни қидириб топишган. Фируза, темир конларини очишган. Қани ўша кон очиш тартиботлари битилган китоблар?— Қутбиддин Шерали билан Викторга қаради. Улар сукут сақлашарди. Қутбиддин фикрини чуқурлаштирди:— Янги даврда олиб борилаётган ишларни ҳисобга олмаган тақдирда ҳам Ўрта Осиё ерларида тоғ ишлари уч марта беқийёс тараққий этган: тош асрида, ундан кейин эса антик ва феодализмнинг даст-

лабки даврларида. Қизиги шундаки, қадимий кончилар ўзларидан ҳам олдинги жуда қадимий кончилар изидан борганлар! Шунинг учун ҳам талайгина эски конларда икки қатлам яққол ажралиб туради: булардан биринчиси неолит ёки антик даврларга бориб тақалади. Иккинчиси эса саккизинчи-ўн иккинчи асрларга тааллуқли. Эндиликда биз учинчи қатламни вужудга келтиряпмиз! Бир нарсаса сира эътибор берганмисизлар?— Қутбиддин яна Шерали билан Викторга савол назари билан қаради-ю, аммо жавоб кутмай, сўзида давом этди:— Тилсиз ўтмиш ҳозирги замон кон ишларига уланяпти. Саралаш фабрикалари қадимий конлар билан ёнма-ён ишляпти. Боболар ўз изларидан боришга чорляшяпти, кон ишини биздан ўрганишлар, деб туришипти.

Қутбиддиннинг мулоҳазалари Шералининг ўйларини айкаш-уйқаш қилиб ташлади, анчадан буён қийнаб келаётган фикрлари яна юзага қалқиб чиқди. «Чиндан ҳам,— хаёлидан кечирди Шерали,— қани ўша кон очиш тартиботлари битилган китоблар? Антик маданиятимизнинг бу ноёб обидаларини йўқ қилиб ташлашга ким журъат этдийкин?

Қутбиддин Шерали хаёлидан кечаётган ўйларни уқиб олгандек сўзини оҳиста давом эттирди:

— Муҳтарама оналаримиз инсониятга осмон каби берубор фарзанд туғиб берадилар, ер юзида инсон умрини узайтирадилар. Давр ва муҳит эса бу бегуноҳ гўдакни ё эзгуликка раҳнамо бўлувчи буюк зотга, ёки инсоният яратган жамини эзгуликларга гўшат келтирувчи даррандага айлантиради. Бўлмаса ўзга халқларнинг муқаддас тупрогини зўравонлик билан топтагани камлик қилгандек, шу халқнинг минг йиллар давомида яратган санъат ва адабиёт, илм-фан ва маданият обидаларини Қутайба ибн Муслим ёки Чингизхондек ёвузлар йўқ қилиб, кулини кўкка совуришга фармон берармиди?

— Ачинарли томони шундаки,— гапга аралашди Виктор,— Ўрта Осиёда кенг кўламда олиб борилган геология қидирув ишларининг сир-асрорлари битилган китоблар йўқ қилинган.

— Ҳа, Виктор, ҳақ гап бу,— Қутбиддин ўйчан гапирди.— Бизнинг ақл-идрокимиз ҳануз фаҳмлаб ололмаётган муаммоларни ота-боболаримиз минг йиллар олдин осонгина ҳал этишган. Буни қарангки, геологларимиз қаерда кон очишса, ўша ерда қадимий кончилар ишлашганига дуч келиняпти. Ота-боболаримиз оёғи етмаган биронта пичоққа иллинадиган кон қолмаган.

Орага жимлик чўкди. Аммо лаҳза ўтмай, бу жимликни тўсатдан Павел Ивановичнинг қояларга урилиб, акс садо билан жаранглаган овози бузди. Ҳар учалари овоз чиққан томонга қарашди. Павел Иванович уларни ўзи томон имлаётган эди.

Қутбиддин қўлини оғзига карнай қилиб: «Ҳози-ир», деб Шералига қаради. Ҳар учалалари Ўткемсойнинг ўнг қирғоғидан юқорига қараб кетишди. Бу сойнинг сув миқдори тоғдаги эрувгарчилик ва ёғин-сочинга боғлиқ. Сув баъзан енгилгина ҳатлаб ўтадиган даражада камайиб ҳам кетарди. Ҳозир сой тўлиб-тошарди. Павел Иванович уларни чапга бурилиб кетган тошлоқ ердаги дўнглик ёнида кутиб турарди. Шогирдлари билан ораси ўн-ўн беш қадамча қолган эди. Павел Иванович бардош бериб туролмади. Дўнгликдан кўз узмай:

— Қутбиддин, сенингча бу нима?— деди ҳаяжон ичида бўғриқиб кетган семиз юзидаги терни дастрўмоли билан арта туриб.

Қутбиддин Павел Иванович кўрсаткич бармоғи билан ишора қилган дўнгликни синчиклаб кўздан кечиргач:

— Назаримда, бу ерни кимдир қазиган,— деди ишонч билан, сўнг профессорнинг фикрини билмоқчи бўлиб унга тикилди.

Павел Иванович фикрини айтишга ошиқмади.

— Сен нима дейсан?— Шералига мурожаат қилди у.

Қутбиддиннинг орқасида турган Шерали ўзига қаратилган саволдан ҳушёр тортиб, олдинга ўтди. Дўнгликни чама-лаб кўрди.

— Менимча, Қутбиддин ака тўғри айтяптилар, қадимий ўйиқ бўлиши керак,— деди ўйланиб туриб.

— Менимча ҳам ўйиқ бўлиши керак, бўталоқларим. Ўйиқ бўлганда ҳам олтин ё кумуш олинган ўйиқ бу.— Профессор шундай деб шахдам бурилиб, қўлини кўтарди.

— Қани, Тошмат, чўкинингни ишга сол-чи!

Тошмат югуриб келиб, профессор кўрсатган ерга чўкинни зарб билан бир неча марта кўтариб урган эди, чанг тўзони ичидан туйнукдек тешик очилди. Тошмат чўкинни яна бир неча бор кўтариб ургандан сўнг ер қаъридан чиқаётгандек бўғиқ гумбурлаш овози эшитилди.

— Қутбиддин, худди айтганинг, қани, қараб боқ-чи, бўталоғим!— Павел Иванович шошилиб Қутбиддинга мурожаат қилди.

Қутбиддин икки қадам ташлаб энгашганини билади, ер ютгандек чуқурга думалаб кетди. Профессор Шералига қаради-ю, югуриб бориб Тошматнинг қўлидан чўкинни олиб, ўпқондай қорайиб турган ўйиққа энгашди. Пастдан овоз эшитилмади. У ўспиринлар каби чаққон ҳаракат қилиб, оёғини туширди.

— Арқонни ол, қимирла, Тошмат!

У шундай деб туриб ўзи ҳам пастга қулади. Орқасидан ёпирилиб кирган чанг тингач, профессор кўзларини аранг очиб, атрофга қаради. Қутбиддин тақир ерда бўйинини уқалаб ўтирарди.

— Зиёнсиз, Павел Иванович, хавотир олманг,— деди у профессорни тинчитиб.

Юқоридан яна шириллаб тупроқ туша бошлади... Энди ўйиқ ичини киши кўролмайдиган даражада чанг тўзони қоплади. Нафас ростлагудек вақт ўтмай Шерали, Виктор ва Тошмат ҳам ўйиққа тушиб олишди.

Тошмат юқорида ёқиб тушган карбидкани боши узра кўтарган эди, узун йўлак шаклидаги ўйиқни ҳаммалари аниқ кўришди.

— Ҳмм,— дея ўйланиб қолди Павел Иванович. Ниҳоят ўйиқни яна бир кўздан кечиргач:— Эски кон худди мана шунинг ўзгинаси, олтин кони бўлса ҳам ажаб эмас, бўталоқларим, балки кумушдир.— У яна боягина айтган фикрини қайтарди энди қатъийроқ қилиб.— Кончилар бу лаҳаддан метиндек бақувват тоғ жинсларини қандай қилиб олишганини билмайману, аммо мен ўзимнинг нозик гавдамни сиғдиrolмайман.— У шундай деб, қорнига уриб қўйди-да, Тошматга мурожаат қилди:

— Карбидкани сен кўтариб оласан,— Павел Иванович Қутбиддинга қаради.— Разведкани сен олиб борасан, уқдингми? Штольнянинг охиригача борасан. Тошмат орқангдан йўлни ёритиб боради. Ҳар иккалаларинг кўрганларингни яхшилаб эслаб олинглар. Чиққандан кейин айтасизлар. Қани, бўлинглар, оқ йўл сизларга!

— Мен-чи?

Профессор қайрилиб Викторга қаради.

— Ҳа, сенам шу ердамидинг, яхши, бирга бора қол, аммо бояги гапни уқдинг-а? — деди у Викторга қараб кулиб қўйиб.

Қутбиддин олдинда, кетидан Виктор, сал чапроқдан Тошмат қўлидаги карбидка билан йўлни ёритиб борарди. Оёқлари остидаги тош уюмлари ғичирларди.

Улар йигирма қадамча юришган эди, карбидкадан чиқаётган нур беҳосдан чап томонга бурилди. Тошмат тўхтади. Қутбиддин «юраверинг», дегандай ишора этди. Яна зулмат қўйнига қараб олға ҳаракат қилинди. Тўсатдан алланарса «парр» этиб кўтарилди-ю, Қутбиддиннинг аъзойи бадани зириллаб кетди. Виктор четлаб, деворга тиралиб қолди.

— Қўрқманглар, бу ёввойи каптар,— деди Қутбиддинга хотиржамлик билан бунақа экспедицияларнинг кўпида қатнашиб, кўзи пишиб қолган Тошмат.

Қутбиддин қўрқа-писа унга қараган эди, Тошмат: «Ҳа, ҳа, ёввойи каптар»,— деди яна қайтариб. Атроф тош девор билан ўралган, беш қадам нарида кўз илғамас зим-зиё. Улар туртинишиб, илгарилашардилар. Карбидка олови силлиқланган тош деворлар ва ерда ётган ҳўл тош парчаларини ғира-шира ёрита бошлади. Қутбиддин улардан бирини олди. Тош чўяндек оғир эди. Қутбиддин уни белида қистирилган

болғаси билан уриб чақди. Темир занги ва кўкиш минераллар орасида оқиш темиранг доналар ялтираб кетди.

— Қўрғошин ялтироғи,— дея пичирлади Қутбиддин Викторга қараб. Яна бир синчиклаб кўргач:— Ёнида нотаниш кумушранг минераллар ҳам бор,— деди қўлидаги тошни қиқиш билан кўздан кечира туриб.

Қутбиддин штольнянинг нам ва шилимшиқ тош деворларини қўли билан пайпаслаб кўрди. Болға уришга қулайроқ жой топиб, машаққат билан улардан яна бир-икки парчани аранг ушатди. Карбидкага яқинроқ тутиб, кўздан кечирган эди, ҳалиги қўрғошин ва кумуш минераллари кўпроқ учради. Тиз чўкканча пишиллаб, уларга узоқ тикилди, дафтарчасига ёзди. Девордан ва ердан намуналар олиб, махсус халтачаларга солди, номерлаб Тошматнинг елкасидаги рюкзакка ҳамда ўзининг сумкасига жойлади. Ниҳоят, карбидкани ушлаб турган Тошматнинг: «Кетдикми?»— деган саволига бош ирғади. Олдинга ўтиб, йўл бошлади. Улар ўн-ўн беш қадам қўймай тўсатдан катта ялангликка чиқиб қолдилар.

Қутбиддин бир қадам илгариллаган эди, шалопплаб сувга тушиб кетди.

— Эҳтиёт бўлинг!— Виктор кечроқ огоҳлантирди уни.

Шошилиб қолган Тошмат карбидка ёғдусини шалопплаб овоз чиққан томонга буриб, Қутбиддинни қидира бошлади. Қутбиддин жон ҳоврида қўлочкашлаб сув сатҳига интилар, аммо қанчалик уринмасин, олдинга қараб сузолмас, увишиб қолган оёқлари уни қоронғиликка тортарди.

— Бу ёққа, бу ёққа!— Тошмат жон ҳоврида қичқирди.

Виктор қўйлагини ечиб, бир учини сувга ташлади.

— Қутбиддин кўринмай қолдилар?— Тошмат энди ҳаяжондан қалтираб гапирди. У карбидкани ерга қўйиб, ўзини сувга отишга чоғлаб турганида, Қутбиддиннинг боши кўрииб қолди. У шўнғиб, соҳилнинг ёнгинасига келиб қолган эди. Қутбиддин Виктор ташлаган қўйлакнинг бир учини маҳкам ушлаганча, икки-уч интилиб, Тошматнинг қўлини олди-ю, сувдан чиқди.

Соҳилда тиши тишига тегмай дилдираб:

— Сову-у-уқ,— деди зўрга.

— Орқага қайтайлик,— деди Виктор.— Етар бир соат ичида шу кўрганларимиз ҳам.

— Аммо томошамиз чакки бўлмади,— ҳазиллашди Тошмат.

— Баҳонада ер ости ваннасини ҳам кўриб олдим,— дея кулди Қутбиддин олдинга тушиб йўл бошларкан.

Павел Иванович карбидканинг милтиллаган ёғдусини кўриши билан қувониб, ўйиққа энгашди. Улар ташқарига чиқишгач, Тошматга: «Тўғри менинг чодиримга!»— деб шивирлади.

Чодирда Павел Иванович биринчи навбатда сариқ чарм

саквояжидан спирт солинган флягани олиб, Тошматга узатди:

— Қўл-оёқлари, баданларини яхшилаб арт,— деди.

Бу иш бажарилгач, Павел Иванович курси вазифасини ўташ учун қўйилган сандиққа ўтириб, флягани яна қўлига олди. Сирлари хийла кўчган жигарранг кружкага яримлатиб спирт қуйди. Қутбиддинга узата туриб:

— Қани, мана бунни оппоқ қилиб бер-чи, кейин гаплашамиз сен билан,— деди энди кўнгли анча ўрнига тушганидан осойишта кулиб.

Қутбиддиннинг эътироз билдиришига ҳам ўрин қолмади. У кружкани бўшатиб, Павел Ивановичга узатди.

— Нима бўлди ўзи?— профессор Тошматга бурилди.

Тошмат бўлган воқеаларни гапириб берди.

Павел Иванович ўзига-ўзи гапиргандай «қизиқ», деб ўйланиб қолди.

— Ўша ҳовуз ён-верида ҳеч қандай қувур кўринмади-ми?— сўради Тошматдан ниҳоят.

— Бўлса бордир, кўз қолди дейсизми ўшанда. Шошманг,— Тошмат буришган қовоқларини пирпиратиб, сийрак қошларини чимирганча ўйланиб олгач,— ҳа, бор эди, қайтаётганда кўзим тушгандай бўлди,— деди.— Ўзи қўрққанга қўша кўринади, сувам сабил бир тўда жойини эгаллаб ётганди.

— Йўқ, бўталоғим, қўша кўрингани йўқ,— деди чўзиброқ Павел Иванович Тошматдан аниқ жавоб ололмаганига норози оҳангда. Сўнгра «Ҳм-м» дея ўйчан кўзларини сандиқ қиррасига қадаб гапирди:— Табиатда шунақаси ҳам бўлади. Қорамозор конлари сирли минг ичак. Тоғларни кўндалангига кесишнинг иложи бўлса, ари уясидек қават-қават ўйиқларни кўрардинг. Сабаби кон устига кон қазишган. Штольнялар бир-бири билан кесишган жойларда йнгирма метргача майдончалар ҳосил бўлган. Сизлар шу майдончалардан бирга чиқиб қолгансизлар. Қадим кончилар томирни излаб тушиб, ер ости сув қатламларига дуч келганлар. Баъзан бунни улар сувдан пастга тушгандан кейин сезганлар. Қувурлар ёрдамида сувни бошқа ёққа буриб, штольняни давом эттирганлар. Орадан неча юз йиллар ўтди. «Тома-тома кўл бўлур» деганларидек, бироқта қувур яхши ўрнашмаганими ё бошқа сабаб биланми, сув йиғилиб, ер ости кўли ҳосил этган.— Павел Иванович Тошматга «тушундингми?»— дегандай: «Мана шунақа», деб қўйди-да, сўнг Қутбиддинга: «Ўзи чўмилгиси келган»,— деб тегажаклик қилди.

\* \* \*

Кўк гумбазидаги юлдузлар бирин-кетин сўна бошлаганда ҳам Қутбиддинлар палаткасида ҳамон чироқ милтиллаб ён-

моқда эди. Улар Қорамозордаги қидирув ишларини таҳлил этардилар.

Қутбиддин тамакидан ўраб, тутатди, бир-икки тортди. Милтиллаб ёнаётган шамга тикилиб қолди.

Шерали Қутбиддинни туртиб қўйди.

— Қорамозор эски конларнинг мингдан бири бўлса керак дейман?

Қутбиддин кўзини шамдан узиб, Шералига қаради.

— Шундоғу, аммо зўри бу,— деди ниҳоят тамакисининг кулини тушириб.— Биз Самарқанд, Бухоро, Хоразмнинг тилларда дoston беҳисоб бойликлари хусусидаги ривоятларни, асрлар давомида турли замонларда тарихчиларнинг ҳам буни эътироф этганларини биламиз. Хўш, бу шунчаки ривоят тарихларда бор гап деб ўйлайсизларми? Йўқ, биродарлар, бу гапларда жон бор эди. Мана шу биз ўтирган ерда Илоқ вилояти бўлган: унинг пойтахти Тункетдан Паркент орқали Шошга катта ва обод савдо йўли ўтган, неча-неча карвонлар юрган. Сабаби бу вилоят Мовароуннаҳр бўйича тоғ ишлари энг ривож топган катта ўлка бўлган. Хўш, ундан қазиб олинган бойликлар қаёққа кетган?

— Билмадим, буни ўқимаганман,— Шерали ҳамон Қутбиддинни катта гапга бошлаш учун чорларди.

— Сиз бир нарсга эътибор бердингизми?— дея савол берди Қутбиддин суҳбатга киришиб.— Уч юз метр чуқурликча қазиб маъдан қазиб олишган, а! Тагин одам юришига хавфсиз бўлиши учун арча дарахти-ю, тошлар билан ишланган. Шахта ичиданам, ташиданам маъдан борлигини сира билиб бўлмайдиган жойларда қвершлаглар очиб бериб, маъданни олганлар. Узунлиги йигирма метргача борган. Қаранг, ахир худди ўша ерда маъдан борлигини қандай қилиб билишган? Шу кунда геофизик асбобларам буни аниқлай олмайдди. Бунақа яширин маъданлар қазиб олинган жойлар оз дейсизми? Ана, ота-боболаримизнинг конларни қидириб топишдаги санъати нималарга бориб етган.— Қутбиддин ўчиб қолган тамакисини шам алангасига тутиб, ёндириб олди. Суҳбат қизиб бораётганидан мамнун бўлган Шерали унинг фикрини давом эттирди:

— Сиз конларни қидириб топиш санъатини гапирасиз. Шуларга асос берган фаннинг ўзи Ўрта Осиёда қанчалик ривожланганини айтмайсизми? Ҳатто ўрта аср Европаси ҳам фан тараққиётида ўша кезларда Ўрта Осиёдан ортда қолган.

Виктор чидаб туролмади. Тил учиди турган гапини айта қолди:

— Биз бўлсак охирги ўринда судралиб юрибмиз.

— Лопиллама!— уни босиб қўйди Шерали.— Уруш давом этаётганини, эл қатори сенинг ўлканг ҳам кечагина Фёдор Николаевич айтганидек, аслаҳахонага айланганини, жамики куч-имкониятларимиз фронтга қаратилганига қара-

май, давлат геологиянинг равнақиға маблағ ажратаётганини унутма! Бунинг устига, қилинган ишлар ҳам камситиладиган даражада эмас!

— Хўш, мақтагулик бўлса, айта қол, жин урсин сени,— бўш келмади Виктор.

— Бизда ер остини ўрганишнинг биринчи босқичи йигирманчи йилларда бошланганини, модомики шундоқ экан, бу соҳадаги тадқиқотларга ҳам шу йиллари киришилганини ҳисобга олгин жилла бўлмаса. Боболаримиз кон ишларида йиққан тажрибалари минг йиллар билан ўлчанса, бизнинг бу ишга киришганимизга атиги йигирма йил бўлипти. Ўрта Осиёдаги тоғ тизмалари бундан тўрт миллион йил олдин бунёдга келганини яхши биласан. Улар инсоният ёшига нисбатан жудаям қари, аммо ернинг ёшига нисбатан бами-соли кеча туғилган гўдакдай гап. Боболаримиз билан бизнинг кон ишларидаги тажрибамизни ҳам тоғлар билан ер ёшига ўхшаб қиёслаб кўрсанг, қилган ишларимизнинг кўламини яққол тасаввур эта олардинг.

Виктор Шералининг бу қадар бийрон ва пишиқ жавобига фикран таҳсин айтди, зеро сувнинг юқоридан пастга оқишини инкор этиб бўлмаганидек, бу жавобга ҳам эътироз билдириш боланинг ўринсиз хархашасидек гап. Аммо ғурур Шералининг устун келганини эътироф этишига йўл қўймасди. Шерали асосли айтилган ҳар қандай фикрни эътироф этиб, унга тан берса, Виктор бунинг акси: орқа-ўнгини яхшилаб ўйлаб олмай, ўз нуқтаи назарини илғари сураб, бировнинг муваффақиятидан астойдил куюниб, буни ўз шахсининг камситилиши тарзида қабул қиларди. Бинобарин ҳозир ҳам энсаси қотиб, Шералига яна савол билан мурожаат этди:

— Қайси қилган ишларимизни тасаввур этишим керак? Жин урсин сени! Саволни мен бердимми ёки сенми?

Шерали кулиб туриб, секин сўз бошлади:

— Яқинда петрографиядан лекция ўқиб, танаффусга чиққан эдим, орқамдан бир студент эргашди. «Бир нарсани сўрасам майлими?»— деди у менга етиб олгач.

— Марҳамат.

— Нега биз ерни чуқур қатламларигача пармалаб ўрганмаяпмиз?

— Чунки бунинг уддасидан чиқадиған пармалар йўқ,— дедим кулиб унга.

— Нега йўқ?— деди у яна.

— Шунинг учунки, ўта иссиққа чидамли қотишма йўқ.

— Шундай қотишма топилди, деб фараз этайлик. Унда нима бўларди?

— Унда ернинг чуқур қатламларини пармалардик.

— Хўш, уни пармалаб қаёққача етиб борардик?

— Фараз этайлик, магмагача,— дедим мен ҳазилга йўйиб.

— Хўш, фараз этайлик, ундан ҳам ўтдик. Унда-чи?

— Ундай бўлиши мумкин эмас, магма шароитида ҳар қандай парма ҳам эриб кетади.

— Биляпман. Аммо фараз этайлик. Пармалайверсак-пармалайверсак, охири қаёққа бориб етардик?

Мен унга бирпас тикилиб турдим-да, сўнг: «Ернинг нарёғидан, Америкадан тешиб чиқардик»,— дедиму шошаётганимни билдириш учун зинадан туша бошладим.— Шерали шундай деб зимдан Қутбиддинга қаради. Қутбиддинга ҳам Викторнинг бу ўчакиши эриш туюлди, жилмайганча бош чайқади. У яна тамаки ўрай туриб Викторнинг саволига жавоб берди:

— Шерали ҳақ гапни айтди менимча. Ҳақиқатан ҳам геология соҳасида иш бошлаганимизда бизда ҳеч қандай тажриба йўқ эди. Оқпошшо кўмирни Англиядан, фосфоритни Марокашдан, калий тузларини Германиядан сотиб олганлигини, ҳатто бўр, ўтга чидамли материаллар ва гилларнинг айрим турлари ҳам четдан келтирилганини ёшлар тасаввур этолмайди. «Ўрта Осиё ва ҳозирги Ўзбекистон ерларида фойдали қазилма қидириш аини тентакликнинг ўзи, чунки бу ерда металл йўқ», деб туришганда, биз ер остидан сурма, вольфрам, қўрғошин, плавик шпати ва бошқа кўпгина қазилмаларни топдик. Урушдан олдинги йилларда ҳам, ҳозир ҳам ер ости хазиналарини қидириш ишлари бир зум ҳам тўхтатилгани йўқ. Хўш, буни бажараётган кишилар республика геологлари эмасми? Мен сизга бошқа бир нарсани ҳам айтиб қўяй. Биз боболаримиздан илгарилаб кетяпмиз. Ҳа, биз олаётган маъданларни боболаримиз тушида ҳам кўрмаган эди.

— Жудаям ошириб юбордингиз шекилли, Қутбиддин ака?— деди Шерали норози оҳангда.

— Йўқ, Шерали, сира оширганим йўқ,— Қутбиддин қизишиб жавоб берди. Чакки қизишганидан уялди шекилли, босиқлик билан фикрини исботлашга ўтди.— Ҳа, ҳа, ошираётганим йўқ. Павел Иванович илмий ишларида боболаримиз жуда катта куч талаб этадиган оғир ва машаққатли ишни бажарганлар, ер қаъридан маъдан, айниқса олтинни кўп олганлар, деган фикрни илгари суради. Тўғрими?— У Шералидан тасдиқ жавобини олгач, сўзини яна ҳам осойиштароқ давом эттирди:— Ҳа, балли! Аммо «кўп маъдан» дегани ҳамма маъданни деган гап эмас. Павел Ивановичнинг илмий ишларини ўқиб, бир нарсага амин бўлдим: еримизда қазилма бойликлар жуда мўл ва у ҳали бизга кўп нарсаларни инъом этади. Гапларим эсингизда бўлсин, Шерали.

Виктор ҳам, Шерали ҳам ўйлиб қолишди.

Қутбиддин ғолиб жангчидек ўрнидан турди. Шерали унга яқинлашиб, мулојимлик билан савол берди:

— Демак, биз Қорамозорда қидирув ишларини давом эттиришимиз керак экан-да, шундайми?

Қутбиддин Шералининг елкасига қўлини ташлади.

— Балли, Шерали, худди шундай, қидирув ишларини давом эттиришимиз керак.

— Борди-ю, ҳеч нарсa тополмадик, унда-чи?

— Унда бошқа жойдан иш бошлаш керак.

— У ерда ҳам маъдан бўлмаса-чи?

— Учинчи, тўртинчи, бешинчи жойга! Қидирган маъдан-ни топпагунча излашимиз керак.

Шерали Викторга қаради. Улар мамнун кулишиб, ташқарига чиқишди.

...Палаткада ҳамон шам милтиллаб ёнарди. Ой нури хиралашиб, уфққа ёнбошлаётган эди. Унда-мунда ялтиллаб, шуъла сочаётган юлдузлар олтин зарраларидек жимирларди.

Эртаси куни Қутбиддин бошчилигидаги партия йўлга чиққанда, қуёш энди уч бераётган эди. Шерали билан Виктор кузовга ўрнашиб олишгач, рулда ўтирган Қутбиддин моторни юргизди. Ҳадемай полуторка катта тоғ қоялари ортига шўнғиб, чанг ичида кўздан ғойиб бўлди.

## ОЛТИНЧИ БОБ

Ванч дарёсининг шу номдаги қишлоқ ичидан ўтган ўнғирмоқларидан бири. Шерали ёлғиз қолди, ҳар хил ўйлар унга тинчлик бермасди. Мана, ҳозир ҳам у соҳилда хаёл оғушига ғарқ бўлиб ёлғиз ўтирипти. Қутбиддин билан Виктор Қурғовотда қолиб кетишди. Беш кеча-беш кундуз машаққатли йўл босиб, улар Қалъаи хумга етиб келишган эди. Машина неча бор бузилди бу орада. Аммо Қурғовотда уни эпақага келтириб бўлмади. Қутбиддин Шералига мурожаат қилди: «Бу қирчанғи билан узоққа боролмайдиганга ўхшаймиз. Ҳаммамизнинг бу ерда ўтираверишимиздан фойда йўқ. Нарсаларингизни олиб, йўлга чиқинг. Экспедиция сизни ўзи топиб олади. Энди биз билан Хорогда учрашасиз.

Шерали Қутбиддин билан Викторни қўмсаб, пастга қаради. Сув тоғ-тошларга урилиб, ўйноқлаб оқяпти. Унинг томчилари дарахт бўйи сачраб, Шералининг юз-кўзларига келиб уриларди. Атроф қўм-кўк. Ванч Шералига жонажон шаҳри, болалик йилларини эслатади. Қирмизи олмалар, кимдир ёқут томчиларни шохларга илиб қўйгандек кўзни қамаштирувчи олчалар, олтинранг ўриклар офтобда мавж уриб, водийнинг ажиб ҳуснига уста мўйқалам соҳиби яратган холдек бўлиб туюларди. Ҳар бири ёнғоқдай балх тути ғарқ пишганидан беозоргина остига тушиб, тутмайиз бўлиб қолипти. Табиатнинг бу неъматларини териб оладиганлар муқаддас жанггоҳда...

Шерали Ванчга қуёш тафти кўтарилиб, муздай тоғ ша-

бадаси эса бошлаган кечки пайт етиб келди. Бу ерда дастлаб учрашган кишилардан бири ҳамон хаёлидан кетмасди. У бар-васта, тоғлиқларга хос тик қомати от машқини маромига етказган чавандозларни эслатарди. Шерали қўл узатиб кўришаркан, унинг ўнг рухсоридаги нўхатдек холига кўзи тушди. Юраги ғалати бўлиб, зимдан разм солди. Дўриллаган овоз уни ўзига келтирди:

— Хуш келибсиз, меҳмон. Ҳалидан бери тикиламан, кўзимга жа иссиқ кўриндиз, сўрагани айби йўқ дейишади, қаердансиз?

Шерали ўйланиб қолди. «Тўғрисини айтсаммикин?»— хаёлидан кечирди иккиланиб. Ёқуб ҳам уни таниди. Аммо сир бой бермади. Ўзини танимасликка олди. Нотаниш берган саволига жавоб ҳам кутмай:

— Ҳар ҳолда водийдан бўсайиз керак?— деди безрайиб туриб.

Шерали унинг хиёл қисилган айёрона кўзларига тикилиб:

— Топдиз, Ўш тарафданман, атим Шерали,— деди истеҳзо билан истар-истамас.

— Келинг, қучоқлашиб, дурустроқ кўришиб олайлик, ҳамшаҳар эканмиз. Аравонданман, атим Ёқуб, мусофир юрда ўзингники пайғамбардан азиз кўринаркан.

Ёқуб Шералининг бақувват елкаларига қўлини ташлаб, тўшига тортиди. Сўнг:— Қани сўрига, меҳмон, бир пиёла аччиқ кўк чой дамлай,— дея меҳмонни ҳол-жонига қўймай, икки азим чинор остидаги ёнгинасидан шилдираб тиниқ тоғ суви оқаётган ёғоч сўрига таклиф этди.

— Раҳмат, соҳилга ўтмоқчийдим,— деди Шерали бошини Ванч томонга буриб.

— Майли, меҳмон амри вожиб деганлар, аммо-лекин шу ерда кутиб тураман, фалакнинг гардиши билан кеп қопсиз, бир отамлашамиз, ука,— деб текис тишларини кўрсатиб тиржайди Ёқуб.

Шерали уни биринчи марта худди шу ҳолатда кўрган эди. Орадан ўн икки йилча ўтипти...

Баҳорнинг дастлабки кунлари эди. Совуқ шамол этни чимчилайди. Ўшнинг баланд-паст лой томлари шаҳардаги қашшоқ ҳаётнинг гувоҳидек мунғайиб турипти. Кўчаларда одам сийрак. Заруратдан чиққан битта-яримта йўловчи ҳам изғиринга чидамай, юпун чопонига ўралганча, дириллаб уйига ошиқарди. Шералилар оиласи ҳам ана шу пастак уйлардан бирида турар, юрт бошига тушган очарчилик улар хонадонини ҳам ёнлаб ўтмаган эди. Оилабоши Шермат ямоқчи, унинг ўз таъбири билан айтганда, шўролар замонида кўкрагига шамол тегиб, уч-тўрт йилгина яйраб юрди-ю, аммо узоқ йиллик машаққатли ҳаёт заҳми ўпкасини асалари инидек илма-тешиқ қилиб ташлаган экан. Ўша йиллари ортириб олган зотилжам уни оғир дардга чалинтириб, йиқит-

ди. Шермат шу ётганча тўрт йил ўрнидан қўзғалмади. Оила овқатига яраб турган даромадидан ҳам маҳрум бўлди. Бир фалокат оралаган хонадоннинг ўнглиниб олиши қийин бўларкан. Беаёв ажал Шерматнинг ёстиғини қуритди. Ушанда Шерали ўн бирдан ўн иккига қадам қўйган, суяги этига ёпишган укаси Муҳаммаджон муштипар она этагини қўйвормай, тинмай хархаша қиладиган уч ёшли дардчил бола эди.

Эрининг бевақт ўлими Салтанатни эсанкиратиб қўйди. Лоақал дафнга ярагудек харажат ҳам йўқ эди. Қўни-қўшнининг ҳоли маълум. Атрофидаги девор-дармиён қўшнилари ҳамдардлик билдириб кетишди. Кимдир бу машъум хабарни узоқ-яқинларга маълум қилгани кетди.

Шу мусибатли кун шомга яқин кўча эшиги тақиллади. Эшикни Шерали очди. Аламли кўзларини нотаниш кишига тикиб қолди. Нотаниш Шералининг пешонасидан ўпиб:

— Тақдири азал, ўғлим, хафа бўлма, ҳамманинг бошида бор гап,— деб Шералини юпатди. Ўзини ичкарига олиб: «Аянглар борми?»— деди.

Шерали уни уйга бошлади. Нотаниш пастак эшикдан даҳлизга кириб, калишини ечди. Хона ичига мўралади. Салтанат бошидаги нимча билан юзини ёпиб, ҳазин овозда салом-алик қилгач, титилиб, пахтаси чиққан бир бурдагина кўрпачани эшикка яқинроқ жойга ёзди. Тўрт киши аранг сифадиган уйнинг тўрида ётган марҳумнинг жасади устига чойшаб ёпилган.

Нотаниш ўтирган заҳоти фотиҳага қўл очди.

— Бандалик экан, ая!— нотаниш мумкин қадар маъюсланиб гапирди.— Раҳматлик отамга кўп қадрдон эдилар. Менинг отим Ёқуб Эшитдим, шошиб югурдим. Кўргиликни қаранг. Отам раҳматликнинг ҳали йиллари ўтгани йўқ. Бу ёқда қадрдонлари оламдан ўтиб ётипти.— Ёқуб ўпкаси. тўлгандай бўлиб, жим қолди.— Эртага намозгарга етиб келаман,— у яна фотиҳага қўл очиб, ўрнидан турди. Даҳлизда бир нарсани эслагандай тўхтаб:

— Ҳа, айтгандай, эсим қурсин,— камзулининг ён чўнтагидан пул чиқариб, Салтанатга узатди,— ишлатарсиз, ая, кейин ҳисоблашамиз.— Кўча эшигига яқинлашгач, Шералига қараб:

— Нечага кирдинг, ўғлим?— деди.

— Ўн иккига!— ийманибгина кўзларини ерга тикди Шерали.

— Ҳа, дуруст, ишга яроқли полвондек йигит бўпсан, рўзғорга бош бўласан энди, ўғлим,— деди Ёқуб унинг бўртиб турган кўкрагига суқланиб.

Шерали Ёқубга синчковлик билан тикилди. Нимқоронғида рухсоридаги нўхотдек қора холини аниқ кўрди.

Шермат дафн этилиб, ҳали йигирмасы ўтмай, Ёқуб яна

шом пайтида келди. Салтанат билан уйда алланималарни шивирлаб гапирди. Шерали даҳлизга киргач, унинг узук-юлуқ гаплари қулоғига кирди: «Эшитдиз-а, эҳтиёт бўлинг. Бу гапни зинҳор биров билмасин. Мактабидан сўрашса, «ўйнаб келсин деб тоғасиникига юбордим», дерсиз-а? Эсиздан чиқмасин!»

Ёқуб Шералини даҳлизда кўриб:

— Қани, юра қол, ўғлим, кеч кирмай етиб олайлик, бугундан бошлаб аянгман укангни боқасан,— деди.

— Бора қол, болагинам, тоғанг ўқитади, ўқишдан бўшаганда диқончилик қиласан, ўзи сени опкеп туради.

Салтанат кўз ёшини ютиб, Шералининг бошини силади. Шерали кўчага чиққанда ҳам икки кўзи эшик кесақисига суяниб қолган онада, ичидан тўлқинланиб келаётган йиғисини филт-филт ютди. Назарида, меҳрибон онаси, укаси Муҳаммаджондан бир умрга айрилаётгандек бўлиб туюлаётган эди.

Гузар бошига етганда, муюлишда икки от кўринди. Ёқуб отлардан бирига ўтирди, Шералини ҳам мингаштиргач, шеригига:

— Қамчила, кеч бўлди,— деди буйруқ оҳангида.

Шерали ҳам совуқдан, ҳам қўрқувдан дилдирар, Ёқубга маҳкам ёпишиб олганча бу зулмат қоронғилигида қаёққа кетаётганини билмасди.

Бирор соат йўл юрилгач, отлар катта дарвоза олдида тўхтади. Яна Ёқубнинг совуқ товуши эшитилди:

— Тушмайсанми, нега қаққайиб турибсан?

Шерали ўзига қилинган бу хитобдан бир чўчиб, қўрқалиса отнинг орқасидан сирғалиб тушди-да, итоаткорлик билан Ёқубга яқинлашиб, бошини эгди.

Орадан лаҳза ўтмай, дарвоза очилди. Кенг ҳовли саҳнига чиқишди. Кираверишда чап томонда катта меҳмонхона, ўнгда пешайвонли икки хона бўлиб, бу ерда Ёқуб икки хотини билан турарди. Ёқуб Шералига меҳмонхонани кўрсатиб:

— Бор, кириб ёт, азонда толага чиқамиз,— деди.

Шерали бош ирғаб, меҳмонхона эшигини секин очган эди, ичкаридан «қўрқмай киравер, кўпчиликмиз», деган овозни эшитди. Бу ўзи тенги атрофидаги бола овози эди. Қоронғи уйга дадилроқ кириб, икки қадам босиши билан кимдир чин-кириб юборди:

— Қокуй, эмне қиласин! Бул жерда мен жатипману!

Хонанинг ҳар еридан бўғиқ кулги овозлари эшитилди. Кимдир ўрнидан турди. Шералининг қўлидан ушлаб, бир-икки қадам юрди-ю:

— Мана шу ерда ёта қол, бўш экан,— деди унинг елкасидан босиб.

Шерали овоз чиқармай ўтирди. У ёқ-бу ёқни тимирскилаб, кейин секин чўзилди. Кўчадан кирганда, назарида, уй анча иссиқ кўринган эди. Орадан бир оз ўтиб, оёқ-қўллари, кейин

бутун бадани музлаб, қалтирай бошлади. Ёпинғич топиш уми-  
дида қўл чўзган эди, кимнингдир оёғига тегиб кетди.

— Нима?— сўради ётган бола.

— Хич тима, кўрпача бормикин, деб ўйловдим,— деди Шерали шивирлаб.

Яна боягидек бўғиқ кулги овози эшитилди.

Шерали ғужанак бўлиб олди. Энди совуқ унинг ичидан чиқаётгандек, нафаси ҳам музлаб кетди назарида. Бир ёнбо-  
шидан иккинчисига ағдарилди, чалқанча ётди. Уйқуси келма-  
ди. Совуқ шиддат билан кучайиб бораётганди. Иссиқ кўрпа-  
га ўралиб ётган ойиси билан укасини ўйлаб, овоз чиқармай  
йиғлади. Отасини хотирлади. Унинг тинмай: «Одамларга хиё-  
нат қилма, мурувватли, тўғри бўл, сира ёлғон гапирма», деб  
қайтарадиган сўзларини эслади. Хўрлиги келиб, томоғига  
ёнғоқдай нарса тиқилди. Қўрққанидан ўтириб олди. Илгари-  
лари йиғласа, томоғига ҳеч нарса тиқилмасди. Томоғини уқа-  
лаб, ютинди. Бўлмади. Бояги ёнғоқдай нарса тиқилганча ту-  
рипти. Қайтиб ётмади. Оёқларини букиб, чўкалаб олди,  
қўлларини қўлтиғига тиқди, исинолмади. Ҳовучини оғзига  
тутиб, пуфлади, буям фойда бермади. Хона ёришгач, атрофи-  
га қаради. Уйнинг икки томонида ўн икки чоғли ўзи, ўзидан  
тикроқ бола ётарди. Баъзилари устига чурук чопонини ёпиб  
олган, айримлари эски кўрпачага ўралган. Ўзига ўхшаш тў-  
нини ечмай, бўйрага чўзилганча, қўлини ёстиқ қилиб ухлаёт-  
ганлари ҳам бор эди. Назарида совуқ ҳеч кимга тегмай, фа-  
қат унга ўчакишиб, ёпишиб олгандай эди. Бошини кўтариб,  
елкаларини ўз ҳолига қўйди, оёқларини ҳам узатди. Бу —  
унинг совуққа қарши биринчи ҳамласи бўлди. Кўниккандай  
бўлди-ю, барибир уйқуси келмади. Орадан бирор соатча  
ўтди. Ҳовлида кимдир йўталган эди, болалардан бири: «Ту-  
рилар! Шеркат!»— деди хириллаган бўғиқ овозда. Болалар  
бирин-кетин ҳомуза тортиб, ўринларидан эринчоқлик билан  
туришди. Шерали нима қиларини билмай, ағрайиб қолди.  
Бояги «турилар», деган бола Шералига яқинлашди.

— Нега хўшайиб турибсан? Бор, тумшуғингни чайиб ол,  
толага кетамиз!— деди.

Шерали болаларга эргашиб ҳовлига чиқди. Тонг қорон-  
ғисида ариқча бўйлаб полапонлардек қатор тизилишиб, ша-  
пиллатиб юз-қўлини юваётганлар сафига қўшилди. Чайиб  
олинган юз-қўлларини кимдир чопонининг барига, белбоғига,  
биров енгига апил-тапил артиб, қайтиб уйга киришиб, девор  
тагида тизилишиб ўтиришди. Бояги тикроқ бола увадаси  
чиққан дастурхонни ёзиб, қотган-қутган бурда нонларни ра-  
самади билан сочиб юборди. Сўнгра чиқиб, чойгумда илиб  
қолган чой келтириб, иккита сопол пиёлага қуйдию ўртага  
қўйди. Болалар одатланганларидек пиёладаги чойдан бир  
хўплаб, ёнларида ўтирган бошқа болага узатиша бошлашди.  
Ҳаш-паш дегунча дастурхондаги бурда нонлар тугаб, бола-

лар бирин-кетин дарвоза томон чопишди. Шерали ҳам уларга эргашди. Дала қўрғондан бир чақиримча нарида, битта ҳам дов-дарахт кўринмайдиган биёбондай жойда, «Шеркат» деганлари Ёқуб экан. У отда. Болалар кўча чангитиб лўкиллаб йўргалаётган от ортидан пиёда боришарди. Шерали узоқдан бир ерга тўплаб қўйилган кетмонларни кўргач, гап нимадалигини тушунди. Ёқуб болаларни тўплаб, қўлидаги қамчисини тиканак босиб ётган ерларга тикди.

— Ҳу, анави қозиқ қоқилган жойни кўряпсизларми?— деди у қаҳр билан. Болалардан тасдиқ жавобини олгач, пўписа қилди:— Чопиб бўлмагунча, бу ердан қимирламайсанлар!— деди-да, отига қамчи босди. Ишнинг маромини билганлар югуриб бориб, яхши кетмонларни танлаша бошлашди. Шерали четроқда қолган кетмонни олиб, тўпга қўшилди. Боя хириллаб, ҳаммани уйғотган бола ерни бўлиб, ҳар кимнинг улушини чизиб кўрсатди. У ўн олти-ўн етти ёшлар чамасидаги, кўринишдан жуда бақувват бола эди.

— Қани, кетмонларни олинглар, энди ағрайманглар!— буюрди у. Бу хатти-ҳаракатидан унинг болаларга сардор қилиб қўйилганини билиш қийин эмас эди. Бинобарин, янги келганлар ҳам ўз-ўзидан унга бўйсуна бошларди.

Шерали улушига тушган ерни чамалаб кўрди. Ҳовлилари саҳнидан ўн-ўн беш баравар катта. Юраги орқасига тортиб кетди. «Бунча жойни қандай қилиб чопаман»,— деб ўйлаб турганида, сардор уни ўзига келтирди:

— Сен нимани санаяпсан? Ажриққи илдининими? Ур кетмонингни!!

Шерали кетмон дастасининг пастроғидан чап, юқорироғидан эса ўнг қўли билан ушлаб, авайлаб ерга ура бошлади. Унинг ишини кузатиб турган сардор кетмонни тескари ушлаганини тонг ғира-ширасида кўрмади-ю, боши баравар кўтармаганига қараб:

— Баландроқ кўтариб ур, тошни ердан силаб кўчирмоқчимисан?— деб ўдағайлади.

Шерали кетмонни боягидек тутганча баландроқ кўтариб туширган эди, ўнг оёғининг тўпигига келиб урилди. «Иҳ-ҳҳ», деганча ўтириб қолди. Ёнида ишлаётган ўзи тенги, юз бичими ялпоқ, кўзлари қисикроқ бола югуриб келиб, ёнига чўккалаб, ҳол сўради:

— Сенга эмне болду? Қатту тийдиби?

Шерали зўрга «ҳеч нараса», деди-ю, урилган оёғини икки қўллаб ушлаганча ўтирган ерида оғриққа чидай олмай, гир айлана бошлади. Ёрдамга келган бола:

— Шошилба!— деб, бир ҳовуч тупроқни олиб, жароҳатланган оёққа босди-да: «Қазир басилат»,— деб Шералининг оғриқдан тиришган пещонасига тикилиб қолди. Шерали оғриққа қарамай, тишини-тишига қўйиб, ўрнидан турди. У сардордан қўрқиб, аланг-жалаңг ўша ёққа қаради. Кўрин-

мади. Шундан сўнг тинчигандай бўлиб, оёғини ушлаганча, яна ўтирди.

— Атин ким?— сўради ёнидаги бола.

— Шерали.

— Менин атим Чоршенби. Кеша оёғимди эзиб жибердин, сарттин баласи,— деди ҳазил оҳангида.

— Қоронғида билмай босдим.

— Жақши, зияни жоқ,— деди-да, Шералининг ўрнидан туриб, кетмонни яна боягидек тескари ушлаганини кўрди. Кулиб:

— Эмне жумуш қиласен, уста кетменди, уруу шундай болат,— дея кетмонни Шералининг қўлидан олиб, беш-олти қадам ерни чопиб кўрсатди.

Шерали «қойил» дегандек, мамнун жилмайди. Чоршенбининг меҳрибончилигидан оёқ оғриғини ҳам унутаёзди. Кетмонни расмана ушлаб, боши узра баланд кўтарди. Чоршенби унинг ишига разм солиб туриб, қаноат ҳосил этди.

— Дуруст!— деб кулиб, кўзини қисиб қўйди. Сўнг ўзига ажратилган ерга ўтди.

Кун пешинга яқинлашди. Очликдан тинка-мадори қуриган болалар лоҳас бўлиб, йиқилиб кетгудек даражага етса-да, қўрқув ҳисси кетмонни улоқтиришга монелик қилар, жон-жаҳдлари билан ишлашарди.

Узоқдан қора кўринди. Чоршенби кетмонни улоқтириб, қарсак чалди.

— Кетмонни жийнандар, келген турат!— дея овозининг борича бақирди.

Шерали бошини кўтарди. Отлиқ энди анча яқинлашган эди. Бу кеча Ёқуб билан уларникига борган киши эди. У оёқ яланг, кир бўз қўйлагининг ёқаси очиқ, ухлайверганидан кўзлари шишиб кетган эди. Индамай отдан тушиб, хуржунга қўл солди, бир кўзидан дастурхон, иккинчи кўзидан сопол кўзани олиб, ерга қўйди-да:

— Қани, илдамроқ, хўжайин кутяпти,— деди болаларга қараб.

Гурр этиб югуришиб келишган болаларнинг ҳар бирига дастурхон ичидан пиёланинг оғзидек келадиган зогора ноини биттадан улашди. Шерали ўз тегишини олиб, яккаю ягона таниши Чоршенби ёнида туриб еб олди. Болалар навбати билан кўзани кўтариб, икки-уч қултумдан сув ичишди. Яна сардор қулоқларни тешгудек бақирди:

— Қани, бўлди, тарқалинглар ишга, етади нафас ростлаганларинг!

Ҳамма жой-жойига ўтди. Шу бўйи қош қорайиб, одам-одамни танимайдиган даражага етгунча кетмонларнинг тошлоқ ерга урилишидан ҳосил бўлган тарақ-туруқ овози бир зум ҳам тинмади. Ниҳоят сардорнинг ҳорғин овози эшитилди.

— Бўлди, кетмонларни бир ерга тўплелар, кетдик!

Бошқа болалар қатори Шералида ҳам гапиришга мажол йўқ, у жароҳатланган оёғини зўрға судраб борарди. Унга Чоршенби етиб олиб, секин сўради:

— Сени қайдан олип келди?

— Уйдан. Сени-чи?

— Темир жол боюнан тапиб олди.

— Темир йўлдан? Бу нима деганинг? Қанақа темир йўлдан?

— Сен темир жолди билбейсанби?

Шерали елкасини қисди.

— Қайси темил жол экенин билбеймин. Атамди жоготуп койгонмин. Мана у Шеркат дегендерин ажалдай жапишиб алди. «Эмне қиласин?»— десам, «Атин ким?»— деди. «Ол-жас»,— деб айтдим. «Эми Олжас атинди унут. Сенин атин Чоршенби уқтунби?»— деди. Суйтип ўси қорғонга алип келди.

Шерали унга раҳми келиб:

— Бўлмаса темир йўлга чиқмайсанми? Отангни топиб оласан,— деди.

Чоршенби кулди:

— Эмне дептурасин, сарттин баласи, темир жолдон кобу жоқ, қай биринен сорақтайин?

Шерали индамади...

Кунлар ўтди. У ҳеч кимга аралашмас, бу ғўристондан қутулиш йўлини излар, туну кун кўзи йўлда, ойисини кутарди. Юрак дардини ёлғиз Чоршенбига ишониб айтар, ундан тасалли оларди. Орадан бир ойча ўтган эди, бир куни Чоршенби югуриб уйга кириб, Шералига:

— Чиқ, эрен келди,— деди-да, ўзи ўрнига чўзилди.

Шерали отилиб ҳовлига чиқди. Ҳеч ким кўринмади. Дарвоза ортида гунгур-гунгур овоз эшитиб, чиқмоқчи бўлди. Дарвоза берк. Тармашганча, ундан ҳатлаб, ўзини кўчага отди.

— Ҳе шумтака, ўтакамизни ёрдингу, қағларда қочиб юрибсан?— дея ўдағайлади Ёқуб.

Бу гап Шералининг қулоғига киргани ҳам йўқ. У: «Аяжон!»— дея ўзини она бағрига отиб, ҳўнграб юборди.

— Мени бу ердан опкетинг, аяжон!

— Шунга келдим, онанг ўргилсин, йиғлама, ҳозир кетамиз,— деб Шералининг юз-кўзларидан ўпди. Она-бола ўзи билан овора, Ёқуб ҳовлига кириб кетди.

Салтанат ўғлини бу шум дарвозадан нарироққа олиб борди. Ариқ бўйига ўтқизиб, рўмолига тугиб келган нонни берди.

— Ол, болам, егин, ҳозир кетамиз. Бу худо ургурни бунақалигини ким билипти дейсан. Ер ютқурни ҳамма «Шеркат» дейишаркан.

Шерали бу ерга келган кунининг эртасига болалар уни «Шеркат» деб атаганини эслаб, беихтиёр сўради:

— Нимекан «Шеркат» дегани, ая? Болалар ҳам уни Шеркат деб сўкарди.

— Нималигини билиб ўтирибманми, ер юткурри, болам, аммо кўпчилик шерик бўлиб ишлашга ер олиб, фойдасини тенг бўлганларни шунақа дерди, даданг раҳматли. Бир пайтлар ўзиям шеркатга қўшилганди. Ҳозир энди унақалар йўқ бўп кетганди шекилли, яна билмадим, болам, бу ер юткурни бари айтгани ёлғон. Сениям қочиб кетди, деб худони ўртага қўйиб, қасам ичганди. Вой қораси ўчсин, болам, ол, е!

Шерали аяси билан уйига қайтди. Эрталаб уйқудан туриб чошгоҳгача укасини ўйнатди. Кейин ойиси уни чўмилтирди, тоза кўйлак-иштон кийдириб, етимхонага олиб кетди...

Ванч ҳамон ўйноқлаб оқар, унинг лойқа тўлқинларидан ҳосил бўлган оппоқ кўпиклар баланд кўтарилиб, майда ёмғир томчиларидек атрофга сачрар, аммо энди бунини Шерали пайқамас, хаёли ёшлик йилларида эди. Аяси уни етимхонага олиб борганини ўшанда Шерали яхши тушунмаган эди. Аммо хушмуомала, ёши олтмишлардан ошган бўлса ҳам жуда қувноқ, ҳазилкаш, баланд бўйли киши ўрнидан туриб, аяси билан унинг истиқболига чиққани яхши эсида. Шерали бунақа хушмуомала одамни биринчи кўриши эди. Ҳалиги киши: «Қани, қани келилар, марҳамат, ўтиринглар»,— деган эди одоб билан. Аяси ийманибгина: «Илоҳи умриз узоқ бўлсин, болаларизи роҳатини кўринг, айтганиз учун опкелгандим»,— деди ерга қараб.

Шерали унинг етимхона мудирин эканлигини кейин билди. Бу киши ҳамма болаларга бирдай меҳрибон— эди. Шерали ҳар бозор кунини уйига келар, душанбадан бошлаб яна бир ҳафтагача севимли китобларига шўнғиб кетар эди...

Шерали дарёга тикилиб туриб, ҳозир негадир ўша меҳрибон кишини кўргиси келиб кетди. «Дунёда қандай яхши одамлар бор-а!»— дея кўнглидан ўтказган эди, кўз ўнгидан Қалъаи хумдаги Бобомулло нари кетмай қолди. Ўшанда Қутбиддин юз-юз эллик хонадондан иборат бу қишлоқдаги биринчи эшикни оҳиста тақиллатди. Геолог халқининг қаерда ошнаси бўлмайди дейсиз. Узоқ кутилмади.

Ичкаридан кимдир йўталиб, овоз берди:

— Кист?

— Ман, Бобомулло, Биёбонийман!

Пастаккина пахса деворга ўрнатилган бир тавақали эшик ғийқ этиб очилди-ю, оппоқ соқоли очиқ кўкрагига тушиб турган нуроний чол икки қўлини кўксига қўйиб:

— Иби, иби, тожи сар, азизи ман, Биёбоний, қани, марҳабо, ба чашм, ба чашм,— дея Қутбиддин билан қучоқлашиб кўришди. Шерали билан Викторга ҳам лутф-карам билдириб, ичкарига бошлади.

Кичиккина ҳовли саҳнида ерга ёзилган кигизу иккита жулдур кўрпачадан бўлак нарса йўқ эди. Меҳмонларни кўрпачага ўтказди-да, одатдаги сўрашишларни бажо келтиргач, «ман ҳозир», деб бурчакдаги омонат тош ўчоққа ўт ёқди. Қора чойжўшнинг қулогини темирга илиб, ўчоқ устига қўйди.

— Бобомулло, фақат беташвиш, илтимос!

Қутбиддин бобонинг гапларини унча-мунча англаса-да, аммо унга ўз фикрини тушунтиришдан ожиз, бинобарин, тожик билан ўзбек ўртасидаги юқоридагидек умумий сўзларни танлаб гапирар, бобо уни осонлик билан тушунар, ўзи ҳам шундай сўзларни танлашга интиларди.

— Ҳеч гап, ҳеч гап, писари Биёбоний, ҳозир!

Дастурхон атрофида чой устида бошланган суҳбат сурғушдан солинган шўрва пишгунча давом этди.

Бобомулло ўрнидан тураётиб:

— Фақат коса нест, маъзур, писари Биёбоний,— деди. Мезбон Қутбиддинга қараб «узр» дегандек қўлини кўксига қўйди.

Қутбиддин кулди. Югуриб бориб, машинадан йўлда консервадан бўшаган қутилардан тўрттасини кўтариб келди. Бобомулло мамнун кулиб, озғин йўғон кўк томирлари бўртиб турган қўли билан Қутбиддиннинг елкасига қоқди:— Балле, балле, писари Биёбоний,— дея ўчоқбошига югурди...

Шерали етимхона мудирини билан Бобомулло ўртасида уларни бир-бирларига боғлаб турган қандайдир ўхшашлик сезди. Уни ҳузурбахш бир туйғу қамради. Бу икки ажиб инсонни одамларга меҳру-оқибат бирлаштириб турарди. Шерали ҳозир улардаги шу хислатни ўйлаб турганида, беихтиёр хаёлида кўзлари чақчайган Ёқуб жонланди. Ижирганиб, ўрнидан турган эди, пастдан унинг овози эшитилди:

— Меҳмон, кеч қолдизми?

Шерали атрофга аланглади.

— Мен бу ердан, меҳмон! Чой совумасин.

Шерали ноилоҳ пастга тушди. Ёқуб қўлини кўксига қўйиб кулиб турарди. Унинг ўша-ўша айёрони қисилган кўзларида сохта табассум ўйнади. Негадир ҳозир Шерали ёшлигида бир қўшнисининг лой тепкилаб туриб: «Одам маши лойдан яралган, яна аши ҳолга келади», деган сўзларини эслади. Ўшанда югуриб аясига бориб: «Ая, ая, одамларни лойдан яшашганми?»— деб қистовга олган эди. Салтанат ўғлининг тўсатдан берган бу саволига ичидан тўлқинланиб келган кулгисини босиб: «Сенга буни ким айтди?»— деди. Шерали жавоб бериш ўрнига ойисини яна қистовга олди.

— Нима, ёлғонми? Айта қолинг!

— Йўқ, нега, ёлғонмас,— деб қўя қолди аяси хиёл табассум билан...

Ҳозир Шерали Ёқубнинг сохта табассумига қараб туриб, уни чиндан ҳам лойдан ясалган одамга ўхшатди. Болаларча

бу ўхшатишдан кулгиси қистади. Жилмайганча Ёқубнинг орқасидан эргашиди.

Ёқуб уни тахтадан омонатгина ясалган сўрига ўтқазиб, ўзи сўрининг ёнидаги кичкина уйчага кириб кетди. Шерали пахтаси хийлагина тўзғиган кўрпачага ўтирди. Бир туп азим чинор атрофга қалин соя ташлаб турипти. Чинор шохига илиғлиқ тўрқовоқдаги бедана бетиним сайрайди: пит-билдиқ... пит-билдиқ... пит-билдиқ. Чинордан беш-ўн қадам наридаги каттагина ўрикнинг каллакланган шохиди ҳам атрофи оқ бўз билан ўралган тўрқовоқ осиглиқ. Ёқуб бир қўлида дастурхон, иккинчи қўлида чойнак-пиёла кўтарганча сўрига чиқди. Ҳаворанг гулли эски чит дастурхонни ёзиб, арпа нонни ушатди. Икки-уч бўлагини меҳмон олдиға суриб қўйди. Меҳмонни дастурхонга қаратгач, сири кўчаёзган сопол пиёлага икки ҳўпламгина чой қуйиб, ўзи ичди. Пиёланинг лаби теккан жойини дастурхонга артди. Яна шунча чой қуйиб, бедананинг завқ билан сайраётганига маҳлиё бўлиб турган Шералига узатди. Сурп қўйлагининг, ёқасини очди, қора мўйловини бураб туриб, Шералига разм солди. Бедана унга маъкул тушганига ичидан ғурурланиб, мийиғида кулиб қўйди.

Шерали ҳамон беданаларнинг сайрашига маҳлиё бўлиб, улардан кўз узмай ўтирарди. Ёқуб унга халақит бергиси келмади. Шерали бўшаган пиёлани мезбонга узатди-ю, беданалардан кўз узмай:

— Бир нима демоқчи эдиз шекилли?— деди Ёқубга унинг ҳаракатларини кузатаётганини атайлаб таъкидлаш учун.

Ёқуб беданага ишора қилиб:

— Ўзизам ишқибозмисиз дейман, меҳмон?— деди бояги ғурур билан.

Шерали мезбонга қараб хиёл жилмайди.

— Беданага унчаям ишқибозлик йўғу, умуман, табиат яратган жамики мўъжизаларга ишқибозлик бор. Сиз бўлсангиз шундай ажиб мавжудотларни қафасга қамаб қуйибсиз. Шунга қараб тургандим.

Ёқубга Шералининг бу гапи қанчалик хуш ёқмасин, юзига одатича сохта табассум югуртиб:— Энди укам,— дея салмоқлаб гап бошлади пиёлага чой қуя туриб,— омонат бу дунёда одам бундоқ яйраб кун кўриши керак.— Ёқуб кўкиш кўзларини Шералига истехзо билан қадаб, уни узиб олди.— Жонни қадрини етинг, ука. Ҳузур-ҳаловатизи билинг. Унга нимаки зарур бўлса, қилавуринг, нима, шу пашшадек жонлик инсондан азиз бўлтимиз?— Ёқуб Шералига қадалган кўзларини бедана тўрқовоқларига қаратди.

Шерали кулиб қўя қолди. Унга гап уқтириб бўлмасди. Мавзуни бошқа ёққа бурди:

— Бола-чақадан борми?— Шерали шу топда Ёқубни сўридан итқитиб ташлашга тайёр бўлса ҳам ичидан тўлқинла-

ниб келаётган нафратни босишга интилди, мулойимлик билан сўради.

— Бўганда қандоқ, ука!— Ёқуб нурсиз, совуқ кўзларини тўрқовоқдан узиб, яна Шералига қадади.— Бола-чақа сероб. Ўзганда икки ўғилчамиз, Ўшда бир ўғил, бир қизимиз, Анжондаям биттаси бор. «Йўлинг тушиб турадиган шаҳарда албатта уй-жойнинг бўлсин»,— дердилар раҳматлик отамиз. Бировнинг эшигига бориб сарғаймайсиз-да, ука!

Шерали бош чайқаб туриб:

— Бу ердаям бола-чақадан бор экан-да?— деди киноя билан.

— Йўқ, ука, бу ерларда девонаи машраб бўлиб юрганимиз боиси бошқа ёқда. Уруш бир ёққа чиққунча кўздан узоқроқ бўган маъқул, ука. Ўзизам бизга ўхшаб пана қидириб кеган кўринасиз шекилли? Ҳи-ҳи-ҳи!

Шералининг ранги оқарди, тутақиб кетиб, ўрнидан турган эди, саккиз-тўққиз ёшлар чамасидаги бола келиб:

— Сизни началний чақиряпти,— деди унга қараб.

Шерали Ванчада ишлаётган партия лагери қадимий темир конлари олдида тикилганини билгани учун болага «ҳозир» дегандек бош ирғаб, Ёқубга ғазабнок кўзлари билан «сад-қай одам кет» дегандек бир қараб қўйиб, сўридан тушди.

Маълум бўлишича, Шерали партия бошлиғи билан Ванчанинг бош ирмоғи, яъни Дўстирозга кетиши керак экан. Бироқ бошлиқни безгак тутиб, ётиб қолипти. Эртагача тузалмаса, Шерали икки эшак ёки битта от олиб, ёлғиз кетиши керак эди. Бу режа ҳам амалга ошмади. Карвончилар бригадасининг бошлиғи: «Дўстирозга борадиган эшагим йўқ», деб туриб олди. Хорогга ҳам боришнинг иложи йўқ. Паром юрмаяпти. Партия бошлиғи кечқурун эшак юборишларини сўраб Дўстирозга телефон қилишга ваъда берди.

Шерали тунни яна омборхона ёнидаги бузуқ юк машинасининг кузовида ўтқазди. Эрталаб вақтли турди. Қўнгли беҳузур. Кечқурун оч қоринга тутмайиз еган эди. Нонуштага ҳам тутмайиздан бўлак нарса йўқ. Ёнида пули ҳам қолмаган. Рюкзакни елкасига ташлади-ю, болғани олиб, машина кузовидан тушди. У шу яқин-ўртадаги тоғларни кўздан кечириб, намуна олмоқчи эди. Ҳаво салқин. Ванч дарёсининг ҳар икки соҳилида оқ саллали қоялари булутга қадалган тоғлар қорайиб турарди. Тоғ жинслари ўзгарган ва бурмаланган. Қияликларда гиёҳ кўринмайди. Бу жиҳатдан водийнинг айниқса шимолий томонлари Қорамозорнинг яланғоч қояларини эслатарди. Шерали тоғ-тошларни айланиб, талайгина намуналар йиғди. Қун қайтди. Қуёш қизғиш товланиб, атрофга камалак сингари нур таратарди. Бу — тароватли водийга янада ажиб латофат бағишламоқда эди. Шералини ғалати бир туйғу қамраб олди. Шу гўзал табиатдан нусха олиш истаги туғилди унда. Тоғ чўққиларидан унинг этакларигача разм

солди. Алланималарни чамалаб кўрди. Ниҳоят, тоғ ёнбағрига яхшилаб ўрнашиб олди. Атрофни яна бир синчиклаб кўздан кечиргач, кечки тоғ манзарасини тасвирлашга қулай жой танлаганига ишонч ҳосил этиб, рюкзагини очди. Мўйқалам, бўёқ олиб, ёнига қўйди-ю, қавариқ қовоқларини қисиброқ чўққиларга тикилди. Оч жигарранг, қизғиш ва қора бўёқлар воситасида дарёнинг нариги қирғоғидаги ёнбағирлар энди шакллана бошлаганда, даладан қайтаётган бир тўда одамлар Шералининг диққатини ўзига тортди. У ўтаётганлардан кўз узмай, мўйқаламни қўлидаги латтага артиб, бир чеккага суриб қўйди. Олдинда уч бола борарди. Улар орқадан келаётган аёлларнинг баралла куйлаб чалаётган қарсаклари усулига мослаб барабар оёқ ташлаб рақс этар, олдинда куйлаб келаётган аёл ора-орада болаларни яна ҳам қизиқтириш учун тасанно ва офаринлар билдириб, тоғ-тошларни ларзага солгудек қаҳ-қаҳ уриб шарақлаб кулар, ўзига эргашётганларни ҳам ашулани авжига кўтаришга қистаб, ҳол-жонларига қўймай ниқтарди. Аёлларнинг умумий ялласига қўшилмай, ҳассага таяниб келаётган бир эркаккина бу шодиёнага «офарин», дегандек бош чайқаб завқланиб одимлар, рақс оҳангига қараб тезлашиб кетаётган тўдадан ортда қолмаслик учун мумкин қадар илдамроқ юришга тиришарди. Бу манзарани кўриб, чеҳраси ёришган Шерали шу қувноқ тўдага қўшилмоқчи бўлгандек бир-икки қадам олдинга юриб, яна завқ билан тикилиб қолди. Бу одамларнинг овозида эртанги кунга зўр умид барқ урарди. Қўшиқ тоғу тошни ларзага солиб, бутун борлиққа руҳ бағишламоқда эди. Шерали бу манзарани бўёқ воситасида тасвирлашга улгуролмасди. Бинобарин расмни қаламда ишлаб, кейинчалик оққа кўчирмоқчи бўлиб ўтирди...

Эртаси куни Шерали янги топшириқ олди. У Ишхунга бориб, экспедиция бошлиғининг ташкилий ишлар бўйича ўринбосари Борис Сергеевич Алексеев билан учрашиши керак эди. Ишхун Ванч дарёсининг сўл қирғоғида бўлиб, анча кичиклигини ҳисобга олмаса, Ванч қишлоғидан деярли фарқ этмасди. Чошгоҳда Ишхундан икки эшак юборилди. Бирига Шерали нарсаларини ортиб ўзи, иккинчисига эшакни ҳайдаб келган бола ўтирди.

Борис Сергеевич дарё соҳилида чодир тиккан эди. У чодирдан беш-ўн қадам нарида қўшотар милтиғининг милларини тозалаётган эди. Эғнида парча гулли чит кўйлак, оёғида кирза этик. Борис Сергеевични Шерали йиғилишдагина кўрган эди. Аммо Қутбиддин бир-икки мақтаганди. Айниқса овчилик бобидаги шухратини, хушчақчақлиги-ю, ўзбек геологлари билан яқиндан алоқада бўлиб туришини айтганди. Борис Сергеевич туёқ товушини эшитиб, қайрилиб қаради. Шерали анча яқинлашиб қолган эди. Борис Сергеевич милтиғини олдига ёзилган газета устига қўйиб, Шерали томон

икки-уч одимлади. Бир кўргандаёқ эски қадрдонлардай киришиб кетадиган одамлар бўлади. Бундайларнинг кўнглида кири бўлмайди. Ҳамиша ўз иши билан машғул бўлиб, бировларга озор бермайди, аксинча, қўлидан келса ёрдамини аямайди. Борис Сергеевич ҳам шунақалар тоифасидан экан. У табассум билан Шералига қаради.

— Адашмасам Шерали Алиевич ўзлари бўлсалар керак?

Шерали эшакдан тушиб, яқинроқ келгач, қўл узатиб кўришди.

— Шералининг ўзи, Борис Сергеевич,— деди самимий кулиб туриб.

Алексеевнинг кулиб турган чеҳраси уни тамоман ўзига ром этди. У ҳам беихтиёр кулиб, узоқ муддат дийдор кўришмаган қадрдонини кўргандай ёришиб кетди.

— Жуда соз,— дея сийрак сочлари силлиқ таралган бошини хиёл ўнг томонга эгиб, Шерали билан бирга келган болага:

— Боравер, бу киши кейин борадилар,— деб қўйди Борис Сергеевич.

— Сизнинг тўғрингизда кўп эшитган эдим,— деди Шерали Борис Сергеевичдан кўз узмай.

— Мен ҳам эшитганман сизнинг тўғрингизда. Қани, ичкарига, меҳмонимиз бўлинг,— деди Борис Сергеевич кафтарини ишқалаб, чодир томон ишора қиларкан.

Шерали унинг ёшига сира мос келмайдиган чаққон ҳаракатига завқланиб кулганча ичкарига кирди. Кираверишдаги тўнка устига ўтирди. Палатканинг бурчагида рюкзак, унинг ёнида йиғиқли кўрпа-ёстиқ, Борис Сергеевич расмий ҳол-аҳвол сўрашишлардан сўнг боягидек очиқ чеҳра билан бошини хиёл эгганча Шералига мурожаат қилди:

— Ўзимизнинг геологча вискидан бир қултумдан ола-мизми?

— Раҳмат, Борис Сергеевич, овора бўлмай қўя қолинг,— деди Шерали бош чайқаб.

— Овораси йўқ, оёғингиз остига қўй сўймоқчимасман, сизларнинг одатларингизча, танишиб олганимиз шарафига қиттак отсак жин урмайди,— деб Шералининг жавобини ҳам кутмай рюкзакдан флягани олиб, қопқоғига спирт қуйди.

Шерали кулди.

— Бу бошқа гап,— Борис Сергеевич қуйган спиртни ўзи ичди-да, сўнг Шералига қуйиб берди. Шерали ҳам боши билан «танишганимиз учун» дегандек имо бериб кўтарди.

— Хўш, оғайни, нима янгиликлар, гапиринг-чи?— Борис Сергеевич Ҳамиша кулиб турувчи мовий кўзларини Шералига тикди.

— Янгилик шуки, топшириқ бажарилди. Қўрғовот билан Банчдан яхши намуналар йиғилди. Айниқса Банчдан олин-

ган намуналар ичида ўзимиз қидираётган тоғ биллури кристаллари ҳам бор. Ажаб эмас, каттароқ запаси чиқса. Плавик шпати ҳам онда-сонда учраб турипти. Аммо ҳали аниқ бир хулосага келганим йўқ.

— Жуда соз,— дея кулиб туриб салмоқлаб гапирди Борис Сергеевич.— Биз ҳам худди шундай бўлади, деб ўйловдик. Янги топшириқлар бўлса хабарлашамиз. Энг муҳими, биллур! Биз албатта унинг катта запасини топишимиз керак, ҳа, ғалаба ҳаққи, топишимиз керак,— деди Борис Сергеевич яна кафтларини ишқалай туриб, сўнг Шералига мулойим жилмайиб, сўради:

— Сиз томонларда уч-тўрт йил илгари ҳам бўлган эдим, тоғларингиздаги олтин запаслари устидаги қизғин мунозараларда қатнашгандим. Аммо муайян битимга келмай қолинган эди. Бу соҳада бирор янгилик борми?

Шералига Борис Сергеевичнинг бу кутилмаган саволи шу қадар ёқиб тушдики, у беихтиёр тўнкага яхшилаб ўрнашиб олди, тоғ шамоли қорайтирган юзига табассум балқди, ёрилган лабларини чўччайтириб кулди.

— Янгиликлар катта, Борис Сергеевич,— деди ниҳоят нафасини ростлаб.

— Олтин бўйича конференциядан хабарингиз бор, албатта.

— Ҳа, эшитгандим, аммо унда ҳам анчагина мунозарали гаплар бўлди, дейишганди.

— Мунозарали гаплар бўлгани рост. Ҳатто казо-казо олимлар ҳам «олтин йўқ», деган олдинги тахминни рўкач қилиб, қаттиқ туриб олишди. Аммо тоғларимизда олтин борлигига шак-шубҳа йўқ, Борис Сергеевич.

Борис Сергеевич Шералига зимдан қараб қўйди, мийғида кулди.

— Шахдамлигингиз менга ёқпти, Шерали,— деди у жонланиб,— ишонч бўлмаса, фанда янгилик очиш мушкул. Аммо ўзингиздан олдин айтилган илмий хулосаларга ҳам инонмай иложингиз йўқ, оғайни. Унда тафтишчилик дардига чалиниб қоламиз. «Олтин йўқ», деган икки сўзни айтиш учун юзлаб одам бош қотирган, неча-неча экспедициялар келиб-кетган бўлиши керак. Бунинг устига, адашмасам, қачонлардир шу регион билан инглиз олимлари ҳам шуғулланганмиш. Уларнинг ҳам фикри ижобий бўлмаган.

Шерали Борис Сергеевичнинг кўзларига тик боқди. Одатча, юрагидаги гапни чўрт кесиб айтмоқчи бўлди-ю, андишага борди шекилли, ўзини босди. Мулойимлик билан эътироз билдирди:

— Инглиз олимларининг нима деганини билмайману, аммо совет даврида олтин учун олиб борилган экспедиция ҳисоботлари билан танишганимда, менда анча-мунча шубҳа пайдо бўлди.

Борис Сергеевич ажин туша бошлаган ингичка бўйнини Шерали томон чўзиб:

— Хўш, хўш, давом эттиринг-чи, қандай шубҳа экан у?— дея қизиқиш билан текилиб қолди.

— Шубҳа шундаки,— дея сўзини давом эттирди Шерали энди тамоман осойишталик билан.— Аввало, тадқиқ этилган жойлар атрофлича, ҳар томонлама ўрганилмаган. Иккинчидан, бир экспедициянинг баёни иккинчисига тамоман зид. Хўш, шундай экспедицияларнинг хулосасига кўр-кўрона ишонаверса бўладими?

Борис Сергеевич кулди. «Бу — бошқа гап»,— деди у ўйланиб туриб.

— Иллат ҳам, кўпчилик йирик тадқиқотчиларнинг, айниқса баъзи бир москвалик олимларнинг: «Ўрта Осиёда бутун олтин запасларини ота-боболар олиб бўлишган, эндиликда у ерлардан олтин қидириш бефойда» деган фикрни зўр бериб илгари сураётганларининг сабаби ҳам шунда бўлса керак, деб ўйлайман, Борис Сергеевич,— деди Шерали фикрини яна ҳам ойдинлаштириб.— Фёдор Николаевичнинг ҳам бу борадаги гапларини эшитдингиз-ку, ўзингиз!

Борис Сергеевич кенг манглайдаги тер томчиларини оқ даструмолига артиб:

— Гапларингизда жон бор, Шерали,— дея доналаб сўзлай бошлади.— Тўғри, ҳамма нарсаса ҳам кўр-кўрона эргашавериб бўлмайди. Аммо олтин масаласида ҳар ҳолда совет даврида олиб борилган тадқиқотлар ҳам оз эмас. Уларнинг кўпчилигидаги хулоса салбий. Ҳар бир экспедиция эса кимнинг ҳисобига олиб борилишини ҳам унутмаслигимиз керак.

— Ҳа, ҳа, Борис Сергеевич, тўғри айтяпсиз. Балки ҳақдирсиз. Негаки... негаки...— Шерали ҳаяжонлана бошлади. У энди дилидагини бемалол гапира олмаслигига кўзи етди. Гапни ҳазилга бурди:— Ҳа, майли, Борис Сергеевич. Вақт — бебаҳо табиб, дейишади. Сабр қилайлик. Балки шу бебаҳо табиб бу масалага ҳам ойдинлик киритар. Ҳозир эса биз айтгандек, мудофаамиз учун зарур биллурни излайлик. Менга рухсат энди.

— Жоним билан, Шерали. Аммо ҳамма нарсанинг жуфти яхши дейишади, рухсатингиз билан...— Борис Сергеевич флягадан спирт қуйиб, Шералига узатгач:— Экспедициямизнинг муваффақияти учун!— деди кулиб.

Шерали ҳам бу дилкаш одамнинг ўзига шунчалик ром этиш санъатига қойил қолди. Борис Сергеевичга жилмайиб қаради-ю, қўлидаги спиртни олиб ичди. Борис Сергеевич иккинчи қуйганини ўзи ичгач:— Мана энди сизга рухсат,— деди.

Шералининг кетидан чодирдан чиқди. Шералини боя милтигини қолдирган жойгача кузатиб борди. Хайрлашишга қўл

узата туриб, кўрсаткич бармоғини катта тут дарахтининг тагидаги пастаккина бир тавақали эшикка қадаб: «Хў ўша ҳовлига борасиз»,— деб қўйди.

Кун пешиндан аллақачон оққан. Ҳаво дим. Қуёш тафтидан қизиган тоғ-тошлардан чиқаётган ҳовур атрофга олов пуркаётган каби гуп-гуп юзга келиб урилар, одамни лоҳас қиларди. Шерали Борис Сергеевич айтгандек, ёлғизоёқ йўлдан тик кўтарилиб, пастга тушди-да, чапга бурилди. Икки юз қадамча юргач, Борис Сергеевичнинг чодирини тикилган жойнинг рўпарасидан чиқди. Бир тавақали эшик қия очик. Шунга қарамай Шерали томоқ қириб йўталди. Ичкаридан эркак кишининг: «Қираверинг», деган овозини эшитгач, энгашиб ичкарига кирди. Бу ҳовли ҳам Бобомуллонинг Қалъаи хумдаги ҳовлисига ўхшарди. Фақат эшик олдидаги тарвақайлаган катта тут дарахти қалин соя ташлаб, унда истиқомат қилувчиларни иссиқдан ихота этиб турар эди. Уй эгаси — Шералини Ишхунга олиб келган боланинг отаси эни бир қулочча келадиган пешайвонга кўрпача ёзди. Меҳмонни таклиф этди.

— Сиз баҳузур ўтириб, нафас ростлаб олгунингизча, мен бирров сельсоветга чиқиб келай, меҳмон, сўнг йўлга чиқамиз,— деди чала рус тилида ва «узр» ишорасида қўлини кўксига қўйиб, эшик томон юрди.

Шерали атрофга қаради. Ҳовлининг қоқ ўртасидан шилдираб оқаётган ариқнинг нарёғида ерга ёзилган қуруқ наमत устида уй эгасининг бўйга етган қизи ухлаб ётарди. Шерали ундан кўз узолмай қолди. Қўрғовотдаги аёллар сингари жуда кўҳлик эди у. Пуштиранг ҳарирдек жимирлаб турган оппоқ юз, бодом қовоқлари остидаги кўзларининг чиройини яна ҳам бўрттириш учун яратилгандек ингичка қайрилма қошлар Беҳзод тасвиридаги Шарқ гўзалларини эслатарди. Лаблари ҳам латиф юз бичимига мосланган каби ғоят нафис ва кичкинагина. Болаларникидек бепарво ва жиддий қиёфасигина ҳали ишқида булбул маст бўлиб сайрамаган, очилмаган гунчалигидан далолат берарди. Шерали, жилла бўлмаса, беш-ўн оғиз гапирадиган даражада тожик тилини билмаганидан ачинди. Шу ажиб тоғ оҳуси билан бир дамгина суҳбатлашиб олармиди! Шерали аёллар гўзаллигининг тимсоли бўлиб ётган қизнинг ёнидаги укаларига ҳам бош-оёқ кўз ташлади. Улар ҳам қадди-қоматлари келишган чиройли ўсмирлар эди.

Шерали болалардан кўз узиб, чўққиларга қаради. Негадир Қутбиддин билан Викторни эслади. «Хорогга етиб олишганмикин?»— хаёлидан кечирди. Шунини ўйлаб туриб, Виктор у билан хайрлаша туриб берган тўрт буклоғлиқ қоғоз эсига келиб, чўнтагига қўл солди. Шерали шоша-пиша қаламдан битилган сатрларга кўз югуртирди: ҳа, чиндан ҳам Виктор айтганидек, Шералига бағишланган ижод маҳсули.

Шерали ўйланиб қолди. Шеър тугалланмай қолган эди. Мийиғида кулиб, ўзи ҳам бир тўртлик қўшди...

Эшик ғийқиллаб очилиб, уй эгаси кирди. У:

— Қани, тулинг, меҳмон, кеч тушмай манзилингизга етказиб қўяй,— деди ва дарвоза олдидаги охурда емлаётган эшакларни бирин-кетин тўқимлаб, Шералининг ҳовли юзига тушириб қўйилган юқларини бир қўллаб ортиди. Унинг чап енги оқ яктаги устидан таранг тортиб боғланган белбоғига қистириб қўйилган бўлиб, иккинчи қўл зарур жойда чап елкасини ишлатарди.

Шерали ўрнидан турди. У ҳозир Ёзғулумдаги экспедиция базасига бориши керак. У ердан Хорогга етадиган миқдорда озиқ-овқат ва транспорт беришлари олдиндан тайинланган эди. Бироқ буларнинг бари ҳали амалга ошмаган насия гаплар. Нақдининг бутун оғир-енгили эса Шералининг зиммасига тушаётган эди. Аввало, унинг ёнида кунда, кунора нарсаларини ташишга бериш учун эмас, бошқа кутилмаган харажатлар учун ҳам бир мири пул қолмаган эди. Йўл эса олис.

Ёзғулумга намозшомда етиб келишди. Эшак эгаси Шералининг юқларини бир четга тушириб, унга оқ йўл тилади. Шерали геология экспедициясининг Ёзғулумдаги базасига борди. Унга икки ярим килограмм қора ун ва ёғ беришди. Бўлак нарса йўқ эди. База мудирини тўладан келган хушчақчақ сариқ киши Шералини тутдан солинган бўза билан меҳмон қилди. Алламаҳалгача гангур-гунгур гаплашиб ўтиришди. Шундан сўнг Шерали олма дарахти тагида мизғиб, ором олди. Эрта тонгда юқларини орқалаб, қўшни қишлоққа йўл олди. Бу ерда ҳам узоқ туrolмасди. Тердан шалаббо бўлган кўйлагини қуритди, база мудирини берган ундан кўймоқ пишириб, тамадди қилди. Навбатдаги Деҳ қишлоғи бу ердан ўн-ўн икки чақирим келарди. Шералининг эса юришга ҳам ҳоли йўқ. У бир болани юкининг ярмини Деҳгача кўтаришиб боришга унатди. Эвазига гимнастёркасини берди.

Қишлоқ Советига кириб келганида, соат еттидан ошган эди. Раиснинг кичкинагина кўримсиз хонасида эски стол қўйилган бўлиб, ундан сал нарида — девор тагидаги шарти кетиб парти қолган курсида тўрт киши энгашиб ўтириб олиб, ўз тилларида алланималарни тушунтиришарди. Ҳаммаёқда ғуж-ғуж қора пашша. Етмиш ёшларга бориб қолган раис сарғиш гардишли кўзойнагини олиб, йўл-йўл жигарранг чийдухоба камзулининг кўкрак чўнтагига солиб қўйиб, қаддини ростлади. Шералини меҳмондўстлик билан кутиб олгач, ўз ўрнига ўтқизди. Яна бир нима деяётган эди, Шерали:

— Мен тожикчани билмайман,— деди кулиб туриб русчалаб.

Раис рус тилида ҳол-аҳвол сўрашгач, эшикка чиқди. Ҳаял ўтмай бир қўлида коса, иккинчисида дастурхон кўтариб

кирди. Қуруқ дастурхонни ёзиб, устига косани қўйди. Шералининг қўлига қошиқ тутқазиб, ўнғайсиз вазиятда:

— Узр, меҳмон, нон қолмаган экан, қани, шўрвадан олинг,— деди.

Шерали раиснинг кўнгли учун овқатга қошиқ урди. Коса ичида икки-уч бурда қалин хамирдан бўлак на ёғ, на сабзавот бор эди. Шерали икки-уч қошиқ олган бўлиб, косани ўзидан сал нарига суриб қўйди. Курсида ўтирганлар ютинаётганларини билдирмаслик учун яна ҳам энгашиброқ ўрнашиб олишди. Раиснинг кўнгли тўлмади шекилли, чоғроқ тоғорачада тутмайиз олиб чиқиб, дастурхонга қўйди. Ўтирганлар бирин-кетин ўринларидан туриб, тутмайиздан ҳовучларига бир-икки олишган эди, тоғорача бўшади.

Шерали бу кишиларга зимдан қараб ўйлади: «Ҳамма бирдай оч, ярим яланғоч. Чеҳраларда ғам. Аммо юмуш деса қиличдай шай. Меҳнати билан ҳамма учун сув ва ҳаводек зарур, ҳамма илҳақ қутаётган ғалабани яқинлаштираётганини чуқур ҳис этади». У оҳиста хўрсиниб, кўзини дераза томон олди...

Раис бир нима буюрди шекилли, бояги кишилар ўринларидан туриб, қўлларини кўксиларига қўйганча: «Ба жону дил»,— дея чиқиб кетишди.

Шерали уларнинг мамнун чиқиб кетганларини кўриб, раисга қаради.

— Қишлоқ Советимизда ишга яроқли эркаклар бор-буди ўн кишига етмайди,— дея маъюс ва шикоятмуз гапира бошлади раис.— Томорқалардаги ҳосилни йиғиб олишга икки кунгина жавоб сўраб келишган эди. Фронтга олма юклашимиз керак дегандим, нимага келганларини ҳам унутиб, чиқиб кетишди. Тўртталаси ҳам ногирон. Иккитаси урушда яраланган. Биттасининг тутқаноғи бор. Яна бири туғма карсоқов. Икки қишлоқдаги бор-йўқ эркак шулар. Нариги уч қишлоғимизда ҳам нари борса, беш-олти эркак бор, холос. Аҳвол танг. Ғарқ пишган мевалар одам йўқлигидан чириб, нест-нобуд бўляпти.

Шерали ноқулай вазиятда қолди. База мудирини унга: «Сиз тўғри қишлоқ Советининг раисига учранг, келишганмиз, отми, эшакми, ишқилиб юкинғизни ташиб беришга яроқли улов беради»,— деган эди. Уйдаги гап бозорга тўғри келмайди, деганларидек, Шерали аҳволни кўриб туриб нима ҳам дерди. Секин ўрнидан қўзғалди.

— Менга рухсат, раис бобо, кеч кирмай кета қолай,— деган эди, раис унамади, идоранинг ёнидаги хонага жой қилиб берди. Бу хонанинг яккаю ягона жиҳози устига битта кўрпа билан ёстиқ ташланган эски темир каравот бўлиб, афтидан, раис кўпинча шу ерда тунаб қолса керак. Шерали ечиниб, каравотга чўзилди. Негадир Ёқубнинг сайроқи беданаси: «Пит-билдиқ, пит-билдиқ, пит-билдиқ» деб қулоқла-

рини батанг келтириб сайраётгандек бўлиб туюлди. Ўрнидан сапчиб турди. Қўзи илинган экан. Муздек тоғ шамоли қия очиқ қолган деразадан гувиллаб кириб, хонани этни жунжитадиган даражада совитган эди. Деразани ёпди. Ойна ўрнига тахта қоқилганидан хонага зулмат қоронғиси чўкди. Шерали пайпаслаб каравот олдига бориб, кўрпани очди, орасига кириб, бошини буркаб олди.

Шерали улов масаласида раисни яна бир марта хижолат этмаслик учун унга кўринмай кетиш ниятида одатдагидан анча барвақт турди. Юз-қўлини ювиб, нарсаларини йиғиштирди-да, биронта қарашадиган бола топиш учун ҳовлига чиққан эди, раиснинг йўталиб:

— Ҳа, турдингизми, ўғлим!— деган овози уни тўхтатди.— Совқотмадингизми? Биз томонларда кундузи иссиқ бўлгани билан кечалари хийла салқин.— Раис мулойим жилмайиб, қўл бериб сўрашди.

— Раҳмат, отахон, яхши дам олдим, энди рухсат берсангиз менга.

— Бемалол, ўғлим, фақат бир пиёлагина чой ичсангиз,— раис шундай деб қўли билан ишхонаси эшигига ишора қилди.

Шерали индамай унга эргашди. Стол устида дастурхон ёзиғлиқ, икки коса ширчой, ҳар бир коса олдида биттадан арпа нон турарди. Раис курсини столга яқинроқ суриб ўтирди. Шералини кечагидек ўз ўрнига ўтқизди. Суви қочган қорамтир нонни ушатиб, косасига тўғради.

— Қани, ўғлим, дастурхонга қаранг, тортинманг, олис йўл, бу ёқда улов масаласи ҳам чатоқ бўлиб турипти, толиқиб қоласиз, қоринни яхшилаб тўйдириб олинг,— деди Шералининг олдидаги нонга ишора қилиб, сўнг ўзи косани кўтариб, ширчойдан икки-уч ҳўплади, тўғралган нондан бармоқлари билан бир бурдасини олиб, оғзига солди.

Шерали ширчойдан беш-олти ҳўплаб, косани дастурхон устига қўйди, нондан бир тишламини чайнай туриб, раисга мурожаат қилди:

— Болалар нечта, ота?

— Икки қиз, уч ўғил эди.

Раис ичиб турган ширчойини дастурхон устига қўйиб, ўйланиб қолди. Оғзидаги нонни ютгач, кўзларини бир нуқтага қадаб, маънос оҳангда сўзини давом эттирди:— Икки ўғилдан қорахат олдик.— Унинг овози титрарди.— Бири Москва остоналарида олиб борилган жангда ҳалок бўлипти, иккинчиси Сталинград бўсағасида. Кенжамдан тунов кунни хат олдим. «Берлиндан қайтиб, дийдор кўришгунча», деб ёзипти хатида.— Раис қилт этиб ютинди.

Шерали ноўрин савол бериб қўйиб, отанинг ярасини янгилаганидан хижолат чекди. Энди нима деб юпатишни ҳам билмай, тараддудланиб турганида, орадаги ноқулай вазиятни раиснинг ўзи силлиқлади,

— Кенжамиз қаҳрамон,— дея чўнтагини кавларкан, хиёл чехраси ёришди раиснинг. Қармонини олиб очди. Шералига сурат узатди.

Шерали суратни авайлаб қўлига олди. Нар и борса ўзи тенги, қош-кўзи суҳсурдек паҳлавон йигит боқиб турарди. Қўкрагида қатор орден ва медаллар. Энг юқорисида қаҳрамонлик Олтин Юлдузи. Суратнинг орқа томонига: «Фашист деган қора вабони Берлингача қувиб бориб, эсон-омон қайтиб, дийдор кўришгунча шу сурат ҳамроҳингиз бўлсин», деб ёзилган.

— Акаларидан қорахат келганини биладими?

Раис бош чайқади. Унинг тоғ шамоли қорайтирган пешонасидаги беҳисоб ажинлар янада кўпайгандай бўлди Шералининг назарида.

— Билмайди,— деди ниҳоят.— Билмагани маъқул.

Қар иккалалари ўйлаиб қолишди. Бундай кезларда вазиятга монанд сўз ҳам кела қолмайди ҳадеганда. Раис гумбазсимон қизил духоба дўпписини кўтарди, манглайини силаб туриб боягидек маъюс овозда сўзини давом эттирди:

— Бу оти ўчгур уруш қай биримизнинг хонадонимизни ёнлаб ўтди дейсиз, ўғлим?! Оти ҳам одамзоднинг отига ўхшамайдиган Гитлер дегани юрт бошига аза солди-ку! Тинчгина ўтирган халқни тўзғитганини айтмайсизми! Ҳе ўша туққан онаизорингни... гўрида тўнғиз қўпсин... астағфирулло!..— Раиснинг ранги оқариб, энгаги титраб кетди. Ўрнидан туриб, дераза олдига борди. Шерали ҳам турди. Раис у томон ўгирилиб:

— Сиз баҳузур ўтираверинг, ўғлим, мен ҳозир,— деб гапини ҳам тугатолмаган эди, Шерали:

— Раҳмат, салқинда кета қолай,— деб илтижо қилгандек раисга гикилиб қолди.

— Майли, ўғлим, бора қолинг. Тошкентга қайтганда мабодо Қутбиддин деганни учратсангиз: «Назармат отангиз салом айтди», денг. Кўп дилкаш, ҳазилкаш одам экан. Бир-икки учрашгандик. Қузда келаман деганди, йўли тушмади чоғи.

— Қутбиддин ака билан бирга келаётган эдик. Йўлда машина бузилиб қолиб, бир шеригимиз билан иккалалари қолишиб, мени жўнатишди. Энди улар билан Хорогда учрашамиз,— деди Шерали Қутбиддиннинг шу узоқ Помирда ҳам таниш-билиши борлигига ичида тасанно айтиб. Сўнг: «Албатта саломингизни етказаман»,— деб қўшиб қўйди.

— Бўлмаса, қайтишда киринглар, бир-икки кун бафуржа меҳмон бўласизлар.

— Иложини топсак, албатта кириб ўтармиз, хайр, Назармат ота!

— Хайр, ўғлим, йўлингиз беҳатар бўлсин!

Шерали катта кўчага буриламадан деяётганда, бир йигитча

кўриниб қолди. У билан юкини Вазнаутгача кўтаришиб бо-ришни гаплашди. Йўлда Шерали бир неча жойда тўхтаб, тоғ ёнбағирларини кўздан кечирди, намуналар олди, Деҳдан Вазнаутгача бўлган оралниқдаги тоғлар геология учун ҳар жиҳатдан диққатга сазовор эди. Айниқса Шералининг эътиборини кўпроқ жалб этган нарса бу жойларнинг маъданга бойлиги ва кварц томирларнинг кўплиги бўлди. Иккита томирнинг учи Афғонистон чегарасига ўтиб кетган эди. У ён дафтарига бу ерларнинг ўзига хос хусусиятларини батафсил ёзди.

Вазнаутга қош қорайганда кириб келишди. Шерали юкини кўтаришиб келган болага ўзининг анча панди кетиб қолган шимини берди.

Вазнаут туни Шерали учун Қурғовотдагидан ҳам оғирроқ кечди. Чивин ва пашшалар туни билан ором беришмади. Бунинг устига унга ажратилган уй одам яшайдиган хонадан кўра йириқроқ жонивор қазиган инга ўхшарди. Унда на эшик, на дераза бўлиб, одам аранг сиғадиган йўлакдан ичкарига ўтилгач, киши ўзини чиндан ҳам ғорга киргандек ҳис этарди. Бир бурчакка тўплаб қўйилган латта-путталарни ҳисобга олмаганда, бу ерда одам учун яроқли жиҳоз йўқ эди.

Шерали тунни амаллаб ўтказиб, эртасига минг азоб билан Рушанга етиб келди. Экспедиция базаси мудирининг шинамгина, топ-тоза уйида тўхтади. Юкларини дарё соҳилида қолдириб, Панж дарёсига тикилиб қолди. Унинг асовлигидан асар ҳам кўринмас, жуда осойишта ва тинч оқмоқда эди. Умуман, Дерушандан бошлаб бу дарё тамоман бошқача бўлди. Соҳиллари анча кенгайиб, тоғ ёнбағирларига бориб туташар, ястаниб ётган беҳисоб ороллар бу ерларга аллақандай афсонавий тус бериб, Помир чиройига сайқал берарди...

Помир... Шерали бу ажиб тоғ ўлкасининг эртаклардагидек чиройини кўришга анчадан буён муштоқ эди. У дарёдан кўз узиб, олис-олисларгача кўкка бўй чўзиб ястаниб ётган тоғ чўққиларига қараб туриб, аллақандай ачиниш ҳисси билан бош чайқади. Шерали уни жуда моҳир уста ясаган ғоят латиф нақшинкор сандиққа ўхшатди. Аммо назарида бу сандиқнинг ичи анчагина бўш эди. Кўз олдида Тянь-Шань бағри дур-жавоҳирларга тўла сахий она сиймосида жонланди. Шерали шулар ҳақида ўйлаб, Панж соҳилига чўзилди. Қаршисидаги Афғон соҳилида Қалъаи Барпанж қишлоғи яққол кўзга ташланарди. Нимқоронғида дарахтлар орасида ўнга етар-етмас уй санади. Сокин Панждан эсаётган майин шабада уни силаб-сийпаб аллалар, бир неча кунлик машаққатли йўл азоби ҳолдан тойдирганидан мижжаларини бир-биридан ажратолмай мудрарди. Ниҳоят, тун азим шотут остида, оқ чойшаблар солинган каравотда ҳузур қилиб ётган Шерали устига қора чодирини ташлаб, бағрига олди, унинг чарчоқ танига ором бағишлади.

Қуёш тик кўтарилиб, нурларини ҳаммаёққа барабар ёйиб, еру кўкни қиздираётганига қарамай, дарё соҳилидан тоғ этакларигача ястаниб ётган Хорог анча салқин. Чўққилардан эсаётган муздек август шабадаси дарё узра икки-уч чарх урар, намхуш бўлиб, қуёш нурларининг тафтини қайтарар, тоза тоғ ҳавоси билан бирга сувнинг майда заррачаларини ҳам уфуриб, шаҳарда мўътадил иқлим вужудга келтирарди. Тоғли Бадахшон ўлкасининг бу кўҳна шаҳри Помирнинг жануби-ғарбий қисмида денгиз сатҳидан икки минг икки юз метр баландликда бўлиб, унинг этагидан Панжга қуйиладиган Гунт дарёси оқиб ўтади. Лойқа сувли бу азим ва асов дарё Хорогга кираверишида ўзидан кичикроқ Шоҳдаранинг тиниқ сувларини кўрдим демай ютиб юборади. Геологларнинг Помирдаги каттагина базаси ҳам шаҳар чеккароғида, шу дарё қирғоғида жойлашган бўлиб, бу ердан сира одам аримас, Помир экспедициясига келган деярли барча геологлар албатта бир қўниб ўтишарди. Бинобарин куннинг қайси палласи бўлмасин, ғуж-ғуж одамга дуч келинади. Атрофдагилар бу ерни «ари ини», геологларнинг ўзлари эса «қуш бозори» деб аташарди. Чунки тўп-тўпга бўлиниб олган турли лавозим ва даражадаги олимлар ҳар тўғрида сўзлашишар, ҳосил бўлган товуш четдан қулоқ солган одамга чиндан ҳам қушларнинг тинмай чуғурлашини эслатарди. Олимлар ора-орада ғийбат ҳам қилиб қўйишар, аммо асосан баҳслашишар, мавзу доираси ғоят даражада беқамров бўларди.

Қутбиддин билан Виктор ҳам бир неча кун олдин Хорогга етиб келишган, ҳозир бу тўплардан бирини ҳосил этиб, умумий ғала-ғовурга «ўз улушларини» қўшаётган эдилар. Виктор гапга аралашмай атрофида содир бўлаётган ҳангомалардан томошабиндек анграйиб турса-да, Қутбиддин ёнидаги пак-пакана, ҳурпайган малла сочлари бўйинини деярли бекитган киши билан алланарсани қизгин баҳслашарди. Ниҳоят узоқ тортишувдан сўнг Қутбиддин кўнди шекилли, қўлини кўксига қўйиб, «хўп», дегандек бош ирғади-ю, пакана киши билан хайрлашди.

Қутбиддиннинг авзойи бузилганини кўрган Виктор у-бу сўрашга ҳам журъат этмай, унинг кетидан эргашди. Қутбиддин хаёлан ким биландир баҳслашаётган каби индамай вазмин одимлаб дарё соҳилига етиб боргач, этиги қўнжидаги газетадан йиртиб, тамаки ўради, уни чақмоқтошидан тутатиб, чекиб олгач, чеҳраси ёришди. Викторга қараб жилмайди. Виктор бу сирли жилмайишдан ҳеч нарса тушунолмади. Беихтиёр Қутбиддинга қўшилиб ўзи ҳам жилмайди.

— Сен нега куляпсан?— Қутбиддин юзидаги табассумни йиғмай, Викторга савол берди. Қутбиддиннинг бояги тундлиги анча тарқаган эди. Виктор унинг саволига савол билан жавоб берди:

— Ўзингиз-чи?

Қутбиддин тамакисини бамайлихотир буруқситиб, ютган тутунни оғиз-бурнидан чиқаргач, қўлини Викторнинг елкасига ташлади.

— Биласанми, Виктор, сен жуда омадли йигит экансан,— деди энди унинг шишадай тиниқ кўзларига завқ билан тикилиб.

— Қайдам, омадим юришганини ўзим ҳам сира пайқайман,— деди Виктор ҳам астойдил кулиб.

— Хўп деявер, Виктор, омадинг бор йигитсан.— Қутбиддин бўтана бўлиб оқаётган дарёга тикилиб туриб:— Қорамозорга бораман десанг, Вадим Акимовичдек баттол одам эриб кетиб, «хўп» деворганини ўзи билмай қолипти. Мана, Помирда йўл-йўлакай қанча қадимий конларни кўрдинг. Энди Тошкентга қайтамиз деб турсам, бояги киши экспедициянинг янги топширигини берди. Бу янгилик ҳам сенинг кўнглингдагидек бўлади.

— Қандай янгилик экан, билсак бўладими?— Виктор Қутбиддиннинг оғзига тикилиб қолди.

— Янгилик шундан иборатки,— дея Қутбиддин Виктор томон энгашиб, жонланиб гапира бошлади,— ложувард конига ҳам чиқадиган бўлди. Энди пайқадингми омадинг келганини?

Виктор ишонқирамай, Қутбиддинга қараган эди:

— Ҳа, ҳа, ишонавер,— деди Қутбиддин қатъийроқ оҳангда сўзини давом эттириб.— Ложуварднинг янги истиқболи бор-йўқлигини аниқлаб, намуналар олишимиз керак экан. Бордию арзигулик бирор гап топсак, унда махсус экспедиция юбориларкан, тушундингми?

Виктор «Ура!..»— дея қичқирди. Қутбиддинни азод кўтармоқчи бўлиб, қучоқ очганида, Шералининг: «Виктор!»— деган овозини эшитиб орқасига қаради.

— О, азизим Шерали, бормисан, эсон-омон етиб келдингми?— дея ўша-ўша кўтаринкилик билан дўстини бағрига тортиб, ўпгач, уни бошдан-оёқ кўздан кечираркан, тиззалари ямоқ шим, йиртиқ кўйлагини кўриб, яна савол берди:

— Нима бало, жуда қаландар бўп кетипсан, дарвишликка кирдингми ёки қароқчи урдими сени?

Шерали кулди.

— Саволларингни қўя туриб Қутбиддин ака билан кўришишга фурсат берсанг-чи,— дея Қутбиддин билан ҳам қучоқлашиб кўришгач, ҳол-аҳвол сўради, ўз аҳволининг ҳам ёмон эмаслигини лўнда қилиб маълум қилди.

— Хўш, ўзинг қалайсан?— У Викторга мурожаат қилди.— Қадимий конларни роса кўргандирсан?

— Нимасини айтасан, оғайни, фақат Ванч темир конлари ҳақидагина йиққан материалларимнинг ўзи ёстиқдек китоб бўлади, бошқасини қўявер.

Шерали Викторга «қойил» дегандек бош силкиб, Қутбиддинга қараб гапирди:

— Сизга Назармат ота салом айтдилар.

— Э, саломат бўлсинлар, тасодифни қаранг, кўришдингларми-а? Кузда келарман, дегандим.

— Айтдилар, йўлда машина бузилиб қолди, бўлмаса бирга келаётган эдилар, дедим. Жуда ачиниб қолдилар. Қайтишда кириб ўтинглар, деб тайинладилар.

— Қани эди. Бошқа юмуш чиқиб қолди, боролмасмиз.

— Аттанг, жуда дилкаш одам эканлар.

— Нимасини айтасиз, бу одамнинг тарихи ҳам олам-жаҳон. Революция арафасида амирликка қарши курашган. Ундан кейин партия қишлоқда нимаики иш олиб борган бўлса, барининг фаол тарғиботчиси, чинакам иштирокчиларидан бўлган...

— Ложувард конидан қайтгандан сўнг, балки уникига кириб ўтармиз?

Шерали Қутбиддиннинг бу гапига тушунолмаي, қулоқларига ишонмай ҳайрон бўлиб турди-да, сўнг азбаройи қувониб кетганидан саросимага тушиб:

— Нима, биз ложувард конига чиндан ҳам чиқадиган бўлдикми?— дея шошилиб сўради.

— Шундай бўлди. Москвадан янги топшириқ олинпти.

Шерали Викторга қараган эди, у ҳам қувончини ичига сиғдиролмай:

— Шунақа, оғайни,— дея Шералининг елкасига қўл ташлаб, соҳилдаги ясси тош устига ўтиришга таклиф этди. Шерали ўтиргач, ўзи ҳам унинг ёнига чўкди. Қутбиддин икки дўстнинг суҳбатига халақит бермаслик учунми ёки бирон иши чиқиб қолибми — «мен ҳозир», дея база томон кетди. Виктор Шералига борган жойларини, шу орада неча сатр шеър ёзганигача гапирди. Аммо улардан айримларини ўқиб бермоқчи бўлиб турганида, Қутбиддин кўринди. У уч ишчини бошлаб келиб, таништирди. Қутбиддиннинг Бек деб таништиргани бир кўзи қисик, кўринишдан айёрроқ, паст бўйли оқсоқ киши эди. Қиммат аксинча — бўйчан, озғин юзи шу қадар чўтирки, нўҳотдек текис жойи йўқ, беозор кулиб туришидан соддагина одамга ўхшарди. Отини ҳам атамай Ошпаз бобо дегани оламни сув босса тўпигига чиқмайдиган беғамроқ, аммо одамларга жуда меҳрибон, икки гапга бир кулиб турадиган, кўнгли очиқ, қотмагина чол эди. Булар шугнонликлар бўлиб, Шерали ва Виктор билан русча саломлашишди. Қутбиддин билан эса ора-чорада тожик тилида сўзлашиб турсалар-да, ўзаро маҳаллий лаҳжада, яъни шугнонча сўзлашардилар. Шерали уларнинг гапига қизиқсиниш ва диққат билан қулоқ солиб турди. Бироқ тожикчага ўхшаса-да, биронта сўзни уқа олмади.

Хорондан анча кеч йўлга чиқилиб, Шоҳдара соҳили бўй-

лаб гўзал манзараларни томоша қилиб кетишди. Район маркази Роштқалъа қишлоғида туналгандан сўнг эртасига шарқироқ сувини Шоҳдарага қуяётган Бодомдара дарёси орқали юқорилаб кетилди. Кечга яқин Горондарага етиб келиниб, чодирлар тикланди, зарур анжомлар жой-жойига қўйилди. Горондара — «ғорлар дараси» маъносида бўлиб, бу ерда қадимий ўйиқлар жуда сероб эди. Бироқ бу ўйиқлардан қадимий кончилар нима қазиб олганликлари маълум эмас эди.

Лагерь дарёнинг юқори қисмида жойлашди. Бу ер денгиз сатҳидан тўрт минг метрдан ортиқроқ, қор ва музликлар чегарасидан баландроқда эди. Лагерьнинг ўнг томонидан — музликлар остидан чиқаётган сув кичик ирмоқ ҳосил этиб оқарди. Ирмоқнинг нарёғида икки юз-икки юз эллик метрлар келадиган масофада эса юзароқ тоғора шаклида пастлик кетган бўлиб, у ерда митти кўл жимирлаб турарди. Бирининг бўйи етмиш, эни ўттиз метрлар чамаси келса, иккинчиси ундан ҳам кичик эди. Атроф сокин. Ҳувиллаб изғиётган тоғ шамоли чўққиларни ялаб ўтиб, бепоён бўшлиққа сингиб кетарди. Унда-мунда ёввойи эчкиларнинг изларигина кўзга ташланарди. На дов-драхт, на бошқа бирон жонзот. Эрта тонгдан кеч тунгача ҳаммаёқда сукунат.

Отряд иш бошлади. Биринчи кунги машаққатли меҳнатдан сўнг жами бир килограмм биллур олинди. Бу ерда кварцнинг ранги оч кулранг, аҳён-аҳёнда қорамтирлари учрар эди. Кристаллар анча йирик, бир килограммгача борарди, бироқ ишга яроқлиси, яъни шаффоф ва дарзланмаган турлари жуда кам учрарди. Емишнинг тайини йўқ, эрталаб ҳам, кечқурун ҳам угра оши. Нон берч, камтуз, бунинг устига хашак ва кул аралашган. Шерали оқ шимига алмаштириб олган ярим челакача тутмайиз тамом бўлди. Бек билан Қимматнинг овлари уч кундан буён юришмаётган эди.

Кун совуқ. Эрталаб тоғ ортидан туман оралаб хира кўтарилган қуёш ҳали нур таратишга ҳам улгурмай, пахтаси оқиб ётган кўрпачадек узук-юлуқ булутлар унинг юзини тўсиб, паға-паға қор ёғарди. Қутбиддин ҳавонинг тез-тез айниётганини кўриб, лагерни пастроққа кўчиртирди. Аммо бу ерда ҳам узоқ турилгани йўқ. Навбатдаги лагерь жойлашган Ростовдара Шералиларни чинакам қиш либосида қарши олди. Сентябрь ойининг тўртинчи кuni-ю, ҳаммаёқ қор, кузда қиш. Бу ерларнинг табиатидан эҳсон кутиб бўлмайди. Бинобарин, ҳар бир дамдан оқилона фойдаланиш зарур эди.

Қутбиддин ишни жадаллаштириш мақсадида одамларни йиғиб, уларга вазият оғирлигини уқтиришга қарор қилди. Харсанг устига ўтириб, тамакисини чекиб туриб яхшилаб ўйлаб олди. Сўнг Шералини имлади.

— Бориб Виктор билан ишчиларни чақириб келсангиз, — деди илтимос оҳангида.

Шерали кеча лагерь жойлашган чайла томон югурди. Чайла катта харсангтошлардан кўтарилган, усти тол барглари ва шохлари билан ёпилган омонатгина жой бўлиб, у ўқтин-ўқтин ёғаётган қордангина ихота қилиб турар эди. Учала ишчи ҳали туришмаган, Бек билан Қиммат жўжалар она товук қаноти остига биқиниб олгандай, Ошпаз бобонинг икки қўлтиғига ғужанак бўлиб тиқилганча ухлаб ётишарди. Улардан сал нарида Виктор бу ажиб манзарани тасвирлаётган моҳир рассомдек энгашганча ён дафтарига алланарсаларни ёзиб ўтирарди. Шералининг овозини эшитган Ошпаз бобо ўрнидан туриши билан Қиммат билан Бек ҳам уйғонишди. Ҳаммалари Қутбиддин ўтирган харсанг олдига йиғилишди.

Қутбиддин вазият оғирлигини англатмоқчи бўлгандай бир лаҳза сукут сақлаб турди. Сўнгра, бамайлихотир, сўзларни доналаб гап бошлади:

— Оғайнилар, бундан кейинги йўлимиз оғир. Озроқ кўтарилгач, фақат ёлғизоёқ сўқмоқдан илгарилаймиз. Ундан кейин эса нуқул тош сочмалари устидан юрамиз. Бироқ секин чиқиб боравериш керак. Бир-бирларингиздан ажралманглар. Тоғда аҳиллик занжиригина фалокатдан асрайди. Ҳозир нарсаларни йиғинглар, яхшилаб нонушта қилиб олинглар, юқорига кўтариламиз.

Бек «Нима қилдик?»— дегандай Қимматга қаради. Ошпаз бобо ўрнидан тураётиб, Бекнинг авзойи бузилаётганини пайқади.

— Қани, тур, Қиммат, меҳмонлар олдида ўзимизни шарманда қилмайлик, нарсаларингни йиғиштир, бирга чиқамиз,— деди у ажиндан салқи бўлиб қолган қовоғини солиб, сўнг Бекка маънодор бир ўқрайди-ю, бошқаларга сездириб қўймаслик учун индамади. Ўзи салмоқлаб юриб, Қутбиддинга яқинлашди-да:— Тамакидан олинг, иним,— дея билинарбилинмас титраётган қўлини чўзди.

Нонуштадан сўнг йўлга чиқилли. У Қутбиддин айтгандек, чиндан ҳам машаққатли эди. Бошда дарёнинг чап соҳили устидан жарликка қия турган торгина сўқмоқ йўлдан юришга тўғри келди. Бу сўқмоқдан салкам уч минг метр кўтарилиб, ярим соатлар чамаси юрилгач, кичкинагина майдончада тўхташди. Бу ерда ўттизинчи ва қирқинчи йилларда экспедицияларнинг лагери жойлашган эди. Тошдан тикланган ярим вайрона икки уй деворлари, темирчининг ўчоғи тўплаб қўйилган, аммо олиб кетилмаган тоғ жинсларининг намуналари, занглаган консерва банкалари... Эртаси куни Қутбиддин юк ортилган икки эшак билан ишчиларнинг шу ерда қолишига рухсат берди. Шерали билан Викторни ёнига олиб, йўлга тушди. Улар Ложуварддарага кўтарилишлари керак эди. Шерали мовий тошни тезроқ кўриш иштиёқида чарчоқни ҳам унутиб, жон-жаҳди билан тоғ-тошга тирмашар, Виктор ал-

лақачон ҳансираб қолган эди-ю, аммо номус кучлилик қилиб, нафасини ичига ютганча илгариларди. Сўқмоқ борган сари энсизланиб, қиялик тобора ошиб борар, чўққилардан узилиб тушаётган тошлар қасир-қусури ирмоқлардаги сувнинг шовуллаган овозига қўшилиб, юракни узворгудек даҳшат соларди. Бунинг устига маромида эсаётган шамол кучи орта бошлади. Орадан ўн минутлар чамаси ўтди. Тоғ чўққисидан эсаётган шамол кучи деярли олға силжитмай қўйди. Қутбиддиннинг «Чўккалаб олинглар!»— деган овози эшитилди. Бу овоз қўмондоннинг буйруғидек жаранглаб, тоғ-тошларга урилиб, олис-олислардан бир неча бор акс садо берди. Шерали рюкзагининг тасмасини маҳкам ушлаганча тиз чўкди. Шамол ўчакишгандек ҳувиллаганча дақиқа сайин кучаяр, жаҳду тобига олаётганидан ҳали-вери тинадиганга ўхшамасди. Шамол ҳуштаги орасидан Қутбиддиннинг қалтираган овози аранг эшитилди:

— Шерали! Арқон сиздами!— Энди Қутбиддин ташвиш ва изтироб билан сўзларди.

— Ме-нда-а-а!!!

— Олиб, бир учини пастга — Викторга, иккинчи учини юқорига ташла-аннг-г!

— Ҳози-е-е-е-ер!

Шерали куч билан эсаётган шамолдан сақланиш учун қорнида ётиб, рюкзагининг тасмасини қўлларидан аранг бўшатиб олди. Сўнг нихоят даражада эҳтиётлик билан аста-секин силжитиб, боши устига олди, пайпаслаб очди. Ҳартугул арқон Қутбиддиннинг маслаҳати билан нарсаларнинг устига қўйилган эди.

Қутбиддин Шерали узатган арқоннинг учини белига боғлаб, эмаклаб юқорилай бошлади. Шерали билан Викторга ҳам шундай буйруқ берди:

— Етиб олиб эмакланглар!

Аммо барибир бу аҳволда узоққа бориб бўлмасди. Бунинг устига орадан ярим соатлар ўтгач, қоронғи туша бошлади. Қутбиддин тўхтаб, шу атрофда тунаб қолишга ярайдиган жой қидира бошлади. Боши устига чап томонда йўл хиёл кенгайиб, катта харсанг остига ёрдек чуқурлик ҳосил этганини кўриб қолди.

Тун шу ерда ўтказилди. Анероид<sup>1</sup> уч минг саккиз юз етмиш метрни кўрсатарди.

Эртаси куни тонг отиши билан яна юқорига кўтарила бошланди. Қутбиддин пўстинларни ёрда қолдиришни маслаҳат берган эди. Энди сўқмоқ деярли тикка кўтарилган, атрофда катта харсанглар уймалашиб ётарди. Сўқмоқ ҳам анча гадир-будур, унда юриш осонроқ бўлди. Бироқ юқорилаш-

---

<sup>1</sup> Анероид — ҳаво босимини ва юқориликни кўрсатувчи асбоб, барометр.

ган сари харсанглар камая бориб, майда сирпанчиқ тошчалар уюмига дуч келинди. Тағин арқон ишга солинди. Бироқ энди кўзланган манзилга яқин қолган эди. Қутбиддин хотиржамлик билан «перекур», деди-ю, этиги қўнжига қўл узатди. Виктор билан Шерали ўтирган ерларидан туя ўрқачларидек баланд-паст ғоят гўзал қояларни, зангори осмонни завқ билан кўздан кечиришарди. Қутбиддиннинг «перекур»и бу гал узоққа чўзилмади. Афтидан, унинг ўзи ҳам афсонавий гўзаллик водийсини кўришга ошиқарди.

Яна эмаклаб илгарилашди. Аммо сўқмоқ кутилмаганда ўнг томонга бурилиб, катта ялангликка бориб туташди. Осилиб турган қоялар остида муз қопланган улкан харсангтошлар аллақандай афсонавий тусда жимирлар, Помирнинг мовий осмони қўл узатса етгудек бўлиб турарди. Қутбиддинлар дунё томининг чўққисиди. Ложувард дарёси ана шу ердан бошланади.

Шерали билан Виктор бу ажиб манзарани кўриб, ҳайратдан қотиб қолган кўзларини катта очганча, мижжа қоқмай, чор-атрофни завқланиб томоша қилишарди. Қутбиддиннинг овози уларни ўзига келтирди. Харсанг устига ўтиришга таклиф этди. Ўзи ҳам яссироғига ўтириб, қўлидаги тамакидан чекди, ҳамон ҳаяжонларини босолмай аланглаётган Шерали билан Викторнинг диққатини жалб этиш учун: «Шу осмонранг мовий тош деярли етти минг йилдан буён инсоният диққатини тортиб келади», деди сирли оҳангда. Виктор билан Шералининг кўзлари унга қадалгач, кўрсаткич бармоғини музликнинг шимол томонида оппоқ мармар тошлар орасида баъзи ўринларда тўқ мовий, айрим жойларда эса оч ҳаворанг товланиб турган ложувард парчаларига тикиди. Улардан баъзиларининг катталиги одам бошидек келарди. Шерали «ана уни қара», дегандек Викторни туртиб қўйди. Қутбиддин жилмайганча гапида давом этди:— Марҳум академик Ферсман ўзининг «Қизилқарли минерология» китобида Бадахшон ложувардини жанубнинг тунги осмонига, унинг ичида учраб турадиган олтинсимон пирит заррачаларини эса шу осмондаги юлдузларга ўхшатган. Қутбиддин шундай деб ҳаммаларининг кўзларига шу топда бошқача бўлиб кўрина бошлаган гардиз мусаффо осмонга қараб қўйди. Ундан лаззатлангандек бош чайқаб, гапини осойишталик билан давом эттирди:— Табиат яратган бу нодир тошларни инсон қўли етмайдиган жойларга яшириб қўйган. Йиллар давомида афгон ерида битган ложувард жаҳонга донг таратган, карвонлар уни машаққатли йўл юриб, узоқ Миср, Хитой, Рим, Византия ўлкаларига элтарди. Бухоро ва афгон савдогарлари қўлидан олинган афгонларнинг мовий тоши дабдабали саройларни безашда ишлатиларди. Помирнинг юксак чўққиларида ҳам шундай мовий тош борлиги тўғрисидаги гаплар эл оғзида дoston бўлганига, «Помир чўққисиди ажиб сирли

мовий тош бор экан, кимда-ким уни қўлга киритса, ғоят бахтиёр бўларкан»,— деган ривоят кенг тарқалганига қарамай, кўҳна замонларда амирлар амри билан қазилган конлар кейинги бир неча асрлар давомида «ёпиқ хазина» бўлиб келмоқда эди. Бу кон атрофига аҳён-аҳёнда чўпонлар ёки ашаддий овчилар бориб қолардилар. Айни замонда ғарброқдаги Қўҳилаъл ёқут кони ҳам шу истиқболни кечирмоқда. Бу кон ҳам қўшни Афғонистоннинг шу турдаги конлари билан биргаликда ўрта асрларда гавжум жой бўлиб, кўҳна Шарқда «Лаъли бадахшон» деб машҳур ном таратган Бадахшон лаълини етказиб турган. Мазкур ложувард конига биринчи марта 1930—32-йилларда Тожик-Помир экспедициясининг аъзолари геолог Юдия ва ёзувчи Лукницкийлар келишган.

Шерали пастга қаради. Ҳаяжонлана бошлаганидан ва ҳавонинг сийраклигидан юраги гупиллаб урарди. Ахир у ёшлигидан орзу қилган ниятига етди, дунё томида ўтирипти, геология алломаларининг муборак пойқадами етган тоғ-тошлардан кўтарилди, уларнинг қутлуғ қўллари теккан тоғ жинсларига болға уради. У шу ҳаяжон қуршовида туриб, Викторга қаради. Виктор ҳамон Қутбиддиндан кўз узмай, тикилиб турарди. Қутбиддин тердан ялтиллаган пешонасини йўл-йўл чит дастрўмоли билан артди, қўлидаги тамакидан сўнгги тутунни ютиб, чекиндени харсангтошга эзгилаб ўчиргач, Шералининг диққатини яна ўзига тортди:

— Тошлар тарихи, иним Шерали, инсоният тарихи билан боғланган, шу тарих каби қадимий, айни чоғда ғаройиб, Минераллар шаҳаншоҳи олмос қадим замонлардан серқирра жилоси, тиниқлиги билан инсонни ҳайратга солиб келган. Узоқ вақтларгача унинг кароматли қудрати бор, деб юришди. Гўё олмос омад, бахт келтирармиш.— Қутбиддин жилмайиб қўйиб сўзини давом эттирди:— Хонимлар қўлида эса у севги ва садоқат рамзи бўлган. Йирикроқ тошлар ҳукмронлик ва бойлик ифодаси саналган. Шу тошлар туфайли инсон қони дарё бўлиб оққан. Олмос ҳукмронлар тожидан музейларга кўчгандан кейингина унинг атрофидаги шов-шувлар сал тинди. Устоз Ферсман Тошкентда бўлганларида, шундай тошлардан бирининг тарихини сўзлаб берган эдилар. Ўз қулоғим билан эшитганман.

Шерали Қутбиддинга яқинроқ ўтириб, илтижо қилди:

— Эшитсак бўладими, Қутбиддин ака?

Унинг гапини Виктор ҳам қувватлагач, Қутбиддин тоғ шамоли қорайтирган қўли билан шапкасини бостириб қўйди-да, «маъқул» дегандек бош чайқади. Қошларини чимирганча фикрини тўплаб олиб:— У киши «Шоҳ олмос» ҳақида мана бундай деб ҳикоя қилган эдилар,— дея эртак сўйлаётгандек оҳиста гапира бошлади:

— Бу тош тарихининг боши эртакларда тилга олинади-

ган ҳинд ўлкасида, охири эса бизнинг Москвамизда. Тошнинг ўзи бундан беш юз йил муқаддам минглаб ҳинд кончилари томонидан Ҳиндистонда олмос топиш борасида машҳур Голконда давлатига қарашли кондан топилган эди. Шағаллар орасидан катталиги уч сантиметрча келадиган кристалл — усти сарғишроқ, аммо жуда тиниқ олмос чиқиб қолди. Олмос эътиמודли князь Аҳмаднагар саройига топширилади. Маҳаллий заргарлар бу олмосни минг машаққат билан тозалаб, бир оёғига форс ҳарфлари билан: «Бурхон Низомшоҳ Иккинчи. 1000 йил» деган сўзларни ўйиб ёзишди.

Худди ўша йили — бизнинг ҳисоб билан 1591 йилда Шимолӣ Ҳиндистон ҳокими Акбар ўз тобелигидаги Марказий Ҳиндистон вилоятларига элчилар юборади. Элчилар орадан икки йил ўтгач, қайтадилар. Аммо Акбарни келтирилган жавоб ва совға-саломлар қониқтирмайди. У Аҳмаднагар устига лашкар тортиб боради, жуда кўп бойликлар қатори «Шоҳ олмос» ҳам унинг қўлига ўтади.

Бир неча йилдан сўнг тахтга Акбарнинг невараси Шоҳ Жаҳон ўтирди. У қимматбаҳо тошларга қизиқар, ўзининг ишлов берадиган махсус устахонаси ҳам бўлиб, бу иш билан шахсан шуғулланарди.

«Шоҳ олмос»нинг бир ёғида ёзуви бўлганига қарамай, Шоҳ Жаҳоннинг буйруғига биноан унга «Жаҳонгар Шоҳнинг ўғли Жаҳон шоҳ. 1051 йил» деган иккинчи ёзув пайдо бўлди. Бироқ Шоҳ Жаҳоннинг ҳасадгўй ўғли Аврангзеб отасининг беҳисоб бойликлари ва тахтини қўлга киритишга аҳд қилди. Узоқ курашлардан сўнг отасини қаматтирди, унинг бойликларини олди. Булар орасида «Шоҳ олмос» ҳам бор эди.

Аврангзеб саройини эртаклардагидек беҳисоб қимматбаҳо тошлар билан безатди. «Шоҳ олмос»ни тахтнинг рўпарасига қўйди. Икки ёзувга яна бир ёзув қўшилди.

Орадан етмиш беш йил ўтди. «Шоҳ олмос» Ҳиндистон бошига 1738 йили мусибат тушгунча бошда Жаҳонободда, сўнгра Деҳлида сақланди. Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ Ҳиндистоннинг фарбига ҳужум қилди. Деҳлини талади, шу жумладан, олмосни ҳам олиб кетди. Тош Эронга ўтди ва салкам юз йилдан сўнг унга: «Қожар Фатҳали Шоҳ султон. 1242 йил» (бизнинг ҳисоб билан 1824 йил) деган ёзув пайдо бўлди.

«Шоҳ олмос»нинг ҳикояси шу билан тугагани йўқ. 1829 йил январда Эрон пойтахти Техронда рус дипломатига суиқасд қилинади. Россияда ғала-ғовур бошланади. Россиянинг Техрондаги элчиси, машҳур рус ёзувчиси А. С. Грибоедов ўлдирилган эди. Эрон шоҳи Петербургга ўғли шаҳзода Хисрав Мирзони юборади. У гуноҳини ювиш учун Грибоедов қони эвазига ўша машҳур «Шоҳ олмос»ни бериб юборади.

Шундай қилиб, бу тош Петербургда Қишки саройдан жой олади.

...Жаҳон уруши бошланди. 1914 йил. «Шоҳ олмос» бошқа бойликлар билан бирга Москвага юборилди. Бу тош ҳозир ҳам Москвадаги қурул-аслаҳа палатасида сақланмоқда.

Қутбиддин «Қалай?»— дегандек Виктор билан Шералига қараб:— «Тошлар тарихи инсоният тарихи билан бошланган» деганимнинг боиси шунда,— деди синиқ овозда...

Қутбиддинлар икки кун давомида ложувард конини ўрганишди, ўн килограммча намуна олишди. Иккинчи кун айниқса оғир бўлди. Бунда ҳолдан тойгунча ишланиб, участканинг умумий геологик схемасини тузишди, баъзи бир қизиқ жойларнинг суратини олишди. Шерали зўрға судралиб келарди. Унинг бир пой ботинкаси титилиб кетган, ичидаги пайтаваси осилиб, юришга халақит берарди. У оқсоқлана-оқсоқлана амаллаб лагерга етиб олди. Олинган намуналарини Викторнинг зил-замбил чамадонига солиб, ўзи тўшак-қопга кирди. Тун нотинч ўтган бўлса-да, Шерали яқин орада бунчалик узоқ мириқиб ухламаган эди. Офтоб ёйилганда ўрнидан турди. У қияликда, бунинг устига тошлоқда ётгани учун ёстиқ икки-уч метр юқорида қолиб, ўзи уйқу қопининг ичида пастликка сирғалиб кетипти. Шерали олинган ложувардлардан кўпини Ложуварддарада яшириб қўйди-да, ўзи Ростовдара томон йўл олди...

Шерали кутилмаган бахтсизликка йўлиқмаганида, Ложуварддарада яшириб қолдирган ложувардларини оларди-ю, ҳамма иш силлиққина битиб, эсон-омон Сталинободга қайтилган бўлар эди. Аммо олдиндан тузилган режалар ҳамisha ҳам силлиққина амалга ошавермайди. У кўзда тутилмаган тўсиқларга дуч келади. Шерали ҳам ана шундай тасодифий тўсиққа дуч келиб, олдиндан тузган бутун режалари остин-устун бўлиб кетди.

Шерали, унинг кетидан Ошпаз бобо, Қиммат ва Бек Ложуварддарага бирин-кетин кўтарилаётганида, қуёш чўққиларда мавж уриб жилоланаётган бўлса-да, изғириннинг шиддатли ҳамласи атрофни музлик ҳолатида сақламоқда эди. Сирпанчиқда қияликлардан юқорилаш қанчалик машаққатли бўлса, қия қоялардан тармашиб пастга тушиш ундан ҳам мушкулроқ эди. Шерали ложувардларини қўйган жойини излаб, атрофга разм солди. Нигоҳи чапроқда пастга эгилиб қолган қояга қадалди. Икки-уч қадам илгарилаб, ўнг қўли билан энгагини силаб туриб ўйланиб қолди. «Ҳа, шу эди»,— дея хаёлидан ўтказди-да, бир тўхтамга келгандай елкасидаги рюкзакни ерга қўйди, ундан учи илмоқли арқонни олиб, қояга яқинлашди. Қоя остидаги тоғ жинслари минг йиллар давомида эсган шамол таъсирида силлиқланиб, ғор шаклида ўйилган эди. Шерали илмоқни яхшилаб ўрнаштиргач, шериклари турган томонга қаради. Ошпаз бобо унинг мудда-

осини тушунди, югуриб келиб: «Мен тушаман»,— деб арқонни олган эди, Шерали «йўқ», дегандек, қўлини кўтарди. Бек алланимага алаҳсиётган каби анқовсираб, чеккароққа ўтди. Қиммат истар-истамас бир-икки қадам илгарилади-ю, юраги дов бермади шекилли, бошини қашиб, тўхтаб қолди. Шерали камзулини ечди. Қўлини намлади-ю, ишқалай туриб эпчиллик билан арқонга тармашди. У секин пастга сирғалди. Арқоннинг пастки қисмини оёқлари билан қисганча, авайлаб пастлашарди. Ошпаз бобо чўккалаб, Шералининг ҳар бир ҳаракатини нафасини ичига ютганча кузатар, Бек билан Қиммат қўрқоқликларидан изза бўлгандек қарашга ҳам ийманиб, бир чеккада шумшайиб туришарди. Орадан нафас ростлагудек фурсат ўтмай, Ошпаз бобонинг: «Иҳ-ҳ-ҳ!!!»— деб инграган овозидан чўчиб югурган Бек билан Қиммат қоя остига келиб, пастга энгашишди. Шерали шамол ва қор-бўронлар супа шаклига келтирган ерда мук тушиб ётарди. Бек Ошпаз бобонинг ҳайҳайлашига ҳам қулоқ солмай, ярми узилиб, осилиб қолган арқонга тармашди. Оёғини қоя тошларига тираганча пастга қараб чамалаб сакради-ю, ўрнидан тура Шералининг бошқни тиззасига олди.

— Шерали, кўзингизни очинг!

Шерали оғриқнинг зўридан афтини буриштирди. У қўлларини қўйишга жой тополмасди. Арқон узилганда, супа шаклидаги ердан тахминан икки метрча баландликда бўлиб, оёқлари билан келиб урилган замоно икки қўлини олдинга сурди. Зарб билан қўлларига тиралиб қолди-ю, сўнг ўнг томонга ағанади.

Бек Шералининг пешонасидаги тер томчиларини енги билан артди. Атрофга аланглади. У кўзлари билан Ошпаз бобони қидиарди. Ошпаз бобо кўринмас, юқорида қолган рюкзакни елкасига илиб олган Қиммат арқондан сирғалиб тушарди. У Шералининг олдига келди. Гуноҳкорона бош эгиб, маъюс кўзларини Шералига тикди. Ўзини бир қадар босиб олган Шерали зўраки табассум қилиб, шивирлади:

— Ҳечқиси йўқ, дастлабки қадам шунақа бўлади ўзи.

Қиммат қалтироқ овозда:

— Мени кечиринг, Шерали, қўрқоқлик қилдим,— дедида, ютинди.— Ложувардларингиз қаерда?— дея Шералидан кўзларини олиб қочди.

Шерали зўрға: «Ўша ёқда», деб боши билан икки харсанг орқасидаги ковакка ишора қилди.

Қиммат ҳали ложувардларни олиб улгурмай, пастдан Ошпаз бобонинг овози эшитилди:

— Ҳў-ҳў-ҳў-ҳў-ўў... Турган ерларингизда чапда сўқмоқ бор. Эҳтиёт бўлинглар, жуда тик сўқмоқ... Мен қараб турамеен...

Бекнинг:

— Тушунде-еек... ҳозе-еер...— деган овозидан тоғ-тош гумбурлаб, акс садо берди.

Сўнг салмоқлаб келиб, Шералини оёққа турғазди. Уни авайлаб опичиб олди. Қимматга: «Олдимга тушиб, йўлни қараб юр»,— деди-да, эҳтиёткорлик билан чап томонга қараб оёқ босди. У ҳар бир қадамини авайлаб кўтариб босар, Қиммат эса юпқа муз қатламларини болға билан уриб, йўлни пиллапоя қилиб борарди. Пастда торгина эгри-бугри қишлоқ йўлида Ошпаз бобо эшакни нўхтасидан ушлаганча турарди.

## САККИЗИНЧИ БОБ

Шералини олиб келишган шифохона Хорогга кираверишда, йўлнинг ўнг томонидаги пастаккина бинода жойлашган эди. Айтишларича, бу ер илгари банк бўлган экан. Шералини узун қоронғи йўлакнинг ўнг томонидаги биринчи эшикка олиб киришди. Шифтига қўл чўзса етгудек хонада учта сим каравот қўйилган бўлиб, уларнинг ҳаммаси бўш эди. Шералини дераза олдидагисига ётқизишди. Ошпаз бобо безовта кўзларини унга тикиб: «Сув олиб келайми?»— деган эди, Шерали болаларча бу самимий ва илиқ меҳрдан тўлқинланиб жилмайди. Бобонинг кўзларида ачиниш ва ташвиш аломатлари сезилиб турарди. Шерали бир нима демоқчи бўлиб, бобога тикилди. Аммо гапиролмади. Оёқ ва қўллари борган сари кўпроқ зирқирар, зўрайиб бораётган оғриқни қанчалик билдирмасликка уринмасин, бефойда, энди бунинг уддасидан чиқолмас, инграб юбормаслик учун тишини-тишига маҳкам босиб турган бўлса-да, аъзоларининг ғайришуурий ҳаракатини тўхтатишдан ожиз эди. Ошпаз бобо эшикка қараб югурди. Лаҳза ўтмай хонага баланд бўйли, қотма, қорачадан келган, хиёл оқсоқроқ киши билан ўрта бўй, нозик, юзлари оппоқ, сочлари сарғишроқ қиз кириб келишди. Шерали қизни кўрди-ю, кўзларига ишонмай, ёстиқдан бошини кўтармоқчи бўлди, аммо ҳоли етмади. Кўз олди жимирлаб, лаблари титради. Яна синчиклаб тикилди. Баланд бўйли киши унинг бу ҳолатини сезмади ёки сезган бўлса ҳам «дардга чидолмай тўлғаняпти», деб ўйлади. Ортиқча эътибор бермади. Шералини кўздан кечирди.

— Қаерингиз оғрияпти?— у жиддий, бироқ жуда самимий гапирарди.

Шерали қўлларини кўтармоқчи бўлди, ҳоли келмай, инграб юборди.

Ошпаз бобо шоша-пиша каравотга яқинроқ келиб:

— Қўллари, дўхтир укам, қўллари,— дея ингичка кўрсаткич бармоғини Шералининг билакларига қаратди, сўнг эшитилар-эшитилмас:— Оёққа ҳам туролмаптилар,— деб қўшиб қўйди. Докторнинг ғаши келди. У бобони бошдан-оёқ кўздан кечиргач, ҳамшира қизга истеҳзо билан қараб қўйди.

Ҳамшира бобога яқинлашиб: «Сиз чиқиб турсангиз, илтимос»,— дея мулойимлик билан илтижо қилди. Ошпаз бобо бир ҳамширага, бир Шералига қараб, хонадан чиқиб кетди. Ҳамшира эшикни ёпиб, каравотга яқинлашган эди, доктор унга:

— Тахтакач, пахта, бинт, спирт олиб келинг,— деди буйруқ оҳангида.

Доктор Шералининг тирсагини эзгилаб, оғриқни аниқлаб олгунча буюрилган нарсаларни кўтариб ҳамшира кирди. Доктор унга кўз қири билан: «Беморнинг бош томонига ўтинг», дегандай ишора қилди. Шералининг ўнг қўлини тирсаги остидан кўтариб, ҳамширага тутқазди. Кўз илғаб ололмайдиган тезликда бир қўли билан беморнинг билагидан ушлаб, иккинчисидан бармоқларидан олиб қаттиқ силкитиб туриб, ўрнига солди-ю, ҳамширага буюрди:

— Спирт!.. Пахта!.. Тахтакач!.. Бинт!

Доктор боягидек эпчиллик билан Шералининг чап қўлини ҳам тахтакачлади. Ҳамширага Шералининг оёқлари борасида алланималарни уқтириб, хонадан чиқди.

Доктор эшикни очиши билан Ошпаз бобо узр сўраб, уни тўхтатди.

— Афв этасиз, дўхтир укам, аҳволи қандай, дурустми? Нима бўлган экан? Хавфли эмасми? Тез тузалиб кетадими?

Доктор жавобини ҳам кутишга сабри чидамай кетма-кет савол бераётган бобога ҳорғини кўзларини тикиб, кулди. Чанйир қўлларини унинг елкасига қўйиб, тинчлантирди:

— Ҳечқиси йўқ, бобой, ўн-ўн беш кундан кейин тойчоқдек гинжинглаб кетади. Икки билатни чиққан экан, жойига солиб, тахтакачладим, оёқлари лат еб, эти узилган, уч-тўрт кун силаб, парафин қўйилса, аслига келади-қўяди. Қани, энди бориб дам олинг, бу ерда турманглар.— У шундай деб бободан нарироқда оғзига тикилиб турган Бек билан Қимматга зимдан қараб қўйди-да, бурилиб, тахталари чириб, фирчиллаб қолган йўлакдан шошилганча кетиб қолди. Ошпаз бобо ажин босган пешонасини ўнг қўли билан силаб туриб, эшик олдида иккиланиб қолди. Хайрлашмай кетгиси келмади. Эшикни эҳтиётлик билан ўзига тортган эди, остона олдида турган ҳамширага дуч келди.

— Йўқ, йўқ, кирманг, бобожон, ором олсинлар, кўзлари илинди,— деди ҳамшира қиз Ошпаз бобонинг кўкрагига узун-узун латиф бармоқларини қўйиб, хиёл орқага қайтараркан. Бобо эътироз билдирмади. «Хўп-хўп, қизим»,— деди-ю, аммо беихтиёр ҳамширанинг енгидан ушлаб, йиғлагудек ёлворди:

— Умрингдан барака топ, жон қизим, эҳтиёт қил уни. Жуда ғалати, одамларнинг сараси бу, қизим, бунақанги дили равшан болани кўрмагандим. Ҳа, қараб тур, болам, умрингдан барака топ, савоб бўлади, мусофир юртда ўқинмасин.

Ҳамшира қиз Ошпаз бобонинг бу қадар куюниб гапираётганига, ҳозиргина қўлини унинг кўрагига қўйиб, хиёл орқага қайтарганига ҳам хижолат бўлди. Нима деярини билмай, тил чайнаб қолди. Бобо бунни сезди. «Ҳечқиси йўқ, қизим, мен ҳозир кетаман, фақат айтганимни унутма, умрингдан барака топкур, хўпми?»— деб қўшиб қўйди.

Ҳамшира қиз «хўп», дегандек бош ирғади.

Ошпаз бобо кўчага чиққанда, Бек уни тўхтатди.

— Шералининг ёнида пули ҳам бўлмаса керак, бу бегона шаҳарда ҳоли нима кечади? Қиммат билан ёнимиздагини йиғдик, амаллаб бериб чиқсангиз бўларди.

Ошпаз бобонинг бояги тунд чеҳраси ёришди.

— Отанга раҳмат, Бек, зап ўйлабсан-да, қани бер бу ёққа!— Бобо Бек узатган бир даста пулни олди, ўзи ҳам ёнидагини қўшиб, ичкарига кирди. Хонада ҳамшира кўринмади. Шерали тахтакачланган қўлларини кўкраги устига қўйганча хуррак тортиб ётарди. Ошпаз бобо мийиғида кулди. Бахмал қишлоғида азбаройи хуррак отганидан совуққа қарамай, ҳовлида пўстинга ўралиб ётганини эслади. Пулни авайлаб ёстиқ остига қистирди-ю, орқасига қайтди. Жилмайганча эшикни оча туриб Шералига яна бир қараган эди, хуррак зарбидан сим каравот ҳам зириллаётгандек бўлиб туюлди. У энгил нафас олиб, хонадан чиқди.

Неча кунлар давомида тоғ-тош кезиб ҳориганиданми ёки хирургнинг ўрнидан чиқиб кетган билак суякларини жойига тушириб, тахтакачлагач, оғриқ босилиб, аъзойи бадани бўшашиб қолганиданми — ҳартугул Шерали яқин-орада бу қадар узоқ муддат мириқиб ухламаган эди. У кўзини очгач, ҳали ўрганмагани учун дафъатан қаерда ётганини ҳам унутиб, тараддулладиб қолди. Хонага кўз югуртирди. Ёнидаги кичкина деразадан тушиб турган ой нури рўпарасидаги бўш каравот устидаги оппоқ чойшабга ёйилиб, жимирларди. Шерали Ошпаз бобо, Қиммат ва Бекнинг шифохонага етгунча чеккан ташвишларини эслади. Юраги алланечук бўлиб кетди. Айниқса Бек билан Қимматнинг зорланган каби мўлтираб турган нигоҳлари кўз олдига келиб, қалбидан ўзи билан шу беозор кишилар ўртасида тил билан ифода этиб бўлмайдиган бир яқинлик туйғуси тобора мустаҳкам ўрин олаётганидан қувонди. Яхши одам ёмон кунингга ярайди. Шерали кўксини тўлдириб нафас олди. Эзгулик туйғулари жо бўлган қалб ҳамиша ёруғликка интилади, деганларича бор экан. Шерали жилмайганча, дераза оша тиниқ осмондаги сон-саноқсиз юлдузлар орасида балқиб, еру кўкни мунаввар этиб турган ойга тикилди. Тикилиб туриб, юзига ёйилган табассум ўрнини маъсум бир дард чулғади. Қошлари чимирилди, қалин лаблари хиёл олдинга чўзилди. Кимнидир қидиранди у. Хонага кўз югуртди. Икки каравот ҳамон бўш. Кўз олдида каравотининг оёқ томонида турган оқ халатли ҳамшира қиз

жонланди. Қилт этиб ютинди-ю, яна ўйлай бошлади. Ҳамширанинг шаҳло кўзлари билан қордек оппоқ юзинигина эслаб қолган эди. Боя доктор олдида уни кимгадир ўхшатди, аммо аниқ тасаввур қилолмаган эди. Тун сукунати хотирасини ойдинлаштиргандек бўлди. Ўйлари хотира кўзгусида яна бир сиймони гавдалантирди. Шерали кўзларини чирт юмиб олди. Хотира кўзгусидаги сиймони хаёлидан сидириб ташламоқчи бўлди шекилли. Уддасидан чиқолмади, аксинча, у Шералини ёшлик йиллари сари етаклади...

Етимхонадаги ҳаёти кўз ўнгиди жонланди. Бу ердаги ҳар бир киши ҳали оқ-қорани ажратишга ожиз қалбига нур, умид учкунларини ёқа бошлади. У дастлабки кунларда қаноти жароҳатланган қушдек ҳар нарсадан ҳадиксираб, ўзига кўрсатилган ўринга ҳам омонатгина ўтириб юрди. Орадан кўп ўтмади. Бу журъатсизлик ўрнини ишонч ва бардамлик эгаллаганини ўзи ҳам пайқамай қолди. Қовжираётган ниҳол меҳрибон боғбоннинг авайлаб қилган парваришидан илдиз отиб, гуркираб кетгани каби Шералининг ҳам эгик боши кўтарилди, ҳамиша мўлтираб турувчи маъюс қора кўзларида қувонч порлади. Худди шу кунлардан бирида у етимхонада ўз тенги Тўлғаной исмли қизни учратди. Бир-икки ҳафта унга шунчаки болаларча синчковлик билан зимдан разм солиб юрди. Аммо бора-бора қиз кўринмай қолса, уни ахтарадиган, қўмсайдиган бўлди. Мулойим гапиришлари, рўпара келганда, кўзини секин олиб қочиб, берилган саволларига на юпқа лабларини қимтиб жавоб бериб, тезроқ кетишга чоғланишларини Шерали онасига ўхшатди. Ўйланиб қолди: қизниқ, нега энди уни онамга ўхшатыпман, а? Шералининг қалбида пайдо бўлган бу савол бир чеккаси унинг Тўлғанойга дурустроқ зеҳн солишига туртки ҳам бўлди. Бошда Тўлғанойга кўз қирини ташлаб юрган эди. Энди баъзан юзма-юз келганда, журъат этиб, тик боқадиган, қиз ийманибгина кўзини олиб қочганда, юрагининг аллақаери жизиллаб, илиқ бир меҳр бутун борлигини қитиқлайдиган бўлиб қолди. Ҳали мурғак қалби ҳис-туйғулар баҳрида сузмаган Шерали сабабини ўзи билмагани ҳолда аллақандай бир куч уни қиз томон тортаётганини сеза бошлади. У билан гаплашгиси, ёнида узоқ тургиси келарди-ю, аммо ҳар гал қиз рўпара келганда, болаларга хос тортинчоқлик ва қўрқувдан оёқлари қалтираб, ҳеч нарса деёлмай, гулг бўлиб қоларди. Ойлар шундай ўтди. Ёзги таътил пайти келди. Тўлғаной олтинчига ўтди. Шерали ундан бир синф юқорида ўқирди. Аксига олиб, еттинчи синф учун етарли ўқувчи тўпланмай қолди. Ҳар ким ҳар ёққа тарқала бошлади. Шерали бир тўп болалар билан Тошкентдаги муаллимлар тайёрлайдиган билим юртига кирадиган бўлди. Шу кундан бошлаб юраги қафасга тушган қушдай типирчилаб, безовталана бошлади. Тўлғанойдан ажралгиси келмасди. Нима бўлса ҳам қиз билан учрашиб, уни кетишидан ха-

бардор этишга қарор қилди. Пешин чоғи эди. Уқишлар тугаб қолган. Тўлғаной муаллимлар хонасидан чиқиб кетаётганида, Шерали унга дуч келди. Юраги палапартиш уриб, гуноҳ иш устида қўлга тушган одамдай аъзойи бадани қалт-қалт қалтираб кетди. Оғзи қуриди. Тили танглайига ёпишди назарида. Тараддуланиб, гоҳ пешонасини қашир, гоҳ олазарак кўзлари билан атрофга алангларди. Қизлар шайтонроқ бўлмайдими — Тўлғаной буни пайқади.

— Бир нарса демоқчимидиз?— кўзини олиб қочиб, секин сўради.

— Ҳа...— Шерали бор кучини тўплаб, шу сўзнигина аранг айтди. Қулоқлари остида бир нарса жаранглаб кетди. Сал ўзини ўнглаб олиб, эшиги қия турган синфхонага имо қилди.

Тўлғаной бошини дераза томон буриб, елкасини қисганча «ўтинг», дегандек Шералига йўл берди. Шерали қалтироқ қўллари билан эшикни очди. Тўлғанойга қаради. Тўлғаной, кетидан Шерали ичкарига киришди.

Тўлғаной чанг босиб ётган парталар орасидаги бўшлиқдан ўтиб, синфхонанинг ўртасига бориб туриб қолди. Дастлаб танҳо учрашув қиз қалбини ҳаяжонга солаётган эди. Кўзларини деразага олиб қочди. Шерали ёнламаси билан турган Тўлғанойга суқланиб тикилди. Унинг оппоқ юзи ойнадай ялтиллаб кетди. Бўйнига ёйилган сийрак қора сочларига узоқ тикилиб туролмади, эти жимирлади.

— Мана, биз ҳам кетяпмиз,— деди ниҳоят эшитилар-эшитилмас ва ўзининг гапи ўзига эриш туюлди шекилли, ерга қаради.

Тўлғаной илк бор Шералига тик боқди.

— Қаёққа?

Шерали бу сўроқда ҳам изтироб, ҳам ачиниш, ҳам ўкинч аралаш нозли бир қарашма пайқагандек, юраги олдингисидан ҳам қаттиқроқ ура бошлади.

— Тошкентга,— деб ютинди.

Назарида Тўлғаной ҳам ички бир дард билан унсиз йиғлаётгандек, ҳозирнинг ўзидаёқ норозилигини яширолмай: «Йўқ!»— дея хитоб қиладигандек бўлди. У шуни кутаётган эди. Аммо Тўлғаной ҳеч нарса демади. Унинг боши янада қуйироқ эгилди, бўёғи айниб, қорайган тарта суянчигини маҳкам ушлаганча, юзини девор томонга бурди. Орага жимлик чўкди. Ҳар иккиси бундан кейинги воқеалар оқимининг қаёққа бурилишини сабрсизлик билан кутар, гўё юракларнинг безовта тепишини илғаб олишга интилагандек, нафас олишга ҳам чўчиб, жим туришарди. Ниҳоят, сукунатни Тўлғанойнинг мулоийм овози бузди:

— Мен кетай...

Шерали, шубҳасиз, шу топда қизнинг ёнидан кетишини истамас, айни чоғда уни сақлаб қолишга ундайдиган муносиб бирон сўз ҳам айтолмас, вужудини қамрам олаётган титроқ

уни дармонсизлантираётган эди. Шерали бошини кўтариб, қиз турган томонга қаради. Тўлғаной кетипти. Шерали анча-гача биров михлаб қўйгандек ўрнидан қимирлаёлмай қолди.

У кейинги вақтларда ўзида содир бўлган ўзгаришнинг сабабини излай бошлади. Ўйлари чувалашиб, кўз олдида Тўлғанойнинг кичкина жуссаси намоён бўларди-ю, энтикиб кетарди. Қизни унутишга ҳаракат қилди. Бўлмади. Шерали Тошкентга кетди. Орадан анча вақт ўтди. Бироқ Тўлғаной ҳаёлидан нари кетмади. Шерали қаёққа бормасин, Тўлғаной унга соядек эргашир, китоб ўқиганда, сатрлар орасидан жилмайиб турар, уйда ёлғиз қолганида, эшикдан мўралар, ҳаёлида жонланиб, ўйларини сеҳргардек ўғирларди. Хуллас, Тўлғаной Шералининг бир бўлаги бўлиб қолган эди. Ўқиб юрган кезларида Тўлғанойга учта хат ёзди, биринчисига жавоб олди. Аммо кейинги икки хати жавобсиз қолди. Билим юртини тамомлагач, Ўшга келиб, қисқа фурсат муаллимлик қилди. Етимхонадан тополмади! Суриштириб, маҳалласига қидириб борди. Қўни-қўшнилари баҳорда ўпка касалидан қазо қилганини айтишди. Шерали қаттиқ қайғурди. Шундагина Шерали ҳаёлидаги қиз билан учрашганини, уни дастлабки муҳаббатнинг ўтли эҳтироси билан севганини англади. Қабрига борди...

Тўлғаной қалбига ташлаган чўғ йиллар ўтса ҳам сўнмади. Бу орада яна Тошкентга кетди. Студентлик ҳаёти бошланди. Бироқ бошқа қизга кўнгил қўёлмади. Шу зайлда йиллар ўтди...

Шерали оёқлари зирқираб кетганига қарамай, каравотига ўтириб олди. Қошлари ҳамон чимирилган, лаблари олдинга чўзилганди. Ҳозиргина ҳаёлида жонланган оқ халатли ҳамшира қизни кўзларини катта-катта очиб, қидира бошладди. Жамирлаб турган денгиз сувидек тиниқ кўзлари унга яқинлашгандек бўлди. Шерали безовталанди. Бошини оҳиста ёстиққа ташлаб ўйлади. Мияси ғувиллар, ўзи эса ҳамон кимнидир изларди. Доктор олдида бу таниш қиёфани бировга ўхшатсаям, тасаввур қилолмаган эди. Энди уни аниқ кўрди. Ҳа, бу ўша ҳаёлидаги қиз, илк муҳаббатнинг машъаласини ёқиб, оламни кўзига мунаввар этган, ўзи эса абадий уйқуга кетган Тўлғаной сиймосининг жонли нусхаси эди. Шерали кўзларини юмди. Ичинини аллақандай бир дард тимдалай бошлади. Юраги бўғизга тиқилгудек безовта ура бошлади. Кўзлари хонани тимирскилади. Ҳеч ким йўқ. Каравотнинг оёқ томонига қаради. Ҳамшира сиймоси жонланди... Шералининг лаблари шивирлади: «Наҳотки... йўқ, бу мумкин эмас...» Аммо яна зум ўтмай, ўша сиймони ахтарди. Ўйлари чувалашиб, кўз олдида тўп-тўп бўлиб турган одамлар келди. Улар орасида ҳамшира қиз алоҳида ажралиб турарди. Энди у каравотнинг бош томонида Шералининг қўлини тахтакачлаётган докторга пахта, бинт узатиб турарди. Шерали бошини

дераза томон бурди. Боягина ҳаммаёқни мунаввар қилиб турган ой бир зумда тоғ ортидан бурала-бурала кўтарилиб, шитоб билан фазони забт этаётган булутлар қаҳридан чўчиган каби осмоннинг тўрига чиқиб яширинди. Хона ичи қоронғилашди. Ҳеч нарса кўринмай қолди. Шерали бошини буриб шифтга қараб ётди. Энди у ўйларини хаёлидан қувиб, юрагининг дук-дук этиб уришинигина эшитиб ётар, тўсатдан чўчкан зулмат қалбидаги вазиятни ҳам ўзгартирди, мижжалари қўрғошиндай оғирлашиб, бир-бирига ёпиша бошлади. Хиёл ўтмай ухлаб қолди.

## ТУҲҚЗИНЧИ БОБ

Эртаси кун и ҳамшира келмади. Тиқ этса, Шерали эшикка қарар, гоҳ чанқаганини, гоҳ яна бирон нарсани баҳона қилиб, ҳамширани чақирар, ҳар гал эшикдан бошқаси кириб келганида, ҳафсаласи пир бўлиб, дераза олдидаги толнинг нимжон новдаларига қараганча, кўзларини пирпиратиб жимгина ётар, хаёлида кечаги ўйлар чарх урарди.

Тушдан кейин Қутбиддин билан Виктор келишди. Улар эшикдан киришлари билан Шералининг чеҳраси ёришиб, кўнглидаги ғубор тарқагандек бўлди. Тирсакларига таяниб, ўрнидан қўзғалмоқчи бўлган эди, Қутбиддин йўл қўймади.

— Ҳай, ҳай, биродар, сира қимирламанг... Оббо сиз-е, нима бўлди?

— Ҳа, энди тажрибасизлик, бир бўп қолди-да, Қутбиддин ака,— Шерали нийманибгина жавоб бериб улгурмай, Виктор ҳазиллашди:

— Ҳечқиси йўқ, дўстим, биз сен билан альпинизм машқини олишимиз керак, билдингми? Ана шунда тоғ-тошларда дорбозлардек енгил сакраб юраверадиған бўламыз. Қўлнинг ўзими?— Виктор унинг оёқларига тикилди.

— Ҳа, оёқнинг эти узилган экан, асосан қўл.

— Зиёни йўқ,— луқма ташлади Қутбиддин,— бизлар болалигимизда қўл-оёқларни чиниқтирамыз деб ким ошдига дарахтдан сакрардик. Шерали ҳам болалигини қўмсаб, «ўзимни бир синаб кўрай», деган-да,— деб кулиб, Викторга қараб кўзини қисди Қутбиддин.

— Йўқ, ундоқ эмас, билмабсиз, Қутбиддин ака, Шерали тоғларда тез юришнинг янги усулини ихтиро этиб, буни биринчи бор ўзида синаб кўришга қарор қилган.

— Сиз шундоқ дейсизу, Виктор, аслида Шералининг бу иши геологик ихтиродан кўра ошиқнинг довдирашига ўхшайди,— дея хоҳолаб кулди Қутбиддин.

Шерали кейинги луқмадан қизишиброқ эътироз билдирди:

— Индамасам ҳали мени Дон Жуанга ҳам чиқариб қўясизларми, дейман?

Қутбиддин Викторга:

— Қўй, сиркаси сув кўтармайдиган экан,— деб ўрнидан туриб, дераза олдига бориб тўхтади.

Виктор юзини намойишкорона буриб олган Шералининг елкасига қўлини қўйиб:

— Ана холос, ҳали шунақа ҳазилни кўтаролмайдиган жирттаки бўлиб қолдингми икки ҳафта кўрмаганимиз ичида? Қани, менга қара-чи? — деган эди, Шерали кулиб, узр сўрагандек Қутбиддин томон қаради.

Бирпас кулишди. Қутбиддин хонада айланиб юриб, кейинги икки-уч кун ичида қилинган ишлар ҳақида гапирди. Сўнг:

— Узоғи билан байрамгача юмушлардан қутулиб, ҳузурингизга келамиз,— деди у жиддий қиёфада Шералига қараб, «Қалай, унгача тузаларсиз?»— деган маънода.— Қўлларингиз болға ушлашга яраб қолса, ишни давом эттирамиз ёки Сталинободда ҳисоб-китобни тўғрилаб, Тошкентга жўнаймиз, уқдингизми?

Шерали Қутбиддиннинг ҳамиша қувноқ, айни чоғда ўйчан, жиддий кўзларига тикилди. Болаларча ҳавас, ички тўлқинланиш билан кулди.

— Ундан вақтлироқ ҳам яраб қолади, Қутбиддин ака, буёғидан хотиржам бўлаверинг,— деди энди анча тетиклашиб.

— Ундай бўлса, тезроқ соғайишингизга халақит бермай, хайрлаша қолайлик, бу ёқда ҳали базага ҳам ўтишга тўғри келади.— Қутбиддин эшикдан кираверишдаги каравотнинг оёқ томонидаги газетага ўроғлиқ тугунни олиб, Шералининг бош томонидаги қизил тумбочкага қўйди.— Бу ҳаммамизнинг номиниздан сизга куч-қувват бағишлайди,— деб қўшиб қўйди қувноқ кўзларини Шералига тикиб.— Хўп, хайр, Шерали, ҳа, айтгандай, сизга Бек, Қиммат, айниқса Ошпаз бобо кўпдан-кўп салом айтишди, келишолмаганига ачиниб, узр сўраб қолишди, тўғрироғи уларга зарур бир иш топширилганди.

— Раҳмат, Қутбиддин ака, уларга ҳам кўпдан-кўп салом айтиб, сўраб қўйинг, мен учун ташвишланишмасин, ҳаммаси жойида, ҳадемай ҳеч нарса кўрмагандай бояги-бояги бўлиб кетаман.

— Албатта, Шерали, бунга ишончимиз комил, хўп, хайр,— дея яна бир марта хўшлашиб, эшик томон юрди Қутбиддин.

Виктор ҳам узун бармоқларини силкитганча, Қутбиддиннинг орқасидан эргашди.

Шерали уларнинг кетидан анчагача эшикдан кўз узмай, тикилиб қолди. Қутбиддиннинг ҳамиша этигининг қўнжида газета олиб юриши, бош бармоқдай йўғон тамаки ўраб, бамайлихотир чақмоқтошдан тутатиб чекишига Шерали шу қа-

дар ўрганиб кетдики, уни шу қадар тасаввур этолмасди. Ҳозир ҳам Қутбиддиннинг тамаки чекиб турган ҳолати Шералининг кўз олдидан нари кетмасди. Унинг ўйчан кўзлари мулоим боқиб турарди. Шерали илиқ бир меҳр билан жилмайиб, шифтга қараб ётиб олди. Қизиқ,— ўйлади у,— одамларнинг бир-бирига яқинлашиб, дўстлашувига йиллар керак дейишади. Шералининг Қутбиддинга муносабати бунинг тамоман акси бўлиб чиқяпти. Улар бир неча ҳафтагина бирга бўлишди. Шералининг назарида эса дунёда Қутбиддиндан олижаноброқ одам йўқдай, унга шунчалик яқинлашди. Қутбиддин одамлар меҳрини оҳанрабодек ўзига тортади. Сухбатдошининг дилидагини топиб иш тутади, ҳеч қачон ўзини кўз-кўз қилмайди, ҳар бир ишни вазминлик, ақл-идрок билан ҳал этади, сира нолимайди, ҳар гапиди: «Одам умид билан яшаши керак», деб қўяди. Шерали бу хислатларни хаёлан тенгқурларидан излади. Камгап, мулоҳазали, ёш бўлишига қарамай, етти ўлчаб бир кесадиган Омон кўз олдига келди. Унинг нимасидир ташқи қиёфаси билан ҳам Қутбиддинга ўхшаб кетарди. Айниқса ўйчан кўзлари. Шерали хўрсиниб қўйди. Шу топда у билан учрашгиси, дилида куртак ёзаётган туйғуларни айтиб, кўнгил чигалини ёзгиси, қолаверса, фикрини эшитгиси келди. Шу ҳақда ўйларкан, хаёлини ҳозиргина хайрлашиб кетган Виктор банд этди. Бу тамоман бошқа одам — ўзича бир олам. Далил-ғули. Оғзида гап турмайди. Борди-ю, биров уни яқин тутиб, дилидаги сир-асрорини айтиб қўйса, кўпчиллик олдида калака бўлишини олдиндан бўйнига олиши керак. Чунки Виктор дуч келган ерда бу ҳақда беозоргина ахборот беради-ю, аслида бу ишни ўша одамнинг калака бўлиши учун қилади. Эҳтимол, қонида мақтанчоқлик бўлганидан, бошқалардан устунлигини, ҳаммадан кўра оқилроқ киши эканлигини кўрсатиш учун шундай қилар: аммо бу билан бировга озор бераётганини, кимнингдир дилини сиёҳ этаётганини ўйламаса керак. Худбин одамгина шахсини бировга озор бериш ҳисобига эъзозлайди. Шерали дўстини ўзи истамагани ҳолда худбинликда айблаётганидан ўнғайсизланди, бу ҳақда ўйламасликка қарор қилди. Қарим кўз олдига келди. У ҳам нимаси биландир Викторга ўхшарди. Ундаги хусусий мулкчиллик жамки олижаноб фазилатларига соя ташлаб туради. Шерали юзини дераза томонга бурди. Нигоҳи булутлар ва дарахтлар орасидан элас-элас кўринаётган тоғ чўққисига қадалди. Назарида яна Қутбиддин жонланди. У булутлар орасида чайқалиб, муаллақ тургандай эди. Дамода тамакисини тутатар, ўйчан кўзларини бир нуқтага тикканча, хаёл сурарди, Шералининг унга ҳаваси келди. Дастлаб шундай ҳавас билан боққан одами Павел Иванович бўлган эди. Ушанда Шерали Павел Ивановичнига боришга ваъда берди-ю, аммо тортинди. Бормади. Уни олиб кетишга Павел Ивановичнинг ўзи келганда, Шерали

қанчалар қувонган эди. Бу одамга нисбатан чексиз бир меҳр юрагини жизиллатиб, туйғуларини шу қадар ларзага солдики, энтикиб кетди. Яхши одамнинг меҳригиёси бўлади, деганларича бор экан. Яна Қутбиддинни ўйлади у. Қутбиддин ҳар бир қилаётган ишида маънавий зарурат сезар, уни нимага бажараётганини чуқур ҳис этар, бундан лаззатланарди. Бундай одам бировга озор бермайди, аксинча, унинг оғирини енгил қилади...

Эшик очилиб, ҳамшира кирди. Қўлидаги патнисни каравот ёнидаги тумбочка устига қўйди. Қўзларини мулойимлик билан Шералига тикиб, оқ дуррачаси остидан тўзғиб чиққан сочини бармоқлари билан қулоғи орқасига тараб тугриб:

— Кечки овқат олиб келдим,— деди очиқ чеҳра билан.

Шерали қаддини ростлай туриб, узр сўрагандек ночор ҳолда ҳамширага қараб қолди.

Ёши олтишлардан ошган, тўладан келган бу аёл қўринишдан хийла тетик ва чаққон эди. «Сира тортинманг», дегандек жилмайиб, эпчиллик билан табуреткани каравотга яқинроқ сурди. Тақсимчадаги ширгуручдан бир қошиқ олиб, Шералига едиргач:

— Сира тортинманг, ўғлим,— дея каравотнинг бир чеккасига ўтириб, гапини лавом эттирди:— Суяклар яхшилаб ўрнашиб олсин, деб бармоқларингизни танғиб қўйишган. Эртаниндин очишади, унда бемалол ўзингиз овқатланаверасиз. Одам ҳар нарсадан бунақа ҳадиксираб хижолат бўлавермайди, ўғлим, икки қўлингизам бу аҳволда бўлгач, нима ҳам қила олардингиз. Қани, олинг-чи,— ҳамшира устма-уст икки қошиқ ширгуручни едириб, стакандаги илиқ чойдан ҳўплатди. Сўнг тумбочка устидаги тугунни очди. Иккита ёпган нон ва бир бўлак гўштни тақсимчага солиб, тумбочканинг ичига қўйди.

Ҳамшира энгларини шимараркан, ўзича гапиргандек: «Ҳаво салқин, бузилиб қолмас»,— дея Шералининг тиззалари атрофини авайлаб босиб, массаж қилди, парафин қўйиб, чойшаб билан яхшилаб ўрагач: «Мен ҳозир келаман, қимирламай ётинг»,— дея тахталари чирпанган полни лорсиллатганча чиқиб кетди.

Шерали оёқларида энди қаттиқ оғриқ сезмаса-да, қимирлагудек бўлса, тиззаларининг атрофи зирқирарди. Парафин Шералининг тиззаларини қаттиқ бир ачитди-ю, нафас ростлагудек фурсат ўтмай, аъзойи баданидаги дардни суғуриб олаётгандек лўқиллата бошлади. Шерали шифтга қараб ётарди. Орадан ўн беш минутлар ўтди. Яна полни лорсиллатганча ҳамшира аёл кириб келди. Сирғалиб бўйнига тушган рўмолини бошига яхшилаб танғиб олди. Энгашганча Шералининг тиззаларидаги парафинни ола туриб: «Мана энди оёқларингизни узатиб, баҳузур ётаверасиз, кечаси у-бу керак

бўлса, чақирарсиз, эртага Сабогулнинг навбати»,— деб нарсаларини йиғиштириб, чиқиб кетди.

Ҳамширанинг «Эртага Сабогулнинг навбати», деб шунчаки айтган сўзи Шералининг Қутбиддин билан Виктор кириб келиб, узилиб қолган ўйларини янгилади. Хаёлида яна Тўлғаной жонланди. У самодаги энг ёруғ юлдуздек бир порлади-ю, сўнгра ёйилиб, бошқа юлдузларга сингиб кетгандек ғойиб бўлди. Шерали хаёлида нини йўқотган боларидай ғувиллаб турган ўйларини қувиб, ором олгиси келди. Кўзларини юмди. Ҳеч нарсани ўйламасликка қарор қилди. Бўлмади. Ўзини чалғитиш учун Қутбиддин билан Павел Иванович ўртасидаги ўхшашликни қидира бошлади. Аммо улар орасида учинчи бир шахс пайдо бўлди. Шерали кўз ўнгидида улғая бориб, хаёлини тамоман қамраб олди. Қутбиддин ҳам, Павел Иванович ҳам хаёл уфқидан йироқлашиб, ниҳоят тоғ этакларидаги ям-яшил арчазорлар орасида ғойиб бўлишди. Ўша арчазорнинг домида, баланд қояда бўй-басти билан ҳамшира қиз турарди. Тоғ шамоли унинг оқ халати этакларини парвозга чоғланган бургут қанотларини ёзгани сингари икки ёққа кўтарган, тўзғиган сочлари атрофни ажиб бир мушк уфураётган каби ҳавода чайқаларди. Шерали гоҳ қуюқлашиб, гоҳ сийраклашиб изғишаётган булутлар орасида элас-элас кўзга ташланаётган қояга тикилди. Лаблари беихтиёр шивирлади: «Сабогул — тонг гули. Қандай гўзал исм!»

Сабогул хонага кирганда, Шерали ҳали уйғонмаган эди. У бир дам эшик олдида тараддудланиб турди, сўнгра оёқ учида қаравот олдига келди. Шералининг ярим юмуқ қалин лаблари гапираётгандек хиёл олдинга чўзилган, қора қошларни чимирилган. Хона салқин бўлишига қарамай, бугдой ранг кенг манглайида тер йилтиларди. Сабогул Ошпаз бобонинг «Умрингдан барака топ, жон қизим, эҳтиёт қил уни... Жуда ғалати, одамларнинг сараси бу, қизим, бунақанги дили равшан болани кўрмагандим»,— деган сўзларини эслаб, «Нимасини бунча мақтадийкин чол?»— деган, беихтиёр Шералига алоҳида синчковлик билан яна бир тикилди-ю, қилган ишидан хижолат чеккан каби катта-катта кўзларини дарҳол ундан олиб қочди. Яна бояги ҳолатда оёқ учида бориб, тумбочка устидаги гижимланган газетани шитирлатмаслик учун эҳтиётлаб олди-ю, эшик томон юрди.

Бирон соатдан кейин Сабогул беморга нонушта олиб кирганда, Шерали ёмғир томчиларининг дераза ойналарига бир маромда урилишидан ҳосил бўлаётган тикиллаган овозга қулоқ солганча ўтирарди. У эшик ғийқиллаб очилиши билан бошини ўша томонга бурди. Сабогулнинг саломига алик олди-ю, тили суғуриб олинган гунг одам каби қизга тикилиб ўтираверди. Сабогул қўлидаги патниси ҳамда газетани кечаги ҳамшира сингари тумбочка устига қўйди.

— Қўлларингиз оғримаяптими?— деди у жуда мулойимлик билан табуреткани каравотга яқинроқ тортаркан. Сабогул бу ишларци шу қадар чаққонлик билан бажараётган эдики, Шерали унинг нима қилаётганини илғаб ололмаса ҳам келишган қадди-қомати, иккита қилиб ўрилган билакдай сочини яққол кўриб, юраги жизиллаб кетди. Сабогул одатича сўзларни бузиброқ русча гапирарди. Бироқ қизнинг ибораларидаги чалкашликлар ва талаффузидаги нуқсонлар Шералининг ғашига тегмас, аксинча, ёқиб тушар эди.

Сабогул каравот четига омонатгина ўтирди. Шералининг ҳаяжони яна ҳам ошиб, энди юраги палапартиш дукиллаб бошлади. Сабогул кеча Даша хола тумбочкага солиб қўйган тақсимчадаги бир бурда иўштга вилка санчиб, Шералига тутди. Шерали кўзларини жавдиратганча нонуштасини еб олди-ю, аммо ички ҳаяжонини босолмади. У Сабогулнинг хатти-ҳаракатларини унсиз кузатибгина турарди.

Сабогул нонушта солиб кирган идишларини йиғиштириб чиқиб кетганидан кейин ҳам Шералидаги бу ҳолат ўзгармади. Кўзи олдида ҳамон Сабогул турарди. Шерали оёқларини узатиб, бошини ёстиққа қўйди. Кўзларини юмди. Сабогулнинг «Қўлларингиз оғримаяптими?»— деб меҳрибонлик билан айтган ёқимли овозини эшитгандай бўлди. У ҳали кўзини очмай туриб, қулоғи остида яна Сабогулнинг овози эшитилди:

— Шерали ака, ухлаяпсизми?

Шерали чўчиб, кўзларини очди. Рўпарасида гўё марварид доналарини саралаб териб қўйгандек ялтироқ тишларини кўрсатиб кулиб турган ҳамширанигина кўрди. Ҳамширанинг ёнида қўлини тахтакачлаган новча доктор ҳам турганини Шерали дафъатан сезмади ҳам.

— Кўзим илинган экан,— деди-ю, докторнинг:

— Қўл қалай?— деган хитобидан ўзига келиб, ўнғайсизланди. Докторнинг биринчи кундагидек ўша-ўша жуда жиддий, аммо самимий саволига:

— Раҳмат, қўлларим тузук, фақат оёққа туролмаяпман,— деди оёқларига тикилиб.

— Яхши...— доктор каравот олдидаги табуреткага ўтирди. Ҳаёл билан дераза олдидаги барглари бужмайиб, сарғая бошлаган толнинг нимжон шохларига қараб колди. Сабогул унинг ҳаёлини бузишга журъат этолмади. Қўлидаги бинт, пахта ва спиртни тумбочка устига қўяётган эди, доктор уни тўхтатди:

— Қўлингизда турсин, керак бўлади,— деди қатъий оҳангда.

У чуқур хўрсинди-ю, кўзларини деразадан узди. «Яхши!»— дея такрорлаб, ўрнидан турди. Шералининг назарида унинг шусиз ҳам қора юзи янада қорайган, кўз милклари шишгандек эди. Доктор билинар-билинемас қалтираётган

бармоқлари билан қизарган кўзларини уқалаб қўйгач, Шералининг тахтакачланган қўлини еча бошлади. Хаяжони тобора ошиб борарди. Бунни билдирмаслик учун ортиқ бир оғиз ҳам сўз айтмади. Шералининг ҳар иккала қўлидан тахтакачларни олиб ташлади. Сабогул узатган пахтани унинг билакларига танғиб бинтлади. Энгашиброқ икки қўллаб Шералининг тўпиқлари атрофини босиб кўргач:

— Оёққа туролмаётган бўлсангиз...— у ўйланиб қолди, ўзича: «Демак, пай ҳам ўрнидан кўчган»,— дея бош бармоғини лабига босиб, бошини кўтарди. Сабогулга мурожаат қилмоқчи бўлиб қарадию, аммо қўл силтаб: «Ҳа, майли, ҳожати йўқ, уч-тўрт парафиндан кейин ўтиб кетади, хавотирланманг»,— деди Шералини тинчлантириб. Елкасига ташлаган тўқ мошранг кители енгига қўл сола туриб, индамай эшик томон юрди.

Шерали: «Нима бўлди?»— дегандек савол назари билан Сабогулга қаради. Сабогул эшитилар-эшитилмас: «Ўғилларидан қорахат келипти»,— деди бўғиқ ва маъюс овозда. У шундай деб бошини кўтарган эди, Шералининг нигоҳига дуч келиб, қизарди. Пуштиранг ҳарир каби жимираётган лабини тишлари билан босганча, эшикка чиқди. Шерали ҳам нигоҳларнинг фавқулодда тўқнашувидан Тўлғаной билан мактаб синфхонасида ёлғиз тургандаги ҳолатга тушди. Лаблари титраб, қулоқлари остида аллақандай овоз тинмай ғувиллай бошлади... Тахтакачдан бўшаган бармоқларини авайлаб ҳаракатлантириб туриб, бошини ёстиққа қўйди.

Хаёл унга ҳамон тинчлик бермасди. Ўнг тирсагини каравотга тираб, чап қўли билан бир амаллаб тумбочка устидаги «Коммунист Таджикистана» газетасини олди. Яхшилаб ўрнашиб олгач, одатича биринчи бетидagi Совет информбюросининг ахборотини кўздан кечирди. Оператив хабарда совет қўшинлари Венгрияда олиб бораётган муваффақиятли жанглар ҳақида ёзилган эди. Кўксини тўлдириб нафас олди. Бошини дераза томонга бурди. Ғира-шира шом қоронғиси чўккан. Дераза олдидаги толнинг нимжон новдасидаги бужмайиб, сарғая бошлаган япроқлар куз шамолига бардош беролмай, бандидан узилганча чирпирак бўлиб ерга тушарди. Негадир Шералининг юраги сиқилди. Сабогулнинг: «Ўғилларидан қорахат келипти», деган сўзларини хотирлаб, чуқур уҳ тортди. Яна газетага тикилди: «Қизил Армия жанглар давомида немис-фашист босқинчиларни совет Украинаси, совет Белоруссияси, Карелия-Фин, Молдавия, Эстония, Латвия совет республикаларининг тупроғидан бутунлай ҳайдаб чиқарди. Қардош совет республикаларимизнинг немислар томонидан вақтинча босиб олинган ерларида фашистларнинг уч йиллик истибдоди ағдариб ташланди. Қизил Армия ўн миллионларча совет кишиларини озод қилди. 1941 йилнинг 22 июнида гитлерчи галалар томонидан хиёнаткор-





лик билан бузилган совет давлат чегараси Қора денгиздан тортиб Баренц денгизигача тамомила тикланди. Шундай қилиб, бу йил совет ерини немис-фашист босқинчилардан ба-  
тамом озод қилиш йили бўлди».

Шералининг юзидаги бояги тундлик тарқаб, мамнун жилмайди. Энди дераза ортидаги нимжон тол новдалари назарида қудратли чинор каби тебраниб турарди. Шерали газетанинг ички бетларига кўз қирини ташлади-ю, тўртинчи саҳифани очди. У газета хабарларига шу қадар маҳлиё бўлган эдики, хонага Сабогул кириб келганини ҳам пайқамади.

— Жуда хушнуд кўринасиз?

Шерали чўчиб, бошини кўтарди. Эшик олдида Сабогул «Жавоб беринг?»— дегандек бошини хиёл эгганча, юпқа лабларини кулгидан йиғолмай тикилиб турарди. Шерали шу ҳаётбахш лаблардан кўз узолмай қолди. «Бунчалар чиройли кулади бу қиз». Хаёлидан шунини ўтказа туриб, Павел Ивановичнинг сўзларини эслади: «Балки адашаётгандирману, аммо, назаримда, биринчи учрашган одамнинг кулгиси ёқиб қолса, уни яхши киши деявер, сира адашмайсан». Шерали ҳам лабидаги кулгини йиғолмай, энгашиб, каравот ёнидаги табуреткани хиёл олдинроқ сурди.

— Утиринг, Сабогул, сиз, сиз олиб келган хабар мени хушнуд этди — деди Сабогулга зимдан қараб.

Сабогул икки қадам қўйиб, таққа тўхтади.

— Ҳо, нима экан у биз олиб келган хабар?— дея Шералига тикилди боягидек болаларча соддалик билан.

Шерали газетага ишора қилди.

Сабогул энди паст овозда бўлса-да, астойдил завқланиб кулди.

— Вой, шунинг ўзими? Унда ҳар куни олиб келиб турганим бўлсин.— У аёлларгагина хос жозиба билан Шералига қаради.

Бу қараш шу қадар беозор, шу қадар самимий, аини чоғда қувноқ эдики, Шерали ҳам ўзини тутолмай кулди. «Раҳмат, унда мен ҳам сизга ҳар куни ахборот бериб тураман»,— деди.

— Бўпти!— Сабогул табуреткага ўтирди. Аммо шу заҳотиёқ:

— Вой, хаёлни қаранг, ахир сизга парафин олиб келган эдим-ку!— деб ўрнидан турди. Эшик олдидаги каравот устига қўйган латтага ўроғлиқ парафинни олди.— Қани, ўртоқ бемор, ётиб, оёқларингизни узатинг-чи!— у Шерали томон энгашиб, парафинни табуретка устига қўяркан, ўша қувноқ вазиятини бузмай, қўшиб қўйди:— Оёғингиз оғримаяптими?

Иккинчи марта берилган бу мулойим саволдан Шералининг юраги орзиқиб кетди. Тили учидан турган гапни айтди:

— Сиз даволайсизу, оғрисинми.— У шундай дейишга

деди-ю, ҳозир Сабогул аразлаб чиқиб кетадигандек чўчиб, қараб қолди.

Сабогул назокат билан жилмайди-ю, аммо ҳеч нарса демади. Парафинни Шералининг тиззалари ёнига қўйди.

Шерали халақит бермасин деб кўрпасини янада пастроққа суриб, ҳамширанинг ҳар бир ҳаракатини синчковлик билан кузата бошлади. Сабогул халати энгини тирсагигача шимарди. Оч ҳаворанг дуррачаси бошидан сирғалиб, елкаси оша қалин сочларига илиниб қолган эди. Унинг бутун гўзаллиги, тоғ шалоласидек покиза қалби латофат билан балқиб турган юзида акс этгандай эди. Денгиз сувидек тиниқ мовий кўзлари шу қадар мулойим ва меҳр билан боқардики, ҳар қандай вазиятда — ҳатто ғам-андух ичида ҳам ундан таскин топарди киши. У табиатан шу қадар соҳибжамол эдики, вақти келиб, шундай гўзалликка ҳам ўткинчи йиллар соя ташлашига одамнинг ишонгиси келмасди.

Сабогул садафдек тишларини атайлаб кўрсатмоқчи бўлгандек кулди. Массаж қилаётган ўнг қўлининг ташқи томони билан пешонасига тушган бир тутам сочини юқорига суриб:

— Оғритмаяптими?— у кўзларини катта очганча Шералига савол назари билан қаради.

— Сиз-а?

Шерали шундай деди-ю, Сабогулга кўз қирини ташлади.

Сабогул буни сезмади, айтган гапини ҳам эшитмади. Балки эшитган ҳамдир, аммо чурқ этмади. Иссиқ парафинни Шералининг оёқларига қўйди. Устига чаққонлик билан латта ташлади. Энди унинг қиёфаси жиддий, бутун хаёли қилаётган ишида эди. Ниҳоят қаддини ростлади. Халат остида ҳусн-жамолини кўз-кўз қилаётган, кўтарилиб, диркиллаб турган лўппи кўкраклари хипча белини янада бўрттириб кўрсатарди. Оққушларникидек узун оппоқ бўйнини юқорига чўзди. Томирларини ёзиш учун гавдасига монанд кичкинагина дум-думалоқ бошини орқага ташлаб, бир-икки силкитиб олди. Енгларини туширди. Узун-узун ингичка бармоқлари билан дуррачасини бошига қайта танғиди. Нарсаларни йиға туриб:

— Энди шўхлик қилмай жим ётиб дам олинг,— деди ёлгон пўписа билан, бироқ овозида фақат меҳрибонлик сезиларди.

— Раҳмат, Сабогул!— Шерали ҳамшира нарсаларини йиғайтганини кузатаркан, юраги сиқилиб, зўрға гапирди. Қизнинг унга кўрсатаётган бу қадар катта илтифотидан тўлқинланиб кетган эди.

Сабогул ортиқ Шералига эътибор бермаётгандек эшик томон шахдам борди-ю, аммо тўхтади, Шералига қараб таъкидлади:

— Илтимос, Даша холага айтсангиз, эртага парафин қўймасинлар, энди кунора бўлиши керак.

Шерали завқланиб кулди. Боши билан тасдиқ ишорасини қилдию, Сабогул чиқиб кетиши билан ўтирган ўрнидан қулаб кетадигандек каравотнинг маҳамроқ ушлади. Анчагача шу алфозда ўтирди. Кейинги икки-уч кундан буён ўйлари нуқул шу қизга бориб тақаларди. Энди эса экспедиция ҳам, тоғ биллурини топиш учун қилинган жамики машаққатли меҳнат ҳам Шерали назарида унинг шу қиз билан учрашуви учун кимнингдир олдиндан чизган режаси билан атайин уюштирилгандек бўлиб туюла бошлади. Шерали бу телба ўйни хаёлидан қувмоқчи бўлди. Бошини дераза томон бурди. Қош қорая бошлаган эди. Икки-уч кун олдин саргайиб, бандидан узилаётган тол япроқлари энди кўзига маржон-маржон очилиб, жимирлаб турган оч бинафшаранг сирень бўлиб кўринди. Шерали таажжубланди. Кўзларини уқалаб, яна тикилди. Ҳарчанд тикилмасин, саргайган япроқлар кўзига гулдастадек кўринаверди. Зум ўтмай қулоқлари остида тоғ этакларида қушларнинг тинмай чуғурлаб сайраётган овози эшнитилгандай бўлди. У бошини ёстиққа қўйди. Юраги бежо уриб, вужудини мавҳум безовталиқ ҳолати қамраб олди. Этлари титраб кетди назарида. Аста-секин бу безовталиқ туйғуларини кўзга кўринмас бир ришта билан шу қадар чирмаб ташладикки, юраги беҳосдан тўрга илинган балиқ сингари типирлаб, сиқилиб кетганидан дод деб юборишига сал қолди. Ўйларини чалғитиш учун Қутбиддин, сўнгра Викторни кўз олдига келтиришга уринди. Олиса улар аранг кўринди-ю, шу заҳоти ғойиб бўлишди. Сабогулнинг шаҳло кўзлари бутун оламни эгаллагандай унга кулиб боқарди. Шерали сўнгги марта тоғда Ошпаз бобо, Бек ва Қиммат билан бўлган учрашувини хотирлаган эди, оқ халатининг икки барини бургут қанотларидек ёйиб, тоғ чўққисидан қаҳ-қаҳ отиб тушиб келаётган Сабогулни кўрди. У Сабогулнинг қуршовида қолди. Эшик тирқишидан ҳам, рўпарадаги каравот устига ташлаб қўйилган қордек оппоқ ёстиқ ортидан ҳам, тоққа қараган дераза ойнасида ҳам нуқул Сабогул мўраларди. Гўё кўз қорачиғига биров Сабогулни ўрнаштириб қўйган. Ўйларида, хаёлида ҳам Сабогул. «Наҳотки севиб қолган бўлсам?!» — Шералининг кўнглидан шу фикр ўтди-ю, сесканиб, бошини кўтарди. Эшик олдида оппоқ устбоша Сабогул сувда акси кўрингандек чайқалиб турарди. Шерали гапирмоқчи бўлди — овози чиқмади. Қўлини кўтармоқчи бўлди — мажоли етмади. Чироқнинг хира ёғдусида яна бир тикилган эди, кўз ўнгиде Сабогул соядек бир-икки чайқалди-ю, оҳиста ғойиб бўлди. Шерали ўзига ишонмагандек кўзларини юмиб очди. Қаршисида ҳеч ким йўқ. Эшик тутқичининг оқ қуббачасида чироқнинг акси милтилларди. Остона олдида полнинг косадеккина ўйиқ жойи эса ўпқон сингари қоп-қорайиб, бутун ёғдуни ютиб юборгудек зим-зиё бўлиб турарди...

Қуилар ўтди. Шералининг жароҳатлари тузалди, оғриқ-

лари босилди, аммо вужудини бошқа хасталик эгаллади. У энди Сабогулни кўришга илҳақ бўлиб тўлганар, уни интизорлик билан кутарди. Қиз бирор сабаб билан келмаган кунлари ўзини қўйишга жой тополмасди.

Ниҳоят Шерали касалхонада ётганининг ўнинчи кунини Сабогулга нисбатан муносабатини икки оғиз сўз билан бўлса-да, билдирди. Ҳамон эсида. Ўша кунини тонг ҳам ўзгача шукуҳ билан ёришди: тоғ ортидан алвондай товланиб кўтарилган қуёш нурлари атрофга таралаётганда, Шерали мудроқ кўзларини чўққидан узмай қараб ётарди. Бир тутам нур у қараб турган ойнага тушиб, ёйилиб хонага кирди. Шерали тўғридаги каравот устидаги оппоқ ёстиқда жилваланаётган нурга тикилди. Кўзи жимирлаб ёшланди. Нур хонага олиб кирган илиқ ҳаводан Шералининг баданлари қизиди. Ёқимли туйғу юрагини қитиқлай бошлади. Ўйларини яна Сабогул сари етаклади. «Қандай яхши қиз!»— дея ҳаёлидан кечириб турганди, эшик гийқиллаб очилди. Оқ халатнинг бари кўринди. Шерали бугун Сабогулнинг навбати эканлигини кечқурун ҳаёлидан ўтказиб, уни муштоқ бўлиб кутаётган бўлса ҳам, одатдагидан барвақт кирганидан таажжубланди. Ўрнидан туриб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Қимирламанг, нега ўрнингиздан турдингиз?— Сабогул жилмайганча икки қадам қўйиб тўхтади, ўзининг бу келиши Шералида қандай таъсир кўрсатганини билмоқчи бўлгандек кўз қирини ташлади.

Бу сирли боқишдан ҳеч нарса англамаган Шерали каравот тагидаги табуреткани олдинроққа сурди.

— Келинг, Сабогул, ўтиринг,— деди ҳаяжонини яширишга тиришиб. Шу кунларда унинг ҳаёли фақат Сабогул томон талпинар, уни кўрганда эса безовта кўнглини идора этолмай қоларди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. У Сабогулга маҳлиё бўлиб, ўзини йўқотаёзди.

Сабогул бунини сезди, ортиқча хижолат қилмаслик учун лабларидаги табассумни йиғди. Сочининг бир ўрминини тутамлаганча, назокат билан гапирди:

— Шунчаки бир хабар олай деб кирган эдим,— Сабогул халати остида қўлтиғига қистирилган гулдор пайпоқни олиб, каравотнинг оёқ томонига қўйди. Нима дейишини билмай тараддудланиб туриб: «Иссиққинна киярсиз, биз томонларда тоғ ҳавоси салқин бўлади»,— деди оппоқ юзи лоладек қизариб.

Шерали бунини кутмаган бўлса керак, қувониб кетганидан «раҳмат», дейишни ҳам унутиб, ҳайрат ичида Сабогулга тикилди. Бу боқишда ҳам чексиз миннатдорчилик, ҳам сўз билан ифода этиб бўлмас туйғунини англатадиган сирли қудрат бор эди. Сабогул ерга қаради. Орага жимлик чўқди, Шерали ҳарчанд уринмасин, тил учидан турган сўзларини айтолмасди, не машаққат билан ўйлаган фикрлари эса тутқич бермай

баҳор булутларидек тарқаб кетарди. Шу топда Шералининг хаёлига қасрданам «тортинчоқлик — болалик аломати», деган фикр келди-ю, ўзини ғалати ҳис этди. Мармар ҳайкал каби қотиб турган Сабогулга нажот тилагандек қаради. Сабогулнинг кўкраклари тез-тез кўтарилиб тушар, ўйчан кўзларини ҳамон ердан узмасди. Шерали ўзини ўнглаб олиш учун зўра-зўраки томоқ қириб:

— Овора бўлиб нима қилардингиз, Сабохон, — деди боягидек титроқ овозда ва оёғи устидаги пайпоқни қўлига олди. Унинг юқори қисмидаги попукларни силади. — Жуда чиройли экан, ўзингиз тўқидингизми?

Сабогул Шералига кўз қирини ташлаб жилмайди.

— Биз томонлардан жўроб<sup>1</sup> тўқимайдиган аёл бўлмайди. Тагинам меники унча чиқмади.

— Аксинча, сизники энг чиройлиси.

— Қаёқда, сиз яхши жўробни ҳали кўрмагансиз-да!

Шерали анча дадиллашди. Ўрнидан туриб, табуреткани Сабогулнинг олдига олиб бориб қўйди. Бир қадам тисарилиб, ерга қараган эди, қизнинг жуда ихчам ва магазин ойналарига қўйиладиган манекенларникидек силлиқ, узун оёқларига кўзи тушди. Чумоли ўрмалаган каби эти жимиради. Бу ўнғайсиз ҳолатни Сабогулнинг кўзидан яшириш учун дераза томон юрди. Тумбочка устидаги стаканни олишга энгашаётганида, қулоғига Сабогулнинг мулоғим овози чалинди:

— Худога шукур-ей, бемалол юрадиган бўлибсиз...

Сабогул яна бир нарса демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, аммо хўрсиниб қўя қолди. Шерали ялт этиб унга қаради. «Наҳотки юраги менга шунчалик ачнса!» Хаёлидан шу фикр ўтаркан, ўзини дадил тутди. Ёниб турган кўзларини Сабогулга тикди. Боягина Сабогул ҳақидаги ўйларини энди овоз чиқариб айтди:

— Қандай яхши қизсиз, Сабогул! Шуни ўзингиз ҳам биласизми?

Бу кутилмаган саволдан Сабогул ўнғайсизланди, бутун вужуди ловиллаб ёниб, ўпкаси тўлди, чунки ҳали ҳеч кимдан бундай ширин сўз эшитмаган эди у. Она меҳрига қонмади. У чақалоқлигидаёқ онаси оламдан ўтган эди. Отаси ер ислоҳотининг суронли йилларида қулоқларга қарши курашда қурбон бўлди. Яккаю ягона бобоси уй-рўзғор ишлари билан бўлиб, уни эркалатишга қўли тегмас, умуман, бобо турмуш машаққатлариданми, табиатанми — ҳар қалай, хийла камгап, сал нарсага ёниб, жиғибийрони чиқадиган тажанг одам эди. Сабогул бобосининг оппоқ қалин қошлари остидаги қоғоғи уйилганини жўрганида, унга яқинлашмасликка тиришар, ҳамма айтганларини бетўхтов бажо келтирарди. Бу ёқда, уруш бошланиб, бобонинг бир дарди ўн бўлди. Энди у

<sup>1</sup> Жўроб — жун пайпоқнинг бир тури.

ёлғиз набирасининг ташвишида тунларни мижжа қоқмай, бедор ўтказар, кўзи очиклигида унга бировнинг этагини тут-қазини ўйларди. Бобо Сабогулни қўшни қишлоқлик узоқ қариндошининг Абдухолик номли пошудгина ўғлига ўртага бир коса сув қўйиб никоҳлаб берди-ю, имони тинчигандай бўлди. Орадан ой ўтмай, Абдухолик кўп қатори урушга кетди. Бобо энди ҳолдан анча тойган, тирикчилик, набирасини ишга қўйишга мажбур этди. Сабогул бошда ҳамширалар тайёрлайдиган қисқа курсда ўқиб юрганида, касалхонада энага бўлиб ишлади, курсни тамомлагач, уни ҳамшираликка қўйишди. Шундан буён ҳам ҳаш-паш дегунча орадан икки йил ўтипти...

Сабогул шулар ҳақида ўйлади. Кўз олдига гоҳ қоғоғини уйиб олган бобоси, гоҳ Абдухолик, гоҳ энди атак-чечак бўлган қизи келиб, ўзини йўқотаёзди. Бошини кўтариб, қарши-сида саволига жавоб кутиб турган Шералига тик боқди-ю, аммо гапиролмади. Узун киприкларини пирпиратганча, кўзини олиб қочди. Эшитилар-эшитилмас:

— Ҳечам ундоқ эмас... сизга шундай туюлаётгандир,— деди ниҳоят титроқ овозда ҳаяжондан энтикиб ва ўрнидан туриб, эшик томон бир қадам қўйган эди, орқадан Шералининг: «Шошманг, Сабогул!»— деган хитобини эшитиб, яна бобоси, унинг кетидан Абдухолик билан қизчаси кўз олдига келди. Аммо энди у ҳам ўзини идора этиш қобилиятидан маҳрум бўлган, Шералига қайрилиб қарашга ҳам юраги бетламаётган эди. Тўлқинланиб кетган туйғулари қалбига ҳам-ла этиб, ўйларини остин-устун қилиб ташлади. Қулоқларини остида янграган Шералининг овози энди ёқимли қўшиқ бўлиб туюлди.

— Бир дамгина шошманг, Сабогул!— Шералининг ҳаяжони ошди. У ялинчоқ овозда шу сўзларнигина айтди-ю, қулт этиб ютindi. Ортиқ гапиролмади. Сабогул Шералининг бу ҳолатини сизди. Юрагининг гупиллаб ураётганини баралла эшитгандай бўлди. У бу ноқулай вазиятдан қутулиш учун шахдам одимлаб, хонадан чиқиб кетмоқчи бўлди, жазм этолмади. Шу вақтгача ўзи сезмаган, ҳис этмаган куч уни орқага судрарди. Сабогул идрок буюрганга эмас, қалб буюрганга бўйсунди. Боши эгилди. Юрагининг аллақаерини қитиқлаётган пинҳоний туйғу орадаги бу вазиятнинг нима билан хотималанишини орзиқиб кутишга ундаётган эди.

Шерали икки-уч қадам қўйиб, Сабогулга яқинлашди. Сабогул унинг энтикиб нафас олаётганини сизди, ўтли ҳарорат қулоғи ортидаги сийрак сочларини тўзғитиб, қалбини қитиқлай бошлади. Сабогул ортиқ чиндаб туролмади. Эшик томон бир қадам илгариларди-ю, аммо шу заҳотиёқ ноҳўя иши учун кечирим сўрамоқчи бўлган одамдек орқасига қайрилган эди, ёниб турган рухсори Шералининг лабларига тегди. Шерали оёғи остида ер узилгандай бир қалқиди-ю, ғайришуурий

тарзда Сабогулни бағрига босди. Лабларини янги бўсага чоғлаётганда, Сабогул унинг қўлидан сирғалиб чиқиб, эшик томон югурди.

## УНИНЧИ БОБ

Шу бир онлик учрашув, ҳаётида илк бор содир бўлган бу фавқулодда бурилиш Сабогулнинг бутун борлигини ости-устун қилиб ташлади. Шифохонада ортиқ туролмади. Отилиб кўчага чиқди. Шифохона биносининг орқа томонидаги энсизгина ёлғизоёқ йўлдан чопиб борар, боягина томчилаб ўтган ёмғирдан қуримаган гиёҳлар оқ халатининг этакларини шалаббо этганига ҳам эътибор бермай, ҳансираганча илгариларди. Сўқмоқ бориб арава йўлига туташган жойга етгач, тўхтади. Нафасини ростламоқчи бўлди. Аммо туйғулар оқими қалбига шу қадар зўр билан урилаётган эдики, нафас ростлаш у ёқда турсин, бўлаётган воқеаларни совуққонлик билан идрок этишга ҳам имкон бермасди. Сабогул йўл четидаги тарвақайлаб кетган толга суянди. Кўкраклари безовта кўтарилиб тушар, паришон сочлари унга таскин бераётган каби бўғриқиб, лоладек қизарган рухсорларини силаб-сийпаб тебранарди. У бир лаҳза ором олгандек бўлди. Бироқ ўйлари ҳамон айқаш-уйқаш. Қуюн бўлиб ёғилаётган фикрлар унга тутқич бермасди. Хаёлини борган сари кўпроқ паришон этмоқда эди. Баркамол, барно тоғ аёлларига хос ўта соф ва гўзал ҳиссиёти нафис қалбини забун этаётганини сезиб турса-да, монелик кўрсатишга ожиз эди. Сабогул йўлнинг нариги бетидаги кичик ариқчадан қатлади. Дўлана барглари деярли беркитган кичкинагина дераза ойнасини эҳтиётлик билан чертди. Шу заҳотиёқ Даша холанинг ташвишли юзи кўринди, лаҳза ўтмай дераза ёнидаги пастак эшик ғийқиллаб очилди. Даша хола уйқули кўзларини «Тинчликми?»— дегандек ҳайрат ичида Сабогулга тикди.

— Хавотирланманг, Даша хола, ишга келишга келдим, нимагадир мазам қочяпти. Титраб-қақшаб, ўтиргани жой тополмаяпман. Шу...

Сабогул бошини эгди. Даша хола Шерали касалхонага келгандан буён Сабогулнинг ўзгариб қолганини зимдан кузатиб юриб, билган эди-ю, аммо бу ҳақда унинг ўзига ҳеч нарса демаганди. Икки-уч кун бўлди. Сабогул Шерали билан муносабатлари жиддийлашиб бораётганини айтиб, бобо-си уни қандай узатгани-ю, эридан қорахат олганигача гапирган эди. Даша холадан маслаҳат кутган эди. Бироқ Даша хола тайин гап айтмади. Бўшашиб: «Қайдам, бу қирғин жангида ким ўлиб, ким қолганини билишим қийин. Ўйлаб кўр, болам»,— деб қўя қолган эди. Сабогулнинг ҳозирги туриши Даша холани анчайин ўйлантириб қўйди. Уларнинг муносабатлари чиндан ҳам жиддийлашиб қолганини сез-

ди-ю, нима дейишини билмай қолди. Негадир кўз ўнгида тутуни кўкка ўрмалаб ёнаётган қишлоқлар жонланди. Қулоқлари остида болаларнинг чийиллаган овози, жонини ҳовучлаб қочаётган одамларнинг чинқириқлари эшитилгандай бир сесканди. Тўфон жангида жон олиб, жон бераётган солдатлар орасида Сабогулнинг ҳам эрини кўргандек бўлди. Хиёл қалтираётган ўнг қўли билан томоғини силаб туриб, маъюс кўзларини Сабогулга тикди. Ҳаяжонини босишга қанчалик уринмасин, уддасидан чиқолмади. Зўрға гапирди: — Начора, болам, бориб дамингни ол, ўтиб кетади,— де-ди юзидаги аламли таъвишни йиғолмай.

Сабогул ялт этиб Даша холага қаради. Уни бу ҳолатда сира кўрмаган эди. Довдираб, қизарганча кўзларини яширди. Даша хола уни ортиқ қистовга олмади. «Ҳозир етиб бора-ман»,— деб уйига кириб кетди.

Сабогулдаги бояги ҳаяжон энди изтиробга айланди. Изнга қайтди, тоғ этагидаги қия турган эшик томон югурди. У остона ҳатлаб кираркан, ҳовли тўридаги офтобрў супачада кўксига тушиб турган оппоқ соқолини селкиллатганча эски арра тишларини ғижирлатиб эговлаётган бобосига қайрилиб ҳам қарамади. Қўча эшигидан кираверишдаги чап томондаги хонага бурилди. Эшикни бекитди-ю, девор тагига ташланган гулдор кўрпачага чўзилди, юзини ёстиққа босганча, ҳўнграб юборди. Ҳиссиётлари кўз ёшига айланиб, маржон-маржон бўлиб оқар, ичидан тўлқинланиб келаётган аламини босолмай инграрди. Аччиқ тақдирига ўкинарди. Тасодикий турмуш, бу ҳам камлик қилгандек, Абдухолиқнинг ҳалокати, мусаффо орзулари, тиниқ тилаклари гунча кўрмай хазон бўлгани уни ўртар, бир оғиз ширин сўзга, иккинчи бир қалбнинг меҳрига маҳтал қалби Шералига талпинарди. Бироқ ҳаёти таъбирсиз туш каби қоронғилигини яхши билар эди. Бугун шу қоронғиликка бир тутам нур ёғду таратди-ю, Сабогулни баттар ўртаб, қалбига ваҳм сола бошлади. Зеро, бу қувончнинг эртаси чиндан ҳам ўша таъбирсиз туш каби мужмаллигини Сабогул тушуниб турипти. Аввало қишлоқ аҳли нима дейди? Эридан қорахат олган ёлғиз уми? Ён-веридаги бошқа жувону аёллар-чи? Улар ҳам фарзандларининг отасидан умид узишга даъват этадиган мактуб олишди-ку! Аммо «ноумид шайтон» деб ўтиришипти, нигорон кўзлари йўлда. Сабогул уларга нисбатан бошқача турмуш қурганини, қалби Абдухолиқ ёнида бор-йўқлигини ҳис этмаётганини элга ошкор айласинми? «Шаҳвоний ҳиссиёти туғён урипти»,— деб айблашмайдими уни?

Сабогул бу саволларнинг биронтасига жавоб тополмас, талмовсирар, нажот йўлини излаб, кўз ёшига зўр берарди.

Шу фикрлар оғушида кўзи илинган экан, бобосининг овозидан чўчиб, бошини кўтарди.

— Сенга нима бўлди?

Сабогул сапчиб ўрнидан турди. Еқасини тузатди. Узун-узул ингичка бармоқлари билан тўзғиган сочларини нари-бери тартибга келтирди. Саволига жавоб кутаётган бобосига қараб юраги шувиллаб кетди. Бобосининг қалин қошлари остидаги кўзлари унга аччиқ истеҳзо билан тикилиб турарди. Ўнг юзи ҳам тинимсиз учяпти. Демак, бир нарсадан қаттиқ ташвишланыпти. Сабогул нима қиларини билмай, довдираб қолди. Ютиниб, ўзини босиб олишга ҳаракат қилди.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, бобожон! Тобим қочиб, ишдан жавоб олиб келиб ётган эдим.

У ичидан тўлқинланиб келаётган қалтироқни сездирмаслик учун кўзларини бобосининг найзадек қадалиб турган кўзларидан олиб қочди.

Бобо «астаффирулло», деди-ю, букик елкасини қисиб, тўнининг барини кўтарди. Бир нима демоқчи бўлди шекилли, Сабогулга қаради. Аммо индамай қўя қолди. Остона ҳатлаб, ташқарига чиқди. Кўчада, олисроқда болалар даврасида ўйнаётган жажжигина аварасига ўйчан боқди. Қайтиб келиб, ўрнига ўтирди-ю, бошини қўллари орасига олиб, чайқала бошлади. Унинг елкалари силкинарди.

Сабогул очиқ қолган эшикдан ташқарига қаради. Бобосини бу ҳолда сира кўрмаган эди. Ўйланиб қолди. Қуёш қизариб, уфққа ёнбошлаётган эди. Унинг шуъласига қараб, кўзи қамашди. Яна бобосига қаради. «Нима қилсам экан? Ҳамма гапни айтиб, ўтинч сўраб оёғига бош урайми?» Сабогул титраб-қақшаб бобосидан кўзини олиб қочди. Иккинчи бир куч унга монелик қиларди: «Йўқ-йўқ,— дея шивирлади Сабогул,— йўқ, асло, ахир Шерали...» У яна ўзини кўрпачага ташлади, овозини чиқармаслик учун юзини ёстиққа босди. Кўз олдидан Шерали сира нари кетмай қолди. Бобоси ширин туш кўраётганида уйғотганини эслади. Ҳаммаёқ сутдай чайқалиб турганмиш. Бундай ёғдуни у сира кўрмаган эди. Ой ва қуёш нуридан бошқача. Тоғлар тўқ жигарранг бўёқда, дарахтлар чаппор гуллаган, шаршарадан оқаётган сув тинмай гувиллаб, еру кўкни ларзага солаётганмиш. Тоғ этагидаги майса гиламлар сув шабадасида тинмай тебранаётганмиш. Чўғдай ловуллаб турган лолазорнинг бир чеккасида қизини бағрига босганча турганмишу, Шерали уни тоғ чўққисига имлаётган эмиш. У эса бир ёқдан тезроқ қишлоққа кетишга ошиқса ҳам, Шералининг қоядан қулаб тушишидан чўчиб, гоҳ қизига, гоҳ қоядаги Шералига аросатда қолган одамдек қарар, нима қиларини билмасмиш. Шу пайт қизни бағридан отилиб қиқиб, ўзини лолазорга ташлабди. Онасининг чинқириб қолганига қулоқ ҳам солмай, кичкинагина оёқчалари чалишганча қишлоқ томон чопқиллапти. Худди шу ўринда Сабогул бобосининг овозидан чўчиб уйғонди.

У кўрган тушининг таъсирида бўшашганча ўрнидан туриб, ўйланиб қолди. Шерали қизи борлигини билса нима

деркин? Узоқ ўйлади. Яна бобоси кўз олдига келиб, ҳовлига чиқди. Бобоси йўқ. Қўрқа-писа қия очик турган эшикдан кўчага қаради.

Қуёш тобора катталашиб, уфққа, Афғонистон тоғлари устига ёнбошлар, унинг қизғиш нурлари сийраклашиб, атрофга нимқоронғилик чўка бошлади. Сабогул камзулининг чўнтагига уч-тўртта қурут солиб, кўчага чиққанда, совуқ шамол эсаётган эди. У ҳали беш-олти қадам қўйиб улгурмай, ёмғир томчилай бошлади. Жигарранг чийдухоба камзулининг ёқасини кўтарди. Дуррачасини қулоқлари устидан танғиб олгач, қизини бағрига босганча тез одимлаб, шифохона олдига келишга келди-ю, негадир қадамини секинлатди, кимдир таъқиб этаётгандек туюлди назарида. Қўл-оёқлари бўшашди. Кўчанинг нарёгига ўтди. Қизини ерга қўйган эди, у жажжигина қўлчаларини ёмғирга тутди. Муздай ёмғир томчилари этини сескантирганидан қийқариб, онасининг этагидан ушлаганча касалхона томон тортқилай бошлади. У: «Дачча хола, Дачча хола!»— дея талпинарди. Сабогул қизининг хархашасига бепарво, ҳамон ўз хаёли билан эди. Қулоқлари остида Шералининг «Қандай яхши қизсиз, шуни ўзингиз ҳам биласизми?»— деган сўзлари жаранглагандек бўлди. Бир чўчиб тушди-ю, қизига:

— Даша холага олиб борайми?— деди.

Кизчаси қийқариб, сакрай бошлади.

Сабогул уни кўтариб олди. Хаёлидаги қарама-қарши фикрлар унга тинчлик бермасди. Бейхтиёр яна шифохона томон одимлади. Қизи сочларини титкилаётганини ҳам, нималарнидир гапириб бижирлаётганини ҳам сезмас, шифохонага ҳам нимага бораётганини билмаса-да, юрак буюрганини бажо келтириб одимларди. Эшик олдига етгач тўхтади. Юраги дукиллаб кетди. Дармонсиз бармоқларини эшик тутқичидан бўшатиб, орқага тисарилди. Эшикнинг ўнг томонидаги девор тагида тахтадан омонатгина ўрнаштириб қўйилган скамейкага ўтиргандагина қизининг «Дачча хола», дея кичкина қўлчалари билан эшикка ишора қилаётганини кўрди. Қизига қараб ғайритабиий йўсинда жилмайди-ю, хаёлига яшин тезлигида бир фикр келгандай «ҳозир», деб бейхтиёр ўрнидан турди. «Даша холагагина учрайман»,— деб ўйлади у. Шахдам юриб, эшикдан кирди. Коридордаги скамейкада икки-уч ярадор солдат ўтирарди. Сабогул уларга эътибор ҳам бермади. Қизини ерга қўйиб, кираверишдаги эски тошойнага қараб, тўзғиган сочларини тартибга келтиргунча қизи коридордан пилдираб кетди. Шерали ётган хона эшигига етганда, Даша холанинг овозини эшитиб, ўша ёққа чопди. Унгача эшик олдига келган Даша хола оёқларида ўтириб олиб: «Вуй, вуй, вуй, қаранг, ким келяпти, қани, қани, бу ёққа кел-чи, Садбарг»,— дея бағрини очди. Садбарг ўзини Даша хола қучоғига отиб қийқарди.

Даша хола Садбаргни кўтариб, юзларидан ўпди, халати чўнтагидан бир чақмоқ қанд олиб узатди. Болани энди ерга қўймоқчи бўлиб турганда, Сабогул етиб келди. Даша хола уни ташқарига имлаб, ўзи эшик томон юрди. Даша хола ташвишли кўрган Сабогул эшикдан чиқишга ҳам сабри чидамай: «Тинчликми?»— деди кўзлари ола-кула бўлиб. Унинг ғашлиги баттар ошди. Даша хола индамай кўча эшигини очди. Ёмғир боягидан анча тезлашган бўлса-да, осмон ёриша бошлаган эди. Даша хола эшик ортига ўтиб, Садбаргни ерга қўйди.

— Бобонгни кўрмадингми? Ҳозир чиқиб кетди,— деди хавотирланиб Сабогулга.

Сабогул қулт этиб ютindi.

— Йўқ.

— Авзойи жуда бузуқ.— Даша хола шивирлади,— «Аллақайси юртдан бир бола келган экан, шу ростми?»— деди титраб-қақшаб.— Ҳа, рост, беморларнинг кўпи ҳар ердан келган одамлар,— дедим. «Уни айтаётганим йўқ, бошқа юртдан эмиш»,— деди яна жаҳл билан. Қўрққангидан индамай, елка қисдим. Мендан гап ололмагач, шахдам чиқиб кетди.

— Боя ҳам авзойлари бузуқ эди, биронтаси айтганмикин?— Сабогул қўрқув аралаш Даша холага қаради.

Даша хола ҳеч нарса демади. Ўйланиб қолди. Энди бир нима демоқчи бўлиб, оғиз жуфтлаган эди, ичкаридан кимдир чақирди. Сабогул ҳам Даша холанинг орқасидан эргашди.

Сабогул Шерали ётган хонанинг очиқ қолган эшигидан ичкарига қаради. Шералидан ҳол-аҳвол сўраб, иккиланиб қолди. Бурилиб кетмоқчи ҳам бўлди. Аммо аллақандай ғойибона куч уни ичкарига киришга ундарди. Сабогул бу куч олдида ожизлик қилди. Беихтиёр хонага кирди. Очиқ эшикдан эсган шамол уй ичида гувиллаб, Сабогулнинг сочларини тўзғитди. У Шералининг елкаси оша очиқ деразага қараб: «Вой, елвизак қилиб қўйибмизу»,— деб эшикни икки қўллаб итариб ёлди. Шерали қулай фурсатдан фойдаланди.

— Қўйверинг, геологлар жони қаттиқ, ўзлари бардошли одамлар бўлишади, ҳамма нарсага чидайверишади,— деди ва сўзлари қандай таъсир этаётганини билиш учун атайлаб Сабогулга тикилди-ю, юзидаги табассум йўқолди. Юрагига гўлгула тушди. «Наҳотки эрталаб хафа бўлиб кетган бўлса?»— хаёлидан ўтказди. Бошига келган бу фикрдан чўчиб, кўзларини илтижо билан Сабогулга тикди. Бир онлик сукут ичида Шералининг хаёли олам кезди. Сабогулнинг авзойи тамоман ўзгарган, у Шералига қайрилиб ҳам қарамас, Даша холаинигина кутиб тургандек туюлди назарида. Шерали хириллаган бўғиқ овозда сўради:

— Нима бўлди, Сабогулхон, тобингиз қочдими? Эрталаб ҳам...— Шерали «индамай кетиб қолибсиз», демоқчи эди,

журъат этолмади. Нафасини ростлаб олиб:— Кетиб қолиб-сиз,— деб қўя қолди.

— Ҳеч нарса қилгани йўқ, ўзим...— Сабогул энтикди.— Уйда ишим бор эди.

Шералини бу жавоб қониқтирмади. У Сабогулга қараб ўйланиб қолди: ранги синиқиб, кўзлари ич-ичига ботишти. Шу қадар хафаки, гапиргиси ҳам келмаяпти.

Хаёл минг ёққа тортқилади уни. Ниҳоят буни аёлларнинг ўзгарувчан табнати, инжиқлигига йўйди. Шу билан ўзига таскин бериб, тинчланди. Ўрнидан турди. Қаловланиб каравот тагидаги табуреткани олди. Сабогулга яқинроқ бориб, босиқ овозда:

— Ўтиринг, Сабогул, толиқиб қолганга ўхшайсиз,— деди у энди ҳаяжонини мумкин қадар яширишга тиришиб.

Сабогул унинг овозида ҳам ачиниш, ҳам аллақандай безовталиқ сезди. Бироқ буни Шералига билдирмади. Тил учиде «раҳмат», деб табуреткага ўтирди-ю, чўнтагидаги қурутларни тумбочка устига қўйди. Безовта қалби Даша холанинг гапидан ҳамон титрарди. Шерали қурутларни кўрмади. Ҳали муносиб бирор сўз ҳам тополмай, эшик ортида нимадир тиқирлай бошлади. Сабогул шошилиб эшикни очди. Хонага Садбарг пилдираб кириб, онасининг этагига ёпишди. Шерали анча енгил тортди. Сабогулни гапга солиш учун яхши восита ўз оёғи билан келиб қолганидан қувониб:

— Вой, мунча чиройли экансан-а, кимнинг қизисан?— дея бевосита болага мурожаат қилди орадаги ноқулай вазиятни бартараф этмоқчи бўлиб.

Садбарг индамай, юзини онасининг этаги ортига яширди.

— Ойимни қизи, демайсанми?— Сабогул зўрма-зўраки шундай деб Садбаргни кўтариб, эшик томон юрган эди, Шерали яна савол берди:

— Ростданам, кимнинг қизи бу, Сабохон?

— Ўзимники!

Томоғига тиқилиб келган йиғини аранг тўхтатди. Шу бир оғизгина гапни айтди-ю, чўчиб, Шералига қараб, «ҳазил» дегандай жилмайди.

Шерали ҳам кулиб турарди. У Сабогулнинг юзига табасум югурганидан мамнун бўлиб:

— Ҳазилкаш экансиз!— деди кўнгли анча ёришиб.

Сабогул худди шу сўзни кутиб турган эди. Ички изтиробини яшириш учун кулди. Моҳир мўйқалам соҳиби чизгандек қайрилма қошларини чимириб, аламли кўзларини Шералига тикканча хайрлашди-ю, эшикдан чиқди. Шерали ҳозир унинг шу бир боқишига дунёнинг жамки лаззат-фароғатларини беришга тайёр эди. Унинг учун бундан ортиқ лаззат йўқ, Сабогулнинг ёқимли овози, гўзал кулгиси, меҳр тўла боқиши Шералини денгиз тўлқинларида тебратиб, алталаётгандай бўлди. У очиқ деразадан хонага ёпирилиб кираётган тиниқ

тоғ ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олди. Тинимсиз туйғулар оқимидан роҳатланиб, кўзларини юмди. Даша холанинг хонага кирганини ҳам, овоз чиқариб чақирганини ҳам пайқамди. Ҳамон ширин орзулар қанотида парвоз этарди.

Даша хола табуреткани каравот олдига суриб, шавла солинган тақсимчани тарақлатиб қўйди. Шерали кўзини очиб, ийманибгина:

— Кечирасиз, сезмабманам,— деб Даша холага қаради-ю, ҳайрон бўлиб қолди. Унинг кўзлари қисилган, қимтилган лаблари титрарди.

— Ҳечқиси йўқ, тузалгач, сезгир бўлиб қоларсиз, ҳозирча ана у қурутларни еб туринг,— дея тумбочка устидаги қурутларга истеҳзо билан ишора қилиб, юзини бурди.

Шерали ўйланиб қолди: «Даша холага нима бўлди, боя бинойидек очилиб гапираётган эди-ю...»— у Даша холага яна бир зимдан қараб қўйди. Холанинг алланимадан қаттиқ ташвишланаётгани шундоққина билиниб турарди.

— Сизга нима бўлди, Даша хола, ё бир ерингиз оғрияптими?

Даша холанинг ўпкаси тўлди. Ортиқ чидай олмади.

— Оҳ, қани энди бир ерим оғриси, унинг давоси осон эди-ку! Юрак ўлгур оғрийди. У илма-тешик бўлиб кетган аламдан.

— Тушунмадим, Даша хола, нима бўлди? Очиқроқ гапиринг.

— Нимани очиқ гапирай, газанда немис жигаргўшала-римни кўзим олдида чавақлаб ташлаганиними?.. Ним.. мани? Сиз ҳам юрагимни эзиб нима қиласиз? Олинг, овқатингизни енг!— Даша хола Шералини жеркиб ташлади. Бошидаги дуррачани олиб, кўзларига босганча ҳўнграб йиғлаб эшикдан чиқиб кетди.

Шерали унинг кетидан анчагача тикилиб қолди. Юрагини биров чимдиб олгандай бир-икки туртиб, қаттиқ санча бошлади. Шерали ўрнига чўзилди. Даша холанинг ўкириб йиғлагани анчагача қулоқлари остида нари кетмай ўйланиб ётди. Негадир Сабогулнинг ҳам чеҳраси тунд. Хаёл уни аста-секин яна Сабогул сари етаклади. Унинг жилмайганча чиқиб кетган сурати кўз олдидан нари кетмай қолди. Шерали энтикиб нафас олиб, кўзларини юмди. Қулоқлари остида Сабогулнинг шивирлаган овози эшитилгандай бўлди. У олиб келган қурутлардан бирини қўлига олди. Тамшаниб қурутдан бир тишлади-ю, яна Сабогулни ўйлади. Алламаҳалгача ҳар хил ўйлар унга тинчлик бермади. Нималар ҳам хаёлига келмади: ҳатто маҳалла болалари билан тўп талашиб, Салим қўшбош деган тенгдошини яхшилаб дўппослагани-ю, дадаси билан Сулаймон тоғ этакларида сайр қилганларигача бир-бир кўз олдидан ўтди, юраги алланечук яйраб кетди. Шу топда совуқ қилиқлари ва шумлигидан ҳамма болалар ёқтирмаган,

хумдай калласининг ўртасидаги чуқур из бошини шундоққина иккига бўлиб қўйгани билиниб гургани учун Қўшбош деган лақаб олган Салим ҳам кўзига оловдек кўринди. Шерали кўзларини бир нуқтага тикди. Болалик йиллари ўтган Сулаймон тоғ этакларидаги майса гиламлардан ажиб бир ҳид анқигандек чуқур нафас олиб ҳўрсинди. Вужудини ёқимли туйғу қамраб олди. Эти жимирлади. Оёқларини узатди. Бу ҳузурбахш туйғунинг чексиз давом этишини, унинг кўз илғамас сеҳрли риштаси вужудини маҳкамроқ чирмаб олишини истарди шу топда.

Эртаси кунги Шерали ўша-ўша енгил руҳ ва қалбида чексиз қувонч билан кўзини очганда, рўпарасидаги каравот устидаги оппоқ чойшабда қуёшнинг заррин нурлари мавж уриб товланарди. Бошини дераза томон буриб, тоғ бағрига қаради. Мусаффо осмон жигарранг қояларга қадалиб турипти. Ҳавонинг кечаги тундлигидан асар ҳам қолмаган. Тоғ этакларидан бурала-бурала кўтарилаётган ҳовур ҳарирдек жимирлайди. Шерали қалбида аллақандай мусиқий оҳанг уйғонди. Бир пиёла чой ичгудек вақт ўтмай, у бу оҳангни баралла эшита бошлади. Яна бир фурсат ўтгач, бу мусиқий овоз тоғ бағридаги бутазорлардан элас-элас эшитилаётган қушлар нағмасига жўр бўлгандай янграб, қалбини шу қадар тўлқинлантириб юбордики, Шерали беихтиёр ўрнидан турди. Узунаси ҳам, эни ҳам уч қадамча келадиган хонада секин у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Қалби уни бепоён кенгликларга, гўзаллик олами сари етаклади. Шерали қошларини чимирганча деразага тикилди. Қушлар чуғурлашар, борлиқ тун уйқусидан уйғониб, бугунги ҳаёт бошланганидан дарак берарди. Шерали тароватли субҳидамни узоқ кузатди. Унинг назарида бугун ҳамма нарса фавқулодда сўлим, қушларнинг нағмаси эса одатдагидан жозибалироқ эди. Шерали залварли қадоқ қўли билан пешонасини силади. Сабогулни кўрганидан буён ўзида содир бўлаётган ўзгаришни ўйлаётиб, оҳиста одимлади. Қаравотига бориб ўтирди. Эшик тикирлагандай бўлди. Кетма-кет аллақайёқдан ғувиллаб келган шамол Шерали хонасининг эшигини зарб билан очиб юборди. Шерали эшикни ёпмоқчи бўлиб ўрнидан турганда, шамол учуриб келгандай хонага Сабогул кириб келди.

— Ассалому алайкум, тузукмисиз?

Кутилмаганда Сабогулнинг қўшиқдай янграган овозидан Шерали эсанкираб қолди.

— Ваалайкум ассалом!— деди-ю, Сабогулнинг ташвишли, ғамнок кўзларига қараб, нафасини ичига ютди. Унинг борлигини қамраб олган қувноқ туйғулар ўрнига туманли қайғу ҳукмрон бўлди. Дераза олдида туриб қолган Сабогулга яқинлашиб, оҳиста сўради:

— Нима бўлди? Тинчликми?

— ...

— Сабогул.

Сабогул қўлларини юзига босиб, ҳиқиллаб йиғларди.

— Сабогул... Сабогул!..

Сабогул кескин бурилиб, Шералига тик боқди. Икки жуфт кўз икки қалбнинг сеҳрли уришидан маъно уқмоқчи бўлгандек бир-бирига қадалиб қолди. Ниҳоят, Сабогул ортиқ чидай олмай, ёшли кўзларини Шералидан узиб, ерга қаради.

— Йўқ, йўқ, айтолмайман... Қандай қилиб... Йўқ, йўқ, Шерали ака, мени кечиринг.

Шерали ҳам таажжуб, ҳамда аламли бир дард билан сўради:

— Нимани, Сабогулхон? Гапирсангиз-чи?

Сабогул ўзини босиб олди. Кўз ёшларини артди.

— Хўп, хўп, Шерали ака, ҳозир айтаман, ҳаммасини айтаман.— Сабогул энтикиб, кўз ёшларини кафти билан артди. У энди ўзини анча босиб олган бўлса-да, катта-катта кўзларида қўрқув, ваҳм акс этарди.

Шерали унга тикилиб қолди.

— Бобом сезиб қолиптилар...— Сабогул ичидан тўлқинланиб келаётган йиғини босиб, қалтироқ овозда гапирди.— Мен сизга бугун ёлгон гапирдим. Кечиринг, Шерали ака. Садбарг менинг қизим... Уруш бошлангандан кейин бобом Абдухолиқ исмли узоқ бир қариндошларига турмушга чиқарган эдилар мени Бир ой турмуш қурмай,у фронтга кетди. Кўп ўтмай қорахат келди...

Сабогул дераза томонга қараб ютинди. Унинг елкалари силкинарди.

Шерали бу фавқулудда ҳолатдан гангиб қолган, Сабогулни асли ҳолига келтириш учун ҳамма нарсага тайёр, аммо тилидаги бу гапни ифода этишдан ожиз, нима деб юпатишни билмай ўртанарди. Ниҳоят:

— Сабогулхон!— деди у титроқ овозда.— Аҳволингизни тушуниб турибман. Бошингизга мусибаг тушганини билмаган эканман...— Шерали яна огиз жуфтлаган эди, Сабогул унинг сўзини бўлди.

— Йўқ, йўқ, мени нотўғри тушундингиз. Абдухолиқни мен сираям кўрмагандим. Афтини ҳам аниқ тасаввур қилолмайман ҳозир. Бу бир тушдэй келиб кетди назаримда...— Сабогул ҳаяжонланиб хўрсинди. У ҳамон деразага қараб турарди.

Шерали мувозанатини йўқотди. У биргина дақиқа орасида хабардор бўлган янгиликлардан қувонаётганини ҳам, ўксинаётганини ҳам билмагани ҳолда мавҳум бир туйғу қуршовида қолди. Кўз олдига тутун аланга аралаш қора чодирдек ёйилиб кўкка ўрмалаётган жанг майдонида қўлларидаги автоматларини бағриларига босганча «ура!»— дея душман истеҳкомлари сари чопаётган солдатлар келди. Улар ичида ҳаёлан Абдухолиқни излади. Шерали... Эти жунжик-

ди. Сесканиб кетди: «Аблаҳсан!— дея хитоб қилди у ўзига овоз чиқармай.— Сўлоқмондай бўлиб жангга бормай юрганинг кифоя этмагандек, яна сени деб, сенинг авлод-аждодингни деб, она юрт деб муқаддас жангга кирган одамнинг хотинига кўз ҳам олайтирасанми ҳали?»

Шерали оғир хўрсиниб, бошини кўмарди. Дераза олдида новдадек турган Сабогулга бошдан-оёқ суқланиб боқаркан, юраги бўғзига тиқилгудек гурсиллаб безовталана бошлади. Томоғи ачишди. Бўйин томирлари шишгандай бўлди назарида. Темир бир қўл ҳиқилдоғидан ушлаб, бўғаётган каби нафаси сиқилди. Сабогул томон талпинди. Икки қадам қўйиб, яна тўхтади. Оёқ-қўллари қалтиради. Бироқ ҳаёлида фақат Сабогул қолди. У жон ҳоврида Сабогулнинг елкаларидан қучиб, ўзига қаратди. Қизарган кўзларига тикилди. Сочларини силай бошлади. Сабогул Шералининг кўксига бош қўйди.

— Мен сизни ҳеч кимга бермайман, Сабогул, тонг гулим, ҳа, ҳа, ҳеч кимга!

Шерали ҳаяжон ичида титраб, нафас оларди. Сабогулни бағрига босиб, сочларидан, юз-кўзларидан беҳисоб бўса олди. Унинг аъзойи бадани ҳамон титрарди.

Сабогул эшикка ишора қилиб, Шералининг бағридан сирғалиб чиқди-ю, каравотнинг темир қуббасига суянди. Ўйчан кўзлари дераза чорчўлига қадалган эди.

— Бобом Даша холаникига кетдилар.— Сабогул бўғиқ овозда гапирди.

— Нега?

— Қайдам, доим Даша хола билан маслаҳатлашадилар. Даша холанинг акаси билан қадрдон эдилар.

Шерали ҳеч нарса тушунмай, Сабогулга қаради.

Сабогул тушунтира бошлади:

— Даша холанинг акаси Иван Данилович босмачиларга қарши кураш олиб борилган йиллари қизил аскарлар билан биз томонларга келиб, бу ернинг об-ҳавоси ёқиб, қолиб кетган экан. Немислар Даша холанинг икки қизи билан эрини «партизанларни яширгансан», деб кўзи олдида қийнаб ўлдиради. У қўшнингнинг чердагига қочиб улгурган экан. Сўққа-бош бўлиб қолгач, акасини қидириб келди узоқ йили. Тақдирни қарангки, акаси билан ҳам дийдор кўришолмади. Даша хола келишларидан бир ҳафта олдин бетоб бўлиб, қазо қилдилар Иван Данилович.

Шерали чуқур ўйга толди. Даша холанинг кечаги ҳолати кўз олдига келиб бош чайқади.

— Сизга ҳеч нарса демадим Даша хола?

Шерали бу саволни ўзи билан Сабогул ўртасидаги муносабатига Даша хола қандай қараётганини билиш учун берди.

— Йўқ,— Сабогул тил чайнади, негаки, Даша хола ун-

га:— «Бир-икки йил сабр қилгин, болам, жилла бўлмаса, уруш тугасин», деган эди. Аммо бунинг Шералига айтгиси келмади. Тўғрироғи, айтишдан чўчиди.— Эҳтимол бобом бошқа иш билан боргандирлар, тагин билмадим.— Сабогул бобосининг Даша холаникига нимага борганини аниқ биларди. Бироқ Шералини тинчлантормоқчи бўлди.

— Унда нега мунча хафа бўляпсиз?

Сабогул хўрсиниб, елкасини қисди.

— Қўрқаман, Шерали ака,— деди-ю, Шералига қаради.— Ҳа, қўрқаман,— дея қайтарди. У яна оғиз жуфтлади-ю, аммо негадир ийманди.— Сиздан айрилишдан,— деди ниҳоят бор кучини тўплаб ва шу заҳоти ерга қаради.

Шерали икки қадам қўйиб беихтиёр Сабогулнинг қўлини олди. Сабогул Шералига «қўйинг», дегандек қараб қўлини оҳиста тортди. Бурилиб, эшик томон юрди. Қўлини тортганидан Шерали хафа бўлди, деб гумон қилиб, орқасига қайрилди, қайрилди-ю, шу қадар жозиба билан жилмайиб хайрлашдики, Шерали беихтиёр эшик томон юрди.

## УН БИРИНЧИ БОБ

У мени севади! Шерали фақат шу ҳақда ўйлай бошлади. Бу фикр уни яшин тезлигида шу қадар олисларга етакладики, ўйларини идрок этиб улгуролмасди. Хаёл уфқи шунчалик кенг ва ўзгарувчан эди. Нимани ўйлаётганини ҳали дурустроқ илғаб олмай, кўз ўнгида бошқа манзара намоён бўларди. У ўзини гоҳ Сабогул билан қўл ушлашиб, тоғ етакларида сайр этаётган ҳолда, гоҳ қадимий олтин конларининг тубида, Қорамозор қаъридагидек зим-зиё зулматда орзулар ҳақида куйиб-пишиб гапираётган вазиятда, гоҳ севгилисининг студентлар даврасида кўрар, лаҳза ўтмай, сукунат оламида танҳо қолишиб, алланималар тўғрисида қизгин баҳслашаётгандек бўларди. Баъзан қаҳрамонлик кўрсатиб, севгилисининг мақтовига сазовор бўлаётгани, уни ҳайрон қолдираётганини фарз қиларди. Хуллас, қаерга бормасин, ҳамма ерда у Сабогул билан бирга. Хаёл уни учқур отида қай томонга етакламасин, Сабогул у билан бирга эди. Гўё Сабогул Шералининг сояси ёки бунинг акси. Сирасини айтганда, Шерали учун ҳозир бунинг аҳамияти йўқ эди. У бир умр Сабогулнинг сояси бўлиб яшашга тайёр!

Шу ўйлар билан Шерали ўрнидан турди. Ойнани очиб юборди. Қулочини ёзганча керишиб, қўлларини дераза чорчўпига тиради. Қорли чўққиларга назар ташлади. Пастда тоғ етакларидан тортиб касалхона биносигача бўлган оралиқда дарахтлар орасида пасқам ўйлар қалашган. Шералининг назарида кўчани четлаб, Сабогул келаётгандай бўлди.

Диққат билан разм солган эди, дов-дарахтларнинг шамолда чайқалаётган яланғоч шохларигина тебраниб турганини кўрди. Шерали қўлларини дераза чорчўпидан олиб, мийиғида кулди. Қаравотига келиб ўтирди. Эшик тақиллади. Шерали жавоб бериб улгурмай, шифохона жарроҳининг чўзинчоқ қора юзи кўринди. У эшик олдида туриб қолди.

— Келинг, қани, бу ёққа!— Шерали ўрнидан туриб, табу-реткани олмоқчи эди, жарроҳ узун қўлини кўтариб, уни тўх-татди.

— Овора бўлманг, ҳозир кетаман,— деди хиёл кулимси-раб. Шералининг диққат билан қулоқ солаётганига қаноат ҳосил этгач:— Геолог дўстларингиздан хабар келди. Жума куни шу ерда бўлишаркан. Ўша ўзингиз айтган қанотла-рингизни шайлаб турармишсиз,— деб қўшиб қўйди юзидаги табассумни йиғмай.

Шерали боши билан тасдиқ ишорасини қилди-ю, жарроҳ чиқиб кетгандан кейин ҳам эшикдан кўз узолмай, ўйланиб қолди. У Сабогулнинг: «Ўғилларидан қорахат келипти», де-ган сўзларини хотирлади. «Бечора, куйганидан қорайиб ке-типти»,— хаёлидан кечирди. «Ажинлари ҳам кўпайиб, қад-ди букилипти». Шерали ўғлидан олдин хотини ҳам фронтда-ги оғир операциядан кейин ярадорларни жанг майдонидан олиб чиқаётган икки санитар билан дом-дараксиз йўқолган-лар рўйхатига тушганини билиб, ҳанг-манг бўлиб қолган эди. «Тағинам матонатига балли. Бутун оиласи пароканда бўлипти-ю, ўзини тутишини қаранг!» Шерали кўзларини эшикдан узиб, бошини эганча, хона ичида секин юра бош-лади. Нимагадир Қутбиддиннинг шикастланган қўли кўз ол-дига келди. Сўнг Павел Ивановичнинг трамвайдаги бола тўғрисида айтган сўзларини хотирлади, ўзи босиб ўтган ўн-лаб қишлоқлардаги оғир вазиятни ўйлади. Қайғули, оғир кунлар. Эти жимирлаб кетди. Мусибатли кунларни ўйлаб эмас, мусибатга бардош бераётган одамларнинг темир иро-дасини ўйлаб, эти жимирлади. Уруш бошига мусибат солган жарроҳ сингарилар озмунчами юртимизда! Ҳеч нарса улар-нинг темир иродаларини бука олмаяпти. Буғдойранг мангла-йидаги ажинлар текисланиб, чехраси ёришди, сийрак қошла-ри орасидаги тугунча ёзилди. Ўйчан кўзлари кулимсираб, қалин лаблари олдинга чўзилди. Унинг ўйлари яна Қутбид-динга келиб тақалди. Қутбиддин бармоқдай тамакисини ту-татганча Шералининг шундоққина кўз олдида жилмайиб турарди.

Шерали анча енгил тортди. Яна дераза олдига келди. Муздай тоғ шамоли сочларини сийпалаб, танига ором бера бошлади. Иссиқ кафтини юзига босганча кўзларини юмди. У ҳамма нарсани унутди. Даша хола ҳам, Сабогулнинг бобоси ҳам олис-олисларга чекингандай бўлди. Қаршисида фақат Сабогул бўй-баста билан турарди. Қалбида яна сеҳрли бир

куй пайдо бўлди, қулоқлари остида жаранглай бошлади. У энди қалб торини чертаётган одамни билади, бинобарин ўзи-да содир бўлаётган ўзгаришнинг сабабини ортиқча ўйламай, туйғуларига эрк берди. Севгининг тотли шарбатини симираётгандек тамшаниб қўйди. Қўлларини икки ёққа таранг қилиб ёзиб керишди-да, секин келиб каравотига чўзилмоқчи бўлиб турганида, Сабогул кириб келди. Унинг чеҳраси анча ёришган бўлса-да, кўзлари ғамгин боқарди. У Шералига қараб қўйди-да:

— Қани, бемор, энгларини кўтарсинлар-чи, сўнгги нишимизни ҳам санчиб олайлик, кейин уколдан озодсиз,— деди қўлидаги шприцга ишора қилиб.

Шерали хона ўртасига келиб туриб қолди.

— Вой, мунча ошдан қуруқ қолган одамдай бўшашиб қолдингиз, кўтаринг энгингизни!— деди Сабогул бояги вазиятини бузмай, босиқ бир эркаланиш билан киприкларини пирпиратиб.

Шерали юракдан кулди. Унинг бу кулишида мамнуният акс этарди. Сабогулга завқ билан тикилиб туриб, энгининг тугмачасини ечди. Бир-икки қадам босиб, Сабогулга деярли жипслашди. Сабогул укол учун қулай ҳолатда туришни мўлжаллаб, бир қадам орқага тисарилди. Бироқ Шерали тегажаклик қилиб, яна у томон сурилди ва бўш қўли билан авайлабгина Сабогулнинг иссиқ белидан кучди.

— Шўхлик қилманг,— деб нозланди Сабогул, бироқ ўзини олиб қочмади.

Икковлари ҳам оғир нафас олардилар. Анча вақтдан сўнг Сабогул уйқудан уйғонгандек ўзига келди. Энгашиганча Шералининг мушаклари бўртиб турган ўнг қўлига қилдай игнани санчиб олдию, ўрнига пахта босди. Шералига «ушлаб туринг» дегандай имо қилиб, қўлидаги шприцни чаққонлик билан тумбочка устидаги никелланган стерилизаторга олиб бориб солди. Унинг қопқогини ёпа туриб, бошини Шерали томон бурди. У ўнг қўлини чўзганча физкультурачининг ҳайкалидек қотиб турарди.

— Эртага хайрлашарканмиз-да,— деди Сабогул эркаланган оҳангда ичидан тўлқинланиб келаётган ҳаяжонини босишга тиришиб.

— Айтиптилар-да!— деди ҳушига келиб Шерали ва қўлидаги пахтани бармоқлари орасида ғижимлаб, хомуш дераза томон йўналди.

Сабогул боши билан тасдиқ ишорасини берди. Нафас ростлаб, хўрсинди-ю: «Айтдилар!»— дея Шералига қаради. Шерали бу боқишдан «наҳотки шу билан бошқа бир-биримизни кўрмасак», деган маъно уқди. Сабогулга яқинроқ борди. Сабогул стерилизаторни тумбочканинг ўртароғига суриб қўйиш баҳонасида бошини бўриб, Шералидан кўзларини олиб қочди. Шерали қўлини Сабогулнинг елкасига қў-

йиб, ўзига тортди. Унинг сочларидан анқиётган ажиб ҳиддан маст бўлган одамдек каловланиб, қўлларини Сабогулнинг белига туширди. Сабогул индамасди. У қайрилиб Шералига қарашга жазм этолмаётган эди. Шерали буни сезди. Уни мулойимлик билан ўзига қаратди. Сабогулнинг кипригида ёш йилтилларди. Шерали кафти билан авайлаб артди. Унинг паришон сочларини силаб туриб шивирлади:

— Бирдан-бир ниятим хамиша сиз билан бўлиш, Сабогул!— Шерали энтикиб жим қолди. Иккиланди. Ниҳоят:— Наҳотки қорахат келган одамни кутиш керак бўлса?— деб қўшиб қўйди қалтироқ овозда ва Сабогулнинг кўзларига тикилди.

Сабогул чуқур уҳ тортди. Бир изтиробига минг изтироб қўшилгандек маъюсланди.

— Йўқ, Шерали ака, бобом...— у гапиролмади.

— Нима, бобонгиз?

— Йўл қўймайдилар.

— Йўл қўядилар.— Бу сўзларни шахдам айтди-ю, аммо Сабогулни хафа қилаётгандек гуялди ўзига. Ниҳоят:— Албатта, сиз рози бўлсангиз,— деб қўшиб қўйди босиқлик билан. Яна ноқулай жимлик. Назарида у гўё омонатгина илиниб турган баланд қояда туриптию, ҳозир ё тубсиз жарликка қулайди, ёки қаршисидаги само фариштаси уни қанотига ўтқазиб, фазо тўрига олиб кетади. Бу икки эҳтимолдан қай бири амалга ошишини кутиш сониялари шу қадар машаққатли эдики, Шерали юрагининг гупиллаб ураётганини ҳис этибгина қолмай, аниқ эшитиб ҳам турарди. Сабогул ҳамон жим. Шерали ҳаяжонини босишга уринар ва беихтиёр оёғи билан полни асабий тақиллатарди. Ниҳоят, Сабогулга қаради. Сабогул ҳам ҳаяжонини яширишга дармони етмагач, нажот тилаган каби Шералига тик боқди-ю, кўксига оҳиста бош қўйди. Бақувват қўллар Сабогулнинг нозик белига чирмашди...

\* \* \*

Қутбиддинлар хонага кирганда, Шерали рюкзагини эшик олдига олиб бориб қўйган, шифохона либосини топшириб, ўз уст-бошини кийиб олган эди. Шерали биринчи бўлиб Қутбиддиннинг қучоғига отилди. Виктор билан ҳам қучоқлашиб кўришгач, йўлакда йиманибгина жилмайиб турган Ошпаз бобо, Қиммат ва Бекка қўли билан «қани ичкарига», дегандек ишора қилиб, улар киргач, ҳаммалари билан бир-бир қучоқлашиб омонлашди.

— Оббо сен-е, жудаям соғинтириб қўйдинг, — Викторнинг чийиллаган овози эшитилди.

— Нимасини айтасиз, соғинтиргандаки,— дея Қутбиддин қўшилди тамаки ўрай туриб. Сўнг боши билан Ошпаз бобога ишора қилди.— Бобонинг ҳақингизга қилган дуоларидан тезроқ оёққа турган бўлсангиз ҳам ажаб эмас,— деди ялтираб турган бир текис тишларини атайин кўрсатгандай хоҳолаб куларкан.

— Ўзингизга зап эл қилиб қўйган экансиз, Шерали иним, Виктор айтгани рост, ҳаммамиз ҳам соғиндик.

Шерали кулиб, гоҳ бобога, гоҳ Қутбиддинга, гоҳ Викторга қараб бош чайқади. У бобога яқинлашиб, бақувват қўлларини унинг елкасига ташлади.

— Ўзларингиз-чи, ўзларингиз хаёлимдан нари кетмадинглар,— дея бобони авайлаб қучоғига тортди.

— Қани кетдик, бўлмаса, оғайнилар, ҳар ишнинг бир вақти, ҳар вақтнинг бир иши бор, деган экан машойихлар, ҳозир гап сотиб ўтирадиган фурсат эмас. Йўл олис. Қолганини кейин гаплашиб олармиз. Қоронғи чўкмай бирон манзилга етайлик, тезроқ Сталинободга жўнайлик,— дея энди қизиб келаётган суҳбатни узиб қўйди Қутбиддин ва биринчи бўлиб хонадан ўзи чиқди. Бек билан Қиммат чаққонлик билан Шералининг рюкзаги ва тугунини кўтариб олишди. Оппоқ чўққи соқолини силаб, завқ билан кулиб турган Бобо Шералига йўл берган эди:

— Йўғ-е, хижолат қилманг одамми, қани ўзлари...— дея қўл қовуштириб, бобога йўл берди Шерали.

Ҳаммадан кейин йўлакка чиққан Шерали бобога: «Мен ҳозир»,— тўхтаб, атрофга аланглади, сўнг қайтиб хонага кирди. Назарида, хона боши узра гир айлангандай бўлди. Қўз ўнги қоронғилашиб, каравотига ўтирди. У темир суянчигини чангаллаганча, бошини қўли устига қўйди. Аммо Қутбиддиннинг ҳозиргина айтган гапларини эслаб, ўрнидан турди. У Сабогулга муштоқ эди. Ҳадеганда кўринавермагач, қайтиб йўлакка чиқди. Бу ерда ҳам ҳеч ким кўринмасди. Йўлакнинг четроғидаги скамейкада ўтирган икки-уч бемор билан бош ирғаб саломлашди-ю, ҳамширалар хонаси томон юрди. Эшикни тақиллатиб, жавоб ҳам кутмай, ичкарига кирди. Хонада ҳеч ким йўқ. Сабогулнинг миҳда илтиқлиқ жигаранг камзулини кўриб, юраги шигиллаб кетди. Худди ўзи шу ерда, бирон жойда атайин яшириниб олгандай, Шерали медицинаментлар солиб қўйилган ойнабанд темир шкаф томонга қараб, томоқ қирди. Садо бўлмагач, шошилиб йўлакка отилди. Қўча эшигига яқинлашганда, ўнг томондаги хонадан Сабогул чиқди. Улар юзма-юз тўқнашиб, тўхтаб қолишди. Сабогулнинг қўлида стерилизатор. Чеҳраси тунд, қизаринқираган маъюс кўзларини ерга қадади.

— Хайр, Сабогул, борган заҳоти хат ёзмам, қолган гапларни ўшанда гаплашиб оламиз, мени кутишяпти.

Сабогул бошини кўтариб, Шералига қараган эди, ўзини тутолмади, юзини буриб олди. Нафасини ростлаб олгач, ийманибгина:

— Яхши боринг, Шерали ака, хайр,— деди-ю, ҳўнграб юбормаслик учун гилосранг лабини тишлари билан маҳкам босди яна юзини четга буриб.

Шерали тўлқинланиб кетди. Сабогулнинг билагидан ушлаб ўзига қаратди, қалтироқ овозда:

— Яқин-орада кўришгунча,— деди. У калта-калта нафас оларди. Боя беморлар ўтирган скамейкага кўз қирини ташламоқчи бўлиб бошини бурган эди, Сабогул унинг ўнг юзидан «чўлп» этиб ўпиб, ҳамширалар хонаси томон чопди. Довдираб қолган Шерали Сабогулнинг орқасидан юрган эди, ёнгинасида ердан чиққандай ҳозир бўлган Викторга кўзи тушиб, тўхтади.

— Қани, бўлсинлар, етар битта ширин бўсанинг ўзи ҳам, кутиб қолдик-ку!— деди заҳарханда билан Виктор.

Шерали ҳозир уни нимталаб ташлашга тайёр эди, бироқ индамай, кўча эшиги томон илдам юриб кетди.

\* \* \*

Бир ёғи ҳайбатли тоғ қоялари, иккинчи томони уфққа туташган Хорогнинг ўзгарувчан об-ҳавосига тоғликлар ўрганиб қолишганидан бўлса керак, ортиқча эътибор беришмаса ҳам, аммо у бошқа ёқдан келганларни ҳайратга солиши табиий. Қутбиддинлар Шералининг олдига кириб-чиққанларича бир пиёла чой ичгудек вақт ўтар-ўтмади-ю, тоғ ёнбағридаги мўъжазгина шаҳарча осмонидан чарақлаб турган қуёш ўрнини дастлаб булутлар тўдаси қоплаб, изғирин шамол бошланди. Сўнгра майда ёмғир шивалаб қолди. Ҳадемай ёмғир қорга айланиб, расмана қиш чилласидагидек атроф оқара бошлади. Шерали қўлларини ишқалаганча эшик олдида унинг рюкзagini кўтариб турган Қимматга кулиб яқинлашди. Қиммат унинг мақсадини тушунгандек рюкзакни скамейка устига қўйди. Шерали рюкзакнинг титилаёзган брезент тасмасини авайлаб очиб, ёқалари, ёнги титилган, кирланиб, қўнғир тусга кирган камзулини олди. Уни кийди-ю, чеккада тамаки буруқсатаётган Қутбиддинга команда кутиб турган солдатдек қаради. Қутбиддин охиригача тутатиб тугатган тамакисини ташлади. Кўкка қаради, кўзларини қисганча, жимирлаб тушаётган қор учқунларига завқ билан тикилиб туриб:

— Қани, чиқдик бўлмаса машинага,— деди Шералига.

Шерали рюкзagini кўтариб зинадан пастга тушгач, Қутбиддин қор учқунларидан кўзини узиб, шапкасини бостириб

кийди. Ошпаз бобо яқинлашиб: «Қани, хайрлашайлик-чи»,— дея кулиб қучоғини очди. Айни чоғда бобога миннатдорлик билдирди.

— Раҳмат, отахон, хайрли кунларда учрашайлик.

Қутбиддин Қиммат ва Бек билан ҳам худди шундай қучоқлашиб хайрлашди.

Ошпаз бобо Шерали билан хайрлаша туриб, кўзига ёш олди. Бобо нафасини ростлаб, бир нима демоқчи бўлиб турганида, полуторка шифохона эшиги олдига келиб тўхтади-ю, бобо «машина келди», дегандек Қутбиддинга қаради. Ўзи ҳам Шерали билан унинг елкасидан қўлини туширмай машина томон юрди.

Қутбиддин кабинага, Виктор билан Шерали кузовга чиқиб, ўрнашиб олишди. Виктор йўл ёқасида қўлларини кўксига қўйиб турган Ошпаз бобо, Қиммат ва Бекка қўл силкитиб хайрлашгач, Шералига хўмрайиб, машина кабинаси орақасига тираб қўйган нарсалари устига бориб ўтирди. Шерали Викторнинг ҳурпайганини пайқамади. Унинг интизор кўзлари шифохона эшик ва деразаларида, Сабогулни кўриш иштиёқида ёнарди. Мотор гуриллади, машина силкиниб, ўрнидан қўзғалди. Шералининг юраги узилиб кетгандай, аъзойи бадани шув этди-ю, беихтиёр ўрнидан туриб кетди.

Шифохона эшиги олдида Сабогул гулдор рўмолини силкитиб турарди. Шералининг кўз ўнгиди севгилисининг чиройли қоматигина кўринар, Ошпаз бобо ҳам, Қиммат билан Бек ҳам, ҳатто ҳайбатли тоғлар ҳам шу кичкина жусса соясида йўқ бўлиб, сингиб кетган эди. Шерали ўзини ўнглаб, қайтиб ўрнига ўтирганда, машина анча олислаб кетган, ҳамон жимираб тушаётган қор учқунлари орасида Сабогулнинг гулдор рўмолигина чайқалиб турар, атрофга эса ундан ажиб хид таралаётгандек эди.

\* \* \*

Машина Сталинободга икки кундан кейин Ноябрь байрами куни хуфтонга яқин етиб келди. Қутбиддин байрамлигини ҳам, кеч кириб қолганини ҳам ўйламай, машинани экспедиция бошқармаси жойлашган бино томон ҳайдашга буюрди. У ердан ҳеч кимни тополмади. Навбатчига бир нима деб уқтириб, машина олдига келди. Бошини буриб: «Чойхона қаерда?»— деб сўради.

Машина изига қайтиб, шаҳарга кираверишдаги пасқам кўчалардан бирининг муюлишида туйнугидан чироқнинг тасмадай хира ёғдуси йўлга тушиб турган чойхона олдида тўхтади. Қутбиддиннинг чойхонага киришга ундаб қистаганига қарамай, шофёр узр сўраб, хайрлашди.

Харилари қурумдан қорайган, деворларига фронтга ва фронт учун меҳнат қилишга даъват этадиган плакатлар қа-

лаштирилган чоғроқ хонага кирган одам дафъатан ҳеч кимни кўролмасди. Қуюқ буғ ва тутун орасида одамлар ғала-говуригина эшитилиб, иссиқ аралаш аччиқ бир ҳид гуп этиб димоққа уриларди. Шерали Қутбиддин билан Виктордан кейин хонага кириб, остона олдида туриб қолди. Атрофга кўз ташлади. Бурчак-бурчакда иккитадан, учтадан бўлиб, ҳар бир тўп ўзича алланималар тўғрисида бақириб-чақириб баҳслашиб ўтирарди. Кираверишда, эшик кесакисининг устига ўрнаштирилган, анчадан буён қўл тегмаганидан ис босиб кетган думалоқ қора радиокарнай хириллар, аммо ҳар ким ўзи билан бўлиб, унга ҳеч ким эътибор бермаётган эди. Унг қўл томонда — хонанинг тўрида кичикроқ сариқ мис самовар, ёнидаги токчада бўш стаканлар, шиша банкалар ва тунука чойнаклар териб қўйилган. Самоварчи эшик олдида одам турганини кўргач, оқсоқланиб, уларга яқинлашди.

— Ассалому алайкум, марҳабо,— деди мулойимлик билан ёши етмишлардан ошган оппоқ соқолли қотмагина чол қўлидаги самовар — сочиқни елкасига ташлаб.

Қутбиддин унинг саломига алик олгач, тунни шу ерда ўтказиш ниятида келганларини билдирди.

— Бош устига, марҳабо, ўғлим, қани, бу ёққа, ман ҳозир...— Чол шундай деди-ю, соқолини тутамлаб туриб, атрофга аланглади. Ҳаммаёқда ғуж-ғуж одам. Самоварнинг чап томонидаги панжара билан тўсилган қизил бурчакка қаради-ю, мушқули осон бўлгандек, чеҳраси ёришди. Шералини имлади.— Ҳу, ўша устални бу ёққа оламиз, ўғлим,— деди илтижо билан қўлини кўксига қўйиб.

Шерали рюкзagini ерга қўйишга қулайроқ жой қидириб ёнига қараган эди, Виктор: «Ол бу ёққа»,— деди жилмайиб. Шерали ҳам кулди. Рюкзакни узатиб, чолнинг орқасидан эргашди. Иккита тахтадан омонатгина тиклаб, устига қизил алвон ташлаб қўйилган стол устида уч-тўртта журнал, турли брошюра ва ҳар хил газеталар бетартиб ётарди. Чол чаққонлик билан уларни қизил алвонга ўради. Бир чеккага олиб бориб қўйгач, стол деб номланган тахтанинг бир ёғидан кўтариб, самовар томон юрди. Шолча хизматини ўтайвериб, илматешик бўлган брезентни олиб келиб ерга ёзди. Шундан сўнг икки қўлини кўксига қўйиб:

— Қандай чой дамлаб берай?— деди Қутбиддинга му-рожаат қилиб.

— Фамил чой бўла қолсин,— деди кулиб Қутбиддин.

Чол қопқоғидан вишиллаб буғ чиқаётган самовар олдида борди. Қуруқ тунука чойнакка туйилган чойдан ташлаб, жўмакни бурди. Қайтиб келиб, брезент-шолчанинг бир четига омонатгина ўтирди. Дамлаб келган чойдан шиша банкани сочиқ билан ушлаб қўйиб, бир-икки қайтарди.

Яна бориб патнисда туршак, майиз, чақилган ёнғоқ келтирди.

— Айб этмайсизлар, нонимиз йўқ,— деди узрли оҳангда чол. Ўрнашиб олиб, чойдан қуйди. Қутбиддинга узата туриб:— Биз томонларга хуш келибсизлар, сўраганинг айби йўқ, қаерлардан келяписизлар?— деди нурсиз кўзларини савол назари билан Қутбиддинга тикиб.

— Узоқдан келяпмиз, ота, Помирдан... геологлармиз...— деди Қутбиддин чолнинг ўнг қўлини қулогига тутиб, диққат билан қулоқ бераётганини кўриб баландроқ овозда.

— Ҳа, эшитганим бор, бачалигимизда «жавоҳир кони», дейишарди.

Чол шундай деб Қутбиддиннинг қўлидан «пиёла»ни олди, яна чой қуйиб, Шералига узатди.

— Узингиз ҳорманг, отахон, кексайганда бундоқ оёқни узатиб уйда ўтирмайсизми?

Қутбиддиннинг бу гапидан кейин чол маъюсланиб бош ирғаб қуйди-ю, ютинди. Титилиб, пахтаси чиқиб ётган қора сатин чопонининг барини кўтарди. Суякларни туртиб турган кафтини ростлаб, яктаги чўнтагидан кармонини олди. Яна жойига ўрнашиб ўтиргач, кармоннинг ичидан сурат олиб, Қутбиддинга узатди.

— Мана бу паҳлавонлар тирик бўлганида шундай юрармидим?— деди бошини сарак-сарак қилиб чол ва кўз ёшини енгги билан артгач:— Эккаласи ҳам ўлди, отинг ўчгур Гитлер ўқига учди.— Чол бошини чайқаб жим қолди.

— Юрт бошига тушган мотам бу, ота, куюнманг, бу кунлар ҳам ўтар,— деб далда берди Қутбиддин суратни кўздан кечириб Шералига узатаркан, шу билан чолнинг дардини юмшатмоқчи бўлгандек.

— Албатта, албатта, ўғлим, юрт бошига тушган мотам бу, аламзада бир манму! Бу-ку, шу-я! Аммо ичим ёнади-да! Қампир бултур болаларига «оҳ-уҳ» деб жигари тамом бўлди, қишдан чиқмай жон берди. Қоқбош бўлиб қолгандан кейин тўғри шаҳарқўмга бордим. Экки ўғлим ўлли, буни дардига чидамай хотун кетти. Бутун юрт отинг ўчгур Гитлерни йўқ қилишга уруняпти. Менгаям иш беринглар, болаларимни хуни учун қўлимдан келганини қиламан, дедим. «Раҳмат, ота, Сиз энди қариб қолдингиз. Дам олинг»,— деди шаҳаркомми каттаси. «Йўқ,— дедим,— бўлмаса ҳовлимиздаги катта уйнинг эшигини кўча томонга кўчириб беринглар, чойхона очиб, одамлар ҳожатини чиқараман»,— деб туриб олдим. Сўғун шундай катта одам ўрнидан туриб, ўтирган усталини қўйиб, олдимга келди, елкамга қўлини ташлаб: «Раҳмат, отахон, ҳимматингизга офарин, майли, шу билан хурсанд бўлсангиз, сизга рухсат»,— деди умридан барака топкур. «Раҳмат»,— деб ўрнимдан турсам: «Тўхтанг»,— деди-ю, бир ёққа тelifун қелле. «Эртага горторгга учранг»,— деди

менга қараб. Шу-шу уйим чойхона бўлди. Ҳў, ана у эшикдан ҳовлига чиқсангиз,— деди у кўк томирлари бўртиб турган озгин қўли билан хона бурчагидаги эшикка ишора қилиб,— яна битта кичкинагина уйча бор. Чойхонада одамлар тинчигач, чиқиб бир дам мизиб оламан.

— Қончай, бабай! Информбюро!

Чол ўгирилиб қаради. Хона ўртасида қўлтиқтаёқларини деворга тираб, гипсланган ўнг оёғини чўзиб ўтирган папахли барзанги солдат радиокарнайга ишора қилиб, «Жим бўл!»— дегандек қўли билан оғзини тўсди. Чол ҳам «тушундим, хўп», дегандек бош қимирлатди-ю, радиокарнайга тикилиб қолди. Хона сув қуйгандай тинчиди. Кўзлар радиокарнайга қадалди. Шўх музика оҳанги тингач, орадан ярим минут ўтар-ўтмас Левитаннинг салобатли овози янгради:

— Говорит Москва!

Хонага сукунат чўкди. Бундан бир неча дақиқагина олдин гала-говурдан ўз овозларини ҳам эшитолмай, бошлари гувиллаб ўтирган одамлар энди нафасларини ютиб, Москва овозини, Олий Бош Қўмондон буйруғини тингламоқда эдилар.

«Қизил аскар ва қизил флотчи, сержант, офицер ва генерал ўртоқлар! Германияга, фашистлар каторгасига зўрлик билан ҳайдаб олиб кетилган оғанини ва опа-сингиллар!

Сизларни Совет ҳукумати ва большевистик партиямиз номидан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг йигирма етти йиллиги билан қутлайман ва табриклайман. Биз Октябрь революциясининг йигирма етти йиллигини Қизил Армия Ватанимизнинг душманлари устидан ҳал қилувчи ғалабаларга эришган бир вазиятда байрам қилмоқдамиз. Қизил Армия ва совет халқининг қаҳрамонона ғайрати натижасида юртимиз немис-фашист босқинчилардан тозаланди...»

Папаха кийган солдат «Яшасин шонли Армиямиз!»— дея ҳаяжон ичида ҳайқириб телпагини шифтга қараб отди, бошқалар уни маъқуллагандек бош чайқадилар, хонада кўтаринки, қувноқ руҳ ҳукмрон бўлди. Кўплар солдат шинелида. Улардан айримлари госпиталдан соғайиб чиқиб, қисмларига кетаётганлар бўлса, баъзилари сафга яроқсиз топилиб, уйига қайтаётган ногиронлар эди. Қутбиддинлар сингари юмуш билан келиб, тунни ўтказётганлар жуда озчилик эди.

Кимдир чой сўради. Чол каловланиб ўрнидан турди. Виктор узатган суратни олиб, авайлаб чўнтагига солгач, дард билан бош чайқаб, ўрнига борди, тоқчадаги чойнакка бир чимдим чой ташлаб, самовар жўмрагини буради.

Хонадагилар боягина ҳар ким ўз тўпи билан гурунглашиб ўтирган бўлса, энди ҳамма ўзаро фикр алмашишар, ғалабаларимизнинг асосий омиллари тўғрисида ҳар ким ўз билга-

нича жон куйдириб гапирар, қувончини ифодалашга ошиқарди. Папаха кийган солдат ҳаммадан кўпроқ гапирарди. Унинг дўриллаган йўгон овози эшитилганда бошқалар жим қолишарди.

— Мен сизларга айтсам,— дея ғазаб чақнаб турган кўк кўзларини шифтга қадаб сўз бошлади папахали солдат,— бизнинг фронтда тойчоқдек илгарилаб бораётганимиз, ғалабамизни мана шу ерда, юрт ичкарисиди,— у тошдай муштумини ерга урди,— ҳал қилишди. Меҳнаткаш халқимиз ҳал қилди. Фронт орқасида қолган кексалар, хотин-халаж, болачақаларимиз кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, жони ҳалқумига тиқилгунча ишлади. Фронт учун дон беришди, нон беришди, озиқ-овқат беришди, қуроғларимизни шай қилиб туришди, ҳатто иссиқ қўлқоп ва пайпоқларгача беришди, уйда қолган болаларимизни бағриларига босиб, бошини силашди. Мен уларга бир умр таъзим қиламан.— У шундай деб ерда ётган папахани қўлига олиб, бошини ерга теккудек эгди.— Ҳа,— дея сўзини давом эттирди,— мана шундоқ таъзини этаман. Ҳу, ана у чолни кўряпсанларми?— солдат папахасини ушлаб турган қўлини самоварчи чол томон чўзди.— Унинг ўрнига бошқа киши бўлганда, ер тишлаб ётарди. У бўлса мана шу ўз уйини чойхона қилиб, бизга ўхшаганларнинг ҳолатимизни чиқаряпти, озми-кўпми юртга қарашяпти. Бундайлар озми? Украинада бўлдим, Белоруссия тупроғида қон кечдим, буюк ва муқаддас рус тупроғининг ҳар бир қаричи учун жон олиб, жон бердим. Ҳамма ерда халқимизнинг мислсиз жасоратини кўрдим. Ўзи емайди, солдатга едиради, ўзининг жонини таҳлика остига қўяди, солдатни уйда яширади, оёқ яланг қор кечади, сўнгги пиймасини жангчиларга икки қўллаб тутқазади. Жасорат бўлса шунчалик бўлади. Фидойиликнинг ҳам чегараси шудир-да, ахир!— солдат оғир хўрсиниб, кўзларини катта очганча атрофдагиларга бир-бир қараб қўйгач: «Шундай эмасми, дўстлар?»— деди ҳаяжон ичиди.

Одамлар ғала-ғовури боягидан кўпайди. Ҳар ким ўзича бир нима деб папахали солдатнинг гапларини маъқуллашди.

Папахали солдат атрофга виқор билан қараб қўйди, папахасини бостириб кийиб, шиша банкадаги чойдан қўйди. Бир ҳўплади-ю, хиёл қалтираётган чап қўлини кўксига қўйиб, бошини эгди.

— Спасибо тебе, бабай!— деди чолга қараб шу билан гўё бутун халққа миннатдорчилигини изҳор этгандек...

Самоварчи чол тун ярмидан оққанда ҳам ғимирлаб юрган эди. Шерали иккинчи марта чолга қарашаман деб борганида: «Йўқ, ўғлим, меҳмонсиз, уят бўлади, ўзим ҳозир саранжомлаб оламан»,— деб унамади. Шундан сўнг Шерали кўчага чиқди. Муюлишдаги харсангтоша ўтириб разм солди. Ҳавони кечагидек булут қоплаган. Тутунсимон юпқа туман

оралаб эсаётган муздай шабада этни жунжитаётган эди. Шерали ўнг қўлини энгагига тираб, ўйланиб қолди. Туман ортидан элас-элас кўзга чалинаётган баланд-паст иморатлар кўзига ҳайбатли қоялардек кўриниб, чўққидан илсини бўлиб пастга тушган сўқмоқдан оқ халатининг икки бари бургут қанотларидек икки ёққа кўтарилиб, Сабогул фаришта-лардек енгил учиб келарди. Шералининг хаёлига қаерданам Бальзакнинг «Аёллар инсон билан фаришта ўртасидаги чегара» деган ибораси келиб, мийиғида кулдию, аммо шу заҳотиёқ юзидаги кулги йўқолди, қиёфаси жиддийлашди. Хаёлида яна Сабогул жоиланди. Уни ўзи билган аёллар билан солиштира бошлади. Сабогул ҳар жиҳатдан устун келаверди. Тўғрироғи, Шерали Сабогулдан нуқул фазилат топар эди. Назарида, Сабогул бутун дунё аёллари орасида барнолик валатофат, иффат ва назокатнинг бекаму кўст, мукаммал рамзи эди. Шерали пешонасини панжалари орасига олиб, уқалаб туриб, шу ҳақда ўйлай бошлаганида, Сабогул сиймоси улкан ҳайкалдек пайдо бўлди-ю, кўз олдидан сира нари кетмай қолди. Шерали ўйчан кўзларини йўлдан узиб, ўрнидан турди. Сабогул ҳақида ўйлаш унинг учун нондек, ҳаводек, сувдек зарурий эҳтиёжга айланиб қолганини чуқур ҳис этди. Секин одимлаб келиб, чойхона эшигидан кирганда, ҳамма ширин уйқуда, папахали солдатгина бошини эгиб, тамаки буруқсатиб ўтирарди. Шералига бошдан-оёқ бир қараб қўйди-ю: «Эшикни занжирла!»— деди «Бемаҳалда нима қилиб юрибсан?»— дегандек зарда билан. Шералини яна бир кўздан кечиргач, чўзиллиб, папахини бурни устига туширди. Шерали оёқ учида келиб, девор тагида бир ёнбошда ухлашгагина етадиган жойга ўтирди. Виктор билан Қутбиддин ҳам ёнбошларида ётишган эди. Шерали Қутбиддиннинг устидан сирғалиб тушган фуфайкасини эҳтиётлик билан унинг елкаси томон тортиб қўйгач, ўша эҳтиёткорлик билан ўрнига чўзилди. Самоварчи чол ҳовли томондаги пастак эшикдан чиқиб, самоварга яқинлашди. Энгашиб, яшикдан икки бўлак кўмир олиб солди. Сим билан самовар ўтхонасини бир-икки қовлади-ю, ҳаво чиқишга лойиқ жой қолдириб, устига яримта фишт қўйди. Жўмракдан милдиратиб сув қўйиб, юз-қўлини чайди, белбоғига артиниб, атрофни кўздан кечиргач, чироқни ўчирди. Оёқ учида юриб бориб, ҳовлига чиқди. Чолнинг ҳаракатларини кузатиб турган Шерали у кетганидан кейин ҳам самовар ёнидаги кичкинагина деразадан кўча томонга қараб, анчагача уйғоқ ётди. Туман тарқади. Тасмадек бўлиб хонага сирғалиб кирган ой нури самовар устида жимирлаб турди-ю, сўнг шифтга кўтарилди. Шерали деразанинг кичкинагина ойнасида кириб, шифтнинг косадек жойига қадалиб қолган ёғдуга қараб, маст одамдек карахт бўлиб энди мизғий бошлаганида, Қутбиддин: «Қани, туринглар!»— деб уни туртиб қўйди.

Тошкентдек шахри азимда Шерали кетганидан буён таллайгина янгиликлар содир бўлган бўлса бордиру, аммо у истиқомат қилаётган мўъжазгина ётоқхонада ҳеч нарсга ўзгаргани йўқ. Ҳамма нарсга ўша-ўша. Қарим билан Омонгина бот-бот икир-чикирлар устида чўқишиб қолишар, бунинг ниҳояси ким енгилшга айланиб, ҳар икки томон устунликни қўлга олишга интиларди. Ҳозирги можаронинг боши ҳам арзимаган бир кўзгу устида бошланди.

— Ётоқхона, ўртоқ геохимик,— дея хўроздек ҳурпайди Қарим,— одамлар бирга яшайдиган жой. Шунинг ҳам бир библи қўйингки, хона ҳамма учун умумий бўлгани билан ундаги шахсий буюмлар бундан мустасно.

— Ахир тушунсанг-чи!— Омон ҳали чинакамига қизишмаган, бинобарин масалани Қаримга ётиги билан тушунтирди.— Ойгани Зарифа сеникилигини билмай олипти, шунга ҳам ота гўри — қозихонами?

— Мен Зарифангки билмайман. Ойна кимники? Меники. Сўрамай олишга унинг нима ҳақи бору сенинг ўз молингдек бериб юборишга!..

Шу пайт эшик тақилламаганда, бу жанжалнинг нима билан тугаши номаълум эди. Қарим норози қиёфада эшикка хўмрайиб қўйди-ю, қўл силтаб чиқиб гетди.

Йўлакда Зарифа кўринди. Эгилди тўқ гилосранг кўйлак. Оёғида гулчини қайчилаб ташланиб, шкппак ҳолига келтирилган эски оқ туфлиси. Келинган қоматининг янада бўрттириб кўрсатиш, бутун гавдасидаги мутаносиблигини сақлашга мослашгандай оппоқ миқти болдирлари хусн-жамолини кўз-кўз қилаётган каби ялтиларди. Омон унга қаради-ю, ҳозиргина бўлиб ўтган машмашани ҳам унутди. Мўъжиза кўргандай, завқланиб тикилиб қолди. Қизнинг катта-катта кўзлари: «Нега менга қараяпсиз?»— дегандек истиғно билан Омонга кулиб турарди. Жилвагар кўзлар Омонни тамоман ўзига мафтун этди. Омон завқ билан жилмайди.

— Келинг, Зарифахон, ўтиринг,— деди стол остида курсини олиб, олдинроққа суриб қўяркан қиздан ҳамон кўз узмай.

Зарифа индамай қўлидаги қизил олмани карсиллатиб тишлаган эди, шарбати бўса олишгагина яратилгандек бўртиқ лабларида мавж уриб жимирлади. Кулиб туриб оғзидаги олмани чайнаб ютгач, ўша истиғно билан:— Зарифахон эмас, Заремахон! — дея Омонга зимдан қараб курсига ўтирди. Қўлидаги олманинг бутун томонини Омонга тутиб, нозланди: •

— Битта тишланг!

Омон олмага эмас, қизнинг нозик, узун, оппоқ бармоқларига тикилиб:

— Раҳмат, Зарифахон, ўзингиз...— деди-ю, ютинди.

— Менинг отим Зарема,— қайтарди осойишталик билан у. Олмадан яна бир тишлаб, чайнаб ютгач:— Отамнинг арвоҳларини безовта қила кўрманг, у киши мени шундай атаганлар,— деб қўшиб қўйди.

— Муқаддас жангда шаҳид бўлганларда арвоҳ нима қилсин, Зарема?— деди Омон жиддий қиёфада қизнинг ёқасидан хиёл кўриниб турган тиниқ, оқ лўппи кўкракларига суқланиб боқаркан.

— Бу бошқа гап,— Зарифа айтган еридан кесганига мамнун жилмайди.

— Арвоҳлари бўлмаса, ўзлари хафа бўладилар, у киши мен учун ҳамиша тириклар,— деди сукут сақлаб, ниманидир ўйлаб туриб.— Ойим билан ҳам шу хусусда нуқул тортишардилар. Ойим бошимни силаб туриб: «Заремаси нимаси, жон дадаси, Зарифанинг ўзи қандоқ чиройли», деб қўярдилар кулиб. У киши доим кулиб гапирадилар. Ҳозир ҳам бир нима демоқчи бўлсалар, олдин оппоқ юзларида кулгичлари кўриниб, сўнг майин жилмайиб, сўз бошлайдилар.

— Ойингиз ҳам ўзингизга ўхшарканлар-да?— Омон Зарифанинг ҳамон: «Қочинг, қанақа одамсиз!»— дегандек боқиб турган кўзларига суқланиб қаради.

— Бе, қаёқда, менга йўл бўлсин у кишига ўхшашга, ойим асил олтин одам.— Зарифа бир текис чиройли тишларини кўрсатиб кулди.

— Сиз-чи? Сиз оқ олтинмисиз?

Зарифа Омоннинг гапига эътибор ҳам бермай:

— Вуй-й-й, бу кишини қаранг,— дея чапак чалворди.— Бугун лекция пайтида бир аудитория одам шу сўзни тополмагандик. Домла «платина» деб туриб қошини чимирганча ўйлади-ю, сўнг қўлини силтаб: «Хуллас, платина...» деб сўзини давом эттирди. Болалар танаффус вақтида роса ўйлашди. Эртагаёқ ҳаммага: «Платинанинг ўзбекча таржимаси — оқ олтин бўлади, уни мен топдим», деб мақтаниб қўяман, қарши эмасмисиз?— Зарифа бошини ўнг томонга қийшайтириб, савол назари билан кулиб қаради Омонга.

— Қарши эмасмиз, фақат саволимизга жавоб бериш шарти билан.

— Саволингизгами?— Зарифа унча қалин бўлмаса ҳам қалдирғоч қанотидек қайрилма қора қошларини чимириб, ўйланиб турди-да, тўсатдан:— Мен оқ олтин ҳам, асил олтин ҳам эмас, романтикман,— деди ярим юмуқ кўзларини Омондан узмай. Сўнг енгил хўрсиниб:— Баланд тоғлар ҳамиша мени қуршаб турса дейман, шу тоғларнинг бошидаги ажойиб боғларда сайр қилсам, хаёлимдаги барно йигит ёнимда бўлса дейман,— у бурилиб, карашма билан Омонга қараб қўйди,— у сўзласа, мен тингласам, мен сўзласам, у тингласа дейман, тоғ этагида ихчамгина уйимиз бўлса, ишхона ҳам шунда бўл-

са дейман... — Зарифа бошини хиёл орқага ташлаб кўзларини юмиб: — Яна нима десам дейман.

— Сигир-бузоқ, бир тўда бола бўлса, деб қўшиб қўйинг, — деди Омон ўзини кулгидан тиёлмай.

Зарифа қўлини кўтарди: — Йўқ, йўқ, шошмай туринг, биласизми яна нима бўлсин дейман?

Омон Зарифага савол назари билан тикилди.

— Рўпарамдаги турган шу йигит оптимист бўлса, фанда йиллар чўзилиб ётган муаммоларни кўз очиб-юмгунча ечса дейман...

Омон шартта бурилиб, дераза томон юрди.

— Йўқ-йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Фан эртақ ҳам, хаёлпарастлик ҳам эмас сизга! — деди Зарифанинг бутун романтик хаёлларига жиддий тус бериб, кўзларини деразанинг кичкинагина хира ойнасидан ташқарига тикаркан.

— Хўш, фан хаёл маҳсули бўлмаса, нима у, айтинг? — деди Зарифа ҳам энди жиддий оҳангда. У Омоннинг ҳамма нарсани расмий жиҳатдан мушоҳада этишини билгани учун фикрини далил билан исботламоқчи бўлди. Иккинчидан, ўз-ўзини кўз-кўз қилиш одати ҳам йўқ эмас эди унда. Бинобарин Зарифа энди чинакам баҳслашувга шайланиб, фикрини давом эттирди. — У ёғини суриштирсангиз, Владимир Ильич Ленин фантазия, бу бебаҳо фазилатдир, — деган. — Зарифа бу сўзларнинг Омонга қанчалик таъсир этаётганини билиш учун зимдан қаради-ю, ўша-ўша жиддий қиёфада: — Хўш, Пушкин бу ҳақда нима деганини биласизми? — деди энди Омонга тик боқиб. Аммо шу заҳотиёқ худди Омон ҳозир лоп этиб Пушкиннинг бу ҳақдаги фикрини айтиб қўяётгандек шоша-пиша саволига ўзи жавоб берди: — «Чинакам хаёл — гениал билим талаб этади». Пушкиннинг гапини эшитдингизми? Сиз бўлсангиз... — Зарифа баҳсдан қизарган ёноқларига ихчам кафтларини босди, Омоннинг шахтидан тушиб, кулиб турганини кўргач, бўшашди. «Ҳолингиз қалай, ўртоқ?» — дегандек қараб қолди унга.

Омон ҳар гал бунақа тортишувлар Зарифанинг кўз ёши билан хотималанишини билгани учун ён босмоқчи бўлган эди.

— Фараз этайлик, булар — хаёл маҳсули бўлсин, аммо хаёлпарастлик эмас-да, Зарифахон, — деди мулоиймлик билан, айни чоғда таслим бўлмаганини ифодалаб.

Зарифа бунга сезди. Сезди-ю, ижирғанди. Ҳозир қаршисида ўзига сўзсиз бўйин эгиб, айтганини қўллаб-қувватлайдиган, маъқуллайдиган киши туришини истаб, худди шундай одамни хаёл кўзгусида кўрмоқчи бўлгандек кўзларини юмди.

Омон Зарифанинг анчадан буён шундай сиёсат юритаётганини, уни «гаҳ» деганда қўлга қўндирадиган қилишга уринаётганини биларди. Бунга гурури сира йўл бермаслигини, ҳеч

қачон Зарифа айтганча бўлмаслигини ҳам яхши биларди. Қизни қўлдан чиқармаслик учун баъзан ўзини енгилган кўрсатар, бу билан орадаги муносабатларни сақлаб қолишга муваффақ бўларди. Ҳозир ҳам кўнгил майлига қараб юмшад-ю, аммо йигитлик гурури устун келди. Бир нима демоқчи бўлиб бошини кўтарган эди, Зарифа кескин бурилиб, эшик томон юрди.

— Зарифа, шошманг!— деди Омон анча жиддий оҳангда, гўё ҳозир дилидаги бутун гапни айтадигандек.

Зарифа қўлини эшик тутқичидан олиб, Омонга қаради.

— Биласизми, Зарифа!

Омон қатъий гап бошлаган эди, эшик очилиб, остона олдига Шерали пайдо бўлди. Унинг уст-боши чанг, соч-соқоллари ҳурпайган. Омон ҳозирги ҳолатидан чиқолмай, довдираб қолди. Шералининг: «Нима бало, танимай қолдингми?»— деган хитобидан кейингина ўзига келди, Шералига қучоқ очди. Шерали орқасидаги рюкзакни каравоти тагига қўйиб, Зарифага қўл узатди.

— Дурустмисиз, ўқишлар жойидами?— у қизнинг оппоқ қўлларини қўйиб юбормай:— Қани, ўтирмайсизми, халақит бердим шекилли?— деди бир Омонга, бир Зарифага қараб узра сўрагандек.

— Сира ҳазилингизни қўймайсиз-да, Шерали ака. Кетай деб ўрнимдан тургандим,— деди Зарифа Шералидан кўз узмай карашма билан унинг диққатини ўзига жалб этишга тиришиб. Бир нафас ростлаб:— Ўзингиз яхши келдингизми?— деди вазиятини бузмай. Шералидан расмий жавоб олгач:— Бўлмаса менга рухсат, кирарман,— деди-ю, эшикни очди.

— Оббо сен-е, сафарни жудаям катта қилвординглари, кимдир: «Ҳали қишлаб ҳам қолишмаса», деяётганди.— Омон Зарифа кетгач, ўзини ўнглаб, бемалолроқ гапира бошлади.

— Жудаям унчаликмас, қўшимча топшириқлар олдик,— деди Омоннинг елкасидан ушлаб қучоғига тортаркан Шерали.

— Ҳа, бундоқ дегин, мен бўлсам нуқул касал-пасал бўлдингларми деб ўйлаб юрибман.

Шерали Омоннинг бу гапидан кейин касалхонада ҳам ётиб чиққанини айтаман деб энди оғиз жуфтлаган эди, Омон: «Виктор қани?»— деб қолди.

— Шеригимиз Қутбиддин акани кузатгани кетди, ҳозир келади,— деди Шерали.

Касалхона ҳақида ҳеч нарса демади. Жигарранг костюмини ечиб, каравот тагидаги эски тоғорага қўл чўзди.

Омон «мен ҳозир», деб коридорга чиқди. Зум ўтмай, бир қўлида кружка, иккинчи қўлида бир челақ сув билан хонага кирган эди, Шерали: «Ўҳ-ҳў, меҳрибончилик зўру, бунчалик

экан, қани, чиқдик ҳовлига»,— деди қўйлак ва майкасини ҳам ечиб, тоғорани қўлига оларкан.

Шерали ювиниб, хонага кирганда, қоронғи чўккан, мил-тиллаб ёнаётган электрлампочка хона бурчакларидаги буюм-ларни ёритишга ҳам ожизлик қилмоқда эди. Шералининг га-ши келди. Ҳурпайган сочларини арта туриб, норози қиёфада лампочкага қараб қўйди.

— Нима бало, ҳалиям ўша-ўшами?— деди ниҳоят бу но-розилигини сиртига чиқариб.

— Ундан ҳам баттарроқ. Илгарилари ўн бирдан кейин хиёл ёришарди-ю. Ҳозир кечаси икки-учсиз ёруғлик кутма!— деди у пашша қўнаверганидан қорайган лампочкага тикилиб. Сўнг:— Ке, диққат бўлаверма, афт-ангоримизни қўриб туриб-мизу, ўтир-чи бундоқ, қорнинг ҳам очдир,— деб Шералининг елкасига қўл ташлади Омон. Шерали шимининг чўнтагидан тишлари синган қора тароғини олди. Сочини тарай ту-риб:

— Қорин-ку, очликка оч-а, шошмай тур, мозорбосди нар-саларни олайлик-чи,— деди Шерали қаппайиб турган рюкзак-ни каравоти тагидан олиб очаркан. Сўнг чўккалаб ўтирди. Икки ҳовучини тўлдириб бужмайганроқ туршак, яна шунча тутмайиз олиб, стол устига тўкди. Иккинчи марта энгашиб, суви қочган юпқа арпа нон олиб, столга қўйди. Сўнгра танта-навор тарзда бир банка гўшт консерва билан бир шиша вино олиб, Омонга узатгач, рюкзакни ёпиб, жойига қўйди.

Омон мамнун жилмайди.

— Ўҳ-ҳў, ишлар шоҳона-ку,— деди оғзининг таноби қо-чиб. Бизда ҳам ўзинг ўргатган қайнатишган картошкадан бор,— деб стол устига тунука тоғорачасини олиб келиб қўйди.

— Қайнатишгани ҳолва-ю, картошканинг пўсти бўлса ҳам олиб келавер, ҳаммасига ҳам ўрин топилади,— деди Шерали қўлларини ишқалаб туриб.

Омон тараддудланиб қолди.

— Нима бало, тагин ивирсиб қолдинг? Мундоқ ўтирсанг-чи энди!— Шерали хуноби ошиб ўшқирди.

Омон уни тинчлантирди.

— Секинроқ, оғайни, секинроқ! Йўлдан чарчаб келган одам асабийлашмаслиги керак. Саломатликка зиён бу. Битта стакан бор, иккинчисини қидиряпман. Тушунарлими энди?

— Ол-а, санам цивилизацияни ўрнига қўймагунча кўн-линг тинчимади, а? Ке, ўзимизнинг геологча қила қолайлик. Кружкани олиб ўтир! Мана, меники тайёр.— Шерали энга-шиб рюкзакдан кружкасини ҳам олди. Иккита кружкага ра-самади билан қуйиб:— Қани, дийдор кўришганимизга,— деб кўтарди.

Иккинчи кружкадан кейин Омон сафар таассуротларини

сўради. Шерали картошка еб туриб кўрганларини узук-юлуқ ҳикоя қилар, аммо бир ёқдан, чарчаганидан, иккинчи ёқдан, вино таъсир этиб, кўзлари юмила бошлади. Ортиқ чидаб туролмади. Омонга миннатдорчилик билдирди-ю, миқти гавдасини курсидан кўтарди. Ҳомуза тортганча каравоти олдиға бориб ечинди. Омондан рухсат сўраб, чироқни ўчирди, «Бир мириқиб ухлай», деб кўрпа орасига кирди.

Омон ҳам ноилож ечиниб, ўринга кирди. Орадан ярим соатлар ўтди. Бир маромда шивалаб ёғаётган ёмғирнинг дераза ойнасига урилиб, беҳол шпирлаши ва аҳён-аҳёнда катта кўчадан ўтаётган машиналарнинг овози Шералининг хурағи орасида аранг эшитилиб турарди. Омоннинг уйқуси қочди. Унг тирсагига тиралиб, қаддини ростлади. Юраги нимадандир ғаш. Боя Шералига Зарифа тўғрисидаги гапларни айтиб, кўнгил чигилини ёзмаганига ачинди. Шерали унинг Зарифага кўнгил қўйганини биларди. Аммо қизнинг инжиқлигини эшитгани учун Омон бир-икки гап очганда, «Қайдам, яхши қизга ўхшайди», деб қўя қолганди. Зарифанинг ҳардам хаёллиги, одамларга нисбатан фикрини тез-тез ўзгартириб туриши Шералининг ғашини келтирар, Карим билан ораларида ҳам бир-икки гап бўлганида, «ҳавойи қиз», деб чўрт кесиб қўйганди. Иккинчи томондан, Шерали қиздаги бу инжиқликни балки ёшлик кибр-ҳавосидандир, кейинчалик тузалиб кетар, деган умидда Омон билан унинг ўртасидаги муносабатларга аралашмасликни афзал билган эди. Бу ўзига хос қизнинг ҳусн-жамолига шайдо бўлиб юрган ёлғиз Омоннинг ўзи эмаслигини ҳам Шерали биларди. Аммо негадир йигитлардан биронтаси журъат этиб, Зарифага яқинлашмас, дилидагини айтмасди. Дуркунгина келишган қадди-қомати, сутга чайиб олгандек силлиқ юзи, бодом қовоқлари остидаги йирик кўзларига кўплар суқланиб боқар, ўз навбатида Зарифа ҳам уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида ноз-истиғно билан муомала қилар, бу эса йигитларни чўчитарди. Орқаворатдан кўрганларида, «гапга сол», дегандек бир-бирларига кўз қисишиб қўйишарди. Шуниси ҳам борки, Зарифа унча-мунча йигитни тан олиб яқинлашишга шошилмасди. Бу борада унинг ўз фикри бўлиб, буни сира ошкор қилмасди. Аммо ўқишга келганда, ўнта йигитни ортда қолдирарди. Кўп вақтини университетнинг донғи ётган асосий кутубхонасида ўтказар, геология учун зарур ёндош фанларни ҳам мустақил ўзлаштиришга интиларди. Омон билан ҳам кутубхона сабаб бўлиб, анча яқинлашиб қолди. Бошда Омонни кузатиб юрди. Бир-икки суҳбатлашганда, назарида фикри теран, мулоҳазалигина йигит бўлиб кўринди. Аспирантлигини билгандан кейин эса: «Эртаси порлоқ экан, қўлга қўнадиган бўлса бас»,— деб кўнглига тугди. Омон йўлакда тамаки тутатиб турганида, келиб, ҳол-аҳвол сўрайдиган, геологиянинг ҳозирги замон муаммолари устида суҳбатлашадиган бўлиб қолди. Хуллас, ўзининг

мойиллигини сездириб қўйди. Аммо кўп ўтмай, Омоннинг «гаҳ» деганда қўлга қўнавермаганидан иккиланиб қолди. Зарифадаги бу кайфиятни Омон ҳам сезди-ю, аммо ўз навбатида у ҳам бунини қизлик кибр-ҳавосига йўйиб, муносабатларини узмади. Орадан ўтган маълум вақт ичида Омон Зарифани чинакамига севиб қолди. Севги эса қиз характеридаги нуқсондан кўра кўпроқ фазилат изларди.

Омон бир кўнгли Шералини уйғотиб, бор гапни ўртага солмоқчи, маслаҳат сўрамоқчи бўлди. Аммо бу болаларча мушоҳадасидан уялиб, мийиғида кулди, оҳиста ўрнидан туриб, оёқ яланг дераза олдига борди. Ҳамон шивалаб ёғаётган ёмғир томчиларининг дераза ойнасига урилиб, шитирлашига қулоқ солди. Унинг ўйчан кўзлари ташқарига қадалган. Булутли осмон қора чодирга ўралгандек зим-зиё. Ҳовли юзи ялтиллади. Тўғрида ўқув корпусининг уч қаватли биноси қорайиб турибди. Ҳовлида одам қораси кўринди. Омон синчиклаб қаради. Келаётган киши Виктор эди. Омон апил-тапил шимини кийди, костюмининг елкасига ташлади-ю, йўлакка отилди.

— О, дўстим Омонвой, салом, қалайлар?— дея зил-замбил чамадонини ерга қўйиб, қучоғини очди Виктор. Бошқа вақтда ортиқча рўйхуш бериб гаплашмайдиган одам ҳозир ҳамхонасининг ахволини батафсил суриштириб билгандан кейингина чамадонига қўл узатган эди, Омон чаққонлик билан чамадонни кўтариб олди. Виктор хонага кириб, чироқни ёқди-ю:

— Оҳ-оҳ, жаноблари «тўнги мақомни» бошлаптиларда,— дея ҳазил қилган эди, Омон хахолаб кулиб юборди. Виктор «халақит берма, чарчаган» дегандек бармоқларини лабига босди.

— Тишшш...

## УН УЧИНЧИ БОБ

Шерали Сабогулни чиндан ҳам бутун қалб ҳарорати билан севиб қолганини бир неча кунлик айрилиқдан сўнг яққолроқ ҳис этди. Бошда унчалик билинмади-ю, кунлар ўтиши билан севги оташи жисмини ёндира бошлади. У иккинчи бир киши қалбидаги ўтли ҳарорат ва теран туйғуни қалбан шу қадар чуқур ҳис этиши мумкинлигини сира ўйламаган эди. Сабогул Шерали жисмининг ажралмас бир қисми бўлиб қолди. Гўё севишганларнинг туйғуларини бирлаштирадиган улкан магнит кўпроқ вужудга келиб, икки қалбни туташтирди. Севги Шералининг маънавий ҳаётига янги руҳ, ўзга мазмун олиб кираётганини, фақат эзгуликка, гўзалликка интилишга ундаётганини чуқурроқ ҳис эта бошлади. Бу туйғулар Шералини оламга тамоман бошқа кўз билан қарашга, инсон ақл-идроки учун мўъжиза ҳисобланган кашфиётлар яратишга ун-

дар, мукофотига эса қалбидаги кишининг биргина таҳсини, юрак олқишини олишга муяссар бўлишни истар эди. У туну кун диссертация устида ишлади. Асосий бобларни деярли поёнига етказди. Эндоген конлар бўйича сўнгги кандидатлик минимумини ҳам топириб бўлди. Аммо Павел Ивановичнинг: «Диссертациянинг жисмларининг келиб чиқиши ҳақидаги боби заифроқ кўринади, намуналар камлик қилади дейман, бўталоғим, яна бир-икки ой тош терасанми?»— деб мовий кўзларини шифтга тикиб кулгани Шералини ўйлантириб қўйди. Одатда Павел Иванович узил-кесил бажарилиши зарур ишлар устида тўхталганда, баъзиларга ўхшаб билимдонлигини кўрсатгандек чўрт узиб фармойиш бермас, шунақа тахмин қилиб гапирарди. Шерали домласининг: «Ишим Чорух Дайрондаги магматик формациялар деб ўзингни чеклаб қўйма, теварак-атрофдаги вазият билан ҳам танишсанг, кейинчалик яхшигина илмий ишга асос бўлармиди дейман», деган сўзларини ҳам эслаб, унинг айтганини дафъатан бажаришга қарор қилди. Ҳали баҳор чинакамига кирмаган, гоҳ илиқ, гоҳ ёғин-сочинли кунлар эди. Мўғултов этакларида бир ярим ой геологик қидирув ишлари олиб борди. Магматик формацияларга доир бутун далилларини яна бирма-бир кўздан кечирди, айрим қўшимчалар қилди.

Иш билан бўлиб, бир қадар овунганидан Шералига айрилиқ азоби билинмади. Бироқ Мўғултовдан қайтгандан кейин Шерали ўзини қўярга жой тополмай қолди. Шунинг учун бўлса керак, университетдан асосан студентлар учун Бурчмуллага уюштирилган экскурсияга ҳам бориб келди. Студентларга Шералидан бошқа яна бир-икки геолог ҳамроҳ бўлди.

Машина Ғазалкентга етганда, таниш далалар, тоғ чўққиларига, дараларга завқ билан нигоҳ ташлади. Бу ердаги мафтункор табиат нимаси биландир Хорогни эслатади. Кўз олдида Сабогул жонланди. Тоғ оралиғидан эсаётган муздек шабадага юз тутган Шерали гимнастёркасининг кўкрак чўнтагидан Сабогулнинг касалхона бланкасига ёзиб юборган кейинги хатини олиб хатолари бўлса ҳам, аммо жуда чиройли битилган ҳарфларга тикилиб ўқий бошлади: «Азизим Шерали ака, сиздан хат олган куни мен учун байрам бўлди. Қайта-қайта ўқидим. Жудаям ўрганиб қолган эканман. Бу қадар очиқ гапираётганимга ажабланманг. Тоғ қизиман. Баъзи бир шаҳарлик аёллардек ноз-истиғно билан пардали гапиришни билмайман. Менинг суҳбатдошим — эртақ сўйлаётгандек ҳаммаша шивирлаб турадиган ҳайбатли қоялар, тиниқ ирмоқлар. Айтадиган сўзларимни сиздан сира тортинмай, очиқ гапираётганимга ҳайрон қолманг. Шерали ака, ҳаётингизнинг ҳар бир дақиқаси мен учун азиз. Сизнинг ҳаётингиз алоҳида ҳаёт, ҳамманикидан бошқача, ўзингиз ҳам шундай, бошқачасиз... Эҳ-ҳҳ, нега энди сиз билан олдинроқ учрашмадим. Унда бу-

тун борлиғимни бошқача туйғу билан ҳис этган бўлур эдингиз. Бир нарсадан қўрқаман... мени... Кечирасиз, эзмалик қилиб валақлаяпман шекилли Мана бўлдим. Ҳозир тилимни тияман. Сизга бир умр содиқ Сабоғул».

Шерали хатни буклаб, чўнтағига солди. Хаёлида ҳамон Хорог. Қулоқлари остида Сабоғулнинг ёқимли овози жарангларди. Пастга қаради. Чотқол дарёси туйғуларини тасдиқлаётгандек энсиз, аммо хийла чуқур ўзанидан кўпирганча шовуллаб оқмоқда эди.

Бурчмуллага қош қорайганда етиб келишди. Ҳамма машинадан тушди. Лагерга ёлғизоёқ сўқмоқдан боришарди. Атроф сокин. Унсиз қоя этағидаги ям-яшил дарахтларнинг япроқлари оҳиста эсаётган муздай тоғ шамолидан тебраниб, атрофга ажиб бир ҳид таратарди. Гул ишқида маст бўлиб тинмай хониш қилаётган булбуллардан рашки келгандек ҳар замонда қишлоқнинг қозоқи итлари эринчоқлик билан вовиллаб қўяр, салобатли чўққиларгина табиатнинг жонли мавжудотларига парво қилмай, виқор билан савлат тўкиб турарди. Шерали тошлар орасидан шилдираб оқаётган муздек тиниқ сувда юзини чайди, катта харсанг устида ўтириб, атрофни кўздан кечирди. Қишлоқ устида юзлаб электр лампалари кўк гумбази остидаги беҳисоб юлдузлардек жимирларди. У бу ерларга қирқинчи йилларнинг бошларида келган эди. Ушанда кечқурунлари тоғ оралиғидаги бу шинам қишлоқни даҳшатли зулмат қопларди. Унда-мунда йилт этган лампачироқларнинг ёғдуси денгизга тушган томчидек тун қўйнига сингиб кетарди...

Икки геолог студентларни бошлаб йўлга тушишди. Мақсад уларни Саргардон вольфрам кони билан таништирмоқ, ўзлари ҳам янги материаллардан хабардор бўлмоқчи эдилар. Унча катта бўлмаганига ва анча олисда жойлашганига қарамай, бу кон ҳам фронт учун фашизм устидан ғалаба қозонишга ўз ҳиссасини қўшмоқда эди. Улар бурама сўқмоқдан занжирдек олдинма-кетин боришар, Шерали бу занжирнинг сўнгги ҳалқаси бўлиб, ҳорғин елкасини букканча ҳамон хаёл қуршовида илгариларди. Сўқмоқ тугаб, катта ялангликка чиқаётганда, Шералининг олдида бораётган практикант қиз «Уҳ-ҳҳ!»— деб ўтириб қолди. Олдинги студентлар анча илгарилаб кетишганидан унинг овозини Шералидан бўлак ҳеч ким эшитмади. Шерали рюкзagini ерга қўйиб, қиз олдида бориб чўккалади. Унинг ўнг оёғининг товонидан қон оқарди. Шерали бош чайқаб:

— Боя сизга ўртоғингиз «шиппагингни ечма», деди-ю, нега энди оёқ яланг бўлиб олдингиз?

— Тезроқ юра қоламан девдим.

Шерали қизни текис жойга олиб чиқиб ўтказди. Жароҳатланган жойни кўздан кечиргач, бориб рюкзaгидан эски кўйлагини пайпаслаб топди. Қайтиб келиб қиз ёнида чўккалади.

Унинг ўнг оёғини тиззасига олиб, кўйлакни икки-уч айлантириб ўрагач, икки енгни қизнинг оппоқ болдирларига таранг тортиб тугди. Сўнг товонга кириб қолган қирраси тигдек тошни эҳтиётлик билан олиб ташлади. Энгашиб, яна рюкзagini тита бошлади. Қўлига илинган майкасини тасма қилиб йиртди, қизнинг товонини боғлади. Бошини кўтарганда, кўзи қоронғида ҳам чақнаб турган кўзларига тушди. Қиз миннатдорчилик билдириб, хиёл жилмайди.

— Барака топинг, бирам қўрқиб кетдимки...

Шерали кулди. Факультетда уни кўп кўрарди-ю, ammo исмини билмасди.

— Отингиз нима?

— Танзила.

— Менинг исмим Шерали.

— Сизни яхши биламан,— деди шоша-пиша Танзила.

— Геолог сал нарсадан ҳам қўрқаверса иш битмайди,— деди ҳазиллашган бўлиб Шерали.

— Оёғимга тош кирганидан эмас, ёлғиз қолиб кетдимми, деб қўрқувдим.

— Мен ҳам шуни айтяпман-да,— деди яна кулиб Шерали.

Танзила ҳам унга қўшилиб кулди.

— Сезгир экансиз,— деди ийманибгина.— Одамлардан ажралиб, ёлғиз қолдим дегунча, ваҳм босаверади.

— Зарари йўқ, ўрганиб кетасиз,— Шерали «ҳомийлик қилишга тайёрмиз», дегандек кўз қирини ташлади Танзилага.

Танзила яна бир бор миннатдорчилик билдирди-ю, жим-жилоғини тишлаганча ўйланиб қолди.

Шерали рюкзagini елкасига илиб олиб:

— Нимани ўйлаяпсиз, турмайсизми?— деди йўл томон бурила туриб.

Танзила ўрнидан турди. У ҳам чоғроқ йўл сумкасини елкасига илгач:

— Энди нима қиламиз? Наҳотки қопкетганимизни сезишмаган бўлишса?!— деди Шералига қараб.

Унинг овозида қўрқинч аралаш ташвиш, боя ўзи айтганидек, ваҳм аломатини сезган Шерали хохолаб юборди.

— Вуй-йй, ана у кишини қаранг, нега куласиз энди?

Шерали жавоб ўрнига яна кулди. Танзиланинг каловла-ниб турганини кўриб, ҳасса зарурлигини ўйлади. Рюкзagini ерга қўйди. Пичоқ олиб, шундоққина ёнидаги катта бир туп бутанинг йўғонроқ новдасини чамалаб қирқди. Ингичка томонини узиб ташлаб, туртиб чиққан кўзлардан силлиқлагач: «Қани, мана бунга таяниб, юриб кўринг-чи, оёқ оғримаса, ҳадемай ўртоқларингизга ҳам етиб оламиз»,— дея Танзилага тутқазди. Ўзи рюкзagini елкасига илганча икки бута орали-ғидаги сўқмоқдан ўтди. Танзила ҳам унга эргашди. Каловла-на-каловлана буталар оралаб ялангликка чиққач:

— Хафа бўлманг, Шерали ака, сизга нима деб тушунтирсам экан... Умуман, хафа бўлманг, хўпми? Жон Шерали ака, ўтинаман, хўп дея қолинг...— деди деярли йиғламсираб.

Танзила бу сўзларни шу қадар мулоимлик ва ялинчоқлик билан айтдики, Шерали беихтиёр тўхтаб, қиз томон ўгирилди.

— Жуда қизиқ қиз экансиз,— дея кулди.

Танзила ўйинчоғини топиб олган қизалоқдек қувонганидан энтикиб:

— Майли, қизиқ бўла қолай, фақат мендан хафа бўлманг, хўпми?— Танзила Шералига кўз қирини ташлаб, сўнг ерга қаради.

Шерали бу содда, самимий қизнинг болаларча хатти-ҳаракатини кўриб, таажжубланди. «Шунчалигам тортинчоқ бўларканми кап-катта одам»,— дея кўнглидан ўтказди. Тоғ кийигидек ҳурконғич бу қизни бир-икки факультетда кўрганда ҳам, у ўтиб кетгандан кейин ҳайрон бўлиб, орқасидан қараб қолган эди. Танзила танаффус вақтида ё аудиториядан умуман чиқмас, китоб варақлаб ўтирар, чиққан тақдирда ҳам атрофдагиларга қўлини кўксига қўйганча: «Ассалому алайкум!»— деб сўрашарди-да, ердан бош кўтармай, ўтиб кетарди. Гапирганда ҳам бошини эгиб, эшитилар-эшитилмас сўзларди. Ҳамма нарсадан ҳадиксирайди, шунинг учун бўлса керак, ўта уятчан.

Шерали унга қараб кулди. Чехраси ёришди.

— Келишдик, хафа бўлмайман.— Бир-икки қадам қўйгач:— Қани, секин орқамдан юринг энди,— деди.

Қўкда бир тилим қовундек ингичкалашган ой атрофни хира ёритарди. Ҳайбатли баланд тоғлар ой ёғдусини ҳам ютиб юборгудек қорайиб, ваҳм соларди. Шерали кўкка тикилди. Жимирлаб турган юлдузларни чамалаб Чотқолнинг юкори оқимиға қараб кетди. Чотқол суви қирғоқдан-қирғоққа сачраб, кўпириб оқмоқда эди. Орқадан оқсоқланиб келаётган Танзила етиб олсин, деб қадамини секинлатди. Танзила етиб келгач, Шерали унинг қўлидаги сумкани олиб, Чотқолнинг чап ирмоғи — Оқбулоқнинг қамиш ва бутазорларини ёнлаб юрди. Бу томонларда Шерали кам бўлган. Иккиланиб тўхтади. Рюкзигидан картани олди. Катта харсанг устига ёзиб, ойнанг хира ёғдусида кўздан кечирди. Ҳеч нарсани тушунмай йўлга қаради. Йўл гоҳ юқорига кўтарилар, гоҳ пастга тушар, илон изи сўқмоқ эса бутазорга бориб туташарди. Карта анча эскирган, унда уруш йиллари Чотқол водийсини кон билан боғловчи тўғри йўл кўрсатилмаган, кўпдан буён фойдаланилмай ётган ташландиқ эски йўлгина чизилган эди. Шерали адашиб, шу йўлдан юрди. У олдинда, кетидан Танзила бу машаққатли йўлдан амаллаб чиқиб олмишди. Аммо энг даҳшатлиси олдинда эди. Оқбулоққа ўнг томондан қўшилаётган

Саргардон водийсида йўл ва сўқмоқнинг қаёққа олиб боришини сира ажратиб бўлмасди. Танзила оқсоқланганча индамай борарди. Шерали анчадан буён ҳеч ким юрмаганидан гоҳ ўтлар ичида йўқолиб, гоҳ базўр кўзга ташланаётган сўқмоқни ҳам кўздан қочирмаслик учун диққат билан кузатарди. Ой юзини булут қоплади. Инсон қадами камдан-кам тегадиган бу ёввойи водийда таваккал қилиб йўл босишдан бўлак илож қолмади. Орадан икки соатча ўтди. Сўқмоқ тамоман кўринмай қолди. Олдинда арчазор тоғ бағри. Нафас ростлаш учун ўтириб олишди. Шерали «Кучинг етармикин?» дегандек Танзилага қаради. Танзила қаршисида улкан девордек қорайиб турган тоққа кўз ташлади.

— Тоғдан ошиш керакми?— деди ниҳоят сувсизликдан қуруқшаб қолган лабларини ялаб.

Шерали баландликни яна бир чамалаб кўргач:

— Чарчаб қолмасмикинсан?— дея Танзиланинг оёғига қаради.— Сув топила қолса ҳам майли эди.

Танзила ўрнидан турди. Ҳассага таянганча нозик елкаларини олдинга эгиб, тоққа кўтарила бошлади. Қоронғида ваҳима бўлиб кўринган тоғ унча баланд эмас экан. Танзила минг машаққат билан ялангликка чиқиб олгач, қувониб: «Шерали ака, сувнинг шилдираши эшитиляпти»,— деди-ю, оғриқни ҳам унутиб, товонини босмай ўша ёққа чопди. Шерали индамай Танзиланинг кетидан даранинг ғарбидаги қияликдан йигирма-ўттиз метрча кўтарилиб, диққат билан қулоқ солди. Пастда чиндан ҳам сувнинг шилдирашини эшитди. Ўтлар сийраклашиб, тоғ бошланган жойда ирмоқ бўлиб оқаётган сувга кўзи тушди.

— Ҳу, ана у кўприкчадан ўтиб, пастга тушинг,— деди Шерали Танзилага.

Орадан дақиқа ўтмай, бошда Танзиланинг қичқирғи, сўнг сувнинг шалоплашини эшитган Шерали рюкзагини улоқтириб, югурди. Одам аранг сиғадиган омонат кўприкдан ўтиб, пастга тушди. Танзила сувнинг ўртасида қийшайиб қолган толнинг нимжон шохига илинганча тиши-тишига тегмай қалтирарди.

Шерали қўлини узатди. Танзила узатилган қўлни олиш у ёқда турсин, қўрққанидан ўрнидан ҳам жилолмасди. Шерали шимини ҳам ечмай сувга тушди. Танзилани азод кўтарди-ю, тоғ ёнбағрига олиб бориб ўтқазди. Атрофни кўздан кечириб:

— Шу орада тунаб қолишга тўғри келади,— деди.

Танзиланинг юрагига ғулғула тушди. Шу ўтиришда тонг отса, у ҳеч нарсадан чўчимаган бўларди балки. Аммо Шералининг оғзидан «тунаб қолишга тўғри келади», деган гапни эшитиш унинг учун жуда қўрқинчли туюлди. Бундай вазиятга сира дуч келмаган, айниқса тоғ-тошлар орасида бегона эркак билан ёлғиз қолиш етти ухлаб тушига кирмаганди.

Уйдагилар уни эркаклардан гўдакларни олабўжидан чўчит-гандек қўрқитишарди. Ҳозир ичидан зил кетди-ю, бун Шералига овоз чиқариб айтишга ботинолмади. Иккиланиб туриб:

— Қайдам, ўзингиз биласиз, Шерали ака,— деди чор-но-чор.

Унинг аъзойи бадани совуқдан безгак тутган одамдек қалтирарди. Шерали кўзи билан қулайроқ жой қидираётганидан Танзиладаги бу ўзгаришни сезмади. Бунинг устига дарадан эсаётган совуқ шамол ҳўл кийимда баданга игнадек санчи-либ, суяк-суякдан ўтаётган эди. Бирдан-бир қулай бошпана дарага яқин жой эди. Шерали: «Қани, пастга тушдик»,— деди-ю, Танзиланинг жавобини ҳам кутмай, ўша ёққа йўл бошлади. Танзила титраб-қақшаб, Шералининг орқасидан юрди. Шерали текисроқ жойни чамалаб, рюкзагини арча дарахти шохига илди. Атрофни хас-чўплардан тозалаб, ўрин ҳозирлади. Қуруқ шохлардан гулхан ясади. Сўнгра ҳар иккалалари алоҳида-алоҳида чойшабга ўралиб, қари арча панасида орқаларини бир-бирларига суяб ўтирган ҳолда мудрашди.

\* \* \*

Тонг ғира-ширасида Шерали қаттиқ қичқириқдан чўчиб уйғонди-ю, кеча Танзила билан турган ерда қўлларини ҳавода муаллақ ўйнатиб, бақириб-чақириб гапираётган лаборантга кўзи тушди. Баланд бўйли, озғин бу йигитнинг отини ҳам билмасди. Совуқ қилиқлари, ҳуда-беҳуда валақлайвериши, ҳамма ишга бош суқиши билан одамларни ўзидан бездирган, кўпчилик унга «шумтака», деб эътибор ҳам бермас эди. Аммо у атрофидагиларнинг ўзига совуқ муносабатда бўлаётганидан хулоса чиқармас, бунга парво ҳам қилмасди. Студентларнинг экскурсияга бораётганини қаерданам эшитиб, суйкалиб, тўпга қўшилди. Экскурсияни уюштирган киши қаршилик кўрсатганда, у ялинчоқ овозда илтижо қила бошлади. Пакана, сочлари пахмайган студент ёнидаги шеригига: «Жигардан урган, Танзилага эргашиб боряпти»,— деб пиқ этиб кулди. Шумтака жавобни ҳам кутмай, машинага чиқиб олиб, орқага бориб ўтирди. Машина Салордан ўтиб, Яланғочга яқинлашганда, уккиникидек чақчайган кўзлари билан атрофни кузатди. У ҳамма нарсадан ишқал чиқаришга тиришарди. Одамлардан фазилат эмас, нуқул иллат изларди. Кеча кечқурун худди шундай бўлган эди. Экскурсантлар дам олишга ўтирганларида, Танзила билан Шералининг йўқлигини сезишди. У ёқ-бу ёқни қарашди, чақиритди. Ҳеч ердан садо чиқмади. «Лагерга боргандан кейин қидиарармиз»,— деди кимдир. Йўл-

га тушишди. Аммо лагерга етгунча, бояги лаборант севги достонини тўқиди-ю, Танзила билан Шералининг анчадан буён дон олишиб юришганини, боя Бурчмуллада ҳам иккаласи четга чиқиб, алланималарни шипишишаётганини кўзини лўқ қилиб гапирди. Баъзилар ишонди, баъзилар қўл силтаб қўя қолишди. Қидиришга жазм қилиб турганлар эса: «Ҳа, майли, табиат қўйнида яйраб олишсин»,— деб тарқалиб кетишди. Шумтака кечаси ёлғиз атрофни кўздан кечирди. Анча жойгача борди-ю, дарага тушишга юраги дов бермади. Бу тоифадаги одамлар ўлгудек қўрқоқ бўлишади. Ноилож эрталабгача сабр этишга қарор қилди. Дара эса лагернинг шундоққина ёнида эди.

Мана, ҳозир у бутун лагерни ширин уйқудан оёққа турғизди.

— Мен сизларга айтмовмидим, ҳў, биродарлар! Огоҳ бўлмадим деманглар! Мана, Тоҳир-Зухралар дарада! Ҳў-ҳў-ҳўв-вв!!!

Шерали сапчиб ўрнидан турди. Бу ваҳшиёна қичқириқдан уйгонган Танзила ҳам нима гаплигини пайқамай, юқорига қараб турганида, Шумтака бояги сўзларини қайтарган эди, унинг овози тоғ-тошларда янада даҳшатлироқ акс садо бериб жаранглади.

Орқа томондан югуриб келган Шерали муштумини тугганча бор кучини тўплаб, лаборантнинг қулоқ-чаккасига шу қадар зарб билан туширдик, шумтака «ҳиқққ» этди-ю, тошдан-тошга урилиб, пастга думалади. Унгача лагердан етиб келган экскурсантлар гап нимадалигини тушуниб, «Наҳотки шундай бўлса?»— дегандек Танзилага қараб қолишди. Икки студент Шумтакани суяб лагерга олиб кетди. Шерали ҳеч нарса демай пастга тушди. Рюкзagini олди-ю, Танзиланинг сумкасига қўл чўзди. Қиз боши билан рад жавобини берди. Сумкасини маҳкам ушлаганча, ҳўнграб лагерь томон чопди.

Эртаси кун намозгарга яқин Танзила ғойиб бўлди. Шерали икки кундан кейин ишларини битириб, Тошкентга келгандан кейин ҳам юрагидаги ғашлик анчагача тарқамади. Бу камлик қилгандек Хорогдан олинган кўнгилсиз хабар Шералини тамоман эсанкиратиб қўйди.

## УН ТўРТИНЧИ БОБ

Виктор қўлидаги телеграммани боши узра баланд кўтарганча хонага кирди-ю, Зарифани кўриб, аввал тил чайнаб қолди, Омоннинг: «Гапиравер, Зарифадан ётсирамасанг ҳам бўлади»,— деганидан сўнг:

— Йўқ, нега энди ётсирашим керак,— деб Зарифага бир

ёвқараш қилди-ю, тил учида:— У ҳам ўзимизники-ю, аммо...— Яна тил чайнади.

Зарифа ўрнидан турди. Викторнинг бу иши қанчалик нафсониятига тегмасин, тишини-тишига қўйди. Ҳар нарсага қизиқиш одати унинг ичини таталади. Телеграмманинг кимдан ва нима мазмунда келганини билиш учун жон-жон деб ўрнидан қимирламасди-ю, аммо Викторнинг: «Сиз бизнинг ётоқхонамизга киришга нима ҳаққингиз бор? Уялмайсизми бировниги уйига липонглаб кираверишга?» деган гапларини эслаб, ўзини тийди. Буни Омонга айтиб, икки ўртада уриш чиқариб, ғийбатчи номини кўтаргиси келмаган эди ўшанда. Бир чеккаси Омон билан ораларидаги муносабат ҳам лиқиллаб, тобора омонатлашиб қолаётганидан бунга ортиқча эътибор бермасликка ҳаракат қилди. Ҳозир Виктор Омон олдида ҳам ўша гапларни қайтармасин деб Зарифа индамади. Жазавасти тутиб, ғазабдан чақнаган кўзларини Викторга тикиб, бош чайқади-ю, ўрнидан турди. Қайрилиб, Омон билан хайрлашгач, хонадан чиқди.

— Мана, иккимиз қолдик! Тинчликми ўзи?— Омон дераза олдида турган Викторга яқинлашди. Ҳозир Зарифа учун Викторнинг роса адабини беришга ҳам тайёр эди-ю, лекин телеграмманинг мазмунини билмагани учун индамади. Виктор узатган телеграммани олиб ўқиди. Унда Сабогул бобосининг вафотини маълум қилган эди. Омон ташвишли кўзларини Викторга тикди.

— Нима қилиш керак?

— Тезда Шералини топиб, хабар беришимиз керак. Менимча, у бориши керак.

Виктор шундай деб Омонга зимдан қараб қўйди. У: «Сабогул билан ораларидаги гапдан хабаринг борми?»— деб сўрамоқчи бўлди-ю, аммо ўйланиб туриб:

— Сабогул уни қанчалик яхши кўришини айтгандир сенга-ям ахир?— деди Омоннинг ҳамма гапдан хабари бордай қилиб кўрсатиб.

— Ҳа, Виктор, айтган. Мен ҳатто бориб вазиятни билиб келмоқчи ҳам бўлган эдим. Шерали кўнмаганди. «Қани, сабр қилайлик-чи, Сабогулнинг ўзи бирон тадбир ўйлар»,— деган эди.

— Нега энди, сен боришинг керак эди.

Омон кулди.

— Сен, оғайни, тушунмайсан, булар орасидаги гап анча жиддий. Билмадим, хабаринг борми, йўқми, Сабогул бобонинг измидан чиқолмасди. Бунинг устига Сабогул билан ишлайдиган бир ҳамшира ҳам бобога ён босган экан.

Ҳеч нарса тушунолмай қолган Виктор қизишди.

— Сенларнинг гапларинг қизиқ бўлди-ку, жин урсин сени! Нима, Шерали Сабогулнинг бобосини яхши кўрганмиди, ундан изн сўраса, жин урсин сени яна.

Омоннинг юзидаги табассум йўқолди, ўйланиб, жиддий оҳангда гапирди:

— Гап бошқа ёқда, оғайни! Сабогулнинг боласи бор, эри билан бир ойгина турмуш қилган экан. Фронтга кетиб, қорахат келипти. Бобонинг жиғибийрони чиққаннинг сабаби бу ёқда, энди тушундингми?

— Ҳа-а-а, гап бу ёқда дегин!— деди чўзиб Виктор.

— Ҳа-да, ҳамма илмоқ ҳам шунда.

Виктор бош қашиб қолди.

— Нега энди дамнинг ичингга тушди?

— Уруш бир ёқлик бўлгунча, бир нарса дейиш қийин, дўстим. Еру кўк аланга ичида, шаҳар ва қишлоқлар ёниб турган бир пайтда нималар бўлмайди. Тирик бўлса, лоп этиб келиб қолса-чи?

— Мен ҳам шунини ўйлаяпман-у, иккинчи ёқдан Шералига қараб туриб ҳам раҳмим келади, ҳам ҳавасим. Менинг аҳволимни биласану.— Омон чуқур уҳ тортди. Дераза олдида бориб, унинг очиқ бир тавақасидан ҳовлига қараб қолди.

— Бу гапингам тўғри, севги инсоннинг жуда сирли туйғуси деб бекорга айтмаганлар.

— Ҳа, оғайни, дунёда англашилиши қийин бўлган муаммолардан ҳеч бирини севгига тенглаштириб бўлмайди. Севгининг ёши дунё ёши билан баробар дейишадими, шу дамгача кўп муаммо ва жумбоқларни ҳал этган инсон қудрати севги олдида ҳамон ожизлигича сукут сақлаб турипти.— Омон каравотига келиб ўтириб, синиқ овозда сўзини давом эттирди:— Севган одамингга дунёда тенги йўқ фариштадек сажда қиласан. Шерали ҳам худди шу аҳволда, оғайни, унинг учун инсоният камолатининг чўққиси Сабогул! Бунини яхшилаб ўйлаш керак.

Виктор каравотига бориб ўтирди. Ўйланиб қолди. Ниҳоят, телеграммани буклаб стол устига ташлади.

— Жин урсин дунёнинг ишларини. Одам нима қилишини билмай қолади. Биласанми, Омон,— Виктор Омоннинг ёнига келиб ўтирди.— Модомики гап шунчалик жиддий экан, биз Шералини зудлик билан Сабогул ҳузурига боришга ундашимиз керак.

— Бу масалада, менимча, Шералининг ўзи ҳам монелик қилмас. Уларнинг келажак муносабатларидан қатъи назар, бориши шарту! Ахир одамгарчилик деган гап бор. Таъзия билдириш унинг бурчи-ку. Мени масаланинг иккинчи томони ўйлантириб турипти. Бордими, улар тил топди ҳам дейлик, ўзинг айтгандай Сабогулнинг эри лоп этиб келиб қолса, Шерали неча пуллик одам бўлади.

— Мени кечирасану, Омон, агар Сабогул чинакам кўнгил қўйган бўлса, унда ҳеч нарса эмас, «Лайли, ҳар кимнинг майли», деган гап бор. Одоб-ахлоқни деса ёшгина умрига завол

бўлмайдими? Масаланинг бу томонига Шералининг ўзи нима деркин? Сира қўйнига қўл солиб кўрдингми?

— Қўл солганман. Виждон азобидан қийналяпти.

— Бўлмаса уни зудлик билан Хорогга жўнатайлик, у ёғи ўзига ҳавола.

— Тўғри айтасан, худди шундай қиламиз.

Омон билан Виктор шунга қарор қилиб ўринларидан энди туришган эди, эшик очилиб, Шерали кириб келди.

— Хизрни йўқласак бўларкан, оғайни, ҳозир ғийбатингни қилиб ўтиргандик, ассалому алайкум, қалай, яхши келдингми? — Омон қизларникидек нозик қўлини Шералига узатди.

Виктор ҳам кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, қўлига телеграммани берди. Шерали телеграммага кўз қирини ташлади-ю, қошлари чимирилди, бош чайқаб сукутга ботди. Ниҳоят телеграммани стол устига қўйиб, Омонга қаради.

— Тезда жўнаш керак. Аммо қандай қилиб? Хорогга боришнинг ўзи бўлмайди.

Омон унга яқинлашди, елкасига қўлини ташлаб, тасалли берди.

— Начора, дўстим, қандоқ қилиб бўлмасин, бориш керак. Қани, кўплашиб уриниб кўрармиз, ахир. Бошқа илож йўқ.

— Омон тўғри айтяпти, Шерали, йўл олс, албатта, бунинг устига у томонларга боришнинг ўзи бўлмайди. Аммо бориш керак. Қани, юр, темир йўлда танишим бор эди, зора бугун ишлаётган бўлса, амаллаб эртагача жўнатиб келамиз, нима дединг, Омон?

— Вақтни ўтказмай борайлик.

Омон эшик олдига борди. Шерали Омоннинг чоғроқ чамадонига зарур у-бу нарсаларни солиб: «Мен тайёрман», дегандек Викторга, сўнг Омонга қаради.

Кўча анча салқин. Томларда, бино деворларининг соя жойларида тўпланиб қолган қор уюмлари пўпанак босгандай қорайиб ётарди. Уч оғайни университет зинасидан тушиб, катта кўчани кесиб ўтишди.

Шошилиб кетаётган одамлар оқимига қўшилиб, кўздан ғойиб бўлишди.

\* \* \*

Йилнинг баҳор фасли ҳаммаёққа аллақачон сепини ёйиб, яшил либос кийдирган бўлса-да, Хорог бундан мустасно. Унинг қорли чўққиларидан қиш шамоли эсиб турипти. Кўча-кўйда яккам-дуккам учраб қоладиган одамлар ҳам қишлик либосда. Шабада севалаб турган майда ёмғирни ҳар томонга

тортқилаб, этни чимчилайди, қулоқ-бўйинни ялаб жазиллатади.

Шерали бундан олти ой муқаддам Сабогул билан хайрлашган шифохона қаршисида турипти. Шифохона эшиги қия очиқ. Беморлар кўринмайди. Шерали вужудини ёқимли ҳаяжон қитиқлай бошлади. У кетаётганда Сабогул дуррачасини силкитиб турган скамейка ёнидаги дўнгликка қаради. Унинг устидан ёмғир томчилари сирғалиб тушиб, ариқча ҳосил этганча пастликка интиларди. Шерали тупроқ кўчанинг нариги бошига ўтди. Шифохона олдида туриб қолди. Қия эшикдан ичкарига мўралади. Коридор ичи қоронғи бўлганидан ҳеч нарса кўринмади. Ичкарига кирди. Ўзи ётган хона эшиги очиқ. Хона олдидан ўта туриб кўз қирини ташлади. Кимдир газета ўқиб ётипти. Юраги алланечук бўлиб кетди. Яна бир қадам қўйган эди, Даша холанинг боши кўринди. У энгашиб, ниманидир кўздан кечираётган эди. Шерали тўхтади. «Демак, Сабогул уйда». Аста одимлаб, девор тагида Даша холани кутиб турди. Орадан икки-уч дақиқа ўтмай, ҳамшира чиқди. Энди ўнгга бурилиб кетаётган эди Шерали уни чақирди.

— Даша хола!

Ҳамшира қайрилиб, орқасига қаради-ю, ёруғлик тушиб турганидан ким уни тўхтатганини ажратолмади. Унгача Даша холага етиб олган Шерали:

— Танимадингиз шекилли,— деди хижолатомуз овозда.

— Ҳа, сизмидингиз, салом!— Даша хола Шералининг саломига совуққина жавоб бериб, «Нима ишинг бор эди?» дегандек унга тикилди.

— Сабогул бормикин деб келган эдим.

Даша хола унга бош-оёқ қараб, истеҳзо билан жавоб берди:

— Сабогул хат ёзиб, ҳамма гапни айтганди шекилли!

Шерали ноқулай вазиятга тушди. У Сабогулдан бунақа хат олмаган эди. Тўсатдан саҳрода довулдан кейин шерикларидан ажралиб, танҳо қолган одамдек, этни увишди. Маъюс бошини эгди.

— Жанг кўрмаган, пўконидан ел ўтмаган, хом сут эмган йигитчадек мусичан бегуноҳ бўлиб туришингизни қаранг.— Даша хола юзини бурди.— Икки ўғлим бири ўн саккизда, бошқаси йигирмада немис ўқидан қулади. Икки норасида қизим билан эримни кўзим олдида чавақлашди. Жанг даҳшатини биламан. Наҳотки сўлақмондай одам урушдан қочиб юрганингиз етмаганидек, сизнинг ҳаётингизни деб дўзах жангига кирган одамнинг хотинидан жудо қилсангиз?

Бу гап Шералининг жон-жонидан қанчалик ўтмасин, тишини-тишига қўйди. «Бир чеккаси Даша хола ҳақ»,— дея кўнглидан ўтказди Шерали. Аммо чўкадиган киши нажот излаб хас-чўпга интилгандек, ўзини оқлашга муносиб сўз излар-

ди. Ниҳоят: «Ахир қорахат келган-ку!»— деди бошини кўтармай хаста овозда.

— Қорахат янглиш келган бўлса-чи? Бугун-эрта эшикдан кириб келса-чи?!

Шерали гимнастёркасининг тугмасини ечиб, бўйинни уқалади. Даша хола Шералига яна бир ўқрайиб, индамай полни лорсиллатганча кетди...

Шерали деворга суянди. Чакка томирлари лўқиллай бошлади. Даша хола кетган томонга қараб қўйди-ю, оҳиста одимлаб, ташқарига чиқди. Скамейкага ўтириб, бошини кафтлари орасига олиб сиқди, чуқур нафас олди. Енғоқдай нарса томонини сиқиб бўғаётган эди. Шерали ўрнидан турди. Кўчани шахдам кесиб ўтди. Шилдираб оқаётган ариқча бўйидаги тол дарахти остига бориб яна тўхтади. «Даша холанинг гапида жон бор.— Хаёлидан кечирди у.— Чинданам эрта-индин кеп қолса-чи?»— Бу савол Шералини шу қадар эсанкиратиб қўйдики, биров Сабогулини ундан тортиб олаётгандек юраги орзиқди. «Йўқ, йўқ,— дея ўйлади у.— Сабогулни кўришим керак. Ҳамма гапни унинг ўзидан эшитишим керак».

Шерали осмонга қаради. Туман қоплагандек хира осмонда ёмғир зарралари жимирларди. У кузови ёмғирдан шалаббо бўлиб, ўнг томонга қийшайганча инграб тепаликка кўтарилаётган машина изидан одимлаб кетди.

Эшикни Сабогул очди. Унинг ранги анча синиққан, кўзлари киртайган. Озипти. Эгнида йўл-йўл чийдухоба камзули, бошида оқ дуррача. Шералини кўрди-ю, уни кутмаганидан бўлса керак, қошларини чимирди, дурустроқ тикилгач:

— Шерали ака! Сизмисиз?— деб қўққисдан ҳўнграб юборди.

Шералининг аъзойи баданидан чумоли ўрмалагандай бўлди. Ўзини ичкарига олиб, эшикни ёпди. Сабогулнинг бошини елкасига қўйиб, сочларини силади. У гунг одамдек тараддудланиб турар, нима деб таъзия билдиришни билмай, нуқул: «Хафа бўлманг, Сабогул, хафа бўлманг»,— дерди.

Сабогул кўзёшларини дуррачасининг оппоқ бўйнига тушиб турган учига артиб, Шералини уйга таклиф этди. Кўрпача ёзиб, уни ўтқазгач, «мен ҳозир», деб эшикка чиқиб кетди.

Шерали мўъжазгина хонани кўздан кечира бошлади. Зич қалаштириб тахланган тоқи остидаги харилар вақт ўтиши билан қорайган бўлса ҳам ҳали жуда бақувват. Деворлар қора сувоқ устидан оқланганидан унда-мунда сомони чиқиб турарди. Бурчакдаги чоғроқ стол устига ранги кетган гулдор чит ёзиб қўйилган. Стол устида уч-тўртта китоб ётарди. Боши устидаги токча деворига ихчамроқ ойна осилгич. Бурчакда Садбаргнинг жажжигина ёғоч каравоти. У бўялмаганча турипти.

Шерали энтикиб эшикка қаради. Ташқари жимжит. Кўзи

олдида Даша хола жонланди. Унинг норози кўзлари Шералига ўқталган. Кўзини эшикдан олиб қочди. Энди унинг хаёлини Сабогул чулғаб олди. «У нима деркин? Наҳотки Даша хола менга айтган гапларни Сабогулга ҳам айтган бўлса?!» Шерали ўрнидан туришга чоғланганда, ташқаридан оёқ товуши эшитилди. Қайтиб жойига ўтириб, эшикка тикилди.

Сабогул кўтариб кирган дастурхонни оёқ учида ўтириб, секин ерга қўйди-ю, яна чиқиб кетди. Чой олиб кириб, Шералининг рўпарасида ўрнашиб олгач, дастурхонни ёзди. Нон ушатиб, чойни қайтарди. Бир ҳўплам ичгач, пиёлага яна чой қуйиб, Шералига узатаркан:

— Хуш келибсиз, Шерали ака, қани, дастурхонга қаранг,— деди синиқ ва хаста овозда.

Шерали томоқ қириб, нондан бир тишламгина синдириб, оғзига солди-ю, устидан чой ҳўплади.

— Бобонинг товлари қочиб қолганмиди?

— Шундай бўлсаям, одам ҳовридан тушарди. Соппа-соқ юрган одам кечга яқин эшикдан кириб: «Сабо, юрагим санч-япти»,— дедилар-у, хоналарига кириб кетдилар. Орадан самовар қайнагунча фурсат ўтди. Чой кўтариб кирсам, ёстиққа бош қўйганларича кўзлари бақрайиб ётиптилар.— Сабогул юзига думалаб тушган кўз ёшини артиб, «бўлган гап шу» дегандек ерга қаради.

Шерали яна томоқ қирди-ю:

— Сиз билан Садбарғни олиб кетгани келдим,— деди беҳосдан ва қулоқларигача қизариб, Сабогулга тикилди.

Упкаси тўлиб турган Сабогул ўзини тутолмади. Ҳўнграб юбориб:

— Қани энди иложи бўлса, Шерали акажон! У дунёга олиб кетсангиз ҳам, қанот қоқиб борардим,— деди энди кўзини Шералидан олиб қочмай.

— Нега иложи йўқ, ахир биз бир-биримизни...— Шералининг гапи оғзида қолди. Яна кўз ўнгиди Даша хола жонланди. У Шералининг юзига чангал солмоқчи бўлгандай ўқрайиб турарди. Шерали ютинди-ю:— Бу ерда ёлғиз ўзингиз бола билан қандай турасиз?— деб қўшиб қўйди.

— Дунёда яхшилар кўп, боланинг суяги қотгунча қараб туришар, ёлғизлатиб қўйишмас... Шунча йўлдан овора бўлиб келибсиз. Минг раҳмат сизга, Шерали акажон!

— Ахир нега энди кетмаслигингиз керак?— Шерали энди шаҳдамроқ гапира бошлади.

— Ўзингиздан қолар гап йўқ. Одамларни биласиз. Бу ёқда бобом раҳматлик ҳам ўша сиз кетган кезлари қон-қақшатиб йиғлатдилар мени. «Борди-ю, турмуш қурадиган бўлсанг, у дунёю бу дунё сандан рози эмасман. Гўримда типпатик тураман»,— дея «Қаломулло урсин», деб қасам ичдилар...

Сабогулнинг боши эгилди. Унинг юрагидан отилиб чиқаётган нидодан хона зириллаб титрарди Шерали назарида. Сабогул ночорликдан йиғлаётганини қалбан ҳис этди Шерали. Унинг қўллари қалтираб, нафас олиши оғирлашди.

— Йиғламанг, Сабохон, аҳволингизни тушуниб турибман. Аммо менга ҳам осон тутманг. Ҳаётимнинг бундан кейинги дамлари осуда ўтишига кўзим етмайди.

— Нима қилай, Шерали акажон! Айтинг! Юрагим ўртаб ёняпти! Лаънат ўша мени бахтиқаро қилган урушга, минг лаънат!!!

Хонага жимлик чўкди. Шералининг юрагини қиймалаб ташлаётган йиғи овозигина бу жимликни бузиб, ҳар икки аламзада юрак нидосини ифодаларди.

Шерали ўрнидан турди. Сабогулнинг ёнига келди. Унинг эгилган бошини оҳиста кўтарди. Кўзларига тикилди. Сабогулнинг жиқ-жиқ ёш тўла кўзлари ҳам алам ичида Шералига меҳр билан боқди-ю, ерга қадалди.

Шерали севгилисини ортиқ қийнамади. Оҳиста бориб, девор тагига қўйган рюкзagini очди. Олиб келган совға-саломларини стол устига қўйди.

— Бўлмаса мен қайтай, кун ҳам кеч бўляпти.

— Вой, қандоқ қилиб кетасиз?— Сабогул ташвишланиб Шералига қаради.

Шерали Сабогулни тинчителиш учун ёлғон гапирди: «Ўша мени боққан доктор шифохонада эканлар, қайтиб келаман»,— деб кетгандим боя.

Сабогул ноилож ўрнидан турди. Шералини дарвозагача кузатиб борди...

\* \* \*

Павел Иванович атрофи кашталанган гулли чит дастрў-моли билан пешонасини артаётиб, нафаси бўғзига тиқилгудек бўлиб хонага кирганида, вақт чошгоҳдан ўтган, кўк юзида куёб чарақлаб турарди. У эшикдан кира солиб: «Бўталоқларим, қанисизлар, наҳотки хабарларинг бўлмаса»,— дея Шералининг каравотига яқинлашди. Шерали бошини ёстикдан кўтарди-ю, йўлдан ҳориб-толиб келганидан уйқусираётган кўзларини очолмай, ўзини қайтиб ўринга ташлаган эди, Павел Иванович:

— Шерали, кўзингни оч, бу — мен, тур ўрнингдан! Суюнчини бер, ҳаммамиз орзиқиб кутган муқаддас ғалаба бонги чалиняпти! Газандани инида пачоқладик, турсанг-чи, Шерали!!! Ғалаба!!! Ғалаба!!!

Шерали додираб ўрнидан турди. У ҳали ҳеч нарсани тунунмай, хижолатдан қизарганча кийиниб олди.

— Ғалаба, ғалаба, бўталоғим!— Павел Иванович кўзларини катта очганча Шералига яна қайтарди.

Шерали ишонқирамай, бақувват қўллари билан қулоғини ишқалаб қўйди-ю, тўсатдан энгаги титраганча қичқирди:


— Ғалаба дейсизми?

— Ҳа, ҳа, бўталоғим, ҳа, ғалаба! Қани, юр, Евдокия холанг қуймоқ пиширяпти, сени олиб кетишга келдим. Бўл, бўталоғим, ғалабага атаб қўйганим ҳам бор, қиттак-қиттак отиб, юрак тафтини босамиз.

Шерали кўйлагини шимининг ичига тиқиб, камарини тортаётганда Павел Иванович аллақачон ҳовлига чиққан, энди пастаккина дераза ойнасини чертиб, Шералини шошилтирарди.

## ИККИНЧИ ҚИСМ

---



## БИРИНЧИ БОБ

Шералининг диссертацияси ҳимоясига Ҳафиз Мирзамухамедович Абдулатипов келипти, деган хабар университет олимларининггина эмас, геологияга алоқадор бошқа муассасалардагиларнинг орасида ҳам яхшигина шов-шувга сабаб бўлиб, бунн ҳар ким ўзича шарҳлай бошлади. Бировлар, Ҳафиз Мирзамухамедович Шералининг чинакам истеъдодидан хабар топиб, шахсан синаш учун келган, деса, бошқалар бу унинг шогирд танлашининг ўзига хос усули дерди. Қилдан қийиқ ахтарадиганлар эса кўзларини айёрона қисиб: «Ҳозиргача ўзини тенги йўқ геолог деб юрган Абдулатипов Шералини бугунми, эртагами юзма-юз туриши муқаррар бирдан-бир кучли рақиб деб билиб, унинг имкониятларини ўрганиш учун атайлаб келган, ҳа»,— деб шивирлашардилар. Павел Ивановичгина бу шов-шувларга бепарво, у Шерали геологиянинг магматик формацияларга доир каттагина муаммосини жуда ишонарли далиллар билан ҳал қилиб берганидан беҳад қувнаб, ўзини қўйишга жой тополмай юрарди. Ҳафиз Мирзамухамедовичнинг ҳимояга келиш сабабини Шерали бир-икки қистаб сўраганида ҳам, Павел Иванович: «Билмадим, бўта-лоғим, ўзи келгиси келгандир-да»,— деб елка қисиб қўя қолган эди. Бунинг сабабини Шерали орадан ҳафта ўтмай, уни Геология институтига чақирганларидагина билди.

Шерали белгиланган вақтдан олдинроқ директор қабулхонасининг эшигини ийманиб очиб, секретарь қиздан киришга ижозат сўради. Секретарь қиз катта-катта мовий кўзларини эшикдан узмай:

— Кираверинг, марҳамат, ўтира туринг, Ҳафиз Мирзамухамедович ҳозир келади, — деди-ю, девор тагидаги стулга ишора қилгач, оппоқ билагадаги ўзи каби бежиримгина соатига қаради. Қирра бурни остидаги юпқа лабларини қимтиб, хиёл табассум билан Шералини кўздан кечиргач:— Вақтлроқ кеп қопсиз-да, Шерали Алиевич, Ҳафиз Мирзамухамедович худди белгилаган вақтларида етиб келади, — деди табассум билан Шералига. Сўнг гўё уни тамоман унутгандек, столи устидаги қоғозларни титкилай кетди. У ҳар замонда ёнидаги катта дафтарга аллақандай белгилар қўяр, яна қоғозларга шўнғирди.

Шералини шусиз ҳам болаларга хос аллақандай қўрқув

ҳисси босиб, ғалати ҳолга тушиб қолган эди. Ҳар қанча уринмасин, ҳаяжон устун келиб, ваҳм солаётганди. Секретарь қизнинг уни илиқ кутиб олиб, устига-устак исмини атаб, бу билан ҳамма гапдан хабари борлигини маълум қилиб қўйгани Шералидаги бу ҳаяжонни яна кучайтирди. Энди шу мўъжазгина қабулхонанинг ҳам салобати босди. Шерали на эшик ёнгинасидаги парда тутилган эски сарғиш шкафни, на секретарь қиз ўтирган кичкинагина стол ортидаги кўчага қараган деразани кўрар, кўзларини рўпарасидаги қора дермантин сирилган эшикка қадаганча, нафасини ичига ютиб ўтирарди. Секретарь қиз иш билан бўлиб, Шералига эътибор бермаётганини пайқаб, ўзини анча ўнглаб олди. Энди у қора эшикдан кириладиган хонани хаёлан кўз олдига келтира бошлади. Назарида, поёни йўқдек залнинг тўрида каттакон стол ортида Ҳафиз Мирзамуҳамедович унинг жигарранг муқовали диссертациясини қовоғини солиб тез-тез варақлаётгандай бўлиб кўринди. Болаларча хаёл суриб ўйлаётганлари ўзига эриш туюлди шекилли, мийигида кулиб, юзини бурган эди, секретарь қиз кўриб турган экан:

— Нега куляпсиз?— деб туриб, ўзи ҳам беихтиёр жилмайди.

Шерали энди лабларини чўччайтириб, расмана кулиб: «Ўзим»,— деди-ю, бошига дурустроқ бир баҳона келмай қийналиб турганда, эшик очилиб, Ҳафиз Мирзамуҳамедович кирди.

Кўришиш учун Шералига қўл узатаркан:

— Куттириб қўйдимми?— деб соатига қаради.

— Йўқ, йўқ, вақтлироқ келган эканман.

Ҳафиз Мирзамуҳамедович кулиб, бош чайқади. Эшикни оча туриб, секретарь қизга: «Павел Ивановични ҳам чақирсангиз»,— деди-ю, Шералини кабинетига бошлаб кирди.

Кабинет қабулхонадан хиёл каттароқ бўлиб, уни «Т» шаклида қўйилган икки стол деярли эгаллаб олган, қолган жиҳоз девор тагидаги шкафу шу деворга осиб қўйилган геологик картадан иборат эди. Шкаф ичига турли тоғ жинсларидан олинган намуналар қалаштириб ташланган. Ҳафиз Мирзамуҳамедович узунасига қўйилган столнинг ўртаридаги стулни тортиб, Шералини ўтқизди. Ўзи унинг рўпарасида ўтирди. Кулранг йўл-йўл костюмининг тугмасини ечиб, галстугини бўшатди. Стол ўртаридаги чойнакни олдига суриб, пиёлага чой қуйди. Бир ҳўплаб бўшатди. Иккинчисини қуйиб, Шералига узатгач, энди ҳол-аҳвол сўрайман деб оғиз ростлаганда, хонага Павел Иванович кирди.

— Келинг, Павел Иванович, қани, бу ёққа!— Ҳафиз Мирзамуҳамедович ёнидаги стулни буриб қуйди. Ҳол-аҳвол сўрагач, мақсадга кўчди.— Мана, шогирдингизга бу ерда ҳам раҳбарлик қиладиган бўлдингиз.— Унинг юзида болаларникидек беозор табассум барқ урди.— Кеча келишганимиздек,

сизнинг бўлимингизда ишлайди.— Ҳафиз Мирзамухамедович катта-катта қўй кўзлари билан синовчан назарда Шералига боқди. Шерали Ҳафиз Мирзамухамедовични узоқдан кўриб, орқаворатдан у ҳақда жуда кўп илиқ гапларни эшитиб юрган эди-ю, аммо бугунгидек бақамти ўтириб сира гаплашмаганди. Бир томондан салобати босибми ёки ўзининг тортинчоқлигиданми, ҳартугул, Ҳафиз Мирзамухамедовичнинг бу ишончи учун муносиб миннатдорчилик сўзларини топишга тараддудланиб, унинг рухсоридаги ўзига ярашган қора холига, паҳлавонларникидек кенг елкаларига тикилиб қолди. Ўзини ўнглаб олгандан кейингина дудуқланиб:

— Раҳмат, Ҳафиз Мирзамухамедович, бу мен учун катта ишонч,— деди. Шу икки оғиз гапни айтгунча, қулоқларигача кизарди.

Ҳафиз Мирзамухамедович текис оппоқ тишларини ярақлатиб қулиб туриб, Павел Иванович томон бош ирғади.

— Миннатдорчиликни домлангизга билдирасиз, яхшиси, бу ишончни ишда оқлайсиз энди,— деди Шералидан бўшаган пиёлага чой қуйиб, Павел Ивановичга узатаркан.

— Албатта, Ҳафиз Мирзамухамедович, қўлдан келганча ҳаракат қиламиз,— деди Шерали энди анча дадилланиб олиб.

— Балли, жиддий йигит экансиз. Бунга диссертациянгиз билан танишиб чиққандаёқ ишонч ҳосил қилган эдим.— У Шералига қаради, сўнг вазминлик билан сўзини давом эттирди:— Мана, энди бу ерда ўша бошланган ишни давом эттирсангиз чакки бўлмасди. Магма кўтарилгандан кейинги жараёнлар, айниқса ён жинсларнинг унга таъсири масаласи янада чуқурроқ ўрганилиши зарур муаммолардан бири. Ёки олтин масаласини олиб кўрайлик. Ҳозир геологлар катта туб олтин конларини топиш устида бош қотирыптилар. У қандай тоғ жинсларида бўлади, олтин кўпроқ қайси минераллар билан ҳамроҳ... У ёғини суриштирсангиз, қилинадиган ишлар кўп. Тоғларнинг аниқ ёшини белгилаш, тоғ жинсларининг таркиби, геохимияси...— Ҳафиз Мирзамухамедович қулиб, Павел Ивановичга ишора қилди:— Хуллас, мана, Павел Иванович раҳбарлигида секин ишлайверасиз. Билганингизни ўргатасиз, билмаганингизни сўраб, билиб оласиз. Ҳар қандай кашфиёт кўпчилик тафаккурининг маҳсули. Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Биров ўйлайди, яна биров уни ривожлантиради, кимдир тақомилига етказди. Ҳафиз Мирзамухамедович қошларини чимириб, ўйланиб қолди. Сўнг ўйлаган нарсасини хотирлагандек:— Биласизми,— дея жўшқинлик билан сўзини давом эттирди,— телеграф аппаратини расом Морзе ихтиро этган экан. Телефонни эса кар-соқов болалар муаллими Грэхем. Паравозни ишчи-заргар Фултон яратган. Ўтигириш машинасини сартарош Аркрайт. Эндилликда шу ихтиролар қанчалик тақомиллашганини бир кўз олдингизга келтиринг-а! Шунанча, Шерали, «Кўндан қуён қочиб қутулмас» деган нақл

бор. Мен бўлсам, сиз бўлсангиз, домлангиз бўлсалар — бу энди олимлар коллективи, катта ишларни бажаришга қодир бўлган уюшма ҳисобланади. Институтимизда истеъдодли олимлар кўп. Халқ хўжалигимизнинг минерал хом ашёсига эҳтиёжи эса ҳар қачонгидан кўра каттароқ. Урушдан кейинги жароҳатларимиз ўзича битиб кетавермайди. Биз турган замин бағри эса шубҳасиз руда конларига бой. Булар нодир сандиқлардир. Уларнинг калити қанча тез топилса, иш шунча илдам бўлади. Бу ишга Политехника институти ва Геология бошқармасидаги истеъдодли мутахассисларни жалб қилиш мумкин.

Шерали Ҳафиз Мирзамуҳамедовичдан кўз узмай, уни қунт билан тингларди. Бундан атиги ўн-ўн беш минутгина муқаддам Ҳафиз Мирзамуҳамедович унинг тасаввурида унчамунча кишини назари илмайдиган жуда ваҳимали ва бошқа одамлардан нимаси биландир ажралиб турадиган шахс сифатида жонланган эди. Қаршисида эса камтар, одамохун, лекин синовчи, нигоҳи истеҳзоли, салобатли киши ўтирарди.

Ҳафиз Мирзамуҳамедович Павел Ивановичга ниманидир уқтириб, соатига қараб қўйди. Ўрнидан тураётиб, Шералига:

— Ишингиз ўнгидан келсин, Шерали Алиевич,— дея қўл узатди.

Шерали унинг гўштдор қўлини сиқиб, яна бир миннатдорчилик билдиргач, Павел Ивановичга ҳам мамнуният билан бош силкаб қўйди. Ҳафиз Мирзамуҳамедович уларни қабулхонагача кузатиб, қайтиб кабинетига кирди.

Шерали ҳаяжонланаётганини, чакка томирлари бўртиб чиққанини ўзи ҳам сезиб турарди. Бунинг секретарь қиз ҳам сезди. У Шералига «нима бўлди?» дегандек бош ирғади. Шерали кулиб: «Табелингизга қўшиб қўйишингиз мумкин»,— деб ҳазиллашди. Павел Иванович Шералига юзланиб:

— Билиб қўй, бу қизимизни биз «Геологиямиз юлдузи» деб атаймиз. Ҳамма ишларимизнинг ҳисоб-китоби шу қизнинг қўлида. Бунинг устига, шэфимизнинг кайфиятини ҳам мунажжимлардек шу фариштанинг чеҳрасига қараб белгилаб оламиз. Юлдуз чарақлаб турган бўлса, кабинет эшигини дадил очиб, кириб кетаверамиз. Шуъла хирароқ кўринса, қабулхонанинг ўзидан қайта қоламиз. Негаки, директоримизнинг чеҳраси ҳар вақт ҳам бугундақа очиқ бўлавермайди. Булутли кунлар ҳам бўлиб туради.

Ҳар учалалари кулишди. «Геология юлдузи» Шералига: «Ишга келганингизда, дафтарга қўл қўйишни унутманг!» дея таҳдид қилаётгандек кўрсаткич бармоғини силкитиб қўйди. Шерали ҳам бўш келмади: «Демак, кунда икки марта юлдуз шуъласидан баҳраманд бўлиш имконияти бор экан-да!»— деб энди чинакамига овоз чиқариб кулган эди, Павел Иванович йўғон бармоғини лабига қўйиб, боши билан эшикка имо қилди.

Коридор анча қоронғи, полга сурилган бўёқ кирланганидан қора тусга кириб, бор ёғдуни ҳам ютиб юборгудек хира тортиб турарди. Павел Иванович коридорнинг чап томонидаги учинчи хонани очиб, Шералини ичкарига таклиф этди.

Хона жуда тор бўлиб, кирган одам фақат ёнламаси билан юриши мумкин эди. Павел Иванович намуналар ва чизмалар солиб қўйилган шкафлар ёнидан амаллаб тўрдаги столга ўтиб олгач:

— Ҳозирча ўзларининг иш жойлари мана шу ерда бўлади,— деди чоғроқ эски ёзув столига ишора қилиб.

— Бизга шуниси ҳам бўлаверади, Павел Иванович, асосан иш жойимизни далага кўчирсангиз, яна ҳам кўнгилдагидек бўларди.

Павел Иванович завқланиб кулди. У ишга тавсия этганида ҳам Шералининг ғайратига, бошлаган ишини охирига етказадиган қунт ва саботли, фикрлаш доираси кенг етук олим бўлиб етишаётганига алоҳида урғу бериб гапирган эди Ҳафиз Мирзамухамедовичга. Ҳозир Павел Иванович Шерали дилидагини топиб гапирганидан кулаётган эди. Шерали ўзига белгиланган стол ёнида оқсоқ стулчага ўрнашиб ўтиргач, Павел Иванович йўғон гавдасини амаллаб эгиб, ихраганча столининг ён тортмасидан қоғоз папка олиб:

— Мана бу — бўлимнинг бутун тасдиқлардан ўтган тема плани. У яқин беш йилга мўлжалланган. Ўзинг билан олиб кет. Бўш вақтингда уйда шошилмай кўздан кечирсанг ҳам бўлаверади,— дея папкани Шералига узатди. Нафас ростлаб олгач, сўзини давом эттирди:— Аммо яқин орада қиладиган зарур ишларимиз ҳам бор. Боя эътибор берган бўлсанг, Ҳафиз Мирзамухамедович туб олтин конлари, магма кўтарилгандан кейинги жараёнлар, айниқса ён жинсларнинг унга таъсири тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтди.

Шерали боши билан тасдиқ ишорасини бергач:

— Адашмасам, бу у кишининг энг катта тадқиқотларидан бўлса керак,— деди.

— Ҳа, балли, ҳам энг катта, ҳам умуман халқ хўжалиги учун ғоят муҳим тадқиқотларидан бири. Тўғри, бу ишда ҳали такомилига етмаган муаммо томонлар ҳам оз эмас. Аммо айрим қўштирноқ ичидаги дўстлар бу назарияга қарши чиқишяпти, улар рудаланиш жараёни магма билан боглиқ эмас, асосий конлар магма фаолиятдан мустасно равишда ҳосил бўлади, демоқдалар. Ҳатто олтин учун қидирув ва разведка ишларини ҳам шу нуқтаи назар асосида олиб бориб, давлатнинг юз минглаб сўм маблағини кўкка совурыптилар.

Шерали ўйланиб қолди. У олтин масаласи бўйича ўтказилган конференциядаги гапларни хотирлаётган эди. «Давлат маблағи кўкка созурилмоқда». Уни яна ғазаб ва ҳайронлик туйғуси босди. Бироқ қаршисида ўтирган Павел Ивановичдек зукко ва тадбиркор олимнинг ташвишланиб қолгани

уни кўпроқ ўйлантириб қўйди. Бир кўнгли жим қолай, деди-ю, чидаб туrolмади. Дилидагини қизишиб айтди.

— Ўша қўштирноқ ичидаги дўстларга наҳотки оддий ҳақиқатни тушунтириб бўлмаса. Борди-ю, бу йўл билан кўзланган мақсадга эришиш қийин деб фараз этайлик, унда...— Шерали тараддудланиб қолди, сўнг Павел Ивановичнинг кўзларига тикилиб туриб:— Юқори ташкилотлар ҳам бор-ку, ахир, ўшалар олдига масала қўйиб, орани очиқ қилиб олиш керак, вассалом,— деди гўё шу билан ҳамма нарса силлиққина ҳал бўладигандек.

Павел Иванович бармоқлари билан столни чертиб туриб, мийиғида кулганча индамай Шералига қараб қолди. Бирмунча қизиққонлигига қарамай, у Шералини жон-дилидан севарди. Унинг соддадиллигини биларди. Айниқса одамлар билан муомалада муғомбирона сўқмоқлардан юрмай, дилидагини шартта айтиб, орани очиши хуш ёқарди. Одамларни ҳам ўзидек деб фараз қилар эди.

Бироқ у тутган йўллар манзилга, мақсадга тинч олиб келмасди. Қоқилишга ва ҳатто йиқилишга сабаб бўларди. Яхши деб ўйлаган кишиси муттаҳам, оққўнғил ҳисоблагани амалпараст ёки фирибгар бўлиб чиқарди. Ҳаётда кўпни кўрган Павел Иванович ҳамма нарсани ҳам Шерали айтгандек силлиққина ҳал этиб бўлавермаслигини ётиғи билан тушунтириш учун муносиброқ сўз қидирарди.

— Эҳ, бўталоққинам, бўталоққинам, сенга нима десам экан.— Павел Иванович тўсатдан жиддий қиёфада сўради:— Ньютоннинг механика тўғрисидаги учинчи қонуни эсингдами?

Шерали мийиғида кулиб, Павел Ивановичга қаради.

— Иш бошлашдан олдин физикадан имтиҳонми дейман?

— Сен аввал саволимга жавоб бер,— деди Павел Иванович ўша-ўша жиддийлигича Шералидан кўз узмай.

Шерали ҳеч нарса тушунолмади, елка қисиб:

— Эсимда, таъсир ва акс таъсир қонуни эди шекилли,— деди иккиланиб.

— Ҳа, баракалло, таъсир ва акс таъсир қонуни, тўғри, худди шунинг ўзи.— Павел Иванович бир нима қидираётган каби атрофга аланглади. Ниҳоят нигоҳи стол устидаги мрамар кулдонга қадалиб, сўзини давом эттирди:— Ўша қонунда бир жисмга иккинчи бир жисм таъсир кўрсатса, биринчи жисм ҳам иккинчи жисмнинг таъсир кучига тенг куч билан қаршилик кўрсатади, дейилган адашмасам, шундайми?

Шерали кулди.

— Шундай, Павел Иванович,— деди-ю, қизариб ерга қаради. Нафас ростлаб:— Тушунарли,— дея Павел Ивановичга қаради.

— Шунақа, бўталоғим. Мана бу кулдонга ташқи таъсир бўлмади, у миллион йил ҳам тураверади. Ўша қўштирноқ ичидаги дўстларга тушунтиришнинг ҳам, уларга юқори таш-

килотлар орқали тазйиқ ўтказишнинг ҳам ўзи бўлмайди. Сен қандай куч билан уларга хуруж қилсанг, улар ҳам сенинг қаршилигингга тенг куч билан жавоб қайтаришади. Ҳафиз Мирзамухамедовични ўйлантириб қўйган нарса ҳам ана шунда. Шубҳасиз, ҳар бир кашфиётда бўлганидек, мен боя айтдим, Ҳафиз Мирзамухамедович назариясида ҳам ҳали такомилга етмаган томонлар бор, албатта.

— Кечирасиз, Павел Иванович, мен масаланинг бу томонини ўйлаб кўрмаган эканман.

— Ўйламай илож йўқ. Фанда масаланинг ҳамма томонини ўйлаш керак. Ҳам ўйлаш керак, ҳам ўйлаб жавоб топиш керак. Ҳафиз Мирзамухамедовичнинг ҳам мақсади шунда. Унинг назариясини исботлаш учун шу назария асосида кон очиш керак. Бундай имконият эса ҳозир бор. Олтин муаммосини ҳал этиш геология олдида кўндаланг турган ғоят улкан вазифалардан бири. Деярли бутун олимлар, ҳатто Москвадаги йирик геологлардан айримлари ҳам: «Ўрта Осиёдаги бор-йўқ олтинни қадимий кончилар олиб бўлишган. У ерда қидирув ишлари олиб боришнинг ҳожати йўқ»,— деб туришпти. Бизнингча эса, олтин бор. Бироқ уни баъзи бир турдаги магматик жинслар атрофида қидириш керак. Мана шу муаммони исботламоқ зарур.— Павел Иванович хаёл суриб қолди, қўли билан столни чертиб туриб:— Ҳа, исботламоқ зарур,— дея қайтарди сўзларни доналаб:— Хўш, қандай қилиб? Ҳамма гап ана шунда. Мана сенга гипотеза, яъни фараз. Буни сен, мен, яъни биз — ҳаммамиз ҳал қилишимиз керак.

— Мен бир нарсага ҳайрон бўламан, Павел Иванович, ахир қадимий кончилар топган ва ўн йиллар эмас, юз йиллар давомида фойдаланган конларнинг сири нега энди бизга ҳеч нарса сўзламаяпти?— Шерали савол назари билан Павел Ивановичга қаради.

— Бунинг сабабини Темурандан сўра!

Шерали ҳеч нарса тушунмай, анграйиб қолганини кўрган Павел Иванович батафсилроқ тушунтира бошлади:

— Темуран салтанати ўрта асрларгача ва айниқса ўрта асрларда Ўрта Осиё территориясида гуллаб-яшнаган жамики тараққиёт йўлини тўсиб қўйди.— Павел Иванович Шералига тушуняпсанми, дегандек кўз қирини ташлади-ю, унинг ҳамон ҳайратомуз вазиятини ўзгартирмаганини кўргач, тафсилотга ўтди.— Биласанми, бўталогим, табиий фанлар даврининг зарурий эҳтиёжларидан вужудга келади, шу эҳтиёжларнинг йўналишига қараб ё юксалади, ёки инқирозга юз тутаяди. Қисқаси, даврининг зарурий эҳтиёжлари фан учун барометрдай гап. Нега ўрта асрларда табиий фанлар жаҳонни ҳайратга соларли даражада тараққий этиб, Беруний, Хоразмий, ибн Сино каби алломалар етишиб чиқди. Чунки ўша кезларда табиий фанларга эҳтиёж катта эди. Ҳаёт учун зарур нарсалар табиатдан олинадди. Хўш, орадан бир неча юз йил ўтди. Темуран

нима қилди? Қўшни халқларга босқинлар уюштирди, ўзга юртларни вайрон этди; ўша халқларнинг асрлар давомида вужудга келтирган маданий бойликларини тупроқ билан тенг қилди, беҳисоб бойликларни ватанига ташиди. Гапнинг қис-қаси, ўзга халқлар ҳисобига яшади. Мадраса-ю, ҳашамдор кўкўпар бинолар ўша халқлар ва ўз юртидаги афкор омманинг қони эвазига тикланди. Мамлакатнинг ички ресурсларига эҳтиёж қолмади. Табиий фанлар инқирози бошланди. У билан боғлиқ адабиётлар ҳам йўқолди. Боболаримизнинг табиий фанларни тараққий эттириш борасидаги муваффақиятларининг сири эса фаида йирик кашфиётлар яратишдек мушкул ва машаққатли иш бўлиб қолди биз учун. Аммо қанчалик мушкул иш бўлмасин, жумбоқни ечамиз.

Шерали юзига табассум югурди. Павел Ивановичга «қойил» дегандек ер остидан мамнуният билан тикилди. Қанча куч, қанча ғайрат, қанчалик шижоат бор бу тиниб-тинчимас қарияда! Шерали шуни ўйлаб турганида:

— Энди, бўталоғим, мана бу билан яхшилаб танишиб олгин, Синтобга қилинган сўнгги экспедициянинг ҳисоботи, эсингда бўлса, конференция олдидан ҳам ўқиган эдинг. Бу ҳозир геологларнинг диққатини тортаётган, қадим замонларда анча ишланган олтин конларидан бири,— дея Павел Иванович Шералининг столи устига белидан ип билан боғланган бир даста папкани ташлади. Ўрнидан тураётиб:— Мен университетга кетдим.— Соатига кўз қирини ташлаб:— Бугун бу ёққа келолмайман, зарур бўлиб қолсам, хабар қиларсан,— дея портфелини қўлтиқлаганча чиқиб кетди.

Шерали папкалар боғичини очиб, бирини олди. Қолганларини Павел Иванович столи устига қўйгач, ҳисоботнинг дастлабки бетларига кўз югуртди. Умумий маълумотлардан Синтобнинг геоморфологик характеристикасига етгач, Шерали ҳар бир ҳарфни ҳижжалай бошлади. У сўзлар орасидан ҳам маъно излаётгандек жумлаларни қайта-қайта ўқир, айрим масалаларни ён дафтарига белгилаб оларди. Шерали Синтобдан олинган намуналарнинг минерал состави ҳақида батафсилроқ маълумот олиш умидида ҳисоботнинг шу масалага тааллуқли бетларини варақлаб, синчковлик билан кўздан кечирди. Ҳеч нарса тополмади. Бир ўринда ўттизинчи йилларда Синтобга қилинган экспедициянинг тафсилоти берилипти. Шерали хазина топган одамдек қувониб, сатрлар орасидан янгилик излай бошлади. Аммо умумий гаплар орасида ўша экспедициянинг «Синтобда олтин запаси йўқ» деган хулосасига дуч келди. Мийиғида кулиб, бош чайқаб қўйди. Кейинги варақларда эса янги экспедициянинг ҳам шу хулосага асосланиб: «Бу соҳадаги ишларни тўхтатиш зарур» деб чиқарган ҳукми Шералининг назарида ўзбек геологиясига босилган ожизлик тамғасидек бўлиб туюлди. «Аблаҳлар!»— дея кейинги бетларни жаҳл билан тез-тез варақлай бошлади. Синтоб

атрофидаги турли кварц томирлари ҳақида сўз юритилганда ҳам Шерали батафсилроқ маълумот тополмади. Учинчи папкадаги ҳисоботларни варақлаб туриб, ўттизинчи йилларнинг ўрталарида бошқа бир группа Синтобда олтин конлари бор деб кўрсатган маълумот шунчаки хабар тарзида берилиб ўтилгани Шералининг баттар хунобини оширди. У учинчи папкани жаҳл билан Павел Иванович столи устига суриб, тўртинчи папкани варақлай бошлаганда, деразадан тушиб турган ёғду аста-секин хиралашиб, хона қоронғилашаётганини ҳам сезмади. Ҳарфлар деярли кўринмай, кўзлари ачиша бошлаганидан кейингина Шерали бошини кўтарди. Кўзларини юмиб, кафти билан ишқалади. Ўрнидан туриб кетди-да, ҳамма папкаларни йиғди, уларни столнинг ён тортмасига жойлагач, хона чироғини ҳам ёқмай, ташқарига чиқди.

## ИККИНЧИ БОБ

Кўча одам одамни танимайдиган даражада қоронғи эди. Электр устунларидаги чироқлар дарахтларнинг қалин япроқлари орасидан атрофни ғира-шира ёритарди. Шерали Карл Маркс кўчаси муюлишига етганда, булут бағридан узилиб тушгандай пешонасига чап этиб муздай томчи келиб урилди. «Ёз ёмғири нима бўларди, боя ҳам шов этди-ю, тинди», деб эътибор бермади. Чапга бурилиб, ҳали универмагнинг иккинчи ойнасидан ўтмай, осмон ярақлаб, ёришди-ю, момақалди-роқ гумбурлади. Шерали қадамини тезлатди. Аммо энди чопса ҳам бефойда эди. Ўзини панага олиб, кутиб турди. Катта томчилар дарахт баргларини шатирлатиб, ялтиллаб турган асфальтга келиб урилар, кўчанинг икки чеккасидаги ариқчалардан тошиб кетган сувга қўшилиб, шиддат билан хиёбон томон интиларди. Шерали девор тагидан юриб, универмагнинг ўрта эшигига етди. Бу ерда у эшик устидаги қуёшдан ихота этиш учун қилинган соябон тагида бемалол туриши мумкин эди.

Бир оздан сўнг Шерали қошларини чимириб, осмонга қаради, қалин булутлар галаси тарқаб, уфқ ёришипти. Ёмғир ҳам шахтидан тушди, этни жимирлатадиган муздай шабада эса бошлади. Университет томон одимларкан, олтин бўйича ўтказилган конференцияда Синтоб истиқболли жойлардан бири сифатида тилга олинганини эслади. Неча йиллардан буён хаёлини банд қилиб келаётган фикр энди қайталандигини эмас, уни амалий ишга ундай бошлади. Боя ҳисоботларни кўздан кечираётгандаёқ Нуротанинг паст-баланд ясси чўққилари кўз ўнгидан сира нари кетмай қолди. Ҳозир яна шу ҳақда ўйларкан, кўз олдида кулранг қоялар, ёнбағирлардаги кўм-кўк дарахтлар, кулиб турган Сабогул жонланди. Юраги алланечук бўлиб кетди. Сабогул қаердадир қизалоғини бағрига босганча уни кутиб тургандай туюлди. Аммо қаерда?

Кейинги хатига жавоб олмади. Хорогга бориб келганидан буён ҳам ҳаш-паш дегунча икки йил ўтиб кетди. Шерали тақдирнинг аччиқ ҳукмидан ҳали ўзига келолмай, онаси қазо қилди. Онани хокига топширди, укаси Муҳаммаджонни ноилож онасининг ўғай холаси қўлида қолдириб, Тошкентга қайтди. Яқинда ёзган бир хатида Муҳаммаджон ота қадрдонларидан бири уни шогирдликка олиб, ҳовлисидаги кичик ҳужрачани берганини, соатсозликка қўли анча кеп қолганини ёзипти. Шерали бу томондан бир қадар хотиржамланган эсада, қумга сингиб кетган томчидек ғойиб бўлган Сабогулнинг тақдири юрагини ўртарди. Хаёл баъзан уни олисларга етакларди. Сабогулни қўмсарди. Сурункасига бир неча кун Сабогул соядек унга эргашиб юрарди. У яна ўйларди. Қалбининг аллақарида яширинган ўй бора-бора пиҷоний бир дардга айланди. Шерали ҳар гал калаванинг учини топишга урина бошлаганида, Сабогул бутун бўй-басти билан кўз ўнгида намоён бўларди-ю, асабларини нохун теккан рубоб торидек зир титратар, қалбидаги дардни қайталарди.

Шерали шуларни ўйлаб, университет муюлишига етиб келди. Хиёбондаги дарахтларнинг япроқларида йнғилган томчилар ерга чакиллаб тушиб, атрофга муздек шабада уфурарди. Шерали негадир шу топда Сабогулнинг: «Сиз бошқачасиз, бошқа одамларга ўхшамайсиз», деган сўзларини хотирлади. Тўхтади. У чиндан ҳам бошқача одам бўлишни, ҳамма инкор этиб, йўққа чиқарган нарсани бор деб исботлаб, бошқача одам бўлишни истади. Фан оламида янгилик яратиб, донг таратиш истаги қалбини қитиқлай бошлади-ю, гуноҳ устида қўлга тушгандай ўнғайсизланди. Фандан шуҳрат соҳили томон кўприк ташлаётганидан виждони олдида хижолат чекди.

Шерали университет ҳовлисидан ўтди. У ётоқхона эшигига етганда, Каримни учратиб ўзига келди.

— Ўҳ-ҳў, минг йилдан буён йўқолиб кетган одам келиптилару, қани, бир ачомлашиб кўришайлик-чи, жуда соғинтириб қўйдинг-ку!— Шерали қулочини ёзганча Каримга отилди. Белидан маҳкам сиқиб кўтарди, бир-икки айлантириб ерга қўйгач:

— Қорайиб, тайёр ҳабашининг ўзи бўпсан. Қани, гапир-чи, қаерларда бўлдинг?

Карим ҳам Шералининг юзларидан ўпиб, озод кўтариб, тапиллатганча оёғини бир-икки ерга уриб қўйгач:

— Э, сўрама, оғайни, қаерда қадимий сув иншооти бўлса, деярли ҳаммасида бўлдим,— деди оғзини кулгидан йиғолмай, азбаройи қувонганидан:

— Ўҳ-ҳў, минал орзу — минал ҳақ бўпти-да. Бутун республикани айландим дегин?

— Республиканигина эмас, Туркменистон, Тожикистоннинг кўп жойларини ҳам.

— Қани, қани, бундоқ ўтириб гапир-чи, нима янгиликлар

топдинг?— Шерали Каримни белидан қучоқлаганча курсига ўтқазиб, ўзи каравотга бориб ўтирди-ю:— Оббо сене, ўзиям беш ой кетдингми, дейманов,— деб қўшиб қўйди.

— Соғинтириб қўйибман шекилли, сал камроқ, тўрт ой.

— Албатта соғинтирдинг-да, шунча кетасану, соғинмай-лики!

Карим осилиб турган елкаларини силкитганча кулди. Этсиз узун бармоқларини бир-бирига ишқаларкан:

— Янгилик кўп, қай бирини гапиришни ҳам билмай қоларкан одам,— деди-да, кичкина кўзларини дераза ойнасига тикди.— Эҳ, Шерали, Шерали, ота-боболаримизнинг неча минг йиллар муқаддам яратган мўъжизаларини кўриб, лол бўлиб қолдик.— Шундай деб Карим ҳамини устарада тақир қириб юрадиган бошини Шерали томон кескин буриб, кўзлари чақнаб, тушунтира бошлади:

— Академик Толстовнинг фикрича, бобокалонларимиз эраизгача биринчи минг йилликнинг ўрталаридаёқ жуда улкан сув иншоотлари қуришган. Бу ирригация тармоқларидан халқ араблар истилосигача ва кейин ҳам минг йилдан ортиқ вақт фойдаланиб келган, у бизгача етиб келган. Бутун Ўрта Осиё ерида шунақа улкан каналлар бўлганки, унда қайиқчалар эмас, денгизда қатнайдиған росмана катта кемалар бемалол сузиб юрган.— Карим Шералига бир қараб олгач, томоқ қириб, сўзини давом эттирди.— Бухоро тарихини яратган Наршахий асарларидан бирида шу қадимий шаҳардаги ўнлаб катта каналларнинг номини санаб ўтади. Сурхон водийсидаги тўғонлар, сув тақсимлагичлар, ер ости сув йўлларини кўриб, ҳайратда қолади одам. Ҳамма гап шундаки, бутун еримизда шунча каналлар бўла туриб, боболаримиз ер ости сувларидан ҳам жуда қотириб фойдаланишган экан.

Шерали суҳбатдошининг айтганларини тасдиқлагандек бош чайқаб туриб:— Қаризларни ҳам кўрдингми?— деди бир чеккаси ўзининг ҳам бу борада унча-мунча нарсаларни билишини атайлаб кўрсатиш учун.

— Кўрганда қандоқ!— Карим ўз гапларига шу қадар маҳлиё бўлаётган эдики, буни сезмади ҳам.— Кўрганда ҳам зўрларини кўрдик. Нуротада ўн-ўн беш километр гача қўзилиб кетган қаризлар бор экан. Улардаги муздек зилол сувларни айтмайсанми. Ичиб тўймайди киши! Тожикистоннинг айрим тоғли районларида сув экин майдонларига жуда катта ер ости каналлари орқали олиб борилган. Кўҳна Панжикентда Зарафшоннинг ўнг соҳили бўйлаб ичига уч-тўрт киши бемалол сиға оладиган ер ости сув иншооти қазилган экан. Афсуски, бу улкан ишларнинг қандай амалга оширилганини бизга маълум қила олиши мумкин бўлган барча ёзма манбалар ер билан яқсон этилган, ёзувни биладиган саводли одамлар эса аёвсиз қириб ташланган.— Карим маънос кўзларини Шералига тикиб, афсусланиш билан бош чайқади.— Ҳа, бу

қабихликларни Қутайба ибн Муслим ал Бахили деган ёвуз қилган. Шундан кейин хотираларда сақланган кўпгина фан ва билимлар ҳам улар билан бирга кетган.

— Нимасини айтасан, у бутун Ўрта Осиёдаги маданий обидаларнинг кулини кўкка совурган.— Шерали Каримнинг гапларини маъқуллади.

Карим кўзларини Шералидан узиб, деразага яқинлашди. Қия турган ойнани очиб, ташқарига тикилди. Осмонда булут қолмаган, юлдузлар эртага кун беҳад исиб кетишининг даракчисидек чарақларди.

Шерали тўсатдан:

— Карим,— деди алланимани хотирлагандай.

— Нима дейсан?!— Карим ҳамон юлдузлардан кўз олмай эринчоқлик билан истар-истамас жавоб берди.

— Докторлик диссертацияси қилмоқчимисан ёки бирон каттароқ нарсга ёзасанми?

Карим кескин бурилиб, ҳамон хаёлан ниманидир излаётган кўзларини Шералига тикди. Орадан яна бир муддат ўтди.

— Қайдам,— деди ниҳоят паришонхотирлик билан.— Ҳозирча кандидатликни эплаб олайлик-чи, докторликкача бир гап бўлар, аммо бу ҳақда монография ёзиш ниятим йўқ эмас.

— Жуда катта иш.

— Ҳа, ер ости сувларининг имкониятлари жуда катта, айниқса чўл районларида. Афсуски, бир кеча-кундуз йигирма тўрт соат. Буларнинг барисига эса вақт керак, вақт, оғайни!

Шерали ҳам ўзини қийнаётган қарама-қарши фикрлар тўғрисида гапирмоқчи бўлиб энди оғиз ростлаган эди, эшик очилиб, Омон кириб келди. У Шерали билан бўшашибгина кўришиб.

— Қалай, ишлар бошланиб кетдими?— деди юзига зўраки табассум югуртиб. Аммо бу сохталикни яширишга қанчалик уринмасин, Шерали сезд.

— Меники-ку юришиб кетди, ўзингники юришмаяптими дейман, қировли кўринасан?— Шерали Омонга синовчан қаради.

Омон «биров айтипти шекилли?» деб ўйлаб, ялт этиб Шералига қаради-ю, юзида ўзгариш сезмагач, қўл силтади.

— Ҳа, энди бўп туради-да, оғайни, тўғриси айтсам, уз-зукун у ёқдан бу ёққа югуравериб, толиқдим шекилли,— деди. Сўнг масалани ётиғи билан тушунтира бошлади:— Эрта-лаб ишга кетганингдан кейин комендант кирганди. Қимдир: «Шерали ётоқхонадан кетди», деган экан, биласан-ку, хўжалик аҳли бўрк ол деса, бошга чангал солади. Бизнинг комендант ҳам суриштирмай-нетмай, ҳар куни «жой» деб орқасидан безорижон қилиб юрган физматдаги аспирантлардан бирига ордер ёзиб бера қолипти. Бугун бўшроқ куним эди. Сен-

га уй топиб келяпман. Вир кампиру, бир чол. Аммо: «Келади-ган бўлса шу бугун келсин, келмаса эртага бошқа одам қўямиз», деб писанда қип қўйишди.

Шерали бошда жилмайиб турди-да, бирдан чехраси тундлашди.

— САГУга бир кун ҳам сиғмай қопмиз-да,— деди заҳарханда билан, гўё комендант эмас, Омон билан Карим «ётоқхонани бўшат» деяётгандек уларга хўмрайиб қўяркан.

— Бекорга хафа бўляпсан, Шерали,— Карим Шералини юпатмоқчи эди, аммо аксинча, яра устига туз сепди.

— Ҳар ким ҳам ўз жони оғриётганда инграйди.

Шералининг таънасида Карим ҳушёр тортиб, ичидан ғижинди-ю, сиртига чиқармади. Шерали чиндан ҳам топиб гапирди. Карим ўзига тааллуқли масалаларгагина жиддий қарарди. Бир чеккаси Шералининг ўпкаланишида жон бор. Карим вазиятга мослашди. Шералига яқинлашиб, қўлини унинг елкасига ташлади.

— Қани, оғайни, юр, бирга бориб, уйингни кўрамиз, ҳадеб диққатинг ошавермасин, бўлар иш бўпти энди,— деб, Омонга имлади.— Ке, нарсаларини йиғишга қарашворайлик.

Кек, гидирни билмайдиган Шерали Каримга қараб кулди.

— Ҳа, майли, борсак бора қолайлик,— деди болаларча соддалик билан ва энгашиб, каравоти тагидан рюкзаги билан тўқ жигарранг тахта чамадонни олди. Сўнг тумбочкадаги майда-чуйдаларини йиға бошлади.

\* \* \*

Омон Шерали учун ижарага топган уй Урда билан Шайхантоҳур оралигидаги Қорёғди маҳалласида бўлиб, бу мўъжазгина ҳовлининг атрофидаги бўғотлари сарғайиб, нураб турган баланд-паст иморатлардан сира фарқи йўқ, маҳалланинг ўзи эса мунгли ўтмишнинг ғарибона гузарларини эслатди. Омон кундузги от-улов ва болаларнинг тўпиридан чанг тўзони ҳали жойига ўрнашмаган тупроқ кўчанинг бошидаги биринчи дарвозанинг иллагини ўзини сенлаб, уни сизлаётган каби эҳтиётлик билан юмшоққина тақиллатиб, қулоғини тирқишга тутди. Ҳовлидан аёл кишининг: «Эшитяпман, эшикни қаттиқ тақиллатма, болам!»— деган овозини эшитгач, ўзидан икки-уч қадам нарида турган Шерали билан Каримни «тезроқ!» дегандек имлади.

Дарвоза зулфини шириқ этди-ю, бир табақали эшик ғийқиллаб очилди. Остонада бошига шол рўмол ташлаган кампир пайдо бўлди.

— Қани, тезроқ, мунча имилламасаларинг... «Бемаҳалда буларникига кимлар келиб кетади», деган маломатга қолмай тагин, маҳалланинг заҳар тили ўлсин.— Кампир меҳмонларга йўл берди. Занжирни илиб, уларни ҳовли тўридаги кичкина деразасидан милтиллаган хира нур чиқиб турган пастаккина

уй томон бошлади. Омон, кетидан Қарим билан Шерали даҳ-  
лизга киришди. Икки ёқда эшик кўриб кампирга қараб яна  
тараддудланиб қолишди. Кампир чап томондаги эшикни  
очиб: «Туринг, келишди»,— деди-ю, Омонни ўнгга имлади.

Омон боя келиб кетгани учун кампир нимага ишора қила-  
ётганини тушуниб, Шерали билан Қаримни бошлади. Шерали  
учун гаплашилган хона ўнча катта бўлмаса ҳам ерга палос  
ёзилмаганидан ҳувиллаб қолган саройдек файзсиз эди. Ки-  
раверишдаги қорайиб, тусини ҳам йўқотаёзган мрамор ханик  
бурчагида қорамтир-қизғиш мис обдаста турарди. Тўрдаги  
эски сим каравот устига иккита парча-парча гулли қизил са-  
тин кўрпа билан узун чийдухоба болиш ташлаб қўйилган.  
Токчадаги пилиги пастлатилган еттинчи лампа уйни аранг  
ёритарди. Энию бўйи ярим қулочдан ошмайдиган дераза та-  
гидаги стол шаклига келтирилган чорчўп устига эски дастур-  
хон ёзиғлиқ. Ёши етмишлардан ошган жиккаккина киши —  
уй эгаси остона ҳатлаб кираркан, йигитлар билан қўл учида  
совуққина кўришди, сўнг: «Ё парвардигор, ўзинг паноҳингда  
асра», деб бир марта ҳам бўёқ тегмаган табуреткага омонат-  
гина ўтиргач: «Қани, омин!» дея фотиҳага қўл очган эди,  
кампир бошидаги рўмолини тузатиб шоша-пиша ўтира қолди.  
Уй эгаси: «Қадам етди, бало етмасин, облоҳу акбар!»— дея  
юзига фотиҳа тортиб, келганларнинг ҳар биридан алоҳида-  
алоҳида ҳол-аҳвол сўради. Кампир унча каравотнинг ток-  
чага яқин бурчагига ўтириб, чолга қаради. Рўпарада турган  
Шерали кампирга разм солди. Ёши етмишларга бориб қолган  
бу аёлнинг нимасинидир ўғай холасига ўхшатди. Тикилиброқ  
қарашга ийманди. Нигоҳини чолга олди. Унинг нурсиз кички-  
на кўзлари бир нарсадан қуруқ қолган норози одамдек ат-  
рофга олазарак боқарди. Думалоқ тўқ жигарранг ироқи дўп-  
писига чаккасига осилтириб райҳон қистириб қўйипти. Кў-  
кимтир томирлари бўртиб турган озғин қўлларини чорчўп  
устига қўйди-ю, ишшайиб, митти кўзларини хотинига қадади.  
Шу кўйи бирпас индамай турди. Сўнг мўйлови деярли берки-  
тиб турган лабларини қувачадек чўзди.

— Қумри!

— Лаббай, дадаси.

— Айтдингми?

— Вой, бой бўлгур, қачон айтаман, ахир ҳозир келиш-  
ди-ю!

— Ҳозир келишган бўлса, ҳозир айта қолмайсанми, нега  
энди серрайиб қолдинг?

— Ўзингиз айта қолинг!— Кампир қимтиниброқ:— Ярим  
йиллигини олдиндан тўлашсин, деяптилар,— деди Омонга  
қараб.

Чол тақир бошини суяклари туртиб чиққан елкалари ора-  
сига тортиб, «нима деркин?»— деб бутун гавдаси билан  
Омонга энгашиб жавоб кутарди.

Шерали «менда бунча пул қаёқда, буёғи нима бўлди?» дегандай бақрайиб Омонга қаради. Ҳали Омон оғиз очмай, чол қовоғини солди. «Э, шу замонда бировга паноҳ қилишнинг ўзи лодонлик»,— дея пўнғиллаб, ўрнидан турди. «Агар шу бўлмаса, бизга тўғри келмайди, болам»,— деди-ю, хайрлашмай эшикни чоғлади. Боятдан бери уйнинг бурчагида ҳеч нарсага аралашмай турган Карим:

— Шошманг, отахон, шошманг, бундоқ ўтиринг, ахир муросяу мадора деган гаплар бор, биз сизникини эшитдик, биздан ҳам эшитинг,— деди раҳм-шафқат уйғотмоқчи бўлгандек гоҳ кампирга, гоҳ чолга илтижо билан қараб.

Чол қайтиб келиб жойига ўтирди-ю, аммо қовоғини солганча юзини тамоман дераза томон буриб олди.

Карим бир-икки томоқ қириб, Шерали билан Омонга кўрсаткич бармоғининг ярмини кўрсатди. Шерали елка қисиб, Омонга қараган эди, Омон Каримга «майли, айтавер» дегандай кўз қисди.

— Энди, отахон, ўзингиздан қолар гап йўқ,— дея мумкин қадар мулойимлик билан сўз бошлади ўша-ўша деразадан кўз узмай қовоқ уюб ўтирган чолга,— бу бола ҳам яқинда ўқишини тамомлаган, мусофир одам, мусофирни ҳар ким ҳам сийлайди, сиз ҳам шундай қилсангиз, кам бўлмайсиз, мана, холам билан ёлғиз экансизлар, битта-яримта юмушларингизга ҳам қарашиб турар ахир оғайнимиз.— Карим зимдан кампирга разм солди. Кампирга бу гап ёқмади шекилли, лабини буриб, тескари қаради. Чол яна ўрнидан турди.

— Мен билан боя келиб гаплашган қай бирларингиз эдинг?— Чол учалаларини ҳам кўздан кечиргач, нигоҳини Омонда тўхтатди.— Адашмасам сиз эдингиз?— деди асабини босолмай.

— Ҳа, отахон, мен эдим,— деди Омон бу гапларнинг бейфойдалигини пайқаб мулойимлик билан.

— Сизлар нима десанглар — шу, демовмидингиз?

— Тўғри, шундай дегандиму, лекин ярим йиллигини олдиндан тўлашни айтмадингиз-да!— Омон энди қўполроқ гапирга бошлади.

Чол ҳам бўш келмади.

— Ойига уч юз, ярим йиллигини олдиндан тўлайсиз. Ҳушингизга келса шу, бўлмаса эртага эрталаб уйимизга ҳаридор тайёр, ўзларингизни ҳам, бизни ҳам қийнамай қўя қолинглар.— Шундай деб чол «бошқа гапим йўқ» дегандек кампирга қаради.

— Ҳа, болам, шундоқ қила қолинг, умрингиздан барака топкур!— Кампирнинг ўпкаси тўлиб, ўзини зўрға босиб гапирга бошлади:— Бу уйлар не азобда қурилган. Бу ёқда уруш зорманда бўлмаганда, кексайганда кўрган мана бу арзандамиз,— кампир деворга қорчўп ичидаги суратга ишора қилди,— аллақачон болаларининг бошини силаб ўтирмас-

миди? Қаёқларда қолиб кетди болам шўрлик дом-дараксиз.— У шу гапларни айтиб, узун енгларини кўзларига босиб, ҳи-қиллай бошлади.

— Ҳа, болам шўрлик уруш бошланмасданоқ аскарликка кетган.— Чол ҳам қўшиб қўйди хўрсиниб.

Шерали суратга қаради. Қизил аскар формасидаги йигирма уч-йигирма тўрт ёшлардаги чиройли йигит тикилиб турарди. У суратдан кўз узмай, Қаримга энгашиб, шивирлаб қўй-гач:

— Майли, сизлар айтганча бўла қолсин, пулни эртага кеч-гача етказамиз,— деди чолга.

Чолнинг кичкина кўзлари қувончдан пирпираб кетди. Кам-пирга қараб:— Қани, қўлингни кўтар,— деди. Унинг боятдан буён тунд чехраси тўсатдан ёмби топган каби ёришиб, Омон билан Шералига тиржайиб қўйди. Бўртиқ томирлари кўкариб турган қўлларини пешонаси баравар кўтарди.

— Йигит ўлманглар, бало кўрманглар, облоҳу акбар! Қа-ни, юр энди, булага мушат қима,— дея кампирини имлаб, хонадан чиқди.

— Эртага Виктор пулини ололмаса-чи?— деди Шерали ташвишланиб Қаримга.

— Олади,— деди Қарим одатича шошилмай салмоқла-ниб.— Ҳамма қоғозларини тахт қилиб қўйганда, кассада пул қолмапти. «Эртага вақтли пул бўлади, кечикмай келинг!» депти кассир. Тушундингми энди,— деди Шералига, ташвиш-ланмай оёқ-қўлингни узатиб ётавер, дегандек қараб.

— Етмаганига биз қўшамиз,— деди Шералини тинчитиш учун Омон ҳам.— Кампиримиз бояқиш кеча олмайман десам ҳам, ҳол-жонимга қўймай чўнтагимга бир ярим минг солиб қўйдилар. Виктор билан иккимизники етиб қолар, ахир!

Шерали енгил тортиб, каравотга бориб ўтирди. Кулиб туриб:

— Қаранг, а, ҳаммаларинг бойвачча бўп қолган экансиз-лар-у, мен ташвишланиб ўтирибман,— деди Омонга мамнун боқиб.

Омон жилмайди. Қаримга боши билан имлаб:

— Энди йўлнинг танобини тортсак бўларди, вақт ҳам ал-ламаҳалга етиб қолгандир,— деди кичкина деразадан зулмат чўккан ҳовлига кўз қирини ташларкан.

Шерали Қарим билан Омонни катта кўчагача кузатди. Қайтиб келиб дарвозани занжирлаётганида, кампирнинг ҳов-лида ивирсиб юрганини кўриб:

— Ҳалиям ётмадизми, хола?— деди мулоимлик билан.

— Бе, уйқу қаёқда, болам, кексайганда одам хўроз қичқи-риги билан туриб, товуқлар қўндоққа қўнганда бир чимдим-гина ором оларкан. Мен азалдан шу ўзи, кам уйқуман, рўз-ғор ташвишлари қолганиниям қочирди,— деди зорлангандай, сўнг Шерали етиб келгач, сирли овозда:— Лампани ўчирмай

чиқибсиз, болам, бундоқ қилманг, холангиз қоқиндиқ, куни кеча бир литр лампа мойи, деб Шайхонтохурга бордим, бир ёғи пули ҳам чақади. Отангиз билан овқатти вақтлигина еб, лампани ўчиравуза. Оёқларимизни узатиб, худо деб ётовуза. Ҳа, болам, замон огир, уруш битгани билан заҳри кета қолмаяпти қургурри, ўзизам кўрвотсиз-у!

Шерали кампирга гижиниб қараб қўйди-ю, аммо кекса киши деб дилини огритгиси келмади.

— Бориб ёта қолинг, ҳозир чироқни ўчираман,— деди энсаси қотиб.

Уйга кирди. Еттинчи лампанинг пастлатиб қўйилган ёғдусида нарсаларнинг тарҳинигина ажратиш мумкин эди. Шерали ечинди. Лампани пуфлаб ўчирди-ю, ўринга чўзилди. Симлари бўшашиб қолган каравот гижирлаб чўкди. Шерали чалқанча ётганча қўлларини боши остига ёстиқ қилиб, хаёл сурди. Кейинги пайтларда хаёл уни сира тарк этмай қўйди. Ёлғиз қолди, миясида ҳар хил ўйлар чувалашади, бирдам тинчлик бермайди. Ҳозир ҳам у дам олиш учун чўзилди. Оёқлари ором оляпти, қалби осуда, ўпкаси тўйиб-тўйиб нафас оляпти, аммо миясида минг бир хаёл, қаёқдаги ўй-фикрлар. Бошда ҳозиргина ҳовлида кампирнинг айтган гаплари унга тинчлик бермай, қалбини таталади. Чиндан ҳам уруш битгани билан заҳри кета қолмаяпти. Ҳамманинг турмушини беҳаловат қилиб қўйди, одамлар руҳига таъсир этди, ёши бир ерга етиб, боқувчисидан ажралган қари-қартанглар довдираб қолишди. Одамлар онгидан йўқолаёзган нарсага ҳирс қўйиш ҳиссиётини маълум тоифа орасида қайта уйғота бошлади. Кампирни тинмай эртанги кун ташвиши қийнайди, у кўпроқ жамғариш пайида. Шерали каравотини гижирлатиб, бошқа ёнбошига ағдарилди. Асаблари таранг тортилган, боши ғувиллаб огрияпти. Бир фурсат уйқу аралаш ўзини дунё ташвишларидан холироқ тутиб, Жанубий Помир чўққиларини эслай бошлади. Хаёлида яна Сабогул жонланди-ю, уни уруш даҳшатлари сари етаклади. Гоҳ Даша хола, гоҳ Абдухолиқ унга ўдағайлаб келаётгандай бўлиб туюлар, бомбаларнинг чийиллаган овози орасида Сабогулнинг чинқириғи қулоқлари остида жаранглар, безовталантирарди. Шерали бу даҳшатларни ўйламасликка тиришиб, кўзларини чирт юмиб олди. Сабогул уни барибир тинч қўймади. Вужудини ажиб туйғу қамраб олиб, аста-секин уни аллалай бошлади. Бу оромбахш туйғу асабларини бўшаштирди, мижжалари тобора огирлашиб, ниҳоят уйқуга кетди...

\* \* \*

Кейинги кунлар ҳам Шерали учун огир кечди. Ўзи истамагани ҳолда сал нарсага асабийлашадиган бўлиб қолди. Баъзан паришонхотирлик унинг олдиндан белгилаган режаларини бузиб ташларди. Бундай кезларда ўзини қўярга жой то-

полмасди. Арзимаган сабаб билан суҳбатдошини жеркиб, қи-зишиб кетар, одамлардан қочиб, соатлаб ёлғиз китоб варақ-лар эди. Уни бир ёқдан ҳижрон азоби қийнаса, иккинчи ёқ-дан, назарида, Геология институтида ўзига топширилган иш-ни уддалай олмаётгандек бўлиб туюларди. Айниқса Павел Ивановичнинг: «Партияга киришга ҳозирлигини кўриб қўй, бўталоғим, тавсияноманг тайёр, фақат эҳтиёт бўл, мажлисда довдираб, юзимни ерга қаратма, пухта тайёрлан»,— деб таъ-кидлаганидан буён ҳамма унинг ишини кузатаётгандай кўп-роқ асабийлаша бошлади. Омон бир-икки қўйнига қўл сол-моқчи бўлди. Фойда бермади. Шерали «ичимдагини топ» де-гандек қошларини чимириб ўтирганча унинг саволларига гўё эшитмаган бўлиб, жавоб ҳам қайтармади. Яна ётиғи билан гап очганда, Шерали уни силтаб ташлаб, ўрнидан туриб кет-ди. Омон ноилж Шералини ўз ҳолига қўйди. Павел Ивано-вич ҳузуридагина Шерали ўзини илгаригидай осойишта ту-тишга тиришар, асаблари қанчалик таранг тортилмасин, сир бой бермасликка интилар эди. Бироқ бу ихота узоққа чўзил-мади. Шерали бутун диққатини асабларини босиб туришга қаратиб, бот-бот Павел Иванович билан ўтирганини унутиб, унинг айрим саволларини тамоман эшитмай қоларди. Павел Иванович Шералидаги бу ўзгаришни сезмаслиги мумкин эмас эди. Аммо ўзини билмасликка солар, Шералининг хатти-ҳа-ракатларини зимдан кузатиб, бирор хулосага келишга инти-лар, баъзан Шералининг ёлғиз қолишига имконият бериб, соатлаб лабораторияда ўтириб ишларди. Бироқ Шералидаги маъюслик, аксинча, кун сайин ошиб бораётганини кўргач, ётоқхонага бориб, бу борада Омон билан суҳбатлашди-ю, анча тинчиди. Семиз қорнини серкиллашиб, астойдил кулди.

— Ҳали севги азоби дегин. Бундай бўлса айни муддао, бў-талоғим.— Павел Иванович ҳамон ўзини кулгидан тиёлмай, соатига қаради-ю, ўрнидан турди.— Институтга боришим ке-рак!— У қалин портфелини қўлтиқлаганча эшикка яқинла-шаркан, ҳавонинг иссиқлигидан шикоят қилиб, дастрўмоли билан пешонасидаги терни артди. Жилмайганча чиқиб кетди.

\* \* \*

Шерали кабинетга кириб келган Павел Ивановични кўриб, бошда унинг бу бевақт ташрифидан таажжубланди, аммо партия мажлиси бўлиши тўғрисидаги эълон эсига тушиб, столдаги қоғозларни чеккага суриб, ўрнидан турди.

— Ўтир, ўтир, бўталоғим, мен сенга халақит бермайман, икки оғизгина гапим бор, айтаман-у, мажлисга кириб кетаман. Қани, бундоқ ўтир-чи, нега туриб қолдинг? Ишлар қалай ўзи, дурусти?

Шерали хавфсираб, зимдан Павел Ивановичга қаради. У Шералига сира бундай сирли савол бермаганидан ўйланиб

қолди. Паришонхотирлик билан қошларини чимириб жавоб берди.

— Яхши, Павел Иванович, Синтоб борасидаги топшириқларингизни бажардим, у билан боғлиқ адабиётларни қараб чиқдим. Хулоса битта: Кирилов ҳақ! Синтобни тадқиқ этиш керак, унинг истиқболи бор.— Шерали қатъий фикр билдирганидан ўнғайсизланди шекилли:— Бу менинг фикрим, албатта.— Қўшиб қўйди.

Павел Иванович кўзини Шералининг кўзларидан узмай, завқланиб кулди.

— Шунинг ўзими?

— Шу, Павел Иванович, нима эди?— Шералининг кўнглидан «Наҳотки Омон айтган бўлса», деган фикр ўтиб, Павел Ивановичга яна бир қаради-ю:— Ё бошқа бирон гап ҳам эшитдингизми?— дея жилмайди.

— Йўқ, бўталоғим, ўзим шунчаки сўрадим-қўйдим-да.

Павел Иванович Шералини ортиқ қистамади. Папкасидан кеча ёзиб қўйган тавсияномани олиб Шералининг олдида ташлади.

— Мана бунини олу, ҳаракатингизни қил, бўталоғим, қайси кунини парткомнинг дилидагини билмоқчи бўлиб қитиқласам, сенинг тўғринида фикри чакки эмас, «университетдан биламан», деди. У ҳам...

Шерали қозғога кўз югуртди. Азбаройи қувонганидан Павел Иванович гапини тугатишини ҳам пойлашга сабри чидамай, ўрнидан турди.

— Павел Иванович, азиз устозим... Наҳотки... Йўқ... Ахир мен қаёқда-ю, сиз... Йўқ, йўқ... Мен...

— Ҳа, сен, сенга тавсиянома. Гапини эшит энди. У ҳам қарши эмас,— дея чала қолган гапини давом эттирди Павел Иванович,— ҳатто: «Иккинчи тавсияномани иложи бўлса ўзим ёзиб берардим», деди.

— Павел, Иванович,— Шерали ҳамон ҳаяжонда эди,— бу илтифотингизга қандай миннатдорчилик билдиришни ҳам билмайман. Ишончингизни оқлай олармикинман?

— Оқлайсан, бўталоғим, оқлайсан. Ҳалол, кўзлаган мақсадининг сари интиладиган йигитсан. Ҳамма ишнинг ихлос билан бажарасан. Ихлос қўйиш буюк нарса. Эртагаёқ парткомга учра, қолган тавсияномаларни ҳам ҳаяллатмай йиғ, мен кетдим мажлисга.

Павел Иванович коридорга чиқди. Шерали қўлидаги қозғога тикилди. Унинг қалбини шу дамгача ўзи сезмаган ғалати туйғу, ҳиссиёт қитиқлай бошлади. Сон-саноксиз одамлар тўдаси олдида тургандай бўлди. Ҳамма унинг оғзига тикилган. Шералини ваҳм босди. Қошлари чимирилди. «Қабул қилишармикин? Мен қаёқда-ю, Павел Иванович, Ҳафиз Мирзамухамедович...» У яна бир неча казо-казо одамлар номини хаёлидан ўтказди. Юраги уюшди. Лаҳза ўтмай, бу фикр қўр-

қув ҳиссини уйғотди. Қулоғи остида одамлар ғувири чалиниб, кўз олдида институтнинг мажлислар залида ўтирган олим-у фозиллар жонланди. Негадир хаёлига Боқизода келди. У қаттакон кўзойнагини тақиб, олдинги қаторлардан бирида ўтирганмиш...

Шерали қоғозга кўз югуртган эди, Павел Ивановичнинг қай кунни айтган: «Фақат эҳтиёт бўл, мажлисда довдираб, юзимни ерга қаратма, пухта тайёрлан!»— деган сўзларини хотирлади. Оҳиста жойига ўтирди. Тавсияномани стол устига қўйиб, шошилмай, ҳарфларини ҳижжалаб ўқиди. Ҳозир Сабогул ёнида бўлганида, қувончини биринчи бўлиб ўшанга айтарди. Шерали тўлқинланиб кетиб жилмайди, тавсияномани тортмасига солди. Ўрнидан туриб, столидаги қоғозларни йиғиштираётганда ҳам Павел Ивановичнинг сиймоси кўзи олди-дан нари кетмади. Кўчага чиққанда ҳам ўша кўтаринки руҳ қалбини қитиқларди. Бундай кезларда одам ёлғиз қолгиси, ўзи билан ўзи гаплашгиси келади. Шерали трамвайга ҳам чиқмади. Ўрдага олиб борадиган Лоҳутий кўчасидан яёв уйга кетди. Хонасига кирди-ю, кампирнинг мошхўрдасига ҳам қарамади. Уст-боши билан ўзини каравотга ташлади.

\* \* \*

Эртаси кун Шерали ишга анча барвақт келди. Яқин орада экспедицияга кетишни мўлжалларди. Олтин бўйича ўтказилган конференция материалларини яна бир кўздан кечирди. Ўзига керакли масалаларни алоҳида дафтарига ёзиб олди. Ўрнидан туриб, дафтари тортмага солаётганида, эшик очилиб, Павел Ивановичнинг йўғон гавдаси кўринди. Ҳали эшик тутқичидан қўлини олиб улгурмай, хонага изма-из «Геология юлдузи» кирди. Жажжигина бошини ўнг томонга эгганча (кайфияти чоғ пайтда шундай қиларди), салом, ўртоқлар, деди мовий кўзларини аввал Павел Иванович, сўнг Шералига тикиб.

— Ҳа, орқамдан ким қувиб келаяпти, десам, сенмидинг?

— Ҳа, мен!— «Геология юлдузи» боягидек ҳолатда жилмайиб жавоб бергач:— Сизни Ҳафиз Мирзамухамедович йўқ-лаяптилар,— деб Шералига ҳазиломуз таъзим қилиб, қўли билан эшикка ишора этди.

Шерали Павел Ивановичга қараган эди:

— Сафар бехатар бўлсин, бўталогим,— деди Павел Иванович «сенга айтгандиму», дегандек.

Шерали директор хонасига кирганда, Ҳафиз Мирзамухамедович одатича узун столнинг ўртасида, ундан нарироқда яна икки илмий ходим ўтирарди. Директор ўрнидан туриб, Шералига қўл бериб кўришгач, рўпарадаги стуллардан бирига ишора қилди.

— Ишлар қалай, Шерали?— деди директор катта-катта кўзларини унга тикиб.

— Раҳмат, Ҳафиз Мирзамуҳамедович, чакки эмас,— деди энди Шерали ҳам ўзини анча тутиб олимларга хос камтарлик, аммо ишонч билан, сўнг директор ишора қилган стулга ўтириб, ён дафтарини стол устига очиб қўйди. Қаламини тайёрлагач, «эшитаман» дегандек Ҳафиз Мирзамуҳамедовичга тикилди.

— Жуда соз!— Ҳафиз Мирзамуҳамедович оппоқ кўйлагининг тугмасини ечиб, ёқасини кенгроқ очиб қўйгач, ёнидагиларга ишора қилди:— Бу ўртоқлар билан танишиб олгандирсиз, албатта,— деди кулиб. Сўнг одатича ҳазиллашди:— «Перекур» пайтида гурунгларинг жуда зўр бўларкану! Ўзи йўқларнинг ҳам қулоғи қизиб турармиш. Демак, ҳамма билан танишиб олгандирсиз, Шерали?— қўшиб қўйди Ҳафиз Мирзамуҳамедович.

— Жудаям унчалик эмас, «перекур»ларам ҳисобли, Ҳафиз Мирзамуҳамедович,— деб кулди ва ўтирган икки ходимга қаради Шерали. Улардан бири жуда озгин, кўримсиз, кўк кўзлари киртайган, жуссаси йигитчалардек ихчам бўлиб, иккинчиси новча, анча вазмин одамга ўхшарди-ю, тез-тез мижжа қоқиб қўярди. Ўзига ишонганроқ кўринди Шерали назарида. Ёши ҳам ўттизлардан ошган бақувват киши эди. Шерали уни ошхонада бир-икки кўрган эди. Лекин исмини билмасди. Озгини билан Павел Иванович ишга келганининг эртаси кунни таништирганди. Оти Туроб, фамилияси Пўлатов, Туроб Шералига қараб жилмайди. Унинг нигоҳида софлик, самимият сезиларди. Шерали улардан кўз узиб, Ҳафиз Мирзамуҳамедовичга қаради.

— Танишимиз, Ҳафиз Мирзамуҳамедович.

— Яхши!— Ҳафиз Мирзамуҳамедович оҳиста ўрнидан турди, иш столининг орқа томон деворига осиб қўйилган харита олдида борди.— Мана бу жойлар сизларга яхши таниш бўлиши керак?— дея яшил, кўк, қора ва жигарранг бўёқдаги хаританинг пастки қисмини қўли билан кўрсатди.— Жуда соз! Бу жойлар диққатимизни анчадан буён ўзига жалб қилиб турипти. Аммо бошқа ишлар билан бўлиб, қўл тегмай турганди. Энди вақт-соати етди шекилли.— У хиёл табассум билан Шерали томон бош ирғаб:— Бу масъулиятли ишни сиз бошқарасиз. Ҳамроҳларингиз ҳам бўлажак фан кандидатлари.— Ҳафиз Мирзамуҳамедович Туроб Пўлатовга ва унинг ёнидаги Эшбой Норбоевга қаради.— Вазифа оғир,— дея харитага жиддий тикилиб сўзлади Ҳафиз Мирзамуҳамедович.— Бу ерлар бир неча бор тадқиқ этилган. Аммо ҳар гал экспедициялар бир-бирига қарама-қарши чалкаш ахборотлар қолдиришган. Қирқинчи йиллардан кейин эса умуман геологлар бормаган. Ҳар хил фикрлар юритилляпти. Аммо биз ўз сўзимизни айтишимиз керак. Менимча, Нуротадаги истиқболи катта жойлардан бири бўлиши керак бу ерлар. Минг йиллар бу ерлардан боболаримизнинг оёғи узилмагани ҳам бежиз бўлма-

гандир, деб ўйлайман.— Ҳафиз Мирзамухамедович одатига хилоф тарзда кўпроқ гапириб қўйганини ўзи ҳам пайқади шекилли, тўсатдан тўхтаб қолди, сўнг,— хуллас, бу жойларни тадқиқ этиб, аниқ бир фикрга келишимиз керак,— дея Шералига қараб сўзини якунлади. Ўрнига келиб ўтиргач:— Аммо жуда қизиқ экспедиция бу,— деб қўшиб қўйди, «эҳтиёт бўлинглар, тагин умидимизни пучга чиқарманглар», дегандай.

— Қўлимиздан келган ҳамма ишни қиламиз, Ҳафиз Мирзамухамедович, ўзим ҳам шу томонларга боришни уч-тўрт йилдан буён орзу қилиб юрган эдим,— деди одоб сақлаб Шерали.

— Жуда соз!— Ҳафиз Мирзамухамедович гапим тамом дегандек соатига қаради.— Ҳужжатларни расмийлаштириш, транспорт масалаларини ким орқали ҳал қилишни биласизми?— У яна Шералига мурожаат қилди.

— Ҳа, Ҳафиз Мирзамухамедович, биламан.

— Ўҳ-ҳў, девор бўлмаса, кўчани ҳам кўраман денг, — деди Ҳафиз Мирзамухамедович кулиб.

Ўтирганлар Шералига қараб кулиб қўйишди.

— Биз кўчанингина эмас, ундаги нарсаларни ҳам кўра билишимиз керак, Ҳафиз Мирзамухамедович!

— Жуда соз!— Ҳафиз Мирзамухамедовичнинг кулиб турган чеҳраси жиддийлашди. Бир нима демоқчи эди шекилли, негадир иккиланиб қолди. Ўйланиб туриб қўл силтади.— Ҳа, майли, айтиб қўяй: геология бошқармасидагилар ҳам биз шу жойга экспедиция юборишимизни билиб, ҳаракатга тушиб қолишпти. Ҳечқиси йўқ, борди-ю, улар ҳам ўша томонларга бориб қолишса, белгиланган программада ишларингизни қилаверасизлар, энди менга рухсат, академияга шошиляпман, кўришмасак хайр, оқ йўл, омадингиз келсин!— дея ўрнидан турди. Ўтирганлар билан алоҳида-алоҳида хайрлашгач, иш столи олдига бориб, тортмага калит солди.

## УЧИНЧИ БОС

Бу экспедиция бир ёқдан Шералининг геологияда ўз ўрни, мавқеи, йўналишини белгилаб берган бўлса, иккинчи ёқдан катта-кичик олимлар диққатини жалб этди. Бу олимларнинг кўпчилигини ҳамкасбларининг дадил қадами, шубҳасиз, қувонтирди. Аммо Шералига зид олимлар гуруҳи ҳам йўқ эмас эди. Ҳозир Шерали шу гуруҳга мансуб геологлардан айримларини учратишни, умуман, сурункасига ўтадиган машаққатли ҳафталардан сўнг фан учун катта кашфиёт очишнинг хаёлига ҳам келтирмай, йўлнинг икки четидаги бақатераклар ва тарвақайлаган тутларга тикилганча, хомуш ўтирарди. Машина чапга бурилиб, ўнқир-чўнқирлардан туртиниб юра бошлаганида-

гина, у бошини кўтарди. Атрофга разм солди, юз қадамча нарида, тор этагида турган одамларни кўриб, шофёрга машинани ўша ёққа буришга буюрди. Шерали машинадан тушиб, уларга яқинлашаркан:

— Ҳорманглар, ассалому алайкум!— деди мумкин қадар мулойимлик билан.

— Салом, ўртоқ геолог,— дея биринчи бўлиб Гуреев қўл узатди. Унинг пешонаси, қовоқларида билинар-билинимас ажин пайдо бўлишти. Кўзлари ўша-ўша чақнаб турарди.

Шерали унга зимдан қаради-ю:

— Салом, Вадим Акимович,— дея қўл узатди. «Наҳотки унутмаган бўлса?»— Кўнглидан ўтказди. Бироқ синчиклаб тикилиб қолганини кўриб, хиёл жилмайди.— Танимадингиз шекилли,— деди босиқ овозда заҳарханда билан.

Гуреев кўзларини хиёл сузиб, яна бир тикилгач, ғашни келгандай елка қисиб қўя қолди.

— Анча вақт ўтди, унутгансиз, албатта.— Иккинчи марта эслатди Шерали ўша-ўша босиқлик билан. Сўнг бу гап гўё аҳамиятсиздек Гуреевнинг ёнидагилар билан ҳам қўл бериб кўришгач:— Геология институтиданман, Шерали Алиев,— деди Гуреевга.

Гуреев ноқулай вазиятдан қутулиш учун:

— Аллақерда кўрганим чиппа-чин эсимда турипти-ю, ростини айтсам, ажратолмаяпман, толиқибман, шекилли.— У энди нигоҳини Шералидан олиб қочиб, унинг шерикларига кўз ташлади.

Шерали Туроб билан Эшбойга ишора қилди.

— Биргамиз. Бу киши — Туроб Пўлатов,— деб энди Эшбойга қараган эди, Эшбой бошини хиёл эгиб:

— Қамина ҳам биргалар, исми шарифларни Эшбой Норбоев,— деди тўдада турганларга бир-бир қараб олгач. Пировардида ҳамиша кулиб турадиган кўзларини Гуреевга тикди.

— Ҳа, гап бу ёқда денг!— деди Гуреев қайрилиб Шералига қараркан одатича сўзларни урғуларга бўлиб.— Ҳаммамиз бир мақсадни кўзлаб чиққан эканмиз-да,— қўшиб қўйди энди аччиқ киноя оҳангида.

— Шундай бўлиши ҳам мумкин.— Шерали Гуреевнинг киноясига киноя билан жавоб берди. Сўнг унга ортиқ эътибор ҳам бермай, тўдада турган бошқа геологларга кўз қирини ташлади.

Гуреев ҳушёр тортди. Чап томонида турган кишига ишора қилди.

— Бу киши Оғажон Даврибеков. Ғоят истеъдодли геолог. Худонинг литология бўйича ердаги ноибни десак ҳам янглишмаймиз.— Гуреев зўрма-зўраки илжайди.

Шерали Оғажонга қўл узатиб кўришаркан, унинг хотинларникидек силлиқ юзига, ингичка қора қошларига қараб,

эшитилар-эшитилмас «ғоят мамнунман», деб қўйди одоб юзасидан.

Гуреев Оғажоннинг ёнидаги икки кишига шунчаки бош ирғаб: «Бизнинг геологларимиз»,— деб исмларини ҳам атамади. Сал нарироқдаги икки йигитни ва жилмайиб турган Зарифани практикантлар деб таништирди-ю, шу заҳоти Шералига мурожаат қилди:

— Меҳнатларингиз зое кетишидан қўрқмайсизларми?— У масхараомуз оҳангда сўзласа-да, овозида ташвиш ва қўрқув ҳисси сезилиб турарди.

— Наҳотки қай биримизнинг меҳнатимиз зое кетиши шунчалик аниқ чегараланган бўлса?— Шерали ишонч билан саволга савол берди.

Гуреевга ёш геологнинг бу қадар бийрон ва дадил жавоби ёқмади. У Оғажонга зимдан қараб олди.

— Менимча, ҳар қандай назария тажрибага асосланиб яратилса керак? Шундай эмасми? Ё адашяпманми?— У Шералига еб қўйгудек тикилиб қолди.

Шерали Гуреевнинг «назария» деб Ҳафиз Мирзамуҳамедовичга шама қилаётганини тушунди. Мийиғида кулди. Ўзига тикилиб, саволига жавоб кутаётган Гуреевга:

— Назариясиз ёлғиз тажрибанинг ўзи билан ҳам узоққа борилмаса керак?— деди боягидек босиқлик билан. Унинг сўзлашув оҳанги мулойим бўлса-да, аммо узиб олгудек қаҳр ва аччиқ киноя сезилиб турарди. Шерали вазиятни юмшатишга интилди. Шуниси ҳам борки, эҳтимол ёриқлардан кон очиш мумкиндир. Аммо бу жуда камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Ҳозир биз асосан туб конларни излаб топишимиз керак, назаримда.

— Сизнинг назарингизни билмайман-у, аммо ёриқлардан, бизнинг геологча тил билан айтганда, разломлардан кон излаб, шу дамгача ҳеч ким адашгани йўқ, ҳозир ҳам нодир маъданларни шу усул билан оляпмиз. Кон ҳамиша йирик разломларда, кечирасиз, сизнингча бўла қолсин, ёриқларда яширинади.— Гуреев Оғажонга маъноли қараб, сўзини давом эттирди:— Акс ҳолда Жанубий Фарғонадаги сурма, симоб, қўрғошин, рух ва яна шунга ўхшаш конларни нима деб аташ керак? Ё улар ёриқлардан чиққан конлар эмасми?

— Тўғри, бу конлар ёриқлардан чиққан. — Шерали чинакамига қизиша бошлаган Гуреевни ҳовридан тушириш учун боягидан ҳам босиқроқ жавоб бера бошлади.— Бироқ мен билан сиз излаётган конни ёриқларда деб фараз этиш мушкул. Бўлса ҳам яккам-дуккам учраши мумкин. Сарф қилинган меҳнатга арзирмикин?

Шералининг юмшаганини кўрган Гуреев ҳам ўзини тутиб олди. Муштумдек боши билан кап-катта одамни изга солиб олганидан ижирғаниб, гаши келиб кетди. Ичида: «Шошмай тур, сен жўжаҳўрозни бир ўқитиб қўяй», деб насиҳатга ўтди:

— Хато қилиш — уни тузатишдан осонроқ, дейишади, кейин бармоқ тишлаб ўтирманглар, дейман-да!

— Биласми, Вадим Акимович, гоя гариб ва ёлгон бўлса, сўз лашкари ишга солинади, деган нақл бор. Мен билан сиз қидираётган маъданни ёриқлардан излаш бефойдалигини ўзингиз ҳам яхши тушуниб турибсиз. Хўш, шундай экан, нега энди маъданнинг магматик жинслар билан алоқаси йўқ деб қайсарлик қилиб туриб оласизлар? Наҳотки катта конларнинг магмадан кейинги жараён билан боғлиқлигини синаб кўриш шунчалик қийин бўлса?

— Синаб кўриш дейсизми?— Гуреев яна қизишди. Жаҳл билан Шерали томон бир-икки одимлади-ю, унинг рўпарасида туриб ўшқирди:

— Йўқ, азизим! — Шералининг кейинги гаплари иззатнафсига қаттиқ тегиб кетганидан энди ички нафратини яширмай гапира бошлади:— Магма жараёнлари билан боғлиқ конлар ўзларингизга сийлов! Зеро бу йўл билан ҳали ҳеч ким кон очгани йўқ,— деди фикрини очиқ ифода этиб, сўнг Оғажонга қаради. «Эшитяпсизми?»— дегандек боши билан Шерали томон ишора қилди.

Боятдан буён гапга аралашмай чеккада турган Оғажон тўрғи узоқроқдан ташлади. Салмоқлаб сўз бошлади:— Йўловчи бир қишлоқдан иккинчисига кетаётган экан. Йўл олислигидан толиқиб, иттифоқо учраган бир деҳқондан сўрапти:— Биродар, фалон қишлоққа қанчада етиб бораман?—«Билмадим»,— дея елка қисибди деҳқон. Йўловчи йўлида давом этипти. Унга тикилиб қолган бояги деҳқон йўловчини тўхтади. «Хўв биродар,— дея мурожаат қилипти у йўловчига,— айтган қишлоғингизга ўн беш дақиқада етиб оласиз». Ажабланган йўловчи: «Нега шу гапни боя сўраганимда айтмадингиз?»— деса: «Унда қадамингизни билмас эдим»,— депти деҳқон.— Оғажон Вадим Акимовичга маъқулми, дегандек қараб қўйгач:— Шунга ўхшаш,— сўзини давом эттирди энди у Шералига яқинроқ келиб.— Ёриқлардан беҳисоб конлар очилган, бундан кейин ҳам очилаверади. Аммо сиз айтган магмадан кейинги жараёнда ҳосил бўлган конларни ҳали кўрганимиз йўқ. Унга «сиз-биздан», битта «жиз-биз» афзал. Қани, аввал ўша кон очилсин-чи, кейин гаплашармиз,— деди катта муаммони ҳал этгандек виқор билан Гуреев томон бурилиб, «қойил қилдимми» деган каби.

— Олтин гаплар,— Гуреев жонланди.— Жўжани кузда санайдилар. Ҳозир бу жазирамада туриб гап сотишининг ҳожати бўлмаса керак. Сизларга оқ йўл!

Гуреев Шерали ва унинг шериклари томон қараб, хиёл бошини эгди.

Шерали бурилиб, машина томон юрди. Туроб билан Эпбой ҳам индамай унга эргашишди. Машина бир силкиниб,

йўлга чиқиб олгач, яна Гуреевнинг кулги аралаш шанғиллаган овози эшитилди.

— Эҳтиёт бўлинглар, тагин магма иссиғида эриб кетманглар!

— Нодоннинг кулгиси узоқдан эшитилади, ҳаёт қайнаган жойда кўпик ҳам бўлиши табиий, албатта. Парво қилманг,— деди Эшбой Шералини тинчитиш учун.

Шерали бу хушчақчақ йигитга:

— Жуда ҳазилкаш экансиз, сафаримиз ҳам хурсандчилик билан ўтар экан-да,— деди жилмайганча уни энди кўраётгандек бош-оёқ диққат билан кузатаркан ҳозирги нохуш гаплардан тундлашган чехраси бир қадар ёришиб.

— Ҳамма нарсани кўнглизга яқин олаверсангиз, ҳаёт лаззатидан маҳрум бўласиз. Ўзизга сиҳат тиласангиз, бўлар-бўлмас нарсаларни фожиа даражасига кўтармай, кула-кула кетавering. Бунинг маъноси шуки: «Даҳр шодлик, қайғусига бўлма хуррам, ғам ема. Бу жаҳон расми гаҳи ундоқ, гаҳи бундоқ эрур».

— Эшбойдан гап оласиз!— Луқма ташлади Туроб кичкинагина бошини ингичка бўйни ичига тортиб, завқланиб куларкан.

— Гаппиям билган топади, билмаган қопади, ўртоқ Пулатов,— деди Эшбой осойишталик билан Шералига кўз қисиб.

— Ҳа, ҳа, шунга айтиб қўйинг Туроббойга.— Шерали ҳам Эшбойга кўз қисди «Туробжонни бирпас қийна» дегандек.

Туроб ҳазил-мutoйибани кўп ёқтирмас, айниқса ўзи ҳақида гап борганда, асабийлашиб, чурқ этмай, тескари қараб ўтираверарди. Эшбой Туробнинг авзойи бузилганини, сиркаси сув кўтармаслигини сездими, аммо Шералининг бояги нохуш учрашувдан кейинги кайфиятини ўзгартириш ниятида яна тегажаклик қилди.

— Гап билганга минг танга, иш билганга биттанга, Туроббой, иш биламан деб ҳадеб қовоқ-димоқ қилаверманг.

Туроб бу гал Эшбойга қарамади ҳам, негаки жавоб берса, мунозара бошланиши аниқ эди. Тескари ўтириб олиб, машина ортида кўтарилаётган чанг орасидан олисланган сари кичрайиб қолаётган тоғ ўрқачларига тикилди. Табиат яратган ажойиботлар ҳақида ҳаёл суриб қолди. Эшбой бир-икки томоқ қириб, Шералига қаради. Шерали ҳам Эшбойни тамоман унутиб, тоғ ортда қолиб, тўсатдан ўзгарган чўл манзарасига тикилиб ўтирарди. Эски «газик» енгил машина сел ва тошқинлар думалатиб келган оҳактошлар оралаб, шувок буталарини шитирлатганча илгарилар, ҳар замонда ҳуркиб, «пирр» этиб ҳавога кўтарилиб, пастлаб уча бошлаган ёки йўрғалаб қочаётган чўл тўрғайларини қувлаётган капи гоҳ тепаликка кўтарилар, гоҳ бир замонлар тўлиб-топиб оққан дарё ўзанига тушиб, дам ўтмай ниграганча яна юқорилар эди.

Чўл манзараси юракни сиқиб қўйишиданми ёки бояги уч-

рашувни ҳар ким ўзича мушоҳада этиб бораётганиданми ҳар-тугул учала олим ҳам кўзларини бир нуқтага қадаганча ўтиришарди. Шофёр Уринбойгина дунёни сув босса тўпигига чиқмайдигандек кичкина қора кўзларини йўлдан узмай тикилиб борар, машина ўйдим-чуқур ерларга ёки тепаликларга яқинлашганда, бошидаги соябони узун бинафшаранг шапкасини бостириб қўйиб, ўриндиққа яхшилаб ўрнашиб олар, текис йўл бошланганда, яна бош яланг бўлиб, алланималарни гапирётган каби лабларини қимирлатиб қўярди.

Чўл ортда қола бошлади. Одамлар қачонлардир қуриб, кейинчалик табиат ҳамласидан чўчиб, ташлаб кетган қўрғонларнинг пахса қолдиқлари унда-мунда кўзга ташланар, олдинда эса яна қорамтир-жиғарранг қояларнинг учи осмонга найзадек санчилиб турарди. Шералининг нигоҳи чўққиларга тушганда, негадир юраги аллапечук бўлиб кетди. Бошда Гуреевнинг истеҳзоли сўзлари қулоғи остида янграб, унинг дум-думалоқ кичкина кўзлари ўзига қадалиб тургандай бўлиб кетди. Сесканиб, шу ҳақда ўйлай бошлаганда, ўзини Оғажон Даврибеков деб таништирган силлиқ кишининг калака қилгандай менсимай айтган гаплари хаёлига келиб, Эшбой томон қаради. Эшбой ниманидир ўйлаб борарди, Шералининг қараганини сезмади. Шерали тараддудланиб қолди. Унинг хаёлини бузгиси келмади шекилли. Эшбойдан кўзини узган эди, бояги шарақлаган кулги овози шу топда шиддатлироқ эшитилгандай бўлди. Ортиқ чидаб туролмади. Бошини кескин буриб:

— Бояги одамни илгари ҳам танирмидиз, Эшбой? — деди Шерали ҳаяжонини ҳам яширмай.

Эшбой бурилиб, Шералига қараб кулди.

— Наша қиялпими, деймай?

— Йўқ, нимага энди, ўзим, шунчаки сўраяпман-да!

Шерали чиндан ҳам ташвишга тушганини қанчалик яширишга интиلمасин, Эшбой бунни пайқади. Шералини тинчитиш учун монандроқ сўз қидириб, ўйлашиб қолди. Сўнгра юзидаги табассумни йиғмай, доналаб гапира бошлади:

— Нуқта агар қуёшга доғ бўламан деса, ўзини саргардон қилади, қатра гар дарёга тенг келаман деса — бу унинг но-донлигидандир. Сўрашга ҳам арзимайдиган бир киши у.

Шерали табиятан ноўрин мақтовларни хуш ёқтирмайдиган бўлганидан ўнғайсизланди.

— Жудаям ошириб юбордингиз, шекилли. — У ўпкалангандай Эшбойга норози қиёфада қаради.

Эшбой яна кулди.

— Жаҳлингиз чиқмасин, Шерали ака, институтга, қолаверса коллективга нисбатан қиёс қилиб айтяпман мен.

Шерали Эшбойнинг вазиятни яшин тезлигида мушоҳада этиб, ҳозиржавоблик билан сўз топиб бериш маҳоратига қойил қолди, мамнун кулиб бош чайқади. Айни чоқда, жавобсиз қолган саволини эслатди.

— Табиатни жиловлайман десанг, уни яхшилаб ўрган, рақибни маҳв этмоқни истасанг, имкониятларини билгин, деган эканлар.

Эшбой ҳам Шералига қўшилиб, астойдил кулиб:

— Ортиқча имкониятлари борлигига ҳам шубҳаланаман. Ҳар ҳолда геологияга тасодифан кирганлардан дейишади.— У шундай деди-ю, Туробга хавотирланиб қараб қўйди.

Боятдан буён гапга аралашмай, тескари ўтирган Туроб Эшбойнинг ҳозирги айтганига чидаб туролмади.

— Сизга қолса геологияга ҳамма тасодифан кирган, ўткинчи, якка ўзингиз туғма геолог, буюк кашфиётчи, тенги йўқ топаёган.— Туроб бурилиб туриб, Эшбойга гапирди-ю, яна бояги ҳолатида ўтираверди.

Шерали Эшбойга маъноли қараб кулди. Эшбой ҳам кулиб туриб кўз қисди. У Туробнинг бировни ёмонлашни жини ёқтирмаслигини биларди, ҳатто шу масалада бир-икки жиддийгина сан-манга ҳам боришганди. Аммо Эшбойнинг Оғажон ҳақидаги гапида бир ёқдан, жон бўлса, иккинчи ёқдан, чиндан ҳам унда одамлар ҳақида орқаворатдан гапириш одати йўқ эмас эди. Аммо ҳозир Туробнинг Шерали олдида уни изза қилгани нафсониятига тегди.

— Билганим учун гапиряпман, мулла Туроб, сиз ҳам осмонни ерга ёпиштирманг. Қасални яширсанг, иситмаси ошкор қиларкан. Ҳақ гап бўлгач, яширишнинг не ҳожати бор?— деди Эшбой қизишиброқ.

— Билсангиз ҳам орқасидан гапирманг, ҳақ гап бўлса, шартта юзига айтинг. Оғзи айғоқ, тили тайғоқ одамлар тоифасидан бўлманг, дўстим!

Эшбой ҳозир Туроб билан баҳслашиш бефойдалигини билгани учун:

— Хўп бўлади, ўртоқ Макаренко, товба қилдик,— деди ҳовридан тушиб. Сўнг Шералига «кейин айтаман» дегандек қўл силтаб қўйди.

Олимлар яна ўз хаёлларига чўмилдилар. Ўринбойгина бу умумий баҳсларга сира қўшилмас, улардан биронталари дилидагидек гапни айтгудек бўлса, бошини хиёл ўша киши томон буриб, мийиғида кулиб қўярди-ю, шу заҳоти яна шошапиша йўлга тикиларди. Йўл энди анча текис, теварак-атроф баҳайбат тоғлар билан ўралган эди. Тоғ ёнбағирларида буталар, писта дарахтлари ва бошқа ўт-ўланлар шу қадар қалин эдики, олисдан яхлит гилам тўшалгандай бўлиб, улар тоғ этакларида шудгорлар устига ястанган ям-яшил тоқзорлар билан туташиб кетарди. Тоғларнинг паст ўрқачлари эса эгар, бешик каби турли шаклларни эслатарди. Қуёш тоғ ортига ёпбошлаётганда, машина сой бўйлаб кетган энсиз тоғ йўлидан юқорилаб борар, энди моторнинг шиддат билан гувиллаган овози эшитилмас, сойнинг бир маромда шовуллаши ҳатто гапни гапга қўшишга ҳам имкон бермасди. Йўл торайиб бо-

риб, ниҳоят икки харсангтош орасига илонизидай кириб, го-йиб бўлди. Уринбой чаққонлик билан тормозни босди. Машинадан биринчи бўлиб Шерали тушди. Унинг кетидан тушиб, узун қўлларини икки ёққа кериб, хомуза тортган Эшбой йўл ёқасидаги харсангга бориб энди ўтирган эди, машина ичидан Туробнинг чийиллаган овозини эшитиб, ўрnidан турди. Туроб машина орқасига тартиб билан жойлаб қўйилган нарсаларни бирин-кетин олиб, Эшбойга узата бошлади. Шерали қўлидаги рюкзакни четга қўйиб, тоғ этагидаги ялангликка чиқди. Атрофга разм солди. Бу жой йўл ёқасида бўлишига қарамай, анча баланд, хушхаво, айна чокда, кимнингдир қўли теккандай хийла текис ва хас-чўплардан тозаланган эди. Шерали йўлнинг нариги четидаги азим бир туп ёнгоқ дарахти тагини ҳам нигоҳидан кечиргач, яна ўзи турган ялангликка синчиклаб қараб:

— Қани, олиб келинглар, лагерга бундан яхшироқ жой топилмас, ўзиниям биров тайёрлаб қўйганга ўхшайди,— деб энгашди. У унда-мунда думалаб ётган тошларни кўтариб, бир четга олиб чиқиб ташлади. Туроб чодирга жой чамалаб, қадамлаб қозиқ ўринларини белгилаб олди. Кўплашиб, чодирни кўтаришди. Туроб ўз одатича қозиқларга тортилган арқонларни қўли билан силкитиб кўргач, машинадаги қолган майда-чуйдаларни олиб келишга кетди. Уринбой уловдан чиққан чавандоз отини совутгандай, машинаси капотини очиб, синчиклаб кўздан кечирарди ва аллақачон тошлардан ўчоқ ясаб чой қайнатгиш ҳаракатига тушган Эшбойга бир нималар деб кўрсатма берарди. Ишлар бир қадар саранжомланиб, чой қайнагач, Шералининг:

— Қани, биродарлар, келинглар, бир пиёладан чой ичиб, ақлни пешлаб олайлик-чи, кейин қолган ишларни қилармиз,— деган амрона сўзларига ҳамма итоат этиб, бирин-кетин чодирга киришди.

## ТўRTИНЧИ БОБ

Синтоб — табиатнинг энг сўлим жойларидан бири. У ерга биринчи қадам қўйган киши ўзини эртаклардаги етти тоғ ортидаги афсонавий ўлкага тушиб қолгандай ҳис этади. Атрофда кимса йўқ. Майин тонг шабадаси сени эркалаётган каби силлаб-сийпалайди. Шовуллаб оқаётган сой бўйидаги энсиз йўлнинг икки томонида тик кўтарилган тоғ чўққилари булутларга интилаётгандек. Ҳар икки томондаги ёнбағирларда турли баландликларда харсангтошлардан қурилган уйлар, тоғ бағирларини кесиб ўтган ариқсимон ўйиқлар бу афсонавий ўлка ҳақида сирли эртақ сўйлаётгандек муншайиб турар, инсон тасаввурини олис даврларга етакларди.

Тароватли тонг нафосатининг шайдоси Шерали кеча машина келиб ёнида тўхтаган харсанг устида ўйчан ўтирарди. Унг

қўлида мўйқалам, ҳар замонда чўққилардан, нигоҳини узиб, мольбертга жигарранг, қора, сариқ бўёқ берар, яна олисларга кўз қадаб, қотиб қоларди. Орадан бир соатча ўтганда, чодирдан Эшбой чиқиб, сой томон юрди. Юз-қўлини чайиб олди. Ўзи билганча бадантарбия қилди. Шералига кўзи тушиб, унинг ёнига келди. Бўёқлардан ҳосил бўлаётган манзарага тикилиб туриб:

— Ўзлариям хўп ҳунарманд эканлар-да. Бир йигитга етмиш ҳунар оз, деганларидек ҳали бунақа ишларимам бор деи?— У кўзларига ишонмаган каби бир мольбертга, бир Шералига қарарди. Қимдир институтда Шералининг яхшигина рассомлигини айтганида, сира ишонмаган эди. Ўзи ҳам санъатга қизиқиб юргани учун ҳозир Шерали назарида қўл етмайдиган баланд қоядек бўлиб кўринди кўзига. Расмга яна бир кўз қирини ташлаб:

— Жон ака, битта-яримтасини бизга ҳам тақдим эта қолинг, ўтиниб сўрайман. Жон-дилим ижод. Йўқ деманг, ака, келинг.

Шерали бевақт келиб қолган Эшбойдан ичида қанчалик ўнғайсизланмасин, унинг ҳозирги бу болаларча ўчакишидан ўзини тутолмай кулди. Қўлидаги мўйқаламни мольбертга тортилган матога бир икки сургач, эски латта билан артиб, туюбиклар ёнига қўйди ва юзидаги кулгини йиғолмай:

— Шунчаки кўнгилхушлик, мулла Эшбой— деб ўрнидан турди.

Эшбой астойдил бояги илтимосини қайтариб, Шералидан жавоб қистади. Шерали ночор «маъқул» дегандек бош ирғаб:

— Қани, битсин-чи, бир гап бўлар,— деди яна кулиб.

— Мана бунизга қойил, қани қўлни ташланг.

Шерали қўлини узататуриб, гапни бошқа ёққа бурди.

— Қалай тоғ ҳавоси, ёқдим?

— Нимасини айтасиз, қалаям гапми, малҳамнинг ўзи-ку! Бир кечанинг ўзида ўпкани шаҳардаги ғуборлардан тозаланди-қўйди. Нафас олишимни қаранг.— Эшбой кўкрагини тўлдириб нафас ола бошлади.— Фақат ўрганиб қолиб, емга ўрганган от хуржун тешади, деганларидек, тоққа чопавермасак бўлгани,— дея қўшиб қўйди у.

Шерали бу шалдир-шулдур беғубор йигитга қараб, завқланиб кулди.

— Геолог халқи тоққа чопаверса ёмон бўлмайди, юртга — бойлик бу, Эшбой. Фақат бир нарса ич-ичимни таталайди доим.— Шерали Эшбойнинг елкасига қўл ташлади.— Бизнинг пойқадамимиз етган жойда табиатга путур етмай қолмайди-да, оғайни, мана шунисига ачинаман. Бу ерлардан маъдан топгудек бўлсак борми, йил ўтмай, шундай сўлим жойга ўз қўлимиз билан болта қўямиз.

— Менимча, бу ерларга биздан олдин ҳам кўп пойқадамлар етганга ўхшайди. Аммо ҳеч кимнинг болтасидан из қол-

маган шекилли.— Эшбой харсанг уйларга, тоғ ёнбағирларидан кўтарилиб кетган ўйиққа ишора қилди.

— Ҳа, бу ерларга ота-боболаримиз пойқадами етганига ўн асрдан ошган. Бухоро амирининг олтин сандиқларидан бири шу ерда бўлган, дейишади.

Эшбой тоғ ёнбағирларидаги уйларга маъюс тикилди. Унинг бояги қувноқлигидан асар ҳам қолмаган эди.

— Сандиқдан олтин олиб берганларнинг қабристони ҳам шу ерда қолган экан-да?— деди инграган каби мунгли овозда.

— Тўғри, қабри ҳам шу ерда қолганлиги шубҳасиз, — деди уйларга қараб Шерали. У хўрсиниб нафас ростлади. Уйлардан кўз узмай, сўзини давом эттирди: — Ишдан кейин кечаси тўп-тўп қилиб мана шу уйларга қамашган. — Шералининг овози титраб кетди. У ортиқ гапиролмади. Маъюсланиб мольбертнинг йиғди, тюбикларнинг халтага солиб олгач, нигоҳи яна уйларга қадалди. — Маъданлар олиб бўлингач, амир уларга озодлик ва олтин ваъда этиб, бир-бирларини қиришга ундаган.

— Нақадар йиртқичлик, қабоҳат!

Эшбой бош чайқаб, Шералига қаради.

Шерали ўйланиб туриб, оҳиста сўз бошлади:

— Геродот: «Биздан ҳеч биримиз давлатни якка тартибда бошқаришни бўйнига олмаслиги керак. Мамлакат якка ҳоким қўлига ўтгач, у кўнгли тусаган ишни қилаверади. Истаган йиртқичлик ва қабоҳат ҳеч кимдан сўралмай, амалга оширилади», деган экан.

— Зўравонликка асосланган ҳокимият зўравонлик билан ағдарилади, деб бежиз айтишмаган экан-да.— Эшбой тоғ чўққисидаги қоровулхонага тикилди.

— Ҳа, оғайни, Бухоро амирлигининг емирилгани ҳам бунга яққол мисол.

Шерали шундай деб чодир томон бораётиб, энгашганча ўйиқ ичига қаради. Эни ярим метрдан хиёл ошадиган бу ўйиқлар анча чуқур — бир ярим одам бўйи келарди. Ўйиқларнинг атрофида қадимий кончиларнинг тош қуроллари сочилиб ётарди. Шерали улардан бирини қўлига олиб, Эшбойга узатди.

— Мана, ўша амирлик шўрини қуритганларнинг яккаю ягона иш қуроллари.

Эшбой бир ёғни йўниб ўткирланган вазмингина тошболгани авайлаб қўлига олиб, Шералига қаради.

— Минг азоб билан ўт ёқиб, ҳосил этган тоғ ёриқларига ана шу тошларни фона қилиб қоқишган,— дея сўзини давом эттирди Шерали.— Зарб билан уриб туширилган тоғ палахсаларини қопларда чиқаришиб, ичидан маъданин ажратиб олишган. Булар бари қўл меҳнати. Бинобарин табият яратган мана шу гўзалликларга,— Шерали атрофга кўз югуртирди,— рахна солишга ҳожат қолмаган.— Шерали «Тушундингми?»

дегандек Эшбойга қаради.— Маъдан олишнинг ҳозирги замон техникасини ўзингиз биласиз, дўстим. Иш бу ерларни бузиб, катта иморатлар қуришдан бошланади.— Шерали фикрини яқунлади. Чодир томон юраркан, айтганлари ўзига наша қилди шекилли, кулди. Эшбой етиб келгач:— Шу топда худди эртагаёқ бу ерда кон очиб, индинига иш бошлайдигандай гапирдим шекилли,— деди оғзини кулгидан йиғолмай.

— Яхши ният — ёрти мол, деган эканлар, ажаб эмас, шу бугуноқ пешонамиз ярқираб, кон очиб қолсак.

— Оғзингизга ҳолва! — Шерали завқ билан кулди.

Эшбой ҳам бўш келмади.

— Қани, чодирга кетдик бўлмаса, ҳолвага ҳойнаҳой чой ҳам керак, — деб Шералига таъзим билан йўл берди.

Улар чодирга кирганларида, Туроб яссироқ харсангтошни ўртага қўйиб, дастурхон ёзаётган эди. Шерали билан Эшбой ёнма-ён ўтиришиб, яхна гўшт билан нондан энди бир бурдадан олишганда, Туроб қайнаб турган чойгумни олиб кириб, ўртага қўйди. Унгача машинасининг капотини тарақлатиб ёлпан Уринбой ҳам етиб келди. Соф тоғ ҳавоси, ажойиб манзара ва энг муҳими бўлажак муваффақиятга ишонч ҳамма-нинг иштаҳасини бирдек очиб юборган эди. Ҳаш-паш дегунча Туроб қўйган емишларнинг чанги чиқиб, чойхўрлик устида шўх гурунг бошланди.

Нонуштадан сўнг Уринбой Тошкентга жўнаб кетди. Дастлабки иш кунига ҳозирлик бошланди. Экспедиция журналларини мунтазам тўлғазиб бориб ва карталарда қайд этиш Туробга, йиғилган намуналарни саранжомлаш Эшбойга топширилди.

Улар болғаларини олиб, сой бўйидан юқорилаб кетаётганларида, қуёш Нурота чўққиларида камалакдек товланиб, шуъласи Синтобсой устидаги қояларда мавж урарди. Ёнбағирлардаги ёввойи бодом япроқларига, қорақанд, итбурун буталарига қўнган шудринг оҳиста буғланиб, ҳавога кўтарилмоқда эди.

Шерали илонизи сўқмоқдан йигирма-ўттиз метрча кўтарилгач, тўхтаб, атрофга разм солди. Синтобсойнинг тепа қисми Қапчиғайсой. Шералининг режасида у ерларни тадқиқ этиш кўзда тутилмаган. Синтобсойнинг чап тармоғига назар ташлади. Бу ерлар Човоқсой номи билан машҳур. Қапчиғайсойдан ўнгда Таррорсой бошланиб, у табиат яратган ажиб мўъжиза. Шерали бу ерларга студентлик йилларида бир келган эди. Таррорсой тутқич бермай тоғ устларида мўъжаз булоқлардан йиғиб олган сувини харсанг тоғлар орасидан шиддат билан пастга олиб тушиб кетади. Соининг ўнг ва сўл қиргоқларида чорбоғлар: улкан ёнғоқзорлар, олмазорлар ястаниб ётади. Дарахтлар шохларини ва тарвақайлаган таналарини ёввойи тоқлар чирмовуқдай ўраб олган. Дарахт тағларида кўринишдан хонаки райҳонга ўхшаб кетадиган кийик

ўт пуштиранг дасталарини йўловчи олдда ҳилпиратиб, атрофга маст қилувчи ўткир ҳид таратади.

Шерали ёнида турган Туроб билан Эшбойга қаради.

— Бу ерларда сира бўлганмисизлар?

— Йўқ!— Баравар жавоб беришди улар.

— Ундай бўлса дунёга келмабсизлар. Бундан кейин сизлардан биров «Жаннат қаерда?» деб сўрагудек бўлса, тўппатўғри шу ёққа бошлаб келаверинглар,— дея Шерали оёғига тираб қўйган болғасини қўлига олиб,— қани, кетдик жаннатнинг ичига,— деб энгашиброқ юқорилай бошлади. Ниҳоят Синтобсойнинг ғарби-жанубий томонидаги катта ёнғоқ дарахти тагига келиб, қаддини ростлади.

— Мана шу ерлар Човоқсой, бундан кетган йўл Синтоб қўлига олиб боради,— деди Шерали «рюкзакларингизни ерга қўяверинглар» дегандек ишора қилиб.

Эшбой ҳам, Туроб ҳам табиат яратган бу мўъжизакор ерларга завқ билан тикилиб, анграйиб қолишган эди.

Човоқсой чиндан ҳам эртақлардаги Боғи Эрамни эслатади. Тўрт томони баланд тоғлар. Ғарб томонга қарасангиз, тоғ чўққиси булутлар бағрини ёриб киргандай. Чўққига салла каби қўниб турган булутлар гоҳ пастлашиб, тоғларни қалин симобранг парда билан ўрар, гоҳ ёнлаб ўтиб, ўрнини шитоб билан келаётган бошқа булутлар тўдасига берарди. Човоқсойнинг ғарби-жанубий қисми узун йўлакка ўхшайди. Тоғ бағридаги ёввойи бодом япроқлари ҳамиша тўлқиндек мавж уриб туради.

— Одамларимиз ҳам кўп қизиқ-да,— дея гап бошлади ниҳоят Эшбой.— Дам оламан деб пул сарфлаб, иссиқдан ҳансираб қаерларга бориб келишади. Мана, дам оладиган сўлим жой ёнбошимизда экан-ку! Наҳотки шуни билишмаса?

— Ҳамма бало ҳам шунда-да!— Шерали Эшбой дилидаги гапни айтганидан жонланиб кетди.— Билишмайди. Билдиришга мутасадди қилиб қўйилган, шунинг учун маош оладиган амалдорлар эса билдиришмайди, жонларини койитишмайди, ўзлари Қриму Қавказларга бориб келишаверади. Улар учун икки дунё — бир қадам. Бу жойларни очиб, қадамжо қилишга эса бирмунча азият чекиш керак. Бинобарин ёзининг жазирамасида ҳам мана бунақа баҳор жойлар булбулу каптарларга макон бўлиб, эл кўзидан пинҳон қолаверади.

— Ўша амалдорларга танбеҳ берадиган йўқми, бундоқ танобларини тортиб қўйишса?

Шерали ҳали Эшбойга жавоб бериб улгурмай, олма дарахти шохлари орасидан «нарр» этиб бир жуфт кук қалтар учиб, чўққилар томон парвоз этди. Йигирма қадамча чалпроқда, қуюқ итбурун буталари ичида булбул сайрай бошлади.

Эшбой узун оёқларини кўтариб, ўша томон чопган эди, Шерали уни ҳайҳайлаб тўхтатди.

— Бир нафас тек турунг энди, дўстим, амалдорларингиз-

ниям қўя турнинг, асабларга ором берувчи ашулачи ўз оёғи билан келди, эшитайлик. Булбул одамдан чўчимаса ҳам, ўзига тикилган кўзни ёмон кўради, аразлаб, ашуласини айтмай қўяди.

— Ё пирам!— Эшбой ёқа ушлаб, Туробга қаради. Булбул хонишига маҳлиё бўлган Туроб Эшбойга эътибор ҳам бермай, олма дарахти остидаги тошга ўтирди.

Шерали кулранг курткасини ечиб, оқ сурп кўйлагининг енгларини шимарди. Ёнғоқ дарахти тагидаги дўнгликка ўтириб, рюкзакдан аллақандай қоғозни олди. Уни тиззасига қўйиб очди-да, узоқ тикилиб, ўйланиб қолди. Сўнг ўрнидан туриб, атрофни синчиклаб кўздан кечирди, бир қоғозга, бир тоғ ёнбағирларига қараб, бир нималарни чамалаб кўрди. Ниҳоят Эшбой билан Туробни имлади. Улар келиб Шерали рўпарасида тўхтагач, жиддий оҳангда гапира бошлади:

— Гап бундоқ, оғайнилар, тахминимча, шу атрофда кварц томирлари ёки кварцлашган тоғ жинслари бўлиши керак. Вазифа — шу жинсларни топиш. Булар олтинли бўлиши мумкин. Фойдали қазилмалар ҳақидаги дарсликлар, адабиётлар ва тажрибалардан маълумки, олтин кварц томирлари ва кварцлашган тоғ жинсларида ёки пирит ва арсенопирит, яъни темир ва маргимуш колчеданларида ё мис, қўргошин, кумуш ва теллур бирикмалари билан бирга келади. Бу ердаги шароит, яъни Синтоб ва умуман Нурота шаронти ўзининг чуқурроқда ва гранит массивларининг юқори ҳарорати таъсирида пайдо бўлган тоғ жинслари билан бу ерда биринчи туркумдаги олтинли томирлар бўлишини тақозо этади. Кварц-пирит, айниқса арсенопиритлик, яъни маргимушлик олтин конлари айнан Нуротанинг геология шароитига мос келадиган конлардир. Уралдаги Кочкарка, Забайкальедаги Дарасун конлари худди шу турдаги конлардир. Биз арсенопирит ва қолаверса олтиннинг ўзини қидириб топишимиз керак. Болға билан урганда, маргимуш бор тоғ жинсидан саримсоқ ҳиди келади. Олтин эса умуман кўринмаслиги ҳам мумкин. Қани, кунни ўтказмай, ишга киришайлик, биродарлар, бу гаплар айтишга осон,— деди бўшашибгина Шерали, аммо юрагининг аллақаерида умид учқунлари алангаланарди. У Синтоб ҳақида ўйлай бошлаган кезларидаёқ бу жойда олтин борлигига қаттиқ ишонган эди. Одамдаги ишонч эса энг қудратли яратувчи кучдир. Шералининг кўнглидан шу фикр ўтди-ю, кулиб қўйиб:— Зора сизларнинг пойқадамларинг хуш ёқиб, қидирганимиз оёқ остидан чиқиб қолса,— деб ерда ётган болғасини қўлига олди. Назарида, қалбидаги умид унга куч-қувват бағишламоқда эди.

— Бир донишманддан кимни оқил киши санаса бўлади, деб сўрашганларида: «Қўзлаган мақсади сари интиладиган одамни»,— деб жавоб берган экан у. Ноумид шайтон, топмагунча бу ердан кетиш йўқ, аҳдимиз қатъий,— дея Эшбой муштумини тугиб, боши узра кўтариб қўйди.

Шерали кулди. «Боя айтганимиздай, яхши ният — ёрти мол, ажабмас, омадимиз кеп қоса»,— дея тўғрига қараб юрди.

Туроб Шерали билан Эшбой суҳбатига аралашмай, қулоқ солиб турди-да, олма дарахти тагидаги харсанг уетига бориб ўтирди. Атрофга синчиклаб разм солди. Айниқса кўм-кўк ўтлар орасидан мўралаб турган каби қирраси туртиб чиққан харсангтошларни синчиклаб кўздан кечирди, сўнг шошилмай геология журнаlines очди. Унинг дастлабки варағига ва картага турган жойларини белгилаб қўйди. Дафтарни ёпиб, рюкзaгига жойлагач, болғасини қўлига олди. Дўлана остидаги гранит томирга жон-жаҳди билан болға уриб, кўчган тошларни диққат билан кўздан кечира бошлади. Эшбой эса нарироқдаги сланец тошларни энгашиб олиб, лупасида синчиклаб кўрар, кутилган натижа чиқмагач, ўзича ёўлдираб, уни бир чеккага итқитиб, бошқасига қўл чўзарди. Харсангтошлар олдига келганда эса қўлидаги болға билан уриб, ундан кўчириб олган бўлагини яна бояги вазиятда кўздан кечирар, ҳар замонда ўзи иккиланган жинсларни Шералига кўрсатганда, Шерали разм солиб:

— Йўқ, бу темир занги билан бўялган сланец,— деб тошни Эшбойга қайтариб берарди.

Орадан ярим соатлар ўтди. Ҳамма ўз иши билан банд. Эшбой тўсатдан:

— Ҳў, биродарлар, маргимуш тополмасам ҳам, кечки овқатимизга боп қўзиқорин топдим, келаверинглар,— деб бақириб юборди.

Туроб унга яқинроқ жойда эди. Бориб Эшбой кўрсатган ўтлар орасига разм солиб кулди.

— Ўзизам қўзиқоринни девона телпакдан ажратолмай қопсиз шекилли, пирим,— дея кулиб ерга энгашди. Эшбой қўзиқорин деганидан бирини узиб, унинг қўлига тутқизди. Эшбой ишшайиб бир қаради-ю, ерга отворди. Қўзиқорин дегани чиндан ҳам дарвешлар киядиган узун телпакка ўхшарди.

Эшбой яна болғасини харсангтошга тақиллатиб ура бошлади. Орадан кўп ўтмай унинг шанғиллаган овози энди тоғтошни ларзага солиб янгради.

— Топдеем, топдеем!

Шерали харсангтошларга ҳам эътибор бермай, икки сакраб, Эшбой олдига келиб тўхтади.

— Қани, бу ёққа олинг-чи,— деб қўлини чўзди қизиқиб.

Эшбой шоша-пиша ёнғоқдан каттароқ тоғ жинсини Шералининг қўлига тутқазиб:

— Айтдиму, топонғичман деб, қалай, геолог халқи фақат топиши керак,— дея Шералидан кўз узмай бидирлай кетди.

Туроб Эшбойнинг ҳовлиқмалигини билганидан унинг ваҳимасига ишонқирамай, ўрнидан ҳам жилмади. Узун-узун озғин бармоқларини оғзига карнай қилиб:

— Тағин бояги қўзиқориндан бўлмасин,— дея кулиб қўйди.

— Ҳазилингизни қўйинг, шу топда ҳазил қиладиган пайтми?— деди астойдил куйиниб Эшбой. Сўнг тоқатсизлик билан яна Шералига тикилиб қолди.

Шерали ҳаяжон ичида ҳовлиқиб келган бўлса ҳам тошни кўришга ошиқмади. У бундай кезларда сира шошилмайди. Тошни лупага солишдан олдин қўлида салмоқлаб кўрди. Сўнг лупасини ўнг қўли билан кўзига тутиб, тошни лупа ойнаси остига яқинлаштирди, синчиклаб кўздан кечирди. Эшбойга истеҳзо билан қараб, тошни итқитиб ташлади. Мийиғида кулганча, индамай, бояги ишлаб турган жойига қараб юрди.

Эшбой бир Шералига, бир у итқитиб ташлаган тошга кўз ташлаб:

— Нима бўлди, домла, индамай кетаверасизми?— деди ҳовлиқиб, назарида Шерали тошни ўзи топмаганига аччиқ қилиб атайин итқитиб ташлагандек.

Шерали тўхтади. Орқасига қайрилиб қараб, кулди, сўнг кесатиқ аралаш аччиқ киноя билан:

— Русларда: «Федот, да не нот», деган гап бор. Пиритни арсенопиритдан ажратолмай қопсиз шекилли,— деди. У унча-мунча жўн минералларни ажратолмайдиган геологларни кўрганда энсаси қотиб, жаҳли чиқарди. Боя ҳам Эшбой бир-икки тош кўрсатганда ижирғанди-ю, аммо ўзини босди. Бу ўта қувноқ ва кўнгли очиқ йигитни хафа қилгиси келмаганди. Ҳозир дилидагини яширмади.— Минералогия курсини ўқиётганда, ўзлари қўзиқорин терганмилар дейман?— узиб олди Шерали. У «сени қара-ю», дегандек Эшбойга зимдан қаради-ю, бурилиб кетди.

Туроб кулиб, қўлидаги болғани зарб билан тошга урди. Эшбой шу бўйи кечгача овоз чиқармай ишлади. Бунга ортиқча имконият ҳам бўлгани йўқ. Чунки орадан икки-уч соат ўтгач, ҳар учала олим маргимуш колчедани излаб, бир-бирларидан хийла олислаб кетишган эди.

## БЕШИНЧИ БОБ

Қуёш найзага келганда, Шерали ҳар бир тошнинг болғаси билан майдалаб, синчиклаб кўздан кечираётган улкан қоя олдида ҳолсизланаётганини сизди. Иссиқ азбаройи баданларини қиздириб юборганидан ҳансираб нафас оларди. Назарида, иситмаи оташ ичида ёнаётгандай эди. Дастлабки кунларда қидирув ишлари олиб борилган Човоқсойдаги роҳатижон майин шабадини эслаб, кўзларини юмди. Иссиқ заптига олиб, тоғ-тошнинг борган сари қиздирар, дарахтларнинг сояси ҳам дим эди. Шерали ўрнидан турди.

Тоғ-тошлардан кўтарилаётган ҳовур еру кўк оралиғида

беҳол тебраниб турар, табиат гўё борлиқни улкан беланчакада аллалаётгандек эди. Шерали сўнгги кучини тўплаб, юрди. Ғайришуурий бир куч уни яна олға — қайсар қоялар, тоғлар томон судрарди. Икки ёнидаги баланд қоялар эса қуёш тигида қоратир тусда ялтиллаб, оташ пуркарди. Шерали икки-уч қадам босиб, тўғрига боқди. Кафтдаккина осмон тоғ-тошлар орасида муаллақ турарди. Чап томондаги қояга тикилиб қолди. Қоя бир ўрим сочини олдиға ташлаб виқор билан турган қизни эслатарди. Беихтиёр кўзларини уқалаб яна тикилди. Қоя орасидан Сабогулнинг сиймоси кўрингандай бўлди. Оёғи остидаги харсанг устига ўтириб, яна қояга тикилган эди, қуёш нури ялтиллаб, кўзини қамаштирди.

Қиз сиймоси ҳаёлида бир жонланди-ю, сўнг сароб сингари еру кўк орасида муаллақ туриб, шошилмасдан ғойиб бўлди.

Сабогулнинг фироқ дардини дастлабки кезларда иш билан бўлиб, хотирасидан бир қадар фаромуш этган эди. Бироқ кейинги кунларда фикрини сурункасига Сабогул банд қилиб қўйди. У Сабогулни бот-бот қўмсайдиган бўлиб қолди. Назарида, бу тоғ-тошларда севгилисининг овози етишмаётгандек, унинг зукко зеҳнига эҳтиёж сезаётгандек туюла бошлади. «Сабогул ёнимда бўлса, балки ишларим ҳам юришиб кетармиди!»— дея ўйларди у баъзан.

Шерали ўрнидан турди. Энди икки қадам қўйган эди, юқоридан бир неча тош кетма-кет думалаб, оёғи остига келиб тушди. Рюкзагини ерга қўйиб, бурилиб юқорига қаради. Қияликда яккаланиб қолган бир туп ёввойи бодом ёнида бўри билан архар олишаётган эди. Ўзини панароққа олиб, кузата бошлади. Йиртқич бўри юзма-юз ташланишдан қочиб, архарнинг биқинидан ҳужум қилишга уннарди-ю, аммо ҳар гал бақувват шохларга дуч келарди. Архарнинг бўрига чап бериб, истаган қияликдан сакраб, жўнаб қолиши ҳеч гап эмас эди. Аммо тоғлар хўжаси ўрнидан жилишни ҳаёлига ҳам келтирмас, орқасида турган модасини ҳимоя этмоқда эди. Бўри рақибига руҳий таъсир кўрсатиш учун тишларини ғижирлатганча увиллаб, хезланар, лекин архар режа билан ҳаракат қилиб, бўрининг бутун ҳужумларини тадбиркорлик билан чиппакка чиқарарди. Баъзан эса бўрига сезиларли зарба ҳам бериб қўярди. Орадан ярим соатлар ўтди: Жанг тобора қизиб борарди. Қўққисдан Шералининг худди қулоғи остида отилгандек варанглаб ўқ узилди-ю, «жангари» тоғ махлуқлари ҳар тарафга тумтарақай қочиб қолишди.

Шерали атрофга қаради. Архар билан бўри олишган жойдан ўн-ўн беш қадам нарида — катта тош ортидан милтигини елкасига осиб, қўл силтаб пастга туша бошлаган овчига кўзи тушди.

Тўладан келган киши юқоридан туриб Шералига хўмрайиб қўйдию, қия сўқмоқдан энгашиб қандай пайдо бўлган бўлса, муюлишда шундай тўсатдан ғойиб бўлди.

Шерали «садқаи одам кет» дегандек бош чайқаб қўйди-ю, ачиниш ва нафрат туйғулари ичида рюкзagini елкасига илди. Бир-икки қадам босган эди, томирлари тортишди. Шерали ўтириб, ўнг оёғи тиззасини пийпаслаб кўрди. Хиёл шишган. Қўл, билакларида ҳам оғриқ сезд. Помирда йиқилганидан буён қўл-оёқлари бот-бот оғриб турарди-ю, аммо бу қадар қаттиқ қийнамасди. Таажжубланганча оқсоқланиб, туша бошлади. Тоғ ёнбағрига етиб тор сўқмоққа ўтганда, ўнг оёғини ташлашини билади, бир нарса тарс этди. Атрофдан чанг-тўзон кўтарилди. Шерали бехосдан қоқилиб, олдинга мункиб ва юзи билан йиқилишига сал қолди. Ҳайрат ичида орқасига қаради. Сўқмоқ четнда каттагина қопқон ёпилиб ётарди. Шерали дарров фаҳмлади: у сўқмоқдан кетаётган архар тушиб қолишига умид қилиб яширинган қопқонни босган эди. Қопқоннинг анча кичиклиги ва Шералининг оёғидаги кирза этиги уни чинакам илинишдан асраган эди. Инсон табиат гўзалликларидан фойдаланиш ўрнига унинг ноёб мавжудотларига қўйган «темир зиндон»ни жон-жаҳди билан четга итқитиб, йўлида давом этди. У оқсоқлана-оқсоқлана ёлғизоёқ йўлдан пастга тушди. Эшбой билан Туроб ишлаётган томонга қараб, бормоқчи бўлди-ю, аммо фикридан қайтди, унсиз гиншиётган тана унинг тинка-мадорини қурита бошлаган эди. Бу ёқда кўнгил ғашлиги асабини бузди. Юраги безовта бўла бошлади. Ёлғиз қолиб, кўнгил чигалини ёзмақчи бўлди. Лагерь томон бурилиб, энди икки-уч қадам ташлаган эди, узоқдан ҳалиги овчининг совуқ нухаси кўрингандай бўлди. У асабига тегаётган бу нухаси кўрмасликка уриниб, шахдам бурилди-ю, оғриётган оёғини авайлаб тошма-тош ўтиб, Синтобсой ўзанига тушди. Шалдираб оқаётган биллурдек муздек сувга юз-қўлини чайиб олди ва бир неча бор ҳовучини тўлдириб ичди. Муздай ширин тоғ суви чапқоғинингина босмай, бутун вужуди-га ором берди. Анча енгил тортди. Юзини ҳам артмай, қаддини ростлади. Тоғ чўққиларидан унинг бурмаланган жойларигача синчиклаб кўздан кечирди. Нигоҳи тоғнинг хиёл дарз кетган этакларига қадалиб қолди-ю, мийиғида кулди. Энди уни таъқиб этаётган табиат кушандасининг турқи кўзидан бир қадар нари кетган бўлса-да, аммо қулоғи остидан Гуреевнинг қаҳқаҳа билан кулиб турган овози нари кетмай қолди. Қайси бир суҳбатда Павел Иванович айтган сўзларни эслади: одам ўзи қабул қилган қарорини ўзгартирмаслиги билан мақтанмаслиги керак. Бу фазилат эмас, иллат. Аксинча, киши ноҳақ бўлса қарорини ўзгартирсин, хатосини тузатсин. Мана бу — фазилат. Шерали Гуреевнинг қай кунги қайсарлик билан фикрини ҳимоя этганини эслаб, бош чайқади. Яна йўлида давом этди. Лагерьга етай деганда, Оғажоннинг Гуреевга ён босиб, мумкин қадар мулойимлик билан айтганлари хотирига келиб, негадир иккиланди. Балки чиндан ҳам ўзи ноҳақдир. Эҳтимол асосий конлар ёриқлардагина ҳосил бўлар. Ахир шунча кун-

дан буён қидираётгани саробдек гап бўлиб турипти-ку! Нега энди уларни қоралаши керак. Фикрларини ҳимоя этганликларини учунми? Ўзи-чи? У фикрини ҳимоя этиб, ўз гипотезасини пеш қилмаяптими? Нега энди улар тек туриши керак. Ҳаётда кураш — диалектика қонуни-ку! Ҳатто донишманд устози Павел Иванович ҳам узил-кесил фикр билдирмайди. «Асосий конлар ёриқларда яширинган» деган назария тарафдорлари ҳам бу гапни маълум асосларга таяниб айтишяпти-ку! Унинг ўзи балки бирон масалада адашаётгандир! Шерали минсида гувиллаган бу қарама-қарши фикрлар уни карахт қилиб қўйди. Қўнгли боягидан бешбаттар ғашланиб, чеҳраси тундлашди. Тошлардан бир-бир одимлаб, юқориларкан, Мажрум қишлоғига олиб борадиган йўл четида — ёнбағирдаги буталар орасида ёнламаси билан турган аёл билан эркак кишини кўриб, тўхтади. Эркакни ўша заҳоти таниб, аёлга қараган эди, кўзига иссиқ кўринди. «Наҳотки Зарифа бўлса!» — У иккиланиб турганида, қиз Оғажоннинг қучоғидан чиқиб, аразлагандек бодом дарахти тагига борди. Шерали Зарифанинг юзини аниқ кўрди. Оғажон оқ жужун гимнастёркаси устидан таранг тортилиб боғланган энли камарини ечиб, ерга ташладию, бодом дарахтига яқинлашди. Зарифанинг эғнида йўл-йўл чит сарафан, бошида пушти дуррача. Қўёш нурида ялтиллаб турган очиқ елкалари жуда жозибадор эди. Оғажон бир лаҳзагина тўхтаб, алланималарни уқтирган эди, Зарифа бошини орқасига ташлаб кулди. Яна Оғажондан юзини бурди. Оғажон қизга деярли жипслашиб, орқасидан қучганча ўзига қаратди. Қиз итоаткорона бурилди. Унинг оппоқ қўллари Оғажоннинг бўйнига илондек чирмашди. Оғажон Зарифанинг нозик белидан қайириб, ўзига тортди. Қиз бошини орқага ташлаб, лабларини бўсага чоғлади. Оғажон унинг юзларидан беҳисоб бўса олгач, бир қўлини қизнинг тиззалари остига қўйиб, озод кўтарди. Яна лабларига лаб босди. Зарифа қаршилик кўрсатган каби чиройли оёқларини типирчилатиб, қиқирлаб, кула-кула қўллари билан Оғажоннинг қулоқларини бир-икки тортқилаган бўлди-ю, аммо шу заҳоти унинг кенг елкасига бош қўйиб, бўйнидан қучиб олди. Оғажон қўлида нозланаётган Зарифадан кўз узмай, қоя ортидаги пастқамликка одимлади. Шерали: «Товба, — дея кулди ичида. — Баъзи хотинлар мушукнинг ўзи-я, икки оғиз ширинсўз айтиб, орқасини силасанг ийиб, суйкаланади». Чодирга яқинлашгач, Шерали Омоннинг Зарифа тўғрисида кўзларини жавдиратиб ёниб айтган сўзларини хотирлади.

Шерали хотинларнинг бу қадар мураккаб табиати тўғрисида ўйланиб чодирга кирди-ю, ўзини ерга ёзиғлиқ уйқу қопи устига ташлади. Қўл ва оёқлари боягидан шиддатлироқ зирқираётган бўлса ҳам оғриқни сезмай нимагадир Зарифа ҳақидаги ўйлари уни Сабогул сари етаклади. Ёлғизлигидан хўрлиги келди. Ўпкаси тўлиб, омадсиз севгисидан ўкинди.

Дастлабки муҳаббатининг ҳароратли дамларини эслади. На-  
чора. Илк севгисига ўлим чангал солди. Аммо Сабогул...  
Кейинги марта Хорогга бориб келганига ҳам икки йил бўляп-  
ти. Сабогул: «Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Мен уларга  
бошқалар қатори эримни кутмаётганимни нима деб тушунти-  
раман... Бу ёқда бобом ҳам узил-кесил гапириб қўйдилар...» —  
деди ўшанда.

Шерали чодирнинг бурчагидаги бир тутамгина қуёш нури-  
га тикилиб, хаёл суларди. Йигитлик дамларининг энг лаззат-  
ли сониялари сўниб борапти. Бу ерга келишдан олдин Қарим  
билан бўлган гапни хотирлади:

— Қачонгача сўққабош бўлиб юрасан энди?

Шерали Қаримнинг дабдурустан берган бу саволига ҳай-  
рон бўлиб тикилиб қолди. «Ўсмоқчилаяпти шекилли», — деб  
кўнглидан кечирди-ю, кулиб қўйди, негаки кейинги пайтлар-  
да ўзи ҳам у берган савол устида бот-бот ўйлайдиган, тирик-  
чилиги хотинсиз ўтиши қийинлигига неча иқрор бўлиб, қатъий  
қарорга келишга аҳд қиларди-ю, лекин иккинчи бир туртки  
уни тамоман эсанкиратиб қўйиб, бу ҳақда фикр юритмаслик-  
ка ундарди. Шерали негадир дўстига ён босгиси келди.

— Нима бало, бировдан фармойиш олиними дейман? Бу  
қадар шитоб билан сўраяпсан? — деди унга «ичингдагини га-  
пир» маъносида.

Қарим кулди.

— Йўқ, — деди у дўстининг ён бераётганини пайқамай, —  
шунчаки айтяпман-да, ёшингам ўтиб борапти. Тагин ўзинг  
биласан. — Қарим атайлаб қистаётганини билдирмасликка  
тиришиб, арқонни узун ташлади.

— Гапинг тўғри... Нима қилай, кўнгилгайм қарамаса бўл-  
майди-да, дўстим, бу — умр савдоси. Адашсанг, кейин чораси  
топилмайди. Сафарга чиққанда ноқобил ҳамроҳга дуч кел-  
санг қанчалик қийналасан. Хотин — умр сафарининг йўлдо-  
ши, ахир!

— Билмадим, оғайни, ҳар ҳолда сен тутган йўл ҳам тўғри  
эмас.

— Битта-яримтани топиб қўйдингми дейман? — Шерали  
Қаримни очик гапга даъват этди.

Қарим чиндан ҳам шу тўғрида оғиз очишни мўлжаллаб,  
анчадан буён қулай фурсат пойлаб юрарди. Бугун Қарим  
ўйлаганчалик вазият вужудга келмаган бўлса ҳам, гап қам-  
рови йигитликнинг машаққатларию, айни чоқда, ўзига хос  
афзалликларига бурилиб қолди. Қарим ҳам темирни қизиги-  
да бос қабилда иш тутди. Аммо Шералининг ҳозирги гапи-  
дан кейин хийла хушёр тортди. Тўсатдан сир бой бергиси  
келмади. Яна айлантирди.

— Йўқ, оғайни, сен ўйлаганчалик бўлмасаям, ҳар ҳолда,  
факультетда битта-яримта муносиб қиз бор-да ахир ҳозирча,

Шерали Қаримга савол назари билан нигоҳ ташлади.

Карим жавоб беришга ошиқмади. Энди Шералининг ён босаётганини фаҳмлаб, жиддий гапга фурсат етганини сизди. Аммо у бу гапга ҳозир тайёр эмаслиги учун тараддудланиб, бир муддат индамай, шу орада ўйлаб олди. Қай куни Омон билан шу мавзуда гаплашиб ўтирганида, у Танзилани айтганди. «Танзила ҳавас қилса арзигудек попукдеккина қиз. Бунинг устига одоб-ахлоқи ҳам жойида. Бўлажак геолог. Жуда Шералибоп-да»,— деб қўнглидан ўтказган эди. Аммо ҳозир у бунини шунчаки тўрни узоқдан ташлаш учун айтди. Аслида гап тамоман бошқа ёқда эди. Карим Сағбонда ижарага яшаган уй эгаси билан кўчиб кетса ҳам борди-келдисини узмади. Бир куни кампир Каримни ўтқизиб қўйиб, неварасининг айни ўйнаб-яйрайдиган йиллари ўтиб қолаётгани, қўнгилдагидек жойи топилмаётганидан зорланиб: «Айнаний болам, жуфт излаш тақдири азалдан, айби йўқ, мабодо битта-яримта ўқимишли оғайнилариб бўса, шунга қиворардик, қизимам бинойдай ўқиган, боғча мактаппи битирди, ҳмм!»— деган эди. Кейинги борганида, кампир яна эслатди. Ўшанда Карим Шералини ўйлаб қўйганди. Қиз унча кўҳлик бўлмаса ҳам, эсли-хушли, абжиргина. Бунинг устига хонадоннинг яккаю ягона фарзанди бўлганидан, кампир битта-яримта мўмин-қобил болани ичкўёв қилиб олиш ниятида. Масаланинг бу ёғи Каримни кўпроқ қизиқтирган эди.

Шералининг сабри чидамади.

— Факультетдан кимми айтмоқчийдинг?— луқма ташлади.

— Ҳаҳ, тилимми учиди турипти-я, отини эслолмаяпман... Ҳа, Манзу... йўқ, йўқ, Танзура шекилли,— деди Карим атайлаб ўзини гўлликка солиб.

Шерали кулди.

— Танзила, сен уни қаёқдан биласан?

— Бир гапирганди кимдир.

Шерали зимдан Каримга қаради. «Бўстонлиқ воқеасини эшитганмикин?» қўнглидан ўтказди-ю:

— Нимани гапирганди?— деди аниқлаш учун.

— Яхши қиз, деб-да.

— Ҳа...

— Нимага ҳаа, деб қолдинг? Ёмонми?

— Йўқ, яхши. Ўзим.— Шерали ўйланиб қолди. Воқеа бўлиб ўтганидан кейин орадан икки ой ўтар-ўтмас, ўша бадкирдор лаборант қизнинг ота-онасига Бўстонлиқдаги гапларни тамоман телба-тескари тушунтириб, Танзилани ёмонотлиқ қилиб кўрсатишти. Шундан сўнг орадан бир-икки ҳафта ўтказиб, қизникига совчи қўйилти. Хавотирланиб қолган ота-она ночор кўнишган. Тўйни ҳам енг ичиди ўтказиб, Танзилани узатишган. Танзила уялганидан ўқишни ҳам ташлаб кетган эди. Карим айтмаса ҳам Шерали Сабогул билан бўлган кейинги учрашувдан кейин анчагача Танзила ҳақида ўйлаб

юрди. Охири бир қарорга келиб, Зарифадан суриштирганда, юқоридаги гапларни билиб олган эди.

— Уни турмушга чиқиб, ўқишниям ташлаб кетди, дейишаётганди-ку!— Шерали Қаримни айлантирди.

— Шунақами, аммо жуда вафодор аёл бўладиганди-да!

Шерали Қаримдан тайинроқ гап чиқмаётганидан кейин:

— Қани, кетдик, оғайни, ишга кечикяпман,— деб шу билан гапга хотима берди-ю, аммо ҳал этилмаган масала юрагининг бир четида чигаллигича қолди.

Шерали шуларни ўйлаб, ҳаётига ҳаёлан разм солаётганида, чодирга Эшбой кириб келди. Шералининг паришон ётганини кўриб:

— Ҳа, Шерали ака, тинчликми?— У чўккалаб, қўлини Шералининг пешонасига қўйди.

— Тинчлик, Эшбой, чарчабман шекилли, оёқ-қўлимнинг бўғинлари сал оғрияпти,— деди Эшбойни тинчитиш учун осойишталик билан ички изтиробини билдирмасликка тиришиб.

Эшбой ўрнидан турди.

— Мен сизга ҳозир қўлбола доктор олиб келаман,— дея чодирдан ташқарига отилди.

Шерали азбаройи дорини жини ёқтирмаслигидан ўрнидан турди. Оқсоқланиб ташқарига чиқди. Эшбой тепаликдан тушадиган пиллапояга ҳам қарамай, икки ҳатлаб йўлга чиқиб олиб, Мажрум томон чопаётган эди. У Шералининг:

— Эшбой, ҳў, Эшбой, қайтинг, мен соппа-соғман,— деган сўзларига эътибор ҳам бермай: «Мен ҳозир»,— деб қўл силтади-ю, шамолдай учиб, кўздан ғойиб бўлиб кетди.

Кун анча қайтган бўлса ҳам, иссиқнинг тафти босилмаган, боягидек дим, Шерали пиллапоядан пастга тушаётганида, беихтиёр ҳали Оғажон Зарифани кўтариб олиб ўтган қоя томон қаради. Қоядан хиёл нарида дўлана буталари орасида Оғажон Зарифанинг елкасига қўл ташлаб секин одимлаб кетишаётганини кўрди. Тўхтади. У ҳозир Зарифа билан ҳам, Оғажон билан ҳам кўришгиси йўқ. Нафасини ростлаб олди. Миясига қуюндек чалкашиб келаётган фикрлар уни тоққа судрарди. Аммо оёқлари оғрияпти. Изига қайтиб, чодир томон юрди. Яна ҳаёлини Оғажон банд этди. Оғажон узун бўйли, қадди-қомати келишган, оқиш, қизлар ҳавас қилса арзигулик чиройли, жуда абжир, савлатдор йнгит. Аслида дунёни сув босса, тўпиғига чиқмайдиган, бефарқ, тепса-тебранмас одам бўлса ҳам, диққатни жалб қиладиган фазилатлари кўп: муомалада ўта назокатли, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини тутта билади, кўрслик қилиб, бировнинг дилини сира оғритмайди. Жигибийронингиз чиқиб, муомала қилганингизда ҳам у бундан таажжублангандай: «Наҳотки осойиштароқ гаплашиш мумкин бўлмаса?» дегандек қора кўзларини катта-катта очиб, мулойимлик билан Сизга боқиб туради. Ҳар қанақа қизиққон одам бундай вазиятда юмшайди, ҳатто хижолат ҳам

чекади. Шундан кейингина Оғажон овозини кўтармасдан хиёл табассум ва осойишталик билан сўз бошлайди. Мумкин қадар кам гапиришга, ўзига берилган саволгагина ҳассослик билан чертиб-чертиб жавоб беришга интилади. Баъзан масаланинг муҳимлигига атайлаб урғу бериш учун суҳбатдошининг саволини бир неча сония жавобсиз ҳам қолдиради. Гапни бошқа ёққа буради. Айлантириб келиб, пировардида сиз берган саволга қайтади. Кўпинча такаллуф меъёридан ошиб, бачканаликкача бориб етган кезларда ҳушёрроқ одам Оғажоннинг асли мағзини чақиб қўя қолади. Аммо дабдурустан биринчи дуч келган одамни унинг салобати босар, ботиниб ортиқча гапиришга ийманарди. Бу эса Оғажонга қўл келар, одамларнинг қўйнига илондек кириб, ишини битказиб кетарди. Геолог бўлганининг ҳам ўзига хос тарихи бор. Нима бўлади-ю, тасодиф уни Олой тоғларидаги экспедиция қатнашчилари билан учраштириб қўяди. Бу экспедиция қатнашчилари бир неча йиллик ишларини якунлаб, бошқармага ҳисобот бериш арафасида турган эдилар. Уларнинг қўлга киритилган муваффақиятлар тўғрисидаги гаплари Оғажоннинг қўлоғига кириб қолиб, оғзининг таноби шу қадар қочдики, геолог бўлиш масаласини ўзича ўша куннинг ўзидаёқ ҳал қилиб қўйди. Экспедицияга астойдил қарашиб юрди, ўзини геологиянинг шайдоси қилиб кўрсатди. Айни чоқда, таниш-билишларини дарҳол ишга солиб, геология факультетига ўқишга кириб олди. Уни бир амаллаб тугатгандан кейин эса аспирантурага кириш муаммоси кўндаланг бўлиб қолди. Шунисига келганда, силлиқ муомаласининг ўзи билангина иш ҳадеганда юриша бермади. Аммо дастлабки тўсиқдаёқ осонгина қўл силтаб кетадиганлар тоифасидан эмас эди у. Айниқса масала ўз шахси устида борганда. Бинобарин руҳини туширмади, сўзлашув тактикасидаги маневрлардан бирини ишга солиб, тўрни узоқроқдан ташлади: шимолга жўнаб қолди. Қимларгадир орқа қилиб, Қолима олтин конига тоғ инженери бўлиб ишга жойлашди. Орадан икки-уч йил ўтказиб, анча-мунча маблағ билан Тошкентга қайтди. Геология бошқармасида ишлаб юриб, аспирантура сиртдан тамомлади. Борди-ю, ҳозирги экспедициядан яхши натижа билан қайтса, кандидатлик диссертациясини жўнгина ёқлашга имони комил...

Шерали чодирга кираман деб турганида, орқадан Туробнинг овози эшитилди:

— Шерали ака!

Шерали Туробнинг одатдан ташқари ҳаяжон билан чақирётганидан хавотирланиб, чаққонлик билан бурилди, унинг истиқболига юрди. Туроб Шерали билан бараварлашгач, нафасини ҳам ростламай, қўлидаги ўлган илонни Шералига узата туриб:

— Мана бу илон турини билмайсизми? Қанақа илон?— деди ҳансираганча.

Шерали илонни Туробнинг қўлидан олиб, синчиклаб кўрди. Туробга илоннинг турини айтишдан олдин савол берди:

— Нима гап ўзи, тинчликми? Ўлган илонни қаёқдан топиб олдингиз?

Туроб бир Шералига, бир илонга қараб, сўз бошлади:

— Эшбой кетгандан кейин ёлғиз ишлаётган эдим. Узоқроқ эгилиб турганимга белим оғриб, эркинроқ нафас олиш учун қаддимни ростладим. Қарасам, шундоққина рўпарамда силлиқланган гранит деворида мана шу илон боласи,— Туроб илонга ишора қилгач, сўзини давом эттирди,— менга қараб қотиб турипти. Тоғ-тошда шунча юриб, илонни бу қадар яқиндан кўрмаганимга юрагим ҳаприқиб, шошилиб қолдим. Ўрнимдан қимирласам худди илон устимга ташланиб қоладигандек. Мен ҳам қотиб қолдим. Қимирлашга юрак йўқ. Илон сакрашга шайланган каби менга қаттиқроқ тикилгандай бўлди назаримда. Аста-секин ўзимни қўлга ола бошладим. Турини аниқламоқчи бўлиб, мен ҳам унга қаттиқ тикилдим. Ажратолмадим. Илон эса боягидек қимирламай қотиб турипти. «Бу ҳали дунёга келиб, инсонга рўбару бўлмапти-да, афтидан, шунинг учун у ҳам менинг қанақа махлуқ эканимни билолмай, бош қотирыпти шекилли»,— деб хаёлдан ўтказдим. Бу мулоҳаза мени тамомила тетиклантириб, тинчлантириб қўйди. Секин ён-веримни пийпаслаб тош топиб олдим. Илонам ўша ҳолатида тураверди. Шундан сўнг бошини чоғлаб туриб тошни отдим. Худди ўзига тегди.

Шерали шундай мулоҳазали йигитнинг жимжилоқдай келадиган бегуноҳ махлуқни шафқатсизларча бошини мажақлаб, яна мақтанаётганидан ғашли келди. Шу топда Туроб унинг кўзига архарга ўқ узган, қопқон қўйган тошбағир овчига ўхшаб кетди. Заҳарханда билан сўради.

— Уйлариңда кекса кишилар йўқми?

Туроб бу саволдан ҳайрон бўлиб, Шералига тикилиб турди-ю, сўнг:

— Нима эди, бор,— деб таажжубдан кўзларини бақрайтириб қолди.

— Ҳовлидан илон чиқса, ўлдириб бўлмайди, дейишмаганми сира.

Туроб Шералининг муддаосини тушуниб, қизарди. Ерга қараб, бир-икки томоқ қиргач:

— Қўрқдим-да, Шерали ака,— деди кўзига тик боқолмай.

— Сув илондан, а? Заҳарли илон учраса нима қилардингиз?

Туроб мулзам бўлиб, чурқ этолмай қолди. Бошини эгганча ичкарига кирди.





Синтобсой соҳилларидан тик кўтарилиб, булутларга қалган қоялар анча совиди. Қуёш ғарбга ёнбошлаб, чўғдай қизарди. Энди унинг иссиғи тошларни қиздирмас, кечки шабада эса этни жунжитарди. Шерали костюмини олиб чиқиб елкасига ташлади-ю, боя Эшбой чопқиллаб кетган томонга хаёл билан тикилиб қолди.

Синтобсойнинг у тикилиб турган қисмида бир вақтлар иморатлар солинган бўлса-да, ҳозир уларда одам турмас, ирмоқлар бўйида турнақатор ўтқазилган иморатбоп бақатеракларнинг япроқлари шабадада тебраниб, шитирлайди. Тоғ оралиғидан кетган йўл чапга бурилган. Йўлнинг у томони Шерали ўтирган жойдан кўринмади. Уша йўлдан уч-тўрт чақирим пастликда Мажрум қишлоғи бўлиб, бу ер ўз йўлига Синтобнинг маркази: унда сельсовет идораси, магазин, ягона мактаб ва медицина пункти жойлашган. Синтоб ва унга яқин Ҳаёт, Андагин, Соп, Ўхум каби катта-кичик қишлоқларнинг аҳолиси асосан форс тилида сўзлашади. Бу ерлардаги урф-одатлар ҳам ўзига хос, айниқса тўй маросимлари жуда тантанавор, оммавий айтишувлар ва бошқа томошалар билан ўтказилишини Шерали эшитган, умуман, тоғли халқларнинг ҳаёти уни ғоят қизиқтирарди...

Тўсатдан тарқалган доира овозидан Шералининг хаёли бўлиниб, таажжубланди. Ўрнидан туриб, атрофга аланглади. Ҳеч ким йўқ. Доира овози водийнинг пастидан келарди. Шошилганча пиллапоядан пастга тушди. Йўлнинг қоя тўсиб қўйган муюлишигача борган эди, қизиқ манзарани кўрди: уч-тўрт юз қадамча нарида эшакли аёл қўлидаги доирани гижбонглаб, тараклатиб қўшиқ куйлар, унинг олдида тушиб олган эркак киши доиранинг «так-така-тум, така-така-тум»ига оёқ ва қўлларини баравар ташлаб, рақс этиб келарди. Шерали бошда кўзларига ишонмади. Диққат билан тикилиб турди. Унгача созанда билан ўйинчи анча яқинлашиб қолишди. Шерали Эшбойни таниб, кулиб юборди. Ўзини тутолмай:

— Дўст, яшшаворинглеер!— дея овозининг борица қичқирган эди, акс садоси олислардан тўлқин билан қайтарилди: «Дўст, яшшаворинглеер! Дўст, яшшаворинглеер! Дўст, яшшаворинглеер!»

Эшбой Шералининг олдида етиб келгач, ўнг сёғининг тиззасини ерга тираб, елкаларини учуриб, муқом қила бошлади. Шерали доира усулига мослаб, чапак чалар, кула-кула созанда ва ўйинчига тасанно айтарди.

Доира чертаётган қиррабурун, юз бичими жуда чиройли аёл етмиш ёшлардан ошгану, аммо хипча, анча кўҳлик бўлганининг нишонлари ҳануз сақланган эди. Бошида саллага ўхшаб кулча шаклида ўралган оқ мато, устидан кўк, қора гулли шол рўмол ташлаган. Эғнида майда гулли, енглари

узун ва кенг жигарранг кўйлак, худди шу матодан тикилган пахтасиз камзул, оёғида кавуш-маҳси. У Шерали олдида завқ билан ўйнаётган Эшбойнинг шахтини синдирмаслик учун доирада усул сақлаб турди-ю, сўнг бирдан доира гардишини тиззасига тираб:

— Бас, бачам, ҳалок шудам<sup>1</sup>,— деди, сўнг ўзбекчалаб:— Қани, меҳмон билан кўрушайлик-чи!— деди-ю, оёғини узангига тиради, енгил ирғиб, эшакдан ерга тушди. Қўлини кўксига қўйди:— Хуш келибсиз биззи қишлоққа, ўғлум, йўлиз ойдай, ўзиз тойдай бардам, бақувват?— У доирани оёғига тираб қўйиб, дуога қўл очди.— Қани, омин, бачаларим, йигит ўлманглар, тан-жонларинг соғ, юрган йўллариз боғ, ғанимлариз бағри кўюб доғ бўсун, облоҳу акбар!— Кампир икки қўлини юзига торгач, очиқ чехра билан Шералини бош-оёқ кўздан кечирди.

Шерали ҳам ўз навбатида:

— Бақувватмисиз, хола, уйдагилар соғми?— деди.

— Раҳмат, бачам, яша!— У Эшбойга қаради.— Қасал қани?

Эшбой кулди.

— Ашулангизни эшитиб, истиқболингизга чиқиб турипти-ю, Анзурат хола,— деб Шералига ишора қилди.

— Ҳа, баракалло, бачам, баракалло! Аслини айтсам, дилхушлик-рўзхушлик, деб бирдай гапурардила отам раҳматлик. Ҳа, дилхушликка гап кўп. Кулуш керак, димоғни чоғ қилуб, ха-хо-ха-хо юруш керак.

— Айтганиз кесин, хола!

— Ҳа, балле, гаппи пўскаллеси шу!

Шерали қўлини кўксига қўйиб:

— Қани, бизни кулбага марҳамат!— дея Анзурат холани чодир томон бошлади.

Чодирга Шерали, унинг кетидан Анзурат хола, Эшбой киришиб, ўтиришди. Туроб йўқ. У боя Шерали чодирдан чиққан заҳоти жуфтакни ростлаб, қаёққадир гойиб бўлган эди. Хола яна фотиҳага қўл очди.

Эшбой:

— Мен ҳозир,— деб ўрнидан турган эди, хола уни тўхтатди.

— Йўқ, йўқ, бачам. Манга ҳеч гап кераги йўқ. Кўрдунгуз, тўйга ҳозерлик қилаёпмиз, тез боришим керак. Қасал деганизга чедаб туrolмадим. Қасал дегани кўп фалокат, ундан қўрқуш даркор. Бачам, қатингиз оғруйди?— Хола Шералига қараб қолди.

Шерали тараддудланди.

— Оёқ-қўлнинг бўғинлари баъзида оғрияпти...

<sup>1</sup> Бўлди, ўғлим, чарчадим.

— Шишадиямму?— хола Шерали гапини тугатмай савол берди.

— Ҳа.

— Бўлди. Эртага Мажрумга тушунг. Шундоқ, офтобрўга қараган биринчи ҳовли биззики, дору бераман, бер кунда той бўласиз. Мен кўчурма қиламанму деб доира ола келган эдим.

— Раҳмат, Анзурат хола, раҳмат!— деди Шерали қўлини кўксига қўйиб.— Кўчирма қилмасангиз қўшиқ эшитайлик,— деди Ҳиманиброқ.

Анзурат хола кулди. Доирани қўлига олиб, ўзбек тилида хониш қилди:

Сой ичида сандалча,  
Сув уларни тахтидур.  
Боши тўла заркокил,  
Акасининг бахтидур.

Анзурат хола бу тўртликдан кейин Шерали билан Эшбойга чимирилиб қараб қўйди-ю, доирани юзи баробар кўтариб, завқ билан чертди: «Так-така-тум-така-така, така-така-тум-так-така».

Мен борай сўқмоқ билан,  
Пистазор ичи билан.  
Йигит қўли боғлансин,  
Қизларнинг сочи билан.

Анзурат хола қўшиғини тугатди-ю, доирани бир четга қўйиб, дуога қўл очди.

— Қани, кўтарингла қўларингизни. Утирган ўрнумиз йўқолмасун, облоҳу акбар! Энди, букун душанбе.— У бармоқларини букиб, кун санади.— Жумага худо хоҳласа тўй, бакабум. Наберачани ўйли қилаёшимиз, келин тушурамыз. Марҳамат қиласизла.

Анзурат хола ўрнидан турди. Шералининг чойга қисташига қарамай, қўлини кўксига қўйиб, ташқарига чиқди. Пилла-поядан тушишига Эшбой ёрдамлашмоқчи бўлиб, қўлтиғидан ушлаган эди:

— Эби, эби, уёт бўлади-ку! Тоғ одамлари бақувват!— деб қўлини Эшбойдан бўшатиб, чаққонлик билан тошдан-тошга ўтиб, пастга тушди Анзурат хола. Сои бўйида ўтлаётган эшанининг узангисига оёқ қўйди.

Шерали билан Эшбой Анзурат холани қоя олдидаги муюлишгача кузатиб қўйишди. Анзурат хола тўғри йўлга чиққач, доирасини баланд кўтариб, қўшинқ бошлади:

Рўмолимни олибсан,  
Олиб дорғз солибсан,  
Рўмолимни беролмай  
Уволимга қолибсан.

— Аломат-ку! Қайдан топдиз уни?

Эшбой Анзурат холанинг қўшиғини завқ билан тинглаб, у кетган томонга қараб турарди. У анчагача шу ҳолатини бузмай, туриб қолди. Қўшиқ тингач:

— Аломат, а?— деди Эшбойга юзланиб.

— Аломат бўлганда қандоқ. Қаерга борсам, шунақа қўшиқчи, маталчи, эртакчи кексаларни излайман. Ҳали буниси ҳеч гап эмас. Тўйга борайлик. Ажойиб бир чол билан таништираман сизни. «Тирик тарих у»,— дейди ҳозирги кампир, кўрамиз, бир мириқиб гаплашиб оламиз. Халқ ижоди жону дилим.

— Асли фольклорчи бўладиган экансиз-да.

— Йўқ, Шерали ака, улардан геологияга доир гапларам чиқиб қолади баъзан.

Шерали Эшбойга «қойил» дегандек қаради.

— Нима бўлсаям жуда ажойиб кампир экан. Қани, тўйга борайлик-чи, ваъда қилган чолингизниям кўриб, сўнг баҳосини берамиз-да!

— Албатта бориш керак, тўйга бормасак, хафа бўлади. Неварасиям одоблигина йигит экан.

Улар шундай деб чодир томон юришди. Шом қоронғиси чўкиб, атроф жимирлаб, қорая бошлаган эди. Яна беш-ўн минутдан сўнг одам-одамни танимайди. Тоғлар атрофни поёни йўқ қалин зим-зиё пардадек тўсиб, тун оғушига кирди.

Шерали билан Эшбой чодирга кирганда, Туроб бешинчи лампанинг хира ёғдусида геология журнаliga олинган намуналарни ёзаётган эди.

— Ажойиб томошадан бенасиб қолдилар-да, пирим, қаёқларда юрган эдилар?— Эшбой Туробга қаради.

Туроб қўлидаги қаламни журнал устига қўйиб, бош кўтарди. Бир Эшбойга, бир Шералига қараб:

— Биззиям томошамиз чакки бўлмади-а?— дея Шералига қараб ишшайиб, сўнг кўзини яна журналга қадади.

Ҳеч гапдан хабарсиз Эшбой, уни ўзича тушунди.

— Йўқ, бу томоша олдида сизнинг томошанг ип эшолмайди. Жума куни тўйга борамиз. Ўшанда кўрасиз ҳақиқий томошани.

— Ҳа, Туроббоям лапар эшитиб, ёзилсинлар, зора кўнгиллари юмшаса,— деди Шерали киноя билан кулиб чодирнинг бурчагига думалатиб қўйилган тўшагини ерга ёзаркан. Сўнг:— Жуда чарчабман, оғайнилар, менга рухсат,— деди-ю, шимини ечиб, ўрнига чўзилди.

Туроб яна ўз иши билан бўлди.

Эртаси куни Шерали барвақт уйғонди. Юз-қўлини ювиб, енгил нонушта қилиб олгач, сумкасини очиб, харитани олди. Ташқарига чиқиб, ерга ёзди. Энгашиб, синчиклаб кўздан кечирди.

Шерали Ўхум сойи этагида қадимий ўйиқлар борлигини кўп эшитган бўлса ҳам у ернинг текширилгани ҳақида ҳеч қайси ҳисоботда маълумот тополмаганди. Тошкентдаёқ бу ўйиқдан албатта намуналар олишга аҳд қилгани учун бугун вақтлироқ бориб, ўша ерда ишламоқчи, сўнгра Мажрум томонга — Анзурут холиникига ўтмоқчи бўлди.

Қуёш нури қояларга қўниб, гўё табиатни эркалатиб уйғотаётган каби жимирларди. Бодом, дўлана барглари шабадада аста тебранарди. Атроф сокин. Сайроқи қушлар овозининг акс садоси олис-олисларгача эшитилиб турипти. Шерали пиллапоядан шошилмай тушиб, йўлга бурилди. Кейинги ҳафталарда кўнглига ҳеч нарса сиғмай қолди. Экспедициянинг яхши самара бермаётгани ич-ичини кемириб, шубҳаю гумонларини олдингисидан бешбаттар оширди. Синтобни ўзидан олдин тадқиқ этган геологлар ишига ишонқирамай қарагани энди уни чинакамнига қийноқ исканжасида сиқа бошлади. Одамларга ишонмаслик кайфияти қачон пайдо бўла қолди. Нега энди жилла бўлмаса Борис Сергеевич билан суҳбатдан кейин ҳам хулоса чиқармади. Ахир Борис Сергеевич, «олтин йўқ» деган икки оғиз сўзни айтиш учун неча-неча геологлар ишлашган, деб очиқ гапирди-ку! Наҳотки шундан кейин ҳам атрофлича ўйлаб олмаса! Мана, аҳвол нима бўляпти энди. Муҳлат тугаб боряпти. Аҳволни тузатиш учун кўриляётган бутун чоралар натижа бермаяпти. Экспедиция олиб бораётган иш кўча чапигитиб юрган болаларнинг тош ўйинига ўхшайди. Хўш, Тошкентга қайтгач, Ҳафиз Мирзамухамедовичга нима дейди? Адашган эканман, дейдими. Неча пуллик одам бўлади.

Шерали бу ҳақда қанча кўп ўйласа, борган сари туби йўқ жарликка қулаб кетаётгандай бўларди назарида. Шошилиб ўрнидан туриб, йиғилган намуналарни икки-уч қайталаб лупага солар, ўзи қидираётган минералларнинг фақат ноаниқ белгиларинигина кўриб, баттар хуноби ошарди. Туроб билан Эшбой Шералининг бу ҳолатини аллақачон сезишган, унинг руҳини мумкин қадар енгиллаштириш учун бутун куч-ғайратларини сарфлашар, тонг-сахарлаб чиқиб кетишиб, қоронғи чўккандагина қайтишар, ўзлари қилган иш якунларини кунда кечкурун таҳлил этиб, эртанги режаларни тузишарди. Аммо бу тадбирларнинг биронтаси ҳаммалари бирдай кутишаётган аниқ натижани бермасди. Томирлар ва ўзгарган жинслар ичида на олтин заррачаси, на унинг арсенопирит каби «йўловчиси» аниқ кўринарди. Олтин бўлиб кўринган зарралар ҳўлланганда жилосини йўқотар, арсенопиритлар эса аслида неча бор учраган бўлса-да, ўзгариб, темир занги билан қоришиб кетган ва геологлар тажрибалари камлигиданми, уни белгилашга ожизлик қилардилар. Бугун Шералининг Ўхумга бораётганидан ҳам мақсад ўша қадимий кон атрофидан янгилик топиш. Шерали назарида у сўнгги чораларни

ишга солаётгандай эди, Анзурат холанинг дориси эса шунга бир туртки эди, холос.

Шерали пешонасини тириштирганча қадамини тезлатди. Кун энди ёйила бошлаганда, Ухумга етиб келди. Яккам-дуккам паскам томлардан иборат қишлоққа кираверишдаги тепаликда эски конини излаб кетди. У харитада кўрсатилгандек, Ухумнинг шундоққина кираверишида экан. Шерали муюлишдаги ариқчадан ҳатлаб, майса қоплаб ётган катта майдонга ўтди. Бунда ишланган маъдан парчалари, яъни кўк, яшил тусдаги мис минераллари ва қўнгир темир занги минераллари уюлиб ётарди. Онда-сонда шлак парчалари ва қадимий кончилар ишлаган тош болға ҳамда исканалар кўзга чалинарни. Буларни дафтарчасига қайд этиб, тепаликка кўтарилган эди, эллик-олтмиш қадамча наридаги ўйиқ нчида ишлаётган икки йигит билан Зарифага кўзи тушди-ю, рюкзagini ерга қўйди.

— Ҳорманглар,— деди офтобда қорайиб дағаллашган миқти қўлини оғизга тутиб.

Зарифа таниш овозни эшитиб, шоша-пиша орқасига қарадию, қўлидаги болгани қўйиб, Шерали томон чопди.

— Вуй, Шерали ака, кеганингиз қандоқ яхши бўлди-е, юракларим торс ёрилаёзди диққатим ошганидан.— У Шералининг бўйнидан қучиб кўришди.

— Енингизда шундоқ йигитлар турганда, нега диққатиз ошади?— деди Шерали кулиб икки йигитга ишора қиларкан.

— Узимизникилар бошқача-да, Шерали акажон,— дея кўзларини сузиб эркаланди Зарифа.

У олдингидан ҳам тиникипти. Офтобда бўғриққан рухсорлари лоладек қизариб, ялтиллари. Кўзлари анча киртайган бўлса ҳам, чақнаб, жозиба билан ёниб турипти. Эғнида Шерали уни Оғажон билан кўрган кунидаги гулли чит сарафани, оёғида қора лак туфлиси. Ётоқхонага кўпинча шуни судраб чиқарди. Шерали миқти, хиёл сабза урган тукли оппоқ болдирларига зимдан қаради-ю, негадир ҳозир ундан жирканди. Аммо ўзининг бу ҳолатини сездириб қўймаслик учун кулиб туриб, ҳазиллашди:

— Ўзизам нақ опқочадиган бўпсиз-да, Зарифахон! Бу ернинг йигитлари ёмон бўлади, ўғирлаб кетишмасин.

— Зарифахон эмас, Заремахон!— Бошини бир ёққа эгиб, нозланди Зарифа.— Сизам ёмон бола бўп қопсиз.

Шерали энди жавоб бермоқчи бўлиб оғиз ростлаганди, йигитлар етиб келиб, кўришишга қўл узатишди. Булар Гуреев таништирган практикантлар эди.

— Ваалайкум ассалом, ҳорманглар, азаматлар!— Шерали ҳам қўл узатиб, кўришди.— Ишлар қалай? Нима қиялпсизлар бу ерда?

Йигитлар учун Зарифа жавоб берди:

— Биз Оғажон акамларнинг литология бўйича ёзаётган диссертацияларига материаллар, яъни ашёвий далиллар тўп-

лаяпмиз,— деди шахло кўзларини пирпиратиб ички ғурурланиш билан.

— Оғажон акангизнинг литология бўйича ёзаётган ишларига намуналар йиғаётган бўлсангизлар, унда мен сира тушунолмай қолдим,— деди Шерали бир Зарифага, бир йигитларга қараб.

— Нега энди тушунолмай қолдингиз, Шерали ака, ҳу ана у халталарни кўряпсизми? Ичи тўла тош,— деди Зарифа.

— Халталарингни кўряпман. Аммо тепаликдан келаётиб, ишларингизни кузатдим. Олаётган намуналарингиз бири боғдан, бири тоғдан. Бундан ташқари, нуқул ўзгарган жинслардан намуна оляпсизлар. Ҳайронман, бунақа «ашёвий далиллардан» қанақа литология чиқаркин!

— Биз Оғажон акамларнинг айтганларича иш тутяпмиз,— яна Зарифанинг карашмали жарангдор овози янгради.— У киши бизга: «Ҳар бир участкадан битта-иккита намуна олиб, бошқа ёққа ўтаверинглар, жуда катта майдонни қамраб олишимиз керак, вақт зиқ, улгуролмай қоламиз», деганлар. Биз худди шундай қиляпмиз.

— Оғажон акангиз шундай деган бўлсалар, демак, амал қилиш керак,— деди Шерали заҳарханда билан қизишиброқ.

Йигитлар бир-бирларига маъноли қараб қўйишди. Бири Шералига яқинроқ келиб, савол берди:

— Кечирасиз, домла, унда литология бўйича илмий ишга намуналарни қанақа усулда олиш керак?

Шерали ўйланиб қолди. Бировнинг ишига аралашаётганига бир чеккаси ўнғайсизланди.

— Йўқ, ишлайверинглар, йигитлар, тагин Оғажон акангиз хафа бўп юрмасин,— деб энди бурилган эди, иккинчи йигит унинг йўлини тўсди.

— Ҳар ҳолда билиб олсак ёмон бўлмасди-да, домла, айга қолинг!— Илтижо қилди.

Зарифа йигитлар олдида гўё: «Мана, мен илтимос қилсам, албатта айтади», дегандек гапга аралашди.

— Айта қолинг, Шерали акажон,— деди илгарилари Шерали унда сира кузатмаган одамнинг ғашини келтирадиган аллақандай тантиқлик билан.

Шералининг авзойи бир бузилди-ю, аммо йигитларнинг илтижо билан кўзларини мўлтиратиб қараб турганларини кўриб, юмшади. Зарифага маъноли қараб қўйгач, «яхши», дея гапира бошлади.

— Литология — бу чўкинди жинсларни ўрганади. Буни яхши биласизлар.

— Ҳа, биламиз, албатта.— Йигитлар баравар жавоб қайтаришди.

— Демак,— Шерали сўзини давом эттирди,— тошдаги бутун жараёнларни аниқлаш керак. Чунончи, баъзи қўрғошин, рух конлари оҳак жинсларининг ичида ётади. Аммо ҳамма

оҳақ жинсларининг ичида ҳам бўлавермайди. Ёки олтин қонини олайлик. У сланецлар, қумтошлар, гранитлар ичида учрайди. Аммо бу ҳамма жойда тамоман бир хил эмас. Бунда ҳам кўпинча атроф жинсларнинг маъдан олиб келувчи эритмаларга таъсири билан бўлади. Модомики шундай экан, намуналарни сизлардақа ундан-мундан олиш ярамайди. Негаки, кварц бир жойда ёйилиб кетади, бир жойда ингичкалашадиган ёки тамоман йўқ бўлади. Шунинг учун намунани конкрет шароитга қараб, баъзи ерлардан йигирма-ўттиз метрдан олинса, баъзи жойларда, айниқса қон белгилари бор жойда яқинроқ масофадан — бир-икки метрдан, ҳатто йигирма-ўттиз сантиметрдан олинади. Масалан, бу ерда энг қами бир ярим метрдан, кварцдан узоқлашган сари икки-уч метрдан олганингиз маъқул.

— Қўйсангиз-чи, Шерали акажон, унда биз қишлаб қоламизу бу ерда!

Шерали кулди. Практикантлар олдида Оғажонни ерга ургиси келмади.

— Балки бошқа мақсадни кўзлаб намуна йиғдираётгандир Оғажон. Буни билиб бўлмайди. Шунинг учун ўзи айтгандай қилиб намуналарни олаверинглар,— деди Шерали йигитларга қараб.

Йигитлар иккиланиб, ўйланиб қолишган эди. Зарифа енгил тортиб, бир энтикди-ю:

— Хайрият-е, мана бу гапингиз бошқа,— деди Шералига кулиб боқиб.

Шерали Зарифага зимдан истеҳзо билан қаради. Омон уни: «Жиддий, мулоҳазали», деб мақтаган эди. Бир нима демоқчи бўлди-ю, унинг Оғажон билан кечаги учрашуви кўз олдида келди. Шаҳидан қайтди.

— Яхши қолинг, Зарифахон, зарур ишим бор эди, шу ерда бўлсангиз, кўришармиз,— деди мумкин қадар ўзини қўлга олиб.

— Албатта кўришармиз. Оғажон акамлар қай қуни лагерларингизни кўрсатган эдилар,— деди Зарифа.

Шерали яна бир ижирғанди-ю, аммо сир бой бермади. Йигитлар билан хайрлашишга қўл узата туриб:

— Оғажон акангиз билан келинг, йигитларниям опкелинглар, меҳмон қиламиз,— деди зўраки табассум билан.

Зарифа кулиб, текис тишларини атайин кўзкўзлаб жавоб берди:

— Албатта борамиз, Шерали ака!— У «хайр» дегандек оппоқ, ингичка узун бармоқларини силкитди.

\* \* \*

Пастки қишлоқда — Анзурат қоланинг ҳовлисида шу бугуноқ катта маърақа бўладиган сингари одам мўл. Эркагу аёл бақриб-чақриб юмуш қияпти. Шерали пастак деворга ўр-

натилган дарвозага яқинлашиши билан уч-тўрт киши қўл қовуштириб, уни ичкарига бошлади. Бел боғлаган икки йигит кетмон билан ҳовли текислашарди. Шералини катта тут дарахти остидаги супага ўтқозишиб, дастурхон ёзишди. Дастурхонга тандирдан янги узилган баркашдек қалин ва қирмизи ранг тўртта нон қўйишди. Ўн икки-ўн уч ёшлардаги бола бир қўлида тутмайнз солинган тақсимча, иккинчи қўлида чойнак кўтариб келиб, дастурхон устига қўйгач, супанинг четига омонатгина ўтирган киши Шералига чой узатиб, дастурхонга қаратди, ҳол-аҳвол сўради.

— Хуш келибсиз, меҳмон, соғ-саломатлими? Қадамингизга ҳасанот.

Шерали миннатдорчилик билдириб, ўз навбатида у ҳам суҳбатдоши берган саволни қайтаргач:

— Анзурат хола «бир келиб кетинг»,— дегандилар,— деди ийманибгина.

— Бажон, бажон, мана ҳозер,— деб ўрнидан туриб, айвон томон юрди мезбон. Айвон қутичадек чорси ҳовлининг тўрида бўлиб, унда уч хонанинг ҳар бирига алоҳида кириладиган эшик. Айвон ўртасида чўғдай ёниб турган қизил гиламга ёзилган беқасам кўрпачаларда ястаниб ўтирган хотинлар бир-бирларига гап бермай, алланималарни уқтиришар, бармоқларига ангишвона кийиб олган кўзойнакли икки оқсоч кампир бурчакка биқиниб, қизил гулли сатин кўрпаларни қапиш-япти. Мезбон хоналардан бирига кириб, нафас ростлагудек вақт ўтмай, Анзурат холани бошлаб чиқди. Анзурат хола Шерали билан ҳол-аҳвол сўрашгач, қўлидаги тугунни унга узатди.

— Мана бу туя жуни. Буниси малҳам.— У иккинчи қўлидаги шишачани ҳам узатди.— Малҳамни оғриётган бўғунларизга яхшилаб сурасиз, сўғун ишқалайсизу, ана у туя жуни билан ўраб, устидан рўмол боғлайсиз. Эрталаб турсангиз, тойсиз-да, бачам!

Анзурат хола «тушундингми?» дегандек кичкина кўк кўзларини Шералига тикди. Бугун унинг эғнида камзул йўқ. Майда гулли енглари узун ва кенг жигарранг кўйлақда. Бошида ҳам салладай ўралган оқ матонинг ўзи.

Шерали холага миннатдорчилик билдириб, ижозат сўради.

— Йўқ, йўқ, бачам, мана ҳозир шўрбо кетуради, еб, сўғун майли,— деб ўрнидан туришга ҳам улгурмай, боя тутмайнз билан чой олиб келган бола икки косада шўрва кўтариб келди. Анзурат холанинг ўрнини яна бояги мезбон эгаллади. Шерали шўрвадан икки-уч хўплаб, дастурхон устига қўйди-ю, яна кетишга изн сўради. Мезбон қўлини артдию, меҳмон иззати учун:

— Хай, бирпас ўтурмайсизму, гурунг қилардик,— деди астойдил.

— Раҳмат, иш бор эди, қолганини тўйда оламин.

— Худо холаса, айтганенгиз кесун, албатта келунг-а? Га-  
пумни эшитдингиз?!

— Ҳа, келамиз, кўпчилик бўп келамиз.

— Хай, хай, жудо яхши, бажон, бош устига,— деди мез-  
бон мамнун кулиб фотиҳага қўл очаркан.

## ЕТТИНЧИ БОБ

Икки кун деганда Анзурат холанинг дориси Шералини чинданам тойдек қилди. Оёқ ва қўл бўғинларидаги оғриқ бо-  
силди, чап оёғининг тўпиғидаги шиш қайтди. Аммо юрагида-  
ги ғашлик қайтмади. Экспедицияга мўлжалланган уч ҳафта  
кўз очиб-юмгунча ўтиб кетди. Ишда эса олтин кони борлиги  
тўғрисида гумон ва тусмол белгилардан бошқа аниқ натижа  
йўқ эди. Иккинчи ёқдан егуликка сарф қиладиган харж ҳам  
қолмади ҳисоб. Шералида деярли ҳеч қачон пул бўлмади.  
Экспедицияга чиқишдан олдин уй эгаси кириб, у ёқдан-бу  
ёқдан гапириб, пировардида одатича нолиди. Турмуш қийин-  
чиликларидан зорланиб, кўзёши қила бошлаган эди, Шерали  
маошининг бир қисмини кампирга берди. Эртасига укасига  
пул жўнатди. Уч-тўрт кундан буён ёнида ҳемири йўқ. Бунини  
Туроб билан Эшбой сезишди, харажатни ўзлари қилиб тури-  
шипти. Кеча Эшбой: «Мана, Туробжон, сўнгги чақаларни  
олингу, ортиқ мендан пул талаб этманг»,— деб шимининг  
икки ён чўнтагини тўнтариб ташлади. Туробнинг ҳам пули  
ҳисобли, албатта. Аммо экспедиция кўзлаган мақсаднинг ту-  
би кўринаётгани йўқ ҳали. Бугун у ниҳоят Човоқсойда гумон  
қилган жойдаги кварц томирини чуқурроқ қазинишга жазм эт-  
ди. Бу — сўнгги нажот. Агар бу ҳам натижа бермаса экспе-  
диция ишини тўхтатиб, Тошкентга қайтишга тўғри келади.

Шерали яримта қотган нонни Човоқсойнинг пастроғидаги  
чорбоғда муздек булоқ сувига увитиб, икки чақмоқ қанд би-  
лан еб олди. Қуёш тоғ ортига оғиб, қизара бошлаган эди.  
Қун ботаётганига қарамай, ниятини шу бугуноқ амалга оши-  
ришга бел боғлади. Шу яқин-орада тош остига яшириб қўй-  
ган чўкинни олиб, йўлакдан сал юқориқда учи кўриниб ёт-  
ган темир занглари билан аралаш оқ кулранг кварц томирини  
қазиб, оча бошлади. Аввал юзада нураб ётган уқаланувчи  
кварц, темир занги ва қизил гилос рангидаги бошқа минерал  
қоришмаси билан бўялган сланецнинг майда парчалари осон-  
гина чиқаверди. Сал ўтмай уларнинг ўрнини қаттиқ, яхлит  
тошлар эгаллади. Жинсларнинг ранги қорая бошлади. Бу ўз-  
гаришни Шерали тахмин қилган эди. Яна шиддатлироқ қазиб  
бошлади. Бироқ шу орада ғира-шира бўлиб, тездан тош қора-  
си янги минералданми ёки қоронғиликданми — билиб бўлмай  
қолди. Бироқ Шерали ишни давом эттираверди.

У энди минераллар чиққан-чиқмаганини уларнинг вазни  
ва ҳидига қараб била олишни мўлжалларди. Ишни бўшаш-

тирмай давом эттирди. Орадан уч соатча вақт ўтди. Энди Шерали ҳеч нарсага эътибор бермас, ҳар замонда чўкин тушаётган жойда тўпланиб қолаётган тошларни чеккага олиб қўйиш учунгина тинарди. Шерали ишни жадаллаштирди. Қоронғиликда чўкин гоҳ пастга қараб тушар, гоҳ мўлжалдагидан каттароқ тошга илиниб, кўчиришга қурби етмас, Шерали эса терлаб кетганига қарамай, уни жон-жаҳди билан кўтариб урарди. Шу алфозда орадан яна беш минутча ўтган эди, чўкинни урган сари димоғига саримсоқ ҳиди анқий бошлади. Бошда Шерали чарчаганидан бунга ортиқча эътибор бермади. Аммо энгашганда ҳид кўпаяётганини сезгач, чўкинни улоқтириб, чўккалаб ўтириб олди. Ҳозиргина чўкин тушган жойдан икки-уч бўлак тош олди. Тошлар огирликдан қўлни пастга тортарди. Улардан бирини бурнига олиб борди. Саримсоқ ҳиди тошдан келаётганига ишонч ҳосил этгач, ҳовучида маҳкам қисганча ўрнидан турди. Яна ҳидлади. Унинг шу дақиқадаги лаззатини ҳеч нарса билан таққослаб бўлмасди. Шу топда биров: «Дунёдаги барча муаттарликлар ичида энг муаттарроғи нима?»— деса, у иккиланмай қўлидаги тошни узатган ва «саримсоқ ҳиди» деган бўлур эди. Шерали чўнтагидан дастрўмолини олди. Қўлидаги жавзо олмасидай келадиган икки тошни авайлаб унга ўраб, яна чўнтагига жойлагач, қўйлагини кийди. Энди атроф зим-зиё бўлган эди. Чўкин билан болғасини пийпаслаб топгач, чўнтақларига ҳам икки-уч тош солиб олди-ю, сўқмоқдан пастга туша бошлади. Бодмзор ёнидан ўтиб, ўнгга бурилди. Атрофда баҳайбат тоғлар, пастда тубсиз жардек қоронғилик икки қадам нарини ҳам кўздан пинҳон тутмоқда эди. Шерали бу жойлардан неча мартадан ўтгани учун парво этмай одимлар, хурсанд кезларида хиргойи қиладиган қўшиғини куйлаб, пастлашиб борарди:

Қошинг қаро қайлама,  
Ёрға кўнгил боғлама,  
Ёрға кўнгил боғласанг,  
Ташлаб кетса йиғлама.

Шерали икки харсанг ёнига етгач, энгашиб, чўкинни жойига қўйди. Пиллапоядан оҳиста кўтарилиб, оёқ учида чодир ёнига келди. Чўккалаб болғани қўйди, сўнг қўйнидаги тошларни ҳам олиб, унинг ёнига уйиб ташлагач, оҳиста ичкарига кирди. Қираверишда турган тунука чойнакдан яхна чойни ҳузур қилиб симирди. Шимини ечиб, пийпаслаганча ўрнини топди. Секин чўзилди. У қўл-оёқлари лўқиллаб оғриётганини энди сизди. Бироқ баракали ишдан кейин чарчоқ ҳам ортиқ озор бермас, қўл-оёқларини биров уқалаётгандек енгил нафас олиб, кўтаринки руҳ билан уйқуга кетди.

\* \* \*

Саҳархез Туробнинг овози ҳаммани оёққа турғизди.

— Подъем! Подъем! Подъем! Ўроқ геологлар, салютга шайланинглар!

Шерали бошини кўтариб, Туробнинг қўлидаги тошни кўрдию, масала нимадалигини тушуниб, зил-замбил бошини қайтиб ўринга ташлади.

Туроб Эшбойнинг оёғидан торта бошлаган эди:

— Сизга нима бўлди, пирим, бунақа одатиз йўқ эди-ку,— деб Эшбой ҳали кўзини очмай, Туроб унинг қўлига кечқурун олиб келинган тошлардан бирини тутқазди.

Эшбой сапчиб оёққа турди. Шерали ётган томонга қараб:

— Ростданми?— деб кўзларини жавдиратганча унга тикди.

Туробнинг хатти-ҳаракатларини жилмайиб кузатиб ётган Шерали:

— Қайдам, ҳали хурсандликка пича бор,— дея ёнига тахлаб қўйган шимининг чўнтагидан лупани олиб, ўрнидан турди. У Эшбой узатган тошни уқаланиб кетадигандек эҳтиётлаб олиб, ташқарига чиқди. Чодир ёнидаги харсанг устига ўрнашиб ўтиргач, одатича тошни қўлида бир-икки айлантириб, синчиклаб кўздан кечирди. Сўнг лупани кўзига яқинлаштириб, тошнинг ҳар бир нуқтасини шошилмай кузатди. Эшбой билан Туроб ерда чўккалаб ўтириб олиб, нафасларини ютганча Шералига тикилиб туришарди. Шерали лупани кўзидан олди. Унинг илгаригидан ҳам қорайган юзида табасум барқ урди. Эшбойнинг жон ҳоврида: «Ўзимми?»— деган саволига жавоб бериш ўрнига қалин лабларини чўччайтириб кулди.

Эшбой бошда Шералининг бўйпидан маҳкам қучиб, юзларидан чўлп-чўлп ўпди. Сўнгра эса эти устухонига ёпишган Туробни бир қўлида кўтариб, чодир атрофидан икки марта гир айлантириб ерга қўйди-ю, овозининг борича: «Урра-а-а! Урра-а-а-а!» дея бақирди. Тоғлар ларзага келди: «Урр-а-а-а! Урра-а-а-а!»

Шерали уни аранг тўхтатди.

— Сиз тезда шу яқин орадаги қишлоқ Советига борасиз. Институтга телефон қилиб, иш тугаганини, яқин кунлар ичидан бориб қолишимизни хабар қиласиз. Ундан тўғри тўйхонага ўтинг, биз ўша ерда бўламыз.

Эшбой «тушундим» дегандек Шералига бош ирғаб, нонуштага ҳам қарамай, икки ҳатлаб пастга тушди-ю, қоя томон бурилиб, кўздан ғойиб бўлди.

\* \* \*

Шерали билан Туроб нонуштадан сўнг чодирдан энди чиққан эди. Қоя томондан отлиқ киши кўринди ва Шералининг рўпарасига келиб тўхтади. Саман эгасини шошилтира-

ётган каби олдинги оёқларини дўпирлатиб, тебранарди. Отлиқ салом-аликдан сўнг:

— Бугун қишлоғимизда шод-хуррам кун. Анзурат хола ҳовлисига марҳамат, мунтазир бўламиз!— деди эҳтиром ва ҳурмат билан.

Туроб билан Шерали қўлларини кўксиларига қўйиб:

— Албатта, албатта, ҳозир борамиз!— дейишди.

Отлиқ от бошини буриб, келган изига қайтди.

Шерали завқ билан кулди.

— Ажаб халқ бўлади-да, тоғликлар!— деди у отлиқ кетган томонга қараб. Сўнг Туробга: «Бугун икки ёқлама тўй экан-да! Қани, юринг, кийиниб, секин йўлга тушайлик»,— деди.

Улар Мажрумга етганда, болаларнинг қий-чуви эшитилди. Қишлоқ аҳли тўйхона томон борарди. Аёлларгина умумий тўдага қўшилмай, бошларига тугунларини кўтаришганча учта-учта, тўртта-тўртта бўлишиб, чеккароқдан ерга қараб кетишаётган эди. Пешма-пеш келиб турган меҳмонларни эшик олдида турган тўйбошилар «Хуш келибсизлар!», «Қадамларингизга ҳасанот!»— дея меҳмоннавозлик билан кутиб олишарди. Эркак меҳмонлар қариндош-уруғлик даражасига қараб ҳар қайси ҳол-қудрат тўй эгаларига «тўёна» деб пул қистиришар, аёлларнинг бошларидаги тугунни болалар чаққонлик билан олиб, ўзларини айвон томон бошлаб боришарди. Ҳовли саҳнида узун солинган кўрпачалар устида эркаклар ҳар ким ёши ва тутган мавқенга қараб қатор чордана қуришиб ўтиришарди.

Шерали билан Туробга алоҳида эҳтиром кўрсатилди. Улар оқсоқоллар сафида ҳовлининг тўридан ўрин олишди. Ўйин-кулги авжида.

Кун пешиндан оққанда, дарвоза олдида турган тўйбошилардан бири ҳовлига отилиб кирди-ю, қўлини кўксига қўйганча тўрда ўтирган оқсоқолга хабар қилди.

— Завқи бобо келоптилар!

Соқоли кўксига тушиб турган нуроний чол ўзича: «Ҳай, ҳай, офарин, офарин ҳимматларига»,— дея ўрнидан турди. Меҳмоннинг истиқболига чиқиб учун орқасидаги деворга тираб қўйган ҳассасини энди қўлига олган эди ҳамки, Завқи бобонинг ўзи етиб келди. Ёшу қари баравар ўрнидан турди. Бобони бир бола етаклаб келарди. Унинг кўзлари ногирон эди. Шерали югуриб бориб, бобони қўлтиғидан олди. Уни тўрға ўтқизди. Ўзи Туроб билан пастроққа бориб ўтирмоқчи бўлган эди, оқсоқол йўл қўймади.

— Қани, қани, сизлар баҳузур жойларингизга ўтирабегинглар, марҳамат, мемон отангдан улуғ деган аханлар.

Оқсоқол шундай деб Шералига боя ўтирган жойни кўрсатди. Шерали ийманибгина келиб жойига ўтиргандан кейин Завқи бобо фотиҳага қўл очди.

— Қани, омин, илоҳи қўшгани билан қўша қаришсин, об-лоҳу акбар!

Ўтирганлар ҳам қўлларини юзларига тортишди, сўнг бобо-ни дастурхонга ундашди.

Завқи бобо чўяндек қўлларини дастурхонга узатиб, пий-паслаб бир бурда нонни олди. Узун-узон бармоқлари билан ундан бир тишламгина синдириб, оғзига солгач, қолганини яна дастурхонга қўйди. Боя давом этиб турган гангур-гунгур суҳбат тинган, ҳамманинг кўзи Завқи бобога тикилган эди. Кўпчилик уни жонли тарих, баъзилар соддароқ қилиб «кўна одам» деб қўйишарди. Завқи бобо ўзининг баҳайбат гавдаси, кенг ва ҳали букилмаган теп-текис елкалари, узун-узон оёқ-лари билан айниқса Шерали билан Туробнинг диққатини та-моман ўзига қаратиб қўйган эди. Унинг оёғидаги гавдасига мослашгандай бениҳоя катта сариқ ағдарма чарм чориғи ҳар қандай одамнинг ҳам эътиборини тортарди. Қордай оппоқ яктагининг ёқасидан ҳабашларникидек қора қавариқ кўкраги бўртиб чиқиб турарди.

Шерали музейда экспонат томоша қилаётган каби бобо-дан кўз узолмай қолди. Ичида: «Эшбой айтган бобо шу бўлса керак», деб ўйлаб турганида, Завқи бобонинг йўгон овози дўриллади:

— Анзурат тоғчилар келган деганди, шу гап ростми? (Бобо геологларни тоғчилар дерди).

— Ҳа, ҳа, Завқи бобо, рост, мана ёнингизда ўтиришип-ти.— Оқсоқол жавоб берди овозини атайин баландлатиб.

Завқи бобо кулиб, чап томонга бошини бурди ва Шерали-нинг ўзиникига нисбатан митти қўлларини катта кафтлари орасига олиб кўришди.

— У кишининг ёнларида яна битталари бор.— Оқсоқол Завқи бобонинг тирсагига туртиб қўйди.

— Кўп яхши, кўп яхши, ҳуш келибсизлар, марҳабо, мар-ҳабо!— у Туроб билан кўришгач, бошини Оқсоқол томон хиёл бурди.— Тоғларимизга яқин йигирма йилдан буён одам кел-маганди шекилли,— деди ҳамма ишдан хабардор қишлоқ оқ-соқолига юзланиб.

Оқсоқол ўйланиб туриб:

— Чоғи бир келди-ку, бундан ўн йиллар бурунми...— Тусмоллаб жавоб берди у.

Шерали уни тузатди.

— Тўққиз йил олдин.

— Ҳа, ана айтдим-ку, келгани хотирамда бор-да ишқи-либ.— Оқсоқол адашмаганидан қувониб гапирди.

Завқи бобо бир нарсани хотирлаётгандек бош чайқаб кулди.

— Эсинг ҳали жойида экан,— деди оқсоқол томон бурпи-либ. Сўнг овозини баландроқ кўтариб, сўзини давом эттир-ди:— Амир даврига тоғчилар тез-тез келиб турарди. Сўғунги-

си инқилобдан ўн йиллар олдин кеган. Ангилистонданам одам бўлган дейишганди. Аммо мен уни кўрмаганман. Ўрус тоғчиларни кўп кўрганман бачалигимда. Хўп хушчақчақ, қўли очиқ, меҳрибон одамлар бўларкан ўрус дегани.

— Отлари эсингизда йўқми, бобо?— Шерали Завқи бобо томон энгашиброқ сўради.

— Отини сўраб ўтирибмизми, бачам. Гоҳи-гоҳида сутми, нонми, мева-чевами олиб борардик. Ула бизага қоғозга ўроғли қант-қурс берарди, дурбинини олиб, тоғларни томоша қилардик. Хўп чиройли кўрсатарди-да, ҳў, нариги дунёдаги нарсаниям бурнинг устига олиб келиб қўярди.

Завқи бобо кулиб жим қолди. Тўйдаги бутун меҳмонлар анграйганча бобонинг сўзларини тинглардилар. Бобо бошқаларнинг ҳам қулоғи яхши эшитмайдигандай баланд гапирар, ҳар бир гапидан кейин тасдиқлаган каби чўзинчоқ бошини ирғаб қўярди.

Оқсоқол Завқи бобонинг орқасидан Шералига энгашиб шивирлади:

— Кўзниям касофат амирнинг одамлари йўқ қиған дейишади.

Шералининг эти жимирлаб кетди. Юзидаги табассумни йиғиб, бобонинг ичидан данаги олинган ўрикдек пучайиб қолган кўзларига тикилиб қолди. Шу топда тўйхонада бу ҳақда сўраб бўлмасди, албатта. Шерали оқсоқолга қараб, ачиниб бош чайқаб қўйди. Нафас ростлагудек фурсат ўтмай, бобога яна савол берди:

— Улар нима қидиришганини қишлоқдагилар билармиди?

— Бе, қаёқда, бачам! Оқ пошшонинг ҳар бир одамини амирнинг ўн одами қўриқлаб юарди. Ичидаги гапни қандоқ айтсин улар. Тоғдан темир, мис қазиб олишади дейишарди. Аммо лекин амир бу жойлардан олтин, кумуш олишини бобом раҳматликам гапурардила. Бачалигимда амир одамлари келганда оста тоғларни устидан бориб қараб турган жойимда навбакорлар тутиб олиб икки кўзимга темир қиздириб босишган. Шу-шу қадам қўйганим йўқ. Ўзимам узоқроқ қишлоққа қочиб кетдим.

Шерали Завқи бобо гапларига маҳлиё бўлиб ўтирар, ичида кексаларни қидириб юрадиган Эшбойга таҳсин айтарди.

Завқи бобо оқсоқол узатган пиёлани олиб, ҳўплади-ю, жимиб қолди. Эҳтимол бобо навкарлар уни ўраб олишиб, кўзига темир қиздириб босганларини ўйлаётгандир, балки ёруғ дунёни қоронғи этган амирликни лаънатлаётгандир ичида. Шерали уни ортиқ безовта қилгиси келмади. Шу орада куёвнавкарларни эшик олдига тўплаша бошлашди. Кимдир келиб, Туроб билан Шералини ҳам таклиф этди. Шерали ҳеч нарса тушунмай турганиди, Туроб шивирлади:

— Юраверинг, Шерали ака, келинникига бориб келамиз,— деди.

Шерали Туробга эргашиб, дарвоза олдида тўпланганлар сафига бориб қўшилди.

Кўп ўтмай айвон томондан жўралари қуршовида қорачадан келган, қошлари пайваста куёв олиб чиқилди. Унинг бошида чуст дўппи, эгнида беқасам тўн, оёғида хром этик.

Куёвни жўралари қуршаб олишди. Улар бири олиб, бири қўйиб, ҳазил-мутойиба билан куёвни қизартира бошлашди. Ўртароқда турган новча йигит куёвнавкарларни икки ёққа туртиб, ўртага келиб тўхтади. Куёвга «қулоғингни бер» дегандек имлаб, шивирлади:

— Уйга кирганда, ҳушёр бўлиб тур. Оёғингни биринчи бўлиб келин босиб олмасин. Унг оёғингни кўтариб тур. Келин келиши билан оёғини босиб ол.

Йигитларнинг қийқириқ ва кулгилари орасида куёв унга савол берди:

— Нега энди?

— Одатимиз шунақа. Келин итоаткор, фармонбардор бўлади. Сўнгра сенинг елкангни келиннинг елкасига кўклаб қўйишади. Ҳаракат қил, ип келиннинг елкасида қолсин.

— Буниси нимага тагин?— куёв анграйиб қолди.

Гапираётган йигит атрофидагиларга қараб:

— Бу ҳали ҳеч нарсани билмайди-ку, чоғи?— деган эди, яна гуррос кулги кўтарилди.— Одатимиз шунақа, хумкалла. Келиннинг боши ҳамиша боғлоқлик қолади. Бу одатларга риоя этмасанг, келинпошша бошингни ховонча қилади. Ҳув, мусулмонлар, бунга бундоқ гапириб қўйинглар, йўқса, хотинининг лозим-қўйлагини кийиб, ҳовли шипириб юрмасин тагин эртага тўй ўтгандан кейин.

Яна қийқириқ бошланди. Қип-қизариб турган куёв атрофидагиларга жилмайиб, бош чайқаб қўярди. Шу орада айвон томондан ясан-тусан қиз-жувонлар чувиллашиб кўчага чиқшди. Келин шу қишлоқлик бўлгани учун от-улов лозим бўлмади. Олдинда куёв жўралари билан, уларнинг кетидан қиз-жувонлар кўчани бошларига кўтаргудек қўшиқ куйлаб юра бошлашди.

Эй қудо, мўрак шавед,  
Сари корад нек шавад.  
Имрўз соати худо,  
Келина тед, эй қудо<sup>1</sup>.

Чилдирмакаш тиниб, тўдага қаради.

— Гулзебони тортинглар, рақсига Гулзебони тортинглар,— деган эди, икки-уч йигит қизлар тўпига келиб, Гулзебони қидиришди. Ўртада тортишув бошланди. Қизлар Гулзебони ўраб олишиб, «бермаймиз» деб туриб олишди, йигитлар

<sup>1</sup> Э қудо, муборак бўлсин, қўл урган ишинг яхшилиқ билан битсин. Бу кунга еткизди худо, келинни беринг, жон қудо.

ҳам тўдалашишди, қўлма-қўл ушлашиб, бир-бирларини тортишди. Ниҳоят қизлар енгилиб, Гулзебо ўртага тушди. Йигитлар уни ҳол-жонига қўймай, тўданинг бошига олиб боришди. Чилдирмакаш мамнун жилмайиб, доирасини боши узра кўтарганча такиллади бошлади. Парча гулли чит қўйлагини ҳилпиратганча Гулзебо завқ билан ўйинга тушди. Йигитлар қий-чув кўтаришиб, «дўст-дўстлашар», Гулзебо қалдирғоч қанотларидек қайрилма қора қошларини чимирганча пилдираб ўйнар, чилдирмакаш бошини сарак-сарак қилиб тобора завқланиб чаларди. Куёвнавкарлардан бири ўйинга жўр бўлди. Сўнг яна икки қизни тортишди. Келиннинг уйига етиб борганда, тўрт йигит тўрт қизни қуршаб, барабар оёқ ташлашар, орқадаги йигит-қизлар рақс усулига мослаб овозларини баралла қўйиб, қўшиқ куйлашарди. Келин томон қарсақ чалиб қўшиққа жўр бўлишди. Ҳали қўшиқ тинмай, келин томондан бир тўп қиз-жувонлар доирани бошларига кўтариб қўшиқ бошлашди:

Мо нишастем раҳноён,  
Домод омад гулчошон<sup>1</sup>.

Қўшиқ тинди. Яна рақс бошланди. Куёвжўралар қизлар томон қараб қўйишди. Ҳамма рақсга маҳлиё бўлиб, барабар қарсақ чалишарди. Куёвни қизлар кўзини шамғалат қилиб, келинникига олиб кирмоқчи бўлишди. Бироқ улар келиннинг уйи томон юришлари билан қизлар қий-чув кўтаришиб, йўл тўсишди. Энди юришлари билан лапар, айтишув бошланди.

Келиннинг уйдан чиққан қиз-жувонлар қўлларига доирани бошлари узра кўтариб, боягидан ҳам шўхроқ оҳангда қўшиқ куйладилар. Қизлар бир томонда, йигитлар қарама-қарши ёқда туриб, лапар айтишарди. Нақорат бошланганда эса қўлма-қўл ушлашиб, бир-бирларини тортишар, йигитлар ён босиб, ўзларини енгилган қилиб кўрсатганда, қийқириқ, кулги садоси тоғ-тошларни ларзага соларди. Бу шодиёна ўн-ўн беш дақиқа давом этди. Сўнг меҳмонларни таъзим билан ичкарига даъват этишди. Аммо бир тўп йигит-қиз куёвнинг йўлини тўсди:

— Ҳо, ҳақини тўланг,— дейишди қизлар.

Куёв чап томонга ўтган эди:

— Қани, порасини чўзинг,— дейишди йигитлар.

Куёв енгларининг ичига, қўйнига солиб олган танга аралаш қанд-қурсларни ўнгу сўлига сочиб юборган эди, йигит ва қизлар гурр этишиб ўша ёққа ташланишди. Фурсатдан фойдаланган куёв уч-тўртта яқин жўралари билан ичкарига киришди. Уларнинг кетидан куёвнавкарлар Шерали билан Туробни ўтказиб юборишиб, сўнг ўзлари киришди.

<sup>1</sup> Биз йўлига мунтазир, куёв келди гул сочиб.

Куёв келин ўтирган уйга кириб чиққач, меҳмонлар дастурхон атрофига тўпланди. Дастурхонга тортилган таомлар ҳазил-мутойиба билан тановул қилиб бўлингач, яна ҳамма гурр этиб ўрнидан турди. Куёвникига йўл олинди.

Куёв жўралари билан ҳали келинникидан унча узоқлашмай, доира садолари остида яна қўшиқ янгради. Ниҳоят, куёв уйига қайтгач, ҳовлида тўп бўлиб туришганлар муборакбод этишди, унинг бошидан қанд-қурслар сочилди.

Орадан кўп ўтмади. Тоғ томондан яна доира ва шўх қўшиқ садолари янгради. Болалар худди шуни кутиб тургандек қий-чув кўтаришиб, овоз чиққан томонга югуришди.

Овардему, овардем,  
Ба Мажрум даровардем.  
Мажрумаш жой танг аст,  
Обаш аз зери санг аст.  
Қудоёни Мажруми,  
Намак хўрди, нагашти.  
Келин ба пояш хезад,  
Сар то пояш гул резад.  
Эй модар, келин омад,  
Нури хона даромад<sup>1</sup>.

Болалар қуршовида келаётган қиз-жувонлар куёв эшигига яқинлашганда, доира усули тезлашиб, шу қадар янграқ жарангладики, ичкаридан эркагу аёл чиқишиб, келинни бошлаб келганларни қуршаб олишди. Ҳамманинг чеҳрасида шод-хуррамлик, қалбларда орзу-ҳавас жўш урарди. Барчанинг орасида Анзурат хола алоҳида ажралиб турарди. Бошда қуда томондан келганларнинг қўшиғига жўр бўлиб, қўлидаги доирани боши баравар кўтарганча шу қадар завқ билан куйладики, атрофдагилар беихтиёр уни ўраб олишди. Ана шунда у неварга келинига атаган қўшиғини бошлади:

Келини хушқоматам,  
Аз дар дарои роҳатам,  
Иззату ҳурмат кунӣ,  
Дуои дароз хонам.  
Келин омад ба пояш,  
Ҳам давлату, ҳам бояш,  
Гула ба гул қўш кардем,  
Бегонаро пеш кардем.  
Рафтем раҳи дуродур,  
Овардем ниҳоли гул.

<sup>1</sup> Келинни олиб келдик, Мажрумга олиб кирдик, Мажрум бир тор жой экан, суви тошлар остида, э, мажрумлиқ қудолар, туз тотдингиз, тез келинг, келин оёққа турганда, атроф гулга кўмилгай. Эй, она, келин келди, уйингизга нур кирди.

Анзурат хола қўшиғини тугатиши билан таҳсин ва офаринлар ичида атрофда қарсак садолари, қийқириқ бошланди. Анзурат холанинг яқинлари уни бир-бир бағирларига босиб, чуваккина юзидан чўлп-чўлп ўпишар, эркаклар қўлини кўксига қўйиб:— Қойил қилдингиз, умрингиздан барака топинг, келиннгизнинг роҳатини кўринг, дея елкасига қоқишарди.

— Қалай бизнинг хола, қотирдимиз?

Анзурат холадан уч-тўрт қадам нарида турган Шерали орқасига қаради. Эшбой завқ билан кулиб турарди.

Шерали азбаройи хурсанд бўлганидан уни қучоқлаб олди.

— Офарин, огайни!— Шерали ҳаяжон ичида гапира бошлади.— Айтган чолингиз ҳам келди. Жуда бир аломат одам экан. Қўи гапни биладиганга ўхшайди. Тағинам тўйхона деб тортинди. Уни сира қўлдан чиқармаслик керак.

— Бир оғиз сўзингиз-да!— Эшбой қўлини кўксига қўйиб таъзим этди.

— Нима бўлди?

— Ҳаммасини «ест» қилдик, қишлоқ Советида телефон ишламаскан, почтани қидириб топдик.

— Қойил! Раҳмат! Ўзиз ҳамма ишни ўринлатиб юрасиз-да.

— Служу советской геологии!— деди Эшбой ўнг қўлини чаккасига қўйиб.

Шерали кулиб, Эшбойнинг узун-узон бармоқларини кафтига олиб миннатдорчилик билдиргач, улар меҳмонларга эргашиб, ҳовли томон юришди. Дарвозага яқинлашганда боя Завқи бобони тўйхонага етаклаб кирган бола югуриб келиб, Шералининг енгидан тортиб, шивирлади:

— Сиззи катта бобом чақироптилар.

Шерали Завқи бобо олдига борди. Бобо Шералини четга олиб чиқди.

— Сизларни эшитуб, бир китоб олиб келувдим. Бу китобнинг тарихи кўп ғалати.— Завқи бобо ҳассасини қўлида айлантриб ўйланиб қолди. Кейин юзига табассум югурди.— Бобом раҳматлик бирдай гапурардила. У кишининг айтишича, бир замонлар қишлоғимизга саргаштаю жаҳонгашта бир мусофир келиб қолган экан. Бобом қўймай, уйларига олиб келиб, бир ҳужрани меҳмонга бўшатиб бериптила. Ҳалиги мусофир куп ёригандан хуфтонгача тоғма-тоғ юриб, кечалари шам ёруғида қогоз ёзаркан. Шу зайлда экин йил ўтупти. Ю-

<sup>1</sup> Келингинам — хушқоматим, эшикдан кирган роҳатим. Изза- ҳурмат айласанг, дуохонинг мен бўлай. Келин келди ўз оёғида, ҳам давлат, ҳам бойлик бу. Гулни биз қўшдик гулга, бегонани ҳайдадик. Узоқ-узоқ йўл юриб, бошлаб келдик гул-ниҳол. Бу гулни қайга қўямиз. Мирзоқул ҳовлисига.

гаҳоний марг уни оламдан олиб кетупти. Улими олдидан ҳеч нарсa айтиб ҳам улгурмапту бояқиш. Дафнига бутун қишлоқ аҳли йиғилупту. Шу аснода унинг кимлиги сирлигича қолупти. Бу камгап мусофирнинг хонасидан бобом эккита китоб топуптила. Улимлари олдидан уни отам раҳматликка беруптила. «Эҳтиёт қил», деб тайинлаптилар, нима бўлади-ю, отам бу китоблардан битасини бир шаҳарликка берадилар. Ҳикоятлар, байтлар битилган экан унисида. Шаҳарлик китобни қайтиб бермапти. Экинчисида тоғ илми ёзилган депти. Шунисини олиб келувдим. Анзуратга бериб қўйдим. Бобом раҳматлик отамга: «Ҳеч кимга бермай, катта шаҳарга борганда пошшоликка топшу», дер эканлар. Пошшоликка ким тушарди дейсиз. У дунёни бир чаккасида. Ўзимам неча ҳафсала қилиб кўрдим. Боролмадим. Энди дармонимам етмайди. Бир кўрнинг шуни, зора ишингизга залир бўлса.— Завқи бобо қўлида кўтариб айлантриб турган ҳассасини ерга тираганча жим қолди. Сўнгра бошқа ҳеч нарсa демай, жойига бориб ўтирди.

Шерали бобони ортиқ безовта қилгиси келмади. Шошиланча ҳовлига кириб кетди.

Ҳовлининг кўзга кўринарли жойларига келиннинг сепи ёйиғлиқ турарди. Яна қўшиқ янгради. Ғира-шира қоронғи тушганда, эшик олдида катта гулхан ёқилди. Эркагу аёл жуфт-жуфт бўлиб, гулхан атрофида рақс этиншарди. Чилдирмакашлар доирасини навбатма-навбат чирсиллаб ёнаётган оловда тоблаб, гоҳ қўшиққа, гоҳ рақсга жўр бўлишар, даврага файз киритишарди.

Ту ки додари мани  
Аспата об тею баро,  
Чашми мардум тег аст,  
Аз кўчаги оста баро<sup>1</sup>.

Қўшиқ тинмай, яна Анзурат хола даврага тушди:

Дар ҳавлии мо жўе набуд, об омад,  
Себарга дамид, дсдари муллом  
омад<sup>2</sup>.

Яна қийқириқ, «дўст» садолари тоғ-тошни ларзага келтирди. Гулханга даврадагиларнинг ҳар бири биттадан чўп ташлар, аланга борган сари ўрлаб ловиллар, бу хуррам кечани томоша қилиш учун гўё Мажрумга қуёш узилиб тушгану, атрофга ҳарорат ва нур таратарди.

<sup>1</sup> Эй менинг укажоним, отингни суғориб чиқ. Мардум кўзи тиг, бир бил, кўчадан эҳтиёт юр.

<sup>2</sup> Ҳовлимизда ариқ йўқ эрди, сув келди, гул сабза уриб мулла укажоним келди.

Экспедиция қайтгач, орадан ҳафта ўтмай, Тошкентда шу қадар шов-шув бўлдики, унинг қатнашчилари — Шерали, Эшбой ва Туробларнинг ўзи таажжубда қолишди. Улар ҳали бу ҳақда ҳеч кимга ҳеч нима деганлари йўқ эди. Павел Ивановичнинг таъбири билан айтганда: «Тошкентнинг геологик қатлами бир силжиб, баъзиларни эсанкиратиб қўйди». Газеталарда бу ҳақдаги хабар энг кўринарли жойларда катта сарлавҳалар остида берилди. Осмондан юлдузни бенарвон ҳам беозоргина оладиган қўл-оёғи чаққон журналистлар газетхонлари учун Шерали билан қилинган интервьюни «Маргимуш — олтин руда конларининг дебочаси» сарлавҳаси остида инъом этишди, нўноқлари эса оддий газета хабари билан бўлса ҳам мухлисларини фандаги бу улкан янгиликдан огоҳ қилдилар.

Шунгача ҳеч нимаси билан ажралмай, эл қатори юрган Шерали бир кун ичида бутун ўлкага маълум ва машҳур бўлди. Одатда хайрли ишнинг хайрихоҳлари кўп бўлади. Фан равнақиға умрини тикканлар Шералини астойдил қутлашди. Уни кўришга орзумандлар сафи тобора кўпайди. Ўрта бўй, қорамағиз, лаблари дўрдоқ, унча келишмаган бу йигит кўпларнинг назарида гўзалларнинг гўзали-ю, оқилларнинг оқили бўлди. «Киройи ўғлинг шундай бўлса», деб орзу қиладиган даражаға етди.

Воқеаларнинг фанга хилоф, ғайритабиий йўсинда бу қадар ривожланиб боришидан баъзилар ранжиди. Павел Иванович Шералини ўтиргизиб:

— Мухбирларга ширинкома беришга сал ошиқиб қолдиларми, дейман, бўталоғим,— деди кейинги йилларда азбаройи семириб кетганидан осилиб қолган бағбақасидаги тер резаларини гулдор дастрўмоли билан арта туриб. У Шералига зимдан разм солгач:— Ё шуҳрат отининг жилови кўзингизни қамаштириб қўйдими?— Узиб олди.

Шерали Павел Ивановичнинг бу қадар жаҳли чиққанини сира кутмаган эди. Бошига биров тегирмон тош юргизганда ҳам, шунчалик оғир кечмасди назарида. Унинг кичкина кўзлари юмилаёзди. Қалин лаблари унсиз қимирлади-ю, рангида қон қолмади.

— Бу гапни ким тарқатганидан хабарим йўқ. Павел Иванович, наҳотки менга ишонмасангиз!— Шерали гуноҳкорона титроқ овозда жавоб берди.

— Газеталар-чи? Интервью-чи? Бундан ҳам балки беҳабардирсиз, бўталоққинам, а?

Шерали ўсал бўлди. Удабурон бир журналист «ҳали эрта» деганига қарамай, ҳол-жонига қўймай: «Сиз билан гаплашиб қўяверайлик, ўзингиз айтган кунни чиқарамиз!»— деб олдиндан ёзиб қўйилган қоғозга қўл қўйдириб олганини эс-

лади. Аммо ҳозир шундоқ деб бўлармиди. Қилган ишининг элга тезроқ маълум бўлишини юрагининг аллақаерида ўзи ҳам истамаганмиди ўшанда! Журналистни айблашнинг нима ҳожати бор. Шералининг боши эгилди. Павел Иванович яна бир нима демоқчи бўлиб, оғиз ростлади-ю, Шералининг ҳозирги ҳолатини кўриб ачинди, қовоғини уйиб, индамай қўя қолди.

Аслида бу хабар мўъжазгина, нимқоронғи хона — Геология институтини ертўласидаги лабораториядан тарқалган эди. Шерали Тошкентга келган кунидеъ кеч бўлишига қарамай, тўғри институтга келди. Шоша-пиша лабораторияга тушди. Лаборатория бошлиғи ҳаммаша қовоғини уйиб, саратонда ҳам маҳси-калишини қўймай, пахмоқ тукли қалин қора жун газлама костюмда юрадиган Мирзо Исмоилов энди чиқиб кетай деб турган экан. Шерали шошилиб, лабораторияга кирди-ю:

— Жон ака, илтимос билан келдим,— деди Мирзо Исмоиловга илтижо билан тикилиб.

Мирзо Исмоилов қовоқларининг устигача сепкил босган чуваккина юзини буриштирди. Бир ёғи йўқ кичкина қора кўзойнагини пешонасига кўтариб, Шералига уни танимагандек индамай қараб қолди. Одати шунақа. Савол бергувчига шу йўсинда бир лаҳза қараб туради. Мурожаат қилувчи иккинчи бор гапирганда, ингичка овозини чийиллатиб, сўз бошлайди.

Шералининг сабри чидамади.

— Хўп дея қолинг, жон ака,— деди у боягидан ҳам мулоимроқ оҳангда.— Фақат олтин билан маргимушни аниқлаб берсангиз бас, бошқаларини кейинроқ қилинса ҳам майли.

— Нима эди?— чийиллади Исмоилов нурсиз кўзларини Шералидан узмай.

Шерали Исмоилов ҳозирнинг ўзидаёқ сўзидан қайтадигандек ҳовлиқиб, чўнтагидан маргимуш колчеданини чиқариб, мудирга узатди.

— Э, йўқ, анализмиди?— дея қалтироқ овозда чўзиб эътироз билдирди-ю, ё ҳа, ё йўқ демай қолган нарсаларини ҳам йиғиштира бошлади Исмоилов.

Шерали тараддулланиб қолди. Энди унга гап уқтириш бефойда эди. Ишга янги келган кунлари: «Мирзо Исмоиловнинг бармоқларини ишга солмоқчи бўлсанг, кафтига битта ўн сўмликни бос!»— деган эди кимдир. Аммо Шералининг ёнида ҳозир ўн сўм у ёқда турсин ўн тийин ҳам йўқ. У энсизгина яшил эшикдан ичкарига кириб, Исмоилов томон энгашди.

— Суюнчисига эртага бир червон оласиз,— деди шивирлаб. У шундай дейишга деди-ю, ўздан жиркангандай юзини тескари бурди.

Мирзо Исмоилов қўлидаги қора сумкасини бир чеккага суриб қўйиб, кулди.

— Оббо боласи тушмагур-ей, сенам ёмон чиқдингу, а?

Айтган еридан кесади-я! Қани, ол бу ёққа,— деб Шералига қўлини чўзди.

У директордан бўлак деярли ҳамма билан сенсираб гаплашарди.

Хаёл билан турган Шерали «пулни чўз деяпти» деб гумон қилиб бир чўчиди:

— Нимани?

— Э, дарров талтайиб қолдингми, а? Нимани бўларди, анализ қиладиган тошингни де!..

Орадан уч-тўрт кун ўтди. Бир куни Шерали ишга бошқалардан анча эрта келди. Эшикдан кириши билан телефон жиринглади.

— Эшитаман, Алиевман!

— Тезда туш, ҳой, суюнчини ола кел, унутма, олтин топганга ўхшайсан.— Трубкада Исмоиловнинг овози чийиллади.

Шерали шошилиб, лабораторияга тушди. Исмоилов кичкина хонанинг у ёғидан-бу ёғига юрар, қўлларини бир-бирига ишқалаб қўярди. Остонада Шерали пайдо бўлиши билан чийиллаб кетди.

— Тушишингам қийина сени, нима бало, Саҳройи Кабирдан кевотсанми?

Шерали унинг гапига эътибор ҳам бермай, ҳовлиқиб ичкарига кирди. Қўзи билан атрофни қидира бошлади.

— Мана, мана, бунга қара!— деди титроқ овозда Исмоилов кўрсаткич бармоғини чоғроқ стол устидаги микроскоп остида турган чинни тигилга ишора қилиб.

Шерали қаради-ю, юраги гупиллаб уриб кетди. Тигилнинг ичида сариқ томчи ялтиларди.

Шерали югурганича кабинетига чиқди. Хонада Павел Иванович ўтирарди. Эшикдан кирди-ю:

— Павел Иванович, олтинлик маргимуш колчедани экан,— деди ҳаяжон билан.

Павел Иванович йўғон гавдасини стулдан енгил кўтариб, ўрнидан туриб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Наҳотки?!

— ...

Шерали боши билан тасдиқ ишорасини қилди.

— Яша, шоввоз! Ўзимам шундай бўлади, деб ўйлагандим. Демак, сен Ўрта Осиёда янги олтин рудаси формацияси — яъни олтин — арсенопирит (маргимуш) формацияси борлигини исбот қилдинг. Бу формация (кон тури) гранитлар билан бирга учрагани сабабли сен айтилган замонда Ҳафиз Мирзамуҳамедовичнинг магма ва руда конлари ҳақидаги гипотезасини ҳам амалда тасдиқладинг — ҳал қилувчи қадамни ташладинг. Тушуняпсанми бу ишинг қандай улуғвор хулосаларга олиб келишини,— Павел Ивановичнинг кўзлари чақнади.

Шерали ийманибгина ерга қаради.

Павел Иванович Шералидан ҳамон чақнаб турган кўзларини узмай, сўзини давом эттирди:

— Аммо бу ҳали улкан ишнинг дебочаси. Ҳа. Сен бу ҳақда ҳеч кимга оғиз оча кўрма. Аввало сенинг менга кўрсатган материалларингга қараганда Човоқсойда олтин запаслари бўлиши эҳтимолдан узоқ. Бу — сен учун йўлланма, холос. Энди сен шу турдаги конлар тўғрисидаги маълумотларни кўздан кечиришинг керак. Бундай конларнинг борлиги эса энди ойдин кечадан ҳам равшанроқ. Фақат уни аввало геологик материалларни чуқур ўрганиб, қаерда бўлишига чуқур ишонч ҳосил қилиш, яъни прогноزلаш зарур. Ундан кейин қидириб топиш керак. Бунга эса фурсат, чиндам ва билим даркор. Қидирганда ҳам худди шу Нурота гранит массивларидаги тоғ қатламларидан қидирасан. Тушундингми, азизим?

Павел Иванович қўлини Шералининг елкасига қўйди.— Эҳ, Шерали, Шерали, билсанг эди шундан кейин қандай ажойиб ишлар бошланишини. Истиқбол сенга кулиб боқяпти. Эҳтиёт бўл, ютуқлар олдида эсанкираб, унинг изини йўқотиб қўйма тагин!..

Шерали лаҳза ўтмай, шуларни бирма-бир хаёлидан ўтказди-ю, Павел Ивановичнинг кўзларига тик боқди.

— Чин сўзим, Павел Иванович, бу гапни ким тарқатганидан хабарим йўқ.— Шерали ҳозиргина айтган сўзларини қайтарди.— Аммо журналистлар масаласида...— У дудуқланди...— Тўғри, мен ҳовлиқиб қолдим.— Шерали бошини яна ҳам қуйироқ эгди.

Павел Иванович кулди. Унинг жаҳли бир пиёла сувдаги тўлқиндай гап эди. Асли ҳолига келди. Қўлларини Шералининг елкасига қўйди.

— Майли, бу ёнғига эҳтиёт бўл!

Павел Ивановичнинг бу қадар кутилмаганда тез юмшаб қолганидан қувонган Шерали бошини дадил кўтарди.

— Ҳа, айтгандай, эълонни ўқидингми?— деди Павел Иванович боши билан коридорга имлаб.

— Йўқ, қанақа эълон?

— Партия мажлиси бўлиши тўғрисидаги эълонни.

Шерали ҳаяжонланганидан қизариб:

— Ҳа, ундан хабарим бор, кеча партбюрода қабул қилишга ва партия мажлисига қўйишга қарор этилди.

— Ана холос, шунча гапни қанақа қилиб ичингга сиғдириб ўтирибсан, а? Ўзингга ўлгидек писмиқ бўпсан.— Павел Иванович «сени қараб тур» дегандек кўрсаткич бармоғини силкиди. Сўнг:— Табриклайман, астойдил, чин қалбимдан,— деб қўшиб қўйди.

— Раҳмат, Павел Иванович, сизнинг ҳамма нарсадан хабарингиз бўлади-ку, ўзи,— деди Шерали гўё ундан институтдаги бирон иш ҳам пинҳон қолмайдигандек.

Павел Иванович елкаларини силкитиб, ҳузур қилиб кулди. Кейин нимадир эсига тушди шекилли, шошилиб ўрнидан турди.

— Лекцияга кечикиб қоламан. Мен кетдим, — деб ҳошиялари титилган қалин жигарранг портфелини қўлтиқлаганча хонадан чиқди.

\* \* \*

Орадан ҳафталар, ойлар ўтди. Шерали гоҳ кутубхонада, гоҳ уйда, гоҳ кабинетида тунгача ўтириб, китоб варақларди. Ниҳоят: «Гранитлар яқинида қаерда арсенопиритлик кварц томирлар ёки кварцлашган тоғ жинслари мавжуд бўлса, ўша ерда олтин бўлади», — деган хулосага келди. Аммо бу ҳали илмий фараз, ашёвий далиллар асосида ўзи чиқарган хулоса эди, холос. Шерали шу хулосасининг тўғрилигини аниқлаш учун шу таркибдаги бошқа, чунончи, Уралдаги Кочкарка, Забайкальедаги Дарасун олтин конлари билан солиштирди, шу ҳақдаги дарслик ва адабиётларни титкилади. Ниҳоят, энди яна бир экспедиция уюштириб олтинлик маргимуш колчеданининг уюмларини топиши, шундан кейингина хулосасини илмий тарзда асослаб бериши керак эди. Аммо кейинги икки йил мобайнида бунга имконият бўлмади. Ниҳоят, Шерали ўзи кутган узоқ муддатли экспедицияга бориб келишга муваффақ бўлди. У Марказий Қизилқум ва Шимолий Нуротадан талайгина қимматли материаллар тўплади. Марказий Қизилқумнинг маъдан истиқболини аниқлади. Ўзи топган Симузар конининг ҳам истиқболи борлигини исботлади. Ҳар икки жой ҳам Човоқсойда топилган кварц — олтин — арсенопирит (маргимуш) турига мансуб эди.

Энди Шералида Ғарбий Ўзбекистонда шу пайтгача қайд этилмаган маргимуш олтин конлари мавжудлигига шак-шубҳа қолмади, чиқарган хулосасининг тўғрилигига имони комил бўлди. Ана шунга асосланиб Шерали Ғарбий Ўзбекистон шароитида барча конлар шу турга мансуб, деган катта илмий хулосага келди. Бу — «олтин ёриқларда бўлади» деган назария тарафдорларини тинч қўймасди, албатта. Қай куни Павел Иванович билан гаплашиб ўтириб, мавзу шу томонга қараб бурилди.

— Ҳўш, бўталоққинам, Аким Вадимович ҳали ишга киришгани йўқми? — деб сўради Павел Иванович. — Ахир улар энди хатоларига қирор бўлишлари керак-ку! — қўшиб қўйди ҳазиломуз оҳангда.

— Тўғри, давлат манфаати шуни тақозо этгач, нима ҳам қилардилар.

Павел Иванович кулди.

— Давлат манфаати дейсанми? Мукофотлару шон-шуҳ-

ратлар-чи? Олтин сенинг назариянг билан очилгач, улар нима олади? Шимилдириқинми? Ё улар осонгина қўлларини кўксиларига қўядилар деб ўйлаяпсанми? Бир билиб қўй: ҳаётда кучлини куч билан синдириш мушкул! Ожизни эса ҳамма ҳам жиповлай олади. Сен бу ёғини ҳам ҳисобга олиб, орқа-ўнгинини йиғиштириб тур.

Шерали ўйланиб қолди. Орадан кўп ўтмай Павел Ивановичнинг ҳақлигига амин бўла бошладди. Улар Шералининг кейинги экспедициясининг сурилишига бутун куч ва имкониятларини сафарбар этдилар. Эндиликда бу тўдага мансуб геологлар Шералининг илмий фарази ҳаётини ҳақиқатга айлантирганини кўргач, айрим амалий чораларни қўллашга киришдилар. Оғажон Даврибековнинг тўсатдан Геология институтига келиб қолиши ҳам шу амалий чоралардан бири эди. Оғажон Синтоб экспедициясидан қайтган йилиёқ кандидатлик диссертациясини ёқлади. Бошқармада кўп ишламади. Ҳозир у институтнинг литология лабораториясини бошқармоқда. Бу эса Шерали учун вазиятни бирмунча мушкуллаштирарди, албатта. Кейинги ойларда бўлимда ва партбюрода Шерали ҳар икки экспедицияси бўйича тўрт марта ҳисоб берди. Куни кеча эса «Геология юлдузи» яқин орада илмий кенгашда Марказий Қизилқумнинг маъданга бўлган истиқболини аниқлаш масаласи кўрилишини Шералининг қулогига шипшитиб қўйди. У чиройли бармоқларини юпқа лабларига босиб:

— Ҳеч кимга айта кўрманг, нақ балого қоламан, а, уқдингизми?— деди сирли шивирлаб.

Шерали ҳайрон бўлди. Павел Ивановичга айтган эди, у:

— Ҳечқиси йўқ, бу ҳақда қанча кўп гап эшитсанг, илмий ишинг шунча пишиқ бўлади, ҳадеб диққатинг ошавермасин, қариб қоласан,— деб кулди.— Сўнг қошларини чимириб:— Ҳа, айтгандай, эсимдан чиқаёзипти, узоқ олишувлардан сўнг ниҳоят ишингни планга киритишга муваффақ бўлдик.

— Раҳмат, Павел Иванович!

— Арзимамайди, арзимамайди, ҳамма нарсага раҳмат деявераркан-да, биз сенга раҳмат айтишимиз керак шундай муаммони ҳал қилиб бераётганинг учун. Докторлик диссертациянг темасининг номи узил-кесилмиди? Уни «Ғарбий Ўзбекистонда магматизм ва магмадан кейинги жараёнлар» деб ёздирдим.

— Ҳа, Павел Иванович, қай куни ўзингиз билан гаплашгандан кейин узил-кесил бўлди-ю!

— Ҳаҳ, эсим қурсин, қаричилик, бўталоғим, энди ақл деган нарса камаёяверадики, зигирча кўпаймайди, бунинг устига паришонхотирлик.— Павел Иванович йўрон бармоқлари билан столни чертиб туриб:— Қачон бўларкан илмий кенгаш?— деб сўради тўсатдан.

— Эртага соат учда.

— Тайёрмисан?

Шерали елка қисди.

— Қайдам, ҳисобот беравериб ёд бўлиб кетди шекилли, ўзингиз айтгандай.

Павел Иванович кулди.

— Биласанми, бўталоғим, ҳеч қачон ўзингга ишонма, ҳа. Яна бир китоб варақла, айрим муаммоларни қайта текшир. Денгиз жангида кемаларсиз галаба қилиб бўлмаганидек, ғоялар жангида китобсиз енгиб бўлмайди. Сенга ҳужум қиладилар. Сен эса ўзингни ҳимоя қил. Ҳақлигингни исботла, вассалом! Рақибинг сени умумий гап билан енгмоқчи бўлса, сен унга фикрингни далил келтириб асосла! Ҳамма ўз фикрини тўғри деб ўйлайди. Чунки унинг ўз асослари бор. Кўршапалакдан: «Нега кундузи ташқарига чиқмайсан?»— деб сўрашганда, у: «Мен нурли тунга ўрганганман, кундузнинг зулматига чидолмайман»,— деб жавоб берган экан. Баъзилар ўз нуқтаи назарларини кўршапалакдек асосламай айтаверадилар. Сен илгари сураётган ҳар бир фикрнинг назарий асоси бўлсин. Ана шунда қўлинг баланд келаверади.

— Раҳмат, Павел Иванович, албатта шундай қиламан.

Павел Иванович ўрнидан турди. Шералининг столи олдида туриб:

— Борақол бўлмаса, эртанги жангга ҳозирлан,— деди кулиб.

Шерали миннатдорчилик билдириб, ўрнидан турди. У кўчага чиққанда, баҳор шабадаси майин эсиб, уни бағрига олди. Бир сония бўлса-да, дунёнинг бутун ташвишларини унутиб, муюлишдаги акация дарахти остида туриб қолди. Сабогулни кўргиси келди шу топда. Кўзи асфальт йўл оша йўлканинг четида, девор тагида қип-қизариб турган ёлғиз лолақизгалдоққа қадалиб қолди. Қасалхонада ётганида, Сабогул бир даста гул кўтариб келганди. Лола эмас, тоғ гуллари эди. Хаёл уни яна Хорогга етаклади. У энди Сабогулнинг қиёфасини аниқ тасаввур этишга ҳам қийналди. Кўзларини юмди. Яна очиб, лолақизгалдоққа тикилди. Унинг барглари иккита катта кўзга айлангандай бўлди. Мийиғида кулиб, аста одимлаб кетди. Кўчани кесиб ўтди-да, трамвай бекати томон юрди.

## ТУҲҚИЗИНЧИ БОБ

Илмий кенгаш белгиланган вақтдан ярим соат ўтиб кетганига қарамай, ҳали бошланмаган эди. Олимлар безовталана бошлашди. Оғажон вазиятдан фойдаланди. Ўтирганларни тинчлантирмоқчи бўлгандай:

— Бошқармадан вакил келиши керак,— деди фахр билан.

Павел Иванович Шерали томон энгашиб, қулогига шивирлади:

— Ҳафиз Мирзамуҳамедович бошқармадан келган вакил-

нинг кенгашда қатнашишига рухсат бермаётганмиш. Вакил юқори ташкилотларга телефон қилаётган бўлса керак.

Шерали жилмайиб, бош чайқади-ю, дераза ёнидаги суяничиғи баланд сариқ диванга тақаб қўйилган каттакон қора курсида ўтирган Оғажонга кўз қирини ташлаб қўйди. У олдингисидан анча тўлишган. Тиззасидаги кулранг қоғоз папкани титкилаб, бир нима қидиряпти. Шерали: «Одамнинг ташқи қиёфасига қараб ичини билиб бўлмаскан-да, савлатини қарангу, қилиб юрган ишларини», дея кўнглидан ўтказди-ю, зимдан унга яна бир қараган эди, кўзлар тўқнашиб, Оғажон майин жилмайди. Бошини қимирлатиб саломлашди. Шерали ҳам бош қимирлатиб, Павел Ивановичга гапирмоқчи бўлиб бурилганда, эшикдан Ҳафиз Мирзамухамедович кириб келди. Унинг эғнида йўл-йўл оқиш кулранг костюм, бўйнида шунга монанд майда чизикли қизил галстук. Асабийроқ кўринадди. Унг қўли билан чакка сочларини тез-тез силаб қўярди. Қўлидаги папкани стол устига ташлаб, деразаларга қаради. Берк. Хона димроқ эди. Костюминини ечиб, орқасидаги стул суяничиғига илди-ю, ўтирганларга мурожаат қилди. Кенгаш кечникиб бошланаётгани учун уэр сўради. Сабабини айтмай, кенгашни очик деб эълон қилди.

Шерали Оғажонга кўз қирини ташлаб олди. У бир қимирлаб қўйди-ю, юзида ўзгариш сезилмади. Унинг кўзларидан сира маъно уқиб бўлмасди.

Яна Ҳафиз Мирзамухамедовичнинг овози ҳамманинг диққатини ўзига жалб этди.

— Уртоқлар, кун тартибига қўйилган масала битта: Марказий Қизилқумнинг маъданга бўлган истиқболини аниқлаш,— деди у одатича салмоқланиб. Ўтирганларга бир қараб олгач, сўзини давом эттирди:— Биз бу борада қилинган назарий ҳамда амалий ишларни баҳолаб, олдимизда турган вазифаларни белгилаб олишимиз керак. Чунки Марказий Қизилқумнинг олтинга бўлган истиқболи тўғрисида ҳануз икки хил муносабат бор. Бу масалага аниқлик киритиш зарур.

Олимлар бирин-кетин сўзга чиқишди. Кўпчилик Марказий Қизилқум истиқболи тўғрисида ижобий фикр билдиришган бўлса-да, айрим олимлар яна ўша эски даъво билан чиқиб:— Ўзбекистон ерларидаги бутун олтин запасларини ота-боболаримиз олиб бўлишган, бу масалага эътибор бериб куч, маблағ сарфлаш — фавқулодда муҳим тадқиқотларимизнинг ҳал этилишини сунъий равишда чўзиб юбориши мумкин,— деган мулоҳазани илгари суришди. Таниқли бир олим ҳатто чўрт кесиб: «Қизилқумда олтин бўлмаган, бўлиши ҳам мумкин эмас!»— деб хитоб қилди. Оғажон худди шундай қулай фурсатни пойлаб турганди. Навбатдаги нотиқ сўзини тугатиши билан қўл кўтарди. Ўтирганлар уни диққат билан кўздан кечиришди. Кўплар Оғажонни ҳали яхши танимас, баъзилар унинг ўзини ҳам кўрмаган эди.

Оғажон ўрнидан турди. Хонага фавқулодда жимлик чўкди. Оғажон кулранг галстугининг тугунчасини хиёл чапга суриб, йўталиб олди. Ўтирганларга қараб туриб, шошилмай, осойишталик билан сўзларини доналаб гапира бошлади:

— Мен,— деди у ўзига хос совуққонлик билан ҳар бир сўздан кейин нафас ростлаб,— олдинги нотиқнинг фикрига тамоман қўшиламан. Марказий Қизилқумнинг истиқболи ҳақида гапираётганлар нимага асосланиб шундай деяётганларини билмайману, аммо мен шахсий кузатувларимдан кейин чиқарган хулосамни ўртага ташламоқчиман.— Оғажон сўзини тўхтатиб, айтаётганлари ўтирганларга қандай таъсир этаётганини билиш учун қараб олди. Ҳамманинг диққат билан тинглаётганига имони комил бўлгач, фикрини лўнда қилиб айтди:— Марказий Қизилқум чўлларидан олтин излаш бефойда. У жойларда олтиндан мисқол ҳам йўқ. Истасангиз бу ҳақда тилхат ёзиб, қўл ҳам қўйиб беришим мумкин. Жуда кўп олимлар Марказий Қизилқум тўғрисида ёзишган. Аммо унда бу ердаги олтин ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирилмаган.

— Одамлар хато қилиши мумкин-ку, ахир!— Шерали чидаб туролмай зарда билан луқма ташлади.

Ёнида ўтирган Павел Иванович уни туртиб шивирлади:

— Оғирроқ бўлинг, олимсиз, газаб келтирган зарар, габазланган одамнинг ўзига қайтади.

Оғажоннинг кўзлари Шералига қадалди. У истеҳзо билан яна ҳам осойиштароқ гапини давом эттирди:

— Менимча, бундай жиддий масалаларни ҳал этишда қизишмаслик керак. Биз ҳамма нарсани ақл тарозисида ўлчаб, совуққонлик билан ҳал этмоғимиз даркор.— У жиддий ҳужумга шайланаётган эди. Нафас ростлади-ю, кўзларини ҳамон Шералидан узмай, чўрт кесиб, фикрини ўртага ташлади:— Хатога қарши энг яхши чора — янглишни бўйинга олиш.

— Мужмал гап бўлмасин, кимнинг хатоси устида гап бораётганини билайлик!— Қимдир луқма ташлади.

Оғажон бунга эътибор бермади. Гўё ҳеч ким гапирмади. У бевосита Шералига мурожаат қилди:

— Мен юқорида фикримни шахсий кузатувларимдан кейин чиқарган хулосаларимга асосланиб гапираётганимни айтдим шекилли Нима, бу ҳам камми сизга?

Хонада ғала-ғовур бошланиб, ҳамма бир-бирига қараб олди.

Павел Иванович Шерали яна бир нарса демасин деб унинг тиззасини қўли билан туртиб шипшиди:

— Сукут аҳмоқнинг саволига энг яхши жавоб.

Шералининг индамай қолганидан руҳланган Оғажон хонадагиларга виқор билан боқди. Сўнг зафар қучган шердак сўзини якунлади:

— Шулар асосида мен яна қайтариб айтишим мумкинки,

Марказий Қизилқумда олтин йўқ — У «қойил қилдимми» дегандек энди сира тап тортмай ҳаммага бир-бир қараб, жойига ўгирди.

Воқеаларнинг бундан кейинги жараёни қаёққа бурилишини сабрсизлик билан кутиб ўтирган олимлар раислик қилувчига зимдан қараб олишди. Қимдир йўтал аралаш: «Ё тавба!» деб пўнғиллади. Раислик қилувчи вазиятни кузатаётгандек ўтирганларга қараб турди-да, сўнг тўсатдан Оғажонга мурожаат этди:

— Жуда катта кетвормадингизми? — У заҳарханда билан илжайиб, истеҳзоли нигоҳини Оғажонга қаратди. Сўнгра тўсатдан: — Сўзловчилар борми? — дея ўтирганларга қаради.

Шерали қўл кўтариб, ўрнидан турди. У кўпчилик олдида сўзга чиққанда ўзини йўқотиб қўяр, фикрлари чалкашиб, айтадиган гапини ҳам тўла айтолмай, дудуқланиб қоларди. Ҳозир ўзини ўнглаб олиб, сўнг асосий фикрга ўтиш мақсадлида бўлса керак гапни узоқроқдан бошлади.

— Геология фани, — дея йўталиб қўйди у. Қанчалик ҳаракат қилмасин бари бир ҳаяжонини босолмасди: яна қайтарди. — Геология фани бошқа фанлар сингари, улар билан ёнма-ён туриб, ривожланиб борапти. Оддий геологик жараёнларни кузатиш ва улар асосида хулосалар чиқариш даври орқада қолиб бормоқда. Ҳозирги замон фани ашёвий далиллар асосида амалий ва назарий хулосалар чиқаришни талаб этапти. Чунки ашёвий далилларсиз айтилган фикр — маддоҳнинг валақлашидек гап.

Хонада жонланиш бошланди. Кўплар Оғажонга «қалайсан?» дегандек зимдан кўз югуртиб, сўнгра нигоҳларини яна Шералига қаратдилар.

Шерали ўзини анча босиб олган, овозидаги ҳаяжонланиш ўрнини ишонч эгаллаган эди.

— Бу ерда мендан олдин сўзга чиққан ҳамкасбимизнинг «Қизилқумда олтин йўқ» деган фикрига асло қўшилиб бўлмайди. Чунки у ўз фикрини далиллагани йўқ. Менимча, Марказий Қизилқум тоғлари олтин учун энг истиқболли жой. Шундай хулосага келишимга тарихий ва геологик ашёвий далиллар бор. Бухоро амирлигида ясалган олтин тангалар Испания, Венгрия ва Туркия бозорларида қадим замонларда алмашув хизматида ўтаб келганлиги кўпчиликка маълум. Моворауннаҳр — икки дарё оралиғидаги сирли жойлардан олтин қазиб олинганлиги ҳатто Пётр I га ҳам аён бўлган. Шунинг учун бўлса керак, у ўз вақтида ана шу олтинлар қадардан қазиб олинаётганини билиш учун ўзининг икки князини — Гагарин билан Бекович-Черкасскийларни турли даврларда икки дарё оралиғига юборган. Лекин бу князлар ҳам ана шу сирли олтин конлар жумбоғини еча олмаганлар.

— Бу афсонанинг ҳеч кимга кераги йўқ, менимча, биз

Қизилқумнинг бугунги аҳволи устида сўз юритяпмиз,— озоишталик билан луқма ташлади Оғажон.

— Қисқароқ қилинг,— деди раис.

— Бу афсона эмас, тарихий ҳақиқат, сиз билан биз учун эса ашёвий далил,— эътироз билдирди Шерали ҳам ўта озоишталик ва совуққонлик билан.

— Ундоқ бўлса бу тарихий афсоналарни яна давом эттира қолинг, олимлар ҳам зерикмай ўтиришади.— Оғажон яна луқма ташлади энди одатига ҳилоф тарзда қизишиброқ.

— Ҳа, давом эттирамиз,— деди Шерали ҳам қизишиб.— Кечирасиз,— деди раисга мурожаат қилиб.— Чунки бу далиллар бизнинг кўз ўнгимизда яшириниб ётган олтин конларини излаб топишда бирдан-бир асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Агар биз бундан ҳам илгариги тарих саҳифаларига мурожаат қилсак, қадимий юнон олими Геродот бундай деган: «Улар (икки дарё оралиғида яшовчи халқлар) темир ва қумушни сира ишлатмаганлар. Бироқ олтин ва мисга мўлдирлар». Эрамизнинг бешинчи-олтинчи асрларида яшаган Хитой олимларининг солномаларида ҳам Қан (Самарқанд) вилоятида ва ундан шарқроқдаги ерларда олтин бўлганлиги хабар қилинади.

— Бу гаплар ҳаммага аён, янгилик эмас-ку! Вақтга эътибор қилинсин!— зарда билан гап қотди Оғажондан олдин сўзга чиқиб, «Қизилқумда олтин йўқ», деган олим.

— Хўп, сиз бу гапларни ҳаммага аён, эски гаплар дедигиз. Ўзингиз илгари сураётган даъво янгими?— Шерали овоз чиққан томонга қараб гапирди.— Баъзи олимларнинг: «Ўзбекистонда олтин йўқ, умуман бу ерлардан металл сақловчи конларни излаш беҳуда», деб айюҳаннос солганларини ким билмайди дейсиз? Оқибат нима бўлди? Баъзи конларнинг топилиши чорак асрга кечикди. Сиз ҳам ўша эски, ҳеч ким томонидан асосланмаган сафсаталарни зўр бериб қайтариб, уни қўллаб-қувватлашга уринаясиз. Аммо айтиб қўяйки, бу уришингиз бефойда. Қизилқумда олтин конлари бўлиши мумкинлигини кўпгина етук геолог-олимлар тасдиқлашмоқда.

Энди яна Оғажон луқма ташлади:

— Бировлар ҳақидаги гапларни эшитавериб, қулоқларимиз толиқди, оғайни. Ўзингизда ҳам бу ҳақда ашёвий далиллар борми?

— Тўғри, мен ҳам осмондан юлдузни узиб, сизга тутқазмоқчи эмасман, албатта,— деди Шерали Оғажонга қараб.

— Ҳа, баракалла, ана шундан келинг, бунчалик экан, чираниб нима қилардингиз?— луқма ташлади орқада ўтирганлардан бири.

Шерали ўша ёққа қараб, сўзини давом эттирди:— Мен беш-олти йилдан буён олтин геологияси билан шуғулланиб келаман. Ғарбий Ўзбекистон тоғларида тадқиқот ишлари олиб бордим. Натижада бу ерларда олтиннинг кўпинча мар-

гимуш билан боғлиқ ҳолда бўлишини аниқладим. Бу менинг бир неча олтин конларини топишимга сабаб бўлди. Ўз-ўзидан кўриниб туриптики, Ғарбий Ўзбекистон, жумладан, Марказий Қизилқум тоғларининг олтинга бўлган истиқболи порлоқ. Бунга менинг ишончим комил. Бу ерларда олтин қидириш ишларини тўхтатиш эмас, аксинча, ривожлантириш керак.

Хонанинг ҳар ер-ҳар еридан: «Жуда тўғри гапирдингиз, Марказий Қизилқумнинг истиқболи баланд», «Биз у ердаги ишларни кенгайтиришимиз керак», деган овозлар эшитилди.

Шерали бунга эътибор ҳам бермай жойнга ўтирди. Павел Иванович «қотирдинг» дегандек унинг қўлини қисиб қўйди.

Шундан сўнг яна икки-уч киши гапирди. Улар асосан Шералини қўллаб-қувватлашса ҳам, бир чеккаси эҳтиёт бўлишликни, кейинги аттанг кор қилмаслигини уқтириб ўтишди.

Ҳафиз Мирзамуҳамедович ўрнидан турди. Унинг боя кенгашни очаётганидан чехраси анча ёришган, ҳатто кейинги нотиқларга луқма ташлаб, ҳазил-мутойиба ҳам қила бошлаган эди. У хонадагиларни бир-бир кўздан кечиргач:

— Бошқа талабгорлар йўқми?— у яна ўтирганларга тикилиб қолди. Ҳеч ким индамагач:— Бўлмаса, раисликдан фойдаланиб, рухсатинглар билан мен ҳам икки оғиз гапирсам.— Ҳафиз Мирзамуҳамедович ўйланиб қолди. Чехрасига хиёл табассум ёйилди.— Биз ўзимиздан олдинги ўтганларнинг дийдёсига қул бўлиб, қўл қовуштириб туришимиз табиатдан хайр-эҳсон тилагандек гап. Ваҳоланки бундай қилишга ҳақ-қимиз йўқ. Замон ўсяпти. Давр биздан катта тадқиқотлар олиб бориб, халқ хўжалигимизнинг равнақи учун беҳисоб хом ашё ресурслари топиб беришни талаб этяпти. Булар Марказий Қизилқумда, Чотқол—Қурама ва Нурота тизмаларида, бепоён республикамизнинг қаъридадир. Унинг калити эса биз геологларнинг қўлида.— У ўнг қўлига ишора қилиб, баланд кўтарди. Сўнг Шералига қараб гапира бошлади:— Шерали Алиевич, ўртоқлар, жуда катта иш қилди. Унга таънаю дашном қилмасдан, ҳаммамиз қўлимиздан келганча ёрдам берайлик. Шунинг унутмайликки, кашфиётни ёлғиз унинг ўзи эмас, институт коллективи очяпти. Бу фан учун зарур, яна қайтариб айтаман, хўжалигимиз учун ундан ҳам зарурроқ. Менимча, Ғарбий Ўзбекистонда, шу жумладан, Марказий Қизилқумда олтин қидириш ишлари мақсадга мувофиқ.

Ҳафиз Мирзамуҳамедович одатича кутилмаганда сўзини якунлади.

— Овозга қўяман. — У ҳаммага қараб: — Кимда-ким шу таклифга қўшилса қўл кўтарсин,— деди.

Хонага жимлик чўкди. Ҳар бир киши зимдан ёнида ўтирганга, сўнг атрофга қарарди. Биринчи бўлиб Павел Иванович қўл кўтарди. Унинг кетидан Шерали. Шундан сўнг Ҳафиз Мирзамуҳамедович қўл кўтарган эди, қолганлар ҳам гурр қўлларини кўтаришди.

— Ким қарши?— Ҳафиз Мирзамухамедович хонадагиларга мурожаат қилди.

— ...

Оғажон қўл кўтарди. Унга қараб орқадаги бир киши яна қўл кўтарди.

Ҳафиз Мирзамухамедович кулди.

— Сиз ҳозир тарафдорлар қаторида қўл кўтаргандизу!

— Мен янглишибман.

Ҳамма гував этиб кулиб юборди. Оғажон билинар-билинемас ўша томонга қаради-ю, кейин шошилмай қўлини туширди.

— Демак, сизлар бетарафсизлар, шундайми?— Ҳафиз Мирзамухамедович атайин орқада ўтирган кишига қараб гапирган эди, унинг ўрнига Оғажон жавоб берди:

— Ҳа, Ҳафиз Мирзамухамедович, мен материалларни яна бир кўздан кечирай.

— Ихтиёр ўзларингда!— Ҳафиз Мирзамухамедович унинг ёлғиз эмаслигини атайин таъкидлаб қўйгач, олимларга мурожаат қилди:

— Кенгашни олиб бориш тартиби ҳақида ҳеч кимда мулоҳаза йўқми?

Жойлардан «йўқ, йўқ» деган овозлар эшитилди. Ҳафиз Мирзамухамедович кенгашни ёпиқ деб эълон қилди.

#### УНИНЧИ БОБ

Кейинги ойларда Шералининг иши кўпайиб, уйга анча кеч қайтадиган бўлиб қолган эди. Аҳёнда вақтли келганида ҳам, уй эгалари — чол-кампи́рлар билан ортиқча сўзлашишга қўли тегмай, столи устидаги қалаштириб ташланган китобларни ўқиб, тунни тонгга уларди. Соат тўрт-бешларда бир чимдимгина ухлаб, яна лаборатория ёки кутубхонага чопарди. Чол бундан бошқа маъно чиқарди. Мана, неча кунки сурункасига ҳеч нарсадан ҳеч нарса кампи́рни ҳол-жонига қўймай қовурарди. Ниҳоят бугун ёрилди:

— Марг сандай заифага!

— Намунча манга тикилиб қолдиз? Арпаиззи хом ўрип қўюпмамми? Ё айб иш қилган бўсам, айтақолинг, ўлиб бўлдим у ниқташлариздан!

— Дарди бедаво қилдинг, домана қилдинг, э, овозингни ўчир! Ўзи отанг раҳматлик айтардила сани шанғи деб.

— Шанғи бўп нима қипман сизга?

— Лампамой дединг, кеч ётасан дединг, у дединг, бу дединг, хуллас, бинойидай уч-тўрт сўм бериб турган одамми айтатинг.

— Вой, шўрим, айнатиб нима қипман ман, кема, кеч кел, пул берма дебманми?

— Бўмаса нега авзойи бузук? Нега энди гап бошлаганда: «Кейин, кейин, отахон, вақт зиқ», деб бурилиб кетади?

— Бой бўлгур, ман қаяқдан билай, нега мендан сўрийверасиз?

— Қимдан сўрай бўмаса, сандан бўлак кимим бор, а?— Чол шу сўзларни зўрға айтди-ю, ўпкаси тўлиб, юзини бурди.

— Оббо, ўзизам хўп позик бўпсиз-да, дадаси, ҳаҳ, куйинаверманг, бир кунимиз ўтиб турипти-ку ахир.

— Сан шундай дейсану...

Чолнинг гапи оғзида қолди.

Кўча эшик ғийқиллаб очилиб Шерали кириб келди. Унинг бир қўлида газетага ўроғлиқ ҳусайни узум, иккинчи қўлида тўртта ёлган нон. Кампирнинг кўзига шу топда Шерали лайлатулқадрдан ҳам аъло кўринди. У чолнинг дашномларидан қутулди. Бунинг устига қўлида узум билан поизи кўрган чол тут дарахти шоҳлари орасидан тушиб турган бўйрадеккина офтобрўда табууреткада ўтирган еридан туриб, Шералига муурожаат қилди:

— Э, э, ўғлим, жуда овора бўпсизу, а? Нима кераги бор эди бу сарф-харажатнинг!

— Хўп келдиз-да, ўғлим, отангиз нақ мани еб қўйи деб ўтиргандила,— кампир кулиб Шералига чақди.

— Ие, ие, нима бўлди тагин?— Шерали чолга қараган эди, у кампирга хўмрайиб:

— Хотин кишининг гапига ишонасизми, ўғлим, буларнинг бурни бўмаса... хих-хих-хих!

— Ҳаҳ қуриб кетсин, бошқа гапиз йўқдек. Соғиниптила сиззи!

Шерали кулди.

— Ҳа, бундоқ денг. Иш кўп, отахон, тоққа чиққандим, ундан келиб, ҳисоб-китоб қилдик...

Шералининг гапи тугамай, чол кампирга ўшқирди:

— Ҳўв, намунча ивирсиб қолдинг, самоварга ўт ташладингми? Бундоқ супага жой қимайсанми? Ҳўв!

— Мана, ҳозир, чой «гатоп». Жойиниям боплаймиз-да.— Кампир чолнинг дашномидан қутулганига елиб-югурарди. Уйга кириб, четлари титилган кўк-қизил йўлли эски шолчани олиб чиқди. Уни супачага ёзди-ю, калишини апил-тапил оёғига илиб, кўрпачага қолди.

Шерали тўқ жигарранг сидирға костюмини ечиб, дорга ташлади. Чолнинг қистови билан супаннинг тўрига чиқиб ўтирди. Чол узатган пиёлани олиб, дастурхон четига қўйди. Нонни ушатиб, бир бўлагини ҳали оғзига солишга улгурмай, чол турмуш қийинчиликлари ҳақида нолий бошлади. Шералининг миқ этмай ўтирганини кўриб, асл муддаога ўтди:

— Кўча бошидаги Салимшумшукки биласиз-а?

Шерали қошларини чимириб, ўйланиб қолди. «Йўқ», дегандек бош чайқади.

— Ҳаҳ, нега билмасакансиз, биласиз, бақалоқ пакана семиз-чи? Бирда «Намунча пишиллайди», дегандиз.

— Ҳа, ҳа, ўшами Салимшумшук?

— Ўша-да!

Шерали: «Қулоғим сизда», дегандек чолга тикилиб қолди.

— Устидаги тўнни яғирига қараб бўмасди. Кунни кеча самоварга чиқсам, еп-енги қора сатин тўнда ўтирипти. Асил сатин акан, ялтиллади. Жонивор. Ҳа, морок бўсун, десам: «Ҳи-ҳи, қуллуқ, қуллуқ, қаранг, худо буюрса, беганаям ялчитавураркан, кавартирим оберди», дейди. «Ё қудратингдан»,— деб ёқа ушадим. Қаранг, эҳ, ҳимматингга балли, ўғил бола экансан, қандингни урвор, дедим нчимда. Ҳўв, чойинг совуди, бундоқ қараб турмайсанми?

Кампир чойни янгилаб келган эди:

— Кечаги гапни этвопман, Салимшумшук-чи?— деди чол.

— Ҳа, қаранг-а, худо ёлчитаман деса...

Шералининг очиқ чехраси тундлашди. Томоғини кимдир бўғаётгандай нафаси сиқилди. Қўлидаги нонни ҳам дастурхонга қўйиб:

— Хафа бўлманглар, силаргаям қиламиз, худо хоҳласа, қани понга қаранглар, узумдан олинглар,— деди Шерали чолкампири дастурхонга ундаб.

Чол бош чайқади.

— Э, дунё шу экан-да, болам, бировга ошиб-тошиб бераркан, бировви оғзидагини юлиб оларкан.

Эшикнинг тақиллагани Шералининг жонига ора кирди. Кампир апил-тапил кўз ёшини артиб, ўрнидан тураётиб: «Қим?»— деди синиқ овозда чўзиб.

— Шерали бормилар?

Шерали Қаримнинг овозини таниди. Сапчиб ўрнидан турди. Кампир учун жавоб берди:

— Борлар, борлар, қани, кираверсинлар.

Унгача ўзи икки ҳатлаб, дарвоза олдида борди. Дўстини қучоқлаб, ҳовлига бошлаб кирди.

— Бормисан? Бундоқ хабар олмайсан? Нима бало, ё хотин олгандан кейин кўчага чиқишгаям счётчик қўйиб қўядими?

Қарим кулди.

— Сира ҳазилингни қўймайсан-а? Ўттизга кияркан, бил-япсанми шуни?

— Билишимга сал бор ҳали. Қалай, чақалоқ нон сўрама-яптими? Узр, иш билан бўлиб табриклашгаям боролмадим. Хотинингга айтар, «оғайнилариинг мол акан», деб.

— Йўқ, хизматчилик, уям кўриб турипти-ю, ахир!

Улар супа олдида келишлари билан чол ўрнидан туриб, Қарим билан қўл бериб кўришди, ҳол-аҳвол сўрагач:

— Сила баҳузур ўтирингла, ман энди ёшларри орасига кияриб мушат қимай,— деди-ю, шолча олдидаги шиппагини кийиб, кетди.

Шерали нон синдириб Қаримга чой қўйиб бергач:

— Нима бўлгандаям бирров бориш керак эди-да, оғайни,— деди.

— Ке, қўй, бунақа майда-чуйда гапларни. Ишинг қалай? Шерали жилмайди.

— Уч-тўрт йиллик қилган ишининг ҳисоботиниям амаллаб ўтказсам катта гап,— деб хўрсиниб қўйди.

— Нима бўлди, маънос кўринмасан?

Шерали қизил духоба жилдли ёстиқни икки буклаб, тирсаги остига қўйди. Ёнбошлай туриб:

— Ҳамма нарсадан чарчадим, оғайни. Бу ёқда мана бунақа турмуш, бировнинг уйи, қош-қовоғига қара, мушугини «пишт» дема, ит ётиш, мирза туриш.

— Менга қара, ёш бола эмассан. Гапнинг пўскалласини айта қолай.— Карим қулай фурсат келганидан қувонди.— Битта бошинг иккита бўлмаса бу ташвишлардан қутулмайсан, оғайни. Биламан, санга қийин. Муҳаббат билан ўйнашиб бўлмайди. Аммо қўлингдан нима келади энди? Юрагингдаги одам билан иш битмади. Қачонгача юрасан?

Шерали бош чайқади. Ҳўв, бирдаги ҳолатга тушди. Ушандаям Карим шу ҳақда огиз очганда, хаёл уни минг ёққа судради. «Рост-да, қачонгача сўққабош бўлиб юраман, бўлди, уйланаман», деб ҳам ўйлади. Аммо бунинг уддасидан чиқолмади кейин ҳам. Хулқи, қилиқлари кўнглига ёққан биттаяримта қиз билан энди яқинлаша бошлаганда, Сабогулнинг қиёфаси кўз олдидан сира нари кетмай, жилмайиб турарди. Бутун ўйлаганлари Сабогулнинг кўз ўнгидаги сиймоси олдида чилпарчин бўларди. Ёнида кетаётган қизни ҳам унутиб, сеҳрлаб қўйилгандай, чурқ этмай қоларди. Ноқулай вазиятда қолган қизнинг хайрлашиб кетишдан бўлак чораси қолмасди. Ҳозирам Каримнинг гапларини эшитиб, кўнглида мойиллик пайдо бўлди-ю, аммо яна ўша заҳоти «Кўнгил султониман», деб турган Сабогул кўз олдида жонланди. Қудратли куч унга эътироз билдира бошлади. Шерали бошини кўтарди.

— Ке, қўй, Карим, бошқа нарсалардан гаплашайлик! Бир гап бўлар,— деди энтикиб. Дастурхон учини ўйнаб туриб:— Биттаси Омонми, яхши кўрганидан кўнгил узиб уйланган,— деб қўшиб қўйди.

— Нима қипти Омонга?— Карим чинақамига ҳужумга ўтди.— Бошдаям айтгандим унга, қўй ўша Зарифангни деб, мана, охири нима бўлди? Оғажон деганга илашиб юриб, ундан бир бола орттирди. Бугун ярашади, эртасига ажралади. Охири бўлмади шекилли, ажралишди. Яқинда у қолиб, бошқа такасалтангни топиб олипти. На ишининг тайини, на гапида тутуриқ бор, дейишади.

Шерали Каримнинг гапларини эшитиб, ўзини кулгидан тиёлмади.

— Хўп ажойибсан-да, Карим. Нима қилсин бечора яхши кўрсал!

— Ола, сеникиям ошиб тушди-ю! Ҳар икки ойда биттасини яхши кўраверса, у ёғи неча пулдан тушади? Бошда нега ўйламади? Омон ёмонмиди?

— Омон яхши-ю, аммо кўнгилга буюролмайдиди-да, шуни севақол деб, сенам қизиқ гапларни гапирасан.

— Сира қизиқ эмас. Ҳамайл, бу гапларни қўятурайлик, қани, ўзингдан келайлик. Қачон жавобини оламиз? Икки йилданан ошди шекилли гаплашганимизга, эсингдами?

Шерали боши билан тасдиқ ишорасини бериб, яна сукутга чўмди. Сабогулдан умид йўқ. Бу ёқда бунақа лўлиларникидек тайинсиз турмушга иложини топса бир кунга ҳам чидамасди. Шу қадар жонига тегди. Ҳозир шулар ҳақида ўйлаб туриб муайян қарорга келмай, Қарим масалани кўндалангига қўйди.

— Ҳеч бўлмаса кўриб қўй. Айтгандай, уни кўргансан. Эсингдами, конференциянинг иккинчи кунини мен турган уйга боргандик. Анча гаплашиб ўтирдиги ўшанда. Чиқиб кетаётиб: «Сухсурдеккина қиз акан»,— дегандиги, эсладингми энди?

— Яна бир ўн йилдан кейин сўрасанг бўларди! Ахир унда кўнгил ҳам бўш эди-да!

— Ҳозир-чи? Қани ўша кўнгилни банд қилиб турган одам. Ёки илоҳий севғими?

Шералининг яна бўшашганини кўрган Қарим темирни қизигида босди:— Эртага учрашасизлар. Қиз бизникига келиши керак. Энди айланторма гапни! Келасан!

Шерали Қаримнинг бу қатъий сўзларидан сўнг ҳам пачақилашиб ўтирмади.

— Бир гап бўлар, ахир,— деди-ю, бу масалага узил-кесил нуқта қўймоқчи бўлди.— Борсак бораверамиз-да, келинциям табриклаб, чақалоқнинг кўрманасини бериб келамиз.

— Ҳа, ана энди ўзингга келдинг, аммо ҳеч қанақа кўрман-пўрманга йўқ, ман билан сан замонавий одамлармиз.

— Ол-а, нима, замонавий одамлар ота-бобоси қилган яхши расм-русларни давом эттирса замонавийлиги ювилиб кетарканми?

— Ундоқ эмасу, ҳар ҳолда эскилик сарқитидан холи бўлиш яхши-да!

Шерали бошқа ҳеч нарсга демади. Қаримнинг расмиятчилиги, яшаш қонунларини эса фақат ўзи белгилаб, бошқа ҳеч нарсани бир пақирга олмаслигини яхши билганидан кулиб қўя қолди. Бу кулги замирида завқланишдан кўра Қаримга ачиниб ҳисси ётарди.

Қарим муддаосига, қисман бўлса-да, эришганига қувониб, ўрнидан турди. Кампирнинг: «Вой, болам, нозандай мошкичири қивопман, тайёр, мана ҳозир сузаман»,— деб қисташига-ям қарамай, миннатдорчилик билдириб, эшик томон юрди.

Шерали эртасига Қаримларникига бормади. Қарим яна икки марта келиб кетди. Шерали ўзини мажбур қилолмади. Учинчи марта келганда Қарим фавқулодда ҳолга дуч келди.

Чол янги уст-бошларини кийиб супада ўтирарди. Унинг кайфи чоғ. Ёнидаги ўттизлардан ошган елкадор киши билан очилиб-сочилиб гапиришиб ўтирарди. У Қаримни кўрди-ю, яқин қариндошини кўргандек сапчиб ўрнидан туриб, меҳмоннинг истиқболига чиқди.

— Хўп келдиз-да, ўғлим. Мана, паҳлавонимиз билан кўришиб қўйинг. Ўғлимиз келди, болам, ўғлимиз, худонинг иноятини қаранг, ўлган жойидан тирилтириб берди бизга уни.— Чол йиғлаб Қарим билан қучоқлашиб кўришди.

Қарим супада ўтирган кишига қаради. У ҳам Қаримга қараб юрди. Бақувват кафтларини Қаримга узата туриб:

— Азамат,— деб таништирди ўзини. Сўнг Қаримни кўрпа-чага таклиф этди.

Учалалари ўрнашиб олгач, чол узундан-узоқ фотиҳага қўл кўтарди. Унгача уйдан чиқиб келган Шерали ҳам уларнинг ёнига чўкди.

Кампир олиб келган чой ичилгач, Шерали Қаримни имлаб, уйга олиб кирди.

— Зап кеп қолдинг-да, сени қидириб кетаётгандим.

— Тинчликми?

— Азаматни уйлантиришмоқчи?

Қарим масала намадалигини тушунди.

— Шунгайм хафа бўласанми, уйнинг тайёру,— деб Шералига қараб кулди.

Шерали Қаримнинг кулгисига жавобан ноилож жилмайди-ю, аслида унинг ичидан қиринди ўтарди. Азаматнинг ғалабадан икки йил ўтгач келгани Шералини ўйлантириб қўйган эди. «Демак, Сабогулнинг эри ҳам келиши мумкин», деб кўнглидан ўтди. Уни бу фикр қаттиқ қийнар, иккинчи ёқдан яна дарбадар юришга тоб-тоқати йўқ эди.

— Намунча сукут қилавермасанг, айтдим, уйнинг тайёр деб.— Қарим Шералига қараб олгач, овозини пасайтириб:— Тўғрисини айтсам, қизнинг ота-онаси йўқ. Отаси урушнинг биринчи йили ҳалок бўлган, онаси қаттиқ хасталаниб, қирқ учинчи йилдаги қийинчиликларга чидамай қазо қилган. Бувис билан бобоси қўлида ўсган ҳалол-покиза, қўл-оёғи чаққонгина ўқиган қиз. Кампир сени ичкуёв қилмоқчи, қиз ҳам сенга мойил. Сени ўша кўргани эсида. Кейинчалик газетада чиққан хабарларни ўқигандан кейин бир-икки бувисига мақтапти. Бир ёғи хотинимнинг қариндоши — холасининг қизи. Гап шу, оғайни. Энди йўқ десанг, унда билганингдан қолма, бу ёқда ўзингниям аҳволинг мана бунақа бўп қопти.

Шералига бу гаплар таъсир қилди шекилли, хахолаб кулди.

— Ке, хуноб бўлаверма, эртага бораман. Бошқа иложим йўқ ўзи. Бир ёқдан эртага ишимам йўқ, якшанба.

Шерали бир нафас жим қолди. У Абдухолиқнинг ҳам келиб қолиши мумкинлигини айтмоқчи бўлди-ю, аммо индамай

қўя қолди. Бошини кўтариб Қаримга қаради.— Айт, қаёққа борай?

— Булар Юнусободда туришади, Шивилидаги боққа яқин жойда, ўша ёрга бора қолайлик?

Шерали елка қисди.

— Бўлаверади, ўзингга қулайми?

— Э, манга қулай бўлмасаям гўрга. Санга яхши бўлсин.

Икки дўст эртага соат тўртда учрашадиган бўлишиб, хайрлашишди.

\* \* \*

Шивилида антиқа ўрмон-боғ очилганмиш деган хабар бир неча кундаёқ Тошкентнинг тўрт даҳасига тарқалди. Ёзнинг жазирамасида ҳам бу ерда иқлим мўътадил бўлганидан, тез орада боғ тошкентликларнинг севимли сайргоҳига айланиб қолди.

Шерали диққинафас шаҳардан чеккароққа чиқиб, уч-тўрт соат бўлса ҳам яйраб келишни анчадан буён ўйларди-ю, ишдан қўли бўшамас, ҳафтада бир келадиган дам олиш кунини эса китоб варақлаб кеч қиларди. Шу важдан бўлса керак, у боққа тайинланган вақтдан икки соатча олдин келди. Ғир-ғир шабада эсиб турган майсазор устида ширин хаёлларга ғарқ бўлганча ухлаб қолди. Чамаси, бирор соатлардан сўнг уйғонди. Катта кўча чеккасидаги шилдираб оқаётган ариқчада юзқўлини ювди-ю, йўлга чиқди. Бу йўл Чимкентга олиб боради. Дамо-дам енгил ва юк машиналар унинг ёнидан ғизиллаб ўтиб, йўлдан кўтарилган чанг аралаш енгил шабада сочларини титкилаб, фазога кўтариларди. Асат ойи! Айни пишиқчилик. Кузовларига олма, узум солинган қутилар терилган ёки қовун-тарвуз ортган юк машиналари асосан Тошкентдан Қозоғистон томонга ўтарди. Шерали шу манзарани томоша қилиб турганида, ёнгинасига қўнғиздеккина бежирим тўқ кулранг «Москвич» келиб тўхтади. Шерали бурилган эди, машинанинг орқа эшиги очилди. Қарим тушиб, у билан кўришди-ю, кечирим сўрагандек бош чайқаб, шошилганча машинанинг олдинги эшигини бориб очди. Шерали дафъатан қарашга ийманди. Қизнинг қора амиркон туфли кийиб олган чиройли оёқларига кўзи тушди. Қиз эгнидаги йўл-йўл ҳаворанг кўйлагининг этагини қўли билан тузатиб, икки қадам қўйган эди, Қаримнинг овози эшитилди:

— Машҳур геолог Шерали Алиев шу киши бўладилар,— деди у кулиб, қўли билан Шерали томон ишора қилиб.

— Жудаям оширвордилар, унчаликмас,— деб бошини кўтарди.

Қаршисида ўрта бўйли, сочлари тимқора, қомати келишгангина жажжигина қиз жилмайиб турарди. У қимтиниб, қўлини узатди. Эшитилар-эшитилмас:

— Мунира,— дея узун-узон киприкларини пирпиратганча ерга қаради.

Шерали қизнинг юмшоқ қўлини кафти орасига олиб сиқаркан, юраги ғалати уриб, баданлари жимирлаб кетди. Қулт этиб ютинди.

— Танишганимдан ғоят хурсандман...— Безовталаниб нафас ростлаб олгач,— Мунираҳон,— деб қўшиб қўйди.

— Менимча, биз танишмиз. Эсингизда йўқми, бизларникига келгансиз,— деди Мунира аллақандай латофат билан Шералига ёнламасига қараб.

— Ҳа, Ҳа, эсимда.— Шерали азалдан қизлар билан дастлабки марта рўпара келганида, ҳаяжонланиб, айтадиган гапини ҳам йўқотиб қўядиган одати бўлганидан бошқа ҳеч нарса деёлмади. Шу читтаккина қиз олдида ҳам довдираб қолаётганига ичидан зил кетса-да, ўзини куч билан қўлга ололмади, ҳарчанд уринмасин, бефойда, тили танглайига ёпишмоқда эди.

Бу ноқулай вазиятдан уни Қарим қутқазди.

— Қани, юринглар, йўлда туриб қолдик,— деди-ю, машина рулида ўтирган йигитга «айлантираверинг, мен ҳозир келаман» маъносида имлади.

Мунира йўлнинг нарёғига ўтди. Боғ ичи салқин. Дарахтлар тагига қўйилган скамейкаларда одамлар суҳбатлашиб ўтиришарди.

Қарим чап томондаги кафега ишора қилиб:

— Муздеккина лимонад ичмаймизми? Ёки мороженоми, Мунираҳон?

Ҳаворангга бўялган пастак эшик олдида бориб қолган Мунира пошнасида енгил айланди.

— Қайдам, сиз-чи?— у Шералига зимдан қараб қўйди.

— Биз феодал эмасмиз. Бу масалани сиз ҳал этишингиз керак, ихтиёр ўзизда,— деди Шерали анча тетикланиб.

— Ҳооо, этмийман, морожни ёмон бўса, «ўзиз этгандиз», дейсиз-а?

Муниранинг бу карашмаси Шералининг юрагини қитиқлаб, чўғ солди.

— Емон бўлсаям, сиз айтганингиз учун еймиз,— деб айтишга айтди-ю, яна тортинчоқлиги тутиб, қулоқларигача қизарди.

Қарим буни сезди. «Шалпаймай ўл»,— деди ичида кулиб, ўзи уни хижолат қилмаслик учун ихчам стол ва оқ табуреткалар қўйилган жойга бориб тўхтади.

Мунира ёнгинасида пйёладак қизил атиргул очилиб турган столга тақаб қўйилган стуллардан бирини тортиб ўтирди. Узун-узон бармоқларини атайлаб кўз-кўз қилаётган каби стол устига қўйгач, Қаримга қаради.

— Мороженое бўла қолсин, Шерали акамларга, истасалар, лимонад,— деди.

«Овози ҳам жуда ёқимли-я!»— Ҳўлади ичида Шерали кулиб туриб Мунирага «рахмат!» дегандек бош ирғаб қўяркан.

Карим устига чой қошиқ қўйилган оқ тунука идишдаги мороженоени Муниранинг олдига қўйди-ю, қайтиб бориб Шералига бир шиша лимонад билан стакан олиб келиб берди. Сотивчига пул тўлагач, стол томонга қараб:

— Мен ҳозир,— деб чиқиб кетди.

Карим гапни-гапга улаб тургандай, у кетиши билан орага жимлик чўкди. Ҳозиргина бинойидек очилиб-сочилиб гапирётган Мунираям мороженоега кўз тикканча, чурқ этмай қолди. Шерали бир-икки томоқ қириб, лимонаддан ярим стаканча ичгач, нимадан гап бошлашни билмай.

— Ҳаво яхши-я, бу ерда?— деди Мунирага ўғринча қараб олиб.

— Ҳа, жуда яхши! Ўзи ёзда катта бинолар ҳовурига чидаб бўлмайди-да. Бу ер қандай яхши, муздак.

Яна жимлик. Шу пайт панжаранинг нарёғига қорамтир қуш келиб қўнди-ю, гап гапга уланди.

— Вуйй, ана уни чиройлилигини.— Мунира ўрнидан сапчиб турди. Панжарага яқинлашиб, оёғига ўтириб олиб, қора сочи ихчам турмакланган бошини эганча томоша қила бошлади.

— Қушларни шунақа яхши кўрасизми, Мунираҳон?

— Вой, жудаям, жону дилим! Тоққа чиқсам, нуқул қушларни пойлайман. Тоғларда бунақа қушлар кўп, а?

— Ҳа, жуда кўп, айниқса каклик, ёввойи каптар, тўрғай.

— Қандай яхши-я! Тўрғайни сираям кўрмаганман. Шунақа куй бор. Дуторда чалишади. Жудаям ёқимли.

— Тўрғай кичкинагина. Тўқ кулранг, сарғишроқ товланади. Чўлда қумлоқ жойда уни аранг ажратасиз. Бошида попқчасиям бўлади. Одамдан чўчимайди.

— Ана у қанақа қуш, Шерали ака?— Мунира келиб қўнган қорамтир қушни кўрсатди.

Шерали панжарадан анча нарига кетиб, алланарсани чўқилаётган мусичадан ихчамроқ, аммо тикроқ, тумшуғи узун қушга тикилиб:

— Бу Ҳиндистон қумрисига ўхшаяпти. Қаёқдан келиб қолпти, бу ерга? Дўрмон томонларда кўргандим.

— Ҳиндистон қумриси?!— Мунира Ҳиндистон сўзини эшитиб, ғоят таажжубланди, боя шунчаки қараган қушга энди алоҳида қизиқиш билан боқди уни хаёлан бошқа паррандаларга қиёслаб.

— Ҳа, Ҳиндистон қумриси. Жуда яхши қуш буям. Нима, табиатни жуда яхши кўрадиганга ўхшайсиз ўзизам, а?

Мунира Шералига қаради-ю, шу заҳоти кўзини олиб қочди.

Шерали Муниранинг бу қараши: «Наҳотки энди шу саволни берсангиз?» дегандек бўлиб туюлди. Нимагадир тортиниб, Шерали ҳам ерга қаради. Орага яна ноқулай жимлик чўкди. Ниҳоят Шерали:

— Бунақалигини олдинроқ билмабмиз-да, Сизни тоққа олиб қочардик?— деди-ю, Муниранинг кўзларига тик боқди. Унинг кўзлари қора, рухсорининг аллақаерида хол кўринди. Оққушларникидек узун бўйни қўлларига нисбатан оқроқ. Икки рухсори ловиллаб ёнарди.

Мунира ўзини эшитмаганга солди. Мороженоесидан бир қошигини оғзига солиб:

— Сувингизни ичмадийзу, илиб қолгандир?— деди гапни бошқа ёққа буриб.

Шерали сувдан стаканга қуйиб, Муниранинг иззати учун ҳўплади-ю:

— Бирпас айланмаймизми?— деди.

— Майли,— деди бўшашибгина Мунира тутундек ўрмалаб келаётган қора булутларга тикилиб.

— Табиатни яхши кўрадиган одам ҳаводан қўрқмаслиги керак,— дея кулди Шерали, Муниранинг кўкка қараб ўйланиб қолганига ишора қилиб.

Мунира ҳам кулди, енги калта кўйлагининг кўкрак чўнтагидан кичкинагина оқ дастрўмолини олиб, юпқа лабларини артди. Ўрнидан туриб, «бошланг» дегандек, Шералига қаради. Шерали бир-бирига чирмашиб, анча жойни эгаллаб турган икки чинор орасидаги ихчам асфальт йўлкага ишора қилди. Мунира йўлкага чиқиб, уч-тўрт қадам юрди-ю, бурилиб орқасига қаради. Унгача Шерали етиб олди.

— Болалар билан ишларкансиз, қийнаб юборса керак улар?

Шералининг хаёлига негадир Қаримнинг «Қиз боғчада ишлайди» деган гапи келиб, шу саволни берди.

— Сира. Болаларсиз туrolмайман. Дам олиш кунлари худди бир нарсамни йўқотиб қўйгандай қийналаман.

— Ишингизни севаркансиз, бу жуда яхши. Қани энди ҳам-маям ўзига топширилган ишни астойдил севиб қилса.

— Вой, ман ишимни жудаям яхши кўраман. Аммо аслида ўнинчини битирганимда САГУга кирмоқчи бўлгандим. Геология факультетига.— Мунира шундай деб Шералига кўз қири-ни ташлаб олди.

— Нега энди ўшанда кирмай кетдиз?— Шошилиб сўради Шерали.

— Кирмай кетганим йўқ. Бувим: «Қиз бола нарса уятмасми, эркаклар орасида битта ўзи шўппайиб тоққа чиқаверса, йўқ, йўқ, болам, сира қўймайман»,— деб хархаша қилиб, туриб олдилар.

Шерали кулди.

— Бувиз замонавий бувилардан эканлар-да, геологларнинг тоққа чиқишини билсалар.

Мунира ҳам қўшилиб кула туриб:

— Йўқ, жудаям унчаликмас. Қўшнимиз эр-хотин геолог эди. Экспедицияларга иккаласи кетаверарди. Бувим шуларни кўриб гапиргандилар,— деди, сўнг Шералига кесатгандай:

— Вой бошланди-ю,— деб кўкка қараган эди, ёмғир томчилари унинг пешонасига тушди.

Шерали индамай Мунирага қараб кулди, сўнг:

— Энди сизни табиятдан муҳофаза этамиз, қани, юринг, панароққа ўтайлик,— деб Муниранинг қўлидан олди.

Момақалди роқ гумбурлаб, дарахт барглари орасидан тушиб турган ёруғлик йўлини булутлар галаси тўсди. Атроф, айниқса дарахт остлари қоронғилашди. Мунира Шералининг қўлини қўйвормай, чопарди. Улар боя мерженое ейишган жойгача чопқиллаб келишди-да, сомсапазнинг тандири ўрна-тилган айвонча остида тўхташди. Мунира дарахтлар орасидан бир ёғи хиралаша бошлаган осмонга кўз югуртиб, қўлидаги ихчам соатига қаради. Соат мили беш яримни кўрсатарди. Момақалди роқ яна бир-икки гумбурлади. Кетидан яшин чақилди-ю, шаррос ёмғир қўйди. Орадан бир пиёла чой ичгудек фурсат ўтмай, ёмғир тиниб, яна чарақлаб офтоб чиқди. Йўлкалар шалаббо, аммо дарахт япроқларини худди биров битталаб ювиб чиққандай ярақлаб кетди.

Мунира Шералига қаради-ю, ботинолмади шекилли, остки лабини тишлаб, ерга қаради. Шерали буни сезди.

— Бир нарсa демоқчимидингиз, Мунирахоно?— деди Шерали.

— Вой, нарёққа қараб турибам кўрасиз-а?— деб шарақлаб кулиб юборди.

— Яқин одамнинг гапини маълум масофада туриб ҳам билса бўлаверади.— Шерали Мунирага қараб кулди-ю:— Кетсак бўларди, демоқчийдиз, шекилли, адашмадимми?— деди.

Мунира яна астойдил кулди.

— Худди ўйлаганима!

Шерали четроққа чиқиб, Мунирага йўл берди.

Мунира бошини эгганча, кўчагача ҳеч нарсa демай борди. Катта йўлга чиққач:

— Автобус қаерда тўхтаркин?— деди Шералига қараб.

— Автобус...— Шерали бекат тахтачасини кўзи билан ахтараётганида, ёнгинасидан ўтаётган енгил машинага кўзи тушиб, уни тўхтатди.

Шерали машинанинг орқа эшигини ечиб, Мунирани ўтказди. Ўзи ҳам ўрнашиб олгач, шофёрга «Сағбонга» деб қўйди. Машина ҳозиргина ёққан ёмғирдан ҳали қуримаган асфальт бўйлаб вишиллаб кетди.

Геология юлдузи Шерали ўтирган кабинетга тақиллатмасдан отилиб кирди-ю, лабини тишлаганча гапиролмай қолди. Шерали қўрқиб, ўрнидан турди.

— Тинчликми?

— Нима бўлди?

— Ҳафиз Мирзаа... муҳа... медович!— У шу сўзларнигина зўрга айтди-ю, кўзёшини тиёлмай чиқиб кетди.

Шерали югуриб қабулхонага кирди. Ҳафиз Мирзамуҳамедович кабинетининг эшиги очиқ, ўзи қўлини кўкрагига чамбарак қилиб, дераза олдида хомуш турипти. У Шералининг «Мумкинми?» деганига боши билан «киринг» ишорасини қилиб, гавдасини хиёл Шерали томон бурди. Шерали узун столнинг четида нафасини ютиб турарди.

— Сизга хунук хабар айтмоқчиман,— деди Ҳафиз Мирзамуҳамедович ўзини аранг босиб олиб, йиғламсираган овозда.

Шералининг юраги шувв этди-ю, негадир сесканиб кетди. Ҳафиз Мирзамуҳамедович шошилмай Шерали томон юрди. Тўсатдан тўхтади.

— Павел Ивановични бериб қўйдик!— У жиққа ёш кўзларига дастрўмолини босди.

Шералининг назарида оёғи остидаги полни биров атайин қимирлатгандек бир чайқалди. Икки қўли билан столнинг зихини маҳкам ушлаб қолди. Кўз олди қоронғилашди. Тирқираб чиққан кўзёшлари юзларини ювиб, кўкрагига тушди. У гўё ҳеч нарса эшитмагандай қимир этмай турарди. Ниҳоят, яна Ҳафиз Мирзамуҳамедовичнинг салобатли овози уни ўзига келтирди.

— Ўзингизни босинг, Шерали! Ҳаммамиз учун оғир мусибат бу. Аммо начора! Ўлим олдида ожизмиз!— У аста одимлаб, Шералига яна ҳам яқинроқ келди:— Сиз тезда боринг. Биз бу ерда жой тайёрлаб турамиз. Видолашув учун марҳумни кираверишда зина олдида қўямиз. Соат бирга етказиб келинг, иккида кўтарамиз.

Шу куни институтда иш бўлмади. Бу чинакам инсондан ажралиш, Ҳафиз Мирзамуҳамедович айтгандай, ҳамма учун оғир мусибат эди. Марҳумнинг жасади солинган тобут видолашув учун зина олдида қўйилганда, бир лаҳзагина шу қадар сукунат чўкдики, кираверишдаги эшик устига осиглиқ соатнинг чиқиллашини ҳамма аниқ эшитиб турди. Сўнгра оркестр юракни қиймалаб, мотам куйини чала бошлади. Унинг ҳар бир пардаси вужудларни зир титратарди. Фаҳрий навбатчиликка туриш гали Шералига етди. У устозининг оёқ томонида турди. Икки қўзи Павел Ивановичнинг худди тириклигидагидек очиқ чехрасида, қалбини мотам куйи тимдаларди. Нав-

батни бошқаларга бераётганда, у Павел Ивановичга яна бир тикилиб қаради. Павел Иванович унинг қулоғига: «Тетик бўл, бўталоққинам!»— деяётгандай бўлди. Юраги жиз этиб, бир чеккага чиқди...

Мотам куйи тинди. Марҳумнинг жасади солинган тобут ташқарига олиб чиқилди. Тумонат одам миқ этмай турарди. Кузнинг хазонрез шабадаси дарахтлардаги сарғиш барглари бандидан чирс-чирс узиб, оҳиста ерга қўндирарди. Мотам митингидан сўнг машиналар колоннаси қуриган барглари устидан аста юриб, Коммунистлар қабристони томон йўл олди.

\* \* \*

Орадан тўрт ойча ўтди. Бир куни кабинет эшиги тиқиллаб, геология юлдузи кирди. Унинг чеҳраси тунд, кўзлари маъюс, илгариги ҳазиллари йўқ. Павел Ивановични отасидай севарди. У хона ўртасида жиддий туриб: «Сизни Ҳафиз Мирзамухамедович йўқлаяптилар»,— деди-ю, шу заҳоти чиқиб кетди.

Ҳафиз Мирзамухамедович аллақандай қоғозларга имзо чекаётганди. Эшик очилиши билан ўрнидан турди. Хонанинг ўртароғида Шерали билан кўришиб, узун стол ёнидаги стуллардан бирига ўтқазгач, ўзи унинг рўпарасига ўтирди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, муддаога ўтди.

— Шерали Алиевич, мана, институтга келганимизга салкам беш йил бўляпти. Битта олимнинг қўлидан келиши анча мушкул ишларни уddалаб, ҳаммамизнинг ҳурмат-этиборимизни қозондингиз.

Шерали ўнғайсизланди. Ерга қаради.

Ҳафиз Мирзамухамедович рўпарасида одоб сақлаб турган Шералига қараб мамнун жилмайди. Қўлини энгагига тираб, гапини давом эттирди:

— Бундан буён ҳам яхши кўмакчи бўлишингизга имонимиз комил. Ўзингиз яхши биласиз, Павел Иванович ўзбек геологияси тараққиётига қўлидан келган ҳамма ишни қилди. Фанимиз равнақи учун куч-ғайратини аямади, сизга ўхшаган ўнлаб истиқболли шогирдлар етказди. Устозларни ўрнини шогирдлар олиши табиий ҳол. Бинобарин бўлимни сизга топширишга қарор қилдик.

Шерали бошини кўтариб, миннатдорчилик билдиргандек Ҳафиз Мирзамухамедовичга бир қаради-ю:

— Эплай олармикинман?— деди иккиланиб.

— Эплайсиз, Шерали, жуда ҳам камтарлик қилаверманг! Очган конларингиз фақат геология фани учунгина эмас, мамлакат экономикасини ривожлантиришда ҳам муҳим босқич бўлишига аминман. Бўлим ишларига бошчилик қилишни эса ана шу катта тадқиқотлариз билан боғлаб олиб бораверасиз.

— Ишончингиз учун раҳмат, Ҳафиз Мирзамуҳамедович, фан учун нимаики қилаётган бўлсак, ҳаммаси коллектив маҳсули. Мен эса шу коллективнинг бир кичик мурватиман, холос. Қўлдан келган хизматни бундан буён ҳам аямаймиз. Ишқилиб, ўзингиз ёрдам бериб турсангиз бас, Ҳафиз Мирзамуҳамедович.

— Раҳмат, Шерали, ўзимам шундай дейишингизни кутгандим.

— Ҳафиз Мирзамуҳамедович ўрнидан турди. Иш столидаги боя имзо чекаётган қоғозлардан бирини олиб келиб, Шералига тутди.

— Бу бўлимингизнинг тематик плани. Академиянинг геология бўлими тасдиғидан ҳам ўтди. Бу — уларнинг планига киради деган гап. Демак, ишингиз учун зарур маблағ, моддий база яратиб берилади. Бемалол ишлайверасиз. Фақат...— Ҳафиз Мирзамуҳамедович ниманидир ўйлаб қолди.— Бошқармадан берган ахборотингиз бўйича ҳеч нарса дейишмадими?— деди ниҳоят, Шералини бу масаладан хабардор қилиб қўйиш мақсадида.

— Йўқ, Ҳафиз Мирзамуҳамедович, нима эди?

— Битта-иккиталари тихирлик қилишаётганмиш.

Шерали ўйланиб қолди. Илмий кенгашдан кейин орадан бир ойча ўтган эди. Экспедицияларнинг якунига таянганча Ғарбий Ўзбекистоннинг олтин истиқболини ашъвий далиллар билан асослаб, у ерларда разведка ишларини олиб бориш мумкинлигини маълум қилиб, ахборотнома ёзган эди. Ахборот бошда бўлимда, сўнгга, илмий кенгашда муҳокама этилгач, геология бошқармасига юборилган эди. Аммо орадан икки-уч кун ўтгач, Оғажон ахборот бўйича билдирган эътирозлари қабул қилинмагани учун бу ҳақда бошқармага ёзма маълумот берганини айтганди. Шерали ипидан-игнасиғача ҳамма нарса асослаб берилган ахборотга эътирозга ўрин қолмаганига ишончи қатъий бўлгани учун бунга ортиқча эътибор бермай, «жуда яхши қипсиз», деб кулиб қўя қолган эди. У ҳозир бир кўнгли бу гапни Ҳафиз Мирзамуҳамедовичга айтмоқчи ҳам бўлди-ю, аммо иккиланиб қолди: «Бошқармадаги аҳволни Қутбиддин ака орқали билгандан кейин айтсам айтирман»,— деган қарорга келди.

— Нимани ўйлаяпсиз? Бунақа майда-чуйдаларга эътибор бераверманг, мен шунчаки огоҳ бўлиб қўйинг, деб айтдим-да! Ҳақ ҳамиша жойида қарор топади!

— Уни ўйлаётганим йўқ, Ҳафиз Мирзамуҳамедович, шундай зарур ишнинг сунъий равишда чўзилаётганига ҳайрон бўляпман.

— Бўп туради бунақа нарсалар, гоё учун курашишга тўғри келади. Ҳеч қандай янгилик тўсиқсиз, осонгина ҳаётга сингиб кетавермайди. Янгилик барқарор бўлиши учун эскилик

емирилиб, ўрнини унга бериши керак. Бу — диалектика қонуни. Ишингизга муваффақият, Шерали Алиевич!

Хафиз Мирзамухамедович ўрнидан туриб, Шералига қўл чўзди. Шерали миннатдорчилик билдириб, кабинетдан чиқди.

Ахборот тўғрисидаги гап унинг хаёлидан сира нари кетмай, аста-секин кўнглига ғашлик сола бошлади. У қилаётган ишини ҳам йиғиштириб қўйиб, ўйлади: «Нимасига ўчакишишдийкин?» У ахборотнинг асосий бандларини бир-бир хаёлидан кечирди. Ҳаммаси жойида. Илгари сурилган масалалар ҳисоб-китоблар билан кўрсатилган. «Нимаси уларни шубҳалантирдийкин?» Яна диққати ошди Шералининг. Аммо қанчалик ўйламасин, ахборотнинг бирон ерида чалкашликка йўл қўйганини эслай олмади. Ниҳоят, телефон трубкасини кўтарди. Бошқарма номерини терди.

— Алло! Бошқармами? Менга ўртоқ Билолов керак эдилар? Бундай киши бизда ишламайди? Мумкин эмас.— Шерали бир нарсани эслагандай, шошилиб: «Алло, алло»,— деб трубкани ташламаганига ишонч ҳосил этгач:— Биёбоний, Қутбиддин ака!— деди кулиб.— Раҳмат!— Орадан бир минутча ўтгач:— Салом, Қутбиддин ака, сал бўлмаса сиззи бошқармада ишламайдигига чиқаришарди. Нима дедиз? Ҳа, ҳа, шунақа экан, «Биёбоний» дегандан кейин танишди. Қалай, ишлар жойидами? Э, шундайми? Бемалол, сиз келасизу, вақт топмаймизми? Йўқ, кутаман. Ие, нечук йўқлаб қоптилар! Хўп, хўп бўлади.

Шерали трубкани илиб, яна сукутга кетди: «Мени чақиртиришиб нима қиларди энди?» У столи устидаги қоғозларни титкилай бошлади. Энди қоғозлар орасидан гоҳ Оғажон, гоҳ Гуреев кўриниб, уни калака қилишаётгандек бўлиб туюлди назарида. Қоғозларни жаҳл билан тортмасига солаётганда, эшик очилиб, Қутбиддин кириб келди.

— Э, ассалом алайкум, Қутбиддин ака, бормисиз! Соғлиқлар жойидами? Қаранг, бу дейман иш билан бўлиб, одамгарчиликланам чиқиб кетяпмиз, шекилли.

— Ҳечқиси йўқ, оғайни, хизматчиликда гина йўқ.

— Шундоқ дейсизу, ҳеч бўлмаса касални кўришга вақт топиш керак-да.

Шерали шу билан Қутбиддин ўн беш кунча касалхонада ётганида боролмаганига узр сўрагандек бўлди.

— Мана, отдай бўп кетдик,— деди Қутбиддин қўл силтаб, Шералига «парво қилма» дегандай.

— Қай куни Викторни кўрувдим, шунақа деб қолди, қачон чиқадилар, десам, эртага деди. Сизларга ишга ўтипти шекилли уям.

— Ҳа, шунақа, Виктор бизга келди, университетдаги Бокизода академиянинг геология бўлимига референт бўлиб кетди. Ишлар беш, оғайни!

— Майли, беш бўлаверсин. Фақат бизнинг ишлар сира беш бўлмаяпти-да.

— Бўлади, оғайни! Сизники бешга чиққунча пишиб, қайтиб тушмайдиган бўлади.

— Айтганингиз келсин. Жуда тўлишиб қолибсизми?

— Ҳа, энди ёш бир ёққа бораверган сари қоринам тўғонга хас-чўп тикилгандай дамланавераркан, оғайни.

— Қани, ечининг, гап билан бўлиб, ўтирингам демапман.

— Раҳмат!

Қутбиддин пальтосини ечиб, эшик олдидаги ёғоч илгичга осди-ю, чўнтагига қўл солди.

— Энди, оғайни, биззи маъзур тутасиз, битта тортмасак, сиззи кўргандай бўмаймиз.

— Бемалол, Қутбиддин ака.

Қутбиддин чўнтагидан тутундан қорамтир тусга кирган трубкани олди. Энди тамаки жойлаётганди, Шерали кулди.

— Ие, буниси янгилик-ку! Қуллуқ бўлсин, қачондан буён?

— Доҳийлар тамакини фақат трубкада тортишади, деган эди биттаси, ўша куниеқ ўйлаб кўрдим: нега энди мен газетага ўраб чекишим керак?

Бирпас кулишди. Қутбиддин Шералига зимдан қараб олгач, жилмайди.

— Ўзларидаям янгиликнинг зўри бор экан, бундоқ айтмайсизам.

— Хўш, нима янгилик экан у?

— Тортинмай айтаверсинлар.

Шерали кулди.

— Ҳа, энди кўплашиб бўйинга тўрвани илишяпти.

— Жуда соз-да! «Бошни иккита қилмай, бирни икки қилиб бўлмайди», деган экан бурунчилар. Бу гап кони ҳикмат, оғайни, тўй қачон?

— Бўп қолар, мана, ўзларингиз кўплашиб ўтказиб бера-сизлар.

— Жуда ўтказамиз-да, тўй бўлаверсин-чи?

— Раҳмат, Қутбиддин ака! Бошқармада ишлар қалай?— Шерали мавзуни тезроқ ўзига керакли томонга бурмоқчи бўлди.

— Бошқармада тинчлик.— Қутбиддин Шералининг бу саволни бежиз бермаётганини сизди. «Кимдир айтипти-да», кўнглидан ўтказди.— Эшитдингизми, дейман?

— Ҳа, Ҳафиз Мирзамухамедович айтдилар, ўзимам сиздан батафсилроқ билай деб телефон қилувдим.

— Энди, оғайни, гапнинг қисқаси, улар разведка ишлари олиб боришни тўхтатишга ҳаракат қилишяпти. Гуреевнинг тутган йўли шу. Ахборотни эътиборсиз қабул қилса, демак, изма-из разведка ишларини бошлаб юбориши керак. Бу — уларнинг ўз тили билан: «Биз хато қилган эканмиз, олтинни ёриқлардан излаш номаъқул экан», дегани бўлади. Бу эса

ўзига чиқарилган ҳукмномани маъқуллашдек гап. Вазиятнинг мушкуллигини тушунапсизми?

— Тушуниб турибман. Аммо давлат манфаати-чи?— У бирда марҳум Павел Ивановичга берган саволини қайтарди.

Қутбиддин кулди.— Бизнинг баъзи одамларимиздаги бош иллат ҳам шунда-да, дўстим. Ўз чўнтагига тушадиган бир сўмни давлатнинг минглаб сўмидан афзал билади.

— Ҳа, бу нуқсон бор баъзиларда.— Шерали дераза тоқча-сидаги кулдонга маъюс тикилиб, ўйланиб қолди.

— Нуқсон эмиш! Иллат бу, ҳа, иллат!— Қутбиддин тамакисини жаҳл билан тортиб, оғиз-бурнини тўлдириб тутун чиқаргач:— Нуқсон эмиш,— деб бош чайқади яна.— Ман сизга дилимдагини айтсам борми,— тутақиб кетди у,— бир дафтарга сифдиролмайсиз. Давлат фаннинг равнақи учун биз олиб бораётган тажриба-ю, разведка ишларига сарфлаётган пулнинг ҳисобига етиб бўлмайди. Хўш, биз лоақал қилинган харажатни қоплаямизми?— Қутбиддин ўрнидан турди. Унинг тўмтоқ қўли билинар-билинимас қалтирар, жағ мушаклари жимжилоқдай бўртиб лўқиллаётганди. Гугурт қақиб трубкадаги тамакини ўт олдиргач, кўрсаткич ва ўрта бармоқларини керди-да, орасига бош бармоғини суқиб: «Манал!»— деб кўрсатди Шералига. Дераза олдида бориб, паға-паға ёға бошлаган қорга қараб туриб, сўзини давом эттирди:— Синтобга бордингиз. Қапчиғайга етмасдан ўнг қўлдаги штольняга кўзингиз тушдими?— Бурилиб савол назари билан қаради Шералига.— Шералидан тасдиқ жавобини олгач:— Хўш, сизнингча, уни ким қазиган? Нимага қазиган?— деб савол берди-ю, жавобини ҳам кутмай фикрини давом эттирди.— Ким қазигани тайин, аммо нимага қазиганини бу ишни бошлаган одамнинг ўзи ҳам билмайди. Хўш, давлатнинг неча миллион сўми кўкка совурилди? Айтинг-чи, шунинг бирор минг сўми айбдорлардан ундириб олинди-ми?— Қутбиддин яна уч бармоқ комбинациясини қайтарди.— Мана ёриқлардан олтин қидираётганларнинг тутган йўллари! Ҳисоб-китобигача тахт қилиб: «Олтин мана шу ерда!» деб берган сизнинг илмий хулосангизни эса ўзларини шарманда қилмаслик учун йўққа чиқармоқчи бўладилар, атрофларига: «Олим бўлиш шарт эмас, кандидат бўлиш шарт», деб фанга тасодифан кирган битта-иккита омийни тўплаб, ўзлари тўқиган ваз-қарсонларни ўшаларга ёдлатиб, сайратадилар.— Шералига тикилиб:— Шунинг отини сиз ҳали нуқсон деб ўтирибсизми?— Қутбиддин «суф сизга» дегаддай бош чайқади-ю, бундан атиги бир ойдан сал олдинроқ Павел Иванович ўтирган стулга бориб ўзини гашлади.— Қўйинг, тилимми қичитманг, илон пўстини ташласаям, феълини ташламайди, боя айтдим, гапларимни ёзсангиз битта дафтарга сифдиролмайсиз деб, тўппа-тўғриси шу!

— Илдизига болта уриш керак бу иллатти!

Қутбиддин бошини сарак-сарак қилиб, чуқур хўрсиниб қўйди.

— Ўша кўтарган болтангиз ўзингизнинг бошингизга тушишям ҳеч гап эмас,— деди истеҳзо билан Шералининг соддалигини таъкидлаш учун.

Шерали дераза токчасидаги кулдонга қараб, ўйланиб қолди: бир вақтлар Павел Иванович худди шу стулда ўтириб, токчадаги кулдонни кўрсатган, Ньютоннинг таъсир ва акс таъсир қонунини гапириб берганди. Шералининг боши эгилди.

— Чўчиб қолдингиз-а?— Қутбиддин жилмайди. Унинг жағ мушаклари анча осойишталаниб қолганди.

Шерали индамади.

— Булар амал қўлимда деб, уни суистеъмол қилишади, бояги сайроқи омиёларигаям, креслони кўрсатиб, хомтама кип қўйишади.— Қутбиддин фикрини яқунлагандай ўрнидан турди. Дераза олдига бориб, трубкасига яна тамаки жойлади. Гугурт чақиб, тутатгач:— Хўш, энди сизнинг ахборотингизга келсак,— деб сўзини давом эттирди у,— мен боя айтдим, ўзингизни чақириб, у ёқ-бу ёғингизни пайпаслаб кўришади. Бунини фронтчасига «разведка перед боем» дейишади. Хуллас, мана шунақа гаплар, оғайни!

Шерали бош чайқади. Қутбиддин катак-катак қора пальтосини олиб елкасига ташларкан:— Менга рухсат энди, анча ўтириб қолдим. Тағин уйдагилардан балога қолмай, сизам уйланадиган одам, шунақа нозик томонларини билиб қўйсангиз ёмон бўлмасди,— деб кулиб хайрлашди.

Шерали уни кузатмоқчи бўлиб, эшик томон юрган эди:

— Унақаси кетмайди, оғайни, камтарлик — инсоннинг зебзийнати,— деб Шералига эътироз билдирди, сўнг эшик тутқичига қўл узатди.

Шерали унинг кетидан ҳавас билан тикилиб қолди. «Ўша-ўша Қутбиддин ака, сира ўзгармайди»,— дея кўнглидан ўтказди. Бурилиб, иш столи олдига келиб ўтирмоқчи бўлган эди, юрагига сиғмади. Қўл силтаб, илгич олдига борди. Пальтосини олиб, бир енгига энди қўл чўзганда, телефон жиринглади.

— Ало! Ҳа, мен, ўзиз тинчмисиз, Мунираҳон! Хайрият. Ҳа, ҳа, ёмонмас. Биласизу, хизматчилик. Йўқ, йўқ, бизам жуда соғинганмиз. Ҳа, жоним билан. Қачон?— У соатига қаради.— Жуда бўлади-да. Соат еттига. Хўп, яхши, кутаман, йўқ, йўқ, хайрлашмаймиз.

Шерали трубкани қўйди. Худди шуни кутаётгандек чеҳраси бир қадар ёришди. Пальтосини кийди. Чироқни ўчирди-ю, ташқарига отилди. Булутли ва рутубатли осмонга қаради. Қор ёмғирга ўтипти, майдалаб ыйвалапти. Мунира билан институт биноси олдида кўришадиган бўлишди. Уям ишдан келяпти. Шерали эшик олдида туриб қолди.

Ҳавонинг қовоғи ҳали-вери очиладиганга ўхшамайди. Катта кўчадан келиб, бурилган машина фарасидан тушган ёруғликдан Шералининг кўзи қамашди. У зинадан секин одимлаб, пастга тушди. Асфальт йўлканинг четроғига ўтиб, йўлга тикилиб қолди. Симёғочда хира ёнаётган чироқнинг ёғдусини ҳўл асфальт гўё кўрдим демай, ямлаб ташлаётганди. Кўча бўмбўш. Мунира билан институт олдида учрашадиган бўлганда, Шерали уни ҳамиша шу ерда кутиб турарди. Узоқдан тақиллаган пошна овози эшитилди. Шерали бурилиб қаради. Мунирага ўхшамайди. Шу кунларда у хийла тўлишган. Кейинги учрашувда Шерали тўй ҳақида оғиз очган эди, Мунира бошини буриб, ерга қараб турди-ю, ниҳоят жуда паст овозда самимият билан:

— Қайдам, бувим билан гаплашсак яхши бўлармиди,— деди ийманибгина.

Шерали Каримни совчиликка юборса, кампир кулиб:

— Эркак совчини умрим бино бўлиб, энди кўришим. Яхшиис, куёвтураниям бошлаб кевур, болам, «културник» қип гаплаша қоламиз,— депти.

Эртаси куни биргалашиб боришди. Чинданам жуда дилкаш, ҳазилкаш, бир гапириб, ўн куладиган кампир экан. Шералига биринчи куниеқ жуда маъқул бўлди. Ош-нондан кейин чой устида кампир гапни лўнда қилди.

— Тўйини қанақа қилишни ўзлариз биласизла, болам, замонга қараб тўн бичвуринглар. Аммо-лекигин мани битта орзуйим ичимда қоп кетмасин, десайла, тўйни Саккизинчи Март — хотин-қизлар озодлиги кунига ўтказасила. Чолим тушмагур қанча ялинсамам озодлигимиз куниди мани сираям кўчага опчиқмаганла. Бошқа гапим йўқ,— деб фотиҳага қўл кўтарди.

Карим билан Шерали кампирнинг шўтқаралигига кула-кула кетишди ўшанда. Кампирнинг айтган кунигача роппа-роса тўрт ҳафта қопти. Шерали унча-мунча топганини Каримнинг хотинига берди. Куёв томондан тўйбоши ўша. Ресторани гаплашишни Карим бўйнига олган...

— Куттириб қўймадимми?— Муниранинг ёқимли овози Шералини ўзига келтирди. Улар катта кўчани кесиб ўтишиб, пионерлар саройи рўпарасидаги «Ёш гвардия» кинотеатри томон йўл олишди.

## УН ИККИНЧИ БОБ

— Вадим Акимович, азизим, наҳотки менга ишонмасангиз...

Вадим Акимовичнинг энсаси қотди. Оғажоннинг сўзини бўлди.

— Сиз ўзингизни ўзингиз қийнаяпсиз, дўстим! Гап сизга ишонишим ёки ишонмаслигим устида бораётгани йўқ бу ерда.— Гуреев асабини босиш учун дераза олдида бориб, ташқарига қараб қолди. Сўнг қўли орқасида у ёқдан-бу ёққа юриб, сўзини давом эттирди:— Тушунсангиз-чи, ҳозир ҳаммамизни жиддий ўйлантириб қўйган нарса — мана бу ахборот.— Стол устидаги папкага кўрсаткич бармоғини бигиз қилди-ю, шу заҳоти гўё у портлаб кетадигандай яна дераза олдида борди.— Ахборот бу ерга етиб келмаслиги керак эди, мана гап қаёқда!— Гуреев Оғажон ўтирган стулга яқинлашди.— Энди тушунгандирсиз йўл қўйган хатойингизни?— Гуреев креслога келиб ўтиргач, «Жавоб бер!» дегандек ҳамиша ялтиллаб турувчи кичкина кўзларини унга қадади.

Оғажон ўйланиб қолди. Унинг катта-катта чиройли кўзлари ҳеч қандай маъно уқтирмаса-да, аёлларникидек бармоқларини бир-бирига ишқалаши муносиб жавоб қидириб, безовта ланаётганидан далолат берарди. Яна бир он шу ҳолатини ўзгартмай турди. Ниҳоят, муҳим важ топгандек жонланиб қолди.

— Сиз Ҳафиз Мирзамухамедовичнинг у томондалигини ҳисобга олмаяпсиз шекилли, Вадим Акимович,— деди у тўпни ўз дарвозасидан моҳирлик билан қайтарган ҳимоячидек.

Аммо бу гап Гуреевни баттар тутақтирди. У Оғажонга: «Э, гап уқмас галварс», дегандек бир ўқрайиб қўйди-ю, қаттиқ хужумга ўтди.

— Илмий баҳсда лавозимнинг аҳамияти йўқ, азизим! Нуқтаи назарлар жанги дейди уни. Ҳар ким ўз фикрини моҳирлик билан ўтказишга ҳаракат қилади. Бунинг йўллари эса кўп. Сиз худди ана шунинг уддасидан чиқолмагансиз.

— Вадим Акимович!..

— Бўлди. Сафсата сотишга фурсат йўқ!— Соатига қаради.— Соат ўн икки.

Гуреев қўнғироқ тугмачасини босди. Эшикни ҳошиясига товус пати қадалган шляпали ўрта яшар аёл очиб, Гуреевга тикилиб қолди.

— Алиев деган одам келдими?

— Ҳа, ҳозир келиб, киришга ижозат сўраётган эди.

— Айтинг, кирсин!

Шерали кирди. Гуреев узоқ муддат кўришмаган кадрдонини кутиб олаётган одамдек ўрнидан туриб, кабинет ўртасига келди. Қўл бериб кўришгач, столи қаршисидаги креслога ишора қилди.

— Хуш кўрдик, Шерали Алиевич, қани, марҳамат, ўзимиз таклиф этмасак, биз томонларга келай демаясиз, ахир сиз соғинмасангиз ҳам сизларни жуда соғиниб турамыз.

Шерали бундай такаллуфларни ортиқча хуш кўрмайди. Фаши келиб чимирилди. Гуреевнинг саволларига расмий учунгина жавоб берди-ю, ўзига кўрсатилган креслога ўтирди.

Оғажонга қараб: «Яхшимисиз?» деб бош ирғади. Сўнгра Гуреевга мурожаат қилди:

— Йўқлаган экансиз, Вадим Акимович!

— Аввало мана бу гоят катта илмий ишингиз билан табрикламоқчи эдик, қолаверса, шу атрофдаги баъзи гапларни ҳам келишиб, орани очиқ қилсак, иш бошлаганда, қийналиб юрмасмикинмиз дедик-да!

— Жуда соз-да, бемалол, тайёرمىз жавоб беришга.

Гуреев силлиқ юзига сохта табассум югуртди.

— Шерали Алиевич, наҳотки бизни терговчи курсисида кўришни истасангиз, азизим, ахир касбдошлармиз, бир-биримизни тушунишимиз керак.

Гуреевнинг бу тактик усули ҳам Шералига кор қилмади. У, «вақтни бекорга ўтказмай, тезроқ асосий муддаога ўтайлик», дегандай Вадим Акимовичга маъноли қараб:

— Қулоғим сизда,— деди илтифотсизгина, расмий оҳангда.

Вадим Акимович Оғажонга кўз қирини ташлаб, ноилож асосий мақсадга ўтишга мажбур бўлди.

— Бизнинг мулоҳазаларимиздан айримлари билан хабардор экансиз,— Гуреев мулойимлик билан гап бошлади.— Мана, Оғажон Даврибековнинг айтишича,— у Оғажонга «сан индамай тур» маъносида кўз қисди,— Марказий Қизилқумнинг маъданга бўлган истиқболи масаласи илмий кенгашларингизда ҳам анчагина тўсиққа учрапти. Кўплар қарши чиқишти.

Шералининг зардаси қайнади.

— Икки киши,— деди у ва Оғажонга қараб қўйди.

— Фараз этайлик, сиз айтганча бўлсин,— ўз одатига ҳилоф равишда, ўта осойишталик билан сўзини давом эттирди Гуреев.— Ўша икки киши ҳам фикр айтган-ку, ахир!

— Мен икки киши фикр айтди, деганим йўқ, икки киши қарши чиқди деяпман!

— Хўш, қарши чиққанининг ўзи фикр билдиргани эмасми?

— Мен бировнинг фикрига қарши чиқмоқчи бўлсам, далиллар билан исботлаб, сўнг ўз фикримни илгари суришим керак, шундайми?— Шерали ҳеч нарса тушунмаяпман дегандек Гуреевга қаради.

Гуреев ҳаяжонлана бошлади. Ўзини босиш учун қаламни стол устидаги ойнага чертиб турди бирпас. Сўнг мувозанатни сақлашга ҳаракат қилиб жавоб қайтарди:

— Азизим, қарши чиққан одамларнинг фикрини ўзингиз ҳам биласиз, келинг, яхшиси, бекинмачоқ ўйнамайлик. Олтин ёриқларда. Модомики шундай экан, гранитлар атрофида олтин қидиришнинг нима кераги бор?

Шерали қизишиб, луқма ташлади.

— Қани... Қани... ўша сиз айтган ёриқлардаги олтин?

— Ҳамма гап ана шунда, азизим! Уни қидириб топишимиз керак.

— Сизнингча, бутун Ўрта Осиёдаги ёриқларни бир бошдан қазиб чиқиш керакми?

— Нега энди бутун Ўрта Осиёни бўларкан. Ўз еримиз ҳам етарли. Яхшиси, келинг, кучларни бирлаштирайлик, бақамти иш олиб борайлик! Олтин ёнбошимизда: Ўрта Осиёни кезиб нима қиламиз.

— Мен худди шу олтинлар тўғрисида ахборот бердимиз сизга!

— Азизим, наҳотки ҳануз битта ҳақиқатни тушунмасангиз, сиз айтётган конлардаги олтинларни ота-боболарингиз мисқолигача олиб бўлишган.

— Эски хониш.

— Йўқ, азизим, Москвадаги йирик геолог-олимларнинг кейинги хонишларини тингламаганга ўхшайсиз бўлмаса!

— Москвадаги йирик геолог-олимларнинг адашмасликка қафолатномаси бор деб айтдимиз сизга биров?

Масала чуқурлашиб бораётганини кузатиб турган Оғажон гапга аралашди:

— Дўстим, назаримда, қизишяпсиз! Бундай масалаларни қизишмай, теран ақл ва совуққонлик билан ҳал этмоқ даркор. У ёғини суриштирсангиз, сиз илгари сураётган назарий масалаларда ҳам қарама-қаршиликлар бор.

— Чунончи?— Шерали яна қизишиб, кўзларини жаҳл билан Оғажонга қадади.

— Чунончи дейсизми?..— Оғажон қошларини чимириб, пешонасини силаб туриб ўйланиб олди-да, хотиржамлик билан сўзини давом эттирди:— Чунончи, сизнингча, магма ён жинслардан олган моддаларни ўз эритмалари ва моддалари билан қўшиб, руда конлари ҳосил этади. Хўш, магманинг ён жинсларга таъсири-чи? Наҳотки сиз буни инкор этсангиз? Умуман, бу фикрлар айтилган, мана, ҳозир сизга шундай мўътабар киши кучларни бирлаштириб, бақамти иш олиб борайлик, деяптилар. Одам деган гапга ҳам кўнишни керак-да, ахир!

Шерали бирдан тутақди, ўрнидан туриб, Оғажонга мурожаат қилди.

— Сиз қайси ҳуқуқ билан мenden гапингизга қулоқ солишни талаб этияпсиз? Бунинг учун сизда менинг олдимда обрў ва эътиқод бўлиши керак. Мен эса бу фазилатларни сизда кўрмайпман. Сиз мансабпараст. Мансаб ва юксак мукофотларнигина ўйловчи сохта олимсиз!

— Мен сизнинг бу ҳақоратингизни тек қўймайман, коммунистсиз, партия ташкилоти олдида жавоб берасиз.

— Сизга бу гапларни мени кечиринг деб айтганим йўқ, Оғажон Даврибекович, осмон қўлингизда бўлса, ташлаб юборинг... Хайр, Вадим Акимович!

Шерали шундай деди-ю, хонадан чиқиб кетди.

Гуреев ўрнидан турди. Дераза олдига бориб, сочини бармоқлари орасига олиб титкилай бошлади. Асабини босолмай:

— Галварс,— деди ўзича, сўнг Оғажонга юзланди.— Сиз ҳам ялпайиб ўтирмай, ҳаракатингизни қилинг. Қачондир шундай бўлиши аниқ эди ўзи. Энди ғафлатда қолманг. Тезда бориб, боя айтган тадбирингизни амалга оширинг! Боринг, фурсатни қўлдан бой бермай, темирни қизигида босинг.

Оғажон шошилиб ўрнидан турди. Эшик тутқичига қўл узатган эди, Гуреев уни тўхтатди.

— Айтгандай,— Оғажонга яқинлашиб, овозини пастлатди.— Сиз Исмоиловни танийсизми? Институтда ишлайди, лаборатория мудири.

Оғажон қошларини чимириб, ўйланиб олди. Ниҳоят:

— Ҳа, ҳа, Исмоилов... Оти... Мирзо. Ҳа, Мирзо Исмоилов, ғилоф бандасини эслатадиган киши.

— Биз учун бунинг аҳамияти йўқ: ғилоф бандасими, худо бандасими, уни ўз бандамиз қилишимиз керак, уқдингизми? Бу одамнинг божаси академияда дурустроқ лавозимда ишлайди, деб эшитаман.

— Фикрингизни тушундим, Вадим Акимович, ҳамма нарсани айтганингиздай бажо келтираман.

Гуреев бурнига қўндирган пенснесини олиб, дастрўмоли билан пешонасига тепчиб чиққан тер резаларини артди. Сўнг-ра Оғажонга яна бир нарса демоқчи бўлиб чоғланди-ю, негадир қўл силтади. «Кетавер», дегандай бош ирғади. Оғажон кабинетдан чиққач, стол устидаги ахборотни пастки тортмаларидан бирига тиқиб қулфлади-ю, ўрнидан турди. Хонанинг у ёғидан-бу ёғига юрди. Бир нарсани эслагандай, соатига қараб олгач, шошилиб чиқиб кетди.

\* \* \*

Навбатдаги нохуш хабар Шералини жиддий ўйлантириб қўйди. Академияда Шералининг ишини пландан ўчириб ташлашти.

Шерали хонасини қулфлади-ю, директор қабулхонасига чопди. Геология юлдузига мурожаат ҳам қилмай, кабинет эшигини тортди. Берк. Ҳайрон бўлиб, секретарь қизга қараган эди, у маънос кўзларини деразадан узмай:

— Ҳафиз Мирзамухамедовични боя касалхонага олиб кетишди,— деди синиқ овозда.

— Нечук? Эрталаб соппа-соғ эдилар-ку!

— Ҳа, эрталаб соппа-соғ эдилар, ҳатто ишга келганларида, худди сизнинг ўрнингизда туриб, Эшбой Норбоевичга: «Чолга ўхшайсизлар-а? Бундоқ мендан ўртак олсаларинг бўл-

майдими? Қаранг, борган сари ёшаряпман, спорт билан шуғулланиш керак, оғайни!»— деб ҳазил ҳам қилгандилар. Бирор соат ўтдими-йўқми ичкаридан «тарақ» этган овоз эшитилди. Юрагим ҳовлиқиб, югуриб кирсам, ўзларидан кетиб йиқилиптилар. «Тез ёрдам» чақирдик. Стационарга олиб бориб ётқиздик. Бўлган гап шу.— Яна деразага тикилиб қолди.

Шерали қабулхонадан чиқиб, рўпарадаги эшикка кирди. Директор ўринбосари аллақандай қоғозларга қўл қўяётган экан. Ишини у тугатишини ҳам кутмай, тўсатдан томдан тараша тушгандай:

— Академияда ишимни пландан ўчириб ташлашипти,— деб унга тикилиб қолди умид билан Шерали.

Директор ўринбосари елка қисди, яна бир-икки қоғозга қўл қўйгач, бошини кўтарди.

— Хабарим йўқ, Шерали Алиевич, мовриди келса, суриштирармиз,— деб қўя қолди қуруққина қилиб.

Шералини бу билан тинчитиб бўлмасди, албатта. «Мавриди келса» эмас, ҳозир, шу бугун, йўқ шу соатнинг ўзида узил-кесил ҳал қилмоқ даркор бу масалани. Тўппа-тўғри академияга бориш керак, бирдан-бир тўғри йўл шу. У ёғи нима бўлишини кўрамиз! Шерали кўнглидан шуни ўтказди-ю, кўчага отилди. У академияга боряпти-ю, хаёлида минг бир фикр: қабул қилишармикин? Бугун қабул кунимас, дейишса-чи? Нега директор ё жуда бўлмаса ўринбосарга мурожаат қилмасдан, тўппа-тўғри бизга келдингиз? Сиз бораверинг, суриштирармиз... Ариза ёзиб қолдиринг...

Шерали бу фикрларнинг ҳар бирига яна ўзича алоҳида-алоҳида жавоб ҳозирлар, аммо буларнинг бари ўзи тўқиётган тахминлигини билгани учун юраги ҳовлиқиб, қадамини тезлатарди. Ниҳоят етиб келди. Ҳозир Шерали назарида бундан зарурроқ, бундан обрўлироқ идора йўқдай эди. Эшикни эҳтиётлик билан очиб, ичкарига кирди. Бурчакка қўйилган эски стол ортида ўтирган навбатчи чол савол берди:

— Сизга ким керак эди?

Шерали ўйлиниб қолди. Бирдан Боқизодани эслади.

— Латиф Боқизода!

— Ҳа, иккинчи қават, чапда.

— Раҳмат!

Шерали зинадан кўтариляпти-ю, оёқлари чалишиб, зўрға судралар, зиналарнинг эса кети кўринмасди. Мана, у чап томондаги эшикка ҳам етди. Нафасини ростлаб, костюмининг у ёқ-бу ёғини тузата туриб, пальтосиз, бошяланг келганини сезди. Қўл силтаб, эшикни очди.

— Мумкинми?

— Э, ўртоқ Алиев, келинг, қани, ўтиринг, яхшимисиз, соғлиқлар дурустми? Ишлар жойидами?

Боқизода бераётган саволлардан биронтаси унинг қулоғи-

га кирмас, хаёли ҳозирги вазиятда қандай йўл тутиш режасини тузиш билан банд эди. Ниҳоят Боқизоданинг иккинчи марта қилган мурожаатидан ўзига келди-ю, стол олдидаги стул четига омонатгина ўтирди.

— Хўш, хўш, келсинлар, қандай шамол учирди биз томонларга?

— Ўзим, сизни бир кўрай деб келгандим.

— Жуда соз, жуда соз,— Боқизода кўзойнагини пешонасига кўтариб қўйиб, Шералига тикилди.— Институтда ҳамма ишлар жойидами?

Шерали мақсадга ўтди.

— Мени ишим негадир пландан тушиб қолипти. Шунга келгандим,— деди тоқатсизланиб.

Боқизода таажжублангандай бош чайқади-ю, кўзойнагини жойига тушириб, ўнг тортмасидан бир даста қоғоз олди. Улардан баъзиларини кўздан кечира бошлади. Бу қоғозлар орасида мўлжалидаги нарсани тополмади шекилли, дераза ёнидаги ойнабанд сариқ шкафни очди. Турган жойида қоғоз папкалардан айримларини титкилади. У ердан ҳам ҳеч нарса тополмагач, жойига келиб ўтирди-ю:

— Сиз бу гапни қачон эшиттиз?— деди.

— Ҳозир.

Боқизода ўйланиб, кун санай бошлади. Сўнгра ўта хотиржамлик билан Шералига юзланди.

— Планнинг ман кўрган вариантларидан биронтасида сизнинг ишингизни учратолмадим. Мен кўрмаган дастлабки вариант мудирнинг қўлида. Аммо у киши командировкадалар. Икки ҳафталардан кейин хабар оларсиз.

Шералининг бошидан биров совуқ сув қуйгандай бўлди. Бир қайнаб келди-ю, яна ўзини босди. Тўсатдан хаёлига келган фикрни Боқизодага айтди.

— Балки илмий секретарга мурожаат қилиш керакдир?

Боқизода Шералидан бу саволни кутмаганиданми ёки иззат-нафсига тегибми, ишқилиб ғалати бўлиб, секин томоқ қирди-ю, кўзойнагини пешонасига кўтарди.

— Мен сизга айтсам, иним,— дея сўзларининг ҳар бирига алоҳида урғу бериб, гапира бошлади.— Умуман, сизни мен ҳам қабул қилишим мумкин эмас. Директорингиз, жуда бўлмаганда у кишининг ёрдамчилари келиши керак эди. Аммо... мен... биласиз, сизга нисбатан бўлган муносабатимни, энди у ёғини ўзингиз биласиз, укам!

Шерали йўл қўйган хатосини тузатишга ҳаракат қилди.

— Мен балки илмий секретарга сиз орқали мурожаат қилсакмикин, деяпман.

Боқизода тадбир ишлаётган одам каби ўйланиб туриб, муҳим бир гап айтадигандай шивирлади:

— Менга ариза ёзиб қолдиринг, керак вақтда сизни чақираман.

Шерали ҳимоясиз қолган боладек гарангсиб қолди. Ариза ўз оёғи билан поғоналаб боргунча оламжаҳон вақт ўтади. Унгача темаларга маблағ ажратиш поёнига етади. «Нима қилиш керак?» Шерали шу саволни хаёлидан ўтказиб, ҳали бир қарорга келмай:

— Мана қоғоз, ҳув ана у столга ўтиб, ёза қолинг, — деб бир варақ қоғоз билан ручка узатди Боқизода.

Шерали шоша-пиша аризани ёзиб берди-ю, хайрлашиб, коридорга чиқди. Илмий секретарь қабулхонасига ўтди. Илмий секретарь касал, бирон ҳафтасиз ишга чиқмаслигини айтишди. Ноилож институтга қайтди. Кейинги бир ярим ҳафта тўй тараддудиди ўтди. Ўзи истагани тақдирда ҳам Шерали бу масалада бирор натижага эришуви қийин, чунки ҳамма кўчаларнинг боши берк эди.

\* \* \*

Дарахтлар куртак отиб, анча бўртиб қолган бўлса-да, ҳаво рутубатли. Ҳали ернинг заҳри кўтарилгани йўқ. Ҳовлисидаги ойнабанд айвонда ўтирган Оғажон майдалаб ёғаётган ёмғирдан кўз узмай, кетма-кет папирос тутатмоқда. Кейинги ҳафталарда Шералининг илмий ишига қайси йўл билан бўлмасин ғов солиш борасида кўрилган тadbирлар анча самарали ўтаётганига қарамай, Оғажоннинг юраги негадир ғаш. У баъзан Шералининг олтин бобидаги кашфиётига қўйилаётган тўғаноқ халқ хўжалиги учун зарур олтин запасларини эл кўзидан пинҳон тутиш билан баробар эканлигини ҳис этганда, тиззалари қалтираб, бутун вужуди зир титрарди. Уйқусиз тунлар уни анчадан буён қийнади. Бироқ бу маънисиз тортишувни бас этиш керак, деган ўй хаёлидан ўтганда эса қалбини чулғаб олган ҳирс ғалаён қилиб, беҳисоб мукофотлар, шон-шухрат, олимлик обрў-эътибори-ю, тинимсиз олқишларни кўз-кўз этиб, уни домига тортарди. Қай бири афзал? Оғажон бу савол олдида лол қоларди. «Йўқ, — деди ниҳоят у ичида, — ҳаёт — кураш. Олтин — ёриқларда. Бу ғояни ҳаммамиз учун мўътабар Вадим Акимович илгари сурди. Бу ғоя тарафдорлари ҳам кам эмас. Мен, Боқизода, бошқармадаги асосий кучлар... Эҳ-ҳе... Қанчадан-қанча нуфузли одамлар. Бунинг устига ёриқларда олтин бўлмаса ҳам бошқа конлар очилган...» Оғажонни яна ширин орзулар чулғади. У ўзини гоҳ очган конларини сайр этиб юрган ҳолда, гоҳ мукофотлару шон-шухратлардан сўнг келган саноксиз телеграммаларни ўқиётган ҳолда тасаввур этиб, азбаройи ийиб кетганидан мийиғида кулиб, ўрнидан туриб кетди. Бироқ ёмғирдан ивиб қорайиб қолган дарахт таналарига қараб, яна юраги ғашланди. Шерали билан ўртасида бўлиб ўтган ўша очиқ тўқнашувдан кейин орадан салкам бир ой ўтди. Партия ташкилотига берилган ариза Шералининг тақдирини узил-кесил ҳал қилади, у ишдан ҳайдалмаса ҳам, партиявий йўл билан жазоланади, бу

эса Шералининг обрў-эътиборигагина таъсир этиб қолмай, ўзини ҳам анча бўшаштириб, шахтидан қайтариб қўяди, деб ўйлаган эди Оғажон. Ишлар у айтганчалик натижа бермади. Партбюро Оғажоннинг аризасини тафтиш этиш юзасидан комиссия тузди. Комиссия аъзоларининг олимона суръати, сира шошилмай иш тутиши ҳали-вери аниқ хулосага олиб бормаслиги аниқ эди. Шунинг учун Оғажон Гуреевнинг таъна-тазарруларидан кейин айрим амалий чораларни кўришга мажбур бўлди.

Латиф Боқизода билан Мирзо Исмоиловнинг Оғажонникига кириб келиши ҳам шу билан боғлиқ эди.

— Э, кесинлар, Латиф ака, хуш кўрдик, хуш кўрдик. Қани, бу ёққа.— Оғажон Боқизодани столнинг тўрига ўтқизиб қўйгач, Мирзо Исмоиловга юзланди.— Қани, қани, ўзлари ҳам пиримизнинг ёнларига ўта қолсинлар.

— Э, азизим, ўзларидан, сиздан юқорилашсак бўлмас.— Мирзо Исмоилов одатича ён-верига қараб олгач, чийиллаб гапирди.

— Баҳузур, баҳузур, мен у-бу олиб тураман. Шу ер қулай,— дея Оғажон эшикка яқинроқ стулга ўтирди-ю, Латиф Боқизода томон энгашиб, шивирлади:— Ўзларига от ёгининг жуда антиқасини олиб қўйганмиз, қиттак-қиттак оламиз-да, қаршилиқ бўлмаса.

Оғажон коньякнинг олий навини шундай деб аташини Латиф Боқизода биларди. Бир эмас, неча марталаб шакарғуфторлик қилиб ўтириб, Оғажоннинг «от ёғидан» татигани учун ҳозирги таклифдан мамнун жилмайди.

— Одамнинг дилидагини топасиз-да, Оғажон! Ишқилиб биз кексаларнинг дилини топсангиз кам бўлмайсиз.— Латиф Боқизода Мирзо Исмоиловга кўз қисиб, кулиб қўйди.

Латиф Боқизода ўта эҳтиёткор одам бўлгани учун Мирзо Исмоиловга мулоим муомала-ю, хушомадни ўрнига қўйиб туриш зарур деб қарор қилди. Чунки у Мирзо Исмоиловни яқиндан билмайди. Синамаган отни сиртидан ўтма, деганларидек, бошда уни синчиклаб кўздан кечираётган, қитиқ пати-ни излаётган эди. Аслида эса Вадим Акимовичнинг бу борадаги топшириғи бўлмаганда, Боқизодадек эътиборли олим шу жимжилоқдай лаборатория мудири билан ичишиб ўтирармиди?!

— Мен сизга айтсам, Мирзо Исмоилович,— Боқизода Исмоиловнинг елкасига қўлини ташлади.— Оғажондек олжаноб одамни ҳали рўйи замин кўргани йўқ. Бу киши ҳамин қадар забардаст ва мўътабар. Келинг, дўстим, шу азим одамнинг саломатликлари учун битта оппоқ сипқарайлик.

Мирзо Исмоилов озгининг таноби қочиб, қўлидаги рюмкани Оғажон билан уриштирди.

Оғажон бақалоқ шишадаги коньякдан тўртинчи марта рюмкаларга қуя туриб:

— Ўзингизам таърифуга тавсифга суякларни йўқ пирсиз-да, қойил,— деди-ю, қўлидаги қадаҳни Боқизодага узатди.

— Энди, иним, бу дунёнинг тақозоси шуки, яхшиларни қадрламоқ даркор.

— Раҳмат, азизим, бу юксак баҳо учун.— Оғажон қошларини чимириб ўйланди, сўнг жиддий туриб:— Ишлар бўляптими?— деб савол назари билан Боқизодага тикилиб қолди.

— «Ми»сини олиб ташланг, иним Оғажон. Модомики Вадим Акимович айтган эканлар — бу биз учун қонун. Ҳозиргача бу мўътабар зотнинг айтганлари икки бўлган эмас. Каминанинг юраги тепиб турар экан, Алиевнинг иши биронта планга яқинлашмайди-ям, маблағ ҳам ажратилмайди.— Боқизода кўкрагига уриб қўйди.

— Офарин, яна офарин, Латиф ака, сиз у ёқдан, биз институтдан,— Оғажон Мирзо Исмоиловга маъноли қараб олди,— чора-тадбир кўриб турсак, ҳамма иш ўзингиз айтгандай, мўътабар Вадим Акимович чизган чизиқдан кетаверади.

— Албатта, Оғажон Даврибекович, албатта!— чийиллади Мирзо Исмоилов.— Биз комиссияга янги материаллар ҳам топиб бердик.— Исмоилов Боқизодага гурурланиб боқиб, кулиб қўйди.

— Қандай материал экан у, билсак бўладими?— Боқизода Исмоилов томон энгашди, қулоғини яқинроқ тутди.

Мирзо Исмоилов бир-икки томоқ қиргач:

— Беш-олти йил илгари университетнинг ғоят ишчан ва ақлли бир лаборантини Бурчмуллада ўласи қилиб тутиб олиб урган экан,— деди сирли оҳангда.

— Топдингизми ўша одамни?

— Ие, топишам гапми, олдига қоғоз-қалам қўйиб ёздирибам олдим!— Оғажоннинг саволига унинг тумшуғи тагига бориб жавоб берди Исмоилов.

— Э, ўлманг, бу ишингиз қойил, ширгуручга мой бўпти. Сизнинг хўб тадбиркор одамлигингизни, илмга жон тиккан фидойилардан эканлигингизни орқаворатдан кўп эшитардим, мана бундоқ бақамти ўтириб, ўз қулоғим билан эшитмаган эдим. Офарин, Оғажон иним айтгандай, яна офарин.— Боқизода Исмоиловнинг елкасига қоқиб қўйди.

Оғажон хаёлидаги бояги гумонлар тарқаб, мамнун илжайди. Ёнидагиларга фахр билан қараб қўйиб, шишага қўл чўзди.

— Қани, дўстлар, бу гапга биттадан, оппоқ олмасак увол!

Оғажон рюмкани стол устига қўя туриб, Боқизодага юзланди.

— Сиз эътиборли одамсиз, Латиф ака, комиссиянинг баъзи аъзоларига ҳам таъсир кўрсатишнинг иложи бўлмасмикан?

Боқизода кулди.

— Ёшсиз-да, иним, ёшсиз! — Бошини сарак-сарак қилиб, кўзини юмди. — Ахир бунақа гапларни айтиб бўладими! Хих-хих-хих! Ёшсиз дедиму. — У олдида турган бўш рюмкани секин Оғажон томон суриб, айёрона кўзларини макр билан унга тикди...

Оғажон меҳмонларни кузатиб, ҳали айвонга ҳам киришга улгурмай, деворга осиглиқ телефон жиринглади.

— Эшитаман! Э, салом, Вадим Акимович, соғлиқлар дурустми? Раҳмат, раҳмат! Йўқ, йўқ, ҳаммаси жойида, ҳозир кетишди. Келишганимиздек, ҳар иккаласини таклиф этган эдим. Хушхабар дейсизми? Жуда бор-да. Ҳа, ҳа, ҳаммасини айтаман. Ҳозир дейсизми? Жоним билан, елдай учаман. Ҳа... айтгандай, ана ундан... «от ёғидан» олайми? Битта антиқасидан, Раҳмат! Бўлди! Мана, кетдим!

У трубкани илди-ю, уйга кириб кийинди. Сервантдаги бақалоқ шишадан биттасини қўлтиғига қистириб, кўчага чиққанида, ёмғир анча тезлашган, йўл чеккаларидаги ариқларга шариллаб оқаётган эди.

\* \* \*

Шерали партия мажлисидан чиқиб, энди кетмоқчи бўлиб турганида, унинг кабинетига Ҳафиз Мирзамуҳамедовичнинг ўзи кириб келди. Қўлида папирос. У асаби қаттиқ кўзғаганидагина чекарди. Шералининг рўпарасига келиб, елкасига қўл ташлади. Унинг папирос тутиб турган бармоқлари титрарди.

— Хафа бўлманг, Шерали. Энг муҳими, руҳингизни туширманг. Тош ҳамиша мевали дарахтга қараб отилади. Райком вакили ҳам сизга берилган жазога қарши. «Райкомдагиларни хабардор қиламан, иложи бўлса, район партия комитетига ўзлари бориб, секретарга учрашиб қўйсинлар», — деди.

Ҳафиз Мирзамуҳамедович бир сапчиди-ю, ўнг қўлини кўрагига босганча ёнидаги стулга ўтириб қолди.

— Сизга нима бўлди, Ҳафиз Мирзамуҳамедович? — Шерали шошилиб қолиб, уни суяб туриб сўради.

Ҳафиз Мирзамуҳамедович индамай бош чайқади-ю, стол устида турган графинга ишора қилди. Шерали графиндаги сувдан стаканга қуйиб, Ҳафиз Мирзамуҳамедовичга тутди-ю, унинг докадек оқарган юзига тикилиб қолди. Ҳафиз Мирзамуҳамедович сувдан бир-икки ҳўплагач: «Қўрқманг», дегандай қўлини силкитиб қўйди Шералига қараб.

Кейинги ойларда Ҳафиз Мирзамуҳамедовичнинг ўзига келиши қийин бўлиб қолди. Врачлар назоратида енгил-елпи ишлашга рухсат берилди. Шубҳасиз, бундай вазиятда Шерали уни ҳар хил ташвишлар билан безовта этгиси келмас, бутун

оғирликни ўз бўйнига оларди. Куни кеча у Ҳафиз Мирзамуҳамедовичдан хабар олиб келган бўлса-да, бугунги партия йиғилишини ҳам, кейинги кунлардаги нохушликларни ҳам билдирмаган эди. Афтидан, йиғилишни ўзи институтга телефон қилганда айтишганга ўхшайди. Йиғилиш бошланишига ўн минут қолганда кириб келди.

Шерали хона бурчагида турган иккинчи стулни олиб келиб, Ҳафиз Мирзамуҳамедовичнинг ёнига қўйиб ўтирди. Орадан ўн беш минутлар ўтди. Ҳафиз Мирзамуҳамедович оғир хўрсиниб, ўрнидан турди. Шерали ҳам ўрнидан туриб, унинг қўлтиғидан ушлаган эди, Ҳафиз Мирзамуҳамедович «ҳожати йўқ» дегандек бош чайқаб, дераза олдига бориб туриб қолди.

— Райкомда ҳам ҳал бўлмаса, тўғри шаҳар партия комитетига чиқинг, Шерали Алиевич!— Ҳафиз Мирзамуҳамедовичнинг ташвишли овози қалтираб кетди.

— Хўп бўлади, Ҳафиз Мирзамуҳамедович, сиз асабингизни бузманг, хотиржам бўлинг, ҳаммаси ўрнига тушади,— деди ташвишланиб шоша-пиша.

Ҳафиз Мирзамуҳамедович бошқа ҳеч нарса демади. У қовғини солганча хонадан чиқиб кетди.

Орадан бир неча ҳафта ўтди. Масала район партия комитетида қайта кўрилди. Ҳақ жойида қарор топди. Шерали илмий-тадқиқот ишларини қунт билан давом эттира бошлади. Аммо уни ҳаётга тадбиқ этиш, топган конларни разведка қилиш ва ишга тушириш масаласида гоҳ бир ерда, гоҳ бошқасида тўғаноқ қўя бошлашди. Оғажонлар энди яширин «жанг»га ўтдилар.

Бу аҳволда узоққа бориш қийин эди, албатта. Шерали шаҳар партия комитетига мурожаат қилди. Уч-тўрт ойлик текшириш кутилган натижа бермагач, Марказий Комитетга ариза берди.

Орадан ўн беш кун ўтар-ўтмас, масала Марказий Комитетнинг фан бўлимида атрофлича муҳокама этилди. Йиғилиш сўнгида бўлим мудир эртага соат тўртда уларнинг Марказий Комитет секретари ҳузурида бўлишларини маълум қилди.

\* \* \*

Бу кун Шерали ҳаётида сира унутилмас из қолдирди. Масала бўлимдаёқ ойдинлашган, яқин-орада қилинадиган ишлар аниқ белгиланган эди. Аммо секретарь ҳузурида Шерали назарида бу масаланинг туб моҳияти янги қирраси билан жиланди.

Бу учрашув баҳор кунларидан бирида бўлган эди. Белгиланган вақтга ярим соат бор. Шерали анҳор бўйида сабза ура

бошлаган майса-гиёҳларга завқланиб боқиб турипти. Сувдан эсаётган майин шабада сочларини силаб-сийлаб, кўнглига ором берарди. Энг мусаффо ҳаво, энг мўътадил иқлим назарида шу жойдан бошланадигандай туюлди. У атрофга суқланди. Энди барг ёзаётган дарахтлар кўзини қувнатиб, жи-мирларди. Шерали соатига қараб, оҳиста юрди. Катта қўчани кесиб ўтиб, ҳашаматли бинога яқинлашди. Унинг ойнабанд эшигидан ўзини ичкарига олиб, лифт кабинасига киргач, олти рақамли тугмани босди.

Қабулхонада одам кўп. Тайинланган кишилар беш-ўн минут олдин жамулжам бўлишган эди. Шерали ичкарига кириши билан дераза олдида турган Ҳафиз Мирзамуҳамедовични кўриб, чеҳраси янада ёрншди. Директор уни имлаб чақирди. Шералининг юраги негадир «дук-дук, дук-дук» ура бошлади, у болалардек энтикиб, ҳаяжонини босолмас, қуруқшаб қолаётган лабларига дамо-дам тилини тегизарди.

— Ассалому алайкум, Ҳафиз Мирзамуҳамедович, қалайсиз, саломатлик яхшими?— Ҳамон энтикиб мурожаат қилди.

— Раҳмат, ўзингиз қалайсиз, чарчамаяпсизми?

Шерали Ҳафиз Мирзамуҳамедовичнинг бу мажозий саволини тушунди-ю, атрофида одамлар бўлгани учун:

— Жойида, Ҳафиз Мирзамуҳамедович,— деб маъноли кулиб қўя қолди.

— Қизалоқ муборак!— Энгашиброқ Шералининг қулоғига шивирлади Ҳафиз Мирзамуҳамедович.

— Раҳмат!

Шерали яна бир нима демоқчи бўлиб оғиз ростлаган эди, қабулхонада турганларни ичкарига таклиф этишди.

Шерали кабинетга ҳаммадан кейин кирди. Тўртбурчак ёруғ хонада ортиқча жиҳоз йўқ. Тўғрида иш столи. Қираверишда ўнг қўлда узун стол. Тўрда пахтаси чаман бўлиб очилиб турган бир туп гўза. Ана шу соддаликнинг ўзи хонага аллақандай жозоба бериб турарди. Секретарь ҳамма билан бир-бир қўл бериб кўришди, ҳар бир кишидан алоҳида-алоҳида ҳол-аҳвол сўради. Шундан кейингина узун стол тўғрисидаги стулга бориб ўтирди. У келишган баланд қоматини ҳарбийлардек тик тутар, қуёш қорайтирган юзи жуда салобатли, чеҳрасида барқ уриб турган табассум ўзигагина хос бир нурунийлик бахш этмоқда эди. Ҳамма ўринлашиб олгач, у ўрнидан турди. Қўй кўзларини хиёл кисиброқ бир нафасгина ўйланиб қолди. Фикрини тўплаб олди, сўнг осойишта, босиқ овозда сўз бошлади:

— Азиз дўстлар! Бугун бу ерда республикамиз геология фани бешигини тебратган, оғир дамларда мунис онадек меҳр-шафқатини аямаган, матонатли отадек уни барча тўсиқлардан мардонавор олиб ўтиб, тараққий эттирган алломалар ўтиришпти. Сизлар олиб борган катта тадқиқотлар туфайли сажий тоғларимиздан олинган минерал хомашё дастлабки беш

йилликлардаги ғоят улкан вазифаларни ҳал этишимизга хизмат қилди, қудратли индустриямизни барпо этишда биз учун тўғри бўлди. Сизларнинг матонатли меҳнатларингиз Улуғ Ватан уруши йилларидаги муқаддас ғалабамизни яқинлаштирди. Урушдан кейинги халқ хўжалигини тиклаш йилларида ҳам, сиз азиз дўстлар, фидокорона меҳнат қилиб, республика геология харитасини янги номлар билан бойитмоқдасизлар.

Қадрли биродарлар, бугун Ватан сиздан олтин кутяпти. Аминманки, биз она-юртимиз, партиямизнинг бу амрини ҳам бажону дил бажаришга қодирмиз! Шундай!

Нотиқ бир зум тинди. Утирганлар орасида жонланиш. Шерали айтилаган ҳар бир сўзни қалб китобига ёзаётгандек секретардан кўз узмай тингларди.

Секретарь олдидаги қоғозга кўз қирини ташлаб олгач, сўзини давом эттирди:— Сизлар ўзларингизнинг кунт билан олиб борган қидирув ишларингиз билан баъзи мутахассисларнинг республикада олтин кони йўқ, деган ҳеч қандай назарияга асосланмаган пуч даъволарини чиппакка чиқардингизлар. Бу соҳада Геология институти, шахсан ўртоқ Шерали Алиев олиб бораётган ишлар диққатга сазовор деб ҳисоблаймиз. Биз уни барча воситалар билан қўллаб-қувватлашимиз, Марказий Қизилқумдаги разведка ишларини ҳар қачонгидан кучайтирмоғимиз керак...

Нотиқ тадқиқотчилар топган конларни санаб, сўнгра олтинга перспектив районларни бирма-бир айтиб бераётганда, Ҳафиз Мирзамуҳамедович Шералини тиззаси билан туртди. «Гуреевни қара» дегандек имо қилди.

Шерали эшик томон кўз қирини ташлади. Гуреев алланарсаларни зўр бериб ёзар, ҳар замонда ёнида ўтирган тўладан келган сочлари сариқ одамга бир нимани уқтирарди. Шерали бу одамни танимади. У Ҳафиз Мирзамуҳамедовичга қараб қолди.

Секретардан кейин яна икки киши гапирди, сўнгра Марказий Комитет фан бўлимининг мудирини яқин келажакда амалга ошириладиган тадбирлар ҳақида сўзлади.

Марказий Комитет биносидан чиққанда, қуёш энди ботаётган, кечки салқин бошланган эди.

## УН УЧИНЧИ БОБ

...Машина Форишга етганда, бир-икки силкинди-ю, мотор ўчиб, тўхтади. Уринбой узр сўрагандек, Шерали Алиевичга қараб шапкасини бостириб кийди. Тўлалигига қарамай, чаққонлик билан кабинадан сакраб тушди. Қапотни очди. Бензин йўлини тозалайдиган ричагни бир-икки тортиб, моторни юргизди. Бошда тир-тирлаб турган мотор тарақлаб қаттиқ силкингач, бир маромда ишлаб кетди. Уринбойнинг чехрасига

табассум ёйилди. Капотни мамнун ёпди. Келиб жойига ўрнашиб олгач, газни босган эди, машина текис юриб кетди.

— Бензин тортмай қолган экан қўрғур, қўрқитворди,— деди Ўринбой йўлдан кўз узмай Шерали Алиевичга.

Шерали Алиевич ҳамон хаёл қўршовида. У Темур дарвозаси олдидаги учрашувдан сўнг ҳали ҳам ўзига келмаган эди. Салкам ўттиз йиллик ҳаётига хаёлан разм солди. Унинг икир-чикирларигача хотирлади. Хаёл уфқи қанчалик кенг, беқамров. Дақиқалар ичида олам кезди. Шерали кейинги йилларда очган янги конларни эслади. У мамнун жилмайиб, ортда қолиб кетаёзган ям-яшил адирлар, бахмал водийларга суқланиб қараб қолди...

Машина Симузарга анча кеч кириб келди. Конторада ҳеч ким йўқ. Шерали Алиевич қайтиб машинага ўтираётганида, контора ёнидаги кичкина эшик очилиб, аёл кўринди.

— Меҳмон, бирдам тўхтанг.

Шерали Алиевич қайрилиб қаради. Елкасига пўстип ташлаган аёл, афтидан қоровул бўлса керак, чопиб келиб сўрашди.

— Кечирасиз, ўртоқ Алиевмисиз?— Аёл нафасини ростлаб, қоронғида бир Шерали Алиевичга, бир машинага қараб қолди.

— Ҳа, мен!

Аёл севиниб кетди.

— Хайрият-е, кетиб қолмасиздан улгурдим, нақ балога қолардим Содиқ Ҳакимовичдан. У киши кутиб-кутиб, сизлар келишдан бир нафас олдин кетдилар. «Меҳмонлар келади, уйга бошлаб бор»,— дедилар. Машинада бораверамиз. Қани, ўтиринг, ўртоқ Алиев!

Шерали Алиевич машина эшигини очди, олдинги ўриндиқни кўтариб, аёлга йўл берди.

— Қани, ўзиз чиқиб олинг.

Аёл пўстинининг енгларини кийиб олди. Машинага чиқиб, орқага ўрнашиб олгач, Шерали Алиевич ўриндиқни кўтариб, ўзи олдига ўтирди. Ўринбой моторни юргизиб, аёлга қаради.

— Мен йўлбошловчи бўладиган аканману, гўё сиз бу ерларни биладигандай жим ўтирипман-а, кечирасиз, укажон! Асфальтдан прама пастга тушасиз.— Ҳув кўряпсизми, ҳайло, ўша чироқларга қараб буриласиз— икки қаватли уйларга.

Машина айтилган жойга етиб келгач, Шерали Алиевич тушиб, ўриндиқни кўтарди. Аёл шошилиб тушиб, чироқ ёниб турган дераза ойнасини чертди. Кимдир пардани кўтарди. «Ҳозир», дегандай бош ирғади. Ҳаял ўтмай, ўрта бўйли, қотма киши чиқиб, Шерали Алиевичга қўл узатди.

— Ассалому алайкум, Шерали Алиевич, хуш кўрдик, хуш кўрдик, манам ҳозир кеп турганим.

— Айттила, аямла, салом, Содиқ Ҳакимович, қалай, ўзиз бардам бормисиз?

— Қани, ичкарига!— Содиқжон шундай деди-ю:— Ана энди, хаёлли қаранг,— деб югуриб бориб, рулда ўтирган Ўринбой билан ҳам кўриша туриб:— Машина тураверади шу ерда, қани юринг,— деди.

Содиқжон меҳмонларни коридорнинг ўнг тарафидаги залга бошлаб кирди. Ўртага қўйилган хонтахта устида икки-уч тақсимчада конфет, бир чеккада ликопчада уч-тўртта ёпган нон. Хонтахта атрофига гир айлантириб беқасам кўрпача ташланган.

— Мен ҳозир чой қўяй, уй бемалолроқ бўсин деб келиниз билан ўғилчани ойисиникига жўнатгандим.

— Овора бўлманг, Содиқжон, қани, бундоқ ўтиринг, гаплашайлик, биз йўлда чой ичиб олганмиз,— деди Шерали Алиевич Содиқжонни ташвишга солмаслик учун.

Содиқжон Шерали Алиевичнинг гапларини қўлини кўксига қўйиб эшитди-ю, бари бир айтганини қилди. Ошхонага чиқиб, чой дамлади. Кичкина оқ тунука чойнакни кўтариб келиб, хонтахта четига қўйди. Устига сочиқ ёпилган пахта гулли пиёлалардан бирини яхшилаб артгач, чойни қайтарди. Меҳмон иззати бир ҳўплагина қуйиб, чойнинг олдини ўзи ичгач, иккинчи пиёлани Шерали Алиевичга узатди. Шерали Алиевич пиёлани ола туриб, Содиқжонга зимдан разм солди.

Содиқжон билан яқиндан танишлиги йўғу, разведка ишларида бир-икки узоқдан кўрган, ўшанда жингалак сочлари анча қуюқ эди. Энди сочлари сийраклашиб, чаккаларига оқ тушипти. Кўзлари ўша-ўша одамга ишонч билан боқадн. Тез гапиради. Ўтирган жойида ҳам қўли бўшади дегунча, жуда бўлмаса бир нарсани бир жойдан иккинчи жойга олиб қўяди. Ҳамиша ишлаб туришга ўрганган. У чамаси қирқ ёшларда. Университетни тамомлагач, у ер-бу ерда ишлаб юрди-ю, асосан фаолияти Симузарни разведка қилишдан бошланди. Чаққонлиги, ташкилотчилиги, бунинг устига хийла билимдонлиги туфайли кўпчиликнинг ҳурматини қозонди. Симузар кони очилгач, шу ерда катта геолог лавозимида қолдиришди уни. Меҳмондўст, хушчақчақ, кўнгли очиқ, далил-ғули бу йигит ўшандаёқ Шерали Алиевичнинг диққатини жалб қилган эди. Симузарда разведка ишлари олиб борилаётганда бир-икки Тошкентга телефон қилиб, у-буни сўрагандаёқ Шерали Алиевич Содиқжоннинг билими теранлигига ишонч ҳосил этган эди. Қай кун яна телефон қилди. Кондан бир йўла вольфрам ҳам олиш мумкинлигини айтиб, Шерали Алиевичдан ёрдам сўради.

— Қай кунги масала ҳал бўлдими?— Шерали Алиевич пиёладаги чойдан ҳўплаб сўради Содиқжондан.

Содиқжон бош чайқаб кулди-ю, жавобига шошилмади.

Шерали Алиевич бўшатиб узатган пиёлага чой қуйиб, Ўринбойга узатгач:

— Қаёқда дейсиз! «Сен олтин олишинг керакми қондан?»— дейишди. «Ҳа»,— дедим. «Олтиннинг олавер. Бу ёнга одамларнинг миясини ачитиб, ишдан қолдирма!» Шунақа жавоб қилишди. Олинган намуналарни яна бир синчиклаб текширтдим. Вольфрам миқдори хийла катта. Юракларим ачишяпти. Начора, олтинни олиб, қолгани свалкага кетадиганга ўхшаб турипти.

Шерали Алиевич «аттанг» дегандек бош чайқади. Ён дафтарчасига ёзиб қўйди.

— Қани, эсон-омон Тошкентга етиб борайлик-чи, уриниб кўрармиз,— деди.

— Раҳмат, Шерали Алиевич, катта исрофгарчиликнинг олдини олган бўлардингиз.— Содиқжоннинг кўзлари қувончдан порлади. У яна бир нима демоқчи эди-ю, Шерали Алиевич соатига қараётганини кўриб:— Сизларам чарчадингизлар, қани, марҳамат, нариги уйда ўринларингизни солиб қўйганман, бир чимдимгизна ухлаб, ором ола қолинглар энди,— дея ўриндан турди.

Нонуштага чиққанда Шерали Алиевич Содиқжоннинг хотини Садбаргни кўрди-ю, ҳанг-манг бўлиб қолди. У шу қадар таажжубланиб қолдики, бунни ҳатто Содиқжон ҳам сезди. Ҳайрон бўлиб, Садбаргга маъноли қаради. Хотинининг ҳам безовталанаётгани уни баттар ўйлантириб қўйди. Дастурхон устида тўрт кишидан икки кишининг бу ҳолга тушиб қолиши натижасида ноқулай жимлик бошланди. Содир бўлган вазиятни ҳар ким ўзинча мушоҳада этарди. Садбарг хонтахта устидан чойнакни олиб, ошхонага чиқди. Шерали Алиевич уни зимдан кузатиб, чуқур ўйга ботди. Унинг нигоҳи дераза ортида қорли чўққиларга қадалди. Ўринбой нима қиларини билмай, бир-икки томоқ қириб, вазиятни ўзгартириш ниятида бўлса керак, Содиқжонга мурожаат қилди.

— Бу ерлардаям баҳор жуда чўзилиб кетаркан-а?— Ўринбой ўзи берган қовушмаган бу саволидан уялди шекилли, жавобни ҳам кутмай, уям деразага қараб қолди.

Содиқжон Ўринбойга «ҳа» дегандай бош қимирлатиб, ошхонага чиқишга баҳона тополмай:

— Садбарг, нима бало, чойнинг ҳалиям қайнамадими?— дея ўриндан турди.

Шерали бу исми эшитиб, бир чўчиб тушди. Ўриндан туриб, дераза олдига бориб қолганини сезмай қолди. «Садбарг», дея дилида такрорлади у. «Шифохонада Сабогулнинг этагини ушлаб, пилдираб юрган қизалоқ! Ҳаёт оқар сувдек ўтиб кетишини қаранг!» Қўнғилдан ўтган бу фикрни ҳали мушоҳада этиб улгурмай, Садбарг хонага кирди. Эгнндаги сидирға пушти кўйлак унинг бир латофатига ўн латофат қўшган эди. Садбарг чойнакни дастурхон устига қўйди. Бошидаги парча гулли

ок дуррачасини тузата туриб Шерали Алиевичга ғалати бир қараб, яна ошхонага чиқди. Хонага Содиқжон кирди. Унинг ҳам чехраси ёришган, нимадандир хурсандлигини катта-катта қора кўзларидан уқиб олиш қийин эмас эди. Ўринбойгина театрда спектаклнинг энг қизиқ жойини кўраётгандек гоҳ Садбаргга, гоҳ Содиқжонга, гоҳ ҳамон дераза олдида турганча нигоҳи тоққа қадалган Шерали Алиевичга қараб, ўзича минг хаёлга бориб ўтирарди.

— Шерали Алиевич, чой совумасин,— деди Содиқжон энди шундай катта олим ўзига олдингидан ҳам яқинроқ бўлгандай.

Шерали Алиевич Содиқжондаги бу ўзгаришни билмоқчидек синчиклаб қаради-ю:

— Йўқ, йўқ, раҳмат, чой бўса ичдик, тезроқ конторага бора қолайлик энди,— деди. Унинг хаёли паришон. «Туринг», дегандай Ўринбойга қараб қўйди-ю, ўзи коридорга чиқди.

Ўринбой ҳам бу ноқулай вазиятдан қутулишнинг йўлини тополмай ўтирган каби шу заҳоти ўридан турди, дераза олдидаги стол устидан шапкасини олиб, бошига бостирди-ю, эшикка чиқди. Содиқжон негадир хонада ивирсиб қолди. У ҳар замонда ошхона томонга кўз қирини ташлаб қўярди. Садбарг Ўринбой чиқиб кетгандан кейин энгашиб ботинкасининг иппини боғлаётган Шерали Алиевичнинг ёнига келди. Шерали Алиевич қаддини ростлаган эди, Садбарг жуда мулойим жилмайиб, оҳиста сўз бошлади:

— Кеча пешинда сиззи Темур дарвозасида кўргандаёқ юрагим «жизз» этганди-ю, ботиниб сўраёлмагандим. Сура-тингизини ойим кўрсатганлар бир неча бор. Эрталаб уйга келсам, ўтирибсиз. Ойимларга айтдим...

— А... О... йи...м... ларга... дейсизми?

— Ҳа, ойимларга, у киши шу ерда турадилар, биздан бир уй нарида.

— Бугун соат олтиларда ойим келмоқчилар, бирров сизни кўриб кетмоқчилар.

Шерали боши билан тасдиқ ишорасини бериб, ташқарига чиқди. Ғалати туйғу аъзойи баданини жимирлата бошлади. Сабогул ҳар томондан келиб, уни таъқиб этаётгандек туюлди. Ўзи машина томон юряпти-ю, хаёли тамоман бошқа ёқда. Қулоғи остида тинимсиз Сабогулнинг овози. Маст одамдай каловланиб, машинага ўтирди-ю, «Кетдик», деди.

Ўринбой ҳайрон бўлиб, стартерга оёқ боса туриб:

— Содиқжон қоладиларми?— деди.

— Йўқ, йўқ, сўранг, бирга борса керак.

Шерали қорли тоғлар ёнбағирларига тикилиб қолди. Сабогул шифохонада у ётган каравот суянчиғини ўйнаб турган ҳолатда кўз олдига келди. Ўринбой: «Содиқжон келдилар», дегандан кейингина ўзига келиб, пастга тушди. Ўриндиқни кўта-

риб қўйди. Содиқжон машинага чиққач, ўзи ҳам унинг ёнига ўтди.

Машина ўйдим-чуқурлардан тебраниб юриб, ўнгга бурилди. Асфальтга чиқиб олгач, Шерали Содиқжондан сўради:

— Жануб томонда разведка ишлари бошландими?

Содиқжон нима деярини билмай, бир нафас индамай турди. Шерали Алиевич асабийлашаётганиданми ё чиндан ҳам Содиқжон берган саволни эшитмади деб ўйладими, қайта сўради:

— Менимча, йўқ, шекилли...— Содиқжон чайналиб қолди.

Шерали Алиевич истеҳзо билан кулди.

— Нима, бошланган ёки бошланмаганини аниқ билмайсизми?— Шерали Алиевич юзини машина ойнасидан яққол кўриниб турган тепалик томон бурди. Човоқсойда олтин нишонаси топилгач, иккинчи экспедиция давомида Марказий Қизилқум ва Нуротанинг жуда кўп ерларида бўлди. Бу ерда Симузар конини топди. Бу тепалик Шерали Алиевичнинг хотирасида айниқса қаттиқ ўрнашиб қолганди. Чунки Симузар конининг топилиши шу ердан бошланган эди. Биринчи арсенопиритлик тошлар ва уларнинг ичида сариқ маъданнинг дастлабки қатралари ҳам шу тепалик ёнбағрида топилганди ўша эллигинчи йилларда. Қидирув ишлари кеч кузга, ёғин-сочин айни авжига чиққан кезларга тўғри келган эди. Тепанинг номи бор-йўқлигини у ҳануз билмайди. Аммо экспедиция иши якунланган тепани Эшбой «Маъдан тепа» деб атади. Шу-шу Шерали Алиевич расмий ҳужжатларда Симузарнинг жанубидаги Маъдан тепа деб ёзадиган бўлди.

Содиқжон бу ноқулай вазиятдан қутулиш учун:

— Ҳозир конторага борганда, шу масаладаям орани очиб қилиб олмоқчийдим,— деди ийманибгина.

— Ким билан? Мен биланми?— Кесатди Шерали Алиевич.

— Бош геолог билан.

— Нима, у Маъдан тепани разведка қилишни тақиқлаб қўйдими?

Содиқжон Шерали Алиевичнинг асабини хиёл бўшатмоқчи бўлди.

— Кейин бир гап бўлар, деяпти.

— Қизиқ...

Шерали Алиевич бу борада бошқа ҳеч нарса демади.

Кондора бир қаватли бинода жойлашган бўлиб, узун коридорнинг ҳар иккала томонидаги хоналар кон хизмати билан боғлиқ цех ва бўлимларга ажратилган эди.

Содиқжон ўнг томондаги учинчи хона эшигини очиб, Шерали Алиевичга йўл берди. Хона жиҳози уч стол, стуллар ва деворга осиб қўйилган схемадан иборат эди. Кираверишда чап томондаги столга энгашган тўладан келган малла сочли киши аллақандай чизмаларни қўлидаги линейка билан ўлчаётган эди. У хонага кирганларга бош кўтариб, бетакаллуфгина:

«Салом»,— деди-ю, яна столга энгашди. Содиқжон Шерали Алиевичга:

— Бош геолог Константин Юрьевич Малигин,— деб таништирди уни.

Малигин истар-истамас қўлидаги линейкани стол устига қўйди. Қаддини ростлади. Унинг қовоқлари шишинқираган, нурсиз кўзларини Шерали Алиевичга қадади. Уни бош-оёқ кўздан кечиргач, «Ким?» дегандек Содиқжонга қаради.

— Шерали Алиевич!— деди Содиқжон кулиб.

Константин Юрьевич ўнғайсизланди шекилли, юзига сохга табассум югурди.

— Кечирасиз, Шерали Алиевич, Сизнинг ҳақингизда кўп эшитгандиму, аммо кўрмагандим. Шахсан танишганимдан боят хурсандман.— У столини ёнлаб ўтди. Шерали Алиевич олдига келиб, жун қоплаган гўштдор қўлини узатди.

Шерали Алиевич Константин Юрьевични эшикдан кирган замоно таниди. Марказий Комитет секретари кабинетида бўлган йиғилишда Гуреевнинг ёнида ўтирган киши шу эди. Қўл бериб кўришди-ю, аммо ҳали Константин Юрьевич жойига бориб ўтиришга улгурмай, машинада келаётиб, Содиқжонга берган саволини қайтарди.

— Коннинг жанубий қисмида қидирув ишлари олиб борилмаётганини қандай тушунса бўлади?

— Қўл тегмаяпти.— Бош геолог Шерали Алиевичга тик боқолмай, лоқайдлик билан жавоб берди-ю, тортмасидаги аллақандай қоғозларни титкилай бошлади.

— Қўл текканда коннинг қайси қисмида иш олиб бормоқчисизлар?

Бош геолог бу саволга жавоб бергиси келмади шекилли, бош қашиб гўлдиради:

— Билмадим, бирор топшириқ бўлар...

Бош геологнинг совуққонлик билан берган мужмал жавобидан Шерали Алиевич тутатиб қетди. У Константин Юрьевичга еб қўйгудек қараб гапира бошлади:

— Очилган ва тахминий қидирув ишлари олиб борилган жанубни разведка қилмай, тамоман ўрганилмаган жойларда иш олиб бориш ким учун зарур бўп қолди?

— ...

— Наҳотки коннинг шимолий қисмида иш бошлашни топширган одам ишга давлат нуқтаи назаридан қараш шахсий манфаатдан зарурроқ эканлигини унутса? Ахир бу била туриб халқ маблағини кўкка совуриш-ку!

Боядан буён гапга аралашмай ўтирган Содиқжон Шерали Алиевични тинчлантирмоқчи бўлди.

— Шерали Алиевич, биз бу масалани «Самарқандгеология» трести олдига қўйиб, яқин кунлар ичида албатта ҳал қиламиз, хотирингиз жам бўлсин.

Шерали Алиевич Содиқжонга истехзо билан қараб қўйди-ю, сўнг кулди.

— Йўқ, ўртоқ катта геолог,— деди у ҳамон ўзини босолмай тутатиб,— биз бу масалани Геология министрлиги олдига қўямиз. Министрлик «янги кон очдим» деб кўкрагига муштаб, эвазига хайру эҳсон кутаётган азаматни топиб, адабини бериб қўйсин!

У шундай деди-ю, зимдан Константин Юрьевичга қаради. Константин Юрьевич анча саросимага тушган, аммо сир бой бермаслик учун ўзини ҳар хил майда-чуйда ишларга алаҳситар, Шерали Алиевич берган саволларга лўнда қилиб жавоб бериб, унинг кўзига қарамасликка тиришарди. Шерали Алиевич бу одам билан ортиқча гаплашиш бефойдалигини тушуниб, Содиқжонга мурожаат қилди:

— Қани, кетдик бўлмаса, Содиқжон, штольняниям кўрсатмоқчи эдингиз, шекилли.

— Ҳа, ҳа, бош устига, марҳамат,— дея ўрнидан турди Содиқжон.

Улар конторадан чиққанда тоғ чўққиларида парча-парча қора булутлар чарх урар, шивалаб ёғаётган ёмғир асфальтга сиғмай, йўлнинг икки четига сирғаниб тушаётган эди.

Штольня олдида Шерали Алиевич билан Содиқжон каскаларни кийиб, ичкарига киришди. Айланаси салкам етти метрга борадиган штольнянинг ўнг томон девори орасидан кварц томири ичкарига қараб кетган. Томир бурилган жойларда тўрт юздан ортиқ штрёк очилган бўлиб, бу ерда ҳамма нарса қимматли нодир маъданни олишга тахт қилиб қўйилган эди. Шерали Алиевич штольнянинг ярмидан ўтганда, вагонеткани тўхтатиб, пастга тушди. Кварц томирларга деярли жипслашиб, лупада қарай бошлади. Ён дафтарчасига алланималарни ёзди, сўнг ёнидаги штрёкка шўнғиб кетди. Ер ости ўйиғи (штольня) муздай. Тоғ орасидан сизилиб чиқаётган томчилар эртақлардаги ер ости қасрини эслатарди.

Шерали Алиевич деярли бутун штрёкларни бирма-бир кўздан кечирди. Улар штольнядан чиққанларида, этни чимчиладиган аччиқ шабада эсаётган эди. Ёмғир тинган, булутлар ҳали тарқамagan. Шерали Алиевич соатига қаради. Беш ярим. Содиқжондан нимани баҳона қилиб ажралишини билмай турганида:

— Шерали Алиевич!— Унинг ўзи мурожаат қилди.— Кечирасиз, кўнглингизга келмасин, бир-икки соатлик ишим бор эди, геология цехимизда йиғилиш тайинлагандик.

— Бемалол ишингизни қилаверинг, Содиқжон, биз, мана, Ўринбой акангиз билан сайри табиат қилиб турармиз,— деди Шерали Алиевич қулай вазият вужудга келганидан қувониб:

Содиқжон хайрлашди. Шерали Алиевич машинага ўтириб:

— Маъдан тепага!— деди Ўринбойга. Унинг овозида синиқлик, айни чоқда ҳаяжон бор эди.

Машина асфальт йўлдан ғизиллаб бориб ўнгга буриლაётганда, Шерали Алиевич уни тўхтатди.

— Сиз энди уйга бориб, баҳузур дам олинг, Ўринбой, йўл анча қоқиб қўйган сизниям. Бу ёғига секин юриб, ўзингиз айлантирган жойларни бир кўриб, кейин уйга борарман,— деди Шерали Алиевич машинадан тушаркан.

Ўринбой бош қимирлатиб, икки қаватли уйлар томон бурилгач, Шерали Алиевич ўнг томонга қаради. Булутлар галаси тарқапти. Мис баркашдек қизарган қуёш уфқда ялт этиб кўринди-ю, ғарб томонга ёнбошлай бошлади. Унинг қизғиш нурлари атрофи тоғ билан ўралган Симузарнинг бир хилдаги оппоқ шинам уйлари устида пуштиранг товланди. Лаҳза ўтмай, ғойиб бўлди. Аммо ҳали қоронғи тушмаган, одам одамни танийди.

Шерали тепаликка тикилиб қолди. Шарқираб оқаётган сув шабадаси сочларини ҳар томонга тортқиларди. Атрофга қаради. Узоқдан хотин киши кўринди. Шу томонга келяпти. Бошидаги дуррачасининг рангини ажратолмади. Эғнида анчагина узун кофта. Аёл симёғоч тагига етганда, Шерали Алиевичнинг юраги ҳовлиқиб, шоша-пиша яна бир қараган эди, эти жимирлади. Сабогул келаётган эди. Аниқ таниди. Бурилиб уй томон кетмасин деб, истиқболига чиқди. Сабогул қадамини секинлатди. У ҳам таниди шекилли, безовта эди. Шерали Алиевич қадамини тезлатиб, Сабогулнинг рўпарасига келиб тўхтади.

— Салом, Сабогул,— ўзбек тилида ўзи ҳам пайқамагани ҳолда аранг гапирди Шерали Алиевич.

— Салом, Шерали ака!— Сабогул ҳам ўзбекча жавоб қайтарди ўша таниш ва ёқимли овоз билан. У чиройли оппоқ қўлини Шералига узатди.

Шерали Алиевич бу нозик қўлларни бундан салкам ўттиз йил муқаддам ушлаган эди. Ҳозир қайта кафтига олиб сиқаркан, юраги гупиллаб уриб кетди. Унинг шу ондаги ҳолатини тасвир этиш ғоят мушкул, зеро бошидан кечирмаган одам бу ҳолга қулиши мумкин. Шерали Алиевичнинг қулоғи остида бир нарса жаранглай бошлади. Кафтидаги нозик қўл унинг вужудини титратмоқда эди. Шерали ҳам, Сабогул ҳам бир-бирларига жимгина қараб қолишди. Ниҳоят Шерали Алиевич Сабогулнинг қўлини қўйворди. Аммо бу билан унинг ҳолати ўзгармади. У ҳамон вазнсизлик ҳолатида эди. Ўзини Хорог кўчаларида ҳис этди. Сабогулга қаради. Унинг юзи ўша-ўша жозибали. Нимқоронғида айниқса латофатли кўриниб кетди Шерали Алиевич назарида. Кўзлар тўқнашди. Шерали Алиевич ботиниб тикилолмади. Нигоҳини олиб қочди. Сабогул тўлишибди.

— Бир зум ўтирайликми?— Шерали Алиевич сой бўйида шоҳсупадек ўрнашиб қолган пастак катта харсанг тошга ишора қилди.

Сабогул гапирса, безовта ҳолатини сездириб қўйишдан

қўрққанидан ун чиқармай, боши билан тасдиқ ишорасини берди-ю, Шерали Алиевич ишора қилган харсангтош томон одимлади. Улар ёнма-ён ўтириб, анчагача бир-бирларига гапиролмай, шовиллаб оқаётган анҳор тошқинига тикилиб қолишди. Ниҳоят Сабогулнинг ёқимли овози Шералини ўзига келтирди.

— Болалар нечта бўлди, Шерали ака?

Шерали ўзини ноқулай ҳис этди.

— Ўзингизники-чи?

— Битта. Садбаргнинг ўзи.

Шерали ноўрин саволидан баттар ўнғайсизланди. Вазиятни ҳазил билан текисламоқчи бўлди.

— Биз ўзиб кетибмиз. Учта,— деди. Яна сувга тикилиб қолди.

Сабогул Шералига бош-оёқ разм солди. Унинг оппоқ сочларига тикилиб туриб синиқ овозда сўзлай бошлади:

— Сизга жуда ўрганиб, боғланиб қолганимни анчадан кейин сездим. Аммо нима қилайки, фурсат ўтган эди. Нима деб ёзишимни билмадим. Эҳтимол нотўғри қилгандирман...— Сабогул сўнгги сўзин айтилмади, унинг томоғини бир нарса бўғди, кўзига ёш қалқиди. Энгашиб, енг билан кўзини артди.

— Мен ҳам айрилиқнинг дарду аламларини кейинчалик фаҳмладим. Аммо қайтиб боришга юрагим дов бермади. Уша борганимда узил-кесил жавоб берганингизни эсладим. Дардимни ичимга ютдим.— Шерали Алиевич жим қолди. Унинг аъзойи бадани жимирларди. Кўзига ёш сизилди.— Ҳаёт бе-шафқат экан!— ниҳоят қулт этиб ютиниб, сўзини давом эттирди Шерали Алиевич.— Унинг одамлар юрагидаги дард-алам билан иши йўқ, ўз қонуниятларига амал қилавераркан. Бўлмаса иккимизни ҳам шунчалик қийнаб қўярмиди?!

Сабогул чидаб туролмади. Ўрнидан турди. Сой бўйидаги бақатеракка суянганча сувга тикилди. Шерали Алиевич яқинлашиб, унинг елкасига қўлини қўйган эди, Сабогул елкасини бўшатиб олиб, нари сурилди. У овоз чиқармай йиғлаётган эди.

Шерали Алиевич Сабогулни юпатиб, бағрига босгиси, унинг силлиқ юзларидан беҳисоб бўса олгиси келарди. Аммо иккинчи бир куч ғалаён қилаётган туйғуларига кўндаланг туриб, кўнглига ғашлик соларди. У шу топда Сабогулни ўзидан ажратиб, тўсиб турган даҳшатли қоя пайдо бўлганини илк бор пайқади. Бу қояни емириб ўтиш мумкин бўлмаганидек, чинакам ишқ риштаси билан қалбини қалбига пайванд этган одамни унутиш ундан мушкулроқ эди. Шерали Алиевич ўзининг ҳозирги аҳволини манзилига етолмай, ора йўлда қолган йўловчига қиёс қилди. У ҳаётда анча-мунча ютуқларга эриш-япти-ю, аммо Сабогулни ундан ажратиб турган қояни емириб ташлашга қодир бўлолмапти.

Шерали Алиевич жойига бориб ўтирди. Лўқиллаб оғрий бошлаган бошини бақувват кафтлари билан уқалай туриб, ниҳоят, дилидаги гапни айтди:

— Сиз ҳам ўшанда ҳаётдек шафқатсиз бўлдингиз.

Ҳамон сувга тикилганча бақатеракка суяниб турган Сабогулнинг юрагини бу сўзлар тилкалаб ташлагандай бўлди. Югуриб келиб, Шерали Алиевич ёнига ўтирди-ю, унинг бўйнига осилганча ҳўнграб юборди.

— Бас қилинг, Шерали ака,— Сабогул энди кўзёшини яширмай гапирарди,— юрагимни эзманг. Сизни бир кўрармикинман деб юрардим, мана, ниятимга етдим. Уша сўнгги марта кўришганимиздан кейин бир ҳафтагача ёстикдан бош кўтаролмай қолдим. Сўнг шифохонага ётқизишди. Тузалиб чиққандан кейин ҳам ўзимни ўнглаб ололмадим. Икки-уч йил ўтгач, униси-буниси ҳол-жонимга қўймай одам қўйдиравергач, ҳовлини Даша холага ташлаб, бу ёққа қараб келдим. Қариндош-уруғларимиз бор эди. Дунёда ёмондан яхши одамлар кўп экан. Садбаргимнинг суяги қотгунча қарашишди. Дардкашим ҳам, дилбандим ҳам Садбаргим бўлди. Бот-бот суратингизни кўрсатардим... Начора, тақдир йўлларимизни қўшмаганакан, хафа бўлманг, Шерали ака.

Сабогул қандай шиддат билан келган бўлса худди шу йўсинда кутилмаганда ўрнидан турди. Дуррачасини тузата туриб:— Кетайлик, Шерали ака, сиззиям уйдагилар кутишаётгандир!— деди қорайиб турган тоғларга тикилиб Сабогул.

Шерали вазмин ўрнидан турди. Унинг боши боягидан қаттиқроқ оғрий бошлади. Сабогул билан асфальт йўлгача чиқишди. Сабогул хайрлашмоқчи бўлиб қўл узатган эди:

— Нега хайрлашяпсиз? Олиб бориб қўяман,— деди Шерали Алиевич титроқ овозда.

— Раҳмат, Шерали ака, ўрганган жойимиз,— деди ийма-нибгина.

Шерали Алиевич Сабогулнинг қўлларини олиб, ўзига тортди. Сабогул беихтиёр унинг бағрига кирди-ю, кўксига бош қўйиб:

— Хайр, Шерали ака, ўзингизни эҳтиёт қилинг,— деди. Ортиқ гапиролмади.

Шерали Алиевич Сабогулнинг бошини кўтариб, ўзига қаратди. Сабогул секин сирганиб, унинг бағридан чиқди-ю, ўнг томонга қараб юрди. Шерали Алиевич ҳам унинг кетидан бирикки қадам қўйиб:

— Шошманг, кузатиб қўяман,— деб қисташига ҳам қарамай, Сабогул қўлини силкитганча шиддат билан қоронғига шўнғиб кетди.

Шерали Алиевич анчагача ўрнидан жилолмай, Сабогул кетган томонга қараб қолди. Аммо зим-зиё қоронғилигу, еру кўкни эгаллаган каби тоғ ҳайбатдек қорайиб турарди. Қаердандир майин куй таралгандек бўлди. Шерали Алиевич қўлоғини тутиб, яқинроқ борди. Кўзи қоронғиликка қадалди. Куй овози сойнинг шовиллашига сингиб кетгандек йўқ бўлди.

Сафардан асаблари таранг тортилиб қайтган Шерали Алиевич Тошкентдаги нохушликни — Ҳафиз Мирзамухамедовичнинг вафоти ҳақидаги хабарни эшитди-ю, бардош беролмади. Икки кун сурункасига бошини кўтаролмай, уйда кўрпа-ёстиқ қилиб ётди. Учинчи кун и врачлар асабларингиз қақшаган, бу ҳолда қолдириб бўлмайди, деб қисташса ҳам касалхонага боришга рози бўлмади. Академия раҳбарлари стационарда жой ҳозирлатиб, уйига одам юбортиргач, бир нима деёлмади. Шерали Алиевич бу ерда қарийб бир ой ётди. У одамларга кўп қўшилмас, ортиқча гапиргиси келмасди. Айниқса стационарда ётишни ҳам мансаб деб биладиган ёки ўзи соппа-соғу ҳордиқ чиқариш учун келиб, кунни майхўрлик билан ўтказадиган одамларни кўрарга кўзи йўқ эди. Бундайлар стационар боғининг соя-салқин жойларига қўйилган сўриларда талтайиб ўтиришар, кимнинг олдида кунда неча киши келиб-кетганини, ким ош, ҳасипу, яна кимдир қази-қарта олиб келганини гапириб мақтанишар, бесўнақай бақириқ-чақириқлари, бемаврид шанғи-кулгилари билан дардига шифо излаб келганларни безорижон этишарди. Бунинг устига эртадан-кечгача хўрознинг тожисидек юзларини силаб, йўлкама-йўлка изғишар, тинч ётган беморлар иғвосини қилишарди. Даволаниш учун эмас, сайру томошага келгандек.

Шерали Алиевич уйдагиларга ҳафтанинг якшанба кунларидагина келишга рухсат берган, бошқаларни ҳам уни безовта қилмасликларини сўрарди. Бир марта Омон билан Қарим бирга келишди. Иккинчи марта Омоннинг ёлғиз ўзи келганда, Шерали Алиевич уни боғнинг камқатнов холироқ жойига бошлаб борди. Жилдираб оқаётган ариқча бўйидаги садарайҳондай гирдиғум дарахт соясидаги скамейкада узоқ ўтиришди. Бу иккинчи келишда Омон дўстининг паришонҳоллиги сабабини ботиниб сўради.

— Нега бунчалик шахтинг пастлашиб кетди, ё оилангда бирон кўнгилсизлик бўлдими?

Шерали Алиевич синовчан назар билан Омонга тикилди-ю, кулди.

— Онламда нима бўларди, тинчлик, — ниҳоят маъюс кўзларини жилдираб оқаётган сувга тикиб жавоб берди Шерали Алиевич йўл-йўл пижамасининг тугмаларини еча туриб.

— Бўлмаса нега хомушсан? Ишларинг яхши, олимлар орасида обрўйинг жойида, мана, академикликка сайландинг. Ҳукумат илмий тадқиқотларингни тақдирлаб, Ленин мукофоти лауреати деган юксак ном берди. Ахир ҳаммага ҳам насиб қилавермайди бунақа шон-шухрат.

Шерали кўзини ҳамон сувдан узмай, бош чайқади. Сўнг синиқ овозда гапира бошлади.

— Эҳ, Омон, Омон! Наҳотки ҳаёт мазмуни шон-шуҳратдангина иборат бўлса? Ахир сен бу гапларни мени юпатиш учун айтаётганингни ўзинг ҳам билиб турибсан-ку!

Омон ўнғайсизланди. Юзини бурди. Оқ кўйлагининг кўкрак тугмачасини ечди. Бўйинини қашиб, жим қолди. Сўнгра отаси олдида гуноҳ қилган боладек илтижо билан гапирди:

— Айтганларинг тўғри-ю, аммо кейинги йилларда мен сени бу ҳолда кўрмаганим учун...

— Мен уни кўрдим.— Шерали Омоннинг гапини бўлди.

— Қимми?— Омон бошда ҳеч нарса тушунолмади, Шералига тик қаради-ю, маъюс кўзларига кўзи тушиб, оҳиста бош чайқади:— Қачон? Қаерда?

— Симузарда.— Шерали хўрсинди. Воқеани ҳикоя қилди. Кейин яна сувга тикилганча жим қолди.

Шерали кўзини сувдан узиб, Омонга қаради. Унга таъна қилгандай:

— Кўрдингми? Масаланинг бу ёғи ўзингнинг ҳам юрагингнинг ҳамон: ўртаб келади. Шундайми?— деди.

— Тўғри, Шерали. Аммо меникининг йўриғи бошқа.

— Балки шундайдир, аммо оқибат-пироварди иккимизни ҳам қийнаётган дард битта-ку, ахир!

— Ҳа.— Омон ўйга толди.— Мен унинг ҳозир қаердалигини ҳам билмайман,— қулт этиб ютиниб, маъюс сўзини давом эттирди:— Кейинги марта ўзидан анча ёш бир такасалтангга турмушга чиқибди, деб эшитдим. Яна битта бола кўрипти. Аммо турмуши бўмапти шекилли. Болалари билан яна ёлғиз қолипти...

Омоннинг боши эгилди. Шу бўйи хомуш ўйланиб қолди.

Шерали ҳам унинг хаёлини бузгиси келмади. Анчадан кейин бошини кўтариб, Омонга мурожаат қилди:

— Мана шунақа, оғайни. Севгисиз яшаш нақадар мушкул!

— Эҳ, Шерали дўстим, қани эди севги масаласида сен ўз амрингда бўлсанг.

— Ўз амрингда бўлишинг керак. Севганингга қатъий ишонч ҳосил этмай, турмуш қуриш — ўзни гўрга тикиш билан баробар. Уйқусиз тунлар, беҳаловат кунлар бошланади. Сен бу шошқалоқлигинг билан ўзингнинггина эмас, яна бир кимсанинг умрига завола бўласан. Дунёда севгисиз эътирозсиз қолган одамнинг азобидан баттарроқ азоб бормикин?— Шерали жим қолиб кўзларини яна сувга тикди.

Омон қўрқа-писа Шералига қаради-ю, уни юпатмоқчи бўлди.

— Сен бу хатони тузатишинг мумкин-ку ҳозир энди!— деди.

— Қандай қилиб?— Шерали Омонга қаради.— Ўзимнинг роҳатимми деб иккинчи одамнинг шаънини ерга букибми? Уни эл-юрт олдида шарманда қилибми?— Хўш, қани, айт-чи, Мунирада нима айб? Ҳаётини ҳаётим билан боғлади, фарзанд

кўрдик, дунёга умид билан қараб, эл қатори орзу-ҳавас кутяпти. Йўқ, дўстим, ҳаётда йўл қўйган хатойингни ўз шахсингни эъзозлаб, иккинчи бир кишининг кўз ёшини тўкиб тузатиш номардлик бўлади. У ёғини суриштирсанг, синган косани пайванд этиш, ранжиган дилни ўрнига келтириш сира мумкин эмас. Шахсий ҳаётда йўл қўйган хатосининг жабрини ҳар ким умрининг охиригача ўзи тортсин. Ҳа, токи сен қилган хатонинг бошқалар қайтармасин. Сенинг ҳаёт йўлинг уларга мактаб бўлсин.

Шерали ўрнидан турди. Қуёш нури олачалпак тушиб турган сайҳонликка чиқди. Орасидан бир парчагина беғубор осмон кўриниб турган чинор япроқларига тикилди. Сўнг фикрини яқунлагандай:

— Инсон ҳаёти ҳув мана у беғубор осмондек бир зайлда тиниқ бўлиши қийин,— дея мусаффо осмонга ишора қилди Шерали.

Омон бошини эгганча асфальт йўлкага чиқди. Шерали Алиевич секин келиб, унинг қўлтиғига қўл солди.

— Хафа бўлма, оғайни, энди мен билан сенинг вақтимиз ўтди, айтгин-айтгин фарзандларимиз бу йўлда хато қилишмасин.

Омон боши билан тасдиқ ишорасини қилди. Шерали уни стационарнинг темир дарвозасидан анча наригача — катта кўчагача кузатиб қўйиб изига қайтаётганда, шифохона ҳовлисидаги чироқлар атрофни кундуздек чарогон қилиб турар, беморлар тўп-тўп бўлиб сайр қилишарди. Шерали биринчи корпуснинг ҳашамдор зиналарини ёнлаб, ариқ бўйига етганда, пастдаги шаршара олдига қўйилган ёғоч сўрида хахолашиб ош еб ўтирган «беморлар»га кўзи тушди-ю, келган изига қайтмоқчи бўлди. Лекин кимдир кекирдагини чўзиб: «Ҳўўў, мулла Шерали! Ўзингизни опқочаверманг, тўрт кунлик бу дунёда, қани, бу ёққа, ошдан бир ошам осинлееер!»— деб боғни бошига кўтаргудек бақирди.

Шерали каравот томон хўмрайиб қўйди-ю:

— Қуллуқ, ўзларига ош бўсин, бизни меъдалар кўтармайди,— деб шахдам бурилди-да, йўлакни кесиб ўтиб, дарахтлар панасида ғойиб бўлди.

\* \* \*

Шерали Алиевлар ҳовлиси Тошкентнинг баҳаво жойларидан бири — Кўкча даҳасининг Оқлон маҳалласида бўлиб, Муниранинг бувиси қазо қилгандан кейин шу ерга участка олиб келишган эди. Ҳовли юзи чиройлиқкина боққа айлантирилган эди. Режаси билан ўтқазилган олма, гилос, олча, нок, шафтоли бир текис ўсяпти. Нақшинкор катта дарвозадан кирилганда, йўлакдан бошлаб ҳовли саҳнининг олд томонигача ҳар хил атиргуллар ўтқазилган. Шерали Алиевич бу ишларни жо-

ну дили билан бажаришга тайёр бўлса-да, кўпинча қўли тегмас, шу боисдан ҳовлини саранжом-саришта тутуш Мунира-нинг зиммасида эди. Шерали Алиевич уч фарзанд кўрди. Катта қизи ота касбига қизиқиб, университетнинг геология факультетига кирди. Урганчаси медик бўлмоқчи. Болалари бутун ишни она қўлидан олишди. Шунинг учун Мунира кўп вақтини ҳовлини кўкаламзорлаштириш ишларига сарфларди. Шерали баъзан ишдан вақтлроқ қайтганларида, қарашаман деб чиққанида ҳам, Мунира унинг қўлидан белни олиб, кабинетига ҳайдарди. Ҳозир ҳам шундай бўлди.

Шерали Алиевичнинг кабинети айвоннинг ўнг томонида бўлиб, чоғроқ хонанинг каттагина деразаси олма дарахти соясида. Кабинетнинг икки деворига полдан шифтгача китоб тоқчалари қўйилган бўлиб, геология ва унга ёндош фанларга доир адабиётлар билан қалаштириб ташланган. Кираверишдаги ўнг қўл томонга қўйилган шкафда ҳар хил йилларда йирилган, чет эллик йирик геолог олимлар совға қилиб келган турли нодир минераллар терилган. Уйнинг деразадан ёруғ тушиб турадиган бир деворига Шерали Алиевичнинг ўн йиллар давомнда асосан тасвирий санъатнинг пейзаж жанрида ёзган картиналари осилди. Бурчакда рассом учун зарур анжомлар. Иш столи дераза рўпарасида. Илҳом ҳадеганда тутқич беравермаган кезларда Шерали Алиевич олма дарахти япроқларига термилар ёки картиналарини кўздан кечириб, эшик олдидаги кушеткага ёнбошлаб, китоб варақларди. Ҳозир ҳам илҳом париси ҳадеганда келавермагач, ҳовлига чиққан эди, Мунира касалхонадан қайтганини баҳона қилиб, кабинетига ҳайдади. Аслида бошқа вақтларда ҳам Мунира эрининг илмий ишларига халақит бермаслик учун бўлар-бўлмас рўзгор ишларига аралаштириб қўймасди. Шерали Алиевич бўйинини қашиб, кабинетига кирди-ю, бари бир иш қилолмади. Нимадандир юраги ғаш, қулогига гап ёқмасди. Бундай кезларда у Жек Лондонни варақлашни хуш кўрарди. Кушеткадан туриб, энди китоб тоқчаси олдида борган эди, катта қизи кабинет эшигини тақиллатиб кирди.

— Дадажон, сизни соқоли мана мундоқ киши,— у қўлини кўксига тушириб кўрсатди,— йўқлаяптилар!

— Бошлаб киравер, қизим, келган меҳмонни дарров олиб кирмайдими?— Шерали Алиевич шундай деди-ю, «бунақа танишим йўқ эди шекилли», дегандай таажжубланди. Кўзойнагини столи устига қўйиб, эшик томон юрди.

Шерали Алиевич меҳмонни айвонда кутиб олиб, кабинети-га бошлади. Меҳмоннинг, қизи айтганидек, соқоли кўксини деярли қоплаб турарди. Кўринишдан эллик ёшлар чамасидаги бу киши бир қарашдаёқ Шерали Алиевич диққатини ўзига жалб этди. Чеҳраси очиқ одам экан.

Меҳмон хонага кириши билан қўлини кўксига қўйиб, узр сўради.

— Бостириб келавердим. Узр, Шерали Алиевич. Бошқа иложим қолмади.

— Ҳечқиси йўқ қани, ўтиринг.— Шерали Алиевич меҳмонга кушеткадан жой кўрсатди.

Меҳмон ўрнашиб олгач:

— Ануфрий Иванович Пудовкинман,— дея назокат ва одоб билан ўзини таништирди.— Рассомлар союзидан. Биз ҳаваскор рассомлар асарлари виставкасини ташкил этияпмиз. Сизнинг асарларингиз бўлмаса, менимча, виставка анча қашшоқ кўринса керак,— дея кулди ҳазил қилаётганини билдириш мақсадида Ануфрий Иванович ўнг томондаги картиналарни кўздан кечираркан.

Шерали Алиевич нима дейишини билмай ҳайрон бўлиб қолганини кўрган Ануфрий Иванович изоҳ берди:

— Рассомлик билан шугулланишимни қаёқдан била қолдингиз, демоқчисиз шекилли?— Ануфрий Иванович текис оппоқ тишларини кўрсатиб кулди.

Шерали Алиевич бу одамнинг зийраклигига қойил қолиб кулди. Боши билан тасдиқ ишорасини қилди.

— Синтобда ҳамкасбингиз Эшбой Норбоевичга бир-икки та картинангизни тақдим этган экансиз. Иттифоқо ўшаларникига борганимда, кўзим тушиб, сўрасам, ўзларининг ижод бобидаги маҳоратлари ҳақида гапирган эди.

Шерали Алиевич яна кулиб туриб:

— Эшбой Норбоевич, жудаям оширворганга ўхшайди, шунчаки бекорчиликдан эрмак-да бу!— деди Ануфрий Ивановичга зимдан қараб қўйиб.

Ануфрий Иванович: «Рухсатингиз билан кўздан кечирсам», деб ўрнидан туриб, картиналар осиглиқ деворга яқинлашди. У ўртадаги анчагина катта полотнога тикилиб қолди. Картинанинг чап томонида тиканаклари бўртиб турган олтин суви югуртирилгандек ўт тасвири берилган. Ундан юқорироқда ҳамда ўнг бурчакда дарахтлар, тоғлар... Буларнинг устида қуёш нури ёйилиб турган фируза осмон. Унда-мунда енгил булутлар нурсизгина кўзга ташланарди. Атроф сокин. Табиат билан мулоқотда бўлаётгандек қалбга қувонч ва ором бахш этарди, бу асар.

Ануфрий Иванович картинага узоқ тикилди. Ундан кўз узаркан, авторга ҳеч нарса демай, енгил хўрсиниб қўйди. Шу заҳотиёқ диққатини ғужанак ҳолда тасвирланган қоқиўтлар ўзига тортди. Гулларнинг нозик танаси гўё шамолда тебраниб турипти дейсиз, шу қадар юксак дид билан бўёқ берилган унга.

Ниҳоят остига «Тун» деб ёзиб қўйилган картинага узоқ тикилиб қолди Ануфрий Иванович. Унча катта бўлмаган бу этюд бўёқда ёзилган бўлиб, унда иссиқ жануб тунги тасвирланган. Тунги осмон фонида дарахтлар берилган. Атрофда юлдузлар чаманидек чироқлар милтиллайди. Бу картинага

узоқроқ тикилганда, юракни қитиқлайдиган аллақандай маъюс руҳ қамраб олади кишини.

Шерали Алиевич шкафнинг остки полкасидан жигарранг папка олиб, шошилмай очди-да, геологик экспедициялар пайтида қалам билан ёзган расмларини узатди Ануфрий Ивановичга. Шундан сўнг расмларни виставкага қўйиш ёки қўймаслик масаласини эртага кечқурун айтажагини маълум қилди. Ануфрий Иванович ҳеч нарса тушунолмай, унга қараган эди:

— Ҳайрон бўлманг, Ануфрий Иванович. Мен картиналарни кечқурун сунъий ёруғликда ҳам кўриб, фикр айтишингизни сўрардим,— деди ийманибгина.

— Жоним билан,— Ануфрий Иванович қўлини кўксига қўйиб розилик билдирди.— Жоним билан келаман.

Эртаси куни кечқурун Ануфрий Иванович картиналарни кўздан кечираётганда, уни ғалати бир туйғу қамраб олди. Кўпроқ деталларга эътибор бера бошлади. Куз осмони вазмин қўрғошин рангида берилгани диққатини жалб этди. Дарвоза ортида кўзга чалиниб турган боғдаги дарахтларнинг яланғоч шохлари ғамгин тебранаётгандек туюлди назарида. Ануфрий Иванович «Тун» картинасига тикилиб қолди. У картинадан кўз узганда ҳам кимнингдир ғам-андухига шерик бўлгандай, юраги сиқила бошлади. Бу картина инсон қалбининг аламли дамларини ҳикоя қилаётгандек эди. Ануфрий Иванович Шерали Алиевичга яқинлашди. Унга тикилиб турди-ю, аммо жазм қилган нарсасини ботиниб сўрай олмади. Айрим картиналардаги аламли ҳайқириқ онлари Ануфрий Иванович учун сирлигича қолди. У виставкага қўйиладиган картиналарни ажратиб олгач, Шерали Алиевичга миннатдорчилик билдириб, хайрлашди.

\* \* \*

Шерали Алиевич қабулхонага кирганда, «Геология юлдузи» қўлидаги икки конвертни устига «Директор папкаси» деб ёзилган жигарранг муқова ичига солаётган эди. У шоша-пиша ўрнидан туриб, тортмасидан калитни олиб, Шерали Алиевич кабинетини очди. Шерали Алиевич кетидан изма-из хонага кирди. Бояги жигарранг папкани унинг столи устига қўйиб, чиқиб кетаётганда, Шерали Алиевич уни тўхтатди:

— Бугун Совет — Ҳиндистон қўшма йиғилиши ўтказишимиз эсизда бор-а?

— Ҳа, Шерали Алиевич, ҳамма нарса тахт, бирор соатдан кейин кабинетни ўн-ўн беш минутга холи қолдирсангиз, жой-жойига қўярдим.

— Яхши, айтаман.

— Ҳўп бўлади, Шерали Алиевич, менда бошқа ишингиз йўқми?

— Йўқ, ҳозирча бўшсиз.

Шерали Алиевич унинг орқасидан кулиб қараб қолди. Бу абжир аёл қарийб ўттиз йилдан буён шу институтда ишлайди. Ҳамма ишлари доим саранжом-саришта. Айтган топшириқни ўрнига қўйиб бажаради. «Мана шу камтарин ходимлар катта ишларни бажаришга киши билмас улуш қўшаётганларини ўзлари билишармикин?»— Шерали Алиевич шу фикрни хаёлидан кечири туриб, ҳозиргина «Геология юлдузи» столи устига қўйиб кетган папкани очди. Хатлардан бири Австралия миллий университетида — геология профессори Браундан. Иккинчиси Ҳиндистондан, Ғарбий Бенгалиядаги Ҳиндистон технология институтидан. Шерали Алиевич хатларни диққат билан ўқиб чиққач, ўрнидан турди. Сейфдан муқоваси кўкиш дафтарни олиб, хатларни унинг ичига солди-ю, сейфни қулфлади. Жойига келиб ўтирди. Иш столининг четида турган катта папкасини очиб, кўздан кечириётган эди, эшик очилиб, останада яна «Геология юлдузи» пайдо бўлди.

— Кечирасиз, Шерали Алиевич, академиядан телефон қилишди. Меҳмонлар колхозга чиқадиган бўлгани учун биздаги йиғилишни белгиланган вақтдан ярим соат олдин бошлаш керак, дейишди.

— Яхши, биз тайёр!— Шерали папкани ёпиб, кулиб ўрнидан турди.

— Бўлмаса, менга ўн минутгина рухсат берасиз,— дея «Геология юлдузи» қабулхонадан оппоқ дастурхон олиб кириб, узун стол устига ёзди. Ҳар ер-ҳар ерга икки-учтадан Тошкент суви билан фужер қўйди. У яна бир марта столни кўздан кечиргач, кабинетдан чиқди.

Йиғилишда Ҳиндистон томонидан икки киши қатнашди. Шерали Алиевич йиғилишни очишдан олдин меҳмонларни қутлади.

— Бизнинг Ватанимизда меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон миллий Геофизик тадқиқот институтининг директори жаноб доктор Сутарам ва шу институт директорининг ўринбосари доктор Рамарао жаноблари институтимизга ташриф буюрганларидан ғоят мамнунмиз ва чексиз миннатдорчилигимизни қабул этгайлар.

Узун стол атрофида ўтирганларнинг оҳиста қарсақлари остида меҳмонлар ўринларидан туриб, икки қўлларини жуфтлаб, бошларига яқинлаштириб, таъзим этдилар.

Шерали Алиевич қордек оппоқ сочига жуда ярашиб турган оч кулранг галстугини тузатиб, йиғилишни расмий равишда очик деб эълон қилди. Унда Ҳиндистон—Совет ҳамкорлигида олиб бориладиган геолого-геохимик ва геофизик тадқиқотларга доир масалалар муҳокама этилди. Геология ва геофизика институтининг олтин қидирув ишлари бўйича жуда катта ва қимматли тажриба тўплаганини назарда тутиб,

Ҳиндистондаги олтинга бой жойларни ҳамкорликда тадқиқ этишга қарор қилинди.

Йиғилишдан кейин ҳиндистонлик меҳмонлар яна бир неча муддат қолишиб, Шерали Алиевич билан бўлажак делегацияларнинг состави ҳақидаги масалаларни ҳам келишиб олдилар ва лутфан унинг ўзини Ҳиндистонга таклиф этдилар. Шерали Алиевич миннатдорчилик билдириб, маслаҳатлашиб, жавоб беражагини айтди.

Жаноб Сутарам ўрнидан тураётиб, бир нарсани хотирлагандай, қайтиб ўтирди, портфелидан ҳинд тилида чиққан газетани олиб, Шерали Алиевич столига қўйди.

— Бу газетани жаноб Бхаттачариа Сизга бериб юборган эдилар. Сал қолса эсимдан чиқаёзарди. Сизнинг тўғрингизда «Олтин қум мўъжизакори» сарлавҳаси остида мақола бор. Мақолани жаноб Бхаттачариа ўзлари ёзганлар. Қизилқумни «олтин қум» деб таърифлаганлар. Сизни эса Қизилқумнинг олтин мўъжизакори деб атаганлар. Бизга ғоят манзур бўлди мақола.

Шерали Алиевич миннатдорчилик билдиргач:

— Жаноб Бхаттачариага кўпдан-кўп миннатдорчилигимни билдирарсиз деган умиддаман,— деди эҳтиром билан Сутарамга. У бирпас тараддудланиб тургач:— Сиздан илтимосим бор эди, малол келмаса.

— Эшитаман, қулогим сизда, жаноб Алиев!

— Яқинда у кишидан мактуб олган эдим. Бокситлар тўғрисидаги диссертацияси бўйича оппонент бўлишимни илтимос қилиптилар. Мен институтингизга жаноб Саниалга мактуб йўллаб, розилигимни билдирдим ва диссертацияни юборишларини сўрадим. Аммо шу пайтгача диссертация тезисларини олганим йўқ. Шунингдек, у киши ўша хатларида Бихар штати районида олтин учта тоғ жинси намунасининг абсолют (мутлақ) ёшини аниқлашни илтимос қилган эдилар. Биз у кишининг бу илтимосини ҳам бажарамиз, аммо маълум вақт ўтади. Шу' иш билан шуғулланадиган одамимиз бетоб. Энг сўнггиси — руда конлари қидириш ва уни баҳолаш методлари тўғрисида Ҳиндистонда ўқийдиган лекцияларимнинг инглизча вариантларини тайёрлаб қўйдим. Бу жиҳатдан ҳам хавотир бўлмасинлар.

— Жоним билан етказаман, жаноб Алиев, хотирингиз жам бўлсин. Аминманки, у киши сиздан ғоят миннатдор бўлади-лар.

Шерали Алиевич меҳмонларни кузатиб қайтгач, Австралия профессори Браун мактубига жавоб ёзишга ўтирди.

\* \* \*

Икки ойдан кейин Шерали Алиевич Ҳиндистондан расмий қақиріқ қоғози олди. Ҳамма ҳужжатлари тахт бўлгач, институтдаги баъзи бир чала ишларни поёнига етказди-ю, соат

тўртларда хайрлашиб, кўчага чиқди. Эртага Деҳлига учиши керак. Бугун чехраси хийла ёришган. Бундан бир соатча олдин Виктор келган эди. Докторлик диссертациясидан кейин Ўрта Осиё қадимий конларининг геология харитасини ишлай бошлаган эди. Китоб бўлиб чиқипти. Викторнинг Завқи бобо берган китоб тўғрисидаги гапи Шералини анча хушнуд этди.

— Сенинг олдингда қарздорман, дўстим.

— Нечук?

— Эсингдами, менга бир китоб берганинг.

— Хўш, хўш, иш бердим?

— Иш беришам гапми? У жуда қимматли китоб экан. Гарчанд дастлабки варақлари йўқолгани сабабли китобнинг номи ҳамда муаллифи номаълум бўлиб қолганидан қатъий назар, у чуқур тадқиқ этилиши зарур асарлар жумласига киради. Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар бўйича ишлайдиган бир ходими билан китобни таржима қила бошладик. Нурота минераллари ҳақида анчагина қимматли гаплар бор. Конлар тўғрисида ҳам нодир фикрлар баён этилган. Назаримда, уни алоҳида монография қилсак керак. Дастлабки тахминимиз шундай. Кўп масалаларга аниқлик киритадиганга ўхшайди бу китоб, дўстим. Бобониям Тошкентга олиб келиб, роса ўйнатдим. Аломат чол экан.

— Бир оғиз айтмайсанам!

— Тошкентда бўлсанг эди.

Шерали кулди.

— Ишқилиб сенга яраган бўлса, хурсандман.

Виктор кулиб туриб, портфелидан янги китобини олди. Автограф ёзиб, Шералига узатди. Сўнгра университетдаги ҳангомалар, Помир экспедицияси тўғрисида анчагача гаплашиб ўтиришди. Боқизода тўғрисида республика газетасида каттагина мақола чиқипти. Плагиаторликда айблашипти. Академияда ишда қолиш-қолмаслик масаласи бугун-эрта ҳал бўлармиш..

Декабрь ойи ўтиб кетаётганига қарамай, ҳаво жуда илиқ, ҳатто қуёш нури елкасини қиздираётганини сизди. Катта кўчани кесиб ўтиб, «Зарафшон» ресторанига етганида, октябрдаги скамейкалардан бирида ўтирган киши диққатини жалб этди. Қадамни секинлатиб, синчиклаб қаради. Кўзига иссиқ кўринди. Яқинроқ бориб, дурустроқ разм солган эди, ўнг рухсоридаги нўхатдек холига кўзи тушди-ю, юраги «шиғ» этди. Таваккалга шахдам юриб, олдида борди.

— Ассалому алайкум, меҳмон, хуш кепсиз биз томонларга,— деди у мумкин қадар мулойимлик билан қўл бериб кўришиб, ёнига ўтираркан.

— Ваалайкум ассалом, укам, тинч-омонмисиз?

— Раҳмат, адашмасам, Сиз Ёқуб акамасмисиз?

— Худди аши айтганиз, бахти қаро Яқубман, укажон!— У

бегона шаҳарда ўзини таниган одам топилганидан ҳайрон бўлиб, ола-кула кўзларини Шерали Алиевичга тикиб, ҳўнграб юборди.

— Қўйинг, йиғламанг, бўлади ҳаётда бунақа нарсалар.

— Э, ука, қандақ чидей, фарзандларим тан омаяпти, ҳаммаси юз ўгирди мendan.

Шерали: «Фарзандларинг улғаяётганда сен ўзинг қаерларда юргандинг? Энди қартайиб, бор-будингдан ажралиб, белингда кучинг, йўлингда боқувчинг қолмаганида фарзанд керак бўлдимми?»— деб узиб-узиб олмоқчи эди-ю, аммо ўзини босди. Ўлганнинг устига тепган бўлмасин деди. Ҳолига ачинди.

— Бу ерларда нима қилиб юрибсиз?— деди ниҳоят яна мулойимлик билан.

— Аравонга кетмоқчийдим, осмон узоқ, ер қаттиқ, иложини тополмай, икки кундан буян ер тимдалаб юрибман, ука.

Шерали ёнини кавлади. Иккита йигирма беш сўмликни олиб, қўлига тутқазди.

— Мана бунга ўзизга дурустроқ уст-бош олинг.— Яна битта эллик сўмликни узатиб:— Бунисини йўлкира қиласиз,— деди.

Ёқуб бир пулга, бир Шерали Алиевичга қараб, яна кўзёши қилди.

— Умрингиздан барака топинг, бола-чақаиззи роҳатини кўринг, Шерали. Бу бандаи ожиззи ҳолига итлар ҳам вой демасди. Раҳмат, ука!

— Марҳамат! Сиззи эшикка обориб меҳмон қилардим, эртага сафарга кетяпман. Бугун шунга ҳозирлик кўришим керак. Хайр, янаги кеганизда, идорага кириб,— деди Шерали Алиевич, институтнинг адресини тушунтириб.

У Ёқуб билан хайрлашди-ю, Қиров кўчаси томон юрди.

Шерали Алиевич кабинетига кириб, эртага олиб кетадиган нарсаларини бир-бир кўздан кечириб, ҳаммаси жой-жойида турганига ишонч ҳосил этгач, залда ясатиғлик дастурхон атрофида уни кутиб ўтирган оила аъзолари, дўстлари олдига чиқди.

\* \* \*

Шерали Алиевич тушган ҳаво лайнери Деҳли аэропортига қўнганда, ҳинд осмонидаги қуёш қизғиш нурлари билан борлиқни қиздирмоқда эди. Шерали Алиевич тралга қадам қўяркан, пастда қўл силкитиб турганлар орасида доктор Сутарам, Рамарао жанобларини таниди. Уларнинг ёнида яна икки киши табассум билан қўл силкитишарди. Шерали Алиевич ҳам қизғиш портфелини чап қўлига олиб, ўнг қўлини кўтариб силкита бошлади. У ерга оёқ қўйиши билан жаноб

Рамарао қўлидан портфелини олиб, қучоқлаб кўришди. Жаноб Сутарам ҳам кўришгач, уни қолган мезбонлар билан таништирди.

— Геолог дўстларингиз! Хуш.келибсиз, бизнинг диёри-мизга, серқуёш ҳинд тупроғига, жаноб Алиев!— Жаноб Сутарам барча мезбонлар фикрини ифода этгани учун уларга қараб қўйди.

— Раҳмат, дўстларим, ғоят хурсандман!— деди Шерали Алиевич инглиз тилида қувончдан порлаган кўзларини мезбонлардан узмай.

— Қани, марҳамат!— Сутарам ҳашаматли узун қора машинанинг олд эшигини очиб, Шерали Алиевични ўтқизди. Ўзи билан Рамарао орқа ўриндиққа жойлашиб олишди. Қолган икки мезбон орқадаги кулранг машинага ўтиришгач, қора машина оҳиста юриб кетди. Катта кўчага бурилгач, ҳар икки машина бошқа юзлаб машиналар оқимига қўшилиб, кўздан ғойиб бўлди.

#### **ХОТИМА**

Дунёда ҳеч бир нарса изсиз йўқолиб кетмаганидек, Шерали Алиевич қалбида куртак ёзган севги ҳам уни тарк этмади. Чунки муҳаббат ҳар қандай фаровонлик, бойлик ва битмас-туганмас хазиналардан қудратлироқдир. У ижодий фаоллик манбаи. Ҳатто рад этилган севги ҳам, зеро севги — абадий!

На узбекском языке

Сагдулла Караматов

ЗОЛОТЫЕ ПЕСКИ

Р о м а н

Редактор К. Қодиров

Рассом А. Кива

Расмлар редактори И. Кириакиди

Техн. редактор Т. Смирнова

Корректор Ш. Соатова

ИБ № 866

Босмахонага берилди 11.01.80. Босишга рухсат  
этилди 8.04.80. Р — 08985. Формати 60×90<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори  
босма. Шартли босма л. 17,5. Нашр л. 18,3+0,45  
вкл. Тиражи 60000. Заказ № 2505. Баҳоси 1 с. 40 т.  
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат наш-  
риёти. Тошкент, 700129. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети  
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли  
босмахонаси. Тошкент, «Правда Востока» кў-  
часи, 26.

Кароматов Саъдулла.

Олтин қум. Роман.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти,  
1980.—280 б.

«Олтин қум» — геологларнинг машаққатли, аммо шарафли меҳнати, бепоён қумликлар, тсг ва қирларда олиб борган изла-  
нишлари ҳақида ҳикоя қилади.

Караматов С. Золотые пески. Роман.

ББК 84Уз  
Уз